

МИРМУҲСИН

ҲИКОЯЛАР



ҚИССАЛАР

Ўз
М 55

Мирмуҳсин.
Ҳикоялар. Қиссалар. Т., Адабиёт
ва санъат нашриёти, 1972.
, 424 бет.

Мирмуҳсин. Рассказы и повести.

Ўз 2

Индекс 7-3-3

ХИЖОВЛАР



ҚУЛАМАС ҚОЯ

Жамалаксоч қизалоқ ботинкаси билан эшикни тепиб очиб, чулдираб, Жўрабек ака каравоти ёнига келди. У жимжима бармоқларида бир нимани маҳкам қисиб турарди. Кеча ҳам бир ниначи қанотидан ушлаб, «шундоқ яхши нарсани буvasига туҳфа» қилган эди. Яна ниначи гутиб келибди хаёл қилиб: «Учириб юбор, оппоқ қизим» деди Жўрабек. Қизалоқ бўлса уни бобосининг бурнига, мўйловига суркарди. «Ҳоу, ўлдириб қўясан, учириб юбор, жон қизим...» — деди у бир томонга ағдарилиб. Қизалоқнинг митти қўлида ниначи эмас, бир доға бинафша бош эгиб, кулиб турарди. Жўрабек тетикланди: «Қизимдан ойнонай, қани бир ҳидлат, оҳ-оҳ... омонлиқ-сомонлиқ...». Бобо неварарага ҳам, бинафшага ҳам тикилди — дунёда бундан ҳам гўзал нарса борми! У неварара сочларини оҳиста силади, назарида бугунги кун яхши ўтаётганга ўхшади. Узундан узоқ хаёллари ҳам тарқаб кетди; ёшлигида замбил-замбил узум олиб чиқиб, шинни қилишганини — шинни қумоғи асалдан ҳам афзаллигини эслаётган эди. Зухур сарроф бир мис тоғора норинни еб, ўзини ҳовузга ташлагани — сувнинг юзи керосин сепилгандай милт-милт ёғ бўлиб кетганини ҳам эслади. Ушша кезлари унинг ўзи ҳам овқатни яхшигина ерди. Хўп қизиқ вақтлар эди-я.

Жамалаксоч бинафшани бобосига туҳфа қилиб, яна кийикдек сакраб-сакраб ташқарига чиқиб кетди; бобонинг хонанишин бўлиб қолганидан фақат шу қизалоқ курсанд эди — ахир у энди ҳеч зерикмайди. Айлаиб ке-

либ, севикли бобоси билан гаплашади. Ахир шундоқ яхши бобо кимда бор?!

Бундан бир ҳафта бурун Жўрабек акани касалхонадан уйга олиб келишди, бола-чақаси ёнида бўлгани яхшироқ... дебди докторлар. Олти ой мобайнида икки операция бўлди. Москвадан профессор келиб кўрди, лекин натижа унча бўлмади. Докторлар уйга кетишга рухсат берганида у ўзини анча яхши сезаётгандек эди. Иштаҳа йўқлиги — томоқ ўтмаслигини ҳисобга олмаса, ўзи унча оғир эмас эди. Баъзида қорни қаттиқ оғирди. Касалхонадан кетиши сабабини хотини, ўғил-қизлари аниқ билишди. Буни Жўрабекнинг ўзи ҳам яхши биларди — аммо ўзи билишлигини фарзандларига асло билдирмади. Оила аъзолари бўлса, даҳшатли дардни отадан мутлақ пинҳон тутишарди. Жўрабек уларнинг пинҳон тутишаётганини ҳам биларди. Видолашув соатлари яқин эканлигини ҳам яхши биларди. Лекин у буни ҳеч билмасликка, борган сари яхши бўлаётганини хотинига, ўғил-қизларига айтарди.

Жўрабек ёстиққа бош қўя туриб, бирдан юраги орқага тортиб кетди; наҳотки у ўлади!

Очилиб қолган эшикдан баҳор шабадаси кирди; Жўрабек ҳовлига қаради, этда-бетда увада қорлар сочилиб ётарди. Тут тепасида бир қарға бўйнини чўзиб, жонжаҳди билан қағиллаб, қор чақирарди. Уни яна хаёл қуршади; ўттизинчи йиллари Шаҳрихонда қулоқлар отди — ўқ биқинидан кириб, чиқиб кетди. Лекин душман уни ўлдиролмади. Жўрабек кўзлаган мақсадига етди — азамат деҳқонлар билан бирга колхоз тузишди. Қири биринчи йили Жўрабек шинель кийиб, қўлига қурол ушлаб, Улуғ Ватан урушига кирди. У кўксини қалқон қилиб, юртини ҳимоя қилди. Бердичев шаҳрини озод этишда, ёнгинасида портлаган бомба уни тупроққа қориштирди — кифтини, бир оёғини мажруҳ қилди. Яқин-яқингача унинг танида металл-осколка парчаси ётарди. Фашистлар уни ўлдира олмади. Улар танк билан қувишди, самолётдан отишди, дабдала қилишди, лекин Жўрабек ўлмади. Уни рўйнатан дейишарди, яъни ўлдириб бўлмайдиган инсон. Унинг тани зирҳга айланган эди. У кўксига Қизил Юлдуз ордени тақиб, ғалаба билан Ўзбекистонга қайтиб келиб, севикли касби — ўқитувчилигини давом эттирди. У диссертацияси ўстида иш олиб борди..

Мана, жамалаксоч невара туҳфаси — бир дона бинаф

ша ёстигида туриб, муаттар ҳид тарқатарди. Олам яшармоқда, новдалар бўртиб, қушлар тинмай сайрайди...

— Мен тузалиб қоляпман,— деди Жўрабек кўргани кирган ошнасига, — бугун ўзимни енгил сезяпман. Озгина овқат ҳам едим.

Улар анча вақтгача ўтган-кетгандан гаплашиб ўтиришди. Қадим Мирзаабдуллабой кичик хотинини «учта-лоқ» қўйгани-ю, халалага Жўрабек аралашганини эслашиб, роса қотишди. «Тсс... Секинроқ гапир...» бармогини лабига босди Жўрабек. Ингитлигида бедана боққани — Асқар полвоннинг беданасини қочирган туллаги жуда қизиқлиги, қўйнига солса кўксигаги холини чўқнишини ҳам айтиб кулди.

Эртасига Жўрабек секин ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Отпускадаги катта ўғлига белкурак бериб, ер кавлатди. Кузда илдизини кўмиб қўйган оличаларини кўчага — йўлка четига эктирди. Ҳовлига ҳам бир неча туп олма кўчати эктирди. Ўзи илдиз ҳаво олиб қолмасин, дегандек қилиб, тупроқларни босиб, шиббалади.

— Сизга нима бўлди, қўйинг-е,— деди аччигланиб Сабоҳатхон.

— Кўп ваҳима қила берма, нима, мен ётган касалмидим! Касал деган нарса ҳам иш ёқмасларга ёпишадим, — деди Жўрабек хотинига ҳазиллашиб.

Сабоҳатхон юрагида таажжуб ва ачиниш. У Жўрабекка сўз топиб беролмай, ичкари хонага кириб кетди. Жўрабек ўғли билан олича экиб, чарчади; у баридаги тупроқларни қоқиб, юз-қўлини ювиб, каравотга чўзилди. Эртасига эрта билан у яна белкурак ушлаб кўчага чиқди; икки туп олича экиб, яна чарчаб ётди. Эртасига астойдил йўлини тўсган Сабоҳатхонни жеркиб ташлади: «Менинг запасдаги офицер эконлигимни биласанми?! Фронгда буйругимни бажармагани шартта отиб ташлашим мумкин эди!!!» Сабоҳатхон лип этиб уйга қочиб кириб кетди. Бир оздан кейин жаҳлдан тушган Жўрабекка ўз сўзи таъсир қилди: «Ҳой, Сабоҳатхон, бу ёққа чиқинг, азизим, хафа бўлманг, бир жаҳлим чиқди-да...» Сабоҳатхон кулиб ҳовлига чиқди: «Пайқадим, адаси, тагин отиб қўйманг, дедим...». Улар қаҳқаҳ уриб кулишди: «Э, жонингдан айнанай хотин, манда тўппонча нима қилсин, ҳозир икки қўлимдан бошқа оғирлигим йўқ...»

Жўрабек ер қазинётган ўғли тепасида белкуракка тираниб турарди. Ўтиб кетаётган қўшнисини бир нима де-

гандек бўлди. Жўрабек мулоҳимига кулди: «Бир ҳисобда гапнингиз тўғри — умид билан жаяпман. Албатта мевасини еймиз. Мевага кирган дарахтларим ҳам кўп. Ҳа, мен анча йиллардан буён кўчат экаман, хонамга китоб йиғаман. Баъзилардек олтин безаклар, хрустал идишлар йиғмадим...»

Шамба куни бирдан ҳаво айниб, шамол туриб, охирида ёмғир ёғди. Кечга бориб ёмғир қорга айланди. Эрта билан жамалаксоч дераза ёнига желиб ҳовлига қаради, ҳамма ёқ ошпоқ қор. Қизалоқ хурсанд бўлиб кетди — энди маза қилиб чана отади. Жўрабекнинг таъби тирриқ бўлди; хайрият, токни очмаган экан. Аммо оличаларини ўтқазиб қўйгани яхши бўлди! Куининг ўрталарида дўсти — профессор Воҳидов кириб келди. Бу одамни жуда ёқтирарди — улар қарийб йигирма йилдан буён қалин ошна эдилар, бир-бирларини «сенлашарди».

— Азизим, астойдил ётиб олдингми?

— Мундоқ қарасам, ёлчитиб ётмабман. Мана энди вақтида қилинмаган ишларни қилипман...

— О-фарин, офарин! Бутун коллективдан сенга салом! Узингни кўп уринтирма, Бек. Шундоқ бўсин, ойнониб кетай. Деҳқончилик яхши нарса, лекин ўзларига жиндек ҳам қарасинлар! Қасалингизни ҳисобга олмаганда ҳам, ёшингиз борадиган жойига бориб қолган...

— Сизлашибддан, мени сўкмоқчига ўхшайсан?

— Сани сўкиб бўладими, тишингнинг оқини кўрсатиб қоласан-ку...

— Хо-хо-хо-хо... Сенга ҳам касалимни ваҳма қилишганга ўхшайди.

— О-фарин, васвасага тушиш сенга, именно сенга ярашмайди!

Жўрабекнинг шу куни кайфи яхши бўлди, азиз дўсти ёнида оз-моз овқат ҳам еди, айниқса академик Греков китобининг янги нашрини ола келгани гоятда хурсанд қилди. Воҳидов кетганидан сўнг анча вақтгача китобни varaқлаб ўтирди. Ярим кечага бориб яна оғриқ тутди. Тонг отгунча қийналиб чиқди; хотини, қизи ҳам мижжа қоқмай чиқишди. Жўрабек яна уч кун эшикка чиқмади, тўртинчи куни ҳавонинг чарақлаб очилиб кетгани — қорларнинг қантдай эриб кетгани завқини қўзғатди; қориндаги зирқирашга ҳам қарамай, ташқарига чиқиб, тиниқ мовий осмонга қаради; навбахор ҳавоси-

дан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ҳамма ёққа ёйилиб ётган офтобга боқди — ҳамма ёқда нур. Баҳор қандай яхши — пириллаб учиб юрган чумчуқларга кўз ташлади. Бугун ёки эрта лайлак ҳам келиб қолади, эҳтимол келгандир... У, Сабоҳатхон олиб чиққан юмшоқ стулга ўтирди. Илгари бундай, номинг қурғур, касал бўлмаганмикан? Аждар уни ютганида ичидан тешиб чиқарди, лекин, бу чирмашган илонни наҳотки юлиб ташлолмайди!

Эртасига бир гуруҳ студентлар Жўрабекни кўргани келиши; уларнинг айтишича, ўрнига кираётган доцент Олмосбоев бир вақтлар ўзи ҳам профессор қўлида ўқиганини фахр билан айтибди. Бу гап Жўрабекни хурсанд қилди. Ешлар хайрлашиб чиқиб кетгач, ўрнидан туриб иш кабинетига кирди; полдан шифтгача китоблар, китоблар... У яна айвонга қайтиб чиқиб, юмшоқ креслога ўтирди. Шу пайт пасту баланд бўлиб икки хотин кириб келди. Улар узоқ уруғларидан бўларди. Омонлашгандан сўнг Сабоҳатхон уларни ичкарига олиб кирди. Дастурхон ёзди... Хотинлар қақиллаб гаплаша кетишди. «Инимизни касал деб эшитдик... Аперация бўптилар, ракни ёмон дард дейдилар. Ишқилиб худо шифо берсин...» Уларнинг бири олиб, бир қўйиб қақиллаши Жўрабекка шундоқ эшитилиб турарди. Улар ичкари хоналарга кириб, уй жиҳозларини ҳам кўздан кечиришди.

Жўрабекнинг негадир исаги шигиллаб кетди; ҳа, бу ёмон дард — унинг саноқли кунлари қолгани рост. Лекин бу икки уруғининг қақиллаши, «нималари бор экан» дегандек ҳамма ёққа олазарак бўлиши энсасини қотирди. «Ўтган умримдан шикоят қилмайман, улар бекорга кетмади, мазмунли ўтди...» деди ичида Жўрабек.

Шу куни кечга яқин, Сабоҳатхон йўқлигида итгифоқо эшик тақиллаб қолди, у дарҳол ўрнидан туриб борди. «Мулла амати, дўхтий чақийиб бейинг». Тили чучук қора бола пиллапоя устида турарди. «Нима қилди, ўғлим?» Жўрабек болани етаклаб кўчанинг нариги бетига ўтди. Дарвоза ёнида турган кампир дарҳол Жўрабекка мурожаат қилди: «Омонмисиз, болам. Малол келмаса, доктор чақириб беринг, келинимни дард тутяпти...». Жўрабек шўлаҳза орқасига қайтиб келиб телефон қоқди.

Инсон, дунёга келяпти — демак, ўлмаймиз.

Орадан кўп ўтмай: кўчада медицина «Тез ёрдам» машинаси пайдо бўлди.

Жўрабек яна креслога чўкди — андак кўнгли таскин топди. У ўйга толди; ёш дарахтлар кўкаради, чақалоқлар катта бўлади... Лекин инсон ўлмасайкан. Табиат қонуни қанчалик бешафқат! Мен ўлмайман, мен тупроққа қўшилганимда ҳам яна гуллар томиридан кўтарилиб, гунча ёзаман, умр бўйи боқиб ўрганганим қуёшимни кўраман. Мен — баҳор томчиларида ерга тушаман, яна гиёҳлар томиридан юқорига кўтарилиб ёруғ дунёга қарайман. Ҳа, мен ҳеч йўқолиб кетмайман!

Шу ҳафта Жўрабек ўзини анча оғир сезд; ўзини уринтирмай ётди, баъзан ҳовлига чиқиб новдалари бўртаётган атиргулларга тикилди, ўзини офтобга солди. Тўйиб-тўйиб палов еёлмагач, тўйиб-тўйиб нафас олди. Душанба, сешанба кунлари сафро ташлаб, руҳи ёришган кишидек анча энгил тортиди. Тўққизинчи синфда ўқийдиган невараси бугун мактабда ота-оналар мажлиси борлигини айтиб, бобоси бирга боришини сўради. Она дарҳол эътироз билдирди: «Эсинг борми, болам, отанг бетоблар-ку...» Жўрабек кулди: «Мен бетоб эмасман, ўзимни жуда яхши сезяпман. Чарчашим, бу кексалик... Нима, ғунан бўлиб сакраб юрсам соғу мундоқ ётсам касалми? Бораман».

Жўрабек кечга яқин невараси билан бирга мактабга кириб борди. Мактаб ўқитувчилари хаста профессорни иззату икром билан кутиб олиб, юмшоқ диванга ўтқазди. Мажлис бошлангунча, бир неча ёш муаллим Жўрабек атрофини ўраб, уни гапга солди. Афтидан, уларнинг бири тарих муаллими бўлса керак. Юқори синф ўқувчиларидан ҳам баъзилари суҳбатга қулоқ соларди.

— Менга бир нарса ёқмайди,— деди Жўрабек кўз-сўйнаги тепасидан мўралаб,— шартта сўзлигим учун олдиндан уэр сўрайман...

— Марҳамат, марҳамат, устоз,— деди ёш тарихчи йнгит.— Сиз билан суҳбатлашишни жуда-жуда истаймиз...

— Бошқа халқлар тарихи каби бизнинг тарихимиз ҳам ғоятда бой ва жуда узоқ асрлардан бошланади. Уни қисиниб-қимтиниб, камбағал қилиб айтасизлар, ахир болаларимиз фахрланса арзигулик тарихимиз борку. Эски Тошкент атрофидан қазиб олинган — тошга айланган дарахтнинг тарихи саксон минг йил... Мелоддан анча илгариеқ бу замин фарзанди Широқ чет эл

босқинчилари йўлини тўсган. Бир минг бир юз йил илгарн Фирдавсий «Бимолид Шоши камонро ба даст, Ба чарми гавазн андар овард шаст...» деб Тошкент ҳунармандларини улуғлаган. Беш юз йил аввал Улугбек тузган жадвал ҳозирги замон коинот илмига асос солади ва у бир неча минутгина фарқ қилади. Икки минг йил илгари ҳам водийда пахта экилган. Шуларни кенгроқ, яхшилаб айтиш керак. Бельгиялик Гольберг деган олим эллик йил аввал йигирма доривор гиёҳни тәпиб, ишлатгани учун Брюсселда катта ҳайкал қуришди. Лекин ғарбликлар «Ал-қонун»да улар минг йил аввал айтилганини тилга олгулари келмайди. Буни очигроқ тушунтириб айтиш, ғарбликларнинг тирриқлик билан тарихимизни оёқ ости қилишига йўл қўймаслик керак! (Жўрабек андек сукут қилди.) Мен қизиқишиб кетмадимми? Хато гапирмадимми?

— Асло. Жуда тўғри айтдингиз.

Жўрабек анча вақтгача суҳбатлашди. Кўнгли тинчимай орқасидан келган Сабоҳатхон ташқарида уни кутиб ўтирарди.

Кейинги кунлари Жўрабек тамоман овқатдан қолди. У кун бўйи атиргул ҳидлаб ётарди. У ниҳоятда озиб, қуруқ суяк бўлиб қолди. У масалага яхши тушунарди... Лекин унинг юрагидаги армони — ўзига чирмашиб ётган илонни ўлдирриш. Бу унинг қўлидан келади, аммо кошкийди ҳамма илонларни ўлдирди олса. Қандай яхши бўларди. У деразадан қарайди. Оличалар оппоқ гуллабди.

Илк баҳор кунларининг бирида жамалаксоч қизалоқ ҳар кунги одатидек, бугун ҳам эшикни ботинкаси билан тепиб, ичкари кирди. Лекин шу лаҳза онасининг танбеҳи ёдига тушди — у бобосини уйғотиб юбормаслик учун ислда оёғининг учи билан юриб бобоси тепасига борди. Ҳар доим юзига оқ рўмолчасини ёпиб ухлайдиган бобоси ёстуғига бир дон атиргулни қўйди, уйғонса ёстуғидан гулни олиб қидлайди, «оппоқ қизим, жамалак қизимдан ойнонай, дунёда энг чиройли қизим» дейди.

Лекин севикли бобо уйгонмади. Шу кунни бутун шаҳар оёққа турди, кўчалар одамларга тўлиб кетди. Кўчаларда трамвайлар, автомашиналар тўхтаб қолди, одамлар дарёси устида қалқиб келаётган кичкинагина қайиқчага ҳамма йўл берди... Шу тумонат ичида икки киши боши қуйи, бир-бири билан гаплашиб келарди:

— Шамдек энг охиригача нур бериб қулади...

— Қулади деб бўлмайди, у тоғ тўлқинларига бардош беролган қуламас қоя. Унинг ўзи айтганидай, у бир илонни янчиб ўлдириб ўлди. Нияти ҳамма илонларни янчиш эди...

1964 йил

БИР ХУМЧА ТИЛЛА

Одам борки, одамларнинг нақшидур,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур.

Навоий

Хадеб тошга қадала бергач, Ҳожи буванинг зардаси қайнаб белкуракни отиб юборди. Териб қўйилган япалоқ ғиштлар устига чўкиб, томирлари ўйнаган, қалтироқ қўлига мўлгина нос тўкиб, тил тагига отди. У ёқ-бу ёғига аланглади: анча нарида бульдозер кучаниб-вағиллаб девор бузарди. Ногаҳоний зилзиладан не кунларга қолдик дегандек маънос атрофига мўлтиллади чол. Ҳукуматчилик-да, агар бурунги замон бўлганда, ўлат тарқалиб кетарди — қайси бек камбагалга уй солиб берибди! Ер деган нарса ҳам асов отдек ирғишлай берса бир ёмон экан... Ҳожи бува оғзидаги носни пуркаб ташлаб, қўлига теша олди. Жон-жаҳди билан яна ғишт кавлай бошлади. Қарилик шундай бўлармикин — у тўртта «мусулмон» ғиштини қолдириб кетгуси келмай, эрталабдан буён унчаларди. Бу бир сиқим тупроқ билан тўладиган кўз тирикликда ҳеч нарсага тўймас экан-да! У терга ботиб, юраги гурс-гурс уриб, чакка томирлари ўқлогидек ўйнаб кетарди, лекин битта қўймай ковлаб оларди. Уртаси тешик ғиштнинг тупроқларини қоқиб, хаёлга толди — даҳлиздаги ҳаник ғишти, ҳовлини Иной бойваччадан сотиб олганида ҳам шу ҳаник бор эди...

Ҳожи бува кампири билан ўғлининг участкасига кўчиб келди. Узининг айтишича Госстрахдан, ишлаб пенсияга чиққан идорасидан пул берилди. Зилзиладан қулаган эски иморат пойдеворидаги япалоқ ғиштлар қолиб кетмасин деб уч кундан бери тупроқ ковларди. «Ҳой, чол, буюрмаган нарсани оламан деб, ўзингизни койита

берманг. пойдеворни Иной бойвачча қўйган»— дерди кампир. «Уша Иной бойваччадан бир юз олтмиш сўлкавойга сотиб олганман, ўз ҳаққим!»— дерди кўзини олакула қилиб Ҳожи бува, ҳозир бунақа ғиштлар топилмайди, теша билан урсанг жаранглайди-я!

Буванинг қалтироқ қўлларида қандайдир фавқулодда куч пайдо бўлиб, ерни чуқурлай бошлади; энгашиб кафтлари билан тупроқни олиб ташлар, суяк бўлиб кетган тирноқларини ерга обдон ботирарди. У тешанинг учи билан ғиштни тортиб оламан деган эди, бир нима синди. Ҳожи бува бундоқ қараса — хумча... Хумчани ярмигача очди, ичида олтин тангалар... «Ё, қудратингдан!»— чолнинг кўзлари ола-кула бўлиб, ағрайиб қолди. У ёқ-бу ёғига қаради, кимса йўқлигини пайқагач, хумча ичига чанг солди; бир ҳовуч олтинни олиб, унга тикилди; ҳа, Николай пошшо сурати солинган ўн беш сўмлик олтинлар... Ҳожи бува чангалидаги тилла тангаларни яна тўкиб, хумча устига синиқ сополни ёпди-да, дарҳол устига тупроқ тортди. У ўрнидан гандираклаб туриб, белкуррак билан чуқурни кўмди. Тезда бошқа жойни ковлаб, хумча устига япалоқ ғиштлар уйиб устига ўтирди. Нима қилса экан? Хумчадаги тиллаларни белбоғига тўкиб, пастқам кўчалар билан уйига жўнасинми? Ёки бориб милицияга хабар қилсинми?

Ҳожи буванинг юраги дук-дук ура бошлади. У ҳайрон, чор атрофига аланглар, нима қилишини билмасди. Қоронғуга қолмай уйига жўнасинми? У жўнаса-ю пайт пойлаб турган бирор кимса ковлаб олиб кетса нима бўлади? Йўқ, деди у ўрнидан туриб, бу нарсани ҳукуматга топшириш керак — бу халқ мулки. У яна ўйлаб қолди; бу кимнинг тилласи экан, ким уни ерга кўмди? Иной бойвачча бу ишни қилмасди — у қиморбоз ўтган. Шаҳобиддин чопонфуруш кўмганмикан?..

Чол беихтиёр яна носотди — бош кўтариб ўйга толди. Почтада узоқ йиллар ишлагани, ундан аввал — йигирманчи йилларда пўстин тиккани, ўша йиллари Тошкент эски шаҳар мўйнадўзларига икки мингга яқин пўстин тикиб бериш топширилиб, бу ишни бажарганликлари учун справка берилган эди. Ҳожи Шоқуловга берилган справкага М. В. Фрунзе қўшинининг Штаб бошлиғи Петров имзо қўйган эди. Саргайиб, букланган ерлари қийилиб кетган бир варақ қоғоз Ҳожи бува қутисида эҳтиёт сақланарди. Буванинг бир ўғли урушда

қурбон бўлди, бир ўғли заводда ишлайди — ёмон яшамайди, турмушидан шикоятчи йўқ. Шикоятчи бўлса фақат қариликдан, хасталикдан. Қарилик мўрт — баъзан униги қалбига маъшар даҳшатлари ҳам чанг солиб, худо деб қўярди...

— Ўрнидан тур, Ҳожибой! — деб хитоб этди бирдан чол ўзига ўзи. У ўрнидан туриб, шаҳар милицияси бошқармаси томон кетди. Тилла экан-ку, ҳукуматдан жонини аямаган ўзбек тиллани аяйдими! У бузилиб, текисланаётган вайронадан катта кўчага чиқди; гавжум тротуарда — одамлар ичида кета бошлади. У бошқалардек илдам юролмас, лекин юрагидаги тўлқин уни яна ҳам тезроқ боришга ундарди. Орқасида шовқин кўтариб келаётган йигитчалар ундан ўтиб кетишаётди, кимдир туртиб юборди. Чол мункиб ўзини аранг тутиб қолди. Офтобда ҳам ёқа кўтарилган, кўкрак очиқ, кичкина радиони бақиртириб кетишаётган ёшлардан бири буванинг гандираклаб кетганини кўриб «Пардо-о-он», дедида, яна йўлида кетаверди. Ҳожи бува ғазабланди. Салом қани? Кексаларга йўл бериш қани? Чол ўйлаб қолди; тиллаларни ҳукуматга берсам... Мана шу беодоблар ҳам давлатнинг нонини ейди-ку! Йўқ, булар қуруқ нонини эмас, унга икки энлик сарийғ ҳам суртиб ейдилар. Бермайман, фикримдан қайтдим, деди чол ўзига ўзи. У йўлини ўзгартириб, уйга жўнади. Уйга келиб ювинди, ҳеч кимга ҳеч нима демади. Кўзлари устига қайрилиб тушган пахта қошларини бураб, соқолини қайириб чайнаб, хаёл сурарди. Кампир ҳам, неваралари ҳам ҳайрон — отага бир бало бўлдимми? Жиндек чиройи очилармикан деб кампир: «Ҳой, отаси, Норқўзи неварангиз кутиб ўтириб кетди, сизга йигирма сўм қолдирди», — деди. Ҳожи бува иккита тахи бузилмаган червонга бир қаради-ю. «олиб қўя қол» дегандек имо қилди. Кампир ҳайрон. бундоқ червонларни қуръоннинг ичида сақлайдиган чолга нима бало бўлди?

Бува миқ этмай тасбеҳ ўғирар, ҳеч кимга гапирмас, имо-ишора билан жавоб қиларди. У шу ҳолда ётиб ухлаб қолди. Эрта билан — остонада азон айтадиган Шақшақ сўфининг қўли қуримай ўрнидан туриб ўтирди. Ногоҳ буванинг қулоғига огир юк машинасининг гувиллагани, залвар билан шағал тўкилгани эшитилди. Узоқ узоқларда баланд кранлар турибди, соат саккиз бўлиши биланоқ улар ҳаракатга келади — неча минг одам узоқ

ЗИЙОУЗ
Китоб № 15933
Дар...

шаҳарлардан ёрдамга келди-я! Иссиқ уйини, бола-чақасини ташлаб Тошкентга келди. Унча-мунча зилзиладан бузилмайдиган қилиб уй қуриб беряпти. Давлатимизнинг ҳам бағри кенг — пулни ҳам тўкиб ташлади. Андижон зилзиласида Нуъмон ака деган одам элдан пул тўплаб келиб Тошкентдан кетмон, белкурак олиб кетган экан... Шундоқ ҳукуматимиздан нарса аяган одам кўрнамак!

Бува наридан-бери чойини ичиб, яна йўлга тушди. Омопатни иссиғида эгасига топшириш керак — у катта кўчага чиқиб йўл-йўлакай Қориникига кирди. Қори деганимиз Қудратхўжаев бўлиб, эски партизан, ўн саккизинчи йилдан буён КПСС аъзоси, пенсионер, гражданлар урушида бир кўзини ўқ ялаб кетган. Ошналари ҳазиллашиб «Қори» дейишарди. Ҳар галгидай хурсанд, чақнаб қарши оладиган дўст бу гал айвонда хомуш ўтирарди. У Ҳожи бувани кўриши биланоқ, бўшашди.

— Э, келсинлар, нечук?..

— Кўргим келди.

Қорининг хотини дастурхон ҳаракатида юрганида, у гап бошлади:

— Маҳаллада, чойхонамизга беш-тўртта бекорчи, текин томоқлар уя қуриб олган. Шунга гапирсам Шобурҳонга дамком ёнини олиб, сўзимни ерда қолдирди. Хафа бўлиб кетасан, киши!

— Бориб, райкомга айтиб бўлмайдими?!— Ҳожи буванинг кўзи ёниб кетди.

Бува таассуф ичида бош солиб, жим қолди. Ўртага сукут чўкди. Қизалоқ чой, қант-курс олиб келиб хонтахта устига қўйганида, улар беихтиёр бош кўтаришди. Чойдан кейин Ҳожи бува Қорига тасалли бериб, хайрхўшлашиб кўчага чиқди; ўша қаллобларга берадиган тиллам йўқ, деди ичида. У тўппа-тўғри бульдозер текислаётган майдонга келди. Чуқурликдаги япалоқ ғиштларга қаради — бу эски ғиштлар остида бир хумча олтин ётибди, буни Ҳожи бувадан бўлак ҳеч кимса билмайди. У яна асрлар бўйи бунда қолиб кетиши мумкин. «Наҳотки баъзи ёмон одамлар ҳам давлатдан мойна олади-я. Шуларга хумчадаги олтиндан бериб бўладими?..» У ғиштга ўтириб ўйлаб қолди; бошида фикрлар талоши авж олди. Хумчадаги олтиннинг ҳаммасини, бир донасини ҳам хато қилмай давлатга бергуси келарди — давлат мулки эканини ҳам тушунарди. Аммо олтин тан-

галардан биронгаси безориларга, қаллобларга тушинишни истамасди.

Нима қилиш керак? Наҳотки, кексаларни ҳурмат қилмайдиган, бетайин баъзи тасқаралар ўз ишини маъқул билиб юра берса! Бундоқ ёшларга катта давлатни — қанча шаҳарлару, заводлару, аэропланлару, богрогларни... топшириб бўладими? Озодликка чиққунча озмунча қон тўкилдими! Пўконидан ел ўтмаган бу ёшлар тайёрга айёр бўлгани бир ёқда турсин, туртиб, ҳақорат қилгани, «пардон» деганига чидаб бўладими! «Э, пардонинг бошингда қолгурлар!»

Лекин бари бир Ҳожи бува қалбида ҳамма вақт айтиб юрадигани Шўро ҳукуматига эътиқоди туганмас эди. Баъзан ўзига ўзи, «Ҳа-а-а, хўўп, ибрат олиш керак, келиб-келиб швед ёки немиснинг боласиданми? Нега ғолиб халқнинг фарзандидан улар ибрат олмасину, Фарбдаги қайси бир ресторан атрофида пайдо бўлган олифталарга тахассиб қилишса! Бу қандоқ бедодлик!»

Ҳожи бува ўрнидан туриб, уйига қайтиб келди — куфр бўлиб, кампирни жеркиди:

— Сен ҳам ўша неваранг Робертнинг ёнини оласан (Рўзи деган ўз номини Роберт қилиб олган эди), ичиб, мотоцикл учгани-учган. Тарилламай ўл! Булардан хабаринг йўқ. ахир, қандоқ қилиб хумчани берай?

— Қанақа хумча?— ҳайрон бўлиб сўради кампир.

— Хумча!— деди бақириб Ҳожи бува,— қанақа хумча? Хумча дедимми? Хумча деганим йўқ? Менда хумча нима қилади! Кулоғингга шундоқ эшитилгандир!

— Хумча дедингиз, ахир, ман карманми? Ануғ-тануғ эшитдим, хумчани нега бераман дедингиз.

— Деганим йўқ. Агар деган бўлсам янглиш айтганман!

— Ё тавба! Сизга бир нима бўлдими?

— Э, сен мени кўп куткилай берма!! Жонимдан тўйде-е-ем! Яна хуноб қила берсанг талоқ хатингни бериб юбораме-е-ен!

Кампир анчагача ҳайрон бўлиб, дам ошхонадан, дам айвондан, дам йўлакдан чолга мўралаб, таажжубланарди: «Бир бало бўлганми? Кечадан бери айниб қолди...»

Кечга яқин келини Қумринисанинг кўзи ёриганини хабар қилишиб болалар келишиб қолди. Боласи терс ётгани, ўзининг порок касалилги сабабли у бир ойдан буён туғруқхонада ётарди. Биров Қумриниса, деса кам-

пирнинг юраги шигиллаб кетарди, юраги така-пўка эшикка қарарди, баъзан ўтирган жойида Чилонзор томонга — келини ётган туғруқхона томонга «лоҳовла...» ни айтиб дам соларди.

Кампир ҳўнгиллаб йиглаб юборди. Туғиши оғир бўлганини, докторлар кечаси билан ухламай, зўр-базўр Қумриниса ҳаётини сақлаб қолганини ҳам йиглаб гапирди. Бир вақтлар, Норқўзига иккиқатлигида Шорохова деган доктор ҳам ўзига шундай яхшилик қилганини гап ичида айтди. Яқинида катта министрлар, профессорлар қолиб, шу доя хотин Ленин ордени билан мукофотланганини, ҳукумат ҳам кимни тақдирлашни яхши билишини гапга қистирди. Ҳожи бува қулоғи динг, ҳаяжонланиб ўтирарди. У ўзига ўзи далда берар, битта-яримта ярамас шахс — Шўро ҳукумати деган гап эмас, яхши одамлар тўлиб ётибди...

Чолнинг чеҳраси очилиб, телевизор ёнига келди — яхшигина концерт берилаётган эди, маза қилиб тинглади. Ундан кейин кўзойнак таққан кексагина бир аёл Самарқанд, Бухоро, Хева тарихий ёдгорликларини эҳтиёт сақлаш — неча асрлар оша бизга етиб келган бу обидалар халқ мулки, халқнинг миллий ғурури эканини айтди. Самарқандда баъзи ёдгорликлар янги қурилаётган бинолар орқасида қолиб, уларга путур етмоқда, деб архитекторларни койиди. Ҳожи бува беихтиёр: «Отанга раҳмат!»— деб юборди.

— Ҳей, Аҳмаджон! Қаёқдасан, бери кел! Бу доно аёлнинг исми нима? Қулоқ солиб тур, болам!

— Профессор Пугаченкова,— деди неvara гапнинг охиригача тинглаб туриб.

— Ақлли хотин экан, омон бўлсин!

Ҳожи бува шу туни роҳат қилиб ухлади — ҳаммомдан янги чиққан кишидек тан-жони ҳузур қилди. Саҳарлаб туриб, кампирдан: «Милиция идораси соат нечада очиларкин?»— деб сўради. Кампир яна ўйламосираб қолди; чолда бир сир бор!

— Милиса нимага керак бўлиб қолди?

— Шунчаки сўраяпман-да. Нима, сўраб бўлмайди-ми? Шунга айтишга ҳам оғзинг кира тилайдими?

— Сизга бир бало бўлган, дам милиса, дам хумча дейсиз?

— Ҳа, сен тилимга ҳам қоровулмисан! Нима десам дейвераман. Бир вақтда Назокатхон деб юборганим

учун қанча азоб бериб, зулмингни ўтказган эдинг, мана, ўша Назокатхонга уйланибманми? Ҳеч вақо бўлгани йўқ. Сен бундан кейин менинг оғзимдан чиққан гапларни суриштира бермагин!

— Вай, тавба қилдим,— деди кампир ҳайрон ёқа ушлаб.

Ҳожи бува чойни ҳам кутиб ўтирмай соат саккизларда диконглаб кўчага чиқиб кетди. Анчадан бери кирмаган эди, негадир кўнгли тусаб анҳор бўйидаги чойхонага кириб, бир чойнак аччиқ чой ичди. Шундан сўнг тўппа-тўғри милиция идорасига бориб, бошлиқ ёнига кирди. Кўп ўтмай улар енгил машинада бузилган уй томон жўнашди.

— Илтимосим шу,— дерди йўлда Ҳожи бува милиция бошлиғига,— шу тилла тангалардан бирортаси ҳам ёмон одамларга сарфланмасин! Шунини тайинлаб айтинг, иним!

Август, 1966 йил

Яшил дала ўртасидаги селекция тажриба станцияси узоқдан денгизлардаги сокин оролга ўхшайди. Новдалари қирқила бериб тўмтоқ бўлиб қолган қатор тут дарахтлари чорси карталарни ажратиб турибди. Олисдаги Чимён тоғи чўққилари парда орқасида тургандек, хирагина кўзга ташланар. Қуёш тик келган. Ажойиб саратон жимлиги ҳукмрон...

Баланд тераклар остидаги оқ уйлардан бирида, кенг дераза ёнида бурни устига беш-ўнта сепкил сочилган жиккаккина қиз дамо-дам кўзларини микроскопга қайди; бир муддатдан сўнг бош кўтариб, андек ўйлайдида, кейин ручкасини сиёҳга ботириб нималарнидир ёзади.

Орадан кўп ўтмай хонага тўлагина бир одам кирди. Қиз қайрилиб қараб, дарҳол ўрнидан дик турди. У иссиқдан шикоят қилиб, ҳансираб рўмолчаси билан пешонасини, бағбақасини артиб қиз ёнига келди.

— Салом, Нуқраой! Ишлар қалай?

— Раҳмат, Миржалил Қаримович.

У кулди. Қиз унинг тикилиб турганини кўриши биланоқ ерга қаради, икки ёноғи қизарди.

— Менинг исмим просто «Жалил», сиз кўп вақт «мир» қўшиб атайсиз...

— Кечиринг, Жалил Қаримович,— қиз билинар-билинимас бармоғини тишлади. Дарҳақиқат, у кеча ҳам «Миржалил» деган эди.

— Вой-бў-ў, жуда исиб кетди-ку,— деди у яна ҳавонинг димлигидан шикоят қилиб.

— Бугун айниқса исиб кетди.

Шу орада бошқа хоналардаги йигит-қизлар ҳам кириб Жалил Каримович атрофини ўрашди. Улар Жалил Каримовичнинг ишга ўтишдан аввал беш-ўн минут у ёқ-бу ёқдан, кўрган-эшитганларини тапиришини билишарди. Бунга — «увертюра» деб аташарди. «Увертюра»дан кейин Жалил Каримович микроскоп ёнида ўтирган Нуқрага қаради.

— Мен, Нуқраойнинг иши билан танишаётirman... 108-Ф яхши нав, лекин вильт касали билан тез оғриydi. Механизация обработкасига унча қулай эмас. С-4727 ва С-8230 навлари эртапишарлиги, толасининг узунлиги, механизацияга қулайлиги билан ҳозир аъло навлар ҳисобланади. Бу навлар «Делта пайн», «Харствилл»га қараганда юз чандон яхши. Укалар, мен Нуқраойнинг илмий иши билан танишаётirman. Жуда хурсандман; ғўзаларнинг вильт билан касалланиши қишлоқ хўжалигимизга катта зарар келтирмоқда. Вильтни чақирадиган фузариун ва вертезезем грипплари бор... Нуқраой ана шу масалада иш олиб боряпти. Бу иш билан кўпгина селекционерлар ҳам шуғулланган. Нуқраойнинг ишидан мен хурсандман...

— Жалил Каримович,— деди хурсанд бўлиб Нуқра,— мен лаборатория анализини тамомлаб, индиндан Мирзачўлга кетяпман...

— Хайрият, исмиمنى тўғри айтдингиз.

Нуқра кулиб юборди. У жуда чиройли кулди. Унинг эркин кулиши Жалил Каримовичга, ўтирганларнинг ҳаммасига ҳам ёқиб кетди.

2

Бугун дунёда Нуқрадан бахтли одам йўқ. Қош қорайпшга яқин у микроскопии, дафтар-қогозларини, чигит навларини нариданд-бери йиғиштириб йўлга тушди. Ҳадеганда автобус келавермай диққат қилди. Тезроқ уйга етиб бориб, Жалил Каримович сўзларини эрига бирма-бир айтиб беришга энтикарди. Унинг назарида дунёда Жалил Каримовичдан ҳам яхши одам йўқ эди. Ахир «ўқиб шаҳар олиб берарминдинг, хом сут эмган!» деб ҳақорат қилганлар ҳам бўлган-ку, нимасини яшириш керак!

Автобуснинг кеч келгани сабабли соат ўнларда уйга кириб келди. Тажанг овқат пишираётган эрининг бўйнига осилди. «Миржалил ака, акажон!» у қовоқ солиб турган эрига бижиллаб, ҳамма гапни бирваракайига айтиб солди. У ҳатто Жалил Қаримовични янглишиб. «Миржалил» деганини ҳам айтиб берди. Диванда мамнун ўтириб, кўзи девордаги бир фотосуратга тушди; тиши тушган, тўппи кийиб сичқон думидек сочларига пилта ўраган жамалак қизалоқ диққатини тортди. Бу — унинг беш яшарлик вақти. Худди шу йиллари унинг отаси фронтда ҳалок бўлган эди. Бувиси аза очиб, ҳовлида хотинларнинг чуввос йиғлагани ҳамон қулоғида Орадан ўн йилча муддат ўтгач, саккизинчи синфда ўқиётганда онаси турмушга чиқди. Ўғай ота Нуқрани мактабдан тортиб олмоқчи бўлди. Физкультура дарсидан қайтиб келаётганида — шалвар, енгсиз кўйлак кийгани учун савалагани ҳам ёдида. Тақводор ўғай ота кейинчалик уни мактабдан тортиб олиб, эрга бермоқчи бўлди. Буларга чидолмаган Нуқра аввал бувисиникига кетиб қолди. Бувисининг айвонида турган — камар боғлаб фуражка кийган, урушда ҳалок бўлган ўз отаси сурати тағига келиб ўкириб-ўкириб йиғлади. Агар у тирик бўлганида жоҳил ўғай отанинг бўйини узиб ташлашини «буларнинг боласи бурнининг катагидан тушган!» дег сўкишларига асло йўл қўймасди! Ош тепасида ҳам, чоғ тепасида ҳам заҳар-заққум бўлиб ўтирадиган ўғай отага хор қилиб қўярмиди! Эҳтимол, у тирик бўлганида ёлғизгина қизига ҳамма яхши кўрган нарсаларини олиб берарди. Сочларини силаб, етаклаб юрарди. Эҳтимол велосипед ҳам олиб берарди. (Нуқра болалигида велосипед орзу қилиб етолмаган.) Афсуски, шундоғ яхши одамлар ўлиб кетади-да! Унингчада ўқиб, катта қиз бўлиб қолган кезларида, кунлардан бир кун ўғай ота ўқиб турган китобини юлиб олиб, ерга улоқтирди. Ёнидан пул чиқариб, дўкондан ичкилик олиб келишини буюрди. Нуқра олиб келмади. Ўғай отанинг: «Агар сен мактабга қатнаб, илигингни очиб юрсанг, йўқол бу уйдан!» дегани тоқатини тоқ қилди. У онасининг йиғисигисига ҳам қарамай, бувисиникига кўчиб кетди. Шу йили у комсомол сафига кирди. Комсомол дўстлари — дугоналари ҳамма вақт у билан бирга бўлди.

Нуқра институтда ўқиб юрганида Миржалил билан танишиб, бир-бирини севиб турмуш қуришди. Миржалил

оддий ишчи — «Ташсельмаш» литейний цехида вагран-
када ишлайди...

Нуқра Миржалил тайёрлаган бемаза — картошка-
лари куйиб, макаронлари чала пишган жаркопни мақ-
таб-мақтаб еди. Қувнаб, эркаланиб «Жалил» билан
«Миржалил»ни адаштириб юрганини яна гапирди.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи... Эрта-
сига у Мирзачўлга — «Далварзин» совхозига жўнади.
Уч кун далада юриб, офтобда қорайиб қайтиб келди.

3

Шафтоли баъзида ўз мевасининг кўплигидан ҳалок
бўлади.

Жалил Каримовичнинг яхши баҳосидан кейин ду-
гоналари, тенгқурлари Нуқрани қутлаб, у билан тез-
тез маслаҳатлашишарди. Шанба куни Нуқра стан-
цияга ясаниб келди; хонатлас устида ял-ял ёнарди.
Лаблари олча, туташ қошлари — осмонда чарх уриб
юрган қалдирғочни эслатарди. Кулишлари нақадар
ёқимли...

У бугун далага чиқмай, кун бўйи микроскоп ёнида
ўтириб, кичик дунёни кузатаётганида лабораторияга
яна Жалил Каримович кириб келди.

— Салом берде-ек!

— Салом! Яхшимисиз, Жалил Каримович!

— Ҳадеб ишлай берасизми? Дам олиш ҳам керак!
Ҳа, албатта! — у Нуқра ёнидаги стулга ўтириб, стулни
Нуқрага яна ҳам яқинроқ сурди, — ишлар яхшими?

— Раҳмат.

— Жуда яхши иш қиляпсиз. Омонлик бўлса, ўзим
биринчи оппонент. Кичик бўлса ҳам, селекциячилиги-
мизга ҳисса қўшяпсиз. Бу яхши! Кези келганда ҳамма
гапни айтиб, сизни хурсанд қилишимиз турган гап...

Нуқра мамнуният билан ерга қаради. Илмий раҳ-
барининг бу сўзларига қай йўл билан ташаккур ай-
тишини билмасди.

— Саломатликка ҳам қаранг. Одамзод дунёга бир
келади, қаттиқ уриниб, ўзингизни олдириб қўйманг,
Нуқрахон, — деди Жалил Каримович қизнинг туташ
қошларига ўткир тикилиб, — эҳ, одамзот борки, ҳам-
маси бир кун ўлади. Ёшлик, гўзаллик доимий эмас.

Ҳатто янги туғилган чақалоқнинг бошида ҳам ўлим даҳшати бор. Фақат туғилмаганлар қаримайди, ўлмайди...

Жимжит хонада улар иккови ўтирарди. Жалил Қаримович гапирмай турганида, унинг гапларига жон қулоғини тутиб турган Нуқранинг нафас олиши — нафис кўксининг секин бориб келиши ҳам сезилиб турарди. Хонага кириб қолган бир йўлпашша гир айланиб самолётдек вағилларди. Нуқрани бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай бўлиб турган Жалил Қаримович, микроскоп ёнида турган кичик оппоқ қўлни қўллари билан ушлади. Яхши гапларни тинглаб, эриб ўтирган Нуқра аввал ялт этиб Жалил Қаримовичга қаради. Кейин саросима бўлиб, қўлини секин тортди. Бир зумда икки юзи қип-қизариб кетди.

— Нуқра, Нуқрахон... Мен, илмий ишингизни...

— Қўйиб юборинг!

Нуқра дик ўрnidан туриб, ерга қаради. Қизарган ёноқлари бирдан оқариб кетди.

Орадан икки кун ўтгач, Жалил Қаримович бу «асов тойчани ром» қилиш учун яна бир уринган эди, Нуқра бундан буён ўзи билан бундай муносабатда бўлмаслигини кескин таъкидлади. Жалил Қаримович «тавба қилдик» деди-ю, юзини ўгирди. Шундап сўнг у Нуқранинг илмий иши билан ҳеч қизиқмай қўйди. Бир йиғилишда «жўжани кузда санаймиз», деб Нуқрага кўз ташлади ҳам. Бу совуқчиликдан сўнг Нуқра бир ҳафта касал бўлиб ётди. Бу гапни ҳеч кимга айта олмади. Унинг силқовланиб юргани сабабини билолмай эри ҳам фиғон бўларди. Лекин, кейинчалик Нуқра ишни бўшаштирмай, илгаригидай маҳкам тураверди. Меҳнат сот, номус сотма деганларини юрагига солди. У дала айланар, жимжит лабораторияда эрталабдан кечгача берилиб ишларди. «Бир зарбга чок-чокидан сўкилиб кетсам, унда қандай қилиб мақсадимга етаман» деди у ўзига далда бериб. У ҳар куни келиб кетар, у билан қизиқишмасди. Илмий раҳбар бўлса, бу лабораторияга кирмай, нариги хонадан жўнаб қоларди. Диққинафас кунларнинг бирида, станцияга чет эллик меҳмонлар келиб қолди. Жалил Қаримовичнинг бўлмаганлиги сабабли, меҳмонларни кекса профессор Сергей Сергеевич Янаш билан аспирант Нуқра Шерова кутиб олиб, станция билан таништирди. Теплицага,

лабораторийларга, ўзоқ йиллик уруғлар сақлаб қолган залга, тажриба майдонларига олиб бориб таништиришди. Дастурхон устида жаноблардан бири инглиз тилида «бу қиз» кимлигини сўради. «Аспирант, илмий иш ёзаяпти. Бизда кўпгина ёшлар таълим оляпти» деб, умумий маълумот берди профессор. Жаноб қора кўзойнагини олиб, Нуқрага қаради.

— Сиз ўзбекмисиз?

— Ҳа, мен ўзбекман,— таржимонни кутиб ўтирмай инглиз тилида жавоб берди Нуқра.

— О, еас! Сиз инглиз тилини биласиз? Еас! — жаноб табассум қилди. У Нуқрага яна бошдан оёқ тикилди.— Сизнинг исмингиз нима?

— Нуқра Шерова.

— О, еас! Сиз илмий иш қиляпсизми? Бу ишни партия диктовкаси билан қилаётган бўлсангиз керак?

— Ҳа,— деди Нуқра кулиб,— партия у бизларнинг ўзимиз.

— Давлат топшириғи билан бажараётирсиз?

— Ҳа. Давлат ҳам ўзимизники.

— План бўйича бўляпти, шундоғ эмасми?

— Ҳа, планни ҳам ўзимиз тузамиз.

Жаноб тутилиб, лом-мим деёлмай қолди. У бир лаҳзадан сўнг қизариб яна савол берди:

— Инглиз ва америка адабиётидан кимларни биласиз, қандай китоблар ўқигансиз?

— Шекспир асарлари бизда кенг тарқалган. Кўпчилик асарлари билан танишман,— деди Нуқра инглиз тилида,— Марк Твеннинг икки романини ўқиганман. Шoirлардан Китс, Байрон. Уитменни яхши кўраман...

— О, еас!

— Сиз бизнинг ёзувчилардан кимни биласиз? — Нуқра контр савол берди. Унинг бу иши Сергей Сергеевичга ёқиб тушди; чолнинг чеҳраси очилиб, чақнаб Нуқрага қаради. Жаноб ўйланиб қолди. Бир лаҳзалик сукутдан кейин Нуқранинг ўзи айтиб берди,— сиз, Алишер Навоийни эшитганмисиз?

Жаноб сукут ичра елка қисди.

— Пушкинни-чи?

— Биламан, лекин кам ўқиганман.

— Мен ёшлигимдаёқ Навоий, Пушкин шеърларидан ёд олганман.

— Сиз неча ёшдасиз?— жаноблар ва хонимлар Нуқрага тикилишди.

— Йигирма учда...

Меҳмонлар гурра кулиб юборишди. Сергей Сергеевич ҳам уларга қўшилишиб кулди.

Чет эллик меҳмонлар машиналарга тушиб жўнаб кетишди. Уларнинг қораси йўқолгач: «Бопладиңг, қизим!» деди Сергей Сергеевич Нуқрага қараб.

Нуқра Сергей Сергеевич билан хайрлашиб, яна лабораторияга кетди. Стулга ўтириш олдидан негадир музыка эшитгиси келиб, радиони буради. Музыка эмас, Москвадан сўнги ахборот бериларди. Кубага ҳарбий интервенция қилинган куннинг эртасига Лондонда Куба элчисига: «Юртингиз тақдири ҳал бўляпти. Енгилсангиз бизнинг маъмурлардан сиёсий бошпана сўрайсизми?» деган савол беришипти. Элчи: «Биз курашамиз, бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз. Бошқа гап бўлиши мумкин эмас! Ҳа, курашамиз, енгамиз!» деб жавоб берибди. Бу жавоб Нуқрага завқ берди, юрагига қаноат солиб ишини давом эттираверди. Ютуқлардан эсанкирамаслик, мағлубиятда кўнгилни чўқтирмай дадил бўлиш — кишига камол беради.

4

Нуқрадан энсаси қотиб юрган Жалил Каримович чет эллик меҳмонлар келгани, Нуқра уларни яхши кутиб олганини эшитиб баттар энсаси қотди. Кимдир «Нуқрани ёш деб бўлмайди, унинг бўлимга мудирлик қилиш сиёҳи ҳам бор...» деганн Жалил Каримовични чўчитиб юборди. Узумга бўйи етмай «ҳали гўра» деган тулки — Каримович Нуқрани «ҳали жуда хом, олим бўлиши қайда» деб юраверган экан. Унинг кўрарга кўзи йўқ: ҳар бир йиғинда ўз аспирантини чўқий бошлади: «Кўза кунда эмас, кунда синади...» деди у бир кунни Нуқрага текказиб. Бу билан «Ниятинг ўрнимни олиш бўлса, илмий ишинг жувонмарг бўлади» демоқчи эди.

Шу ой ичи тажриба станциясида тантанали мажлис бўлиб, Жалил Каримовичнинг эллик ёшга киргани яхшигина нишонланди. Нуқра ҳам Жалил Каримовични самимий, чин юракдан табриклаб, узоқ умр, катта

муваффақиятлар тилади. Эртасига унинг ҳовлисида зиёфат бўлиб, ҳамма тўпланди-ю, лекин ёлғиз Нуқра таклиф этилмади. Илмий раҳбар учун тайёрлаб қўйилган тўхфа ҳам сабил қолди. Миржалилнинг ўғитлари уни овутолмади; у жуда хафа бўлди. Дугоналарининг «зиёфатда кўринмадингиз?» деганига «бетоб»лигини баҳона қилди. Бундан бошқа нима илож ҳам топа оларди. Лекин кичкинагина кўксига тинмай уриб турган қалб енгаман деб олға интиларди. Бошига сомон шляпа кийиб, эрталабдан кечгача қуёш тифасида дала айланарди. Бўйига кичик қоғозча осиб қўйилган гўзалар ёнида узоқ тўхтар, дафтари тиззасига қўйиб, алланамаларни ёзарди. Баъзида кесакларга қоқилиб, тирсақлари кўкарган пайтлари ҳам бўлди. Кўр-қоққа қўшалоқ кўринади, деган гапни кўнглидан ўтказиб дадил бўлишга тиришар, Жалил Каримович ташлаб қўйган совуқлик — муз парчаларини юрак ҳарорати билан эритиб юборишга тиришарди. Офтобда жизганак бўлиб ишлаётган Нуқрани зимдан кузатиб юрган Сергей Сергеевич кунлардан бир куни йўлини тўсди:

— Қалайсан, қизим? Ишлар яхши кетяптими?

— Раҳмат, Сергей Сергеевич!

— Бизникига кир, илмий ишингдан бир нусха берсанг, танишардим..

— Жуда миннатдор бўлардим, Сергей Сергеевич...

— деди Нуқра чақнаб.

— Инглизларга жавобинг жуда ёқди. Балли! Инглиз тилини ўрганганинг — бу жуда маъқул!

Нуқра профессор билан бир муддат суҳбатлашиб турди. У хайрлашиб кетгач, меҳрибон кишининг қораси йўқолгунча орқасидан қараб қолди. Шу куни, бу учрашувни ҳам Миржалилга айтиб туриб, кўзига ёш олди.

— Хафа бўлма,— деди Миржалил,— ишлар юришиб кетади.

— Дунёда яхши одамлар кўп, Миржалил ака, ҳамма ўша Каримовичга ўхшаган эмас...

У бу гапни айта туриб, станцияда кимдир феълан ожиз Жалил Каримовичга ишора қилиб: «Ҳовлиқадди, тўқими қорнига тушиб қолибди-ку...» деганини эслаб бирдан хириллаб кулиб юборди. Кипригида осилиб турган бир допа ёш узилиб ерга тушди.

Нуқра илмий ишини Сергей Сергеевичга топшириб, ҳозир яна сомон шляпаси бошида, бурнининг устини терлатиб пахта далаларида кезиб юрибди. У шу кунгача енг шимармай ишлаётган экан, мана энди енгини шимариб ишга киришиб кетди...

1962 йил

ДОРБОЗЛАР

Бизнинг унча серқатнов бўлмаган, осойишта боғ кўчамиз четида уч-тўрт узун ёғоч кўп йиллардан бўён ётарди. Ёғочлар сим билан бир-бирига маҳкам боғланиб, зах чиритмаслиги учун тагига уч-тўрт харсанг тош ҳам қўйилган эди. Тошпўлат ота кечки салқин тушгач, ҳассасига тиралиб, битта-битта қадам ташлаб ходалар ёнига келар, ёнгоқ пўчоқларини ҳассаси учи билан ерга тушириб, секин ўтирар, ёғочга мих қоқиб кетган болалардан койиниб ҳам қўярди. Шундан кейин анча вақтгача оғзидаги туршакни у лунжидан бу лунжига ўтказиб, тамшаниб чайнаб ўтирар, қош қорайгач, яна айланма кўча ичидаги кўримсизгина эшикка кириб кетарди. Баъзи вақтларда у йўғон арқонни невараси ёрдами билан ҳовлига ёзар, чанг-чунгини суртуртирар, обдастадаги сувдан нима учундир шакароб қилиб сепиб қўярди. Бир куни у, невараси уйга кириб кетган пайтда ҳовли юзида ҳеч кимни кўрмагач, кавушини ечиб, қалтириб турган оёқларини арқон устига қўйиб, ундан сўнг ҳассасига тиралиб, арқон устида юраётган чоғида деразадан мўралаб турган невараси Асалхон тоза кулибди. Чолнинг арқон устида бир оёқлаб туриб бир оёғини ўйнатаётганини кўрган эмиш. Деразани очиб: «Ота, нима қиляпсиз?» деган экан, чол ялт этиб қараб аввал жиндек кулимсирабди-да, кейин тутақиб: «Нима қилардим! Чириб қолмадимикан деб оёгим билан эзиб кўряпман. Деразани беркитиб қўй дейман сенга!» деб бақирибди. Асалхон ҳовлига чиққанида чол ундан юзини ўгириб, ичида нималарни-

дир пичирлабди. Бу пичирлашни «Хай, шошмай тур, сен мамадонани эрга бериб қутулмасам, хўп юрган эканман?!» деб англаш мумкин эди.

Ешларни эшитганидан кўра ҳам, кўргани ҳаяжонлантиради. Шунинг учун ҳам, бу атрофдаги ёш-яланг Тошпўлат отанинг дор ўйнаганини кўришмаган. У машҳур «Тошпўлат дорбоз»дан кўра ҳам «Тошпўлат ота» сифатида машҳур эди.

Унинг дорга чиқмай қўйганига ҳам 20 йилдан мўлроқ вақт ўтди. Унга қарилик йўл бермади. Лекин фарзандининг фожiasi Ғозибой дорбозлар сулоласини давом этишдан тўхтатди. Тошпўлат отанинг отаси Рўзибой дорбоз бўлган эмиш. Унинг отаси Қўзибой дорбоз, унинг отаси Ғозибой дорбоз бўлиб, шунақаси саккизинчи отасидан кейин у ёғи Камак Қайёнийга туташар экан. Кўчада ётган ходаларнинг бири Қўзибой отаси даврдан қолган эмиш. Лангар чўп эса Рўзибой отадан, сиз дорда юрадиган декча Ғозибой отадан қолган эмиш.

Бир куня Тошпўлат ота ошнаси Абдуваҳоб сағричи деган чол билан ходада ўтириб, дилкашлиқ қилишаётганларида: «Э худо, Эрматжонни менга кўп кўрдинг. Энди омонатингни оладиган бўлсанг тезроқ ола қол...» деб қўйибди. Абдуваҳоб сағричи бўлса белбогига осиб олган соқол тароғини қинидан олиб, кўкрагини бекитиб турган қўнғир соқолини таради. У Тошпўлат отанинг сўзига эътироз билдириб: «Э, бу гапни қўйинг, дорбоз, бу гап ўрнингга нос чекнинг!»—деб носқовоқни тутатди. Тошпўлат ота носқовоқни олиб, кафтига мўлғина тўкиб, тили тагига ташлаб, хаёлга чўмди. Бундай хаёл сурган чоқларида у кўп вақт ўша Аччиободдаги катта сайилни эсларди.

...Жума куни саҳарлаб Тошкентнинг тўрт томонидан бу ерга сайилчилар оқиб келиша берарди. Олисдагилар пайшанба куниёқ келиб олишар эди. Аччиободда кўча юзи — катта майдон атрофи аравалар, уйиб ташланган қовун-гарвузлар, чойхоналар, кабобпазликлар билан ўралган эди. Ҳофизларнинг овози янграйдди... Катта майдонга қурилган икки терак бўйи дор узоқ-узоқлардан ҳам мағрур қоматини кўрсатиб туради. Кечки салқин тушиши билан сон-саноксиз сайилчилар балаид дор атрофини қуршашади. Айиқ билан кураш, масхарабозликлар ҳаммаси ўтади. Сайилнинг

қизиғи гүё энди бошланажакдек, каттадан-кичикнинг кўзи дор арқонлари билан тепадаги соябонлик икки чийриқда эди. Машҳур Тошпўлат дорбознинг оқ яктаги энгларини шимариб майдон ўртасига тушишини ҳамма сабрсизлик билан кутмоқда. Эрталабдан буён чалинаётган карнай-сурнай овози, ноғораларнинг так-туми бирдан тўхтади. Майдон ўртасига тушган икки дўмбирачи аллақандай маршни дириллатиб чала бошлади. Тошпўлат дорбознинг шогирдларидан бири ўйин бошланишидан ярим соатча аввал майдонга кириб, болалар тўполонини тинчитади, дор тагидаги майдонни яна кенгайтиради. Ундан кейин ҳар бир «киндик»дан тушган икки арқон учини майдон атрофида ўтирган шинаванда йигитларга бериб, таранг тортиб туришларини илтимос қилади. Бир оздан кейин катта дор тагидаги майдонга оқ яқтак кийиб, устидан икки қават белбоғ боғлаган, оёғига ағдарма этик кийиб олган мўйсафид киши тушади. Бу Тошпўлат дорбознинг ўзи экани ҳаммага маълум бўлади. Унинг ёнида ўттизлардан ошмаган норғул йигит билан етти-саккиз ёшлардаги бир бола ҳам турарди. Кекса дорбоз йиғилганлар билан саломлашгач, ўзининг ҳар галги одатича шошмай дорни кўздан кечириб, баъзи арқонларни тортиб кўради. Сўнгра майдоннинг қоқ ўртасига келиб:

— Ўғлим Эрматжон, қани дорга чиқинг!

Дўмбиралар бирданига зарб билан тарақлаб, чалина бошлайди. Эрматжон лангар чўпни кўтариб, битта-битта қадам ташлаб дорга кўтарилади. Сайилчилар кўзи бир нуқтада — дорга кўтарилаётган йигитда эди. «Отадан ҳам ўғил уста...» эканлиги ҳақида шивир-шивирлар ҳам бошланади.

Эрматжон айрига чиқиб олгач, пастда турган Тошпўлат дорбоз Навоийдан бир ғазал ўқиб, Эрматжонга қарайди. Эрматжон юқоридан отасига салом бериб, «Бале!» деб қўяди.

— Ўғлим Эрматжон! — деди яна Тошпўлат дорбоз.

— Лаб-бей!

— Қани, Эрматжон, биринчи, иккинчи, учинчи «киндик»ларга бориб келинг!

— Бале!

У дўмбиранинг рақсига тушиб, оёқларини олди ва орқадаги арқонга уриб, «киндик»ларга бора бошлади.

Ора-чора ўзини ташлаб юбориб, арқонга милиб олганда, хотин-халаж юрагини чангалларди.

— Уғлим Эрматжон!

— Лаб-бей!

— Қани, энди тўртинчи, бешинчи, олтинчи «киндик»ларга ҳам бориб келинг!

— Бале!

У яна қанча-қанча одамларнинг юрагини ўйнатиб, «киндик»ларга борар, жўрттага ўзини ташлаб юбориб арқонга миниб қолар эди. Олтинчи «киндик»ка ғизиллаб югуриб бориб, яна орқасига қараб, ғизиллаб келаётганида ўзини ташлаб юбориши жуда қўрқинчли бўлди. У ярим эгилган ҳолда лангар чўпни қия ушлаб югурганида дўмбиралар ҳам тўхтаб, одамлар нигоҳи билан уни суяб қолгандек, бир-бирларини қўлларидан беихтиёр маҳкам ушлаб қолишарди.

— Уғлим Эрматжон!

— Лаб-бей!

— Самоварни чиқаряпман, бешинчи «киндик»ка олиб бориб, олиб келасиз.

— Бале!

Тошпўлат дорбоз қайнаб турган рух самоварни тагидаги баркаши билан катта чамбаракка ўтказиб айри тагига олиб келади. Эрматжон самоварни тортиб олади-да, баркаши билан бошига қўяди. Ундан кейин қора рўмолча билан икки кўзини танғий бошлайди. Лангар чўп посангисини тўғрилаб олиб, арқон устида юриб кета бошлайди.

Сайилчи томошабинлар яна юракларини ҳовучлаб дорбозга тикилишади. Эрматжон бешинчи «киндик»ка етиб бориб, орқаси билан қайтиб кела бошлайди. Ярим йўлга етмасданоқ, лангар чўпнинг чап томони осмонга кўтарилиб кетади. Қайнаб турган самовар дорбознинг бошида қалқа бошлайди. Дорбоз тўхтади. У бир оёғини арқондан олиб, якка оёқ билан туриб, пастдаги дўмбира зарбига монанд арқонни лопиллата бошлайди. Лангар чўпдан ҳам бир қўлини олиб, бўшган бир қўли ва бир оёғини ҳавода муаллақ ўйнатади.

— Уғлим Эрматжон!

— Лаб-бей.

— Сизнинг шижоатингизни кўриб турган бу ердаги Мулла Тўйчи Ҳофиз огамиз, Юнус ва Имомжон оғаларимиз сизга лутф ила тасанно айтадурлар.

— Бале, саломат бўлғайлар!

— Сизнинг шижоатингизнинг давомчиси, санъатимизнинг валеаҳди, севикли набирамиз Шерматжоннинг дорга кўтарилишларини сизга маълум қиламан!

— Бале!

— Қани, неварам Шерматжон, дорга чиқинг!

Тошпўлат ота неварасини айри тагига олиб келиб, пешонасидан ўпади. Юқорида ўтирган Эрматжон бир зумдаёқ ўгли Шерматжонни арқон билан юқорига тортиб олади. Бола дор устига чиққач, у ердан пастдаги халойиққа қараб, икки қўлини кўксига қўйиб, салом беради. Бола юзидаги дадиллик, жасорат табассумини кўриб турган пастдаги кишилар бир-бирини секин туртиб қўйишар эдилар. «Уни қара, отнинг калласидай юраги борми дейман...»

Шу куни дор ўйини жуда муваффақиятли ўтди. Тошпўлат дорбознинг ўғиллари ва унинг қўқоқлик, маргилонлик икки шогирди ҳақидаги гаплар ҳаяжон билан оғиздан оғизга кўчди. Баъзи одамлар келаси жумани сабрсизлик билан кута бошлайдилар. Келаси жумада Тошпўлат дорбознинг ўзи ҳам дорга чиқармиш деган «миш-миш» тарқалиб қолди.

Келаси жумада ҳам Эрматжон катта муваффақият билан ўз санъатини намойиш қила бошлади. У ўгли Шерматжонни елкасига миндириб, арқон устида югура бошлади. Елкадаги боланинг қеч нарсани парво қилмай, кулиб туришига дорбоз эмас, томошабинларнинг ўзлари ишгичка қил устида тургандек оёқлари қалтирарди. Эрматжон дорбозлиқнинг бутуни қонун-қоидаларини бажо келтириб, дорнинг энг тепасидаги соябон остида ўгли билан ёнма-ён ўтирди. Бир неча минутдан сўнг чийриқ ўйини бошланиши керак. Яна Тошпўлат отанинг овози янграйди.

— Уғлим Эрматжон!

— Лаб-бей!

— Энди чийриқ ўйинини бошланг!

— Бале!

Урнидан дик туриб, ўнг қапотдаги катта чийриққа осилиб, бир-икки силкинади. Дорнинг ёғоч ва арқонлари тебранади. Дор тепасида Шерматжон ёлғиз ўзи дадасининг ўйинини кузатиб ўтирарди. Ҳар замон-ҳар замонда пастдаги беҳисоб томошабинларга — айниқса, майдоннинг юқорисидаги чинорга бўғлаб қўйилган икки айиқ-

полвонга қараб қўяр эди. Эрматжон чийриқда бир-икки айланиб, ипак попуқларини бир қўли билан ушлаб, осилиб турар, бирданига тақими билан осилиб, қўлларини қўйиб юборарди, бундай пайтларда одамларнинг юраги беихтиёр шувиллаб кетарди. Бир дамдан сўнг ўғлига имо қилади. Шерматжон чийриққа осилиб, дадаси ёнига тушади. У ўғлининг қўлидан ушлаб, ўзини ташлаб юборди-да, икки оёғи билан осилиб қолади. У бир оёқлаб осилиб, ўғлининг ҳам оёқларидан ушлаб, чириллаб айланади-да, юқоридаги поғонага иккинчи оёқларини илаётганида бирдан чийриқдан учиб кетади. Ота-бола осмону фалакда бир дақиқа талвасага тушиб, типирлашар, ундан сўнг пастдаги Пошпўлат отанинг жонҳолатда елкаси билан уриб юборгани ҳам фойда бермай, залвар билан ерга урилади. Улар бир зумдаёқ ер тишлаб қолишади. Эрматжоннинг мажақланган бошидан қон оқа бошлайди.

Одамлар ичида фиғон кўтарилади. Тўлиб-тошиб кетган майдон, томлардаги, дарахтлардаги, йўллардаги одамлар тошқин сувдай тўлқинлана бошлайди. Ғала-ғоввур борган сайин кучаяди. Бир хотин кўнгли озиб, ўзини ташлаб юборибди, яна кимдир туғиб қўйган эмиш. Тошпўлат дорбоз қонига беланиб ётган фарзандлари устига яктагини ечиб ёпади-да, оқариб кетган юзлари билан одамларга қарайди.

— Халойиқ, тарқалманглар! Мен дорга чиқаман. Ўйин ҳали тамом эмас.

У лангар чўпни қўлига олиши билан, шогирдлар унга ёпишади, ундан кейин эътиборли одамлардан икки-учтаси майдонга тушиб, уни маҳкам ушлашади. Лекин у ҳеч кимга қулоқ солмай, қия арқон устига оёқ қўйиб юқорига кўтарила бошлайди. Кўзларидан оқаётган ёшни узоқдан ҳам кўриш мумкин эди. У айрига чиқиб, бир дам тургач, кейин арқонга осилиб шувиллаганича пастга тушиб кетади. Сўнгра югуриб бориб фарзандлари устига ўзини ташлайди.

— Вой, отанг ўргилсин, болаларим, сенларга нима бўлди. Сенлар қулагунча, мен қуласам бўлмасмиди...

Мана бу даҳшатли фожиа Тошпўлат дорбозни икки букиб қўйди. Чақат икки букиб қўймай, уни майдондан ҳам тамом чиқариб юборди.

Орадан йигирма йилдан мўлроқ муддат ўтди. Тошпўлат дорбоз мўнкиллаб, кичик чорбоғида ўзининг қари-

лик йилларини ўтказарди. Яқинда нима ҳам бўлди-ю, Тошкентга дорбозлар келибди деган хабар отанинг қулогига етди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач: қўшнисининг ўғли — муаллим йигит, ҳақиқатан ҳам паркка аллақаяёқдан дорбозлар келганини эшитибди. Чолнинг юрагига гул-гула тушди. Кечаси билан ётиб уйқуси келмади. Эртасига у циркка кириш учун муаллим йигитнинг уйига чиқди. Отанинг илтимосини қайтармай, кечки салқинда бог кўчалардан ўтиб циркка боришди. Муаллим олдинги биринчи қаторга иккита билет олди. Улар ҳаммадан аввал ўз жойларини топиб, томоша бошланишини кутиб ўтирдилар. Мана, цирк ўйинлари ҳам бошланди. Бир қатор масхарабозлик ўйинларидан кейин ўзбекча дор қурилди. Икки йигит ўртага чиқиб, унча катта бўлмаган дорга кўтарилишиб, ажойиб ўйинлар кўрсатиша бошлади. Пастда ўтирган Тошпўлат ота маҳллё бўлиб қолибди. Уларнинг бири Мирсодиқ эканини эслаб топди. Дорбозлар бир ўйинни тугатиб, иккинчисини бошлаш олдидан пастга қарашди. Уларнинг кўзи биринчи қаторда ўтирган оқ соқолли Тошпўлат отага тушиб қолди. У пастга тушгач, цирк қондасини бузса ҳам югуриб келиб, ота билан қўл сиқишиб кўришади-да, яна тезда орқасига қайтади. Дорбозни кузатиб турган барча одамлар мўйсафидга қарайдилар. Дор тепасида ўйин бошланиб кетганига қарамай, анчагина одам чолга тикилиб ўтирарди.

Дорбозлар катта муваффақият билан ўйинни тугатдилар. Одамлар оёққа туриб, қарсак чалаётганларида икки дорбоз югурганича Тошпўлат отани арена ўртасига олиб тушадилар.

Бу чол уларнинг устози, ўша машҳур Тошпўлат дорбоз экани дарҳол ҳаммага маълум бўлади. Чол учун алоҳида гулдурос қарсаклар чалинади. Лекин ҳасасига суянганича туриб, хурсанд бўлиб кетганидан кўзига ёш олади. «Бир нарса денг, ота?»— деб мурожаат этаётган конференсьега қараб секин гапира бошлайди.

— Санъат ўлмайдими! Мана шундоқ деб айтнинг...

Конференсье баланд овоз билан бу сўзни икки тилда айтади.

— Бизлар қаридик, мана шу сўзни ҳам айтнинг. Тошпўлат дорбоз дорга чиқа олмагани билан, Мирсодиқ дорбоз билан Алижон дорбоз дорнинг устида. Ҳа... Мана шу

сўзни ҳам баланд овоз билан яхшилаб айтинг! Жуда қаттиқ айтинг!

Конферансье чол айтганини бажо келтиради.

— Айтдингизми? Бале!

Яна чапак гуриллайди. Чол атрофини одамлар ўраб оладилар. Шу пайт уч дорбоз бел сиқишиб қучоқлашардилар.

1956 йил, Тошкент

ТОПИЛГАН ҲУСН

Нафиса эрта билан ҳаммадан аввал туради, деразага яқин келиб осмонга кўз ташлайди — осмон ҳали гира-шира: кўзларини уқалаб, ёнида жимжима бармоқлари билан одеялни тимирскилаётган гўдагига кўкрак тутаяди. Бола ширин-ширин тамшаниб яна ухлаб қолган, ўрнидан туриб ҳовлига чиқади-да, самоварга ўт ташлайди. Шошиб-пишиб юз ювади, бурқийётган самоварни жон-жаҳди билан пуфлайди. Ундап кейин, уйдап эрининг костюмини олиб чиқиб чўткалайди. Умивальникка илиқ сув тўлдиради. Эрталабки совуқда андак қалтираб, томчилаётган осмондаги қорамтир булутларга яна кўз ташлайди.

— Ёмғир шаррос қуйиб юборадиганга ўхшайди...

— Ҳа, қандмидингиз эриб кетасиз, бораверинг.

У қозикдаги пахталигини кийиб, қўлида корзинка, гастронимга кетади.

Қайтиб келиб, жағиллаб қайнаб турган зил самоварни уйга олиб киради — зинапоядан чиқишда нотўғри ечилган кавушни босиб, қалқиб кетиб, аранг ўзиши тутиб қолади. Чой устида эри руҳиясини кузатади, унинг нечундир кайфи бузуқ, осмондаги булут мисол — қовоғидан қор ёғар.

Нафиса етимлик билан ўсган. Унишчини тугатиб, ишга бораётганида баъзи қариндош-уруғларининг тазйиқи билан у йўлдан бурилиб, узатилди. Кейинчалик маълум бўлишича, эри бундан илгарди ҳам уйланган экан. Нафиса тилни тишлаганича қолди. Лекин унга суянганди; бу оилада бахтнёр бўлишни умид қилди. Онаси-

нинг «эрга-тегсанг, уни доимо ҳурмат қил, мурсою ма-дора қил», деганларини асло ёдидан чиқармасди. Она-изор сўзидан муқаддас сўз борми!

Кечқурун эри хизматдан қайтганида устига пахта-лик чопон кийиб бошини танғиб олган Нафисага кўз ташлаб сўкинарди: «Мунча хунук -- исқиртсан!» На-фиса сукут ичра йиғлаётган гўдакни овутишга тутинади. Нариги хонадан пиёла олиб чиқа туриб, бир лаҳза ток-чадаги ойна ёнида тўхтаб, ўзига қарайди: дарҳақиқат у хунук. ...Унинг кўзлари бошқаларникидай чарос эмас. У ориқ ва рангпар. У хўрсиниб ҳам қўйди; на чора, ҳам-ма ҳам чиройли бўла бермас экан. Бунинг устига унинг тиши ҳам тушган — бу ҳомиладор вақтида содир бўл-ган эди. Икки қўли ёрилиб, ҳадеб глицерин сургани ҳам фойда бермасди. У ўзининг «хунукроқ» жувон эка-пига иқроп эди. Унинг негадир ойнага кўп қарай бе-ришга ҳам, безанишга ҳам майли йўқ эди. У фақатгина беланчакдаги бир яшар ўғлини бағрига босиб, эркалар-ди, бу унинг учун ҳамма нарсадан ҳам гўзал эди. Гўдак-даги тенгсиз гўзалликни ўз гўзаллиги деб биларди.

Авваллари эрини «ўқимишли одам, ёрдам берар, ўнинчини битирганимча қолиб кетмасман...» деб юрган хаёллари ҳам охир пучга чиқди. У ҳозир бундай гап-ларни хаёлига ҳам келтирмайди. Кимнингдир эридан ажралиб, бадном бўлганини эшитган Нафиса эрининг жеркишлари, «хунуксан» дейишларига ҳам чидарди. Аёл киши учун бундан ҳам оғир гап борми! У ҳусни йўқлигини биларди, гап билмаслигига ҳам иқроп. Баъ-зан ух тортарди, унинг фикрича яхши ҳамки осмон бор — ердан кўтарилган қанча-қанча губорларни ютгани билан қорайиб кетмайди. Одамлар нега бунчалик ҳусн-га эътибор беришаркин?

Кунлардан бир кун у боласини кўтариб ишчи ои-ла — тоғасиникига борди. Бу ҳовлига келганида у яй-рар, тан-жони ором оларди. Бу ердагилар каттадан-ки-чик уни иззат-ҳурмат қилишарди. У тоғасиникида ёзилиб, кечқурун уйига қайтди. Шу куни овқат ўз вақ-тида тайёр бўлмагани эрини тутақтириб юборди:

— Қачон одам бўласан, рўдапо!

— Ўз хотинингизни шундоқ дегани уялмайсизми, -- деди умрида биринчи марта эрига тик қараб, — ким сиз-ни тушунган одам дейди!

— Тилинг чиқиб қопти!— у Нафиса юзига тарсаки тортиб юборди,— ким ўргатди сенга бу гапларни!

Нафиса «вой» деганича юзини ушлаб боласи ёнига — ичкари хонага кириб кетди...

Уйлаш-фикрлар талоши, у узоқ ўйлади. Шодлик кўрмаган бу уйдан кетишда у қайгурмади ҳам. Дафъатан қараганда, гўдагини қучоқлаб бу уйдан чиқиб кетишига «бир тарсаки» сабаб бўлгандек кўринса-да, аслида бундоқ эмас. Агар бу «эри»нинг андак бўлса ҳам севишини билганида унинг қалби бу бир тарсаки билан дарз кетмаган бўларди. Нафиса ортиқ ўйлаб ўтирмай Текстилькомбинатига ишга кирди. Углини яслига берди. Дастлабки кунларда унинг тортинчоқ-уютчанлиги сабаб бўлиб бир оз ўрганишолмаганини ҳисобга олмаганда, фабрикадаги иш — галстук таққани билан қадимги бойваччалардан қолишмайдиган эри, уйдаги «оқсочлик»дан минг чандон энгил эди. Энгил эмас, завқли эди. Бу ерда одамни одам турткиламайди, бу ерда кишилар эл учун ишлайди.

Баҳор...

Март ойи кирмасданоқ кунлар исиб кетди. Зангори осмондан нур қуйилади. Уриклар оппоқ гуллади, олча новдалари мунчоқ-мунчоқ бўртди. Анҳорлар айқириб, тўлиб оқарди. Қушлар ўйин тушар, болаларда баҳор севинчлари, кексалар қалбида таҳлика: «ишқилиб қор бўлмасин ўрик гулида!»

...Ҳа, ўрик гуллаганида ёққан қордан ҳам совуқ қор борми дунёда?

Нафиса бир тўп қизлар билан борарди. Ишдан кейин қувноқ дугоналар билан чақчақлашиш қандай яхши! У йўлда бора туриб бир лаҳза ўйлар: унинг баҳорида қор ёққан эди, эҳтимол бу баҳор чинакам унинг баҳоридир.

Рўпарадан келаётган бир йигит Нафисага тикилиб ўтди. У нарироққа бориб яна орқасига қайрилиб қаради. Нафиса қизарди. Атрофидаги қизлардан бири «у сизга қараяпти» деди қаҳ-қаҳ уриб.

— Йўқ, сизга қаради!— деди Нафиса.

— Сизга, азизим... Сиз чиройлисиз.

-- Мен?

Нафиса таажжубланди, у уйга келгач, дарҳол ойнага қаради; у унча хунук эмас-ку. У ойнага тикилиб

турди, бир лаҳзадан кейин «пахталиқ чопон кийган, паришон Нафиса» ҳам кўриниб кетди.

Эртасига дугоналари унинг кўзлари жуда чиройли эканини, унинг қилиқлари киноактриса Политага ва ҳатто Вижантималага жуда ўхшаб кетишини айтишди. Нафиса яна таажжубланди. Дугоналарим ҳазил қилиб куляпти, хаёл қилди. Лекин у кейинги кунларда кўпроқ ойнага қарарди. Механик йигит ер остидан унга кўз ташлаб юрганини ҳам пайқаган эди...

Баҳор кунларининг бирида ишдан чиқиб йўл-йўлакай у ўша йигит билан кинога тушди. «Кинога кириш гуноҳ эмас-ку», деди у ўзига ўзи. Бундан ташқари, у ўша киноактрисани ҳам бир кўришни ўйлаган эди. Дарҳақиқат, уларнинг кўзларида ўхшашлик бор экан. Унинг қўшиқлари Нафисага ёқди. Кинодан чиқишгач, ўша механик йигит Нафисани уйигача кузатиб қўйди. У Нафиса юзларига узоқ тикиларди, унинг юрагида анча-мунча гаплари борлигини ҳам пайқади.

Нафиса уйга келиб, яна ойнага қаради. Боласини багрига босди, эркалади. Ўғли юзларига юзини қўйиб ойнага қаради, наҳотки, у шунчалик гўзал! Ҳамма унга қарайди, ҳамма у билан гаплашгиси келади... Таажжуб!

1963 йил, март

СОЗАНДА

Гар лофи Афзали ба тузад аблаҳе, чи бок
Танбури эътибори туро кў бувад харак!¹

Шамсиддин Шоҳин

Уста Сирожиддин Тўйчи ҳофизга жўр бўлиб юрган вақтларидан бошлаб, то шу маҳалгача «қассобдан шоир чиқмаганидек, беҳис чалинган гижжак — арра тортишдан фарқ қилмайди...» деб юради. Дарҳақиқат, у ўз танбурини завқ билан, маҳорат билан чертади. Одамларнинг айтишича, шаҳримизда кекса ва чинакам созандалардан тўртта бўлса, бири: шу уста Сирожиддин экан. Юнус ака катта йиғинларда «Ушшоқ» айтадиган бўлса, уста Сирожиддинни топтириб келмай иложи йўқ.

Уста ҳар оқшом ансамблдан, хизматдан қайтгач, супасида ўтириб, аллавақтгача танбурда машқ қилади. Чарчагач сони духоба ғилофига солиб, уй тўридаги қозикқа илади-ю, ёстиққа бош қўйиб, то уйқу элитгунча ёнидаги каравотчада пишиллаб ухлаётган саккиз яшар ўғлига тикилиб ётади. Диққат билан разм солган киши, уста Сирожиддиннинг икки фарзанди борлигини пайқарди. Бири — ёлғизгина ўғли, иккинчиси — қирқ ёшдан ошган бўлса ҳам доимо ёш бўлиб турадиган садафкўз танбури. Бу икки фарзанд устанинг кўз нури. Негаки, уста Сирожиддин бир неча фарзанд кўриб, улар пешонасига сизмаган эди. Ўғлининг жиндай иссиғи чиқиб қолгудай бўлса, унинг кўзига бутун дунё қоронғи бўлиб кетарди...

Шу фарзанд иситмалаб ётган кунларнинг бирида, иттифоқо уста Сирожиддин эшигини кимдир тақиллат-

¹ Афзалнинг мунофиқона лоф-ғийбатидан ранжима, чунки у сони эътиборли танбурига харрак ҳам бўла олмайди.

ди. Уста чиқиб эшик очди. Ансамблдаги юмалоқ гижжакчи йигитча, бугун кечқурун Фармоновникида катта тўй — ўғлини уйлантираётганини, созандаларнинг ҳаммаси бориши кераклигини тайинлаб айтди.

— Узимизнинг каттаконимиз Фармоновми? — уста сўради.

— Ҳа, — деди гижжакчи.

— Ўғлим иситмалаб ётибди, соғ бўлганда, албатта борардим.

— Лаббай? — деди у бир оз ўйлаб, — қанақа бўларкин... Бормасангиз бўлмас, уста!

— Болам иситмалаб ётибди, деяпман, укажон. Иссиғи ўттиз тўққиз, қирқ...

— Икки соатча ўтирамыз. Кеннойим қараб турсинлар. Бормасангиз кўнглига бир гап келади. Фармоновнинг феъли ёмонроқ дейишади...

— Бормайман! Ичим йиғласа ҳам, сиртим кулиб турадиган одамлардан эмасман. Тўғриси айтсам, бугун танбурни қўлга ололмайман.

— Узингиз биласиз, уста. Айтдим-қўйдим-да... Фармонов акамлар...

Гижжакчи йигит жўнаб кетди. Уста Сирожиддин эшикни ёпиб, уйга кирди-да, ўғли тепасида чўққайиб ўтирди. Хона ичида пайдо бўлиб қолган икки пашшани дарҳол тутиб, жаҳл билан эзиб ташлади. Унинг назарида, тахмонда осиглиқ турган танбурнинг ҳам иссиғи қирққа чиқиб, ҳаллослаб ётгандек кўринди.

Қош қорайишга яқин унинг эшиги ёнида бир машина тўхтади. Бир лаҳзадан сўнг эшик тақиллаб қолди. Устанинг юраги орзиқиб тушди. Бола тепасига хотинини қўйиб ўзи ташқарига чиқди. Ҳовлига кирган нотаниш йигитча устага бир қоғоз узатди. Фармонов ўз қўли билан тўйга келинг, деб хат юборибди. Бу — таклифномадан кўра ҳам буйруқномага ўхшарди. «Фр» деб қисқагина имзо чекишдан хатни ғазаб билан ёзгани сезилиб турарди. «Фармоновдан таклифнома чиқмайди, фармоннома чиқади...» деб кўнглидан ўтказди уста. Хат олиб келган йигит устага тик боқиб: «Қани, машинага чиқинг» дегандек имо қилди. «Йўқ, ука, сиз кетаверинг. Мен ярим соатга қолмай етиб бораман» деди. Йигитча машина эшикларини қарсиллатиб ёпиб, гуруллаб жўнаб кетди.

Бир соатларга қолмай уста Сирожиддин танбурини қучоқлаб тўй ғала-ғовурига кириб келди. Эшикда уни

бир неча олифта йигитчалар кутиб олиб, ичкарига таклиф этишди. Шу ерда кўзлари қизарган, ширакайф Фармоновнинг ўзи ҳам пайдо бўлиб, устани созандалар ўтирган супа томонга юборди. Уста сўрига яқинлашиши билан бунда ўтирган созандаларнинг гурра ўринларидан турганликлари меҳмонлар диққатини тортди. Устани тўрга ўтқазиб, орқасига ёстиқ қўйишди. Фижжакчи йигит бир пиёла иссиқ чой тутди. Чунки у бир ерга борса, аввал бир пиёла иссиқ чой ичиш одатини ошналари яхши билишарди. Тўйда маст-аластнинг кўплиги устани беихтнёр бир хўрсинтирди. Чунки бундай тўйлар устага ёқмаслигидан ташқари, санъатнинг нозик-нафислигини йўқотар, унинг ўз таъбирича, «гулни чирмовиқлар ўраб кетарди».

Уста уйнга тезроқ қайтиш мақсадида вақтни ўтказмай машқ бошлади. Аввалига жим қулоқ солган одамлар, бир оздан сўнг, яна бир-бирлари билан гўнғиллаб гаплаша кетдилар. Рўмкалар жаранглаб, танбур овози кўмила бошлади. Шундан сўнг, яна бир пиёла чой ичиб, «Наво»ни бошлади. Буни сўрида ўтирган созанда ошналаридан бошқа ҳеч ким эшитмади. Сўрига яқин бир ерда турган Фармонов ошхона томон юриб кета туриб, ёнида бирга бораётган кишига шивирлади:

— Уста тамом бўпти...

— Эсиз-эсиз, «Наво» ҳам бузилди. Илгари тузук чаларди-ку...

— Қариган-да... Беш-олти йилдан бери шундоқ бўлиб қолган. Ансамблдан бўшатиб юборайлик деймизу яна қари одам — тирикчилиги нима бўлади, деймиз. Ўзи ҳам ўлгудай тўнг...

Бир ҳисобда, шу икки одамнинг бугун уста машқидан қошиқмагани тўғри. Сўрида ўтирган созандалар буни ҳам кўнгилларидан ўтказган бўлсалар-да, тилга чиқаришмади. Уста Сирожиддин «Наво»ни дарҳақиқат, руҳсиз, ёмон чалди. У машқ тугагач, ёнидаги созандага ўглининг аҳволи яхши эмаслигини айтиб, ўрнидан туриб жўнаётган эди, Фармонов ичкаридан эллик сўмлик пул чиқарибди. Эшикдан чиқаётган уста пулни олмай, «Буни Фармоновга қайтариб беринг. Санъат пулга сотилмайди. Санъатни пулга сотадиганларни қаттиқ ёмон кўраман. Мен, тўй муборак бўлсин, деб келган эдим холос» деди...

Шу-шу бўлди-ю Фармонов устага ола қарайдиган бўлиб қолди. Бир кун Сирожиддиннинг: «Фармоновга

ўхшаган амалдорлар нўноқ дорбозни эслатади. Дорбоз арқонда у нуқтадан бу нуқтага омон-эсон етиб олиши эмас. дор устида бемалол юриб, санъат кўрсатиб, кишиларга завқ бериши керак. Фармонов ўзининг раҳбарлик қилиш қўлидан кела олишини кўрсатиш билан овора бўлган нўноқ дорбознинг ўзгинаси», дегани Фармоновнинг қулоғига етибди. Кўп ўтмай «қўли содан чиқиб кетган» уста Сирожиддин ансамблдан бўшаб кетди.

Санъатнинг катта тўйида ҳам иштирок эта олмади.

Бўлган ишлар бўлиб ўтди. Кунлардан бир кун уста Сирожиддин йўл устида ансамблдаги ўша юмалоқ гижжакчи йигит билан учрашиб қолди. Йигит чақнаб турарди. У гўё Сирожиддинга қайғудош бўлмоқчи бўлиб, ҳол-аҳволини сўрагандан сўнг:

— Уста, ўзингиз ҳам бир оз келиша олмадингиз-да... Лўлининг эшагини суғор, пулини ол, деганлар... — деди.

— Йўқ! — деди тутоқиб уста Сирожиддин, — бу гапингиз тўғри эмас! Агар сиз шундоқ ният билан санъатимиз ичида юрган бўлсангиз, икки дунёда ҳам созанда бўлмайсиз!

— Одам бўлмайсиз, деб қўя қолинг, уста,— деди гижжакчи бу гапдан хафа бўлгандек.

— Ҳа, одам бўлмайсиз! Бу турган гап!

Уста Сирожиддин шу гапдан сўнг, юзини тескари ўгириб, жўнаб қолди.

...Яқинда устанинг Тоштрамда ишлайдиган бир ишчи ошнаси ўз даласида катта тўй берди. У уста Сирожиддинни боласи, хотини билан бирга далага олиб кетди...

Уша базм кечаси уста Сирожиддин икки кўзини юмиб олгани ҳолда «Наво»ни шундай ажойиб бир завқ билан чертдики, торлар тилга кириб, дам қаҳ-қаҳ уриб, дам ноз этиб, дам эркаланиб йиғлаб, дам шўхликдан силкиниб, дам сукут сақлаб, жилмайиб, дам шалолалардек тоғу тошни қулатиб, дам оҳиста мавж уриб, бутун бир улкан далани, юзлаб меҳмонларни чулғаб олди. Каттадан-кичик бедазор четидаги шийпон атрофида сув қуйгандек жим ўтириб тинглашарди. Устанинг санъатидан ҳайратда бўлган одамлар битта танбурдан ҳам шунчалик овоз, шунчалик дилбар оҳанглар чиқишига тасанно айтишарди. Еш келинчаклар деразалардан мўралашиб, энтикиб устани бир кўришга ошиқишар, кексалар бўлса; бу Мулла Тўйчи ҳофиз келган серфайз тўйларга ўхшаб кетганини айтишарди. Баъзи одамлар бундоқ

қараб туриб, уста Сирожиддин сочидан тортиб, то тирноғининг учигача наво бўлиб кетганини, бу соз жаранги фақат танбур торларидан эмас, уста Сирожиддиннинг ҳаётга ошиқ қалбидан тошиб чиқаётганини сезиб туришарди.

Ишчи хонадонида ноёб танбурнинг серзавқ машқи анчагача жаранглаб турди.

Тўй шоду хуррамлик билан ўтди.

— Уста, — деди кунлардан бир куни тоштрамлик ўша ошнаси, — хафа бўлманг, сиз ўлмайдиган одамсиз. Сизни ранжитган одамлар ҳар қанча қорин солиб, керилмасинлар, бари бир танбурингизга харрак ҳам бўла олмайдилар! Биз буни яхши биламиз...

Кейинчалик маълум бўлишича, уста Сирожиддинни яна қўярда-қўймай ансамблга олиб кетишибди. Чулки унинг ўрни жуда билиниб қолибди.

1960 йил

СУРАТ

Хайринисонинг Миржалил Мирпўлатовга турмушга чиққанига ҳам беш-олти йил бўлиб қолди. Миржалил ўттиз етти ёшларга кирган, анча босиқ, оғир йигит. У аёллар яхши деб атайдиган эрлар сингари «ичмайди ҳам, чекмайди ҳам». Бу орада бир ўғил ҳам кўрди. Унга Алишер деб исм қўйишди. Бола ҳадемай тили чиқиб, чопқиллаб юрадиган бўлиб қолди. Вақт шундай тез ўтиб кетар экан... Хайринисонинг эри ҳамма жиҳатдан яхши, ҳамма жиҳатдан унинг дидидагидек. У вазмин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутиб туради, унча-мунчага ҳовлиқиб кетмайди. Унинг хушмуомалалалигини айтмайсизми, болалар уни жуда яхши кўради... Лекин бир оз рашкчилиги бор-да. Баъзан ўз-ўзига «қайси эркакда рашк йўқ» деб кўярди. Агар эрининг мана шу томонини ҳисобга олмаса, у бебаҳо киши. Уйим, бола-чақам деб тиниб-тинчимайди. Боласини эркалайди. Хайринисони севади...

Миржалил машинист, Тошкент-Красноводск магистралида ишлайди. Икки кун уйда бўлса, яна уч-тўрт кун йўлда, Хайринисо Текстилькомбинатда ишлайди. Ишга кирганига ҳам ўн йилдан ошиб кетди.

Эрта билан у шоша-пиша сочларини текислади, дуррача билан бошини танғиди, сумкасини қўлига олди-да, ичкари хонадаги кампирга қаради: «Ая, книжкамни кўрмадингизми? Сумкада эди?» деди. Стакандаги иссиқ чойни пуфлаб ичаётган Миржалил Хайринисога: «Алишер ўйнаб ўтирган экан, столга олиб қўйдим», деди. Хайринисо уйга қайтиб кириб, стол устидан про-

пускасани олди, негадир бирдан унинг юраги орқасига тортиб кетди. Ранги қув ўчди.

У комбинатга кириш учун берилган пропускази устига муқова қўйиб олиб, бу анча эскириб қолган муқова орасида бир суратни яширин сақларди. Алишер қурмагур книжкани муқовасидан ажратибди...

Хайринисо оқариб Миржалилга қаради-ю, ҳеч нима демади. Туфлисини кийиб коридорга чиқди-да, орқасига қайрилиб: «Сиз қай маҳалда борасиз?» деди. Миржалил лунжидаги нонни бемалол ютиб, бамайлихотир: «Бир соатдан кейин кетаман» деди. Вақт нечоғлик зиқ бўлганлиги сабабли, Хайринисо уйдан тез чиқиб кетди.

Йўл-йўлакай унинг бошини хаёллар аридай ғувуллаб талай бошлади. Баъзан жизиллатиб чақиб кетишар... «У суратни кўрганмикан? Столга олиб қўяди-ю, кўрмайдими. Балки шошиб олиб қўйиб, бир қоғоз деб ўйлагандир... Суратнинг орқа томони оқ-ку? Борди-ю, орқа томони эмас, олд томони тўғриланиб қолган бўлса-чи?.. Кўрган бўлса нега индамади? У индамай туролмас эди-ку? Кўрмаганмикан? Йўқ, кўрган! Кўрган бўлса нега бамайлихотир чойини ичиб ўтира берди? Ахир унинг феъли менга маълум-ку...»

Бу кимнинг сурати? Бу — Йигитали. Хайринисонинг бириинчи эри. У шу йигитни яхши кўриб, тўй-томоша билан теккан. Йигитали уларнинг боғ қўшниси эди. Бириинчи марта мана шу йигит уни шоша-пиша ўпган, шу йигит билан қўни-қўшни ўртасида жиндек «гап» ҳам бўлган. Шу йигитга теккандан кейин бир йил ўтар-ўтмай уруш бошланиб, у фронтга жўнаб кетди. 1943 йили Йигиталидан «қора хат» келди. Душман уларни бир-биридан айирди. Бу оғир жудоликни у матонат билан енгди. Йиғлади ҳам, куйиб касал бўлди ҳам, ҳаммаси бўлиб ўтди... Мана шу палладан бошлаб, унинг суратини асраб юрарди.

Миржалилга турмушга чиққандан сўнг, бу сурат гувоҳномасининг муқоваси қатига яширинди... Хайринисо ҳар замон-ҳар замонда уни очиб кўриб қўяр, қошқўзларига тикилар, алланималарни эсларди. Қувонарди. Сирасини айтганда, бу ҳалок бўлган йигитни ҳеч унутгиси келмасди. У жўпаётганда: «Мени унутмайсанми, Хайри?» дегап. Бу гап худди кеча айтилгандай унинг қулоғида жарағлаб турибди. Ушанда Хайрини-

со: «Асло, асло унутмайман» деган эди. Уша вақтда унинг назарида, дунёда Йигиталидан яхши ва чиройлироқ йигитнинг бўлиши мумкин эмасдек туюлган эди.

Хайринисо сменаси тугаганидан кейин уйга қайтди. Эри йўқ. Чунки у уч-тўрт кун йўлда бўлади. Унинг бир чарчоғи икки бўлиб, оёқ-қўли оғриб, каравотга ётди. Ҳеч нарса егиси ҳам келмади. Кампир онаси бир нимани сезгандек, Хайринисо атрофида ўралашиб қолди. Хайринисо: «Куёвингиз ҳеч нима дегани йўқми? Жаҳли чиққанини сезмадингизми?» деб сўради. Кампир кўзининг ола-куласини чиқариб: «Йўқ, жаҳли ҳам чиққани йўқ, ўғли билан ўйнашди. Ишига кетди» деди.

Хайринисо эҳтимол у жўрттага индамай кетгандир, деб ўйлади. «Унинг бунақа индамагапидан индагани яхшироқ. Жаҳли чиқиб уришса ҳам майли, бир оз кўнглим бўшаларди. Бундан кўра каттароғи бўлармикан!.. Чунки чой ичаётганда унинг чаккасидаги томири қаварган эди». У жуда қаттиқ ғазабланса шундай бўларди. Ёки Хайринисонинг кўзига шундай кўриниб кетганмикан? Миржалил ҳақиқатан ҳам суратни кўрмаганмикан-а? Йўқ, сочилиб ётган гувоҳномани столга олиб қўяди-ю, кўрмайдими?.. Кўрган!

Беш кун — беш йилдек бўлиб кетди. Ниҳоят эри йўлдан қайтиб келди. Қайфи жойида, илгаридай қувноқ. Эрталаб туриб, одатича, ўғли билан бирга радиони эшитиб гимнастика қилди...

Хайринисо кечга яқин, бу ишни юрагига сиғдиrolмай, ҳовлида юрган эрини чақирди. Бирдан унинг ранги ўчиб, титрай бошлади. Миржалил унинг юзига боқиб ҳайрон бўлиб қолди:

— Сенга нима бўлди? Бирор жойинг оғрияптими?

— Кечиринг... Мен... мен сиздан бекитиб,— деди гулдираб, тили қовушмай Хайринисо.

— Нимани?

— Жаҳлингиз чиқмасин... айбим, бекитмайман...

— Йигиталининг суратиними? Мен уни сен билан турмуш қурган йилимиздан буён биламан. Қачонгача яшираркансан дердим. Нега яширасан?! Қани гапир, ахир нега яширасан?! Мен сендан қаттиқ хафа эдим. Эшитишимча, етим ўсган экан. Бизнинг уйимизда эсланмаса, бошқа эслаб турадиган уй ҳам йўқ, шундайми? Рози бўлсанг каттароқ қилиб, рамкага солиб қўярдик. Уйимизнинг тўрида турса, арзийди. Ахир у бизга ўхша-

ганларнинг бахти, озодлиги учун курашда жон берган!
Нима, менда юрак йўқми? Қани, айт, нега яширасан?!

Хайринисо нима дейишни билмай турган жойида қотиб қолди. У Миржалил суратни тортиб олади-ю, бурда-бурда қилиб ташлайди, деб ўйлаган эди... Хайринисонинг ўпкаси тўлиб кетди. Унинг жиққа ёшга тўлган кўзлари: «Мен ҳалигача сизни яхши билмаган эканман» дегандек миннатдорчилик билан Миржалилга тикилди. Хайринисонинг икки дона қора кўзи сувда ётган икки дона чаросга ўхшарди.

1955 йил, Тошкент

ШУРАЛАГАН ХУСН

Тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас «уйда юраги қисилиб» кўчага чиқиб кетаётган келин эрига табассум қилиб, бундан буён уни Вика деб аташини уқтирди. Хайринисахон деган номи ўзига ёқмаслиги, бу «эскича» эканлигини такрор айтди. Фамилияси ҳам Бердиёрова эмас, де-Бернард бўлганида қандай яхши бўларди... Бир дафтари устига «Вика» деб ёзиб ҳам қўйибди. Норқўзи бўлса елкасини қисиб, ҳайрон бўлди: эҳтимол узундан-узоқ «Хай-ри-ни-са-хон» деб юргандан кўра, жўнгина Вика деб қўя қолгани маъқулдир. Вика эшикдан чиқа туриб, Норқўзи бўйнига осилди, юзига секин шاپатилади. Уч-тўрт қадам юриб, орқасига қайрилиб қаради:

— О, синьор, гудбай!..

Норқўзи илжайди, бир ҳафта ичида уни тез-тез ўпишга ўргатгани таажжуб! Бухородан келган бир уруги келинга қараб туриб, «қейзиқ-ку...» деди.

Вика кўчада юрганида қўлларини уч бурчак қилиб, тирсагини чиқариб, қоматини ҳаракатлантириб юради. Бу, «йигирманчи аср юриши» эмиш... Кўчадан қайтиб келган Вика яна тошойна ёнида ўтириб, ўзига ўзи маҳлиё бўлди, сочи орасига шиша банка қўйиб, дўппайтирди, узун, сунъий киприкларини эгди...

У, дарҳақиқат, анча чиройли, кишинлар гўё гўзаллик қасрига боқсалар, унингча, аввало мана шу «пештоққа» кўз ташлашлари керак. Кўпчилик ичида бошқалар диққатини ўзига жалб этишни у гоятда ёқтиради ва баъзан бунинг уддасидан ҳам чиқади. Бошқа тилда гапла-

шишни севар, нега одамлар «эсперанто» тилида гаплашмас эканлар деб ачинарди. Аввалги эри билан «характерлари келишмай» ажралишган. У эри ҳозир Вика дардида оҳ уриб, «бўйнимга гишт осиб, ўзимни сувга ташлайман», деб юрган эмиш. Вика бўлса ойнага қараб туриб кулади, қўшиқ айтади:

— Эс-перан-то, о, эсперанто...

Вика чойни ҳам пиёлада эмас, рюмкада ичарди — «йигирманчи аср кишилари оёғига этик, бошига дўппи кийиб юрмайди, бу ўтакетган ёввойилик! Улар қисқа юбка, гулдор носки, перлон чулкилар ҳақида ўйлаши керак»... Викага негадир ўзбек тили ҳам ёқмасди. У ўзининг ўзбеклигидан ҳам қандайдир уяларди. Бир кунни кимдир уни англичанка деганига юраги ёрилиб кетгудай севинган.

Баъзан хаёлга чўмар, бир ухлаб кўзини очса-ю, Францияда — Эйфель минораси тагида бўлиб қолса. Шу атрофдаги ресторанларда эрталабдан кечгача ликиллаб «Ча-ча-ча»га танца тушса, қандоқ яхши бўларди!

Ҳафталар, ойлар шундай хаёллар билан ўта берди. Вика ҳомиладор; унинг иттифоқо «Сосо-соло»га боши қоронғи бўлиб қолди. Норқўзи бу ичимликни қидирмаган жойи қолмади. Ахийри топиб келиб, дарҳол хотинига ичирди-ю, кўнгли тинчиди. Лекин Виканинг ўзига қолганда ҳеч фарзанд кўришни истамасди, унингча — беш кунлик дунёда ўйнаб қолиш керак эмиш. Айниқса «дипломли, цивилизованный кишилар» бола-чақа боқишдан кўра бошқа ишлар билан шуғулланишлари керакмиш. Вика одамларни икки гуруҳга бўларди — ўқиган кишилар; улар лабораторияларда фақат ихтиролар қилиш билан банд бўлмоғи лозим, ўқимаган кишилар; улар ўқиган кишиларга малайлик қилиш билан банд бўлмоғи керак... Мана, Виканинг фалсафаси. Бу ясан-тусан, сатанг жувонни баъзан шахримизнинг гавжум кўчаларида дикиллаб юриб кетаётганини кўриб қоласиз. Унинг юзида бўёқ тегмаган ери йўқ. Шу кунларда, нега ҳозир космос даврида ёш жувонлар қулоғини бўямаскин, қулоқ масаласи ҳам ҳал бўлиб қолса, унга муносиб бирон маз топишса, катта сенсация бўларди, деб умид қилиб юрибди.

Энди Норқўзининг Вика билан танишгани ҳақида икки оғиз сўз айтайлик. Бу танишув асосан кўлдаги

пляждан бошланган. Қўлда чўмилаётган Викани кўриб, Норқўзининг ҳаловати бузилди; юрак ютиб гап ташлади, у кампирининг келишини тайинлаб, блокнотидан бир варақча ўз адресини ёзиб берди. Норқўзининг онаси ҳам аввалига осмондаги ойни олиб, ўғлимнинг қўйнига солиб қўйдим, бопладим, қизини бермаганларни доғда қолдирдим, деб юрди.

Кунлар шундай ўтиб борарди: гоҳ ҳайронлик, гоҳ таажжуб... Аммо шу маҳаллалик Абдуқодир отанинг вафоти Норқўзи оиласига дарз туширди. Қазони эшитган Норқўзи дарҳол кийиниб, чиқиб кетаётган эди. Вика ётган ерида уни тўхтатди:

— Хелло, хелло, тўхта! Бормайсан!— Нега бормас экан, ахир, рулда кетаётганида ҳам машинани бир лаҳза йўл четида тўхтатиб, анча ергача тобуткашлик қилиб боради-ку, шундоқ Абдуқодир ота ўлармишу, тобутини кўтармасмишми?! Наинки Норқўзи, эшитган бўлса, бутун шаҳар ўрнидан туриб кетади.

— Нега?— деди Норқўзи жойида бир дам тўхтаб.

— Сен янгича одам!

— Ҳа, шунинг учун ҳам боришим керак!

— Эскилик бу! Сен қандай қилиб ўша қолоқ кишилар ичида борасан, жаноза ўқийсан?! Сенинг масалангни мажлисда кўрсалар нима бўлади?! Қайт, ўрнингга келиб ёт!

— Бориш керак! Нима, сен билан мен ўлмаймизми?

— Менга ўлим истайсанми, уятсиз!— у ҳўнграб йиғлайди.

Норқўзи таъби тирриқ, маъюс кўчага чиқиб кетди — эҳ, хотин деганнинг амиркон маҳсидек йилтирагани ҳам ҳеч бўлмас экан, деди ўзига-ўзи. Қайтиб келгач, уйда қиёмат-қойим уриш бўлди. Вика аразлаб онасиикига кетиб қолди. Уч кундан кейин ялиниб-ёлвориб яна олиб келишди.

Ой-куни етиб, Вика ўғил туғди. Туғруқхонадан келди-ю, болани қайнонага топширди — чақалоқ бутилкада сут ичиб катта бўла бошлади. Баъзан гўдак искаланиб, она кўксини қидирарди, лекин пешонаси бутилкага тегарди. «Фигурам бузилади» деб ўти ёрилган Вика болани қўлга олмай, баъзан узоқдан бирон жониворга тикилгандай кўз ташлаб қўярди. Қир ювадиган машина чиқарганлару, лекин бола ювадиган машина чиқармаганлар! Ўша инженерлар давлат пулини бекорга

оляптилар. Агар шундай машина магазинларда пайдо бўлса, ҳаммадан аввал Вика олиб, қайнонасини хурсанд қилмоқчи ҳам бўлди. Унинг ўйича, нима учун инкубаторияга ўхшаш бир нима ясаб, хотинлар туққан замон чақалоқларни ўша машина ичига солиб юборсалар, бир-икки йилдан сўнг ўзи юрадиган қилиб берса... Вика фикрларини пайқаган кампир кинояли кулди: «Жуда тезлашиб кетибсиз, болам»,— деди.

Ҳеч ерда ишламайдиган, тўғрироғи, ишлашни истамайдиган Вика яна эрта билан белини сириб боғлаб, сочини хурпайтириб кўчага чиқиб кетди. У Норқўзига қўли билан ишора қилди: «Хелло, о, синьор, гудбай!»

— Йўл бўлсин?

— Джаз оркестри келган, кеча очередь олган эдим. Бугун кассага етсам керак, тушамиз.

— Офарин!— деди Норқўзи бош чайқаб.

— О-кей, синьор!— Вика ўз қўлини лабига босиб ўпди, кейин ашулани бошлади:

— Эсперанто, о эс-пе-ран-то!..

— Ҳей, жонинг саломат бўлгур, одамга ўхшаб бир оғиз ўз тилимизда гапирсанг-чи, ахир бўғилиб кетдим-ку! Мана, ҳозир кетганимча, кеч келаман — кун бўйи грузовойда бетон ташийман — бу осон иш эмас. Бир оғиз одамга ўхшаб гапир, жонинг саломат бўлгур, хотинжон!

— «Эсперанто, о, эс-пе-ран-то...»— Вика буралиб, ўйнаб чиқиб кетди...

Кечқурун чарчаб келган Норқўзи бугун ҳам уйда хотини йўқлигини кўриб ғазабланди. Бунинг устига чақалоқ рингшиб йиғларди. Кампир бола билан банд бўлиб овқат ҳам қилолмабди. Кеч соат ўнларда Вика джаз-оркестр концертдан қайтиб келди.

— Овқат қилиб қўйсаларинг бўлмасмиди?— деди Вика тарелкаларни тарақ-туруқ уриб. — Уйда экансан, бир нарса пиширгин эди!

Норқўзи ўрнидан туриб, хотинига қамти бўлди. У асабини босолмай бир шапалоқ туширганини билмай қолди. Вика ҳам Норқўзи башарасига икки шапалоқ урди:

— Безори! Маданиятсиз! Тфу!— деди у жовуллаб йиғлаганича ичкари уйга кириб кетиб,— мен ҳозир докторга бориб справка оламан! Сен феодал-хулигани

судга бераман! Парткомга ариза ёзаман, сендек ифлосларни ишдан ҳайдаттираман!!!

У чамадонга кийимларини солиб чиқиб кетаётганида кампир йўлини тўсди.

— Жон болам, қўйинг, бир сафар кечиринг, ўрталарингда бола бор, бир сафар шайтонга ҳай беринглар...

Лекин Вика кампирни силтаб ташлаб «маданиятсизлар» деганича, боласига ҳам қарамай, ҳовлидан чиқиб кетди.

Бир ой мобайнида Виканинг югурмаган жойи қолмади, ҳамма унинг ўзини ноҳақ эканини айтди. Ҳамма ерда ҳақиқат устун чиқди. Охири у «оиламизни бузмоқчи бўлган онанг — шум кампир» деб, қайнанасига ёпишди. Дили вайрон бўлган кампир аламини ичига ютиб, бола боқа берди-ю, ҳеч кимга шикоят қилмади. Лекин ўйлаб-ўйлаб бир куни Виканинг ўзига шундоқ деди:

— Қизим, инглизчани ўрганибсизу, лекин одамгарчиликни ўрганмабсиз. Ҳар ҳолда сизни яхши фарзанд деб келин қилган эдик. Ўз уйим, ўз тилимни дунёдаги ҳеч бир уйга, ҳеч бир тилга алишмайман, ўзимники яхши! Лекин сизга ачинаман. Мен биринчи паранжи ташлаб, фабрикада ишлаганларданман. Норқўзининг отаси эски фирқа, Шўра ҳукуматини тузганлардан. Ҳа, бизлар қариб қолдик... Аммо шундоқ катта мамлакатни сизга ўхшаганларга топшириб кета олмаймиз. Бу кунларга осонликча етганимиз йўқ, қанча одамлар қурбон бўлган. Сизнинг оёғингиз менинг ҳовлимда-ю, хаёлингиз «гудбай»да...

1965 йил, июль

ҚУМРИ ВА ТАМАННО

Қумри институт боғидаги профессор бюсти ёнига қўйилган скамейкада китоб ўқиб ўтиришни яхши кўради. Қидирган дугоналари ҳам уни шу ердан топишади. Мана ҳозир ҳам шу ерда ўтирибди. У ўқий бошлаган бобини тугатар-тугатмас, рўпарада пайдо бўлган шўх дугоналари диққатини тортди. Кимдир имо билан уни чақирди ҳам. Қумри китобини ёпиб, тўда томон юрди, бориб кайфи чоғ курсдошлари билан қучоқлашиб кўришди.

— Қизлар, мен йўлга анча нарса оламан. Ҳамма нарса менда бор, гам еманглар. Мен «купальный»ни ҳам олдим, йўлда анҳорми, кўлми учраб қолар ахир,— деди чақнаб Таманнохон исмли басавлат, кўркам қиз, — сизлар ҳам олишни унутманглар. Китоб-питобингни қўйсанг-чи, Қумри! Экзаменлар ўтдимиз, бўлди-да!

Қумри кулимсираб, китобини портфелига тикди. У бошқалар каби Таманно оғзига тикилгандай бўлди-ю, хаёлига кекса профессорнинг имтиҳон вақтида айтган гаплари келди: «Тўғри, биз баҳо қўямиз, лекин ҳақиқий баҳони турмуш қўяди...» Бу гапдан «биз чинакам врачми, ёки номига врачми, буни турмуш ажрим қилади», деган фикрни пайқаган эди. Таманно бетоқатлик билан билагидаги олтин соатига қаради.

— Дўстлар, мажлис бошланди! Уч минут ўтди ҳам, Юринглар тезроқ.

Таманно олдинда, бир тўп студент қизлар орқада югурганча асфальт кўчани кесиб ўтиб, зинапоялардан чопиб чиқиб, институт биносига киришди. Зал ёшлар

билан лиқ тўлган. Таманно тўппа-тўғри биринчи қаторга бориб, профессор ёнига ўтирди. Кўп ўтмай мажлис бошланиб, учинчи бўлиб Таманнога сўз берилди. У минбарга чаққон кўтарилиб, залга кўз ташлади.

— Қадрли ўртоқлар! Мен институтни тамомлаб, узоқ районга ишга жўнаёпман. Ватан биз ёшлардан янги ташкил топган узоқ районларда ишлашни талаб қиляпти. Ватан чақирғига мен, лаббай деб жавоб бераман. Биз ёшлар энг қийин участкаларда ишлашимиз керак!

Залда гулдурос қарсақлар янгради. Таманно минбардан тушиб, ўз ўрнига ўтирди. Унинг ёнгинасида хурсанд бўлиб ўтирган кафедра мудири ҳам «балли!» дегандек имо қилди. Мажлисдан сўнг Таманнонинг атрофини дўстлари ўради. Кимдир уни бир лаҳза тўхтатиб, суратини ҳам олди. Чақмоқ мўйловли бир йигит Таманнога савол бериб, дафтарчасига нималарнидир ёзди. Афтидан у комсомол газетасидан келган мухбир бўлса керак...

Таманно ташқарига чиқаётиб, йўлкада Қумрига рўпара келди:

— Сўзга чиқмадинг? Нима, бориш ниятинг йўқми? Бу мумкин эмас!

— Ҳаммамизни номимиздан сўзладинг-ку, бас-да...

— Жонгинам, ахир биз иккимиз бирга кетамиз. Мен билан кетасан... Ҳар қандай хаёлларни йиғиштириб қўй. Бориш керак.

— Тўғри. Бориш керак. Лекин ёлғизгина онам бор, у қолади. Отам урушда ҳалок бўлган...

— Бундай баҳоналарни йиғиштириб қўй!

— Мен баҳона қилаётганим йўқ, сирасини гапирдим, — деди Қумри.

— Ешлик — фундамент. Унинг ғиштини тўғри қўйиш керак, шунда иморат узоқ йиллар умр кўради. Пойдеворни қийшиқ қўйсанг, иморат қулайди... Профессоримизнинг бу гапи эсингдами? Бизни қишлоқ кутяпти, қишлоқ, — деди Таманно ҳамон ҳовлиқиб.

Таманно эртасига магазиндан шалвар, офтобдан яхши сақлайдиган оқ қалпоқ, термос ва ҳоказолар сотиб олди. Фотоаппаратини тайёрлаб қўйди. Конверт, открытка, значоклар ғамлади. Ётиш олдидан беш-олти таниш қизларга телефон қоқиб, хайрлашди. Янги костюми, кўйлақларини эҳтиёткорлик билан чамадонга жойлади.

Ваъдалашишганига кўра эрта билан Қумри каттагина чамадонни кўтариб, Таманноларникига келди — бу ердан машинада тўғри вокзалга боришлари керак эди. Кўркам ҳовли ўртасидаги зина билан чиқиладиган шосупада Таманнонинг онаси чордона қуриб, рўмол устига сочилган марварид доналарини ипга терарди. У ўтирган ерида Қумрига қўл узатди:

— Келинг, омонмисиз? Мана бу Таманнохоннинг дурлари, узилиб кетган эди, шуни териб бер, деб қисталанг қиляпти шу тобда, — унинг бармоқларидаги йўғон узукларнинг ёқут кўзлари, бухори сирға шокилдалари офтобда йилтирарди. У ип учини тишлаб узиб, бармоқлари билан ҳимариб, дурни ипга тизаркан, гапини лоқайд давом эттирди: — Қумрихон, бундоқ йўлини қилиб қола қолмабсизлар-да. Дунёда тўғри бўлмайдиган иш борми?

Қумри аввал ерга қараб, қулоқ солиб турди, кейин бир нима деб жавоб қилиши лозим бўлгани учун, боришимиз керак, деб қўя қолди. Уз онаси кўзларига кўришиб кетди. У шу лаҳзада қатор тўқув станоклари орасида чаққонлик билан машиналарни кузатиб турибди...

— Уша ёқда қоракўл кўп бўлади, дейишади. Қаламчасидан посилка қилинглар, — деди Таманнонинг онаси марвариддан кўзини узмай...

— Ҳа, биз шундоққина қоракўлнинг конига кетяпмиз, — деди Таманно гапга араллашиб.

Қумри она-бола гапига қулоқ солиб, ҳайрон бўлиб қолди, кейин энсаси қотди...

Бир — баланд бўйли, кўркам, бири — қорамағиз, қотма икки дугона шаҳар ғала-говуридан қутулиб, поездда жимжит ва кенг далада елишар эди; поезд — гўё улкан тимсоҳ, пишқириб қирларни чўрт кесиб югарди...

Бир соатдан кейин Таманно сумкасидан димлаб пиширилган товукни олди. Кнопкани босиб, проводник чой келтиришини айтмоқчи эди, Қумри дик ўрнидан туриб, ўзи олиб келди. Шу орада кексагина аёл — прозодник ўтиб кетаётганини кўрган Таманно унга, стаканни яхшилаб ювиб беринг, балиқ ҳиди келяпти, деб қичқирди. Аёл стаканни дарров ювиб келди. Қизларим, лўчоқларни ерга ташламанглар, деган эди, Таманно гутақди.

— Хола, мояна олганингиздан кейин тозалайсиз-да!

Қумри Таманно оёғини босди. Проводник бир лаҳза бақрайиб туриб, купедан чиқиб кетди.

Бир суткадан сўнг икки қиз белгиланган манзилга етиб келишди. Поезддан тушгандан сўнг, Таманно Тошкентда ўйлаганидек аллақандай кутиб олишлар: оркестр, митинг, нутқлар бўлмади. Улар кичик бир станцияга тушиб, бир лаҳза қаёққа боришни билолмай туришди. Таманнонинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашди. Яхши ҳам ёнида Қумри бор, бўлмаса ҳозироқ орқасига қайтишга тайёр эди. Шу ерда ишлаймизми?— дегандек қаради Таманно Қумрига.

— Йўқ, бу ерда эмас, яна қирқ беш километр ичкарига киришимиз керак,— деди Қумри. — Бирор машинага тушсак яхши бўлар эди.

Машина учрайвермагач, улар йўлга тушишди. Бир оздан кейин Қумри чексиз даштга ишора қилди:

— Ана қирғоқ... ана пляж... Купальнигинг эсингдан чиққани йўқми?

Улар бирдан баб-баравар хохлашиб кулиб юборишди. Қумрининг бир қўлида ўзиники, иккинчи қўли билан Таманно чамадонини кўтаришиб, станция яқинида турган юк машинаси олдига боришди ва қишлоққа жўнашди.

Қош қорайганда автомашина қишлоққа етиб келиб, бир қавадли узун оқ бино ёнида тўхтади.

— Мана касалхонангиз, етдинглар,— деди шофер.

...Олис қишлоқларимиздан бири. Паста баланд уйлар, пахса деворлар. Атроф дала. Кеч кирганига қарамай ҳаво иссиқ.

Қумри билан Таманно олдинма-кейин касалхонага киришди. Эшик олдида кутиб олган оқ халатли бир аёл уларни шу яқинда яшовчи бош врач уйига бошлаб борди. Ёши қайтган, хушфеъл аёл икки қизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Дарҳол дастурхон ёзиб, овқатга унай кетди...

Шу куни икки қиз бош врач уйида тунаб, эртасига алоҳида хона берилди. Таманно ён қишлоқдаги касалхонада ишлаши керак. Бош врачнинг айтишича, у қишлоқдаги касалхона ҳам бунга ўхшаш экан. У касалхона бош врачининг мақтовини келтириб, таърифлаб берди. Таманнонинг асло боргиси келмасди. Икки қиз касалхонадан узоқ бўлмаган, оқланган олдийгина бир хонага кириб келишди. Таманно хона ўртасига чамадонини

қўйиб, устига ўтирди-да, бўшашиб атрофига тикилди. Андак ис босган деразадан ҳовлига қаради: ҳовли ўрта-сида қудуқ, нарироқда бир чипор товуқ ўн-ўн беш сарик жўжаларини етаклаб юрибди. Девор соясида қўн-ғир сигир кавш қайтариб ётибди...

Қумри қараб турмай, чамадонини очиб, бир қучоқдан зиёд китобларини, совун, тиш чўтка, порошокларини олди. Бурчакдаги эскигина каравотга тўшакни ёзиб, иштиёқ билан жой қила бошлади.

— Юрагим сиқилиб кетяпти, бу ерда қандай турансан?— деди тешилган пуфакдек шалвираб қолган Таманно. — Мен борадиган жой ҳам шундай бўлса, ўлиб қоламан-ку!

— Нега? Ўзимиз тузатиб оламиз.

— Йў-ў-ўқ, бу осон эмас!

Қумри каравотини шай қилиб, Таманнога қаради:

— Энди чиқайлик, касалхонага — бош врачга учрайлик. Сен ҳам ўз қишлоғингга боришинг керак, ўртоқжон.

Таманно миқ этмай уйдан чиқиб, қўшни қишлоққа жўнади, ҳатто чамадонини олмади ҳам. Қумри бош врач хонасида ҳужжатларини расмийлаштириб, эртасидан оқ халат кийди, энди у врач.

Лекин Таманно эртасигаёқ қайтиб келиб, кун бўйи Қумридан ажралмади, у қаёққа кирса, шу ёққа кириб, «уҳ-уҳ» қилиб юрди. Қудуқ сувини ичкиси келмай, оғзида гаргара қилиб, қайтариб ташлади. Кечаси каравотда ётиб йиғлади — онасини соғинган эмиш. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, касалман, деб ётиб олди. Тошкентга — оиласига ёзган хатига кўзи тушган Қумрининг ранги оқариб кетди. «Бунчалик эмас-ку, енгилликнинг нима кераги бор?»— деди. Иккинчи ҳафтага ўтгач, Таманно «кетаман»га тушиб қолди. Қумрининг шунча куйиниб гапиришлари ҳам асло таъсир қилмади.

— Қайси юз билан борасан?

— Бу ерда ишлолмайман, касалман...

— Институтдаги нутқлар, ваъдалар нима бўлади?

— Касалман, сиқилиб кетяпман... Нима, мени ўлгин дейсанми?!

Таманнога қараб турган Қумри бир сўз демай, юзини чирт ўгирди: «Одам ҳам шунақа бўладими? Бу — ойимтилла, тоза енгилтак экан-ку»,— деди ўзига-ўзи.

Таманнонинг «кетаман»га тушганини пайқаб юрган

бош врач ҳам, зоримиз бор, зўримиз йўқ, жўнашинги мумкин,— деди.

— Жуда ёмон иш қилипсан-да, ўртоқ,— деди Қумр касалхона ёнида совуққина хайрлаша туриб. Қумрининг таъби хира бўлди. «Қатта йиғинда, минбарда айтилган гаплари ҳам шунчаки тилёғламалик экан-да: — ўйлади у,— сочлари оппоқ профессор, ўқитувчила рўпарасида туриб, қандай ёлғон гапирди экан?»

У қайтиб касалхонага кирди, завқли янги ҳаёт қучоғига шўнғиб кетди... Бир куни ҳамшираларидан бир Таманнонинг кўркем қиз эканини эслagan эди, бош врач, ҳусннинг умри қисқа, инсонийликнинг умри узон деди.

Орадан ойлар ўтди. Кузга яқин Қумри бир ҳафтаг онасини кўргани Тошкентга келди. У Таманнонинг бирон ерда ишламай уйда ўтирганини эшитди. Таманн Қумри келганини эшитган бўлса ҳам кўргани келмади. Беш-олти кундан кейин негадир Қумрининг қишлоқ кетгиси келгандек бўлди. Ўз палатасидаги касалланинг тезроқ қайтишини сўрашган эди. Кимдир уни ҳақуни, ҳар соат кутаётганини ҳам биларди. Демак у энди қишлоққа ўрганибди. Тошкентга келганидан сўнгунини ўзи синаб кўрмоқчи бўлган эди. Қалбини қишлоқ оҳанрабодек кўзга кўринмас бир куч билан тортаётганини сезиб, хурсанд бўлди. «Қаерда бўлсанг ҳаломон бўл», деб бағрига босган онаси билан хайрлашиб у яна қишлоққа жўнади.

Келаси йил баҳорда Қумрининг онаси отпусказин қишлоқда — қизининг ёнида ўтказди. Қумри онасида Таманнонинг мануфактура базасида ишлаётганини эшитиб, ҳангу манг бўлиб, лабини тишлади.

— Ўртоғинг пулнинг кетига тушган, мен буни бирга ўқиб юрган пайтларингда сезгандим. Хаёли молд эди,— деди онаси ёстиққа суяниб.

— Бунақа экан, ўқиб нима қиларди?— деди Қумр онасига чой узатаётиб.

Орадан йиллар ўтди. Қумри шу ерлик бўлиб қолди қишлоқдагиларнинг бири ака, бири ука бўлиб, унгу ҳурматлари ошди. Шифо топиб, юриб кетган одамла касалхона врачларини унутишлари мумкинми? Илгариги Қумри — ҳозир бош врач Қумри Аҳмедовна Аҳмедова. Ҳадемай орадан олти йил ўтиб кетибди. Бу йиллаичида у янги рўзгор тузди. Икки фарзанд кўрди. Леки

у ёшликдаги дўсти Таманнони ҳеч унутолмади. Қишлоқдан юз ўгириб кетган Таманнони эмас, студент Таманнони эсларди. Яқинда Қумри иш билан яна Тошкентга келди. У галдагидек қадрдон институтга бориб, мункиллаб қолган профессорини кўриб чиқди. Институт боғидаги, бронза бюст тағидаги скамейка ёнига келди. Қумри студентлик чоғларида бу скамейкада ўтиришни жуда яхши кўрарди. Скамейка тўла қизлар, йигитлар ўтиришарди, тик турганлар билан ниманидир баҳслашишарди. Қизлар ичида ўзининг ёшлигидагига ўхшаб кетадиган қорамағиз бир қизни ҳам кўргандек бўлди. Кимдир ўрнидан дик туриб, Қумрини ўтиришга таклиф этди. У шунча эътироз билдирганига қарамай ўтқазди. Қумри скамейкада ўтириб, студентларнинг анатомиядан баҳсини мароқ билан тинглади.

Қишлоққа қайтиб кетар куни қандайдир бир куч унга тинчлик бермай, Таманнони бир кўришга ундади. У трамвайга тушиб, мануфактура базасига борди. Анча ўзгариб, озиб кетган Таманно ярим қоронги подвалдан чиқиб, Қумри билан кўришди. Унинг кўйлакларидан моғор ҳиди анқирди. У негадир бесаранжом, кўзлари така-пука. Бир лаҳзали ҳол-аҳвол сўрашдан сўнг у пастда ревизия кетаётганини айтди. У Қумри кўзларига қаролмай, ерга қаради. Қумрининг назарида олти йиллик ўқиш — билим, тажрибаю лекциялар моғор босиб кетгандек кўринди...

Улар яна хайрлашишди. Таманно газмоллар уйиб ташланган ярим қоронги подвалга тушиб кетди.

Қумри бўлса ўзининг ёрқин йўлида давом этди.

1962 йил

ЗАНГЛАГАН ҚИЛИЧ

Кулайлик, дўстлар, қани яхшилаб бир кулайлик
Кулишни ёмон кўрадиганлардан кулайлик.

Юсуфжон қизи

Боғ кўчаларимиздан бирида велосипед миниб бораётган бир мўсафид чол саратонда ҳам пахталик шим кийиб, ўралиб олган одамга: «Қличўп, омонмилар!» деган ўтиб кетди. Анча жойга бориб у яна велосипед устида орқага қайрилиб қараб қўйди. Пахталик шим кийиб олган одам чолга ўқрайиб, кейин ерга қаради. «Инсон бўлгандан кейин бундоқ қувнашни ҳам бил-да, хумпар!» деган гапни айтган бу чол унинг ёнидан яна физиллаб ўтиб кетгани энсасини қотириб, ғазабини қўзғади...

Мана шу тажанг бўлиб кетаётган киши Кабир Қиличев. У тажанг бўлмаган вақтида кўпинча боши ярим қийшайган, хаёлчан, хомуш юради. Қаҳ-қаҳ уриб куладиган одамларни ёмон кўради. Хаёл сурганда ҳам жуда узоқ хаёл суриб, баъзида бу хаёл суриши ақллиликка ўхшаса ҳам, аслида бунчалик эмас. У чоғи келмайдиган лавозимга чиқишга чиқиб олиб, тушолмай ўтирарди. Баъзан идорадаги шаддод одамлардан чўчиб, «менга тегманглар» дегандек, ўзини касалликка ҳам соларди. Печатни, кабинетни ва амалдор папкани қўлтиғидан чиқариб юбормасликда мана шу «касаллик» жуда қўл келиб, баъзан ҳафталар бўйи қорасини кўрсатмас баъзида шафтоли қоқидек буришиб, ўз қабулхонасидан эчкига ўхшаб икки марта йўталиб, кейин кабинетига кириб кетарди. Ичкарида яна бир Кабир Қиличев ўтиргандек, у ўз кабинети эшигини ҳам секин, эҳтиёткорлик билан очарди.

— Аҳволлари қалай?— деди кунлардан бир кун

коридорда дуч келиб қолган, тирсагигача енгча кийиб юрадиган бухгалтер.

— Уртача, азизим, ўртача... Мана шу томоним зирқираб оғрийди,— деди у биқинини ушлаб.

— Қаратинг, олдини олинг,— деди ачингандек бўлиб бухгалтер.

Қиличев «қайдам» дегандек сукут ичида ерга қаради-да, бир хўрсиниб қўйди. Ундан сўнг битта-битта юриб, қабулхонасига кирди. Машинкасини чиқ-чиқ уриб ўтирган ориққина хотин унга ялт этиб қаради-ю, аяч бир овозда:

— Тузукмисиз, Қиличев ака?— деди. — Кечагидан тузукроқмисиз?

— Тузук бўлиш қаёқда дейсиз, Лаълихон. Иштаҳа йўқ, қориннинг ана шу томони зирқираб оғрийди. Илгари қазилик ош еганда ҳам оғриманган қорин энди ширгуручга ҳам оғрийди. Ҳайронман...

Қиличев яна ўз кабинетига кириб креслога ўтириши билан телефон жиринглаб қолди.

— Ал-ло-о... Ҳа, ўзим,— деди у ғоятда ланж бир кайфиятда,— маза йўғроқ. Нима бўлди дейсизми? Оби ҳаво паст келаётганлигим ёки иш чарчагиб қўйдими... Бош оғрийди, пирамидон ичган билан ҳам оғрий беради. Кулманг, кулманг, азизим!.. Ўзимга ўзим айтаманки, ҳа, эртаю кеч тинмай ишлай берадиганнинг жазоси шунақа бўлади!

Телефон трубкасини олганда жиндек одамга ўхшаб гап бошлаган Қиличев охирги сўзини ингиллаб тугатди.

Бир нафас ўтмай, кабинетга гўладан келган мўйловдор, қувноқ бир одам кириб келди. У чақ-чақ уриб гап бошлади-ю, Қиличев юзидаги паришонликни кўриб, бир дамда тешилган пуфакдек шалвираб қолди:

— Хўжайеен, тузукмисиз? (Қиличев ўтирган ерида бош чайқади.) Ош тайёрлаган эдим...

— Э-э-э, азизим, қассобга гўшт, эчкига жон қайғиси... Менинг ичимдан нима ўтяпти-ю, гапингизга қаранг, бодрингга ўхшаб тагидан тахири чиқади-я, қани берироқ келинг-чи!.. Нима гап?! Одамлар мени ишдан олинадими дейишаётгани йўқми?

— Йўқ! Э, йўғ-е!

— Мана шу чап биқиним санчиб оғрийди, азизим,— У гапни бошқа ёққа бурди,— шундоқ оғрийдики, асти сўраманг. Менга...

— Нимасини айтасиз, хўжайин, сизга ҳақиқатан ҳам жавир бўлиб кетди,— деди у хўжайинининг нима дёмқчи эканини тушуниб мийиғида куларкан.

Шу тариқа ҳафталар, ойлар ўта борди...

Лекин индамай кириб, индамай чиқиб юрган бу «мусича» одамга ҳеч ким қўл теккизмасди. Ҳатто унинг ёруғ дунёда борлигини унутиб қўйган одамлар ҳам бор экан — ўспиринлигида техникумда бирга ўқишган ош-наси кўриб қолиб, қаримсиқ курсдошининг ёруғ дунёда юрганини кўриб хурсанд бўлиб кетибди. Ошнаси Қиличев учун «хаётий» масала бўлган амалини ҳам сўрамабди. Идора ходимлари иттифоқо рўпарадан келиб қолишса, шамолимиз тегиб кетмасин дегандай, секин ўтиб кетишарди.

Бирон йилдан кейин, дарҳақиқат, Қиличевнинг ранги жуда синиқиб, илгари сохта бош эгиб юрса, энди бунга ўрганиб, астойдил бошини қуйи солиб юрадиган бўлди. Ички чўнтакларига турли-туман таблеткалар: ҳидлайдиган, ютадиган, томизадиган... дорилар солиб юрарди. Бу дўриларнинг қайси аптекада мўл эканлигига, уларнинг лотинча номларига яхши биларди. У «иғна учидек тешикдан туядек шамол киради», деб кечаси қалин пахталик нимчаси билан оёғидаги наMAT этигини ечмай ётарди. Мовут чопон, мошранг духоба дўппи кийган одамни учратганлар бордир. Шу киши Қиличев бўладилар!

Қиличев эрта билан қийшайиб «хизмат»га кетаётганида яна танишларидан бири йўлиқиб, бошдан-оёқ тикилди:

— Саломатлик яхшими?

— Сўраманг, азизим, сўраманг,— деди Қиличев ух тертиб. Кейин хўрсиниб ҳам қўйди,— саломатлигининг қаттиқ мазаси йўқ, эшитганингиз йўқми?

— Йўқ?

— Мен ҳақимда ҳеч гап эшитганингиз йўқми?

— Нима гап ўзи-а?

— Нима гап дейсизми? Э-э-э, азизим... Агар бирон гап эшитган бўлсангиз мендан яширманг, айтинг? Сиз ҳам яширсангиз, унда кимга бораман!

Қаршисида турган одам ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин у Қиличевга тикилиб туриб, аҳволига ачиниб, билинар-билинемас бош чайқади.

— Ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— деди у жиддий,—

бир томонга қийшайиб кетаётганингизга, бетобмисиз деб сўрамоқчи эдим.

— Ҳа, бетобликка бетобман. Унг биқиним оғриydi. Иштаҳа йўқ. Ошқозонимда бир нима илдиз отиб кетганми дейман...

— Қўйинг-е! Восвос бўлиб қолибсиз, биродар!

— Хўп деяверинг. Қасалман! Жуда касалман!.. Одамларда оқибат йўқ. Менинг идорамга кўз тиккан одамлар бор. Тирикчилик қилиб юрган одамга тегаверишадими! Мен жуда касалман...

— Шундоғми? Э, дўстим, аслида касал бўлмаганингиз яхши эдику-я, касал бўлмасангиз, деймиз-да, биродар.

— Менга қолса касал бўлай дебмидим!

— Қаратинг, хайр бўлмаса,— у одам такаллуф билан жўнаб қолди. Қиличев бўлса яна «г» ҳарфига ўхшаб қийшайиб, ўз идораси томон ҳар куни юриб ўтадиган йўлқадан жўнади. Қабулхонасига кириши билан Лаълихон ялт этиб қаради:

— Қалай, тузукмисиз Кабир Қиличевич? Сизга раҳмим келади... Дард билан ҳам ишга келганингизга ҳайронман. Сиздан бошқа одам бўлганда аллақачон кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб оларди. Телефонга жавоб қилиш бўлса ўзимиз жавоб қилиб қўярдик.

— Э, Лаълихон, биз унақа одамлардан эмасмиз. Ҳамма вақт идора ишига жонимизни фидо қилиб келганмиз. Масъулиятни тушунамиз, дунёни сув босса тўпигига чиқармай, қаҳ-қаҳ уриб юрадиган одамларга ҳайронман! Шундоғ вақтда телевизордаги артистга қўшилишиб ашула айтадиган одамлар ҳам бор эмиш... Тавба... Мен телевизоримни ўчириб, пломбалаб қўйганман, театрлар у ёқда турсин, ҳеч қаерга бормай, идорамизни ўйлайман. Бўш вақтим бўлса, яхши таблеткалардан ютаман... Хириллаб, қаҳ-қаҳ уриб куладиган одамларни ёмон кўраман. Телефон олдидан жилмай ўтириш керак, бўлмаса нега телефон қуришган? Бирон масъул ўртоқ қўнғироқ қилганида мен бўлмай қолсам, унда нима бўлади?!

Лаълихон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборай деди-ю, ўзини тутиб қолди. Қиличев кабинетга кириб кетганидан кейин, эшикка қараб бурнини қийшайтириб қўйди. Кўп ўтмай яна бир одам кабинетга кирди.

— Салом берде-е-ек, Қиличев ака!

— Келинг,— деди Қиличев тошга тушган тапгалек жиринг этиб.

— Саломатликларини мазаси йўқ деб эшитдик?

— Кимдан эшитдингиз? Фақат саломатлигимни эшитдингизми, ёки бошқа гаплар ҳам борми? Идорамиз ҳақида ҳеч гап йўқми? Шахсан ўзим ҳақимда ҳеч гап йўқми? Ёки бир гап борми, тезроқ айта қолинг!

— Лаббай?

— Ишонган дўстларимдансиз, азизим, яширманг, хўш, ўзи нима гап?

— Мен сиздан сўрай, хўш, ўзи нима гап?— деди йўгон овозлик бу одам,— хунукроқ гапни эшитиб, сўрагани келдим.

— Хунукроқ? Бу нима деганингиз? Одамлар мени ишдан олинади деяптими?

— Бунақа гапни эшитганим йўқ. Бу арзимаган гап-ку!

— А, лаббай!— деди Қиличев ўқрайиб.

— Ёмонроқ касал, деб эшитдим. Бу гапни айтганларни оғизларидан шамол учирсин, деб койидим.

— Тўғри, азизим, бу гап тўғри! Хайрият, мен бошқа хунук гап бор эканми деб ўйлабман. Касалликка касалман.

— Шундоғми?— деди у одам Қиличевнинг юзига бақрайиб. Кейин у ҳам Қиличевнинг васвасага тушиб қолганини пайқаб ҳайрон бўлди.

Яна ҳафталар ўтаверди. Фасллар ҳам бир-бирини қувиб ўтаётган бир чоғда ҳассага тираниб, баъзан деворларни ушлаб, битта-битта босиб поликлиникага кетаётган Қиличевга одамларнинг кўзи тушди. Бировлар ачиниб, бировлар «васвасага тушиб, касални ўзига ўзи сотиб олган одам мана шу киши бўлади», дерди. Қиличевни биладиган, олтмишдан ошиб кетган бўлса ҳам велосипед миниб юрадиган эчки соқол чол буришиб-қуришиб кетаётган Қиличевни кўриб, носини ерга пурқаб ташлади-да, яна рўй-рост — «инсон бўлгандан кейин ахир очиқ кўнгил бўлиб, бундоқ қувнашни ҳам бил-да!»— деб қўйди.

Шу куни ҳам Қиличев докторхонага етиб олиб, ичкарига кириб кетди. Узун коридорда бир таниши билан учрашиб қолди. Ранги ўчган Қиличев қисқагина саломлашишдан сўнг кўчада, муюлишда бир одам унга жуда тикилиб қараганини шивирлаб айтди.

— Қанақа одам экан у?!— деди танини.

— Кексароқ...

— Қўйинг-е, восвос бўлиб қолибсиз!

Лекин Қиличев бир муддатдан кейин докторхона эшиги тирқишидан кўча томонга мўралади. Бояги чол кўринмади. Оқ халатлик икки ҳамшира пахталик шим, иссиқ нимча кийиб олган Қиличевнинг эшиқ тирқишидан мўралаётганини кузатиб, кулишни ҳам, ачиннишни ҳам билмай туришарди. Уларнинг кўзи ташқарида, асфальт кўчада троллейбус, автомашиналарни тўхтатиб қўйиб, кетма-кет югуришиб кетаётган оқ майкалик эстафета қатнашчиларига ҳам тушди.

Яна ҳафталар ўтди. Оқибат шундай бўлдики, Қиличевнинг ҳам ишдан бўшаши ҳақидаги хавф-хатарлар амалга ошди, ҳам касали чинга айланиб, чап биқинини кўтаролмайдиган бўлиб қолди.

1963 йил

ЯШИРИНГАН КУЧ

Узун, ярим қоронги коридор бўйлаб юриб, чап томондаги каттагина хонага киришингиз билан димоққа папирос ҳиди урилади. Хонага тўрт стол қўйилиб, унда тўрт киши ўтирибди. Кексагина одам дамо-дам шақиллатиб чўт қоқади. Яна бир стол ёнида йўгон йигит ҳам ўтирибди. Хонага кириб келган оддийгина кийинган одамга кўзи тушган йўгон йигит дик ўрнидан турди.

— Э, э, бормисан,— у дўстининг истиқболига бориб, аввал қўл сиқишиб, кейин қучоқлашиб омонлашди. У одам ошнаси багрида туриб, кийимини эзиб қўймаслик учун эҳтиёткорлик билан ўзини тортди. Полга этигидан икки дона из тушиб қолганидан хижолат бўлди ҳам. Мулоқотдаги илгаригидай илиқликни сезиб, стулга чўкди — омонмисан? Ишларинг яхшими? Болаларинг саломатми?

— Раҳмат, ўзинг яхшимисан, Арслон?

— Яхши. Ишлаб ётибман... Бундоқ ҳолдан хабар олай ҳам демайсан!

— Ўзинг ҳам далаларга чиқмайсан? Нега?

— Чиқмоқчиман. Чиқишим керак...

— Юр, ташқарига чиқайлик, бирпас бўлса ҳам очиқ ҳавода гаплашайлик.

Улар иккови ўришларидан туриб, ташқари чиқишди. Кўп ўтмай, яна телефонга чақириб қолишди. Яғриндор Арслон далачи дўсти билан хайрлашиб, лапанглаб ичкари кира солиб, трубкани кўтарди...

Кечқурун у уйга қайтиб келди. Иштаҳаси бўлмай, каравотда ланж ётди. Унинг негадир аъзойи бадани

ҳам шалвираб, қимирлагиси келмасди. Кампир овқат олиб келиб ўғли билан жиндак гаплашиб ўгиришга зор эди. Қош қорайишига яқин Арслон наридан-бери овқатланиб қайта кийинди-да, стадионга — футболга кетди. У тезроқ етиб бориш учун паркни кесиб ўтди. Яшил хиёбон, тенгсиз чаман гуллар ёнидан ўтди. Фонтан ёнидан чапга бурилиб, яна хиёбон бўйлаб юрди. Хиёбон четида қатор турган илғор механизаторлар портретига кўзи тушди. Чуст дўппи кийиб, кўксига орден тақиб олган сурат дарҳол диққатини тортди. У бир лаҳза тўхтаб, суратга қаради: суратнинг бир томони кўчиб, анча сарғайибди ҳам... Бу — унинг ўзи! Нега шунча вақтдан бери олиб қўйишмади экан! Арслон атрофига аланглади; қўл ушлашиб келаётган икки бахтиёр ёшга кўзи тушиши биланоқ, яна шатиллаганича жўнади.

Арслон бу йил йигирма бешдан йигирма олтига ўтди. У басавлат, абжир йигит. Қишлоқдалигида ошналари уни «полвон» деб аташарди. Лойга ботиб қолган бир машинани ёлғиз ўзи кифти билан кўтариб, ботқоқдан чиқариб юборганини-ю, кафтида уч ёнғоқни гижимлаб кукун қилиб юборганини ҳам ҳали эслашарди. Ҳозир ҳам тепадек кўкси, билакдаги сапчадек бўртган пайлари костюм ичида яшириниб турса-да, тошларни ёриб чиқишга интилган гиёҳлардек мускуллар костюмни ёриб юборгудай бўларди. Лекин ҳозир унинг иши — идорада ўтириб қоғозларга имзо чекиш. Қандай қилиб бу хизматга кириб қолганини ўйлаб-ўйлаб боши қотди. Қадимгидек терлаб, очиқ ҳавода трактор ҳайдаш йўқ... Колхозда универсал ҳайдаб юрган чоғлари қандай яхши эди! У механизация техникумини битириб, колхозда ишлади. Обрўси ошди. У ҳатто қардош республикалар далаларида ҳам бўлган...

Арслон кейинги вақтда кўп ўйларди. Дарҳақиқат, у нима ҳам бўлиб идора ишига ўтиб қолган эди. Бу вазифада ҳам у элга манфаат етказиш учун тиришиб ишлайпти. Аммо бу иш унинг қалбидаги ҳарорат, мускулларидаги қувватга ҳамоҳанг эмас.

Кунлардан бир кун, енгил машинада, туғилиб ўсган колхозига жўнади. Ўзига таниш кенг далалар, улкан карталар... Икки карта орасидаги тўғри йўлдан кета туриб, тўхтайлик дегандек шоферга нмо қилди. У машинадан чиқиб, ер четида тўхтаб турган универсал ёни-

га келди. Бошини қизил дурра билан танғиб олган қиз қора мойга беланиб, арлаб диққат бўлиб тракторнинг бир ерини ҳадеб бурарди. «Ҳорманг!» деди Арслон универсалга яқинлашиб. Қиз ялт этиб қараб, қисқагина «салом» деди-ю, яна трактор моторини хуноб бўлиб тимирскилай кетди. Бир лаҳзадан кейин у Арслонга бошдан-оёқ тикилиб, сомон шляпаси, силлиқ костюмига қаради. Арслон бўлса қиз ўз бурнини қора мой бармоқлари билан чимчилаб, бўяб қўйганини кўриб кулимсиради:

— Тракторингиз юрмаяптими?

— Ҳа, юрмаяпти!— деди қиз Арслонга суқланиб қараб. Унинг бел ушлаб, тик қарашидан «ҳа, юрмаяпти, сизга нима! Йўлингиздан қолманг!» деган сўзни пайқаш мумкин эди. Лекин у қўполлик бўлмасин дегандек, кейин «сал асовроқ...» деб гапни юмшатиб кулимсиради. Лаб остидаги яқдона холи жилваланди. Унинг чиройли қомати комбинезонига шакл бериб турарди. Комбинезон кўксига икки каптар қамалиб, жиндек ҳаракат қилса, пориллаб учмоқчи бўларди. Тирсагидан юқорида олтинга босилган муҳрдек — эм изи кўриниб турарди. Қиз қўлидаги отвёрткани ўйнаб, тикилиб турган Арслонга қараб кулди:

— Хўш, муллака... сизга раис керакдир? У киши да-ла шийпонидалар?

— Исмингиз нима?

— Бунақа гапларни қўйинг! Ишдан қўясиз...

— Рухсат этсангиз моторни бир кўрсам,— Арслон костюмини ечиб шоферга узатди. Енгини шимараётган эди, қиз секин: «Фу! Қўйинг, мой бўласиз! Бу сизнинг ишингиз эмас!» деди. Арслон қизнинг чиройли юзларига қараб кулди-да, кейин моторга тикилди. Бир сакраб юқорига чиқиб, мурватларни тортиб, аллақаерларини бураб яна пастга тушди. Қиз Арслоннинг барча хатти-ҳаракатларини кузатиб турарди. Арслон яна ерга сакраб тушиб, моторнинг бир винтини буради. Шундан сўнг яна трактор устига чиқиб, гуриллатиб юборди. Упи юргизиб ўн қадамча нарига — эгатга тўғрилаб сакраб тушди-да, қани, чиқинг, деб ишора қилди. Қиз тракторга чиқиб, эгат бўйлаб кетди. У анча жойга бориб, орқасига қайрилиб қаради. Енгларини шимариб, бошланг турган Арслонга кўзи тушиши билан яна тезда юзини ўгирди.

Арслон машинага қайтиб келиб, дам ўтмай физилаб жўнади. Чақмоқ мўйловли шофер унга «қотирдингиз» демоқчи эди, Арслоннинг бундай мулозиматларини хуш кўрмаслигини пайқаб, нафаси ичида қолди.

Шу куни Арслон икки колхоз далаларида бўлиб, раис билан қурилиш ишларига доир масалаларни гаплашиб, яна қайтиб келди. Уйда юз-қўлини ювгётганида унинг кўз олдида ўша шаддод қиз жилваланди. «Муллага» деган сўзлари қулоғига такрор эшитилди. Наҳотки у «муллака» бўлса! Исмини айтмагани ҳам таажжуб!

Қандайдир бир куч уни дала сари тортарди. Шанба куни енгил машинани ўзи ҳайдаб яна далага чиқди. Бу сафар катта карта ўртасида нотаниш бир йигит универсал ҳайдаб юрарди. Арслон бошқа карталарга ҳам борди. Лекин ўша истараси иссиқ қиздан дарак йўқ. Картада юрган йигит ким экан? Мабодо ўртоғи бўлса нима деган одам бўламан, деб дарҳол орқага қайтди. Шу куни ў жуда оғир тортиб, чарчоқ ҳолда ухлади. Тушида кимгадир «биз ҳам механизатормиз, ҳа, кулаверманг» деб эъландираётганида, босинқираяпти хаёл қилиб кампир тезда уйғотиб юборди. Эртасига — дам олиш куни, Арслон яна далага жўнади. Катта карта ўртасида юрган трактор ва унинг устидаги қизил дурралик қизни кўриб, юраги бирдан орзиқиб кетди. У машинадан чиқиб карта четида, универсалнинг яқин келишини кутиб турди. Бир оз вақт ўтгандан кейин универсал карта четига етиб келди-да, қиз Арслонга қараб кулиб қўйди. Шундан сўнг универсалдан сакраб тушиб, Арслон ёнига келди.

— Салом! — Арслон қўл узатди, — ҳорманг!

— Яхшимисиз, муллака! Ўша куни тракторимни тузатиб берганингиз учун катта раҳмат! Энди бузилаётгани йўқ.

— Тўхтаб қолган бўлса тузатай деб келган эдим.

— Кеча ҳам келган экансиз, — қиз бу гапни шартта айтди, кейин буралиб кулимсиради.

— Ҳа, дарвоқе...

— Дарвоқе эмас, келганингиз аниқ!

Улар иккови бир муддат гап тополмай жим бўлиб қолишди. Бир зумдан кейин қиз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Исмингизни ҳам айтмайсиз?

— Исмин Раъно, — у бошқатдан кафтини комбинезонига артиб, Арслонга қўл узатди. Унинг кичкинагина

қўли Арслоннинг метиндек маҳкам ва улкан кафтида йўқ бўлиб кетди. У қизаринқираб қўлини тортиб олди-да, Арслонга гап қотди.—Механизатор бўлганман дейсиз, сезилиб турибди. Нега ҳозир?..

Арслон жавоб тополмай данг қотиб қолди. Қиз яна ўзи сукутни бузди:—исмингиз нима?

— Арслон.

— Хайр, Арслон ака!—у ёш болалардек шўхлик билан универсали томон югуриб кетди, Арслоннинг «тўхтанг, тўхтанг» деганига ҳам қарамай, универсалида сузиб кетди. У «хайр, Арслон ака!» деган сўзни шундай чиройли айтдики, дунёга келиб бунчалик чиройли товушни биринчи марта эшитиши эди. У узоқдан орқасига қайрилиб қараб қўйган қизга бош чайқаб, «ҳа, сизними!» дегандек бармоғи билан имо қилди.

Келгуси дам олиш куни Арслон яна далага чиқди. Унинг чиқмаслиги ҳеч мумкин бўлмай қолди. Қалбига тушган кичкина учқун аланга ола бошлади. Бу сафар Раъно билан анча вақтгача гаплашиб ўтиришди. Раънонинг укаси олиб келган тушки овқатни бирга баҳам кўришди. Арслон устма-уст папирос чекаётганида, Раъно унинг лабидан папиросни олиб ташлади. Бу Арслонга жуда ёқди. Раънонинг ҳар бир ҳаракати, гаплари унга завқ берарди.

Суҳбат ичида Раъно «мен сиз бўлсам, илгариги ишимни қилардим. Сиз ишлайдиган идорада бошқа одам ҳам ишласа бўлади. Лекин сизнинг иш жойингиз — бу ер...» деди. Арслон кулди. У яна «яхши дори аччиқ бўлади, гапимга хафа бўлманг!» деб қўшиб қўйди. Раънонинг табассуми жиддийлик билан алмашди. У яна бийрон бўлиб гап қотди: «Қимдир сизга идорада ишланг деб маслаҳат берган бўлса, бу унинг хатоси! Мен ўнинчи синфни тугатиб, турсунойчилар сафига киришни маъқул кўрдим...» деди у гўё масалани чўрт кесиб.

Арслон назарида Раъно бу гапни жуда керак бўлиб қолгани учун айтганини сизди.

Арслон кечки салқинда даладан қайтиб, уйига келди. Эртасига эрта билан хизматга борди.

Орадан кунлар, ҳафталар ўтаверди...

Раъно билан танишганидан кейин дала унга янада кўраам ва гўзал бўлиб кўрина бошлади. Лекин идорада ҳам ишни бўшаштирмаслик учун жон-жаҳди билан ишларди. Кишига эшитилар-эшитилмас бир товуш билан

гүё билагидаги метин пайлари, қадоқ кафтлари, тепа-дек кўкси фарёд чеккандай бўларди. Далада меҳнат қилиб, терлаб-пишиб чиийққан пайлар гүё қуруққа чиқиб қолган балиқдек ҳансирарди. Раънонинг бийрон гаплари юрагини тўлқинлантириб юборди. Юрак дала сари талпипарди.

Арслон юрагидаги гапларнинг барини ёзиб, ўзини дала ишига юборилишини илтимос қилиб ариза берди. Аризаси ўқилиб, айтилган гапларнинг деярли ҳаммаси маъқул топилди. Унинг талаби ҳам қондирилди. Идора ишини бошқа одамга топшириб, туғилиб ўсган қишлоғига — колхозига кўчиб келди.

Қариндош-уруглари, бошқа фарзандлари, невараларидан нарида яшаб турган кампир ўзини тувакдаги гулга ўхшатарди. У ўсиб ўсмай, қуриб қуримай тургандек бўларди. У энди қишлоғига келиб — илдизи ерга тегиб, уч кунда рангига ранг кириб, ёзилиб, тажангликлари, ёш боладек хархашалари ҳам тугади. Кампир билан ўғлининг кўчиб келиши тўйга айланиб кетди. Колхоз раиси Арслонни қучоқлаб кўришаётганини кўрган кампир яна қувонди.

Арслон чиройли костюмларини гардеробга илиб, комбинезон кийиб, универсал минди. Дала офтобида янги ҳаммомдан чиққан одамдек аъзойи бадани сўлқиллаб, ишга киришиб кетди. Майин дала шамоли кўксини елпиди. Кечки чигирткалар чириллашини завқ билан тинглади.

Орадан уч кун ўтгач, ён қишлоқ — қўшни колхозга ҳам борди. Арслон Пулатов деган механизатор йигитнинг ўз колхозига қайтиб кўчиб келганини қўшни колхоздагилар қатори Раъно ҳам эшитган эди. У Арслоннинг келишига, у билан яна учрашишига ишонар ва буни юракдан кутарди... Худди шундай бўлди: улар далада, кумуш жийда соясида учрашишди. Раъно жийда шохидан узиб олган ниҳолни тишлаб туриб Арслонга яна бошдан-оёқ тикилди. Унинг бу тикилишида жуда катта маъно бор эди. Улар яна жим туриб қолишди... Нарироқда, арава йўлида тол новдасини от қилиб миниб, «чўҳ-чўҳлаб» кетаётган думалоқ қорамағиз болага қараб туриб, бирдан икковлари барабар кулиб юборишди...

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

География ўқитувчиси Сотволдиев кечқурун уйга қайтиб келди-да, ечишига ҳам сабри чидамай, бир културм қайнаган сув билан пирамидон ютди. Унинг боши лўқиллаб оғрирди. Бу эҳтимол папиросдан бўлса керак...

Стол устида тўдалашиб қолган газеталарга кўз ташлаган эди, кўзи телеграммага тушди. Уни дарҳол олди-да, бурни устидан жилиб қолган кўзойнагини тўзатиб қўйишни ҳам унутиб, телеграммани очди.

— «Маъмуржоннинг касали оғирлашиб қолди. Йигирма иккинчида операция бўлади...» Вассалом. Бошқа гап йўқ. Ким ёзганлигини билдирмай, қўл қўймабди. Эҳтимол, бунинг ҳожати йўқ деб ўйлагандир. Ҳақиқатда ҳам шундай. Нега қўл қўйсин...

Сотволдиевнинг юраги аргимчоқ учаётгандек, бирдан шув этиб кетди.

Маъмуржон...

Столдаги, кичкина рамка ичидаги Маъмуржоннинг суратига қаради. Икки ёноғи семиз, кўзлари қисик, сочлари қўзичоқнинг жингалак баррасига ўхшаш қорамғиз Маъмуржон ҳайрат билан Сотволдиевга тикилиб турарди.

Бу сурат Маъмуржоннинг энди тетапоя бўлиб, тили чиқиб келаётганида олдирилган эди. Унинг қулоғига «да-да, дад-да» деган сўзлари эшитилиб кетди. Гарчи Маъмуржон ўша пайтда йиғлагани, қишлоқ фотографи қўнғироқ чалгани, Сотволдиев уни алдаб, стулдан йиқилиб тушмаслиги учун биқинидан ушлаб тургани,

суратга унинг қўли ҳам тушиб қолганини эсласа ҳам, ҳозир Маъмуржон кўнгироққа эмас, отаси Сотволдиевга қараб турарди.

Унинг бош оғриғи ҳам билинмай қолди. Юраги тўлиб додлаб юборгудай бўлди. Секин чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўзини артди. Кўзойнагини тузатиб қўйди. Маъмуржон гўё уни кузатиб турарди, гўё, дада, кўзингни арт, костюмингни кий, тезроқ менинг олдимга кел, сени соғиндим, мени соғинмайсанми, дад-да? Энди «мама» билан уришмагин, мен қўрқаман, касал бўлиб қоламан... Мама, касал бўлиб қолдим, мана, қарагин, каша ҳам емайман, печенье ҳам егим келмайди, қўлларимни ҳам қимирлатгим келмайди, қўшни-миз Тоҳир билан ўйнагим ҳам келмайди, ҳеч зарса қилгим келмайди... Сен бўлсанг менинг олдимга келмайсан... Ишларинг кўп бўлса ҳам ахир мени бир кўриб кет. Ахир, мен касалман, қаттиқ касалман... дада-жон... деяётгандай, унинг юраги тўлиб, бир хўрсиниб қўйди.

1945 йил Маҳмуд Сотволдиев армиядан туғилиб ўсган қишлоғи Тўпқайрағочга қайтиб келди. Чап биқинидаги осколкадан бўлган жароҳати аллақачон тузалиб кетган. Соппа-соғ эди. У, катта тўй-томоша билан қишлоғидаги Ширмонхон деган қизга уйланди. Сотволдиев қишлоқдаги тўлиқсиз ўрта мактабда географиядан яна даре беришини давом эттирди. Ширмонхон бўлса, ўзининг қадрдон колхозида илгаригидек звено бошлиғи бўлиб ишлайверди. Биров Сотволдиевни «Ақлли йигит чиқди, илмлик одам мана шундоқ бўлади» деса, биров Ширмонхонни «Барака топсин, асл қиз», дер эди.

Ҳақиқатан ҳам Ширмонхонни Ширмонхон деганларича бор. Унинг икки юзи анордек қип-қизил, баланд бўйли, билаклари йўғон-йўғон. Қамчиндек сочларини дўпписи устидан чамбар қилиб юрарди, қаҳ-қаҳ уриб кулишга одатланган эди. Бундай қизларга одатда «Ўғилой» деб от қўйиларди, лекин Ширмонхон деган исм ҳам жуда чиройли. Уша кезларда Сотволдиевнинг баъзи «сғзига кучи етмаган» оғайнилари «Омадинг кепти, тараша!» деб кетган вақтлари ҳам бўлган эди. Ешликда уни ҳазил аралаш «Маҳмуд тараша» дейишарди. Унинг юзи қотма, бўйи узун, жаҳли чиққанда чакка томири бўртиб ўқлоқдек бўлиб кетарди. Унинг фамилиясига келганда, фамилияси паспортга шундай ёзи-

либ қолган. Тил ва адабиёт ўқитувчиси негадир «Сотиб-олдиев» деб чақирар эди. Лекин «Сотволдиев» деса тўғрироқ бўларди, албатта.

Ширмонхоннинг бир камчилиги шу эдики, у қишлоқ мактабининг тўртинчи синфини тугатгандан сўнг ўқий олмай қолди. Бунга биринчидан, уруш халақит берган бўлса, иккинчидан, ўша вақтдаги колхоз раиси Юсуфалн ака. У ҳозир қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлаётган бўлса ҳам, барибир, ўша вақтдаги бундай хатоларини ҳозир эсидан чиқаргани йўқ. Эсидан чиқариб бўбди. Чунки олдин бу масалага унинг ўзи енг шимариб киришади.

Улуғ Ватан урушига оддий солдат бўлиб борган Сотволдиев лейтенант бўлиб қайтиб келди. У харитадангина кўриб билган шаҳарларни ўз кўзи билан кўриб келди. Наинки шаҳарларни, ҳатто ўша шаҳарларнинг кўчаларигача билиб қайтди...

Ўша кезларда нима бўлди-ю, эри хотин аччиғлашиб қелишди. Эрининг уйга кеч қайтиши ва аллақандай Наима деган бир жувон билан иноқ бўлиб кетиши ўртага совуқчилик солди. Сотволдиевнинг сўзича, Ширмонхон маданий гапиришни, кийинини билмас эмиш, қўпол эмиш. Чақалоққа кўкнори бериб, ухлатиб қўйиб кир ювган эмиш. Сотволдиев бу сафар «саводсиз» демади-ю, «рўдапо» деди.

— Бу нимаси?!

— Рўдаподан ҳам баттарсан!

— Сен! — деди Ширмонхон ҳаётида биринчи марта «сансираб». Унинг қовоқлари шишиб, олчадек тўқ қизил лаблари оқариб кетди. «Заҳар» эрининг бу гапини ҳеч сингдиролмади. «Мен шундай бўлсам, бўлмаса...» Ширмонхон бир ой ичида озиб-тўзиб чўпдек бўлиб қолди. Мана шу-шу бўлди-ю, улар «характеримиз келишмади» деб ажралишиб кетишди. Сотволдиев шу гап учун қишлоқда туrolмай, Тошкентга кетиб қолди. У нафақа ҳам тўлайди...

У, Маъмуржоннинг суратига боқаркан, буларнинг ҳаммаси бир нафас бошини чулғади, хаёлини Тўпқайрағоч томон олиб қочди. Орадан беш йил ўтди. Бу вақт ичида на қишлоғини, на ўғлини кўрди. Фақат бу ердан ҳамқишлоқларининг биридан Ширмонхон пахтакорлар қурултойига келганини эшитди, холос.

Сотволдиев ухлолмади, жиидек кўзи илинган эди,

Маъмуржон унинг тушига ҳам кирди. Тушида Маъмуржон ўлиб қолган эмиш...

Тонг отиши билан аэропортга югурди. Телеграмма-ни кўрсатиб ҳаммадан аввал самолётга билет олди. Эрта билан, соат 8 да мактаб звоноги чалинганда Сотволдиев булутлар орасида Фарғона водийси томон учиб борарди...

Сотволдиев елкасига оқ халат солгани ҳолда қишлоқ касалхонасининг учинчи палатасига кириб келди. Қираверишдаги иккинчи каравот ёнига бориб, қимир этмай ётган Маъмуржоннинг юзига тикилди. Каравот ёнида ўтирган хотин секин ўрнидан турди, бу билан у эҳтимол «стулга ўтиринг» демоқчи бўлган бўлса керак (у Ширмонхон эди). Сотволдиев бир нафас тикилиб тургандан сўнг Ширмонхонга қаради.

— Нима бўлди?!

Ширмонхон гўё ўзининг энг яқин кишисига «бир ойдан бери шундоқ ётибди. Дори-дармоннинг ҳеч таъсири сезилмайди. Ҳар куни кечаси билан ухламай, юрагимни ҳовучлаб чиқаман», демоқчи бўлган эди, бир нима уни бўғди, тикка тургани ҳолда «касал» деб қўя қолди.

— Нима касал?

— Дўхтир билан гаплашарсиз, касал ичида эмиш. Эртага операция бўлади.

— Эртага?

— Ҳа.

— Ҳеч кўзини очадими ўзи?

— Боя бир очган эди.

— Иссиги қандай?

— Уттиз саккизу олти.

Шундан кейин Ширмонхон коридорга чиқиб, ҳамшира билан бир нима тўғрисида гаплашди-да, халатини топшириб чиқиб кетди.

Сотволдиев стулга ўтирди. У энди столи устидаги Маъмуржоннинг суратига эмас, ҳақиқий ўзига тикилиб қаради. Маъмуржон катталар каравотида ётарди. Унинг бўйи ўсиб, каттагина бола бўлганини кўрди. Ҳамшира хотин кириб, Маъмуржоннинг ақлли бола эканини, дарди оғир бўлишига қарамай, жуда чидамли эканини, тез-тез «қачон тузаламан?» деб сўрашини, ундан кейин дадаси Тошкентда велосипед олиб қўйганини, тезда олиб келишини, велосипед миниб Асакадаги бувисини кўриб кела-жагини ва бошқаларни гапириб берди.

Бир неча сәт ичса у бир марта ҳам кўзини очмади. Кунининг иккилчи ярмида оқ халат кийиб Ширмонхон кириб келди. Сотволдиев ўрнидан туриб, стул берди. Ширмонхон рўмолчасини намлаб, Маъмуржоннинг лабларини артиб қўйди. У Сотволдиевга қарамади, қандайдир «ўз иши» билан овора бўлди, «эрталаб келарсиз» дегандек ишора қилди. Сотволдиев бир нафас ўғлига, ундан кейин Ширмонхонга қаради-да, сўнг палатадан чиқиб кетди.

Сотволдиевнинг «Тўпқайрағоч»га келганини ўша куниеқ ҳамма эшитди. Қишлоқ унча катта бўлмай, четдан келган киши биринчи куниеқ кўзга ташланарди. Унинг нега келганлиги ҳам одамларга маълум эди. Таниш-билишлар дарҳол ундан Маъмуржоннинг соғлигини сўрашди. Эски, от тақаси қоқиб қўйилган остонасини босиб, ўз ҳовлисига кирди. Қўрғон ичида ётган Олапар депсиниб ўрнидан туриб, бир ўшқирди-да, Сотволдиевнинг ёнига келиб, думи билан ер супурди. Бу ҳовлида илгари Ширмонхон билан Сотволдиев яшарди. Маъмуржон ҳам шу ҳовлида туғилган.

Улар ажралишгандан сўнг, Ширмонхон боласини олиб ўз уйига кўчиб кетган. Ҳозир бу ерда унинг опаси яшайди.

— Ширмон эрга тегмадими? — Сотволдиев суҳбатда опасидан сўради. Чунки опаси Ширмонхон билан бирга ишларди. Ҳатто бир звенода эди.

— Улибди-да...

— Биргамисизлар?

— Уч йил бўлди-ку... Эшитганинг йўқми?

— Йўқ!

— У бригада. Анави Саври қақилдоқнинг катта ўғли Хидирвой-чи, герой бўлиб чиқди.

«Хидирвой» деган номни эшитгач, Сотволдиевнинг юрагида бир нима ловуллаб ёниб кетди. Қадим Сотволдиев Ширмонни негадир шу йигитдан қаттиқ қизғанар эди. Гарчи у ўзининг болаликдан ошнаси бўлса ҳам, уйда унинг номи айтилишини «қатъиян ман» қилиб қўйган эди. Ширмонхон эрининг бу ўринсиз талабига ҳам итоат этарди.

Уша пайтда озиб-тўзиб кетган Ширмонхон яна семириб, очилиб кетди. Қасалхонада бир кўришдаёқ, Сотволдиев бунни сездди. Унинг назарида Ширмон илгаригидан ҳам яхши бўлиб кетибди. Уша вақтдаги, ким-

нингдир «Омадинг кепти, тараша!» деган гапи яна қулоғига эшитилиб кетди.

Кечга яқин Юсуфали ака кириб келди. У гўё билмагандек: «Э... Сотволдиев, келинг. Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку. Юсуфали акангизни ҳам унутиб юбордингиз» деб, Сотволдиев билан бел сиқишиб кўришди.

— Оббо, аканг айлансин, бормисан. Ўғлинг тузукми?

— Қирган эдим... ётибди...

— Ишқилиб, фалокати арисин, ўғилчанг бир ширин бўлганки, ўзинга ўхшайди. Қилиқларини айтмайсанми? Ҳа, ишқилиб пешонанга сиғсин.

Сотволдиев хомуш ерга қаради.

— Тугруқхонани ҳам ўзимиз солдик. Соё кўпригидан ўтгандирсан? Кўприкни кўргандирсан? Ўзимиз солдик. Мактабни ҳали кўрмагандирсан? ГЭСниям кўрмагандирсан? Идорамизни ҳам кўрмагандирсан?.. Ўзимиз қурдик. Шунақа...

Сотволдиев бу одамни болалигидан билар ва яхши кўрар эди. Фақат Сотволдиев эмас, қишлоқдагиларнинг ҳаммаси ҳам яхши кўрарди. Илгари, партизанлик вақтида босмачилар билан қандай қилиб отишганини лоф уриб юрадиган Юсуфали ака «танқиддан» кейин гўё «ўтмишдаги ишлари»дан мақтанмай кўприк солгани, ҳаммом, тугруқхона солганидан мақтанарди. Бу мақтаниши ҳам қандайдир файзли эди.

Эртасига, Сотволдиев касалхонага кетаётганда йўлда Хидирвой билан учрашиб қолди.

— Келинг, Сотволдиев. Ўғилча тузукми?

— Тузук.

— Ярашдингларми?

— Лаббай?..— деди Сотволдиев гапга тушунмагандек.

— Ширмон билан ярашдингларми?

— Ҳа...

Сотволдиев нимага асосланиб, бундай деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Эҳтимол, рашк уни шундай деб ўчакишга олиб келгандир. Хўш, нега рашк? Ахир, Сотволдиев Ширмонхон билан чиқишмай, ажралишиб кетиб қолди-ку. Хўш, нега Хидирвой Ширмонхонни «сен» лайди? Еки улар ўртасида бирон яқинлик бўлса-ю, «ҳа» деб юборгани тўғри бўладими? Эҳтимол, Хидир-

вой ич-ичидан тоза кулаётгандир... Нега уни Ширмон дейди? «Ҳа» деганига тоза афсусланди. Хидирвой бўлса: «Ҳали беш-олти жун бўларсиз», деди-да, йўлида давом этди. Бу яна нима дегани?

Касалхонада Сотволдиев билан Ширмонхон ўрта-сида бўлган гап фақат қўйидагича бўлди:

- Иссиғи борми?
- Бор.
- Қанча экан?
- Бирдек.
- Кўзини очмадимми?
- Йўқ.

Бирор соат ўтмай, Маъмуржонни операция хонаси-га олиб кетишди. Хирург Сотволдиев билан ҳам, Ширмонхон билан ҳам гаплашди. Далда берди. Лекин Ширмонхон ўзини тутолмай пиқиллаб йиғлади, у ёшли кўзлари билан хирургга жавдирарди.

Операция бир соат чўзилди. Бу бир соат ичида, коридорда ўтирган Ширмонхон бир марта ҳам қўзғолмади. Гўё ўзи операция бўлаётгандек қимирламас эди. Операция тугагандан сўнг Маъмуржонни яна палатага олиб киришди. Ширмонхон югурганича хирург ёнига борди. У, операция ёмон ўтмаганини, нимаики керак бўлса ҳамма чора кўрилганини, ноумид бўлмасликни айтди. Бу гапларнинг ҳаммасини Сотволдиев эшитган бўлса ҳам, палатага бора туриб, Ширмонхондан хирург нима деганини сўради. Ширмонхон такрорлади. Кечқурун Ширмонхон палатада қолди. Сотволдиев бўлса ғамгин уйга қайтди.

Ойдин, қадрдон қишлоқнинг чиройли манзаралари. Майишгина ёз шамоли эсади. Йўлда унинг хаёлидан аллақандай фикрлар ўта бошлади. «Очиқ гапирсамми-кан?.. Ярашармикан... Чунки мен...»

Қолхоз чойхонаси олдидан ўтишда кимдир уни чақирди. Борди. Юсуфали ака экан.

- Уғлинг тузукми, ука?
- Тузук, операция бўлди.
- Тузалиб қолади, хафа бўлма. Яна уч-тўрт жун бўларсан-а?

— Ҳа, қаёққа борардим. Юсуфали ака, Маъмуржон шу аҳволда-ю...

— Айтиб қўяй, якшанба куни Хидирвойнинг тўйи. Бирга бўл. Албатта келгин, бўлмаса хафа бўлади.

Сотволдиев дарҳол Хидирнинг «беш-олти кун» деганига тушунди.

— Манга қара, ука, қишлоғимизда қолавергин. Ке, ярашмасанг ҳам шу ерда юргин, ахир ота болани, бола отани кўрмай ҳам бўлармишми? Энди, сани ёмон йигит демайман, илмли йигитсан, ҳамма гапга тушунасан, мен сени «ўзинг бепаватсан» демоқчимасман, нега деганинда ўша етимча Ширмонни ўзимиз кўпчилик бўлиб ўқитдик. Курсга кириб ўқиди-я...

Сотволдиев хижолат бўлди. Улар ўқимасликни сабаб қилиб ажралшгани йўқ, ахир! Характерлари келишмагани, лекин Сотволдиев Юсуфали аканинг эзмаланишидан бир нарсани пайқади. Бунинг маъноси тахминан мана шундай эди: «Сен-ку, ўқиган одамсан. Қанча болаларни ўқитасан. Наҳотки, ўзингнинг хотинингга ёрдам беролмадинг? Мана; бизлар, ҳамқишлоқлари ёрдам беряпмиз, билиб қўй!»

Сотволдиев чойхонадан чиққандан кейин, ўз уйига етгунча мана шуни ўйлаб борди. Гўё Ширмонхон ҳам унга шундай дегандай бўлди.

Иккинчи куни у яна палатага кирди. Анча вақтгача Ширмонхон билан гапсиз, жимжит Маъмуржоннинг юзига термилиб ўтиришди. Кутилмаган бир пайтда Маъмуржон кўзини очди. У кўзини очиши билан Сотволдиевнинг назарида қоп-қоронғи палата ёришиб кетгандек бўлди. У, онасининг юзига қаради. Ундан кейин Маъмуржоннинг кўз қорачиғи отаси — Сотволдиевга ўгирилди. У, шивирлагандек, секин «да-да» деди. Сотволдиев эгилиб, Маъмуржоннинг лабидан ўпти. Шу пайт Ширмонхон Сотволдиевнинг сочига қаради.

Сочига оқ тушибди. Бола бедармон қўлларини секин кўтариб, Сотволдиевнинг бошини қучоқлади. У бошини кўтаргандан кейин, Ширмонхон билан бир дақиқа бир-бирларига қараб қолишди.

Сотволдиев «Айб ўзимда...» дегандек яна ўғилчасига томон эгилди.

1955 йил. Тошкент

Уолд Питтс деган ушоққина америкалик анча йилдан бери Хиндистонда — Бомбайнинг Марин-Драйв кўчасидаги уйлардан бирида яшарди. У кичкина бўлишига қарамай анча серҳаракат — бошқалардан пидамроқ юрар, новечалар тўпига кирмас, паст бўйли кишилар ёнида бўйинни чўзиброқ турарди. Неми ёнига «мистер» сўзини қўшиб айтишни қаттиқ талаб қиларди. Ўзга юрт, ўзга одамлар ичида бўлганлиги сабаблими, бирон инглизча билладиган ҳинди билан гаплашгудай бўлса тупуги сачраб, ниҳоятда шангиллар: Техас штати дунёда энг чиройли жой, унинг қаршисида Кашмир «бир пул» эканлигини, Бродвей бозори ягона-ю, Ганг-Гудзон ва Истривер дарёларининг «жимжилосига ҳам арзимас»лигини юзсизларча тушунтирарди. Содда ҳиндилар: «Шу билан хурсанд бўлсанг бўла қол» дегандек истеҳзо билан кулиб қўя қолишарди...

Ҳиндистонда бўлган кишилар яхши биладиларки, Бомбай атрофидаги маҳаллалардан бирида «Авоме адора» деган клуб бор. Ундан сал нарироқда «Бенк оф Америкен» банки ҳам бор. Жаноб Уолд Питтс шу банкда хизмат қилади. Бу ерга у ҳиндиларга мадад бериш эмас, пул ишлаш ниятида келган. Хизматдан чиққач, ҳар кунги одатича бошини тик тутиб, «Авоме адора» ёни билан Марин-Драйв томон жўнайди. У баъзан шу клубга кириб ҳам туради. Оқ танлиларга хос — ерли одамлар юзига қарамай, икки кўзининг ёнига чарм қўйилган извош отидай тўғри кетарди... (Шарқ мамлакатларида инглиз ва америкаликлар ерли халқ юзига қарамас, аксинча, ерликлар уларнинг юзларига қарashi керак эмиш).

Кунларнинг бирида шу клубда «Қўшма Штатлар-

да ирқий масалалар» мавзуида лекция бўлиши Уолд Питтснинг қулоғига етди. У хизматдан чиқа туриб, клуб деворидаги эълонни ҳам ўқиди. Шу клуб аъзоси — дўкон қоровули Сатхе билан тажанг бўлиб гаплашди. Сатхенинг: «Азизим Уолд, унча қизишманг, сиз бир кичкина хизматчисиз, миллиардерлар Американинг сизга дахли йўқ...» деган сўзига ҳам қулоқ солмади. Ғазабланган Уолд Питтс ошнасини ҳам жеркиб, бундай бемаъни ишлар билан шуғулланмасликни клуб раисига айтишини таъкидлади.

Йўқ, иш бошқача бўлиб чиқди. Эртасига, ўша эълонда кўрсатилган вақтда клубга одамлар тўпланди. Америкада «Ирқий тенглик»ни ўз бошидан кечирган, бунинг жабру жафосини тортган бир негр профессори лекция бошлади. Кенг залда одамлар минди-минди... Лекция бошланишидан сал аввалроқ жаноб Уолд Питтс ҳам ишни ташлаб бу ерга келган эди. Нарироқда у билан бирга банкда ишлайдиган ҳиндилар ҳам профессорга жоң қулоқларини тутиб ўтиришарди. Кутилмаган бир пайтда Уолд Питтс ўрнидан дик туриб, клуб раиси билан профессорга ўшқирди:

— Мен америкаликман, бундай бемаъниликка йўл қўёлмайман!

— Бу бемаънилик эмас, бу ҳақиқат! — деди клуб раиси. — Жаноб Питтс, биз сизни хайрихоҳ ва софдил киши деб таниймиз... Тартиб ва одоб сақлаш керак!

— Йўқ, бу гаплар менинг ватанимга нисбатан туҳмат ва ҳақорат! Мен бунга йўл қўёлмайман!!! — Уолд Питтс чўкка тушиб, чордана қуриб ўтирган одамларни у ёқ-бу ёққа туртиб, уларнинг елкаларидан оёқ кўтариб ўтиб, минбарга яқинлашди. Қўлини пахса қилди. — Бу негр ҳаддидан ошиб, менинг Американи булғаяпти, кўрнамаклик қияпти. Лекция тўхтатилсин!

— Сиз, жаноб Питтс, бу гапни қаерда гапирётганингизни биласизми? — клуб раиси ўрнидан турди. — Бу ер Техас штати эмас, мустақил Ҳиндистон давлати! Мен сизни бир яхши киши деб юрардим, минг афсус!

— Сиз ҳам бўҳтончисиз! Бу негр — ярамас шахс! Минбардан тушсин! Бўлмаса...

— Бу учига чиққан сурбетлик! — деди ўрнидан туриб бир неча ҳиндилар. Кимдир қора, чайир қўллари билан Уолд Питтснинг ёқасидан маҳкам ушлади. Қоровул Сатхе ўтирган жойида бош чайқаб, афсусланарди...

Ҳозироқ дўппослашга тайёр турган муштар ва га-
забли нигоҳларга кўзи тушган Уолд Питтс зални таш-
лаб қочди.

Чумолига ҳам ёмонликни раво кўрмайдиган, ярим
юпун ҳиндиларнинг жаноб Уолд Питтсдан ихлоси қайтди:
«Одам деган ҳам шунақа бўладими-ю! Сен бунда жо-
вингни жабборга берганинг билан сендан Уоль Стрит-
даги қорни катталар миннатдор бўлармиди?! Ватаним,
ватаним... деб қичқириб қолаверасан, сенга улар оёғи-
ни ҳам артмайди... нодон!»

Кейинчалик Питтс ўзининг яккамохов бўлиб қолган-
лини, энди бунда сртиқ туриб бўлмаслигини пайқаб, хо-
тини билан ўша «жаннат-макон» Америкасига жўнади.

— Ҳарқалай бир алланечук бўлди-а,— дерди йўл-
да боши қотиб хотини,— ҳиндилардан ёмонлик кўрма-
ган эдик...

— Вайсайберма! Америкамиз ҳақида гапирсалар,
биз индамай туролмаймиз! Уларнинг ҳаммасини бўғиб
ўлдиргим келди. Биз буюк мамлакатнинг кишисимиз!

Шундай қилиб, жаноб Уолд Питтс Нью-Йоркка
ҳам етиб келди; балад чўққилар орасидаги бир кичик
кавакка сичқондек кириб, ғойиб ҳам бўлди. Уни ҳеч
кимса кутиб олгани ҳам йўқ, у билан ҳеч кимсанинг
иши ҳам бўлгани йўқ. Орадан бир ҳафта ўтгач, унинг
ўзи, яъни «жаноб Питтс» хотинининг илтимоси билан
корзинка кўтариб, гастрономга борди. Йўл-йўлакай
телеграфга кирди — бунда танишлари бор эди, суриш-
тирса, ишдан бўшаб кетибди. У гастроном ёнидаги қас-
собдан гўшт сотиб ола туриб жўрттага сўради:

— Жаноб Уолд Питтс Ҳиндистондан қайтиб келиб-
дилар, хабарингиз борми?

— Қанақа Питтс? — деди қассоб. — Питтс-миттсингни
билмайман...

Орадан яна уч-тўрт кун ўтгач, Уолд Питтс осмони фа-
лак бино тагидан чиқиб, йўлчаларда чумолидек ўрма-
лаётганлар ичида қаёққадир бориб келди. У йўлкада
туртиб, туртиниб кетган одамларга ўқрайиб қараб
кўярди. Наҳотки улар «Жаноб Питтс»нинг бу кўчада
юрганини пайқамаётирлар? Ахир у шуларни деб узоқ
Ҳиндистонда жанжал кўтарди. «Эй, баланд бинолар,
сизнинг Питтсингиз қайтиб келди...» дегандек қараб
кўярди. Лекин баланд бинолар энсаси қотиб, бурнини
жнийиргандек бўларди. Шу кўчадаги бир кичик банкда

мактабдош ошнаси ишларди. У билан учрашиб, бўлган гапларни бир бошдан айтиб берди.

— Узинг илгари тентакроқ эдинг, ҳозир ҳам ўша тентаклигингча қолган экансан,— деди у кулиб. Сўнгра маймунни томоша қилгандек у Питтсга тикилиб турди,— пул топиш керак, пул...

Уолд Питтс хомуш чиқиб кетди. Утиб кета туриб, нима ҳам бўлди-ю, беихтиёр давлат департаментининг бир бўлимига кирди. Ҳамма кириб гаплаша берса бўладиган кичик бир амалдорга бор гапни айтиб солди. Амалдор унинг гапларига унча эътибор бермай, нималариндир ёзиб ўтирарди. Питтс гапни тугатгандан кейин ҳам у индамай ишини қила берди... Уолд Питтс: «Хўш, жаноб, нима дейсиз?» дегандек амалдорга қараган эди, у хатдан бошини кўтариб:

— Гапириб бўлдингизми?— деди.

— Ҳа.

— Энди бу ерни бўшатиб қўйсангиз, жиндек ишласак.

— Бир нима демадингиз-ку?

— Нима, мен ҳам бўлмаган бемаъни гапларни бир соат вайсайми?

— Устингиздан шикоят қиламан!

— Туёгингни шиқиллатиб қол! Йўқол бу ердан, аблаҳ!

Уолд Питтснинг кўзи ола-кула бўлиб, хонадан чиқиб кетди.

Унинг қон босими ошиб, бир ҳафта хонасидан чиқмай ётди. Хотини кийим-кечакларида баъзисини сотиб келди. Уолд Питтс яна корзинка кўтариб гастрономга жўнади. Йўлда қассобдан гўшт олаётган эди, у Питтсга галати қараш қилди. Бир дамдан кейин қассоб Питтснинг қулоғига шивирлади:

— Орқангиздан ФБР айғоқчилари юрибди, сезяпсизми? Сиз ўзингиз ким бўласиз?

Уолд Питтснинг ранги қув ўчди.

— Айғоқчилар нима қилади? Ҳайронман,— деди саросима ичида. У елкасини қисиб, жўнаб қолди. Дарҳақиқат, баъзи ёқимсиз башаралар изидан юрганни унинг ўзи ҳам анчадан бери сезган эди. Тавба, бу нима гап!— Уолд Питтс саросимага тушди, у думини қисиб, инига кириб кетди.

1965 иил, март

Чет эллик меҳмонлар «Бўстон» колхозига боради, деган хабарни эшитган Қамчинбек у ёқ-бу ёгига қараб қўйди-да, секин маҳмадан чиқиб кетди. У тўппа-тўғри маҳалла чойхонасига кириб, самоварчининг қулоғига шивирлади:

— Эрта билан бу ерда чет элликлар бўлади...

Чойхоначи ҳайратланиб Қамчинбекка қаради:

— Нима қилсак экан?

— Азонлаб кўчага сув сепларинг,— деди Қамчинбек зағча кўзларини чақчайтириб.— Хонадонлардан палак, гилам, сўзана олиб чиқиб, чойхонани ясатиш керак. Ола-була байроқчалар осиш лозим...

Шу лаҳза Қамчинбекнинг кўзи чегаланган бир чойнакка тушиб қолди.

— Бу нима?! Уларнинг кўзи тушиб қолса нима деб ўйлашлари мумкин?— У чойнакни ерга уриб чилчил синдирди.— Яна бошқа шунга ўхшаш чойнаклар борми?— У янги чойнак, пиёлалар ичидан иккита эскироғини топиб, шу оннинг ўзидаёқ ерга урди.

Қамчинбек чойхонадан чиқиб, маҳалла комиссияси раисининг уйига борди, «фавқулодда ҳолат»дан уни ҳам хабардор қилди. Эртага чет элликлар ўтаётган пайтда кўчага Турнақори билан Абдуқодир отага ўхшашларни чиқармаслик кераклигини ҳам тайинлади.

— Абдуқодир ота пенсионер, икки ўғли жуда масъул ишда ишлайди-ку, чиқаман деса иложимиз йўқ,— деди маҳалла комитетининг раиси.

— Иложи бор, эртага нариги маҳаллада тўй, Ги-

Молхон келиб ашула айтармиш десангиз, зингиллаганича жўнаб қолади. Маҳаллани қўзғатиш керак, тонг отмасдан кўчага сув сепишсин, шарманда бўлиб қолмайлик!

У маҳалла комитети раисиинг ҳовлисидан чиқиб кета туриб ўзича ўйлади: чет эллик меҳмонларни «Бўстон» колхозида қандоқ кутиб олишаркин? Уша Қўзибой ака бўладиган бўлса ҳеч нима қилмайди, нидамай кутиб олади... Молхонага ҳам киришса керак, сигирлар шундоқ бемалол кавш қайтариб ётишган бўлса-я! Эҳ, Қўзибой, Қўзибой, бир чатоқ иш бўлмаса яхши бўларди. Ихтиёр Қамчинбекда бўлганда-ку сигирларни ўрнидан тургазиб, қатор сафга тортиб қўярди. Иложи бўлса шохларини, туёқларини бўяб, йилтиратиб ҳам қўярди. Чўнқаларнинг ҳам бўйнига ҳар турли ленталардан боғлаб қўярди.

Шу куни Қамчинбек қош қорайгунча оёғи куйган тонукдек маҳалланинг жинкўчаларига кириб чиқди.

— Э, Маккадан ҳожи келармиди, памунча!— деди Абдуқодир ота.

— Мияси айниган чол, бу ишларга аралашманг, бу — жиддий масала!— Қамчинбек шу куни чарчаб ухлади. Унинг таъби тирриқ, назарида ўзи яшаб турган ер бир култепа-ю, меҳмонлар шундоққина жаннатнинг қоқ ўртасидан чиқиб келишаётгандай... Чет эл деганда унинг кўз олдида ариқларида шарбат оқадиған шаҳарлар келарди, чет элнинг одамлари ҳам бошқача — пайғамбарларга ўхшашроқ кўринарди. Бир куни кимдир Қамчинбекнинг фикрига эътироз билдириб:

— Ҳа, ғарбликлар билимдон, лекин улар қадимдан бизнинг Самарқанддан, Тошкентдан, Бухородан нодир китобларнинг асл нусхасини ўғирлаб кетишган. Бу китоблар Брюссель, Лондон музейларининг пўлат сандиғида турибди,— деган эди. Бошига тагдўзи дўппи, оёғига қизил этик, бўйнига галстук боғлаб юрадиган баъзиларнинг айтишича, товуқ бозорининг олифтаси Қамчинбек ўшанда у одамни сўкиб солган эди.

Тонг қоронғусида Қамчинбек бошлиқ чойхонанинг кунда шундалари ҳайҳайлашиб, кўчага сув сепишди. Ҳовлилардан келинларнинг палагини олиб чиқиб, чойхонага осишди. Кўча томондаги шўралаган деворларга гилами палос, бўғотларнинг тагида нафталинда ётган дорпечларни узун тортишди. Соат тўққизларга бориб, ўттиз чоғлик одам фармонга бардор бўлиб, ўт

Ўчирриш командасининг сафига ўхшаб, чойхона олдида савлат тўкиб туришди. Қамчинбекнинг юраги дукдук уриб, йўл ўртасига тушди. У узоқ-узоқларга қўлини соябон қилиб тикиларди. Баъзи ўткинчи юк машиналари ҳам кўчадан ўтказмай, бошқа кўчадан ўтишга мажбур этарди. Сомон ортиб келган туя карвонини калтаклагандай қилиб боши берк тор кўчага қамаб, чўктириб қўйди. У фиғон бўлиб туякашни сўкарди. Ахир туя деган нарсани меҳмонлар кўриб қолса нима бўлади! Э, туянг бошингда қолсин! Бу бесўнақай ҳайвон янгиликларга эришишимизда тўғаноқ, ҳозир силлиқ-силлиқ автомобиллар чиқиб турганда бирон ери тўғри бўлмаган бу ҳайвон кўчамизда юриб нима қилади!

Кун ёйилиб кетгунча улар чет элликларни кутишди. Улардан дарак бўлмагач, тўпга яқин бориб, тарқалиша бошлашди. Тор кўчага қамаб қўйилган нортуюлар ҳам оғзини кўпиртириб бақиритиб ётарди. Қамчинбек ҳам икки қўли билан белини ушлаганча, кўча ўртасида гўдаиб туравериб чарчади. Шу орада, маълум бўлишича, меҳмонлар нариги кўчадан колхозга ўтиб кетишибди... Қамчинбекнинг тарвузи қўлтиғидан тушди: Қайси ноинсоф тайёрлаб қўйилмаган кўчадан олиб ўтиб кетди экан!

Тушдан кейин Қамчинбек яна чойхонага қайтиб кирди. У бир нодоннинг айби билан ясатилган кўча бу ёқда қолиб, чет элликлар нариги кўчадан кетишганини айтган эди, бегона бир одам кулди.

— Хўш?— деди Қамчинбек ҳам тиржайиб.

— Уша сиз кутган меҳмонлар чой ичиб ўтиришибди,— деди у одам ёнидаги иккита қирра бурунли кишини кўрсатиб,— мана ўшалар. Колхоздан қайта туриб, бу ерга кирдик.

Қамчинбек ўрнидан туриб, илонга йўлиққан бақадек бақрайганича қараб қолди. Унинг тили сўзга келмай гўлдирарди, оғзини очиб, дам ҳалиги одамга, дам меҳмонларга қарарди.

— Бу киши билан танишинг,— деди меҳмонларга инглиз тилида ҳалиги одам. Меҳмонлар чақнаб Қамчинбекка қўл узатишди:

— Фифтенштейн... Смит...

— Мен, Қамчинбекман.

— О, гут! ...

Меҳмонлар бир муддатдан кейин ўринларидан туриб, йўл четида турган машина ёнига боришди. Уларнинг бири сумкадан ойна қутига ўхшаш нарсани олди-да, машинанинг тумшугига қўйди. Узи шимини тўғрилай бошлади. Меҳмонлар атрофини ўраб турганларнинг энг олдида Қамчинбек турарди. У ҳалиги ярим очиқ нейлон қутича ичида жимирлаб турган нарсага жон-жаҳди билан тикилди. «Бу нима экан-а? Шу нарса билан гапимизни ёзиб олмаётганмикан?» У орқасига қайрилиб қараб:

— Ҳой, оғизларингга қараб гапирларинг, ёзиб оляпти,— деб шивирлади.— Эҳтимол, шу живир-живир симли нарса билан заҳарли модда тарқатаётгандир! Ёки, мана бизнинг илму ҳикматимизни кўриб қўйинглар, деяётганмикан! Ё тавба! Буларнинг ишига ҳеч ақл бовар қилмайди.

Қамчинбек жуда тикила бергач, меҳмон нейлон қутичанинг қопқоғини барала очиб, уни Қамчинбекка яқинроқ суриб қўйди. Қамчинбек бир оз чўчиди, кейин шерлиги кўзгаб меҳмонга илжайди, бояги қутига яқинроқ бориб бош эгди: «Жуда улуғ нарса экан. Эҳтимол бу живир-живир нарса осмонга учадиган асбобмикан?» Бир оздан сўнг меҳмон ҳам бу таъзиму имо-ишораларга ҳайрон бўлиб, Қамчинбекка бақрайди. «Бебаҳо, бебаҳо», дерди дам-бадам Қамчинбек қўли билан қутичани кўрсатиб. Меҳмон у ёқ-бу ёғни тўғрилаб бўлгач, ўша нейлон қутичадаги «живир-живир нарсани» олди-да, у билан елкасидаги чангларни супура бошлади. Қамчинбек ҳайратланиб меҳмонларни бошлаб юрган йигитдан бу қутичадаги нарса нима эди, деб сўраган эди, супурги деб жавоб берди.

— Супурги?

— Ҳа.

— ...демоқчисизми? Яъни мураккаб аппарат?

— Супурги деяпман, инсон, супургини биласизми?

Кичик, оддий супурги...

Қамчинбек бу нарсанинг супургилигига ҳеч ишонгиси келмасди.

Меҳмонлар жўнаб кетишди. Қамчинбек эса ҳамон йўл четида гўдаийб турарди. Баъзилар унга қараб ҳиҳилаб кулиб тарқалишди. Баъзилар бу лўттибозликдан ранжиди:

— Ҳа, чет элликлар жонингни олгур,— дегандек

бўлишарди. Кун бўйи тор кўчада қамалиб ётган туялар ҳам бақириб йўлларига равона бўлишди. Битта-битта қадам ташлаб кетаётган Абдуқодир отанинг чаккасидаги томирлари ўқлогидек бўлиб:

— Ишқилиб, юртимиз иши мана бундай ўз қадрини билмаган ўпкаси йўқ тайлоқчаларга қолмасин-да,— деди. Чойхонага, кўчага қоқиб ташланган палагу гиллавлар, дорпечу сўзаналар шошиб-пишиб йиғиб олинди, баъзиларининг миҳи чиқмай йиртилди ҳам...

1965 йил

Қоҳира шаҳри ўртасида қирғоқларига лим-лим гўлиб, баъзи ерлари тегирмон тошидек чир айланиб, баъзи ерлари баррасимон товланиб мавж уриб, баъзи ерларига беҳисоб тангачалар сочилгандай — тўлқинларда синган қуёш нурлари йилтираб, қанчалаб катга-кичик кемаларни забардаст кифтида кўтариб, пишқириб буюк дарё — Нил оқиб ётибди... Унинг икки гомонида фалакка бўй чўзган миноралар, кўп қаватли бинолар, хурмолар. Дарё кўприги ёнига икки баҳайбат арслон чўкка тушиб, бароқ ёлларини ҳурпайтириб, тасмадек узун кўприкни қўриқламоқда. Дарё оқимиға қарши юрсангиз, бир муддатдан сўнг эгри-бугри кўчалар, пастқам уйлар, қўнғироқ осган тўрт ёлдиракли қўтос аравалар кўзга ташланади. Бу томон ал Азҳар² шаҳар марказига қараганда ҳам тор, серчанг кўчаларда одамлар гавжум, ал Азҳар атрофидаги ал Мисрий, ал Аҳмар, Хон Халил³ кўчаларига яқинлашиш биланоқ

¹ 1958 йили, баҳор ойларида СССР маданият арбоблари делегацияси составида мен Миср ва Сурияга саёҳат қилиб, бир қанча шаҳару қишлоқларда бўлдим. Мазлум араб халқи ҳаёти билан танишдим. Кўп замонлар инглиз империализми ва маҳаллий бойлар зулми остида эзилган, заҳматқаш халқ бизнинг Совет мамлакатимизга, Москвага катта меҳр ва гойибона эҳтиром билан қарайдилар. Бу туйғуни мен ўз кўзим билан кўриб, сезиб, узоқ сафардан қайғиб келганимдан сўнг, шу заҳматқаш халқ вакиллари ҳақида бир қанча қуйидаги ҳикояларни ёздим. (Автор.)

² Ал Азҳар — Қоҳирадаги қадимий мадраса. Унинг атрофидаги майдону маҳаллалар ҳам шу ном билан аталади.

³ Кўчалар ва расталар.

зарчава, қалампир, ҳидлари димоққа урилади — ўн ва сўлда атрофларига бир дунё халтачалар ёйиб атторлар ўтирибди. Улар товонларигача тушадиган ғалабия кийиб от думидан ясалган рувак билан пашша қўри харидорнинг қадамига маҳталлар. Баъзилари одамларнинг шов-шув ва гурунгларига парво қилмай тасбе ўгириб, мудрашмоқда; баъзи биров ҳафтиякдек сарғайиб, жилди ағдарилган аллақандай китобни ўқимокда, баъзи биров харидор билан обдан савдолашмоқда.

Атторлар ёнидан ўтиб, бир оз юргач, қулоққа мисгарликнинг тарақ-туруқи эшитилади. Янги келган киши кўиниколмас, лекин бу ердаги аттордан тортиб тешкопчигача ўрганиб қолган. Жума куни мисгарларнинг тақ-туқи бир оз тўхтаганда, яланғоч мешкопчи ноэлитган кишидек гангиб қолади. Мисгарлар қайтиб келиб, яна тарақ-туруқни бошлаб юборгач, мешкопчўзига келиб, жони ором олади-да, раста бўйлаб бақариб, кишиларга Нил сувидан тутади.

Мисгарликда, ўнг томондаги пачоқ дўкон олди ёйиб қўйилган мис баркаш, катта-кичик обдаста, дашша-ю манқалдонга, ундан кейин сандон устига қўйилган япаски мис тунукани терлаб, бир меъёрда болғалаётган қотма арабга кўз ташламай иложипгиз йўқ. Бу киши — Иброҳим ал Маҳдий. Бу ердаги ҳамкасабалари ун арабул-асвад»² деб атайдилар. Мисгарнинг ёнида ўтириб, терлаганига ҳам қарамай, жон-жаҳди билан босқон тортаётган жамалак сочли олти яшар қиз — а Маҳдийнинг етим набираси. Қизга ота-онаси умид билан Субҳ деб ном қўйган экинлар. Лекин улар Субҳнинг орзу-ҳавасини кўролмай, уч яшарлигида дунёда ўтибдилар. Етимча Субҳ бувасининг қўлида қолибди.

Саратон кирмасданоқ Қоҳирада ҳаво қизиб кетади. Нилдан учган шабада ал Азҳар бўйлаб чопмаса, бу да, каталак дўконлар ичида терлаб, кабоб бўлиб, болға ураётганлар бир қошиқ сувга айланиб оқиб кетаддилар. Хайриятки Нил шабадаси бор.

Ал Маҳдий сопол косага сув қуйиб ичади, унда сўнг Субҳ қизалоқ ҳам. Шу пайт тор кўчадан ўтиб кетаётган «Edington and Co Megezin» эгаси Жорж Эдингтонга мисгарлар болғаларини қўйиб тикилишади. Йўл

¹ Ғалабия — арабларнинг миллий кийими.

² Қора араб, демакдир.

чаларда ўтирган беш-олти чувринди бола югурганича бориб, Эдингтонга қўлларини узатишади: «Мистер, бахшиш; мистер, бахшиш...» Мистер бурни тагигача узатилиб турган майда-чуйда қўлларга қарайди. Унинг «ҳотамтойлиги» қўзғаб, бир чақа пулни тўғри келган кафтга ташлайди. Болалар талашиб чувудлашади. Мистер кир-чир қўллар оқ кўйлагига тегиб кетмаслиги учун ўзини болалардан четроққа тортади. Шу пайт орқадан етиб келган йўгон сонларига тор шим кийиб олган бир хоним, сумкасини очади-да, атир сепилган рўмолчасини оғзи-бурнига ёпади. Хоним қийқанглаб, орқасига боглаб қўйган хачир думига ўхшаш сариг сочили серкиллатиб сигарета чекади.

Ал Маҳдий ажпабийларга тикилади, уларни бошдан-оёғигача кузатади. Болаларнинг «бахшиш, бахшиш» деб чуғуллашаётганини кўриб ғазаби қайнайди, кўчанинг нариги бетидаги мистерга: «тавба!» дегандек ишора билан бош қимирлатиб қўяди. Ажнабийларнинг қораси йўқолмасданок ал Маҳдий яна жаҳл билан болга ура бошлайди. Орадан бир муддат ўтгач, кўчанинг нариги томонидаги мисгар Муҳаммад Қамол болғасини ушлагани ҳолда ал Маҳдий дўкони ёнига келиб ўтиради.

— «Арабул-асвад», бир нафас дам ол. Қизалоққа ҳам раҳминг келсин...

— Хўп, дам олсак олайлик.

— Савдо очдингми?

— Ҳа, бир баркаш сотдим.

— Дуруст.

— Болаларни уриб ўлдиргим келяпти. Ҳаммаси тиланчилик қиладиган бўлибди. Е қудратингдан, бу қандай гап! — ал Маҳдий кўзларининг ола-куласи чиқади, чакка томирлари ўқлоғдек бўртади. Беш-ўн йилдан сўнг биз ҳам дунёдан ўтармиз. Орқада қоладиганларнинг барчаси гадо бўлади!..

— Қизишма, асвад. Асло қизишма. Сен Эдингтонни биласанми?

— Юртимизнинг эгаси. Билмай иложим қанча.

— Балли. Эдингтон Форуқ өлий ҳазратларининг яқин одамларидан эмиш, бу ерда биладиган одамлар бор экан.

— Биладиган одамлар бўлмаса ҳам, уларни яхши билаверамиз,— ал Маҳдий яна болга ура бошлайди.

— Бир оз тўхта!— Муҳаммад Камол ал Маҳдийнинг қўлини ушлайди,— гапим бор.

— Гапир.

— Кеча Тавфиқ ал Ҳусайн жаноблари келган эдилар...

— Саломатмилар ?

— Ҳа, Тавфиқ ал Ҳусайн қизиқ гаплар айтиб бердилар. Зиёлилар кўзи очиқ, зеҳни ўткир одамлар-да. Қўл нарсанинг фаҳмига бормай юрарканмиз. Тавфиқ ал Ҳусайннинг гапларидан сўнг, мундоқ ўйлаб қарасам ахир биз араблар, бир соғин сигир бўлиб қолибмиз-да инглизлар сутимизни ичаркан-да, десам, Тавфиқ ал Ҳусайн дарҳол луқма ташладилар. «Соғин сигир бўлсагу сутимизни ичса кошки эди, инглиз жаноблар тана мизга канадек ёпишиб, қонимизни ичмоқда. Бир кун силламиз қуриб, йиқилишимиз турган гап. Шилиб оли кетилаётган бойликларимиздан бечора болаларими садақа тилашяпти. Тиланчиликка қам ўрганиб қолибмиз», дедилар. Кейин, мен у кишидан пешонамизни оллоқ шунчалик шўр қилиб яратган экан-да, азиз тупроғимизни инглизлар, французлар оёқ ости қилиши ҳам бир кўргулик экан-да, деб сўрадим. Тавфиқ ал Ҳусайн бир дам сукутга кетдилар, сўнгра: «Бизлар оми одамлар эканмиз. Энди бир оз ўйлаш керак. Бола-чақаларни ўйлаш керак. Ҳамма араблар бир ёқадан бош чиқариш инглиз зобитларни еримиздан ҳайдаб чиқарсак, ўз юртимизга ўзимиз эга бўламиз, пешонамиз ҳам шўр бўлмайди», дедилар. Тушундингми. Асвад? Дунёда гап кўп, сен билан мен бу мисгарликдан бошқасини билмаймиз!

Ал Маҳдий бақрайганича Муҳаммад Камолнинг оғзига қараб қолди. У хаёл сурганида боши андак эгилиб, қалин лабларини маҳкам ёпиб гижинар, чакка сидаги пайлари тарам-тарам бўлиб кетарди.

Дўконнинг бир бурчагида босқон тортаётган Субҳ аллақачон лангарни қўйиб юбориб, бўйра чўпдан ясалган қўғирчоқларини девор қиррасига суяб, уларга қараб пичирлаб қўшиқ айтар, ясантирар, юргизар, яна деворга суяб қўярди. Субҳ мисгарнинг гапига қулол солмас, унинг учун дунёда бўйра чўп қўғирчоқларда азизроқ нарса йўқ эди.

Ал Маҳдий бақрайганича тура берди. Бундай пайларда нобуд бўлган болаларини эслаб, тутқалоғи тутти

қоларди. Тутқалоқнинг бошланиб қолишидан қўрққан Муҳаммад Камол тезда ўрнидан туриб, ўз дўконига жўнади.

Мисрда бу йили рамазон баҳор ойида келди. Кечқурун қоҳираликлар ал Аҳмар, Султон Ҳасан мадрасалари, ундан сўнг Муҳаммад Али кўчаларигача чўзилган бозорларда айланишар, ҳофизларни, ваъз айтувчиларни тинглашар, қаҳва ичишарди. Ал Маҳдий невараси Субҳни етаклаб анча вақтгача бозор айланди, неварасига ширилик олиб берди. Субҳ қўлидаги мазали парвардани, гоҳо устига қиём суртилган олмани ялар, гоҳо бўйнига тақиб олган қизил маржонига қараб қўяр. Бу чиройли маржонни билан гўё дунёда ундан бойроқ, ундан бахтлироқ қиз йўқ эди.

Бобо билан невара анча вақтгача бозор кезиб, сўнг-ра уйларига жўнашди. Ал Мисрий кўчасидан ўтишаркан, узоқдан ярқираб турган икки қаватли «Gond Megezin» кўринди. Унинг ёнидаги эшиклари қийшайган ўз дўконларига ҳам кўз ташлаб қўйдилар.

Шанба куни туш пайтида яна болаларнинг чуғуллашган овози эшитилиб қолди. Ал Маҳдий ялт этиб кўчага қаради. Кўча ўртасида бир дам тўхтаган новчагина, Эдингтонга ўхшаш бир инглизга атрофини ўраб олган болалар яна қўлларини чўзиб: «бахшиш, мистер, бахшиш» деб чуғуллашарди. Болалар ичида унинг невараси Субҳ ҳам бор. У ҳам қўлларини чўзиб, ингичка овозини чиқариб: «бахши-иш, бахши-иш» дерди. Бирдан ал Маҳдийнинг юраги орқасига тортиб кетди — ёлғизгина неварасининг «тубанлиги» газабини кўзгатди. У дик этиб ўрнидан турди-да, югурганича бориб қизнинг қўлига бир шапати урди. Қафтига қўйилган кичик тангача учиб кетиб, ерда ғилдираб бориб, арава тагига кириб кетди. Тангани этик мойлайдиган бола, ундан сўнг мешкопчи ҳам кўрди. Лекин ҳеч ким ердан олмани. Чуғуллашган болалар ҳам тарқалишди. Ал Маҳдий Субҳнинг қўлларидан маҳкам ушлаб дўкони томон олиб кетаётган эди, инглиз гап қотди:

— Бу гадо қизни урманг!

— Йўлингиздан қолманг, мистер,— деди у. Лекин набираси Субҳни «гадо» дегани кўнглига жуда қаттиқ ботди.

Ал Маҳдий кўзлари ёниб, қалтираб турганини кўрган инглиз елкасини қисиб, атрофига қаради. Мисгар-

нинг бу «номаъкулчилигини», бошқалар қоралайди деган хаёл қилиб, атрофига тўпланганларга тикилган эди, бо зорда бўладиган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисаларни берилиб томоша қиладиган, баъзан аралашиб кетадиган мешкопчи инглизга тиржайиб, кейин жон-жаҳди билан ўқрайди. Бошқа одамлар ҳам ўқрайиб қарадилар. Банаи сотаётган аравакаш ерда эшак туёқлари ёнида ётган тангачани оёғи билан тепиб инглиз ёнига келтирди. Инглиз яна бир бор елкасини қисиб, ўқрайган кўзлардан ўзини четга олди. Ал Маҳдий бўлса, дўконига қайтиб келиб, анча вақтгача ўзига келолмай ўтирди. Ишлатиб тургани — янги болғани дўкон бурчагига отиб юборди-да сопи синган эски болғачани қўлига олди. Янги болғаси хосиятсиз чиқди: қачон шу болғани қўлига олса, биј ғалва иш бошланади. У дўкон бурчагида ётган янги болғага худди бояги инглизга қарагандай хўмрайиб қаради. Бир оздан кейин овутомқчи бўлиб, Субҳга «Энди тиланчилик қилма, опоқ қизим, хўпми?» деди. Субҳ «хўп» ишорасини қилиб, бошини қимирлатди «Инглизлардан садақа тиласанг, алвасти келиб бўғади тушундингми?» Субҳ «тушундим» ишорасини қилди. Шундан сўнг, қўли ишга бормаётган ал Маҳдий бар вақт дўконини ёпиб, уйига жўнади.

Шу куни ал Маҳдий туш кўрди; тушида ёлғизгина невараси Субҳ катта қиз бўлибди-да, яна ўша новча инглиз Эдингтонга икки қўлини чўзиб, хайр сўраётган эмиш... Субҳ ғалабия — кўйлагини очиб, сочларини қир қиб, икки кўзини Эдингтон қўлидаги тангадан узмай ўйинга тушаётган эмиш. Инглиз бўлса оғзини катта очиб, хохолар эмиш. Ал Маҳдий югурганича бориб Субҳ юзига икки тарсаки тортиб, сўнгра Эдингтоннинг ёқасидан бўғиб: «Нега ҳақорат қиласан, мистер?» дебди. Эдингтон бўлса: «Биз сенинг юртингни урушиб, босиб олганмиз. Сен, қора араб, ҳеч нарсага фаҳминг етмай Миср меники, деб бақириб юрибсан. Бақирганингни бақириб юравер... Биз ишимизни билиб қила берамиз. Сенинг подшоҳ деб атаганинг Форух ҳам Британия мизнинг малайи. Сен менинг ёқамдан эмас, ўз ёқангни ўзинг бўғаётирсан. Инглизлар ёқасини бировга ушлатмайди...» дебди. Дарҳақиқат, ал Маҳдий бундай қараса, Эдингтонни эмас, ўз ёқасидан ўзи бўғиб турган эмиш. Ҳангу манг бўлиб: «Ҳаммани алдасанг ҳам, мени алдолмайсан! Биз авлод-аждодимиз билан сен, инглиз

ларни ёмон кўрганимиз-кўрган! Очимдан ўламан, лекин сенга ялинмайман! Юртимни хонавайрон қилдинг, бир кун эмас, бир кун шу болғам билан бошингга туширишим аниқ» дебди. Эдингтон хохолаб: «Бундай қилсанг, бир инглиз учун ўн араб отиб ўлдирилади. Сени отадиганлар ҳам ўзингнинг арабларнинг бўлади. Буни яхши билиб қўй!» дебди. Ал Маҳдий бўлса: «Мен ёлғиз худодан кўрқаман, бандасидан кўрқмайман, сен ҳам буни яхши билиб қўй! Ўз уйимда ўғридан нега кўрқарканман! Ўўқол, аблаҳ!!!» дебди. Бу сўзни айтиб бирдан чўчиб уйғониб кетди. Атрофига қараса, невараси Субҳ ҳам, хизматкор хотин ҳам пишиллаб ухлаб ётибди. У туш кўрган бўлса ҳам негадир бегупоҳ, беозор ухлаб ётган Субҳдан «гапим яна қулоғингга кирмабди» дегандек ўпкалаб, бошини ёстиққа қўйди, лекин қайтиб уйқуси келмади...

Шундай қилиб, мисгар Иброҳим ал Маҳдий азонгача ухламай тонг оттирди. Эрталаб қараса, кўзлари қизариб, қовоқлари керикиб кетибди. Нонуштадан сўнг яна дўконига жўнади. Қуни билан савдо очмай, болғасини ура-ура, кечқурун уйга қайтди. Одамларга ҳам қўшилмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам... Қунлар, ҳафталар шундай ўта бошлади. Эдингтон магазинига кириб чиқаётганларнинг юздан бири ҳам унинг дўкони ёнига келмади. Ал Маҳдийнинг хонадонида тош-тарози ҳам анча тортилиб қолди. Мол кетиб турмаганидан сўнг, болғани қанча кўп урган билан даромад келмас экан. У баъзан ичида: «Худованди карим ҳам мўмин-мусулмои араблардан юз ўгириб, инглизларга мурувват қилмоқда. Эй, парвардигор, биз бечораларнинг пешонамизни мунча ҳам шўр қилмасанг! Нолаю оҳвоҳлар ҳеч нажот бермади», деб атрофидаги бошқа мисгарлардек қаноат қилиб, эртаю кеч болғасини ура берди.

Қунлардан бир кун, у терга ботиб болға ураётганида, иттифоқо. кўзи кўча ўртасида новча Эдингтошни ўраб олиб, яна чуғуллашиб: «бахшиш, бахшиш...» дейётган болаларга тушди. Бу болалар ичида унинг невараси ҳам бор эди. Оёқ яланг, кичкина Субҳ икки қўлини инглизга узатиб, бошқа болалардан ҳам қаттиқроқ «бахшиш, бахшиш» дерди. Ал Маҳдийнинг қопи бошига тепиб, бир зумда кўзлари қоронғилашди. У ўзи тушиб ўтирган ўрачадан сакраб чиқди-да, югургансича бориб Субҳнинг қўлларидан маҳкам ушлаб, кичкина,

чиройли панжаларини тош йўлкага қўйиб, болғаси билан бир урди. Қиз чирқираганча бир-икки ер тепиниб фарёд қилди-да, ҳушидан кетиб ерга ағанади. Субҳнинг кафтидан тирқираб қон оқар, икки кичкина бармоғи узилиб ерда ётарди. Жон бераётган жўжаҳўроздек Субҳ ҳар замон-ҳар замон питирлаб, боши, оёқлари, қўллари билан ерни чангитиб урарди. Бир дамда қипқизил қон тошйўлкадан ариқча ясаб, пастга оқиб кетди. Ал Маҳдий нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай, маст кишидек гандираклаб, кўчанинг у чеккасидан, бу чеккасига телва-тескари қадам ташлаб, бирдан гурс этиб йиқилди. Оғзидан оқ кўпик чиқариб, хириллаб ётаверди. Бу — тутқалоқми ёки бошқа нарсами, ҳеч ким билмади. Одамлар бир зумда Субҳ атрофини ўраб олишди. Муҳаммад Камол дарҳол қиз биллагини каноппилан бўғиб боғлади-да, уни ердан кўтариб, бағрига босди. Фурсатни бой бермай, атрофни ўраган оломонни ёриб ўтиб, шифохона томон югурди. Муҳаммад Камол орқасидан яна уч-тўрт киши ҳам эргашиб чопишиб кетишди. Кўча ўртасига тўпланган одамлар бу ердан кетишни ҳам, кетмасни ҳам билмай турган Эдингтонга шундай ўқрайишдики, у беихтиёр орқасига тислилик йўлкага чиқди-да, деворга тиралди. Йигирма чоғлик араб бир-бирлари билан аввалдан маслаҳатлашиб қўйгандек Эдингтонни қуршаб, еб қўйгудек ўқрайиб туришаверди. Капалаги учиб кетган инглиз титроқ бир овоз билан: «Айб менда эмас, қўйиб юборинглар» деди. Уни ҳеч ким ушлагани йўқ эди.

— Сени ушлагани ҳазар қиламиз. Йўқол!— деди бир араб.

Эдингтон оломон ичидан чиқиб зинғиллаганича икки қаватлик магазинга кириб кетди. Унинг орқасидан: «Аблаҳ!» «Босқинчи!» деб бақариб, тош отиб қолишди.

Ерда оғзидан кўпик чиқариб, хириллаб ётган мисгар Иброҳим ал Маҳдийни оёқ-қўлидан ушлаб, кўча ўртасидан олиб, ўз дўкони ёнига ётқизишди. Ҳамкасабалари унинг тутқалоғи босилишини анча вақтгача кутишди. У қош қорайгунча ерда хириллаб ётди, қоронғи тушишига яқин хириллаши пасайгандек бўлди. Мисгарлар дўкони ёпишдан аввал унинг ёнига келиб юзига боқишган эди, у ўлиб қолибди. Мисгарлар ҳангу манг бўлишиб, «ҳар бошда бир ўлим бор», деб юзларига фотиҳа тортдилар.

Шу кунлари мисгарликдан бир чақиримча нарида оқадиган Нил қизғиш рангга кириб оқиб ётарди.¹ Эҳтимол, Субҳнинг жажжи қўлчаларидан оққан қои Нил сувларини қизилга бўягандир.

Бу фожиа бундан ўн йилча илгари; баҳор ойларида юз берган эди. Шундан бери, гўё ҳар йил баҳор ойларида Нил қизариб, жунбушга кириб, Субҳ қизалоқдек тўлганади. Мўсафид боболар кичик невараларини жон каби севганидек, кекса Нил ҳам ўз севиқли қизини эслаб тўлганиб-тўлганиб оқиб ётибди.

1958 йил. Қоҳира — Москва

¹ Нил бир йилда тўрт марта ўз рангини ўзгартиради.

Эрталаб Қоҳирада чиқадиган деярли барча газеталарда йирик ҳарфлар билан «Малак келди», «Малак Қоҳирада», «Раққоса Малак Абдул Саид Европани мафтун этиб, Мисрга қайтиб келди...» деган сўзлар ёзилиб, Малак хонимнинг гўзал сурати босилган эди. Газеталар талаш... Расталарда, гавжум кўчаларда, трамвай, автобус тўхтайдиган жойларда дасталаб газета қучоқлаб олган болалар овозларининг борица: «Газетада Малакнинг сурати бор, тезроқ олиб қолинг!» Малак Лондонда, Римда, Парижда, Миланда... ўйин кўрсатиб, ҳаммани мафтун этди, тезроқ олиб қолинг» деб қичқиришарди.

Ал Гумҳурия, Уйғониш майдонлари четидаги деворларга раққоса Малакнинг улкан суратлари илиб қўйилибди. Икки тош арслон турган Нил кўприги ёнидаги «Fontano» ресторани деворларига ҳам раққосанинг яланғоч, ҳарир матога ўралган сурати қоқиб қўйилган.. Унинг суратига қараганда, қулоғидаги шудринг томчисига ўхшаш бриллиант сирга, бармоқлардаги олмос кўзли узуклар, оқ билагидаги олтин занжирлар, хонимнинг бутун борлиги улкан бир жавоҳирга ўхшарди. Раққосанинг чиройли елкасига ярим эгилган боши бароқ қошлари, кўзлар устида қанот ёзган бу иссиқ иқлимнинг учқур қалдирғочи-ю, лаб остидаги бир донг қора хол сизга аллақандай сўзни айтмоқчи бўлиб тургандек кўринарди. Унинг нодир ва моҳир санъатини кўриш учун кўплар орзиқиши бежиз эмас...

Кечқурун «Fontano» деворларидаги «Malac» деф

ёзилган беҳисоб чироглар ярқираб ёниб, ресторан атрофидаги сайргоҳ боғ одамларга тўлди. Бу ерда узун галабия кийиб, бошига хатти-иқол ёпиб олган икки араб қоровулдан ташқари, бошқа барча араблар европача кийинган. Боғ атрофида турли-туман енгил машиналар қатор турибди. Соат саккизларга бориб жаноблар, бадавлат хонадоннинг беклари тарвузқорин жуфтлари билан ичкарига кириб, сотиб олган столлари ёнига ўтиришди. Стол устидаги шамларни ёқишиб, биллур рюмкаларга вино қуйишди. Кўп ўтмай саҳна атрофида ўтирган созандалар қандайдир бир рақс музикасини янградилар. Нозиккина бир аёл югуриб чиқиб, ўйинга тушди. Яна бир қанча раққосалар навбат билан ўйин кўрсатиб, парда орқасига ўтиб кетдилар. Бу орада «Fontano» хизматкорлари — қора суданликлар столларга вино, қаҳва, мевалар келтириб қўйдилар.

Кенг зал чироглари тўсатдан ўчди. Зал қоп-қоронғи, гўё тўлин ой аста-секин кўтарилиб, Нил мавжлари, кенг даладар устига ёғду сочди. Қоронғилик секин-аста ёришиб, саҳнада ҳарир кийимларга ўралган раққоса Малак хоним пайдо бўлди. Музика нозик ва шикаста бир оҳангни чалди. Раққоса устидаги ҳарир нпак матоларни итқитиб ташлаб, қип-яланғоч буралиб, қулочларини ёзиб, ўйин тушди. Унинг оппоқ новдадек танидаги фавқуллодда ғайрату эҳтирос, ҳаяжон, дудоқларидаги ишва, кўзларидаги фусун; беқиёс ўйини уни илоҳий бир нарсадай қилиб кўрсатарди. Одамлар маҳлиё бўлиб қолдилар. Бир одам рюмканинг ўрнига шамши озига тикиб лабларини куйдирди. Аввал ўйин кўрсатган беш раққоса ҳам парда орқасидан чиқиб, Малакни томоша қилдилар. У бир йўла етти рақс кўрсатиб тўхтади. Унинг аъзойи-баданини марварид тер қоплаган эди. Чарчаганини илқ табассуми билан яширди. У эркалалиб, созандаларга бош эгиб таъзим қилди-да, югуриб ичкарига кириб кетди. Залда чапак, қийқириқлар момақалдироқдек гумбурлаб кетди.

2

Кейинчалик маълум бўлишича, Малакнинг Европадан Мисрга қайтиб келгани ҳақидаги газеталарда кўтарилган шов-шувлар шу купинёқ узоқ Луксор шаҳрига ҳам етиб келган. Бунда бозор-расталар орасидаги бир кўримсизгина дўкончада примус тузатиб ўтирган

гиёванд, хаста Абдул Саид ҳам «Ал Ахбор» газетасини сотиб олиб, бир бошдан ўқиётиб, раққоса Малак сура- тига кўзи тушди. У Малак жамолига тикилиб турган эди, қўшни дўкондорнинг келаётганини сезиб, дарҳол буклаб кўрпача тагига яширди.

— Хабаринг борми, қўшни?— Аттор дўкон ёнида тик турганча ундан сўради.

— Нимадан?

— Қизинг келибди.

— Ҳа...— деди совуққонлик билан Абдул Саид.

— Ишлар катта-ку?..

— Ҳа...

— Хат-пат ёзадими?

— Ҳа... Бултур бир хат келган эди.

— Пул-мул юборадими?

— Ҳа... Ушанинг топган пули нима бўларди. Ишқилиб, омон бўлсин...

— Йўқ, эшитишимча, жуда кўп пул топармиш. Сеп бир хат ёз. Елғиз отасинан; касалмандсан, икки укаси оёқ яланг тентираб юрибди. Сенинг аҳволинг бизга маълум. Қуз кирапти, озроқ қарашсин! Бу томонларга ҳам келсин. Бағримиздан чиққан шундоқ жавоҳир қизимизни бир кўрайлик. Кўриб қувонайлик... Ахир уни не машаққатда катта қилганмиз, умид қилганмиз. Луксорини унутмасин, ошнам. Хат ёз. Бу гапларни айт. Уни бир кўрайлик!

Абдул Саид аввал индамай турди-да, кейин «хўп» дегандек бош қимирлатди. Хат ёзишга рози бўлди. Езди ҳам... Лекин жавоб олмади.

Шу пайт қўл ва бурни қора бўлган, устига увада кўйлак кийган ўн икки ёшлардаги бола дўкон ичига кирди-да, Абдул Саидга қоғозга ўроглик бир нарса узатди. У атторга салом бериб, ўз ўрнига ўтириб, эски бир примусни титкилаб, тузата бошлади.

— Оз берибди, ярамас,— деди Абдул Саид ёғлиқ қоғозга ўралган майиздек таръякка кўз ташлаб. Кейин ранжиган бир тусда:— Энди, Убайдуллога мижоз бўлман, бу кам беряпти,— деб қўйди.

Аттор ўрнидан туриб жўнаши билан, Абдул Саид бир пиёла чойга таръякни эзиб, ҳўплади. Бўшашиб, пешонасидан тер чиқиб яна темирни эговлай кетди. У ҳаслот денгизига чўмиб, мумёланган мурладек қилт этмай ўтириб қолди. Ҳар замонда бир бош кўтариб қўяр.

Бундай пинакка кетган пайтда, у эҳтимол оламни чарх уриб юрган бўлади... Отасининг пинакка кетганини пайқаган Абдул Азиз бирон нарсани тақиллатиб, чўчитиб юбормасликка ҳаракат қилар, қўлидаги болғачани ҳам секин ерга қўйиб, примусни латта билан артиб ўтирарди.

Кўрпача қатида эзилиб; гирчиллаётган газета Абдул Саидга яна қизи Малакни эслатди. Унинг хаёли ўтмишга йўналди:

...Раҳматлик она вафот этгач, Малак икки укаси билан етим қолди. Оналик етим — гул етим, онасиз етим — шум етим, дейдилар. Она вафотидан сўнг икки ўғил, бир қиз не-не машаққатларни кўрмади. Қўшниллар савоб учун Малакнинг сочини боқиб, ювиб-тараб қўярди. Абдул Саиднинг таръякка ўргангани ҳам шу пайтдан бошланди. Икки ука куни билан растада — отаси ёнида ўтириб дастёрлик қилишади. Қаровсиз қолаётган Малакни бир бева хотин отасидан сўраб олиб, асраб қиз қилди. Кейин маълум бўлишича, бу хотин яллачи экан. Малак кўзларининг ёниб туриши, чаққонлиги, чиройли ўйнашини у пайқаган экан. Малак ўн беш, ўн олти ёшга киргунча шу хотин қўлида бўлди. Бир куни улар Асван шаҳрига кўчиб кетишди. Бу ерда яллачи хотин Малакни эрга берибди. Орадан бир йил ўтмай яллачи ҳам вафот этади. Малак нима сабабдандир эри билан ажрашиб Искандария шаҳрига кетиб қолди. Бу ерда созандалар тўдасига қўшилиб ресторанларда ўйин тушиб юрди.

Тезда новдадек ёш раққосанинг шуҳрати кетиб, атрофида хушомадгўйлар пайдо бўлиб, йўлига қанчалаб пулларни нисор этдилар. Искандарияда юрганида икки бор Форуқ сарёйига таклиф этилиб, инъомлар олибди... Шундан сўнг у бир ажнабий пулдор киши билан тил бириктириб, Италияга кетади. Сочларини қирқиб, европача кийинадиган бўлади. Бир қанча вақтдан сўнг, у яна Мисрга қайтиб келиб, Қоҳирада яшай бошлайди. Мана, ҳозир у машҳур раққоса... Шон-шуҳрат уни олтин қаноти билан ўраб олган. Бу «олтин қанот» унинг тани билан бирга чиройли кўзларини ҳам қўшиб ўраган. У фақат шон-шуҳратни кўради-ю, бошқа ёқни кўролмайди. Икки ғариб укаси-ю, касалманд отаси ҳам хаёлидан кўтарилди. Баъзан отаси эсига тушганда: «Бир кун вақт топиб Луксорга бориб, икки юз миср фунтини отамга бериб келарман», — деб ўйлаб, ўзига ўзи

таскии берарди. Икки юз фунт ҳазилакам пул эмас, отаси ниҳоятда хурсанд бўлади.

Абдул Саид ҳар куни икки маҳал таръяк ейди. Йўқ, аслида таръяк Абдул Саидни ейди... У чўпдек озиб, бемадор бўлиб қолган. Қўшни дўкондорлар — ошпалари унинг юзига қараб туриб, ачиншади, «машҳур бемехр» қизидан ранжишади. Лекин Абдул Саид: «қизим тинч бўлса, қаерда бўлса ҳам омон бўлса бас»,— деб ўйларди. Опаси ёшлигида ўлиб кетиб, етимлик эзиб, қувнамаган эмиш. Шунинг учун қизининг шоду хуррамлиги — унинг ҳам шоду хуррамлиги эмиш. У хафа бўлиш у ёқда турсин, ҳатто қизини дуо қиларди...

Кейинги кунларда Абдул Саид дўконга чиқишга мадори келмай, ётиб қолди.

3

Малак «Fontano»да бир ҳафта сурункасига ўйин қилди. Бойваччалар ҳамёнидан жарақ-жарақ сўлкавойлар тўкилиб, Франциядан келтирилган вилолар Нилдай оқди. Шундай «беш кунлик фоний дунё» лаззатини суриб, қарсиллатиб ўйин тушаётган кунларининг бирида, зал этагидаги арзон столда ёлғиз ўтирган хушбичимгина бир йигит Малакнинг сержазава ўйини тугаб, терга ботиб, нарда орқасига ўтиб кетаётганида, дик ўришдан туриб, йўлини тўсди. Малак ҳайрат билан йигитга боқди-да, тегишади хаёл қилиб, кулимсиради. Йигит унинг оқ мрамардек яланғоч танига боқмай, ерга қаради.

— Сизда бир оғиз гапим бор,— деди ўша йигит ердан кўз узмай.

— Мен бугун бандман...— Ишва билан жавоб берди Малак. Сўнгра юриб кетаётган эди, йигит унинг кўзларига тик боқди.

— Тўхтанг! Сизнинг «бугун банд эканлигингизни» менинг учун ҳеч аҳамияти йўқ!!! Мен сизнинг ҳамшаҳарингиз бўламан — Луксорданман. Ўтган куни отангиз қазо қилдилар. Қазони яшириб бўлмайди. Сизга шунини маълум қилиб қўйиб, елкамдаги ҳамшаҳарлик-тобуткашлик қарзидан қутулдим. Хайр, хоним!

У кескин жавоб бериб, ташқарига чиқиб кетди.

Яланғоч раққоса турган ерида оқариб, тахта бўлиб қолди. Унинг оёқлари жонсиз ёғоч оёққа ўхшаб, қадам

босолмай, аранг ичкари хонага кириб, оқ чойшабга ўралди-да, ўзини диванга ташлади. Шу ётганича мурдадек қимирламай қолди. Атрофини одамлар ўради. Ресторан директори врач чақирди. Ҳеч нима фойда бермади. Нима гап бўлганини одамлар тушунмасди.

Эртасига Малак поезд билан Луксорга жўнади. Ўзига ҳеч кимни ҳамроҳ қилмади. Икки кун деганда она шаҳри — Луксорга етиб келиб, такси билан бозор расталарини оралаб ўтиб ўз ҳовлисига кирди. Уша қадимий ғирчиллаб очиладиган пастаккина эшик ҳали ҳам ғирчиллаб очиларкан. Туғилиб ўсган уйлари кимсасиз хувиллаб ётибди.

Малак бўйра устига ўтириб, ҳўнграб йиғлади. Унинг дабдаба билан кўтариб келган тўрт чамадон юки бир ёқда қолиб, уни кўргани ҳатто қўшнилари ҳам чиқишмади. Фақат бир кампир хотин кириб у билан совуққина сўрашди-да, кўчада ўйнаб юрган болалардан бирини растага юбориб, икки укасини чақиртириб келди. Опаларини ўн йилчадан бери кўрмаган Абдул Азиз билан Абдул Латиф бой, гўзал опалари билан қандай саломлашишни билмай маъюс бош эгдилар. Малак ўпкаси тўлиб ҳўнграб йиглаб юборди-да, йигитча бўлиб қолган укаларининг бўйнига осилиб ўкирди. Шу куни отасининг мозорига бориб шам ёқди, қабристондаги шайхларга назр берди. Уруғлари, ёр-биродарлари унинг келганини эшитган бўлсалар ҳам келишмади. Каттадан-кичик негадир унга ҳўмрайиб қарар, негадир ундан жиркангандай, ўзларини четга тортишарди. У устидаги европача кийимларини ечиб, ғалабия кийди, бошига қора мандийл¹ ўради: барибир ҳеч кимса келиб, у билан дардлашмади. Ҳамма ундан қочди. Бир неча кундан сўнг у яна Қоҳирага қайтадиган бўлиб қолди. Қайтмаса иложи йўқ, чунки «Fontano» директори билан шартнома тузиб, пул олган...

Малак икки укасини ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Укалари иккиланиб ўйлаб қолишди. Лекин қўшни кампир гапга аралашиб: «Сиз отангизгаки вафо қилмадингизми, энди укаларингизни саргардон қилманг» дегандек гап қилди.

— Менинг нима гуноҳим бор, холажон? Нега одамлар мендан қочади?— деди Малак оҳ уриб.—

¹ Мандийл — араб аёлларининг миллий кийими.

Нега мендан ҳазар қиласизлар? Ахир, мени бутун дунё севади. Мени бир кўришга зор одамлар бор-ку! Нега мендан жирканасизлар? Менга айтиб беринг, яширманг, холажон, бу нима гап?!

— Қизим, мен ҳам тушунмайман,— деди кампир эснаб,— лекин ҳамма сиздан ўзини тортяпти. Одамлар сиздан юзини ўгирияпти... Бу орий рост! Тушунмаётирман, деб такаббурлик қилсам, гуноҳ бўлади. Менинг назаримда, сиз фақат отангизни эмас, укаларингизни эмас, барча ҳамшаҳарларингизни, қариндош-уруғларингизни, хеш-ақраболарингизни унутиб юборганга ўхшайсиз. Назаримда, қизим, сиз киндигингизни кесиб, йўрғаклаганларни, опичиб катта қилганларни ҳам унутиб юборганга ўхшайсиз. Элдан ажралгансиз назаримда! Улар сиздан ош-нон тиламайди: оч қолаётгани йўқ. Ҳар ким ўз ризқи рўзини ҳамма ерда топиб еяверади. Лекин, сиз юз ўгирманг. Назаримда сиз уларни йўқламадингиз, халқни унутдингиз. Ҳамма иллат шунда, қизим. Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор, гапимга хафа бўлманг, қизим...

Ҳўнграб йнгламоқчи бўлиб турган Малакнинг кўзларидаги ёш бир дамда қумга сингиб кетгандек қуриди. У бир сўз айтолмай, ерга қаради. Унинг назарида тенгсиз гўзал қош-кўзлари, сочлари, жилвали холлари бир зумда шўралаб ерга тўкилганга ўхшади. У гўё аллақандай бадбашара бир одам бўлиб қолди.

Барибир Малак шу куни кечқурун икки укаси билан хайрлашиб, Қоҳирага жўнаб кетди.

Яна «Fontano»...

Малакнинг Луксордан тезда қайтиб келгани ресторани директорини жуда хурсанд қилди. Малак Қоҳирага тушаркан, чорраҳаларга қоқиб қўйилган ўз суратини кўрди. Ресторан деворида ҳали ҳам беҳисоб лампочкалардан ёзилган ўз исмини ўқиди. Яна илгаригидай созандалар рақсига жилва қилиб ўйнай бошлади-ю, лекин юрагини бир нима тимдалар, илгариги жазавани, илгариги ғайрату илиқлик йўқ эди. У энди титраб, жазаванига тушаётганида кўз олдида ҳамшаҳарлари келади. Улар хўмрайиб, юзларини чир ўгиришади. Шунда Малак бўшашиб кетади... Биринчи ўйиндан кейин томошабинлар ўртасида «Малак бетоб» деган гап тарқалди. У бетоб эмас. Ярим кечада ресторандан қайтгач, тонггача аллашималарни хаёл суриб ётади...

Орадан бир йил ўтди.

Бойваччалар бўшашган, сўлган Малакнинг бир хил такрорлана берадиган рақсига киришдан зерикишди. Дарҳақиқат. Малакда илгариги чақнаш, илгариги жозуба, илгариги ҳаяжон сўнган эди. «Fontano» директори у билан келаси йилга шартнома тузмади. У эҳром атрофидаги майда қаҳвахоналарга мижоз бўлиб ўйнади. Ўйнаганда ҳам у фақат тирикчиллик учун ўйнади. Шаҳар чорраҳаларидаги суратлари олиб ташланди. У илдизи қирқилган дарахтдек кундан-кунга сарғайиб қурий бошлади. Қоҳира бўйнида ёниб, жилва қилиб турган жавоҳир узилди, ерга тушиб йўқолгандай бўлди. Бориб-бориб у тамоман йўқолди. Бойваччалар уни эслашмади.

Кейинчалик маълум бўлишича, луксорликлар ўзларини унутган бу гўзал қизни барибир унутмай, эслаб турарканлар.

1958 йил, Қоҳира — Тошкент

Бўйнига катта бир илонни чирмаштириб олган Юсуф Асвад деган қорамағиз йигит, бир қўлида хумча шаклидаги қопқоғли саватини, яна бир қўли билан елкасидаги илонни томоғидан ушлагани ҳолда атрофини ўраб келаётган болаларга ҳам қарамай, зил обкаш кўтарган одамдай, қийшайиб, терлаб-пишиб бозор-рас-тага кириб келди. Илон дам-бадам айри заҳар тилини чиқарарди. Кўзмунчоқдек икки кўзи офтобда йилтирарди. Дўкондорлар ўткинчи одамлар маҳлиё бўлиб, илон ўйнатувчига йўл берарди. У «пўшт-пўшт»лаб, аранг ўтиладиган тор раста ичидан бир дамда ўтиб, газмол дўконлари ёнида тўхтади. Бозор қоровулининг: «Бу ерда тўхтама, арава ўтолмай қолади!» деган дағдағасини эшитгач, у яна саватини кўтариб нари кетди. Кимдир: «Заҳҳоки моърон»¹ қийналиб қолибди, калласига қара, ярамаснинг кўзлари ёнмоқда. Агар бугун бир жонворни ютмаса, Заҳҳокини ютади...» дерди. Оғир илон баъзан Юсуф Асваднинг елкасида тўлғанар, уни бўғиб томирларини ўйнатиб юборар эди. У бўлса бир дам саватини ерга қўйиб, кафтини илон билан бўйни орасига тикар, унналар, бўйнини чўзиб, бўшаштиргач, яна саватини қўлига олиб, қийшайиб жўнаб қоларди.

Юсуф Асвад раста ёнидаги майдончага келиб, саватини қўйди-да, орқасидан эргашиб юрган болаларни ерга чўкка тушириб, катта доира ясади. Шундан сўнг ўзи ҳам саватининг ёнига келиб чордона қурди. Растандан ёпирилиб чиққан одамлар доира атрофини тўлдиришди. Каттадан-кичик Юсуф Асваднинг елкасидаги

¹ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги икки елкасидан икки илон ўсиб чиққан подшоҳ Заҳҳоки ўхшатади.

юмрон калласидай илон бошига тикилишди. Юсуф Асвад аллақандай латталарни тимирскилаб ғаров найини топиб, ёнига қўйди-да, олдидаги накатча устига боши билан энгашиб, секин-аста елкасидаги илонни тушира бешлади. Иссиқ танга чирмашиб ётган илон ҳадеганда қимирлай бермай, атрофга тикилиб, айри тилини тез-тез чиқара берди. Юсуф Асвад илондай буралиб, тўлганиб, калласини айлантитар, накатча ўртасига сўл қўлининг кафтини қўйиб, илонни шу қўли устидан сиргалиб тушишга даъват этарди. Баъзан силкиниб, титраб ҳам қўярди. Бир дамдан кейин илон Юсуф Асвад билаги устидан сиргалиб тушди, накатча устига кулча бўлди. Илон ерга тушгач, у манглайдаги терни этаги билан артиб, ўрнидан турди-да, кичик жез баркашчасини ушлаб, доирани айланди.

Тик турган одамлар унинг баркашчасига танга, чақа пуллар ташлашди. Чордона қуриб ўтирган қорақура болалар баркашчага бир қараб қўйишди-да, кейин накатча устида кулча бўлиб ётган илонга қараб ўтираверишди. Юсуф Асвад доирани икки айланиб, озгинагина танга, чақа тўплаб олгач, яна ўз ерига келиб ўтириб, қўлига ғаров найини олди. Найнинг ингичка, титроқ овозига саватчанинг ичидан ҳам чўзилиб яна иккита илон чиқди. Илонлар дарҳол бошларини ердан кўтариб, бир қаричгина думларига тиралган ҳолда қашқа таёқдек тик туриб олди. Томоғлари шишиб, дўппидек япалоқ бўлди. Илонлар Юсуф Асвадга яқин келиб, унинг башарасига тикилганча қаққайиб тураверди. Юсуф Асвад бўлса, кучаниб най чалиб, икки кўзини илонлардан узмасди. Икки заҳарли илон бўлса, сурнай овозига бошларини, белларини қимирлатиб, ўйнай бошлади.

— Бу жуда ярамас нарса! Кўзойнакли илон дейдилар буни,— деди орқада турганларнинг бири ёнидаги шеригига.— Қумда кўп бўлади.

— Совуқлигини қара,— деди шериги,— унинг олдида нариги катта илон қўйдек беозор бўлиб қолди.

— Қара, қара! Улар Юсуф Асваднинг юзига яқинлашишяпти. Ҳозир тишлашади.

— Йўқ,— деди чордона қуриб ўтирган бола,— ҳозир ўпади.

— Упади?

— Ҳа, ўпади. Мен ҳар куни кўраман, иккала илон ҳам бориб эгасини ўпади.

— Ё, тавба...— деди тикка турган одам,— илон ҳам ўпармиш. Шу ёшга кириб илоннинг ўпганини энди эшитиб турибман.

Дарҳақиқат, кўзойнакли илонлар тумшуқларини Юсуф Асвад юзларига тегар-тегмас яқин олиб келиб, яна орқага тисланиб кетдилар. Шундан сўнг улар, катта илон атрофида ликиллаб айландилар.

— Тирикчилик одамни нима ҳолга солмайди,— деди яна бояги киши,— битта қорним деб бечора заҳарли илон билан ҳам дўстлашибди.

— Э, қизиқ экансиз, бу-ку бир илон, одамлар, қўлоёқли илонлар билан ҳам бир нарса важдан иноқлашадилар. Содда бўлманг, ошнам.

— Гапингиз тўғри. Хўжайинимиз Абдуллоҳнинг илондан нима фарқи бор? Ўша билан иноқлашадиганлар ҳам бор-ку!

— Эшитишимча,— деди у яна,— бу илон ўйнатувчининг Луксорда пайдо бўлганига бир йилча бўлибди. Асли ўзи Сауд томондан— Ал Важҳ шаҳридан эмиш. Қадим, уни Ақоба шаҳрида ҳам кўрганлар бор эмиш. Кейинчалик Нил бўйига келибди. Бултур Кенада юрар экан, бу йил Луксорда. Эҳтимол, янаги йили Исмоилияга жўнаб кетар. Тирикчилик-да...

2

Мисрда эри билан саёҳат қилиб юрган Беттерж хоним Гиза, Карнак, «Фиръавнлар водийси», Қоҳира музейи ва катта шаҳарларни томоша қилиб, охир Луксорга келди. Беттерж хоним тўрт минг йилдан буён бақрайиб ётган Абулхауwl (сфинкс) бўйнига миниб, суратга ҳам тушди. Қўнғироқ осган туя устидаги кажвага ўтириб Хиопс эҳроми атрофини айланди, дармон кирсин деб, Нил сувига оёғини ҳам ювди...

У Луксор мусофирхонасида ётиб, деразадан мавж уриб оқаётган Нилга, дарё бўйидаги баланд ва гўзал хурмо дарахтларига, олис-олислардаги қишлоқларга тикилавериб зерикди. Ҳамма ёқ «экзотика»...

— Жемс,— деди у духоба креслода оёғини чалиштириб ўтирган эрига.— Жуда зерикаётирман, музейлар жонимга тегди. Бир маймун ўйнатадиганми ёки бошқа нарса йўқми... Чиқиб мусофирхона хизматкорлари билан гаплаш: пул берсанг ҳар нарса топиб келадилар...

Жемс ташқарига чиқиб кетди. Бир муддатдан сўнг, у яна қайтиб кирди:

— Илон ўйнатадиган бор эмиш.

— Жуда соз! Мусофирхона ёнидаги боққа келсин.

Жемс чиқиб кетиб, анча вақт йўқ бўлиб кетди-да, сўнг қора бир суданликни хотини олдига бошлаб кирди. Илон ўйнатувчи бу ҳафта ўйин кўрсатмаслигини, илонларга каламуш едираётганлигини айтибди. «Агар хоним сабр қилсалар, чоршанба куни илонларимни олиб бориб тоза ўйин кўрсатаман. Ҳозир иложи йўқ»,— дебди.

Бу гапни эшитган Беттерж хоним ғазабланди:

— Бўлмаган гап! Жемс, сен бу суданликка беш доллар бер, қандай бўлмасин уни олиб келсин! Унга ҳам пул бериб, хурсанд қиламиз. Бир қора арабни биз чоршанба кунигача кутар эканмизми! У эсини ебди!

Жемс суданлик билан ташқарига чиқиб кетди-да, орадан бир соат ўтар-ўтмас илон ўйнатувчи Юсуф Асвадни бошлаб келди. Юсуф Асвад иккита катта саватни ерга қўйиши биланоқ, атрофини одамлар ўради. Йўловчилар, мусофирхонадагилар дарҳол ташқарига чиқиб, доира ясашди. Бир зумдан сўнг Беттерж хоним ҳам пастга тушиб, юмшоқ креслога ўтирди.

— Хоним,— деди Юсуф Асвад,— аҳволни айтишгандир. Имконияти йўқ. Лекин сизга илонларимни ўйнатмасам ҳам бир кўрсатай деб, олиб келдим. Нодир илонлар...

— Йўқ, ўйнатинг. Мана сизга беш доллар!

— Мен доллар олмайман, миср фунти оламан.

— Бўлмаса, мана бунини олинг,— Беттерж хоним кўкси устидаги олтин тўғноғични бўшатиб, Юсуф Асвад кўйлаги ёқасига тақиб қўйди,— биласизми, бу тўғноғич эллик доллар туради. Олтин!

Юсуф Асвад қимматбаҳо тўғноғични кўриб, анграйиб қолди. Бу буюмни кам деганда қирқ, эллик миср фунтига сотиши мумкин. Ахир у жуда кўп ўйин кўрсатганида, энг яхши тушганида бир, ярим фунт пул тушади. Бирданига эллик фунт...

— Ҳазил қиляпсиз, хоним. Яна қайтариб олиб қўясиз?

— Мен сиз билан ҳазиллашмайман, ҳурматли қора араб! Чиндан уни сизга бердим! Қани, ўйинни бошланг!

Юсуф Асвад ёқасидаги олтин тўғноғичга бир кўз ташлаб, дарҳол катта саватнинг оғзини очди.

— О-о, жуда катта илон экан,— хоним сават ичига энгашиб қаради,— номи борми, нима?

— Қаҳр.

— Қаҳр?

— Шундай, хоним.

У иккинчи саватнинг оғзини ҳам очди.

— О-о, икки кобра. Буларининг номи борми?

— Номи бор: бири Фукс, иккинчиси Кукс.

— О-о, сиз инглизча от қўйибсиз?

— Шундай, хоним. Булар нодир илонлар. Нодир нарсаларга инглизча ном қўйиб келинган. Шундоғмасми?

— Ҳа,— деди хоним истехзо билан кулиб.

Юсуф Асвад ўйинни бошлаб юборди. Икки кўзойнакли илон сурнай овозига сават ичидан чиқиб, ерда бошларини гоз кўтарган ҳолда лапанглаб ўйинга туша бошладилар. У сурнайни бир қўллаб чалиб, бир қўлини катта сават ичига тикди. Қаҳр билагги устига суркалиб сават ичидан аста кўтарилиб, Юсуф Асваднинг бўйнига чирмаша бошлади. Илон унинг тапига тамом ўрашиб бўлгач, у сурнайни ерга қўйиб, доира атрофини айланди. У Беттерж хонимнинг ёнига келиб ўйинга тушди. Фукс билан Кукс доира ўртасида қоққан қоziқдай гўдайиб тураверди. Жемс биллур қадаҳда пушти ранг ичимлик олиб келди.

— Миссис Беттерж, виски ичинг.

— Ташаккур, Жемс,— у илондан кўзини узмай туриб қадаҳни олди-да, ича бошлади.— Жемс, кўряпсанми жуда қизиқ бўляпти. Музейлар жонимга тегди. Нима, мен мисршуносимдим!

Бўйнига илон чирмашган Юсуф Асвад доирани бир айланиб, ердаги сурнайини олмоқчи бўлган эди, бўйнидаги илон бехосдан титраб кетди-да, унинг бўйни, кўкракларини сиқа бошлади. У дарҳол кафтини тикиб бир қўли билан илон бўғзидан ушлаб кучи борича тортиди. Катта илон уни тобора сиқиб, бўйнидан бўғди. Қизариб, бўғилиб кетган Юсуф Асвад, ўзини юз оҳанг-

га солиб, силкиниб кўрди, бўлмади. Ундан сўнг, ялингандай — илоннинг бошларини силади, бу ҳам фойда бермади. У каламушни ўраб, эзгандай жон-жаҳди билан бўға бошлади. Кўкариб кетган Юсуф Асвад ўзини ерга ташлади. Илон уни қўйиб юбормай, маҳкам чирмашган ҳолда қаттиқ бўға бошлади. Атрофда ўтирганлар бир дамдан сўнг: бу ўйин эмас, илон чиндан ҳам Юсуф Асвадни бўғаётганини пайқаб қолишди. Кўпчилик ўртасида гала-говур кўтарилди. Орқароқда турган ҳомиладор бир араб хотин оҳ-воҳ қилиб, ерга ўтириб қолди. Одамлар ёрдам беришолмас эдилар. Юсуф Асвад ерда тупроққа қоришиб, илон билан олишарди. Бетгерж хоним креслодан туриб, икки қадамча орқага тисланди. У, чиндан ҳам илон одамни бўғаётганини пайқаб, қадимги юнон гладиаторларини эслади... Гала-говур кўтараётган одамларнинг бир қисми полисменга хабар қилиш учун, яна бир қисми таёқ излаб мусофирхонага кириб кетди.

Орадан беш минут вақт ўтгач, кўкариб ерда ётган Юсуф Асвад қимирламай чўзилиб қолди. Унинг ориқ қўллари ҳам шалвираб ерга тушди. Лекин илон қўйиб юбормай ҳамон бўғиб ётарди. Икки полисмен югуриб келиб, ерда ўлиб ётган Юсуф Асвадга қаради. Гала-говурдан чўчиган кўзойнакли илонлар атрофга лапанглаб қоча бошлашди. Мусофирхона ичидан калтак кўтариб чиққан хизматкор араблар кўзойнакли илонларни уриб ўлдиришди. Ундан сўнг, Юсуф Асвадни бўйнидан бўғиб ётган катта илонни айри ёғоч билан эзиб, бошини янчишди. У авча вақтгача ерда тўлганиб ётди. Одамлар бирдан илоннинг қорнига олтин тўғноғич қадалиб ётганини кўриб қолишди! Бунга, четда ҳайратланиб, кузатиб турган Бетгерж, хоним ҳам ўз кўзи билан кўрди. Бир нафасдан кейин тўлганиб ётган катта илон ҳам ўлди.

Бояги, мусофирхона хизматкори — қора араб илоннинг қорнига қадалиб ётган олтин тўғноғични суғуриб олиб, Бетгерж хонимга узатди:

— Тўғноғичингизни олинг, хоним. Ҳалол экан, йўқолмай қайтиб келди...

— Унга берганман.

— Унга энди олтин тўғноғич керак эмас.

— Ҳеч кими йўқми?

— Ҳеч кими йўқ, сўққабон, шўрпешона эди.

Беттерж хоним ўзининг олтин тўғноғичини мусофирхона хизматкори — қора араб қўлидан олди-да, ичкарига кириб кетди. Араб Юсуф Асвад жасадини қўтос аравага ортаётганида: «Бир ҳаром тилла тўғноғичнинг игнаси бутуи бир одамни ва учта заҳарли илонни заҳарлаб ўлдирди» деб кўнглидан ўтказиб қўйди...

1958 йил, Тошкент

ФИРИБГАР

Хушовоз хонанданинг қўшиғи истироҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг жонга роҳат.

Саъдий

1958

Йилнинг февраль оғи эди. Миср, Сурия бўйлаб қилган саёҳатимизнинг охириги кунлари Қоҳирадаги «Семирамис» меҳмонхонасининг Нилга қараб турган кўркама айвонда бир гуруҳ тараққийпарвар араб ёзувчилари билан учрашдик. Зиёфат пайтида араб шарқининг машҳур адиби ва олими Таҳо Ҳусайн бир воқеани эслаб, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Унинг ёнида ўтирган Тавфиқ ал Ҳаким билан Маҳмуд Таймур бу қаҳқаҳанинг боисини тушуниб, луқма ташлашди: «Аҳадий даврини айтмоқчиносиз, шундоқ эмасми, устоз кабир?» «Ҳа» дегандек бош ирғади кўзлари ожиз мутафаккир. Кейин у гапира кетди: «Ушанинг даври деб аташ жоиз бўлса, атай қолайлик. Аммо у фирибгар ва масхарабоз эди. Тўғрироғи, у нафосат уйимизнинг шўри бўлган...».

Зиёфатда ўтирган ёш, силлиққина бир адиб араб тилида: «Бу ўз ичимизда айтиладиган гап-ку, устоз. Ажнабийлар учун бу воқеанинг унча қизиғи йўқ», деди. Кулимсираб турган адиб жиддийлашди: «Импернализмга қарши кураш ҳали давом этади, буни ҳамма билиши керак, жаноб! Биз кексаларни эзмалик қилиб, хатога йўл қўясиз, деб койиманг. Адабиётимиз ўша кезларда ҳақоратланган эди. Агар мен қанча яшасам, шунча айтаман бу кўргуликни...»

Ёш адиб узр сўради...

* * *

...Ал-аҳмар мадрасасининг бигиз миңоралари устида янги ой кемадек ястаниб ётибди. Хуфтон намозидан

қайтаётганлар ойга қараб юзларига фотиҳа тортдилар. Негадир «ойнинг ўзига тинч»лиги барчанинг дилини гаш қилди. Майдон четидаги кўчалардан бирида эшик тақиллатаётган паст бўйли, қалин кўзойнак таққан йигит ҳам беихтиёр ойга қаради-ю, ҳеч нима тушунмади. У яна эшикни тақиллата бошлади.

— Ким? Сизга ким керак?

— Мен, Аҳадий, устоз кабир, мен сизга мактуб олиб келдим...

— Устоз ичкаридалар,— деди хизматкор унга тикилиб туриб,— сиз ҳазратни танимайсизми? Номи шарифингизни нима дедингиз?

— Номим Аҳадий, мен сизга бир карра айтдим!

— Сиз арабга ўхшамасиз, аммо араб тилини яхши билар экансиз.

— Ҳа, балли. Бу сўзингиз учун сизга ҳар қанча мукофот беришга тайёрман. Бундай илтифотнинг гадоси эдим... Тан олаётганингиздан миннатдорман.

Хизматкор ҳеч нима тушунмай жилмайди. Улар очиқ чеҳра билан Адиб ёнига кириб боришди.

— Тавфиқ ҳазратларидан мактуб ва китоб олиб келдим.

— Ташаккур!— деди Адиб,— у ҳазрат соғ-саломатмилар? Бу туҳфалари мени ғоят хурсанд қилади.

Адиб бир лаҳзалик сукунатдан сўнг яна гапирди:

— Хатда айтилишича, сиз менга дори топиб бермоқчи экансиз. Бу билан мен сизни безовта қилмайманми? Тўғриси айтинг?

— Асло! Буни мулоҳаза қилишингизнинг ҳожати йўқ,— деди Аҳадий мулойимлик билан.

Хаста Адиб миннатдорчилик билдирди.

... Форуқ салтанати юз тубан таназулга кетган йилларда мамлакатда маърифатпарварлар эмас, полиция кучайиб кетди. Адибу рассомлар, ноширлар, санъаткорлар («Фонтано» ресторанида ярим яланғоч ўйнайдиган раққосалар ва джаз бундан мустасно), дорилфунун муаллимлари хор бўлган— ғарибу ғураболар тўпига кирган давр эди. Баъзилар шу йилларни Мисрда адабий ҳаракатчилик тўхтаган пайт, дейди. Аслида зиддият, империализмга қарши кураш кучайган давр эди. Шу йиллари Аҳадий деган ихчамгина бир йигит пайдо бўлиб, араб тилида сўзлар, унчамунча шеър уқуюлар ёзар, кишилар билан илиқ му-

лоқотда бўлар, ўзи киришимлик бўлгани учунми унинг пайтов-тейтов гапларига, баъзи сўзларнинг луғавий маъносига тушунмай ёзишига ҳам эътибор қилишмасди. Негаким, бу йиллари бемаза қовуннинг уруғидек ўртамиёна шонрлар ҳаддан зиёда кўпайиб кетган эди. Шунча маддоҳлар ичида битта расво ҳам юрса юрибди-да, дейишарди. Лекин кексалар баъзида «модерн»ларнинг расволиги адабиётимизни қаёққа судрапти деб тажаанг бўлишарди.

Аҳадийнинг ўзи кимлигини ҳам билиб бўлмасди; арабми, туркми, форсми — қаерлик эканлиги номаълум. Искандария томондан келган космополитроқ экан эҳтимолдан холи эмас эди...

Кунлардан бир кун Аҳадий яна Адиб эшигини тақиллатди. У бу сафар янги ёзган қиссасини олиб келиб, Адибнинг маслаҳатини, аниқроғи, нашриётга тавсиянома ёзиб беришни илтимос қилди. Адиб унинг юзидан ўтолмай, ваъда берди. Шундан сўнг, у кеча Қоҳира дорилфунунида жаноб Тавфиқ сўзлаганини, Адибнинг номини тилга олмаганини, аксинча, «дунё ўзгаришини кўролмаётган кишилар ҳам бор...» деганини айтди. (Адибнинг икки кўзи кўр бўлганидан «кўрмаслик» деган гап уни қаттиқ қийнади.) Бу гапни эшитган Адибнинг икки чаккаси санчиб, қон босими ошиб кетди. У оз бўлмаса ўзини ташлаб юборай деди. Шу лаҳза унинг ёдига ошпасининг илгариги «ёмонлик»лари ҳам келиб, руҳан азобланди. Аҳадий чиқиб кетгач, у ўзига яқин кишиларни чақириб, ошпасининг «мунофиқлиги»дан ҳасрат қилди. Ҳамфиқрлари жаноб Тавфиққа кескин зарба беришга тайёргарлик кўрдилар. У ёзган китобларнинг «сохталиги» ҳақида газетага мақола ёзишни ҳам мўлжалладилар.

Худди шу ҳафта Аҳадий Жавдат афанди қаҳвахонасида Тавфиқнинг яқин кишиларидан бўлган Муҳаммад Маҳфуз билан учрашиб қолди. Гап орасида Адиб гуруҳи тез орада уларни тор-мор қилажagini яширинча маълум қилиб, бу гап ундан чиққанини зинҳор-базинҳор маълум қилмасликни сўради. Орадан уч кун ўтгач, дарҳақиқат, газетада мақола босилиб, Тавфиқ китобининг «сохта»лиги кўрсатилди. Қаламкашлар икки гуруҳга бўлиниб, бир-бирларига бўҳтон ёғдира бошладилар.

Айёр душман зимдан иш кўраркан, минбаъд ишо-

нингки, икки биродар ўртасидаги муҳаббат парчаланмай ҳеч иложи йўқ! Кейинчалик маълум бўлишича, арабларнинг соддадиллиги, айниқса зиёлиларнинг меҳмондўстлиги Аҳадийнинг бу тупроқда патак илдиз эмас, чуқур илдиз отишига катта имконият берибди. Аҳадий қайси гуруҳ кучлироқ бўлса, ўша томонга ўтиб оларди. У, нафосату адабиётга оёғини артар, унинг учун адиб деган ному, пул керак.

Ўзнинг мунофиқона ишларини кузатаётган, араблардан чўчиган Аҳадий бир неча ой тошбақадек бошини ичига тортиб олиб, уйдан чиқмай биқиниб ётди. Шу орада хуфтондан кейин хаста Адибни кўргани борди (Кечқурун касал кўриш яхши эмаслигига фаҳми етмасди). У Адибнинг муҳтож бўлиб, тополмаган дорисини топиб бериб ғоятда хурсанд қилди. Аҳадий бу билан чекланмай, Адибга янги уй олиб берди. (Аҳадий уругларидаи бири Маданият ва Маориф министрлигида хизмат қиларди.) Адибнинг яиги ҳовлига кўчиши бир ҳафтадаёқ Қоҳирадаги қалам аҳллари қулоғига етди — улар бу катта июнатдан хурсанд бўлишди. Шундан сўнг Аҳадий яна йиғинларда бир чеккага биқинмай, олдинда кўкрак кериб ўтирадиган бўлиб қолди. Пайтов-тейтов шеърларида «Нилу муборагим...» деб чулдураганига ҳам, Моше деганни Миср фаллоҳи сифатида кўрсатганига ҳам ҳайрон бўлиб қарашарди.

Шу кезларда Римда жаҳон адибларининг йиғини бўлди. Бу йиғинда Максим Горький, Рабиндранат Тагор, Лу Синь, Ромэн Роллан, Муҳаммад Иқбол, Эрнст Хемингуэйлар ҳам қатнашади деган гап тарқалди. Имперализмга қарши кураш, адабиётлар ҳамкорлиги — асосий мавзу эди. Шу улкан йиғинга нима ҳам бўлди-ю, Миср адабиёти номидан делегат бўлиб Аҳадий келди. У ҳозирги Миср илғор адабиёти ва Абуало Ал-Маорий ҳақида доклад қилармиш. Бу гапни эшитган кексаю ёш адиблар ҳайрону хас бўлиб қолишди. Баъзилар тиззасига уриб, қотиб-қотиб кулишди: «Ахир бу масхара-бозлик-ку!»

— Йўқ, кулманглар! — деди Адиб сўқир кўзларидан чиққан ёшни рўмолчаси билан артиб, — йиғлаш керак, у — нафосат уйидаги фирибгар... Билмадим, билмадим... Бу шайтонул алайҳу лаъна бизнинг номимиздан нималар деб келади. Э, худо, бу қандоқ расвогарчилик!

Аҳадий олиб берган уй ҳам Адиб кўзларига сохта

ва ҳаром кўриниб кетди. Бу сичқон нима мақсадда ғимирсиб юрганни тушунишди. Адиб айвонида ўтирган катта-катта қалам соҳиблари маънос ерга қараб қолишди.

Кейинчалик газеталарнинг хабар қилишича; империализмнинг малайи Аҳадий Римда нутқ сўзлаб, Миср адабиёти ҳали ибтидий даврда, фикрлаш доираси тор, ипглиз ва француз адабиётларига тақлидан ўсаётган адабиёт, ҳали бизга курашишни ким қўйибди, дебди. Бу гапни эшитганларнинг тепа сочи тикка бўлди.

...Аҳадий Мисрга қайтиб келгач, унга ҳеч кимса қайрилиб боқмади. Ноқобил ва ножинс ҳозир қайси бир шаҳардаги нотариал маҳкамада кўчирмачилик қилиб, тирикчилик ўтказаётган эмиш... Адиблар, зиёлилар эмас, халқ унинг бўйнига тавқи лаънатни илибди. Унинг ўзи ҳам ерли халқни ёмон кўришини пинҳон тутиб юарди. Ҳозир баъзи ўзига ўхшаган ҳаромиларга очикдан-очик сасиб-бижғиб юрган эмиш...

1965 йил

СИДҚИЙ ТАҚДИРИ

I

Апрелнинг ўн учинчи куни Маҳфуз Муҳаммад Сидқийнинг юзига қора суркалди: у — «персон нон грат»¹. Элчихона хизматчиларидан бири: «Сидқий жаноблари энди сиёсатда ўлган одам», дебди. Яна бир киши: «Элчихона маслаҳатчиси, инженер Сидқийнинг қуёши сўнди...» деган. Бу гапларнинг ҳаммаси жаноб Маҳфуз М. Сидқий қулоғига етиб келди. Унинг икки чаккаси бигиз санчгандек зирқираб огрирди — таблетка ютар, диванга чўзилиб уҳ тортар, газабдан муштумини қисар... барибир бефойда! Ҳар қандай ғаму қайғуни ютиб юбора оладиган Сидқий бу сафар еигилганга ўхшайди. Масаланинг ғоятда жиддийлиги ўз-ўзига таскил беришга мутлақо йўл қўймасди. У йигирма тўрт соат ичида Британиядан чиқиб кетиши керак! Элчи Фавзий аш Шафиний жанобларининг бу воқеадан ниҳоятда ранжигани ва охир ҳамма сафолатхоналарда ҳукм сурадиган совуққонлик йўлига ўтиб олгани Сидқийга таъсир қиларди. Элчи юрагида Британия маъмурларига инсбатан норозилик алангаланган бўлса ҳам, у мутлақо сездирмасди. Куннинг иккинчи ярмида катта залга қирол Форуқ суратини илишди — миллий байрамга тайёргарлик кўриларди. Сидқий элчи аш Шафиийнинг тепса тебранмас, минг ерига пичоқ урса бир еридан қоп чиқмас, хирп одам эканини биларди, лекин у

¹ «Номатлуб одам». Бошқа давлат кишиси бу мамлакатга зид ишлар қилганида шу сўз билан бадном қилиниб, ҳайдалади.

жўнаш олдидан ватандоши билан очилиб бир гаплашишни жуда истарди.

Аслида воқеа бундоқ бўлган: лорд Гордон Майкл ота-боболари удумини қилиб, овчи сифатида Африкага жўнади. Катта пул эвазига фил отди. Қийик шохи ва ўлдирилган қоплоннинг бошига сомон тиқиб уйига — деворга осиб қўйди! Олди-қочди журналларнинг биринда «оқ танлиларнинг қаҳрамонлигини» (яъни ўзи — Майклнинг) тасвирловчи узун саргузаштнома ёзди. Орадан яна бир йил ўтгач, у хотини, икки қизини олиб Африкага — ёввойи ҳайвонлар овига жўнади. Бу сафар унинг Чангали-мозандарондаги «қаҳрамонликлари»ни кинооператорлар суратга олишди. Қўлига найза ушлаган ерли халқ бадавийлар экани, улар ақлап қолақ — «маймун билан одам оралигидаги жониворлар» эканини кўрсатди. Шу қора танлиларга пул бериб, бир тўда филларни тарс-тарс отиб қулатаётганини ҳам кинога олдирди... Унинг сафарига қора танлилар «содиқ қул» сифатида атропоиди юрди... Қора танлиларнинг камситилиб, ҳақоратлангани баъзиларни ранжитди, Гордон Майклнинг китобини ўқиб, фильмини кўрган Сидқийнинг қони қайнаб, ниҳоятда ғазабланди. Бу разиллик ҳақида катта мақола ёзиб, Мисрга юборди. Қаҳр-ғазаб билан ёзилган мақола босилиб чиққач, бу ишдан хабардор доиралар Сидқийга бўҳтон ёғдира бешладилар. Элчихонадагилардан кимдир Гордон Майклнинг Уинстон Черчилль министрларидан бирига жуда яқин кимса эканини айтган. Қадимий маданиятга эга халқ фарзанди эканлиги билан фахрланувчи Маҳфуз Сидқий кейинги пайтда Гайдпаркдаги йигинлардан бирида Майкл фильми ирқчиликни тарғиб қилишини, африкаликларни камситиш — мустамлакачилик эканини айтди.

Ҳамма бўлган гап шу.

Сидқийни Британия ташқи ишлар министрлиги «Номатлуб шахс» деб атаб, мамлакатдан тезда чиқиб кетишга даъват этди. Уша кунлари «Сидқий воқеаси» анча шов-шувга ҳам сабаб бўлди: илғор фикрли инглиз адибларидан Шоу, Олдридж бу ишга қарши чиқдилар.

2

Сидқий эрталаб Қоҳирага учишга ҳозирлик кўради. Хотини Сурияxonим диванда миқ этмай ўтирар — ўлик

чиққан уйдек хоналар сукут ва ғам ичида. Эрининг ҳа деб мисрликлар ёнини ола бергани унга ёқмасди, «қўйиб берса, ўз арабларимиз бирини бири ейди, шу рўда по, қаланғи-қасанғилардан инглизлар минг марта афзал. Сизнинг ўзингизга тегмадими, нима қиласиз уларга тегиб», дерди. Лондон ҳаётига ўрганиб қолган Сурия хоним, жўнашни истамасди. У Лондон эмас, элчи аш Шафийй билан хайрлашишни асло истамасди... У Қоҳирага — отасига хат ёзиб, бу ишнинг олдини олмоқчи ҳам бўлди, лекин элчидан бунинг фойдаси йўқлигини билиб тарвузи қўлтиғидан тушди.

Эрталаб самолёт парвоз этди — Сидқий, Сурия хоним, қизи Нагуа билан Европа устида учиб боришарди: улар гоётда ғамгин — ичларига чироқ ёқса ёрмасди. Майклининг ирқчиликдан иборат китобини қоралайман, деб унинг ўзи қораланиб қолди: ҳақиқат қаёқда Сидқий ўйлар, тез-тез чекар, самолётнинг безовта участкасига ҳам эътибор бермасди. Наҳотки тўғри гапни айтиш обрўсини бир пул қилса? У, бу мартаба-ю обрўнигина билан қудуқ қазиб етишган эди — колледжни тугатгач, қурилишда ишлади, ундан сўнг университетини не-не машаққатлар билан тамомлади. Ёш инженер Искандарияда, порт қурилишида ишлади. «Серғайрат хушбичим, қобилиятли йигит»ни жаноб Ҳамдий ўзига куёв қилган эди. Кейинчалик у Европага — элчихонага хизматга юборилди. Мисрликлар манфаатини кўзлаб иш қилишни ўз бурчи деб биларди. Мана, оқибат нима бўлди! Сидқий кўз олдида Қоҳирадаги дўсту душманлари пайдо бўлди; бир қисм одамлар: «фаллоҳ боласига жабр бўлибди, етдим деганда йиқилибди» дегандек бўларди. Энди Хуха қишлоғидаги уруғлари, мункайиб қолган опаси қайғуради-да! Хухадан чиққан ўқимишли киши — ёлғиз Сидқий эди. Унинг номи бирон газетада пайдо бўлиб қолса, каттадан кичик қувониб фахрланишарди. Қишлоқда кимки бор — ўзини Сидқийга «уруғ» тутарди. Аммо Қоҳирадаги рақиблари «фаллоҳ ўғлига ортиқча ишониб юборилган эди, мана оқибат!» дейдилар албатта. Ҳатто «Сидқий деган аблаҳ ватанини сотибди...» деган гаплар ҳам тарқаши мумкин. Айниқса Абдултовфиқ учун гап топилди — у кучининг борича айбонаннос солади. Бу мафқуравий рақиб инглизлардан ҳам ёмон душман эди; у Сидқийнинг йўталганини ҳам таъқиб қиларди. Шу кунларда Қоҳирага бориш — Ис-

моилия шаҳри яқинидаги Тимсоҳ кўлида чўмилиш билан баробар; уни бурдалаб ейдиган «тимсоҳлар» тўлиб ётибди. Лекин барибир ватанига боради!..

Сидқий осмонда, тоғ-тоғ қорамтир булутлар устида ўй суради. Ҳадемай ерга тушади. У бир сесканиб қўйди.

Аэропортда уларни биргина қайнағаси кутиб олди; у ҳам опаси Сурияхоним учун чиққан эди. Сидқий — «қиличи синиб, қалқони тешилган, мағлуб» дипломат икки зил чамадонни кўтариб қайнатасиникига тушди. Бўлган гапни жаноб Ҳамдийга айтиб ўтирмади ҳам, чунки у ҳамма гапни эшитган экан. Бир неча бор ташқи ишлар министрлигига борди, лекин жаноб Ҳамадоний қабулига киролмади. Майда амалдорларнинг айтишича, «жаноб министр банд» эмиш. Орадан уч кун ўтгач, Искандарияга отланди — қандай бўлмасин қирол қабулига кирмоқчи бўлди. Лекин қайнатасининг энсаси қотиб: «Ҳеч уринманг, фойдаси йўқ. Мен ўзим сизга айтиб қўя қолай, тентак бўлмасангиз иттифоқчимиз инглизлар билан олишасизми! Сизни қирол ҳам, министр ҳам қабул қилмайди, сиз — сиёсатда ўлган одамсиз», деди. Сидқий ҳангу манг бўлиб қолди. У она шаҳри Луксорга жўнамоқчи эканини Сурияхонимга айтди. Хотини ҳам ундан жиркангандек, жавоб қайтарди:

— Мен Қоҳирада қоламан...

— Қизим Нагуа мен билан борсин,— деди Сидқий масалага тушуниб,— ахир мен қизимсиз туролмайман, юрагим узилиб кетади.

— Нагуа бормади! У менинг ҳам қизим!

Сидқий эрта билан чамадонини кўтариб, катта хонага кирди. Бунда мотамсаро турган Сурияга яқинлашди, бир ёстиққа бош қўйган хотинини сўнгги бор ўпиб хайрлашмоқчи бўлди. «Қўйинг, ҳожати йўқ...» деди юзини ўгириб Сурия. Сидқий жаҳаннамга тушиб кетгандек бўлди, лабларигача оқариб ерга қаради. Шундан сўнг, ташқарига чиқди; фонтан ёнида ўйнаб юрган қизини қучиб, пешонасидан ўпди-да, вокзалга жўнади...

3

Катта, сершовқин шаҳар хиёбонлари одамлар билан гавжум. Асфальт кўчаларда ғизза-ғизза машиналар

югуради. Магазинлар, маҳкамалар... йўлчалар тўла одам; илгари шу одамлардан ажралиб, форд машиналарида виқор билан ўтирадиган «жаноб Сидқий» ҳозир мана инқиллаб, чамадон кўтариб бормоқда. Унинг ёнида ўн фунт пули, қўйнида паспорти ва инженерлик дипломи. Бошқа ҳужжатларини топширган. Шу лаҳза онасининг: «ўтники ўтга, сувники сувга...» деган ҳикояси ёдига тушди. Ҳа, у ҳам қайиғи ағдарилиб, мол-мулкдан ажраган савдогар кунига тушган. Ҳаммаси ҳам майли, аммо Сурияни ундан юз ўгиргани қалбини қиймалади. Наҳотки унга эрининг амали керак бўлса! Шунча йил яшаб, гўзал Сурия қалбини билолмаган экан. Содда экан! Унинг кўзига ҳамма нарса сохта кўришиб кетди; бутун Қоҳира ҳам қоғоздан ясалган театр декорацияларига ўхшарди. Одамларнинг ҳаммаси — қаллобларга ўхшаб кетди.

Сидқий эртаси куни қош қорайганда Луксорга етди. Нилдан паром билан ўтиб, юк машинасида қишлоғи Хухага кириб келди. Эшикда қучоқ очиб кутиб олган онаси олти йил мобайнида мана, биринчи бор қучиб пешонасидан ўпди: «Хафа бўлма...» деди у ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг. Газетада у ҳақда чиққан хабардан қишлоқ огоҳ бўлганлигини дарҳол пайқайди.

Эртасига Маҳфуз Сидқий келганини эшитган қариндошлар, қўшниллар, таниш-билишлар келиб ҳол сўрашди. Қишлоқ оқсоқоли ҳам унга кўнгил кўтарадиган гаплар айтди. У Сидқийнинг «гуноҳи» нима эканлигига тушунмай, «иним, сен фаллоҳдан чиққансан, бизда катта пул йўқ. Бу замонда пулдорлар амалдор бўлади. Қўй, хафа бўлма», деб қўя қолди.

Орадан бир йил ўтди. Сидқий қишлоқ ҳаётига кўникди. У илгаригидай тахи бузилмаган костюму сорочка киймай, анча содда, ҳатто юпун кийинарди. Бора-бора кунда соқол қириш ҳам йўқолди. У ҳамма нарсага кўникди. Лекин бир парсага асло кўниколмасди; қизи Нагуани кўрмай ҳеч туролмади. Уни эслаганда кап катта одам ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Ҳамма вақт ёнида қизининг кулиб турган суратини олиб юрарди. У икки бор Қоҳирага бориб, қизини кўрди. Бу учрашувларнинг бири — жаноб Ҳамдийнинг ҳовлисида — фонтан бўйида, иккинчиси — кўчада бўлди. Кейипчалик қоровул ҳовлига киришга ҳам йўл бермади.

— Шу йили ёз ойларида мисрликлар ҳаётида янги

воқеа юз берди — Форуқ салтанати ағдарилиб, жумҳурият тузилди. Бу воқеа Сидқийнинг музлаган танига ҳарорат берди; у бошқа ёш зиёлилар қатори мамлакат ишларига жалб этилди. Қатта ер эгалари типирлаб, фаллоҳларга жон кирди. Сувайш канали устида бўлган урушда Сидқий қўлига қурол олиб, Порт Саид мудофаасида қатнашди. Урушдан кейин уни Асвонга — Садд ал Али қурилишига юборишди. Бу ерда инженер Сидқий тўғон қурилишида совет мутахассислари билан қўлни қўлга бериб ишларди.

4

Чексиз қумликлар абадий жимлиги аро карахт оқувчи Нилнинг уйқуси бузилди — икки томонда экскаваторлар, автомашиналар шовқини. Икки ярим минг йил аввал худди шу ерда фиръавнлар жангги бўлган эди. Қуллар, асрлар Нил бўйига Рамзес учун Қарнак қасрини солишган... Илиб, оҳиста буралиб оқаётган Нил жунбушга келди. Чанг ва шовқин ичида минг-минг одам ишлайди: улар ичида Сидқий ҳам бор. Еиги қисқа кўйлак, бошига панама-қалпоқ кийиб олган Сидқий деривация канали қурувчиларига раҳбарлик қиларди. Унинг тиними йўқ, чарчар, лаблари пўст ташлаб ёрилган, елкаларида қурум. У руҳан жуда тетик, унинг елиб-югуриши, у қилаётган иш халқи учун жуда кераклигини биларди. Совет мутахассисларининг олижанобликлари унинг ғайратига ғайрат қўшарди. Иш битгач, Совет Иттифоқига саёҳат қилиш ишяти ҳам бор эди унда. Ҳа, у совет кишилари учун «номатлуб одам» эмас, у ўртоқ, дўст...

Шу кунлари Бирлашган Араб Республикаси ва СССР ордени билан мукофотланган Сидқий портрети «Ал Жумҳурия» газетасида босилди. Орадан уч кун ўтгач, у Қоҳирадан хат олди. Хат уч сўздан иборат бўлиб, ҳисоб дафтарининг варағига ёзилган эди — «Ота, табриклайман Нагуа». Сидқий бир муддат бу уч сўзга тикилди. Кичик Нагуасининг биринчи синфда ўқиётганини билди. Беихтиёр унинг кўзларига ёш келди; суюкли, жажжи қизи уни «ота» деб атабди. Унинг бийрон овози ҳам қулогига эшитилиб кетди. Дарҳол ёнидан Нагуанинг уч яшарлигида тушган суратини олди. Қизининг кулиб турган кўзларига, сочидаги лента-

га, капалак гулли кўйлагига тикилди. «Нагуа! Жоним қизим, отангнинг юзига қора суркалгани йўқ, мистер Майкл хато қилади. Сенинг отанг «персон нон крат» эмас. У юртини севади. Юрти манфаатини кўзлаш инсоний бурчидир», деди ичида. Усиб ақли кириб қолган Нагуа ҳам: «Сизнинг юзингизга ҳеч ким қора сурколмайди, юзингиз Миср офтобидек ҳамма вақт порлаб туради» дегандек бўларди...

1964 йил, июль

НИЛ УСТИДА ОИ

1

Фатма Қоҳира дорилфунунини тамомлаб, ўз қишлоғи Хухага ишга борадиган бўлди... Доктор Абу Бакр унга диплом топшираркан, Хухадан бир неча километр нарида — «Фиръавнлар водийси» дегап жойдаги илмий экспедиция раҳбари археолог Музаффар ал Маҳфузга хат ёзиб берди. Фатма муҳтарам профессор хатини қўлга оларкан, ўз она қишлоғига, яна бунинг устига илмий экспедицияга ишга боришини — бир фаллоҳ қизига кўрсатилган катта мурувват деб билиб, ғоятда қувонди.

Мана, ўз қишлоғи Хуха... ўнг томон — Нил, чап томон — ям-яшил экинзорлар, пахта майдонлари. Ундан ўтгандан кейин тепаликлар ва ғарбга қараб кетган сариғ қумликлар бошланади. Шу баланд тепаликлар орасида доктор Маҳфуз раҳбарлик қилаётган илмий экспедиция бир неча ойдан буён тупроқ қазиб, бизнинг мелоддан илгариги XIV асрда қурилган Рамоза саройини очмоқда. Фатма экспедиция ишлаётган ерга келиб, доктор Маҳфуз билан учрашди. Доктор унга вазифа тайинлаб, эртдан бошлаб ишга тушишини айтди. Фатма ишининг ўнгидан келганига бениҳоя шодланиб, уйига қайтиб келди. Шундан сўнг, илгариги одатини қилиб, кечқурун ёлғиз ўзи дарё бўйига борди. (У бир нарсадан қаттиқ хурсанд бўлса ёки қаттиқ хафа бўлса дарё бўйига бориб, баланд хурмо дарахти тагида ёлғиз ўтирарди.) Нил сувларининг буралиб оқишини, сувга тўш уриб учаётган қалдирғочларни, олис-олисларда оқариб кўринган елканларни завқ билан томоша қилди. Тезда оқшом қоронғилиги

чўкиб, бир парча булутдек оқариб турган тўлин ой юзлари олтиндек ярқирай бошлади...

Фатма учун хушнуд кунларнинг бирида яна бир шодлик содир бўлди: дорилфунунни тамомлаган бир таниш қиз хат ёзиб, эрта-индига етиб боришини, у ҳам экспедицияда хизмат қилишини маълум қилибди. Фатманинг бир қувончига ўн қувонч қўшилди. У дарҳол хатни отаси Абдулмўминга, катта оғасига ўқиб берди.

— Биласизми?— деди Фатма хатни ўқиб тугатган ҳамон,— биз у билан бирга ўқиганмиз. Унинг исми Фатҳия. Лекин у Виктория деб юритади. Уйидагилар уни «Вика» деб атайдилар. Отаси банк директори деб эшитганман...

— Э-ҳа-а,— деди Абдулмўмин,— жуда баланд даргоҳдан экан, қандай қилиб ошна бўлдингиз. Ахир, қизим, сен ўзингнинг кимлигингни биласанми?

— Биламан, отажон, фаллоҳ қизиман. Нима бўлибди? Фаллоҳ одам эмасми?

— Йўқ, қизим, аксинча, фаллоҳлар чинакам одам.

— Бўпти-да... Биз пахта экамиз, бу ҳазилакам иш эмас. Илгариги замон ўтиб кетган, ҳозир жумҳурият! Тушундингизми?

— Ҳа, тушунаман,— Абдулмўмин кулимсиради. Бундай пайтда қизи билан баҳслашишга ожиз эканлигини билдириб, дарҳол гапни бошқа томонга буриб юборарди.

Орадан икки кун ўтгач, хатда айтилгандай, Вика эшикдан гулдур-шалдир кириб келди. Унинг икки катта чамадонини бир ҳаммом аранг кўтариб келди. Вика илгаригидай — европача кийинган; почалари қисқа ва калта шими сонларига ёпишиб турар, сочи қирқилган, сўл билангида олтин занжир, кўзида олма баргисимон қия қора кўзойнак. У нафасини ростламай туриб, Фатманинг отасалари олдида у билан инглизча сўзлашмоққа тутунди. Фатма дарҳол унга имо билан арабча гапиришни, бу ерда ҳеч ким инглизча билмаслигини айтди. Вика сув тикилиб қалқиган одамдек, бир дам тўхтаб, ўқчиди-да, араб тилини бузиб, ора-чора инглизча сўз қўшиб, гап бошлади. Унинг сўзи — сув қўшилган ошдай бешира эди.

— Хуш келибсиз,— деди гапга араллашиб Фатманинг онаси Ойша.— ота-оналарингиз соғ-саломатми?

— Jes¹, ўзларинг яхшими?.. Қишлоқларинг жуда

¹ Jes — ҳа, дегани.

чиройли. Саїго¹ иссиқ... Асфальт, мотор-бензин ҳиди...

— Қоҳира буюк шаҳар деб эшитгапмиз.

— Саїго сиз бўлган?

Ойша «нима деяпти» дегандек, ялт этиб қизига қаради, Фатма такрорлади:

— Қоҳирада бўлганмисиз, деяптилар?

— Йўқ, бизлар қаёқдан бўламиз, қизим. Мана шу Луксорда бўлганмисиз деб сўрасангиз-чи. Луксорга ҳам бормаганман. Ўзимизнинг Хухадан бўлак ҳеч ерни кўрмаганман.

— Black arab, black arab², — деди Вика Фатмага қараб.

Шундан сўнг, Вика «менга тайёрланган жой борми?» ишорасини қилиб Фатмага кўз қисди. Абдулмўмин бўлса, кулимсираб, ўқимишли икки араб қизини — Фатма билан Викани (Фатҳияни) диққат билан кузатиб турарди.

2

Эрта билан нонуштадан сўнг Фатма тезда мандийлини кийиб, оёғига пахта шиппакни маҳкам боғлади. Рамоза саройи картасини ва бошқа қогозлар солинган дала сумкасини қўлига олди-да, ойна ёнида киприкларини кичик жуфтак билан қайираётган Виканинг тепасида туриб, шошира бошлади. Унга доктор Маҳфуз жуда интизомли киши экани, вақтида келмаганларни ёқтирмаслигини айтди. Бу гапни айтди-ю, Вика унинг уйида меҳмон бўлиб тургани, яна бунинг устига катта даргоҳнинг серҳашамат хоналарида эмас, бир фаллоҳнинг ғарибгина, сомон лой билан сувалганича қолган ҳужрасида қаноат қилиб яшаб турганини ўйлаб, уни шошириб, безовта қила берганидан хижолат бўлди. Бир муддатдан сўнг Вика билан Фатма уйдан чиқиб, «фиръавилар водийси» томон жўнашди. Икки қиз кўни билан жазирама офтобда, баъзан ер тагига тушишиб, чангда ер кавлаётганлар ёнида доктор Маҳфуз билан бирга туришди. Чўтка билан девордаги нақшларни тозалашди, тупроқ орасидан чиққан ҳар турли сополларни, синган хумчаларни юқорига олиб чиқиб, рўйхатдан ўтказишди. Баъзи-

¹ Саїго — инглизлар Қоҳирани шундай атайдилар.

² Black arab, black arab — бу сўзнинг лугавий маъноси «қора араб» дегани бўлиб, у аксар «биз бечора араблар, солдамиз» маъносида ишлатилади.

ларини доктор Маҳфузнинг фотоаппарати билан суратга олишди. Доктор Маҳфуз бўлса бугун жуда барвақт келган. Ҳеч бир илмий китобларда айтилмаган — унга маълум манбаларнинг ҳеч бирида кўрсатилмаган Рамоза саройидаги бир зинапоя унинг диққатини қаттиқ жалб этган эди. Тупроқдан очилаётган зинапояга чўкичлар тегиб кетмаслиги учун, куни билан одамлар ичида—чангда ўтирди. Бу зинапоя — унинг ёзаётган илмий китобида энг яхши боблардан бўлиши ҳеч шубҳасиз эди. Буни Фатма ишга келган кунийёқ пайқади. Ер остига, чангга тушиш Виканинг жонига тегди. У кўп вақт юқорида, соябон остида ўтириб топилган ашёларни рўйхатга олди. Фатма бўлса, янги очилаётган зинапоя ёнидан жилмас, доктор Маҳфуз ҳаяжонига шерик бўлар, у билан Тутанхотмон даври, унинг юришлари, Чусер қабри, Тий ва Нефертити замони, ундан сўнг Тутмос III пинг етти ҳарбий юриши ҳақида суҳбатлашарди. Бир муддатдан сўнг чанг қўнган лабларини рўмолча билан артиб, бу топилаётган зинапоя ҳажм эътибори билан кичик бўлса ҳам, тарихий аҳамияти Хачеупст қасри зинапояларидан қолишмаслигини айтди. Доктор Маҳфуз Фатма янги топилаётган зинапоянинг аҳамиятини улуғлаётгани учун эмас, балки у билан баҳслашаётгани учун қувонарди. Юқорида ёлғиз ўтирган Вика зерикар, у тезда кеч киришни, Нил бўйига бориб, тўлин ойни томоша қилишни, кўтос сутига маккажўхори солиб пиширилган гўжадан ичишни сабрсизлик билан кутарди...

Кеч ҳам кирди. Дугоналар ўтлоқдан қайтган қўзичоқлардек мамнун, лекин чарчашиб уйга қайтиб келишди. Юз-қўлларини муздек сувда юйиб, дастурхонга ўтиришди. Бугун Ойша жуда ажойиб овқатлар пиширибди. Фатманинг оғаси мусаллас олиб чиқди. Дастурхон устига бананлар уйиб ташланди. «Қатта охурдан овқат еб ўрганган» деб, Абдулмўмин азиз меҳмонга гўжа пиширавермай бир бўрдоқи қўйни сўйиб, гўштга мўл қилди. Шўртанг пўстдумба солинган мазали шўрвали Вика роҳатланиб, бурни усти обдан терлаб ичди. Узатилган мусалласларни ҳам ҳеч қайтармади. Қош қорайганда «Қоҳирадан келган қизни кўрамиз», деб қўшнилари ҳам бир тўда бўлиб чиқишди. Уйининг «мозор бўлма, бозор бўлиб кетганидан» хурсанд Абдулмўмин босар-тусарини билмай, ташқарига чиқиб кетди-да, зингиллаб бориб Муҳаммад Юсуф, Али Абдулҳолиқ, Идрис, Яҳё деган

фаллоҳ ошналарини ҳам чақириб келди. Даф чалиниб базм бошланди. Ҳовли ўртасида гулхан ёқишди. Атроф-яқиндаги болалар, хотин-халаж даф овозини эшитиб Абдулмўмин ҳовлисига югура беришди. Бир йигит даврага тушиб, ўйнай кетди... Қайфи ошиб қолган Вика ҳам ўрнидан туриб, ўйинга туша бошлади. У дафнинг зарбига, миллий оҳангга тор шими сиқиб турган орқаларини чиқариб, қийшайиб, турли ҳаракатлар қилиб, фокстрот ўйнай бошлади. Хотин-халаж Виканинг қилиқларига тоза кулишди. Чордана қуриб ўтирган фаллоҳлар қоҳиралик араб қизининг «жуда маданиятли бўлиб кетганини» кўришиб, таажжубланишди. Отаси банк директори эканини эшитишгач, бир-бирларига қараб қўйишди. (Бу мамлакатда банк директори жуда катта амалдорлар билан баробар ҳисобланади.) Вика обдан ўйнаб, сакра бодом қилиб бўлгач, ўз жойинга келиб ўтирди. Одамлар сукут сақлаган бўлса ҳам, Ойша яхши ўйнаганини айтиб, кифтига қоқиб қўйди...

Деҳқонларнинг содда базми Викага ёқди. Бу ерда уни фақат Фатмагина эмас, ҳамманинг ҳам хурсанд қилгиси, кўнгли нима истаса, шунини муҳайё қилиб беришга тайёр экани сезилиб турарди. Қайфи чоғ Вика ярим тунда Фатмани судраб, Нил бўйига олиб кетди. Бу ерда икки тўлтин ой ярқираб турарди: бири Нил устида, бири Нил остида...

— У акси...— деди эътироз билдириб Фатма, Виканинг қўлларидан ушлаб,— иккинчи ой мана!

— Но, по!¹— деди Вика,— ундоқ бўлса, уч тўлтин ой бор: бири кўкда, иккиси ерда.

— Ўртоқжон, ойнинг иккита бўлгани яхши. Икки энг яхши сон...

Улар қаҳ-қаҳлашиб кулишди.

— My darling², нега бизни оталаримиз эрга бермас экан?..

Улар яна бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди.

Эртаси куни жума бўлиб, экспедиция дам олди. Фатманинг отаси Фатмани, келинойисини ва Викани аравага солиб, қўшни Асосиф қишлоғига, бир қайнағасининг тўйига олиб борди. Йўлда улар «Нил, Нил...» деган ашулани айтишди. Шу куни ётиб қолишиб, тўйда қанча

¹ Но, по — йўқ-йўқ.

² My darling — ўртоқжон.

ўйин-кулги қилишиб, эртасига эрта билан қайтиб келишди. Икки қиз яна Рамоза саройининг қазувида бўлиб кечқурун қайтишди. Бугун уларни Фатманинг келиноийи си меҳмонга чақирди. Эртасига Идрис ал Аҳмад ўз уйига меҳмонга чақирди. Орадан яна бир кун ўтгач Фатманинг болалик ўртоғи Сурайё уларни меҳмонга таклиф этди. Шундай қилиб, орадан бир ой ўтиб кетди. Бу бир ой ичида Вика қанчалаб хонадонда зиёфатда бўлди. Фаллоҳлар қишлоғи уни асло зериктирмади қўйиб берса уни саватга солиб, бошларига кўтариб юргудай бўлди. Баъзан у одамгарчилик қилиб, «Қоҳирага борсаларинг, бизникига келинглар. Ал Сарват кўча 12-уй» деб қўярди. Фатмага бўлса, деярли ҳар кун «Албатта Қоҳирага бор; сен бизникида турасан, сенга пианино чалиб бераман, театрга олиб бораман, бир машинани ўзингга бериб қўяман, истаган ерингга бориш томоша қиласан...» дерди. Фатма дугонасининг бу сўзларидан бениҳоя шодланар, худди унинг ҳашаматли қасрида яшаб, машинасида ғизиллаб учиб юргандай унга минг бор ташаккур айтарди. Бу таклифлардан хабардор бўлган Абдулмўмин билан Ойша ҳам қувонишди. Илгаригидай «баланд даргоҳдан» келганларга унча ишонмай, «бой бойга боқар, сув сойга оқар...» деб ўйлашлари бир чеккада қолиб, Виканинг баъзи «қилиқлари» унча сингишмаса ҳам, қувноқлиги, фаллоҳлар билан қўшилиб юриши ва унинг устига астойдил ўз уйига таклиф қилиши самимийдай туюла бошлади уларга.

Хуха қишлоғи ёқди, шекилли, Вика бироз эт қўйиб тўлишди.

3

Икки ойдан сўнг Вика яна Қоҳирага жўнаб кетди. Доктор Маҳфузнинг айтишича, у Қоҳира музейида ишлармиш, Викани Фатма, Сурайё, Ойша... эркаклардан Абдулмўмин, Идрис ва Аҳмад — ҳаммаси бўлиб ўн бешга яқин хухаликлар кузатиб қолишди. Бунинг устига қанча совга-саломлар ҳам беришди.

Яна бир ойдан сўнг, экспедиция ҳам ўз ишини биярим ойга тўхтатадиган бўлди. Бу муддат ичида доктор Маҳфуз Қоҳира дорилфунунда лекция ўқимоғи лозим эмиш... Қулай пайтдан фойдаланиб, қарииндош-уруғлари билан маслаҳатлашган Фатма бир ойга Қоҳирага—

дугонаси Виканинг уйига бориб, яхшилаб ўйнаб келмоқчи бўлди. Абдулмўмин йиғиб қўйган ғалласидан бир қисмини сотиб, Фатмага йўл кира тайёрлаб берди. Катта отасидан ҳам озгина пул олиб, Виканинг ота-оналарига туқфа қилиш учун бир қути хурмо сотиб олди. Фатманинг Қоҳирага кетаётганини эшитган қўни-қўш-ниялар, уни келиб кўришиб: «қаандай бахтли қиз экан!» деб ҳавас қилишди. Уни ҳам ўн беш чоғлиқ хухалик узоқ-яқин уруғлари поездга чиқариб, қўл силкиб кузатиб қолишди.

Фатма Қоҳирага кечқурун соат еттиларга етиб келди, поезддан тушиб, Викани учратмади. Телеграммада бир чатоғлик бўлган хаёл қилиб, ҳеч нарсани ўйламай, таксига тушиб ал Сарват кўчасига — Виканинг уйига жўнади. Бир муддатдан кейин, машина улкан темир дарвоза ёнида тўхтади. Фатма икки оғир тугун ва бир чамадонни аранг кўтариб, ичкарига кирди: гулзорни оралаб ўтиб, қирқоғайнидан қилинган ишком тагидан юриб, рўпарадаги икки қаватли, чиройли бино эшигини тақиллатди. Бир дамдан сўнг эшик ёнида кнопка борлигини кўриб, уни дарҳол босди. Эшикни кексагина бир хонин очди.

— Виканинг уйи шуми?

— Ҳа, шу.

— Вика борми?

— Йўқ.

— Қаёқда?

— Нима ишингиз бор эди?

— Мен Фатмаман, мен келдим...

— Ичкарига кириб, — хотин Фатманинг енгилроқ бир тугунини кўтаришиб, гилам тўшаб қўйилган зина-поялардан кўтарилиб, бир кўркам хонага олиб кирди. Бу хонадан ҳам ўтиб, узун коридор бўйлаб юриб, ошхонага, ундан сўнг ихчамгина бир хонага киришди. Фатма нафасини ростламасданоқ яна сўради:

— Вика қаёқда?

— Театрга кетган бўлса керак. У кечқурун уйда ўтирмайди.

— Сиз ким бўласиз?

— Мен хизматкор хотинман.

Фатма ҳайрон бўлди.

— Юз-қўлингизни ювсангиз, мана, ошхонанинг ўнг томонида жўмрак, совун бор...

— Раҳмат,— деди-да, у ўришдан туриб, ювингани кириб кетди.

Бу пайт хизматкор хотин ўз каравоти ёнидаги йиртилиб, пахталари ўйнаб кетган эски диванга кўрпача солиб, устидан оқ чойшаб ёзиб, Фатмага жой тайёрлаб қўйди. Шу куни Фатма хизматкор хотин билан бирга ухлаб қолди.

Тонг отди. Фатма одати бўйича, барвақт туриб, ювинди. Катта хона полларини артаётган хизматкор хотин ёнига чиқиб, Вика келишини кутди.

— Сиз кириб ёта туринг,— деди хизматкор хотин, хоҳласангиз чой дамлаб ичинг. Ошхонада чойгум қайнаб ётибди.

— Раҳмат,— деди бўшашиб Фатма,— агар мумкин бўлса, Викани чақириб берсангиз...

— Улар данг қотиб ухлаб ётишибди. Уйғотсам койишади...

— Мен келганимни Вика биладими?

— Билмадим... Лекин мен, оналарига сиз келганингизни айтган эдим...

Фатма лол бўлиб, бир дам ҳаракатсиз катта меҳмонхона ўртасида турди, девордаги чўғдек гиламларга, зардўз креслоларга, хитойи вазаларга тикилди-да, ундан сўнг яна ошхонадан ўтиб, хизматкор хотин хонасига кириб кетди. Ечиниб, бошқатдан диванга чўзилди. Бирор соатлардан кейин хизматкор хотин чой дамлаб, Фатмани чақирди:

— Қизим, туринг, бир пиёла чой ичинг...

— Раҳмат.

— Ундоқ деманг, туринг! Бу сўқимларни кутиб ичагингиз узилиб кетди. Улар туни билан зиёфатда кабоб еб, ҳингиллашиб, чарчашган... Ухлаб ётишибди. Қудратингдан ўргилай, буларники ҳар куни шу аҳвол. Бунинг устига артиб, тозалаб қўйган полга, гиламларга қусишади. Мен бўлсам енгимни шимариб, қусуқ тозаланим тозалаган... Қизим, отингиз нима? Қаердансиз?

— Фатма. Хухаданман...

Кун ёйилиб кетганда сочлари тўзиган, қовоқлари кўкарган Вика юқори хонадан пастга тушиб, катта хонадаги креслога ўтирди. Хизматкор хотинга имо қилган эди, у зинғиллаб кириб Фатмани чақириб чиқди. Вика сохта табассум қилди:

— Хуш келибсан, Фатма.

— Ўзинг яхшимисан, Вика, мана мен келдим.

— Жуда яхши. Бир-икки кун бўларсан?

— Ҳа,— деди Фатма ўйланқираб, тарвузи қўлтиғидан тушиб. Ахир у бир ойга келган эди-ку...

— Кеча бир ерда зиёфатда эдим, ҳадеб коньяк ичираверишибди. Бошим жуда оғрияпти,— у икки қўли билан чаккасини сиқди,— сен ҳовлиларимизни, уйлари-мизни томоша қил. Мен кириб ётай. Тузалсам, бирон ерга борармиз...

У ўрнидан туриб, яна юқори хонага чиқиб кетди. Фатма хомуш бўлиб, хизматкор хотин хонасига қайтиб кирди. Кечқурун бўлишини кутди. «Қасал» Вика кечқурун унинг ёнига кирмай, қаёққадир ғойиб бўлибди. Хизматкор хотинга:— Фатмага бериб қўйинг, деб бир парча хат ташлабди. Хатда «докторга кетдим» дебди. Хизматкор хотин ҳақиқатни — унинг ясаниб театрга кетганини айтиб, «буларнинг тайини йўқ, буларнинг қилиб юрган ишига илонлар пўст ташлайди. Оталари кимсан фалончи... Э, оталарининг ўзи ҳам қизларидан қолишмайди. Мен сизга очини айтсам, муҳтожман, бу ерда чўрилик қилиб ойига саккиз фунт оламан. Шу пул бўлмаса, тўртта ёш болам бор, оч қолади. Бир сабабийки бўлмаганда, бу ачиб-сасиб кетган уйда бир лаҳза ҳам турмасдим. Бу уйнинг кирини тозалайман деб, ўзим кир бўлиб кетдим...» — деди.

Фатма хизматкор хотин билан ярим кечагача гаплашиб ўтириб, ухлаб қолди. Эртасига эрта билан ёлғиз ўзи кўчага чиқиб кетди-да, шаҳарни томоша қилди. Дорилфунунга бориб, таниш-билишлари билан кўришди, устози доктор Абу Бакрнинг ёнига кириб, саломлашди. Олиб келган бир қутн хурмони унинг столига қўйиб, «Отамдан сизга арзимас туҳфа»,— деди. Доктор Абу Бакр миннатдорчилик билдириб, отасига салом айтишни илтимос қилди. Шундан сўнг, йўл-йўлакай бир-икки магазинга ҳам кириб чиқди. Бир фунтга онаси учун маддий, яна бир фунтга отаси учун қаҳрабо тасбеҳ сотиб олди-да, шунақаси вокзалга бориб, эртанги поездга билет олди. Шу кун ҳам ўтди. Эртасига эрта билан катта хонада яна Вика билан учрашди.

— Зерикмаяпсанми, Фатма, аксига мен жуда банд бўлиб қоляпман...

— Йўқ,— деди Фатма Виканинг чарчоқ кўзларига тик қараб.

- Ҳали яна бир-икки кун бўларсан?
- Кеча поездга билет олган эдим, бугун соат иккида кетаман.
- Вой, нега бундоқ қилдинг?
- Ҳа, энди боришим керак. Икки кунга келган эдим, мана уч кун қолиб кетдим.
- Бўлмаса, яна алоҳида келасан-а?..
- Албатта, албатта келаман.
- Мен бир ерга кетяпман, соат иккига етиб келаман... Мабодо, кечиксам, шоферга тайинлайман, сени вокзалга олиб бориб қўяди.
- Ҳожати йўқ.
- Нега, айтаман, сени машинада вокзалга олиб бориб қўяди.

Фатма индамади, Вика чиқиб кетгандан сўнг, узоқ ўйланиб қолди... Шу пайт у бир кўз юмиб очса-ю, ўз қишлоғи Хухада бўлиб қолса, қандай яхши бўлар эди. Яна тўрт соат бу ерда туриб, соат икки бўлишини кутиш, унга ўлимдан оғир туюлди. Нафаси бўғилиб, юраги ўйнай бошлади. Хизматкор хотин анча зукко экан, Фатманинг нохушлигини пайқаб, аччиқ чой дамлаб ичирди. «Шундан бошқага кучим етмайди, қизим...» дегандек ишора қилиб қўйди.

Фатма бу хонадонда уч кунни аранг ўтказиб, яна ўз қишлоғига қайтиб кетди. Кечқурун Луксорга келиб, поезддан тушгач, солга миниб, Нилни кечди. Яна ўша тўлин ой азим дарё устида ярқираб турарди. Ойнинг акси бўлса, сув ичида олтин балиқдек қимирларди. Шарқдан эсган шамол кучайди, сол тебраниб, сув юзида майда тўлқинлар пайдо бўлди. Сувдаги ой акси тўлқинларга бардош беролмай, майда-майда бўлиб, синиб кетди-да, гойиб бўлди. Лекин ҳақиқий ой Хуха осмонида ярқираб тура берди. Фатма Нил устидаги тўлин ойга узоқ тикилганича қишлоғи томон сузиб борарди...

1953 йил, Луксор — Москва

Ал Қантара шаҳри уч марта бомбардимон қилинди. Шаҳар ўртасидаги икки катта бино ҳам куппаякун бўлди. Қулаган майда-чуйда уйларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Эт Тина йўли устидан қадимий масжид ҳам, Ал Қантарадаги Сувайш кўприги ҳам қаттиқ зарарланди. Исроил томондан учиб келаётган самолётлар Порт-Саиднинг ўндан бирича келмайдиган Ал Қантара устида қовоғаридек гўнгиллаб бомба ташлаётган бу ерда тирик қолган арабларни таажжубга солди. Ерлар ларзага келар; олов, тутун ва тупроқ бир-бирига қоришиб осмонга кўтарилар... Рафта устидаги тим икки купдан буён бурқсиб ёнмоқда. Инглиз, француз ва Исроил қўшинлари Ғози билан Ал Аришни эгаллабди, деган гаплар ҳам тарқалди. Сичқондек Исроил филдек Миср-ни ютиб юбормоқчи бўлиб, жон-жаҳди билан кучанарди...

Кечга яқин отишмалар, портлашлар тинди. Вайропа шаҳар устига тун чўкди, гўё қулаган иморатлар остида қолиб, юзлари тимдаланган, пачақланган нурсиз ой бузилган кулбалар устидан шаҳарга заъфарон юзларини тикарди. Шаҳар жимжит, ўзига тўқ одамлар икки кун аввал бола-чақаларини олиб, Исмоилия, Танта, Бенха шаҳарларига қочиб кетишди. Шаҳарнинг Сувайш томонида жойлашган Миср зенитчиларини ҳисобга олмаганда, шаҳар асосан кимсасиз эди.

Неча минг йиллар аввал мўмиёланган фиръавндай чуқур подвал ичида қимир этмай ўтирган ожиза — Шамсия ярим кечага бориб, безовта бўла бошлади. У ўрнидан туриб, бошнини ғоз кўтаргани ҳолда подвалнинг

ғишт деворларини тимирскилаб, михга илиғлиқ қора мандийлини бошига ўради-да, туйнук ёнига келиб, ал-ланимани тинглади. Бир дамдан кейин яна ўз ерига қайтиб келиб ўтирди. Орадан яна бир лаҳза ўтгач, у яна ўрнидан туриб туйнук ёнига келди-да, диққат билан қулоқ осди. У аллақандай бир овозни эшитаётгандек бўларди. Нурсиз кўзларини осмонга тикар, ниманидир кўрмоқчи бўларди, одамларнинг айтишларича қаҳатчилик йили, қартайганда бирваракайига уч фарзандини йўқотиб, икки кўзи кўр бўлиб қолибди. Баъзан ҳассасини тўқиллатиб растадаги қатор дўконлар ёнидан тиланчилик қилиб ўтар экан. Кечгача бир ҳовуч чақа йиғиб ўз гўшаси — зах подвалга жўнаркан. У аксар Абдулло-сарроф дўконига келиб, қўл чўзганида, «Худо берсин, эна!» деган овозни эшитарди. Шундан сўнг «худо берсин, худо берсин» деб болалар чуғуллашгач, у секин нариги дўконга ўтар. Баъзан нодон болалар кампирнинг ориқ ва титроқ қўлларига кесак қўйиб кетишарди. Кампир кесакни тимирскилаб, уни ҳақиқатан кесак эканлигини билгач, отиб юбормай, секин энгашиб ерга қўярди-да, яна ўз йўлида кетаберарди...

Шамсия подвал туйнуги ёнида бир муддат туриб, кейин у вада кўрпачаси этагидаги ҳассасини олди-да, ғишт зинапоярлардан битта-битта юқорига кўтарилиб кўчага чиқди. У кўча ўртасида ҳам бир дам тўхтаб, аллақаёқларга қулоқ осди. Бир нимани кўраётгандек, бош кўтариб узоқ-узоқларга тикилди. Ҳамма ёқ жимжит... Бутун бир шаҳар қабристонга ўхшайди. Вайроналар устида ой чўғдек қизариб, дарғазаб турарди. Кечалари осмондан қичқириб, ўйин тушиб ўтувчи иблис қушлари ҳам йўқ. Шамсия буларни кўришдан ожиз. У кўча ўртасида бир нафас тургандан сўнг, эски раста томон юра бошлади. Йўлларга тушиб қолган кесакларга қоқилиб, уйдим-чуқурларга оёғи тушиб, мункиб юра бошлади. Бир оздан сўнг аллақандай бир чарчоқ, бўғиқ овоз унинг қулоқларига расмана эштилгандек бўлди. Шамсия яна жадал юрди. Лекин у аввал ҳар кун қатнайдиغان текис йўлкаларга уй-иморатлар қулаб, тупроқлар уйилиб қолгани сабабли қоқилар, пешонаси билан ёғочларга урилар ва баъзан ағанаб тушарди. У яна ўрнидан туриб, чап қулоғини осмонга тутарди-да, инграган овоз келаётган томонни аниқлаб, юриб кетарди. Шамсия растага яқинлашган сари: «Вой-ой, мени олинглар-о-о... Во-ой, мени

олинглар...» деган ингичка, бўғиқ овоз яна вайроналар ичидан чиқди.

Бемадор, қуруқ устихон бўлиб қолган Шамсия ҳолдап кетганига қарамай қадам ташлар, ҳассаси билан икки қадамча олдинни туртиб, текис ерлар келганда пилдираб, тупроқ уюмлари келганда ҳассасини судраб, тўрт оёқлаб эмакларди. Ҳаяжону ҳовлиқиш ичида қўлларини ойна синиғи тилиб кетганини ҳам сезмади. Растага кираверишдаги ариққа бехосдан ағанаб тушди. Хайрият, ариқда сув йўқ экан. Лойга ботиб, тирмашиб чиқди-да, боши гангиб мўлжални йўқотди. Бир дамдан сўнг яна ингичка овоз эшитилди. «Во-ой, мени олинглар...» Шамсия бўйнига ўралашиб қолган мапдийлини тўғрилаб ўтирмай, жадал эмаклаб, босиб қолган иморат ёнига борди. Оёғи остидан икки қадамча нарида яна ўша ҳолсиз овоз кўтарилди. Шамсия ер тимирскилаб, тупроқ ва ёгочлар орасида ётган инсон бошини икки қўли билан ушлади. Унинг бўйнига тушиб, бўғаётган катта-катта кесакларни олиб ташлаб, ерда ётган одам юзларини тимирскилади. Унинг соқол-мўйлови йўқлигидан ёш бола эканини дарҳол пайқади. Икки қўли билан бола устини тимирскилаб, кесакларни олиб ташлай бошлади.

— Кимсан?

— Фуад,— деди кўзларини очиб, бир оз қўрқиб, жавдираб бола. Лекин кампир боланинг жавдираб, нажот истаётганини кўрмасди.

— Отинг Фуадми? Ҳозир сени тортиб оламан...

Шу пайт Шамсия димоғига қўланса бир ҳид урилди. У ўликлар ҳиди анқиётганини пайқаган бўлса ҳам, бир дақиқа тўхтамасдан бола устидаги тупроқни ҳовучлаб-ҳовучлаб ола бошлади.

— Ман Шамсия холанг бўламан... Қўрқма, болам!

Фуад тепасида турган ўша тиланчи «кўр хотин» эканини билди. У аввал таажжубланди, чўчиди. Кейин кўр хотин унинг ўнг қўлини тупроқ ичидан суғуриб олгач, қўли билан тупроққа тиралиб қимирлай бошлади.

— Кимнинг боласисан?

— Етимман, Абдулло сарроф шогирдиман. Ошнам Ҳусайн том тагида қолди.

Шамсия бу гапни эшитиши биланоқ бир қўлини тупроқдан олмай, бир қўли билан юзига фотиҳа тортди.

— Сарроф қани?

— Утган куни Исмоилияга кетдилар. Ҳусайн, икки-мизга молларга қараб турунглар дедилар...

— Бу том сенларни босмай, мани босиб ўлдирса бўлмайдими,— деди Шамсия,— сарроф ҳам ўлсин, инглизлар ҳам ўлсин!

Сомонли кесаклар тамом бўлгач, у тирноқлари билан ер ўйиб, чуқур ичидан юқорига олиб ташлай бошлади. Ҳар замон-ҳар замон у бола пешонасини ушлаб қўяр, Фуад бўлса, ўз юзларига томган парса тер хаёл қилиб, ўнг қўли билан артаркан, тер эмас, ширалик қон... кампир тирноқлари кўчиб кетганини дарҳол пайқади. Лекин у Фуад танасини тупроқдан қутқариб олиш учун жонжаҳди билан уннар; тирноқлари ажралиб, қўллари қонаб кетганини ҳам пайқамасди. Бир соатлардан сўнг тупроқ ва майда кесаклардан бола танасини ажратди. Лекин йўғон бир хода боланинг икки болдири устидан эзиб ётарди. Болага азоб бериб, уни қимирлатмаётган парса ҳам мана шу хода экан. Шамсия ўйлаб ўтирмай ходани ҳам тупроқ-кесаклардан тозалай кетди. Терга ботиб икки қулочлик ходани тозалаб, унинг бир учини маҳкам қучоқлаб, бор кучи билан кўтарди. Йўғон, зил хода икки энликча силжиди. У яна зўр бериб, яна икки энликча силжитди-да, ундан сўнг бола тепасига ўтиб, икки қўлтиғи тагидан ушлаб, хода остидан суғуриб олишга тутинди. Бола ингради. Кампир яна чуқур ичига тушиб унинг оёқларини ушлаб кўрди. Бошини, кифтларини силади, дуо ўқиб, далда берди. Ундан кейин яна боланинг бош томонига ўтиб, уннала-уннала уни хода остидан тортиб олди. Шундан сўнг тупроқ уюмлари устида ўтириб, озгина дам олди; бўйинига ўралашиб қолган мандийлини тузатди. тимириллаб ҳассасини ҳам топиб, Фуадни авайлаб опичиб олди-да, минг машаққат билан ўз гўшаси томон йўлланди.

Бола бемажол, қовурғалари чиқиб, қалтираб, аранг юраётган кампир елкасида ҳолдан кетиб, бошини солиб ётарди. Кампир қоқилиб, судралиб, неча бор пешонасини деворларга уриб, қонталаш панжаларининг зирқирашига ҳам қарамай, ўз гўшасига етиб келиб, зинапоялардан аста-аста пастга тушди-да, болани кўрпачага ётқизди. Подвал бурчагида турган сопол хумчадаги сувдан пиёлага қуйиб ичирди. Шундан сўнг, Шамсия бола ёнида чўққайиб ўтириб, тонг оттирди.

Тонг отганини Шамсия кўра олмади. Лекин Фуад

топг отганини кўриб, туйшукдан тушган қуёш нурларига тикилади. Шамсия Фуадни кўра олмаса ҳам кўраётган-дек, тепасида чўққайиб ўтириб, ҳар замон-ҳар замон пешонасини силаб қўярди. Фуад эса Шамсияга тикилиб, ўлиб кетган онасини эслади. У ҳам худди шундай ориқ қўллари билан ҳамма вақт пешонасини силарди.

1958 йил, Порт-Сауд — Тошкент

МАШРИҚИЙ ҲАЁТИ

Ҳаёт ўзи нима демак?
Ер юзини сайр этмак.
Ҳаёт ўзи нима демак?
Яшаш учун курашмак.
Курашингиз, қардошлар!
Т.н. (Бирма шоири)

Қоҳиранинг ал Азҳар даҳасидаги бир томони ара-васозликка, бир томони коппонга олиб чиқадиган кўримсизгина тор кўчада тараққийпарвар шоир Ҳусниддин Машриқий яшарди. У ота касби табибликни давом эттирмай, колледжда ўқиб, муаллим бўлди. Лекин ёшликдан унинг бутун муҳаббатини шеър-ғазал ёзиш иштиёқи ўзига тортиб, бадий китобларни тинмай ўқиди... Эрта билан у хонтахта ёнидаги эскигина кўрпачага чордана қуриб, ғазал машқ қилар, баъзан хаёл суриб токчага қоқиб қўйилган, ярмиси қайчи билан қийшиқ-қингир қилиб қирқиб ташланган бир суратга тикиларди. Суратдаги хушбичим, мўйловлик йигитча Машриқийнинг ёшлиги. Ёнидаги қирқиб олинган сурат кўринмаса ҳам ҳамма вақт шоирнинг кўз олдида турарди. Ҳеч бир кун йўқ эдики, шоир бу одам ҳақида ўйламасин. Шоир ғазал ёзишга тутинаркан, у гўё сиёҳдони ёнида эркаланиб, чала ғазални ҳам диққат билан эшитарди.

У ким?

Ҳусниддин колледжда ўқиб юрган чоғларида, йиғинларда Хўжа Ҳофиз ғазалларини жуда чиройли ўқирди. Ўзи ҳам анча силлиқ — келишган йигит бўлиб, қизлар колледжида ўқийдиган бадавлат бир хонадоннинг гўзал қизи Сурияга ўхшаб кетаркан. Баъзи бировлар уларни ака-сингил бўлса керак, деб ўйлашларини Сурия ҳам, Ҳусниддин ҳам эшитишиб, шулар сабаб бўлиб, улар бир-бирлари билан танишишди. Кейинчалик бир-бирларини севиб қолишди ҳам... Ҳусниддин баъзида туни билан ухламай Сурия номини яширган муашшаҳлар ва

қанчалаб ғазаллар ёзди. Сурия бўлса Ҳусниддинга кумуш ручка билан икковларининг номлари ёнма-ён ёзилган рўмолча тухфа қилди. Улар деярли ҳар кунни ўқишдан чиқишгач, Ал Сарват кўчасидаги яшил хиёбон бўйлаб Нил кўпригигача келишар, ундан сўнг икки томонга бурилиб кетишарди. Икки ёш муқаббати эл оғзига тушгач, икки оила бир-бирларининг пасту баландликларига ҳам қарамай тўй қилиб, уларни қўшиб қўйишди. Бир йилдан кейин Ҳусниддиннинг «Машриқий» тахаллуси билан биринчи китоби — «Ғазалиёт» босилиб чиқди. Лекин тирикчилик учун пул тушиб турадиган доимий манба бўлмагани, табиб отасининг вафоти Машриқий уйдан қўр-қутни кўтарди. Буюм сотишди... Бу ҳам ёрдам бермади. Йўқчилик эру хотин ўртасидаги меҳру оқибатга ҳам чанг солди; яхши кийиниб, яхши еб-ичишга — зиёфатларга ўрганган Сурия кейинчалик арзимаган бир нарса устида эри билан айтишиб, отасиникига кетиб қолди. Шу кетганича у қайтиб келмади. Бир йилдан сўнг у тери билан савдо қилувчи бойваччага турмушга чиқибди. Машриқий бу совуқ хабарни эшитгач, бағри ўтда ёниб, нима қилишини билолмай, Сурия билан бирга тушган расмидан Сурияни қирқиб олиб, ёқиб юборди. Унинг кучи фақат шунга етди.

Орадан олти йил ўтди, ҳамон унинг юрагида Сурия. Бу олти йил ичида Сувайш ва Нил бўйидаги шаҳарларни айланиб чиқди, лекин гўзал Сурияни ҳамма вақт эсласа ҳам бирон марта кўролмади.

2

Кунлардан бир кун Машриқий эшигини икки одам тақиллатди. Улар шу атрофлик созандалар бўлиб, шорни кўргани келишибди. Шу билан бирга шўх ғазал ёзиб беришини илтимос ҳам қилишди. Иложи борича ошиқона сўзларни кўпроқ ёзишни уқтириб, қўшиқнинг шунақа ерида бойваччалар «оҳ» ураётгани, пул ҳам мўл тушаётганини айтишди. Машриқий кулимсираб чой узатди. Бу пайт унинг икки чаккасидаги сочи оқариб, кўзлари четидаги ажинлари қуюқлашганига ошналарининг кўзи тушди.

— Бойваччаларга шунақа ашула керак бўлиб қолибди-да,— деди Машриқий чой ҳўплаб.

— Жуда шўх бўлса...

— Очиқрогини айтсак,— деди иккинчиси,— серқичиқроқ бўлса.

— Яхши,— деди у ўйлаб, хомуш тортиб,— бундай ғазални ёзиб беришим мумкин. Илгари ҳам ёзганман... Дўстлар! Мен сизларга бошқа бир нарсани айтмоқчиман. Узоқ йили хабарингиз бор, мен Мисрни айланиб, саёҳат қилиб чиқдим. Сувайш бўйларида, Танга, Искандарияда, бунақаси Нил бўйлаб, то Асвонгача бордим. Ҳамма ерда араблар хор, араблар қул эканини ўз кўзим билан кўрдим. Етим-есирларнинг «бахшиш, мистер» деб чувуллашгани бағримни эзди. Бечораларнинг чумолича қадри йўқ. Бойлигимизни, нефту пахтамизни инглизлар Порт-Саид, Искандарияга тўплаб, кема билан Британияга ташиб кетяпти. Ироқда ҳам, Лубнонда ҳам шу аҳвол. Сиз билан биз бойваччани қичиқ ашулага маст қилиб, беш фунт пулини олиш пайдамиз. Миср тупроғида минг-минглаб араблар қон йиғламоқда. Бу гапга ишонинглар, худо ҳаққи! Шоҳ Форух айш-ишратда. Бойваччалар ҳам инглизлар билан огиз-бурун ўпишган. Лекин халқимиз харобу ҳақоратланган... Гапимга ишонмайсизларми?

— Ишонамиз, оға.

— Дўстлар! Бизнинг ҳам ақлу идрокимиз, виждонимиз бор. Бир қуртдек ғимирлаб эмас, инсон бўлиб яшаш керак! Бу гапларни элга айтиш керак! Араблар жаҳолатда, қоронғиликда ётмасин!

Созанда «Қўлимиздан келса барча инглизларни товукдек қувиб, ҳайдаб чиқариб юборардик-а...» дегандек, уҳ тортиб қўйди.

— Бир шеър ёзган эдим.

— Уқинг, оға!

«Европанинг худоси — сариғ олтин, сариғ олтин.
Шарқда худо бўлибди европалик мистерлар...
Зулм бўғар, кўзларда интиқом, ғазаб-ёлқин,
Саргардон кезишади ватанда беватанлар,
Инглиз пошнасида топталди бизнинг Миср.

Бу оплоқ сийнамизни тилганлари етмасми!
Халқимиз бойлигини шилганлари етмасми!
Хонамини оёқ ости қилганлари етмасми!
Мазлум Шарқ инграмоқда, э водариг, водариг,
Зобитлар пошнасида топталди бизнинг Миср.

Шимол — Совет юртида порлаб чиқди офтоб.
Зулм кишанларини парчалади инқилоб.
Ленин отлиқ қаҳрамон озодликка бошлади,
Халқлар дўст-қардош бўлиб, бирга қадам ташлади.
Зулм кишанларини парчалади инқилоб,
Ленинга боқ, эй халқлар, Ленин улуг офтоби!
Мустамлака зулмида ётмасин бизнинг Миср!»

— Ҳаммамизнинг дилнмиздагини топиб ёзибсиз.
Ленин ким? Айтиб беринг, шоир оға.

— Ленин мустамлакачиликни йўқотиб, озод жумҳурия
тузган меҳнаткашлар мурабийси, жумла жаҳон халқларининг
доҳиси, Москвани эшитганмисиз?

— Ҳа.

— Бу икки номни сиз ёдингиздан чиқарманг, биродарларим!
Бу шеърни сизларга бераман, баралла айтинглар!

Созандалар шеърни олиб мамнун чиқиб кетишди.

3

Пайшанба куни бир аравасоз ошнаси уни ўз тўйига таклиф этди.
Машриқий тўйга бориб, азиз меҳмонлар қаторида ўтирди.
Куёв-келини шаънига ёзган ғазалини ўқиб, инъом қилди.
Сўнгра одамларнинг қистови билан «Бизнинг Миср» шеърини ҳам ўқиди.
Бу шеър меъдага теккан мадҳ эмас, янги гап экани барчанинг диққатини тортди.
Лекин ичкари уйда ўтирган имом, яна бир амалдор соқолларини
тимирскилаб, «ғалат ғазал ўқилганига» таажжубланишди.
Орадан бир ҳафтача ўтгач, эрта билан растадаги Муҳаммад-саҳоб
(китоб сотувчи) келиб, кеча икки киши унда «Шоир Машриқий девонини»
сўраганини, саҳоб бўлса шоирнинг «Ғазалиёт» китоби борлигини
айтиб, эртага топиб беришга ваъда этганини айтди.
Ўз ҳамшаҳарининг китоби учун атай келганлари саҳобни
ғоятда хурсанд қилиб, бу ерга югуртирибди.

— «Ғазалиёт»га мана бу «Бизнинг Миср» шеърини ҳам қўшиб беринг,
— деди у ўз китобидан бир нусха бераркан, — пул олмайман,
агар ортиқча нусха бўлса «Куллиёти Муҳаммад Иқбол»дан берарсиз.

Саҳоб ташаккур айтиб, чиқиб кетди.

Яна бир куни Қоҳира дорилфунунига студентлар

ташаббуси билан бир қанча мисрлик тараққийпарвар адиблар таклиф этилди. Улар орасида Машриқий ҳам бор эди. Бу учрашувда Машриқий ҳам ўрнидан туриб: «Бизнинг Миср» шеърини ўқиб бериши билан гурра чапак кўтарилди. Шоир киши учун гулдурос қарсақлардан буюк мукофот йўқ! Йигин охирида Сидқий деган профессор Машриқий ёнига келиб, шеърининг мазмуни унга жуда ёққанини айтиб, қутлади. Одамлардан холироқ ерга чорлаб, яна шундай шеърлардан кўпроқ ёзишни, бўш вақтларида унинг уйига ташриф этишини илтимос қилди.

Хурмо пишигида Машриқий узоқ фаллоҳ ошнасиникига борди. Фаллоҳлар шоирнинг меҳмон бўлиб келганидан бениҳоя хурсанд бўлиб, уни тезда қўйиб юбормадилар. У бир неча тўйларда меҳмон бўлиб, яна ўша «Бизнинг Миср» шеърини ўқиб берди.

Кунлардан бир кун, ярим кечада, шоир эшигини номаълум уч одам бузиб юборгудай тақиллатди. Таажжубга тушган Машриқий елкасига костюмини солиб, сарпойчанг эшик очди. Уч полис бостириб ҳовлига кирди-да, чироғ ёқишни, уйда тинтув қилишажагини, ўзи ҳам тезда кийинишини — ҳибсга олинганини маълум қилишди. Шоирнинг рангги ўчиб, «Нима гап? Нима гуноҳим бор?» деган эди, полис унга хўмрайиб: «Нима гаплигини бу ерда эмас, бошқа жойда гаплашамиз!» деди. Шу кеча Машриқий қамалди. Шу бўйи у олти йил турмада ётиб, Мисрда Форух салтанати ағдарилиб, жумҳурият тузилган куннинг эртасигаёқ озод бўлиб чиқди.

4

Лекип у дардга мубтало бўлиб қолган эди. Озиб, ранглари синиқиб, ҳар замон-ҳар замонда калта-калта йўталиб ҳам қўярди. Янги ҳукумат унга тузук бир лавозимни таклиф этди. Ишлашга Машриқийнинг саломатлиги йўл бермади. У уйда ётиб шеърлар ёзди, ўз она тупрогини менсимайдиган баъзи қаламкашларни ҳажв пайзасига илди. Газета-журналларда ҳам Машриқий шеърлари тез-тез босилиб, бу шеърларнинг кўпчилигида «Сувайш — арабники», «Совет Иттифоқи билан дўстлик-ҳамкорликни кучайтирайлик» деган ғоялар олдинга сурилди.

Баҳор келиб, олам яшарди. Чиройли кунлар орқасидан «тош қизиги» ҳам бошланиб, Машриқий тўшакка миҳланиб қолди. У ёстиқдан бош кўтаролмаса ҳам, ёнидаги дори шишалари орасида қалам ва қоғози тайёр турди. Қоғоз бетларига тушган мисралар ёзилишида қинғир-қийшиқ эди-ю, лекин бу мисраларнинг ғояси тўғри ва ёрқин эди. Жума кун Машриқий тўсатдан қазо қилди. Аравасозликдан келган беш-ўн ошналари, созандалар эрта билан марҳум ҳовлисига тўпланишди. Ҳассол келгунича қўни-қўшнилар ҳам чиқиб, торгина ҳовли одамга тўлди. Машриқийнинг вафоти аравасозликдан ўтиб, қўшни маҳаллаларга қам етди. Бир соат ўтар-ўтмас тор кўчалардан хатта-иқол ёпинган, салла ўраган қанчалаб одамлар турнадек тизилишиб кела бошлади. Бу орада, анча мўйсафид бўлиб қолган адиб Маҳмуд Таймур ҳам келди. Бу буюк адибнинг жанозага келиб, бош-қош бўлаётгани икки-уч соатлардан кейиноқ бутун Қоҳирага ёйилди. «Ал Ахбор» шоир суратини босиб, жаноза жомийда ўтказилади, деб ёзгани шаҳарни тамоман оёққа тургазди. Қанчалаб зиёлилар аравасозлик кўчаси томон оқа бошладилар. Одамлар кўчаларга сизмай, Ал Азҳар майдонига тўпланишди. Катта кўчалар бўғилиб, машина, от-улов қатнови ҳам тўхтади. Одамларнинг айтишича, бу яқин йиллар ичида бунчалик катта мотам бўлмаган экан. Тушга яқин жаноза ўқилиб, қабристон томон йўл олинди. Кўчаларга тўлган беҳисоб одамлар дарёси устида четига оқ дока айлантирилган оддийгина бир тобут кемадай қалқиб борарди. Тобут гўзал бинолар тушган Ал Сарват кўчасидан ўтишида бошқа хотинлар қатори, юзига қора мандийл тутган бир аёл мармар зинапоялардан шошилганича пастга тушиб, оғир дарвозани қия очди-да, кўчага тўлган одамларга боқди. Узоқда, одамлар елкасида келаётган тобутга ҳам қаради. У ўз кўнглида: «Бир буюк саркарда ўлибди» деган сўзни ўтказиб, қараб турди. Ундан сўнг негадир чидами етмай, ўтиб кетаётганлардан бирини тўхтатиб: «Ҳурматли жаноб, ким ўлибди?» деб сўради.

— Шоир,— деди хомуш кетаётган одам.

— Шоирнинг исми нима?

— Ҳусниддин Машриқий.

Аёл бир дам ўз ерида қотиб қолди. Рангги оқарди. Титроқ қўллари билан юзига фотиҳа тортди-да, тобутга

тикилган ҳолда дарвозаси ёнидаги йўлкада беш-олти қадам юрди. Сўнгра, бир пима унинг қўлларида тортгандек бўлди. У тўхтади. Анча вақтгача тобут орқасидан қараб қолди. Бу аёл — шоир Машриқий ўла-ўлгунча унутолмагани — ҳамма вақт сиёҳдони ёнида турган гўзал Сурия эди...

1958 йил

ИБИС ҚУШЛАРИ

Хусайн ўн бирдан ўн иккига қадам қўйиб, ишга ярайдиган бўлиб қолгани, бева онаси кўнглини тоғдек кўтарди. У энди фақат уйда дастёр бўлиб қолмай, тоғаси билан бирга қишлоғи яқинидаги пристанга бориб юк ташишга ўргана бошлади. Бу — аравага қўшилган от ёнида борадиган тойчани эслатарди. Кечқурун ўн пиастр¹ пул ишлаб уйга қайтиб келар, бу пайт онаси супага жой солиб, овқат тайёрлаб, Хусайини кутиб ўтирган бўлар эди. Уғлининг юз-қўлларини ювиб, овқат олдида бир оз хаёл суриб ўтиришлари — ёшлигида ўлиб кетган отасига жуда ўхшаб, диққат билан кузатиб турган онасини киши билмас таажжубга соларди. Она ичида: «Полвонлиги отасига ўхшаса ҳам, умри ўхшамасин», деб қўярди.

Хусайн болалигида кўн машаққатни кўргани сабабли, бўйи чўзилиши билан катталардек сабр-қаноатли, мулоҳаза қиладиган бўлди-ю, лекин унинг илгаригидек баланд хурмо дарахти тепасига чиқиб, уясида ётган қирғий болаларини кўриб тушиш, кенг бедазорларга ёйилган оппоқ ибис қушларини қувлаш одати ҳали ҳам қолмади. У Нил бўйидаги ям-яшил сайхонликка бориб, ёйилиб, хўрак излаб юрган ибис қушларни томоша қилар, баъзан бир гала бўлиб, сайхонлик устида лапанглаб учишларини берилиб кузатарди. Бошқа болалар қўйган тузоқларни кўздан кечириб бўлгандан сўнг узоқ

¹ Тийин

ўтлоқлардан қайтиб келаётган қўтослардан бирининг устига сакраб миниб уйга қайтар эди.

Яқинда у огир юклар ортилган катта кемада Асвон, Луксор, Кена пристанларидан ўтиб, Нил дарёси билан Танта шаҳрига жўнади. Йўл олис бўлганлиги, юзлаб майда пристанларда тўхтаб ўтишлари сабабли, у ерларда бир ойча қолиб кетди. Ҳусайн сафардан қайтиб келиб, қишлоққа кириш билан ҳангу манг бўлиб қолди; оқ қалпоқ кийиб олган аллақандай кишилар ер ўлчаб, қозиқ қоқишяпти. Қўшни уйлардан бир нечаси бузилиб ётибди. Аҳмад деган ўртоғи ҳам ота-онаси билан бу ердан кўчиб кетибди. Қишлоқдан то кенг сайҳонгача чўзилган йўллардаги азим туп хурмо дарахтларини ҳам кесиб, қулатишибди. Ҳусайн ўз уйига етиб бормасданоқ йўл-йўлакай: «Ал Ҳаммуд деган бой завод қураётган эмиш...» деган гапни эшитди. «Завод қурган одам биронинг уйини бузиб қурадимиз?»— деди ўзига ўзи.

У елкасидаги юкини ерга қўймай, ҳаллослаганича ўз уйига кириб келди. Қасалмаид онаси, ўглининг қадди-қоматини кўриб хурсанд бўлиб, дик ўрнидан турдида, чой қайнатишга киришди. Дарҳақиқат, Ҳусайн бу ерга завод тушаётгани, Ал Ҳаммуд деган бой уларнинг уйи учун ўн беш фунт¹ пул тўлагани, Асвон томонига кўчиб кетмаса бўлмаслигини, қандайдир қоғозлар кўрсатганини... Хуллас, яна қанча гапларни эшитди. Дони қотиб қолган Ҳусайн, ғазабланиб муштумини қисди.

— Биз ҳовлимизни сотмаймиз, биздан нарироққа қураберсин!— деди у уйи деворларига чирмашиб ўсаётган қирқоғайни гулига тикилиб.— Нима сабабдан ҳовлимиздаги хурмонни кесишди?

Опа «иложимиз қанча...» дегандек, қумғон ёнида икки қўлини жағига тираб ўтира берди. Кейин уй ичига кириб, рўмолчага тугуғлик бир нимани олиб чиқиб, ўглининг ёнига қўйди. Бу — ўн беш фунт эди.

Кечга яқин ер қазийётганлар ёнида пайдо бўлган чиройли енгил машина, бир дамдан сўнг геодезистлар ёнига ҳам келди. Ундан сўнг, Ҳусайнлар ҳовлиси яқинида тўхтаб, бошига оқ қалпоқ кийган, юмалоқ бир одам эшикни тақиллатмай тўппа-тўғри кириб келди.

— Эна! Ҳой, эна!

¹ Сўм

— Нима ишингиз бор?— Ҳусайн ўришдан туриб юмалоқ одам қаршисига келди.

— Онанга айт, эртага кўчиб кетмасаларинг бўлмайди! Эртага бу ер қазилади!..

— Кўчмаймиз! Пулингни ол!

— Сансирама, тирранча! Кимсан ўзинг?!

— Нима сабабдан хурмо дарахтини кесдинг?

— Ия-я...— деди жўрттага бир оз пасайиб юмалоқ одам.

— Уйимга рухсатсиз бостириб кирганинг учун ҳозир мана бу тош билан бошингга соламан!

Ҳусайн дағ-дағ титраб, ердан тош олди. Ҳалиги юмалоқ одам «нодон» боланинг бу хатти-ҳаракатидан чўчиб, бир қадам орқасига тисланди-да, чўнтагига қўл тикиб кўмирдек қора бир револьверни олди. Револьвер тумшуғи Ҳусайннинг қорнига тўғриланди. Юмалоқ одам «Тошни ерга ташла», дегандек бош қимирлатди. Ҳусайн тошни ерга ташламай, ўқрайиб тураверди. Бу аҳволни кўриб қолган онанинг капалаги учиб кетди. У югурганича ҳовлига тушиб, юмалоқ одамга ялина бошлади.

— Эртага азонда кўчиб кетамиз, худо ҳаққи, кўчиб кетамиз. Алдамаймиз, хўжайин. Бу — ёлғиз ўғлим, раҳмингиз келсин... Унинг гапига қулоқ солманг.— Сўнг-ра она югурганича бориб, Ҳусайн қўлидаги тошни олиб олиб, ерга отди.— Ҳой, болам, ундоқ қилма. Бу иш жанобдан эмас, худодан. Тақдир шундоқ ёзуғлик экан, хўжайин ҳеч маҳалда бизнинг зиёнимизга иш қилмайдилар. У киши иморатимиз ҳақини тўладилар... Юр, уйга!

Она ўғлининг қўлларидан ушлаб, ичкарига олиб кетаётганига юмалоқ одам ҳам қора револьверини яна чўнтагига солиб, ташқарига чиқиб кетди. Эртасига эрта билан она-бола уйдаги бор-йўқ мулкнинг тоғаси қолдириб кетган эшакка ортиб, қишлоқдан чиқиб кетишиди. Улар бир муддат йўл юришгач, Асвон саҳроси — сариғ жазирама қум тепаликлари бошланди. Кета туриб Ҳусайн қум тепаликлари устидан узоқда қолиб кетаётган ям-йшил қишлоғига қаради; кўм-кўк сайҳонликлар, тик хурмолар кўзга ташланди. Лекин далаларга ёйилиб эрта-ю, кеч чуғуллашиб, қўшиқ айтувчи ибис қушлари кўринмасди...

Она ва бола қум тепаликдан оша узоқ бир қишлоқни кўзлаб бордилар. Ўз қишлоқлари орқада қолиб, тамом

кўздан йўқолгач, Ҳусайн бир хўрсиниб, онасига гап қотди:

— Энди ҳамма хурмо дарахтларини қирқиб ташлашадими?

— Ҳа,— деди она икки марта калта-калта йўталиб.

— Ҳовлимиздаги қирқоғайни гулимизни ҳам қирқиб ташласалар керак. Ёки қирқишмасмикин? Ахир у халақит бермайди-ку. Нега қирқишаркин-а?!

— Эҳтимол қирқишмас. Чамаи бўлиб очилиб турган гулни қўпориб ташлашга кимнинг кўзи қияди.

— Ибис қушлари ҳам энди сайҳонликка учиб келмайдилар. Сайҳонлик бўлишига қарамай, бочкалар уйиб ташланибди...

— Ибис қушлари одам бор ерда бўлади. Эҳтимол улар ҳам бизни қидириб, топиб келишар...

Ҳусайн бу гапга ишонди. У терлаб, елкалари ёниб, оёқлари куйиб қум устида бораркан, албатта ибис қушлари орқамиздан етиб келади, улар одамга ўрганган қушлар деб ўйларди. Онасининг «ибис қушлари бахт келтиради», деган сўзини ҳам ҳеч эсидан чиқаргуси келмасди.

1959 йил, Тошкент

Қоҳирадан йигирма километрча нарида, Нилнинг ғарб қирғоғида Гиза деган кўҳна шаҳар бор. Шаҳар юқорисидаги чексиз қум тепаликлари устида фалакка бўй чўзган уч катта эҳром тўрт минг йилдан буён турибди. Эҳромларнинг энг буюғи — Хиопс рўпарасида, Гиза шаҳрига тушаверишда, шер танли, инсон бошли буюк тош ҳайкал — абулхоўл¹ ҳам сариқ қум қатламлари орасидан бир депсиниб чиқиб, кучли панжалари билан ерни ушлагани ҳолда кўксини Миср тупроғига қўйиб, ҳозиргина уч ярим минг йиллик уйқусидан кўз очгандек Шарққа тикилганича турибди. Абулхоўл юзларига қараб, ундан: «Мен асрлар бўйи тупроқда жонсиз ётиб, мана энди ёруғликка чиқдим», «ўз тупроғимни ҳеч кимга бермайман, уни бағримга босиб ётибман» ва «мен Порт-Саидда яраландим, мени ўлдира олмадилар. Мен ҳамма вақт Ватанимни қўриқлаб, ҳушёр ётибман...» деган уч фикр ва уч ҳолатни пайқаш мумкин эди. Ҳар куни эртадан кечгача абулхоўл эҳромлар атрофи турли-туман ажнабий сайёҳлар билан тўлади. Ясатилиб, бўйнига қўнғироқ осган туялар, соябон аравалар, сополдан ясалган фиръавилар ҳайкали ва турли антиқа ёдгорликлар сотувчи кишилар, мешкопчилар, фотографлар... бу ерда эртадан кечгача изғийди. Қоҳирадан келган енгил машиналар қум текисликлари устида қўнғиздек югуришади.

Шу атрофда, Гизага тушаверишда бир тўда пастқам

¹ Абулхоўл — сфинкс.

Ўйлар бор. Сиртдан қараганда кишилар ташлаб кетган чордеворга ўхшайди. Лекин, аслида бу кулбаларда инсонлар яшайди. Яшаганда ҳам кавакдаги чўлбақалардек тигиз яшайдилар. Мана шу кулбалардан бирида олтига майда-чуйда болаларнинг онаси — ориқ, кўзлари кувачадек ичига тортиб кетган бева хотин Мона ҳам яшайди. Мона устига узун ғалабия кўйлак, бошига қора мандийл ўраб, бармоқлари тешиб чиққан чоригини судраб эртадан кечгача эҳром ва абулхоўл атрофида тенгтийди. Кичкина ёғоч қутичага солиб олган сопол ҳайкалчаларини ажнабий сайёҳларга кўрсатиб, сотиб олишларини илтимос қилади. Баъзи кунлар яхшигина савдо ҳам қилади. Қош қорайганда ҳам қум тепаликларига сочилган жингалак соч, қора-қура болалар ўз кулбаларига кириб, Мона атрофига тўпланадилар. Қорин тўйгач, чўзилиб ухлашади. Қенжатоё бўлса Мона тиззасида ўтириб, ориқ онани маҳкам қучоқлагани ҳолда пишиллаб ухлайди. Бундай пайтларда Мона ўтган кунларини, айниқса Қоҳирада Ал Аҳмар маҳалласида яшаган пайтларида темир йўлда ишлайдиган эрининг қамалиб, судга тушиши, ҳовли-жойларини сотиб, бу ерларга келиб қолганликларини эслайди. Ҳаммасидан ҳам ёмони — амалдорларни бераҳм, бешафқат эканликларини ҳеч унутгиси келмас эди. Уша йиллари Мона эрини қамоқдан қутқариб олиш учун боласини етаклаб не-не маҳкамаларга бормади. Лекин ҳеч қаердан нажот топа олмади. «Британия фуқаросини ҳақорат қилганга нажот йўқ» дебдилар. Аслида, унинг эри мистер Хебб деган одам билан айтишиб қолиб, унинг юзига тупурган экан. Мана шу тупургани бошига етиб, турмада чириб кетибди. Ўз арабинини қадрламайдиган олифта, бўйнига чучвара галстук, бошига шляпа киядиган амалдорларни кўриб ғазаб қайнарди. Бу амалдорлардан у йиртқич бўрилардан қўрққандек қўрқарди. Полисменлар бўлса эпг баттарини, улар ҳатто кулол ясаб берган тўрт-беш қўғирчоқ ҳайкалчаларини сотишга ҳам қўймай, «йўқол-йўқол» деб ҳайдайдилар.

Мусибатли кунлар секин-аста Мона юрагида амалдорларга нисбатан нафрат уйғотди. У ўзига ўхшаш чувринди, фақир арабларидан бўлак, яхши кийинган ҳамма арабларни, улар ким бўлишидан қатъи назар, инглиз ноғорасига ўйнайдиган сотқин кишилар дерди. Шунинг учун ҳам у эҳром атрофида юрганида ажнабийларга йўл-

дош бўлган олифта араблардан жиркайар. полисменлардан қочарди.

Мона жума кунни эрта билан кулол уйига бориб бир қанча қўғирчоқ-ҳайкалларни олиб келди-да, қутига териб, абулхоўл томон жўнади. Куннинг ўрталарига бориб, бу ерга кўплаб енгил машиналар кела бошлади.

Инглиз, француз бойлари ярим яланғоч ҳаёсиз хотинлари билан бирга эҳром ва абулхоўл атрофида айланишар, эҳром тошларига ўтириб, баъзан қўнғироқ осган туяларга минишиб, суратга тушишарди. Хонимлар, қумда оёқ яланг юрган араб болаларига ҳайвонот боғидаги маймунларга тикилгандек қараб кулишар ва уларнинг кафтларига танга қўйиб, хайр-садақа беришарди.

Бир лаҳзадан сўнғ бу ерга қатор олти машина чанг кўтариб келди. Полисменлар ҳам пайдо бўлиб, одамларни молдек гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қувлай бошладилар. Машина ичидан бир неча ажнабий кишилар, яна бир қанча хонимлар чиқишди. Мона уларнинг гапидан инглиз эканликларини пайқади. Ажнабий меҳмонлар орасида араб амалдорлари ҳам бор эди. Айниқса бир қорачадан келган, хушбичим араб қизи уларни эҳром ёнига олиб бориб, инглиз тилида алланималарни бийрон-бийрон гапириб, тушунтирарди. Инглизлар бўлса қўлларидаги оқ қўлқопларини ечмаган ҳолда эҳром харсангларини ушлаб кўриб, араб қизига «Ves», «O'Ves» деб туришарди...

Мона одамлар орасидан ўтиб, қорни катта бир инглиз ёнида турган хонимга ўз ҳайкалчаларини кўрсатди.

— Миссис, булардан ол,— деди Мона араб тилида.

Инглиз хоним Монага ялт этиб қаради-да, унинг нима деяётганини пайқади. Қути ичидаги ҳайкалчаларни қўлидаги қора тўр қўлқопни ечмагани ҳолда ушлаб, бир нечасини танлаб олди. «Неча пул туради» дегандек ишора қилди. Мона икки бармоғини кўрсатди,—«икки фунт» демоқчи эди. Хоним сумкасини очиб, қоғоз пул берди. Шу пайт бир новча инглиз хонимга яқин келди-да:

— Булар сохта, сиз ўйлагандек ердан қазилиб топилган эмас,— деди.

— Нега? Булар фиръавнлар-ку,— деди хоним таажжубланиб,— мана бу — Нефертити, мана бу — Тутанхотон, Рамзес, Тутмос...

— Э, миссис, бўлмаган гап. Сиз айтганлар музейда. Булар қалбаки.

— Наҳотки қалбаки?!

Шу пайт гапга бир араб амалдори аралашди. У новча англиз гапини эшитар-эшитмас, Монага қараб ўшқирди:

— Йўқол бу ердан!

— Сизга нима қиляпман, жаноб?

— Нега сохта нарсаларни сотиб меҳмонларни алдайсан? Пулни қайтар, бу ердан кет!

— Мен қўғирчоқ сотяшман. Қўлда ишлангани ҳаммага маълум. Олаётганинг кўзи бор-ку. Пулни қайтармайман.

— Тезда йўқол! Бўлмаса полис чақираман!

— Ўҳ-ҳў, буни дўқини қара-я! Амалингга тупурай сени! Мен сохта ўйинчоқ сотаётган бўлсам, сен бутун Мисримизни сотиб юборяпсан. Кўтара олганингда эҳромни ҳам сотиб юборардинг, жаноб амалдор!

— Безбет!— деди амалдор Монага ўқрайиб, сўнгга ажнабий меҳмонларни нариги томонга олиб кетди. Қорачадаи келган араб қизи юриб кета туриб, бир қадамча орқага тисланди-да, амалдорга араб тилда бир нима деди. Амалдор жавоб қайтармади.

Бир муддатдан кейин ажнабий сайёҳлар абулхоўл томон тушишди. Мона ҳам улар орқасидан борди. Абулхоўл ёнида у яна бир англизга қўғирчоқ ҳайкалчаларини кўрсатиб турганида, бояги амалдорнинг кўзи тушиб тезда юриб келди-да, Монани туртиб юборди. Нимжон хотин оёқлари чалиниб ерга ағдарилиб тушди. Қутисидаги сополлари ерга сочилиб кетди. Харсанг тош синиқлари устига гурсиллаб тушган Мона бир дам ўрнидан туролмай ерда ётди. Харсанг қиррасига теккан тирсаги зирқираб оғриди. Эрта билап чой нчмай чиққани учунми, кўзлари қоронғилашиб, одамлар бир ёқда қолиб, рўпарада турган улкан абулхоўлни ҳам кўролмай қолди. У ётган ерида бош кўтарди: унинг ерда ётиши абулхоўлга жуда ўхшарди. Шу пайт бояги яхши кийинган хушбичим араб қизи оқариб, лаблари титраган ҳолда амалдорга она тилида:

— Нега бу хотинни туртиб йиқитдингиз?! Бу қандай пасткашлик!— деди.

У югуриб бориб Мона қўлтиғидан қўлларини тикиб тургазмоқчи бўлди. Мона тура олмади. У фақат тупроқ тош синиқлари устига ўтирди. Бир оздан сўнг ўзига қелиб, атрофидаги одамларга қаради. Бояги араб қизи

Мона ёнидан ажнабийлар тўдасига борди-да, йўғон бир инглизга қараб:

— Мистер, кўрдингизми, бу амалдор ўз ватандошини кўпчилик ичида хўрлади. Унга минг лаънат! Мен ўз халқимнинг бундай ҳақоратланишига ҳеч йўл қўймайман! Бундай аҳволни кўриб тургунча кўзларим оқиб тушсин. Мени кечиринглар, мен экскурсияни давом эттиролмайман...

Мистер таажжубланиб елкасини қисди. Араб қизи тўда ичидан чиқиб, Гиза томон шитоб билан жўнади.

— Тўхта! Кейин пушаймон бўласан! Меҳмонларга абулхоўл тарихини айтиш керак...— деди амалдор жонжаҳди билан қиз орқасидан араб тилида.

— Абулхоўл тарихини ўзинг айт!

— Жавобгар бўласан! Қайт!

Араб қизи қайрилиб боқмади. У шу кетганча тўппатўгри шаҳарга кириб, кўздан гойиб бўлди. Бу ерда тўпланган одамлар ўша араб қизи орқасидан анча вақтгача қараб қолишди. Ерда ўтирган Мона ҳам ўша нота ниш, шаддод араб қизи орқасидан қараб қолди.

— Бу — исён, бунт, — деди семиз мистер, — бундайлар Форуқ салтанатининг кушандаси...

Бир тўда ажнабий сайёҳлар абулхоўлни шундоқ қуруқ айланиб чиқиб, тайёр турган машиналарга кириша бошлади. Амалдорлар уларга эҳром ва абулхоўл тарихига донр гапларни айтиб бериша олмади. Бир зумда олти енгил машина яна саҳро чангини кўтариб, жўнаб қолди.

Ерда ўтирган Мона ўрнидан туриб, машиналар орқасидан тикилди. Енгилроқ бўлганда эҳромни ҳам, абулхоўлни ҳам, қисқароқ бўлса Нилни ҳам икки-уч бўлак қилиб пароходга ортиб Британияга олиб кетишга тайёр бу серғайрат мистерлар кўз олдидан гойиб бўлди. Лекин бояги шаддод, хушбичим араб қизи абулхоўлдек буюк қомат билан унинг кўз олдида пайдо бўлди. Унинг гапларини яна бир карра эслади. «Маданий кийинган арабларимиз ҳам икки хил экан, — деди у ўзига ўзи, — бири — одампарвар, сермурувват, эл-юртини севувчи, яна бир хили — аблаҳ ва сотқин...»

Шундан сўнг Мона ўрнидан турди-да, этакларини қоқиб ерга сочилган сопол ҳайкалчаларини йиғиштириб, уйига жўнади. У бора-боргунча бояги араб қизини ўйлади. Унинг номини, қаерлик эканини билолмаганига

ачинди. Лекин у ўша софдил араб қизини чин юрагидан дуо қилди. Кучи фақат шунга етди...

Йиллар ўтди. Кўп нарсалар унутилди. Лекин қартайган Мона юрагида ўша хушбичим араб қизи ҳамон яшамоқда. У ҳозир кўча-кўйда унга ўхшаш ёш-ялангларни тез-тез учратиб туради.

Мисрликлар ўз ерларига ўзлари эга бўлиб, Сувайшдан ва бошқа ерлардан инглизларни ҳайдаб чиқардилар. Монанинг икки боласи Нил пристанида ишлайди. Кенжатоғи мактабда ўқийди. У ҳозир ҳам фақир яшайди, лекин фақир бўлса ҳам мустамлака ҳақоратларидан халос бўлган.

1958 йил

БИР ҒАЗАЛ ТАРИХИ

Бу воқеага анча йил бўлган эди... Уша пайтда Муҳаммад Сидқий ўттиз беш ёшларда, анча хушбичим, келишган йигит эди. Унинг шеърлари матбуотда кам кўринса ҳам, илгари ёзган бир нечта шеърлари билан анжуман ўртасида обрў қозонган эди. Кунлардан бир кун Сидқий маориф вазири муовинининг уйида бўлаётган зиёфатга таклиф этилди. У янги костюмини, шляпасини кийди ва чиройли кўзойнагини бурнига қўндириб, зиёфатга борди. Зиёлелар тўдаси ичида ўтириб, суҳбатга аралашди. Сидқий бу зиёфатга бир шоир сифатида эмас, вафот этиб кетган машҳур отаси ва яна қолаверса, бир чиройли йигит сифатида таклиф этилганини кейинчалик пайқаб қолди.

Катта, данғиллама хоналарда қандиллар ёниб турибди. Европача кийинган амалдорлар гўзал хонимлар билан девордаги суратларга тикилишар, баъзан ҳовлига чиқиб гуллар атрофида айланишарди. Биров шипиллаб араб тилида гапирса, яна биров тумов бўлган одамдек ғўнғиллаб, танглайи билан инглизча гаплашарди. Меҳмонлар орасида бир-икки инглиз ҳам бор эди. Бир дамдан сўнг, меҳмонлар яна катта уй ичидаги дастурхонлар атрофига тўпланиб, уй эгасига яна катта мартабалар тилаб, биллур қадаҳларни жаранглатишди. Кейин созандалар серзавқ машқ бошлаб юбордилар. Ичкари хонадан югуриб чиққан ярим яланғоч раққоса буралиб, аъзойи баданини диркиллашиб ўйинга туша кетди... Музика ва ўйиндан кейин, нима ҳам бўлди-ю, бир хоним Сидқийнинг шеър ўқиб беришини сўради. Бошқалар ҳам «қани, қани, эшитайлик» дегандай, Сидқийга кўз тутишди. Сидқий ўнғайсизланди. Қизарди... Бир нафасдан сўнг ўрнидан туриб: «Отам билан Совет Иттифоқига саёҳат

қилганимда ушбу ғазални ёзган эдим», деди-да, бир ва-
рақ қоғозни қўйнидан чиқариб, ўқий бошлади:

«Жамолинг кўрмаму иссиқ, дилинг обод экан Масков,
Кўриб, меҳрингга қондик биз, элинг озод экан Масков.
Узоқдан Синдибоддек сафар қилдик қучоғингга,
Кутиб дўстларни қанча, бағри кенг, шод экан Масков.
Эзилган бенаволар толиб сендан муроду бахт,—
Жаҳонда рўшнолик бахти зиёд экан Масков...»

Сидқий шеърни тамомламасданоқ, хонадан одамлар
чиқиб кета бошлади. У шеър ўртасида бир оз тўхтаб
одамларга қаради. Одамлар «Бу кутилмаган воқеа»
дан саросимага тушиб, нима дейишларини билмай кет-
ма-кет ташқарига чиқиб кетиша бошлашди. Сидқий
шеърнинг охирига яқинлашганида, катта хонада фақат
уч киши қолди. Шоир ўсал бўлмаслиги учун бир гўзал
хоним ёлғиз ўзи чапак чалди...

— Шоир,— деди қолган уч киши орасидаги бўйни-
га «чучвара» таққан бир жаноб,— Сиз Масковни бағ-
ринг кенг, деб улуғлайсиз. Дунёда Лондон, Париж,
Вашингтон деган шаҳарлар ҳам бор-ку!

— Тўғри, улар ҳам бор,— деди Сидқий шеърини
буклаб ёнига сола туриб.— Мен уларнинг ҳам катта
шаҳарлар эканини инкор этмоқчи эмасман, ҳурматли
жаноб. Лекин бағри кенг, озодликпарвар, одампарвар-
ликда мен уларни Масковга тенглолмайман. Мен Па-
риж, Лондонда ҳам бўлдим, Масковда ҳам бўлдим. Ўз
кўзим билан кўрганман...

Жаноб лом-мим деёлмай қолди. Сидқий зиёфатдан
чиқиб кетди. У кўчага чиққанида, вазир муовинининг
ҳовлисида яна созандалар машқига яланғоч раққоса
белларини букиб, ўйинга туша бошлаганини йўл-йўла-
кай эшитди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Сидқий ўз вазифасидан
четлатилди. Атрофда жандарма жосуслари ўралаша
бошлаганини сезиб, узоқдаги бир қариндошиникига кет-
ди-да, у ерда яширин яшай бошлади.

Йиллар ўтди.

Шоир Сидқий анча вақт жаноблар кўзидан четроқ-
да юриб, матбуотда кам кўринди. Лекин газеталарда
Москва номини тез-тез учрата бошлади. Москва Нил
дарёси арабники бўлганидай — Сувайш канали ҳам

араб халқининг ўзиники деган масалани кўтариб, араб халқини ҳимоя қилди. Қоҳирада чиқадиган катта газеталар Москва арабларни қувватлаётганини, у озодликпарвар эканини ёзиб, анча илиқ сўзлар билан қайд этди. Сидқий бу сўзларни ўқиганида дарҳол ёдига бундан олти йил аввал ёзган «Москов» газали тушди. Газетадаги мақоланинг мазмуни унинг газалига жуда яқин эди. Шу орада, тўсатдан мамлакатда нотинчлик юз берди. Эрталаб радио қарнайлари — Англия, Франция ва Исроил қўшинлари, ҳарбий ҳаво кучлари Мисрга ҳужум бошлаганликларини, Порт-Саид қаттиқ бомбардимон қилинганини маълум қилди. Ҳаёт-мамот уруши бошланиб кетди. Шаҳарлар вайрон бўлиб, бегуноҳ ёшу кексалар қурбон бўла бошлади. Ўз ерини мудофаа қилгани — Сувайшни империализмга бермаслик учун Сидқий ҳам қўлига қурол олиб, жанг майдонига жўнади. У тупроқда ётиб, ўқ узаётганида кўз олдига вазир муовинининг зиёфатидаги бўйнига «чучвара» таққан жаноб кўринди. Сидқий ичида «Ҳурматли жаноб, мана сизга Лондон, Париж! Улар ўн минг миля йўл босиб келиб, ўз уйимизда бизни отиб ташлаб, мамлакатимизни таламоқчи. Агар энди ҳам кўриб пайқамасаңыз, икки кўзингиз оқиб тушади!» деди. Даҳшатли қирғинлар авж олиб, Миср шаҳарлари бирин-кетин босиб олинаётган бир даврда, жаҳон бўйлаб баҳодир Москванинг садоси янгради. У босқинчиларга тик қараб, урушни дарҳол тўхтатишларини, Миср тупроғидан чиқиб кетишларини қаттиқ туриб талаб қилди. Агар империализм сурбетлик қилса, унда тинчликпарвар араб халқини ҳимоя қиламиз, деди Москва. Арабларнинг ўзлари: «Дўстимиз Совет Иттифоқининг ультиматумидан кейин қутурган империализм ўз қонли қўлини Мисрдан тортди...» дейдилар. (Бу сўзни буюк адиб Маҳмуд Таймур ва шоир ал Ҳамисий бир неча бор айтганларини Мисрда эшитганман. *Автор.*) Уруш тугагач, шоир Сидқий яна нашриётда ишлаб, янги шеърлар ёза бошлади.

Яқинда шоир Сидқий Қоҳира университетидagi адабий кечага таклиф этилди. Шоир келгандан сўнг, шеър ўқиши шарт. У минбарга чиқди. Залда ўтирганларнинг асосий қисми студентлар — қизлар, йигитлар эди. У аввал бир-икки ошиқона шеърлар ўқиди. Сидқийнинг ёқимли овози, ҳофиза-ю, ҳаяжони шеърига жон киришиб юборарди. Залда бўйнига «чучвара» таққан бир

одам ҳам ўтирарди. У дарҳол шоирга ўша машъум зиёфатни эслатди. У сарғайиб, йиртилган эски бир қоғозни олиб, кўзойнагини тўғрилаб, ғазал ўқий кетди:

«... Кўриб, меҳрингга қондик биз, элинг озод экан, Масков...»

У бир неча мисра ўқиши билан одамлар ичида шов-шув йўқолиб, сув қуйгандек жимлик пайдо бўлди. Залдагилар диққат билан минбарга тикилишди. Кимдир ёнидаги шеригига гап қотган эди, ўнлаб киши: «Тсс-тсс!..» деб, уни жим қилиб қўйди. Коридорда юрган студентлар ҳам югурганча залга киришди. Университет дарвозасига чиқаверишдаги кенг вестибюлда турганлар ҳам бирданига залга ёпирилишди. Залга одам тўлиб, орқароқда қолганлар бўйинларини чўзишарди. Залдаги хотинчиликни кўрган Сидқий ғазални охирига етказмай, тўхтади. У яна бир нафас тўхтаб, залга қараб табассум қилди, «Қайтадан ўқинг!», «Яна бошқатдан ўқилсин!» деган овозлар кўтарилди. Сидқий «маъқул, биродарлар», дегандек бош қимирлатди-да, стакандаги сувдан бир қултум ютди. У яна залга боқди. Зал лиқ-лиқ одам. Эшиклар ҳам очиб қўйилган, коридорда ҳам одам. Бутун Миср шу ерга тўплангандай.

Сидқий ҳаяжон ичида андак титраб, шеърни қайта бошдан ўқий кетди.

Сидқий шеърни ўқиб бўлиши билан залда момақалди роқдек қарсақлар гумбурлади. Ёшлар қарсагида тенгсиз бир куч бор эди. Уларнинг юзларида шодлик, мамнуният алангаланар эди. Тоғлар қулаганда ҳам бунчалик кучли гумбурлашлар бўлмаса керак. Зал икки минутгача қарсақ чалиб турди. Сидқий ўнг қўлини кўксига қўйиб, ташаккур айтди, бош қимирлатиб қўйди, табассум қилди... Барибир қарсақлар гуриллай берди. Сидқий ҳаяжон ичида залга тикилар, унинг кўз олдига жингалак соч, кўкраги очиқ студентлар, хизматчилар, сочи оқ профессорлар, муаллимлар шоирни қизгин табриклашиб тик туришарди. Дунёда шоир киши учун бундай аъло мукофот бўлмайди. Халқ, фақат севикли шоирга тик туриб чапак чалади.

1958 йил, Тошкент

ЖАБРДИИДА

Дунёдаги ҳамма гўдаклардек Абу ҳам шод эди. Яқиндагша, беланчақда ётиб, қиқир-қиқир кулган, осиб қўйилган ўйинчоққа талпинган жингалак соч — қора қўзичоқ Абу ўрнидан туриб юрадиган бўлди. Шундан сўнг у тойчаларга ўхшаб дингиллаб чопадиган ҳам бўлди. Мана ҳозир-чи, у олти ёшда — Хуха қишлоғидан то Нил бўйигача чошиб бориб келиш унга ҳеч гап эмас. Қувноқ Абу камбағал уйнинг шамчироғи эди. Дунёни сув босса тўпигига ҳам чиқмасди. Унинг ўткир кўзлари чақнар, қалин лаблари кулиб турарди. Лекин пахта тозалаш заводида кўтарилган исён ва отасининг қамоққа олиниши Абунинг кичик юрагига ҳам қайғу солди. У уйга кирганида онасидек паришон ерга боқиб ўтирар, ташқарига чиққанида эса, болаларга қўшилиб ҳеч қандай ташвиши йўқдек югурарди. Онасининг айтишича, улар асли суданлик бўлиб, бундан бир неча йил илгари иш излаб Миср қишлоғи — Хухага келиб қолишган экан.

Орадан кўп ўтмай Абунинг онаси ҳам оғриб, ётиб қолди. У озиб, кўзлари ичига кириб кетди. Баъзи кунлари иситмаси кўтариллиб, бетоқат бўларди. Эрталабдан то кечгача ҳансираб, босинқирарди. Бундай пайтларда Абу жуда қўрқар, югуриб бориб қўшни хотинни айтиб чиқарди. Қўшни хотин латта ҳўллаб онасининг пешонасига босар, бошини кўтариб, қайнаган сув ичирарди. Бир лаҳза кўз очган касал она ёнида қўзичоғи Абу ўтирганини кўриб: «Абу, болам, пон едингми? Қорнинг счмадимми?..» — дерди кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

Шундан сўнг яна кўз юмиб, иситма алангасида ҳал-лослай бошларди. Отасининг бир ошнаси ўз пулига доктор олиб келди. Кўзойнакли, сариқ новча доктор бир дам курсига ўтириб, касал онасини кўрди-да, дори ёзиб берди. Пахта заводи ёнидаги дорихонадан сарғиш шишада дори олиб келишиб, онасига ичиришди. Абу энди онасининг тезда тузалиб қолишини ўйлаб анча хурсанд бўлди. Яна кунлар ўта бошлади. Лекин унинг онаси илгаригидай иситмалаб ётаверди. Абунинг тирноқлари ўсиб кетди. Баъзан оч, баъзан тўқ қолиб кўзлари киртайди. Энди у кўчага чиқиб болаларга қўшилганида ҳам хомуш юрадиган бўлиб қолди. Илгаригидай қўзи-чоқ каби ўйноқлаб югуришлари йўқ эди.

Кунлардан бир куни ҳолсизланиб қолган она кўз очиб, жон аччиғида ўғлига боқди: «Абу, болам, сариқ шишани, қоғозни, пулни олиб дорихонага бор. Менга яна дори олиб кел, жон болам»,— деди. Абу шишани, пулни олиб, дорихона томон югурди. У бир зумдаёқ етиб бориб дорихона дарчаси олдида турган одамлар орасига кирди. Уннала-уннала туйнукча ёнига яқинлашиб, дори қоғози билан шишани баланд кўтариб ингичка овоз билан:

— Мистер, тезроқ дори беринг,— деди.

Туйнук ённи зич ўраб турган одамлар чийиллаб гапираётган Абуга қараб кулишди:

— Мистер эмас, миссис дегин,— деди бир киши.

— Миссис, дори беринг,— у яна сариқ шишани баланд кўтарди.

Ичкарида икки хотин киши гўнгиллашиб анчадан бери гаплашишарди. Абунинг чидами етмай, одамлар ичидан чиқиб, ён томондаги эшикни очиб, дорихона ичкарисига кирди. Ичкарида бемалол ўтириб, гап сотаётган икки сариқ аёл ялт этиб Абуга боқишди.

— Миссис, дори беринг, миссис, тезроқ дори беринг...

— Чиқ бу ердан! Туйнукдан кел, ёввойи! Ўзбошимча!

Абу кўрқиб ташқарига чиқди. У яна туйнук ёнига келиб, шишасини баланд кўтарди. Унинг бўйи туйнукка етмасди. У чўзилар, одамларга тиралиб, юқорига интилар, барибир ичкарида гўнгиллаб гаплашаётган миссисни кўра олмас эди. Қимдир: «Бу инглиз хоним ўлгудай эзма, бир гапга тушгандан сўнг бир соат гаплашади»,—

деди. «Ахир шунча одам кутиб қолди-ку?»—деди кимдир. «Одам? Қандай одам кутиб қолди? Эй, эси пағт, ахир у сен билан мени одам ҳисобламайди... Ҳали ҳам билмайсанми!»—деди тутоқиб ўша одам. «Пулимизга дори сотяпти, бўлмаса бу ерга келиб, дорихона очармиди»,—деди яна бир кексароқ киши. Абу бўлса гапирган одамларга жовдираб қарар, миссис бугун дори сотмай қолса, унинг онаси ўлиб қолаётгандай юраги қинидан чиқиб типирчиларди. У бир нафасдан кейин яна одамлар ичидан чиқиб, дорихона эшигига келди, ўйлаб турмай уни очди. Орқасини ўгириб обдон иштиёқ билан гаплашаётган миссис Абунинг кирганини сезмади. Эҳтимол у сезган бўлса ҳам, гапни бўлиб, қайрилиб қарагиси келмади.

— Миссис, дори беринг... Онам касал...

Дори сотувчи инглиз хотин индамади. Абу ҳам сариқ шишасини ушлаганича титраб тураверди. Миссис бўлса шериги билан гаплашаверди.

— Миссис, дори беринг...— у яна мулойим сўради.

Хотин қарамади. Абу атрофидаги турли-туман шишаларга, дориларга тикилди. Хона ичи ҳар турли, катта-кичик идишлар, қутичалар билан тўла эди. Бир дамдан кейин Абу тахта устига қўлидаги пулни, қозони, ундан сўнг сариқ шишани қўйди-да, тахта устида турган дори солинган шишалардан бирини олди. Бу шиша ўзининг сариқ шишасига жуда ўхшар эди. Шундан сўнг у дорини чангаллаганича пориллаб эшикдан чиқиб, югурганича уйига кетди.

— Нима тарақ-туруқ?!—деди бир дам гапини тўхтатиб дори сотувчи инглиз хотин.

— Ҳалиги бола бир нарса олиб чиқиб кетганга ўхшайди...—деди шериги.

— Дори олиб чиқиб кетибди, жинни... энди нима бўлади? Ичиб қўяди...—улар хохолаб кулишди.—Бу бадавийлар ичида ишлаш жуда қийин...

Абу дорини онасига бериб, ёнида ўтирарди. Она Абунинг жингалак сочларини силади. У гапира олмаса ҳам, ўғлининг дастёр бўлиб қолганидан жуда мамнун бўлгандек, ҳадеб бошини силарди. Шундан сўнг дорини қошиққа қуйиб, лимиллатиб ичиб юборди. Шу кунни кечгача унинг онаси одатдан ташқари безовта бўлди. Ётгап ерида тўлғона-тўлғона қоронғи тушганида жонни узилди. Абу чийиллаб йиғлади. Қўшнилар ҳам чиқиб,

мурда атрофини ўраб, кўзларига ёш олишди. Ота-онадан ажраган жабрдийда Абу шундан сўнг ризқ излаб қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дайдиб кетди...

Бу воқеани яқинда, Нил дарёсида сузиб бораётган кемада менга Абунинг ўзи айтиб берди. У яғринлари кенг йигит бўлган. У ҳозир Нил пристанларидан биринда ишламоқда.

1958 йил

КҰРИНМАС ҲАЛҚА

Илмий текшириш институтларидан бирининг директори бошқа вазифага ўтганлиги сабабли шу ўрин бўш турарди. Бу лавозимга кўпдан кўз тикиб юрган кишилар ҳам йўқ эмас, айниқса анча йиллардан буён маъмуриятда хизмат қилаётган Сиддиқ Азларович ҳам бу лавозимга ғоятда ишқибоз. Илгариги директор ишлаб ўтирганида кириб, кенг кабинет, ундаги чарм креслоларга суқи келиб боққан Азларов бу мансабга чиқишни астойдил умид қилиб юрарди. Кейинги кунларда бу тўғрида мишмишлар ҳам тарқалиб қолди; Сиддиқ Азларович директор бўлармишлар... Бу мишмишлар унинг юрагини наводай ёқимли қитиқлай бошлади. У энди бу мартабани эгаллаш учун жиддий ҳаракат қилди — у ёқ-бу ёққа югурмай ўз тан маҳрами Бодомхонга айтди... Бодомхон Хонзодаҳонга...

Ҳа, қадим бу шаҳри азимнинг ўн икки дарвозаси бўларди, чунончи: Кўкча, Чиғатой, Камолон, Самарқанд, Бешёғоч, Тешикқопқа ва ҳоказо... Бу дарвозаларнинг ўша замонда аҳамияти бор эди. Ҳозир...

Шанба кuni Бодомхон телефон қоқди. Пушкин кўчасидаги уйлардан бирида телефон жиринглади.

— Алло, Хонзодаҳонми? Ойнониб кетай Хонзодамдан, тап-жонинг соғми? Мен — Бодомман. Эринг келди-ми? Келмаган бўлса ҳозир келиб қолади. Эрингга гушунтир. Азларовни кўтариш керак. Гап бор, фойдасини кейин биласан, тушундингми! Ёлғизгина Хонзодамдан айнанай. Хайр!

Шундан кейин Урицкий кўчасидаги уйлардан бирида телефон жиринглади:

— Хело, Олмахонмисан, бу мен — Пушкин кўчасидан! Ун беш минут аввал институтда умумий мажлис тугади. Ҳали замон ўртогинг келиб қолади, бўлган гапни эшитасан. Азларовни поддержка қилиш керак! Ҳусниддинов мажлисда Азларовни танқид қилган эмиш, уни яккалатмоқчимиз — холодильникка кўпроқ «Двин»дан ғамла. Гапга тушундингми? Эрингга айт, Азларовдан бошқасини чизсин!

Орадан кўп ўтмай Кисловодск кўчасидаги уйлардан бирида телефон жиринглади. Хонтахта устидаги оқ рўмолчага сочилган марварид доналарини чийратилган ипакка тераётган жувон ўрнидан туриб бориб трубкани кўтарди.

— Лаббай,— деди у буралиб. Трубкадан шанғиллаб овоз эшитилди: «Жаннатхон, ўзингмисан опўси? Мен — Олмахон опангман. Соғлигинг яхшнми? Настроениянг қалай? Бир одамда нўхатдек-нўхатдек дур бор экан, олиб берайми? Қўрқма опўси, қарз узилиб кетади. Сен эслик-ҳушлик хотинсан, уйингни қақур-қуқурлар билан тўлдирма, битта нарса ол, биракай бўлади. Энди эзмалик қилмай, масалага ўтай, эринг келдими? Келмаган бўлиши керак, у ҳозир келади. Эрингга тайинла, Азларовни қувватласин! Фойдасини кейин биласан. Тушундингми?»

Жаннатхон ҳам хонтахта устида сочилиб ётган марварид доналарига бир кўз ташлади-да, шу лаҳза трубкани қўйган жойидан кўтарди. Бу сафар Собир Раҳимов кўчасидаги ҳовлилардан бирида телефон жиринглади.

— Алло, Хуморхонми? Мени танидингми? Мен — Кисловодскдан гапиряпман... Азларовни ҳимоя қилишимиз керак эмиш. Ҳусниддинов қайда-ю, Азларов қайда! Уша чиноқбойни директор қилиб бўлармишми, аввал ўзини эплаб олсин, ёқасини кирини кўрганмисан! Хотини қам ўлгудай шалтоқ... Бебаҳо Хуморгинам, ўз эрингга яхшилаб тушунтир. Азларов акани ҳимоя қилсинлар, гап бор... Йўқ, йўқ, гап эмас, топшириқ бор... Катталар билан гаплашсин, жамоатчилик фикрини ташкил этсинлар. Қандай бўлмасин, Азларов акамни кўтариш керак! (Бир лаҳзалик паузадан сўнг, Жаннатхон секин қиқирлаб кулди.) Ишларинг қалай, кўзидан?

Кеча косметикада кутдим, дарагинг бўлмади? Ҳали ҳам шайдо бўлиб юрибсанми? Ҳа, бўпти, гапирмайман, бўлди, бўлди, телефонда бунақа гапларни гаплашиб бўлмайди. Менга қара, Хуморгинам, эрингга айт, Азларовни...

Шу кун соат учларга бориб, Чиғатой кўчасидаги уйлардан бирида телефон жиринглади.

— Ке-е-м, эшитаман,— деди дўмбоққина бир жувон,— вой, сизмидингиз Хуморхон.

— Гулечка, узоқда бўлсам ҳам оҳу кўзларингни шундоқ кўриб турибман. Янги гаплардан хабаринг борми? Аввал менга айт-чи, эринг келдими? Келмаган бўлса ҳозир келиб қолади, эшит! Унга яхшилаб уқтир. Азларовни ҳимоя қилсин! Биламан, уни эрингинг жини суймайди. Лекин ҳозир жиддий масала ҳал бўляпти, шу сабабли майда гапларни кўнгилдан чиқариш керак! Жон дўстим, гап шундай, эрингга айт, Азларов акани ҳимоя қилсин ва у директор бўлиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилсин. Шунда ҳаммамиз учун ҳам яхши бўлади. Менимча Хонзодахон ҳақ, Азларов қайда-ю, Ҳусниддинов қайда, шўрва — шўрва, палов — палов. Агар шўрва яхши бўлганида палов бўлмасмиди! Азларовни қувватлаш керак! Упаман! Хайр!

Соат тўртларда Бешёғочдаги бир тупикда телефон жиринглади.

— Эшитаман.

— Ҳа, айланиб кетай, Чиннихон. Уртоғингиз келдиларми?

— Ҳа, нима, яна бирор гап борми? Ревизор келибдими?

— Йўқ, ўтаканг ёрилмасин! Бизлар турганда ревизорга бало борми. Улдирадиган ҳам, куйдирадиган ҳам ўзимиз! Гап шундоқ, эрингга айт — гарчанд завхоз бўлса ҳам қўл кўтариш ҳуқуқи бор. Азларовга ўша маймоқ қўлини бир кўтариб юборсин. Агар алдасанглар, кейинчалик ўзларингга ёмон бўлади!

Кечга яқин Камолон дарвоза, ундан кейин Чилонзорда телефонлар жиринглади. Маликахонлар билан Жорияхонлар ҳам масаладан огоҳ бўлишиб, ўз эрларининг уйга етиб келишларини бетоқатлик билан кутишди. Эрлари келгач, уларнинг томоғидан хиппа бўғишди: «Мажлисда нима гап бўлганини сиз айтиб бермасангиз мендан эшитинг...» Эр ҳанг-манг бўлиб қолди.

Орадан уч кун ўтди, бу уч кун ичида яна бир неча телефонлар телефонга уланиб, мисқол париларнинг қуршов ҳалқаси борган сари қисиб кела бошлади. Учинчи кун охирига бориб, таранг асабий шнурлар бўшашиб, телефонлар бир чеккадан яна қувноқ оҳангда жиринглай кетди.

— Алло, Бодомхон, вой ўзим ойнониб кетай Бодомимдан, чиройли кўзларингдан опанг ўргулсин! Ёнингда бўлганимда қучоқлаб, бебаҳо юзларингдан ўпардим. Азларов акамлар директор бўлганга ўхшайдилар, қутлайман! Зап иш бўлди. Эринг ҳам ўгил бола экан...

— Алло, мен Олмахон, ўзим ўргилиб кетай Хонзодахондан, иш тўғри бўлганга ўхшайди...

— Хело, хело, Бодомхонни чақириб беринг. Тома чақиряпти денг. О, Бодомечка, табриклайман! Энди ишлар жуда яхши бўлади. Маладес! Менинг Есентукига кетишим олдидан бу масаланинг ҳал бўлгани жуда яхши бўлди...

Шундай қилиб, кўзга кўринмас қуршов каттакон шаҳарни олгандай бўлди. Шу орада Хонзодахон гап берди — базмп жамшид авжига чиқиб ойимтиллалар, мисқол парилар йингинининг асосий мавзун — Азларовнинг янги лавозимига қўтарилажагида ҳар кимнинг қўшган ҳиссаси ҳақида баҳс кетди. Базмга Азларовнинг ўзи хонтахтадек торт киритиб, устига «Жононларимиз омон бўлсин» деб ёздирибди. Бошдан охиригача садаф ёпиштирилган дутор ярим кечагача сайради; дам чертмагу, дам фиғон авжга чиқди. Эрта билан парилар сарҳуш, бошлари оғриб, уй-уйларига тарқалишди...

Лекин шу кун кеча яқин Бодомхоннинг мотамсаро телефоно қилгани хонимлар кайфини учириб юборди. Академиянинг президиуми чала мулла Азларовни эмас, ёш бир фан докторини институтга директор қилиб тасдиқлаб юборибди... Бу гапни эшитган Бодомхонларнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, юмшоқ-юмшоқ креслоларга поқ-поқ ўтиришди. «Бизнинг режамизни буза оладиган, биздан ҳам кучлироқ одамлар бор эканми», деди хомуш ўтирган Хонзодахон. Уларнинг қора кўзларига ўша кекироқ чоллар, қари-қури мўйсафидлар, академиклар кўриниб кетди. Наҳотки Бодомхонларнинг кучли қуршовини шу кексалар бир зарб билан дабдала қилиб юборган бўлса! Бодомхон чаккасини ушлаб, пирамидон ютди. Жаннатхоннинг қон босими ошиб кетиб-

ди, эртадан стационарга борса керак. Хонзодахоннинг капалаги учиб, юраги ўйнаб, йигирма томчи волокардин ичди. Олмахон қайси бир уруғиникига қочиб, қорасини кўрсатмай қўйди. Хулласи калом, шаҳарни ўраган нобоп ҳалқа узилиб кетди...

1966 йил

ФАРИШТА

Ҳузуржонов бошлиқ ёнига кирадиган бўлса, анча аввал келиб, қабулхонада кутиб ўтиради. Агар ичкарида одам бўлмаса ҳам кутарди. Секретарь аёлнинг «кираверинг, ҳеч ким йўқ», деганига ҳам қулоқ солмай, «бир оз кутайлик, вақтимиз кўп...» деб қўярди, гўё шундай қилиб кирса ширинроқ бўладигандай... Агар бошлиқ чиқиб қолиб: «Э, Ҳузуржонов, кутиб қолибсиз-ку, қани-қани, ичкарига марҳамат...» деб қолгудай бўлса, катта баланд эшикдан ҳам бош эгиб ўтиб, стулнинг бир чеккасига токчага қўйилган тухумдек эҳтиёткорлик билан ўтирарди.

Бу ташкилотнинг бошлиқлари ҳам тез-тез ўзгариб, янги бошлиқ келиб турарди. Лекин келганларнинг ҳаммаси ҳам бу маҳкамани ёмон ходимлардан тозалайман дерди-ю, гал Ҳузуржоновга келганда қўл теккизмай ўтиб кетаверишарди...

Ҳузуржоновнинг билгани билган, у ўз одатидан топган одам эди. Бировлар, бунинг қонида бор дерди, бировлар, ёмон бошлиқлар бечорани шу ҳолга солиб қўйган дейишарди. Ўзига тааллуқли бўлмаган ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳамма нарсага лоқайд қарарди. Эрта-лаб келиб, кечқурун кетар, келишда ҳам, кетишда ҳам бир йўлқадан юрарди. Асфальт йўлка уйигача беш ерда қайрилиб, икки ерда кўприқдан ўтади. Лекин, қизиқ, қайтишда у негадир икки минг бир юз саккиз қадам бўлиб, келишда ўттиз беш қадам фарқ қилади. Таажуб! У йўлқадан пилдираб ўтиб кетаётганида унга кўзи тушган одамлар: «Ана, дунёда энг яхши одам кетяп-

ти...» деяётганликларини эшитиб тургандай бўларди. Уни фаришта дейишарди ҳам. Баъзилар худойи тасло ёруғ дунёдаги иккита бандасидан жуда хурсанд эмиш, уларнинг бири — Эшматхўжа (у ўз вақтида омонатини топширган), иккинчиси, мана шу Ҳузуржонов экан. Бу икки бандаси яратганидан буён ҳеч ўзгармай турибди дейишарди.

Кунлардан бир кун маҳкамада силлиққина кетаётган мажлис ўрталарида нима ҳам бўлди-ю, Дангалбой сўз сўраб қолди. Бу одам билан бир хонада қамти-ма-қамти ўтиришади. Эшикка яқин, бурчакда тиззасига салом бериб ўтирган Ҳузуржонов ялт этиб қараб, юрагини ушлади; бу нодон яна бир шўришни бошлайдиганга ўхшайди! Е тавба! Идоранинг ишига аралашиб ким обрў топибди! Ут тушиб кетганда биров сендан сўрармиди!.. Ҳузуржоновнинг назарида зилзила бошланиб, иморат синчлари қисирлагандай бўлди. У беихтиёр шифтдаги қандилга қаради — қандил жим турибди...

Дангалбой бу сафар шоша-пиша бир нима деди-ю жойига ўтирди. У Қаримовга ҳам, Аҳмедовга ҳам текканни йўқ, уларга шама ҳам қилгани йўқ. Хайрият, худо ўзи асради! Бу одамдан ҳар нарса кутиш мумкин. Дангалбой минбардан тушгач, Ҳузуржонов секин ер тагидан бошлиқларга қараб қўйди; улар бамайлихотир ўтиришибди. Қаримов жимжилоғига рўмолчаси учини ўраб бурнини кавляпти. Аҳмедов бўлса Хуморхон билан кўз уриштириб ўтирибди. Демак, осойишталик, тинчлик... Ҳузуржонов секин хўрсиниб, мамнуният билан яна илгаригидай қўл қовуштириб, тиззасига салом бериб ўтиришини давом эттирд.

Шанба кун Ҳузуржоновнинг хотини туғди. Бунни эшитганлар табриклашди:

— Жуда яхши бўпти-е, эсон-омон қутулиб олибдилар, — деди ҳаяжон ичида Хуморхон.

— Ҳа, шундоқ... — деди Ҳузуржонов совуққонлик билан, кейин у яна қитиллатиб ёзишини давом эттирди.

— Учинчи фарзандингизми? Ота бўлиш қандай яхши, ич-ичингиздан қувониб кетаётгандирсиз?

— Ҳа, эҳтимол...

— Нега эҳтимол бўларкан! Камтарлик қилманг, Ҳузуржонов, туғруқхонадамилар? Отини нима қўймоқчисиз?

— Ҳей, хотин, мени тинч қўясанми, йўқми! Ишлол-маяпман!

— Вой, анави кишини қаранг...— деди Хуморхон буришиб.

Куннинг иккинчи ярмида коридорда Дангалбой Ҳузуржоновнинг йўлини тўсди:

— Янги меҳмон муборак!

— Уртоқ Дангалбой Болтаев, иккинчи марта табрик-ладингиз. Бир марта айтдингиз бўлди-да! Нима, ёни чиқадими!

— Узр сўрайман,— деди Дангалбой юрагини чангаллаб,— мени юз бор табрикласалар юз бор қувонардим. Нима қилай, фарзандга зорман.

— Бундай гапларни қўйинг, ишлаш керак. Уртоқ Каримовни қўллаб-қувватлайлик, иш соатидан унумли фойдаланайлик. Бу ҳақда кўрсатма бердилар-ку.

— Тўғри. Лекин мен ўртоқ Каримов учун ишламайман...

— Тс, тссс!— у бармоғини лаби устига қўйди, ранги оқариб кетди,— номларини айтманг, тушундингизми!

— Ҳа-а, жаннатдан чиққан қуён.

Улар бир-бирларига бақрайганча жим бўлиб қолишди. Шу ҳафта яна бир қайғули ҳодиса рўй берди. Ҳузуржоновнинг биттагина пенсионер акаси бор эди. Шу одам анчадан буён касал ётарди. «Ўладиган касалнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши» деб юрарди Ҳузуржонов хотинига. Кўп ўтмай у ўлиб қолди. Уни кўмиб келиб тинчишди. Бу воқеа бирон ҳафталардан кейин маҳкамага етиб келди. Жони ачиб кетган Дангалбой (у Ҳузуржоновнинг акасини яхши биларди) ошнасига юракдан ачиниб, таъзия билдирди:

— Кўп яхши одам эдилар, қазо қилибдилар... Қайғунгизга биз ҳам шерикмиз.

— Ҳа, шундай бўлди. Тирикларни ўйлаш керак,— деди ҳеч нима бўлмагандай.

Бу совуқ гапни эшитган Дангалбой ачиниб, кўзига ёш олиб гапирганидан хижолат бўлиб ерга қаради.

Душанба кuni эрта билан Ҳузуржонов папкасани қўлтиқлаб хизматга кетаётганида, ўз ҳовлисидан бир оз нарироқда ўт тушган уйнинг устидан чиқиб қолди. Иккинчи қават деразасидан бурқсиб тутун чиқар, одамлар тўпланган, хотин кишининг йиғиси эшитиларди. Кимдир чақалоқ болани қучоқлаб тутун ичидан олиб чиқди...

Ҳузуржонов чап томонга, ўша тутун чиқаётган иккинчи қаватга бир қаради-ю яна йўлида давом этди. У муюлишга етганида ўт ўчириш командаси ҳам сурон билан етиб келди. «Бу ҳам ҳар замон, ҳар замонда бўлиб турадиган ҳол» деди-да ўзига ўзи, бир томонига қийшайганча йўлида давом этди. Маҳкамага етиб келгач, ҳар кунги одатидек, соат тўққиз бўлишини кутиб, коридорда папирос чекиб турди. Роса тўққизда столига чўкиб, қоғозларни варақлай кетди. Ўн минутча кечиккан Дангалбой, хонадагиларга салом бериб, киоскадан олган икки-уч газетани столга қўйди.

— Азизим, эшитдингизми,— деди Дангалбой Ҳузуржоновга тикилиб.— Ҳиндистонда сув тошибди, неча минг киши ўлган эмиш, гўдаклар оқиб кетган эмиш...

— Бу ҳар замон, ҳар замонда бўлиб турадиган ҳол,— деди Ҳузуржонов столидан бош кўтармай. Кейин Каримов кабинетни томон ишора қилди,— жиндак ишлайлик, хўжайин ранжимасин, газетадаги гаплар ҳақида танаффусда гаплашамиз.

Дангалбой ели чиққан пуфакдай шалвираб, жойига ўтирди.

Шу куни ишнинг ўрталарига бориб, маҳкамага Ҳузуржоновнинг ўн тўрт яшар қизи келди. Отасидан андак пул сўради. Қизининг маҳкамада пайдо бўлгани унга ёқмади, у бир неча бор Каримов кабинети эшигига қараб қўйди. Қизини қувгандек қилиб тезда кўчага олиб чиқиб жўнатди. (Пул бердим, бермадим, бу номаълум). Кўчадан қайтиб келишда устига қора клеёнка қопланган бошлиқ эшигига яна тикилиб, ўтиб кетди.

Каримовнинг атрофида парвона бўладиган Ҳузуржоновни кузатиб юрган қоровул чол Каримовнинг ўзига шу одам жаннатими, дўзахими, билиб бўлмайди деди. Аммо лекин эртаю кеч жаннатни ўйласа керак у, янги замоннинг зоҳиди деб қаҳ-қаҳ урди. Чолнинг ачиқ киноясига Каримов ҳам қўшилишиб кулди.

— Ўзини ўйлайди, отахон,— деди Каримов,— шунинг учун ҳам фариштадек покман деб юрибди. Аслида ифлос одам. Анави Дангалбойни танийсизми? Унинг юраги тоза, баъзан бизга ҳам тегиб қўяди, аммо ҳалол одам...

— Отангизга раҳмат, Каримов ўғлим! Одам танир экансиз...

Баҳор кунларининг бирида Дангалбой яна куфур бўлиб қолди:

— Э, дард-е!— деди тўсатдан Дангалбой Ҳузуржоновдан юзини ўгириб,— одам деган ҳам шунақа бўладими-ю!

— Гапга тушунинг, ўртоқ Дангалбой Болтаев,— деди ингичка овоз билан Ҳузуржонов,— мен сизга ҳозирги бодрингларнинг ҳаммаси тахир чиқяпти деганим йўқ, менинг бундай дейишим ҳам мумкин эмас. Наҳотки мен шундоқ десам! Мендан бунақа гап чиқмайди. Ҳозирги бодринглар асосан яхши, ширин дейиш ҳам мумкин. Эҳтимол, тахири ҳеч чиқмас, менимча шундоқ бўлиши керак. Ҳозирги илгор техника методлари билан экилган бодринглар ҳеч тахир бўлмайди. Қатъий фикрим шу, ўртоқ Дангалбой Болтаев.

— Мен сизга бодрингни айтаётганим йўқ,— деди яна хуноб бўлиб Дангалбой,— сиз ўзингиз одамсиз ёки фариштамисиз! Бирон нарсага хурсанд ҳам бўлмайсиз, ачинмайсиз ҳам, сиз ўзингиз кимсиз?! Ҳозир пақ этиб ёрилиб кетай деяпман, Ҳузуржонов!

— Сиз билан бодринг ҳақида гаплашяпмиз,— деди Ҳузуржонов бақрайиб,— мен ўша аввалги фикримда қоламан, яъни бизнинг бодринглар тахир эмас...

1965 йил

Ҳазратов ҳар кунн уйқудан кўз очиши билан орасига темир панжара ўрнатилган қўш қават деразасининг кир ойналаридан осмонга қарайди. Осмонда қорамтир булутлар... Ундан сўнг ялт этиб кўча четидаги теракларга кўз ташлайди. Тераклар учи жим — шамол йўқ...У таажжубланади: ҳавода булут бўлса-ю, шамол бўлмаса! Бу қанақаси?!

Саратонда қалин жушли пижама кийиб, бўйнига шарф ўраб ҳовлига чиқади. У ўз ҳовлисида юриб кета туриб, ҳавода мутлақо булут йўқлиги, беғубор, мусаффо эканлиги, ҳамма ёқда офтоб-оламтоб ёйилиб ётганлиги билан иши бўлмайди. У ҳар кунн ўша хиралашган доғли дераза ойнасидан осмонга қарашга одатланган. Гўё бошқа ердан осмон кўринмайдигандай!

Ҳазратов (унинг исмини ҳеч ким билмайди: ҳамма Ҳазратов деб атайти. Шу атрофдаги болалар ҳам «Ҳаз-я-топ» дейди. Марҳума хотини ҳам Ҳазратов деб чақирришга одатланган эди...) ҳовлидан уйга қайтиб кириб, кеча кечқурун бошлагани — катта шиқоят хатиши қолган жойидан давом эттирди. У олти катта тахта қоғозни тўлдиргач, таблетка ютди. Бир муддатлик дам олишдан кейин яна қўлига ручка олиб, тайёрлаб берилган ёзма нутқни ўқимай, ўз сўзи билан ҳисоб берган маҳаллий совет депутати устидан «тегишли ерга» хат тайёрларди. Докладни ўқимай, ўзича гапириш қандоқ бўлди?

Ҳазратов ишчи гани ичидан бир неча «хато» сўзларни териб олиб «хужжат»га «далил»лар қилди. Шу куннёқ уни конвертга солиб жўнатди. Унинг назарида конверт қутига, ишчи эса чоҳга тушиб кетгандай бўлди.

У йўл-йўлакай ҳаммомга кирди. Кимдир: белингизда бод бўлса, айиқ ёғи суриг, ҳаммомнинг иссиқ хонасида ётинг деган эди. Аввал шубҳаланиб эшигидан ўтиб кетаётганида еб қўяётгандек кўринган ҳаммом кейин чалик негадир Ҳазратовнинг диққатиши тортди, у юра ютиб ҳаммомга тушди. Чиқаётганида ходимлардан бири бир пиёла иссиқ чой узатди. Олишни ҳам, олмасини ҳам билмай турган эди: «олинг, мулла ака, сову сув ичгандан кўра бир пиёла иссиқ чой ичган маъқул Юрагингиз куяётгандир», деди. Дарҳақиқат, Ҳазратовнинг юраги куйиб, томоғи қақрарди. У чойни пуфлаб пуфлаб ичди-ю, лекин ўйлаб қолди: «Ҳаммомда чой узатиш қаёқдан чиққан? Бунинг тагида бир гап йўқми-кан?!» У ҳаммом ходимининг фамилиясини, исмини сўраб ёзиб олди. Чиқаётганида кўзойнак тақиб ҳаммомнинг номерини кўриб, ходимнинг тахминий ёшини ҳам аниқлади. Шу заҳоти ҳаллослаганича уйига келиб ручкани қўлга олди. У икки тахта қоғозни тўлдириб «Ҳаммомдаги шубҳали маишат...» деган хатни шаҳар ижрокомига юборди. Шундан сўнг унинг юраги андег таскин топди.

Бундан йигирма йил муқаддам, маҳалладаги бир муаллимнинг нутқидан «тезаксиз майдон бўлмас», деган гапни топиб, бу ёмон хато деган эди. Муаллим йигит тўғри кўнгилда айтган ва илло-билло урганига ҳам қарамай, устидан қанча ҳужжатлар тўплаб, тоза бошини қотирган эди. Ушанда бу уч сўздан иборат мақолни минг томонга йўйиб, саккиз ярим қоғозлик айбнома ёзган Ҳазратов «қаҳрамон» бўлиб, одамларни зириллатган эди.

Яқинда йўли уй-жой бинолари тушиши керак бўлган массивга тўғри келди. Эски деворларни бузаётган бульдозерга тикилиб, бирдан тутоқди. У чумчуқдек чирқиллаб, бульдозернинг у ёқ-бу ёғига ўтди. Бош инженерни излаб топиб, нималарнидир гўлдираб, дўқ урди. Инженер кулиб, писанд қилмади. Ҳазратов юрганича уйга қайтиб келиб, «уй бузарлар» ҳақида ёза кетди. Аллақандай ток новдаси бульдозер тишлари орасида мажақланганини, бош инженернинг «ваҳший»лигини... ҳам ёзди. Бу хатни раҳбар ташкилотлардан бирига юборди. Икки ҳафта хатнинг «натижаси»ни — инженер билан бульдозерни чоғга тушиб кетишини кутди. Қурилиш ишлари илгаригидан ҳам кенг қанот ёзиб, авжга кира борганини

кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Раҳбар ташкилотда ҳам «ишончсиз» одам бор гумон қилиб, эски одатича кадрлар бўлимига тумшуқ суқмоқчи бўлган эди, йўл беришмади. Ҳазратов газабланиб кўкарди, ручкасини сиёҳга ботираётганида, билаклари етти бўгинли чаён думидек гажак бўлиб, титраб сиёҳдонга ниш ура бошлади. Бир неча кун дарғазаб юриб, кўзига кўринган одамларга ниш урмоқчи бўларди. Ҳазратовни яхши билиб юрган одамлардан бири: «илон тўғри келган кишини чақади, лекин Ҳазратов танлаб, билиб чақади», деган эди. Уша одам Ҳазратовни кўп йиллардан буён яхши биларкан. Ҳазратов шаҳримиздаги бир неча ошхоналарга кириб, овқат чақириб еб, тарелканинг тагида икки қошиқча овқат қолганида «пашша чиқди» деб, ошпазни, овқат ташувчиларни ҳақоратлаб кўпчилик ичнда гавго кўтараркан. Охири пул тўламай чиқиб кетаркан. Тарелкада ётган пашшага кўзи тушган ошпазнинг ўтақаси ёрилиб, лом-мим демай қоларкан. Ҳазратов бўлса: «Э, падарингга лаънатлар, кўзларингга қараб овқат пиширсаларинг бўлмайдим!» деб тўнгиллаб чиқиб кетаркан. Эртасига у яна бошқа ошхонада овқатланиб бўлиб, икки қошиқ таом қолганида «пашша чиқди»ни бошлаб гулу кўтарганида, унинг бундай ишини пайқаб юрган киши Ҳазратовнинг ёқасидан маҳкам ушлаб, ёнини кавлаган эди, ўлдирилган пашша тўла гугурт қутичаси чиққан. Одамлар унга қўл тегизишмай, «Минг лаънат сенга!» деб ҳайдаб чиқаришган.

Кўринишда «мусича одам» бўлиб юрадиган Ҳазратов ҳозир эртаю кеч ҳамма ёққа шикоят ёзади...

Шанба куни Ҳазратовдан уйқу қочди. У ярим кечагача қиёмат яқинлашиб, яъжуз-маъжуз чиқаётганини ўйлаб... тажанг — эртага эрта билан катта шикоят хатни энг юқори ташкилотга юборишни мўлжаллаб, люминал таблеткасидан ютиб, уйқуга кетди.

Ҳазратов туш кўрди: тушида ўлиб қолган эмиш... Э, воҳ, энди қандоқ бўлди?!

Хонада Ҳазратовнинг жасади ёлғиз ётибди. Жасад ёнида ручка, сиёҳдон, шикоятномалар... Жасаднинг тепасида Ҳазратовнинг руҳи тилла пашшадек учиб юрарди. Эҳ, наҳотки у ўлган бўлса! Ҳали шунча ариза, шикоят, хуфия хатларнинг натижасини билмай, қанча ёмон кўрган одамларини чоҳга итармай ўлиб кетаверадимиз?! Йўқ! Бу асло мумкин эмас!!!

У жуда куйиб кетди: дод дейман деса овози чиқмайди. Чунки у ўлган — учиб юрган нарса унинг руҳи... Тавба, энди қандоқ бўлди! Наҳотки, у ўлган бўлса!

Тонг отиб, кўчаларда ҳаракат бошланди. Лекин ҳеч ким унинг жасади ёнига келмасди. У ўз жасади тепасида тилла пашшадек айлана-айлана, кейин ташқарига чиқди. Кўча тўла одам. «Мен вафот этдим, жасадим уйда ётибди, ҳей, халойиқ, киринглар!» демоқчи бўларди. Лекин асло овози чиқмасди, чунки ўлган. У жуда тажанг бўлар, агар қўли бўлганида ҳозир бу одамларнинг ҳаммасини ёзиб, «тегишли жойлар»га берарди. Ҳамма ни чоғга итариб юборарди.

Унинг жасади хона ичида уч кун қолиб кетди. Ўз руҳи ҳам хонада — ўлик тепасида айлана бериб зерикди. Тўртинчи куни унинг ўлганини уч-тўрт киши эшитди-ю, «ўлибдими-а, ростдан ўлибдими? Ифво — ўлибди-да...» деб қўя қолишди. Таъзия ҳам бўладиганга ўхшамади. У шу атрофда учиб юриб бу гапларни яхшилаб эшитди. Яна тутоқди: «Ҳаф, сенларними, ўлмаганимда ўзим билардим!» деди.

Йўқ, унинг ўлганини ҳамма эшитган бўлса ҳам, ҳеч ким келмади. Охири икки киши жасадини қопга солиб, жарга олиб кетаётганида тепасида учиб юрган тилла пашша бирдан фиғон қилиб, уйғониб кетди. Кўз очиб қараса туши... Хайрият, ўлмаган экан.

У қаттиқ ғазабланиб, бутун халқ устидан шикоят ёзмоқчи бўлди. У шу йўл билан жамики кишиларни чоғга итариб юбормоқчи бўлди.

Ҳазратов карахт, кўзларини ишқалаб, ис босган, ярим қоронги хонасидан ташқарига чиққан эди, осмонда ярқираб турган офтобнинг ўткир нурлари кўзларига тушиб, ерга қаради. У яна ғазабланди, тутоқди. Шундоқ қўлларини чўзиб, офтобни гиёҳдек юлиб ташламоқчи бўлди. Лекин қўли етмади. У яна қоронги уйига қайтиб кириб, ўз таъзиясига келишдан бош тортган халқ устидан шикоят ёзишга ўтирди.

Кимга ёзади? Ахир ҳаммаёқ, ҳамма идоралар халқники-ку! Ана шу ҳақда ўйлаб, боши қотди. Кўз олдига минг-миңгларча кишилар келди. Улар:

— Ҳе, хом сут эмган Ҳазратов, ифвогарсан, айри тилли илонсан! Элга чоғ қазиганнинг ўзи ўз чоғига қулайди! — дерди.

1962 йил

Одамзод мулойим бўлса шунчалик бўлар-да — Зайнобиддиннинг гўштдор, қонталаш юзларида ҳамиша жилмайиш... Баъзида андаккина қочиримга ҳам оғзи қулоғида хирр-хирр кулади. Бундай одамни заказ қилиб ҳам топа олмайсиз. «Беш кунлик дунё»ни фароғатда ўтказиш ниятида чиганоқдай аста сурилиб, чумчуқдай шоша-пиша «сочилган насиба»ларини териб еб юрарди. Азонлаб трамвайга югурган, осмони фалак ҳавозаларда гишт терган одамлардан энсаси қотар; шусиз ҳам «мулла жиринг» ўлгурни топиш мумкин-ку, дерди ўзига ўзи...

Зайнобиддин эрта билан одатдагидек ўз кабинетига кириб, йўлбарс панжалик креслога ўтирди — область маданий-оқартув идорасининг бу қадимий креслоси кўпларга маълум. Бошлиқ келганини пайқаган ходимлар қоронги коридорнинг икки томонидаги эшикларни бирин-кетин очиб, саломга кириша бошлашди. Ҳаммадан аввал хўжалик мудирини Поччаев ташриф буюрди:

— Ассалому алайкум, хўжайин! — у бир даста қоғози стул устига қўйди.

— Салом, дўмбоғим! — Зайнобиддин жилмайди.

— Мана бу путопкангиз. Мана бу Сочи шаҳар маданият-оқартув идорасига командировка пули ва гувоҳнома — тажриба алмашиб келасиз, ҳи-ҳи-ҳи... Самолётга бориш-келиш билетингизни кетар кунингиз оласиз, пулни санаб олинг, ҳисобли дўст ажралмас.

— Ташаккур! Идора ихтиёрини ўзларига топшираман. Эҳтиёт бўлиб, раҳбарлик қилинг!

— Қуллуқ,— у бир неча қадам орқасига тисарилиб, чиқиб кетди.

— А-а-ссалому алайкў-ўм,— шолғом бурун Эшонча деган одам кирди,— қалай, мол-жон омонми? Яхши ётиб турдингизми?

— Яхши, яхши...

— Ушбу ҳужжатга қўл қўйсалар; буниси, курортдан қайтиб келганингиздан кейин уйингизда чет эллик меҳмонлар бўлади; ремонт, краска ва ҳоказолар учун давлатдан маблағ сўрадик. Мана буниси — сизга кийдирилган тўн, тўппи, қийиқ... ўзингиз билган фонддан, буниси — ўзлари курортга жўнаш зиёфати учун ажратилган пул...

— Қўя қолинлар, овора бўлиб нима қиласизлар.

— Ия, бошлиғимиз курортга борармишу, провод қилмаймизми! Қаерда бор бунақа закон! Мана бу қоғозга ҳам қўл қўйиб юборинг, сизга, ўзимга, Поччаевга ишхонада кийиб юриш учун уч пар юмшоқ туфли. Мана бунисига ҳам — ишлаб ўтирган вақтимизда бувосил дардига мубтало бўлмаслик учун уч пар грелка ҳам олганман...

Зайнобиддин қайрилма дум имзо чекди. Эшонча чиққач, эшик қия очилиб, «ғазнабон» Муовазахўжанинг узунчоқ башараси кўринди. (Бу одамни Мағзавахўжа ҳам дейишарди). Зайнобиддин уни имлаб чақирди-да, ўтирган жойида қўл узатиб, сохта жилмайиб қўйди. Мулойимликда ҳикмат кўплиги, шундан топганлигини бу бухгалтерга ҳам айтиб берган эди.

— Янги олган шкафлардан бирини, ёзув столини — ўзи ҳам ажабтовур полеровать этилган, ҳовлига юбордим. Уйда ҳам бари бир сиз ҳукумат ишини қиласиз-ку...

— Ҳа, албатта. Менда ҳукумат ишидан бошқа яна нима иш бўларди. Стол билан шкаф идорамизда турди нима-ю, уйимда турди нима!

Хўжа чиқиб кетиши билан яна Поччаев кирди.

— Қани, дўмбоғим, бир оз сатранж суришайлик, ишлайвериб кўзим тиниб кетди. Биз — оқдан...

— Бугун кўп ишлаб юбордик, хўжайин. Жонимизни жабборга бериб ишлаётганимизни ҳукумат билармикин?

— Билади,— деди Зайнобиддин хаёл суриб, кейин сўради:— Менга характеристика ёзиб юборганмидиларинг?

— Хотиржам бўлинг, ҳаммаси ҳал бўлган. Худо хоҳласа...

— Бас, бас! Ишқилиб нафасни яхшилаб туринглар.

— Ҳа, биз ҳам давлат инвентаридек гап, бирон ери-мизга тунукача қоқиб қўйилмаганига ҳайронман,— завхознинг кўзи шкаф ёнидаги инвентарь тунукачага тушди.

— Мен аспни сурдим, хаёлингиз жойидами, юринг!

— Нима, қолиб берайми?

— Ундоқ қилсангиз ҳам қоласиз, бундоқ қилсангиз ҳам. Яхшиликча инсоф билан қолинг!

Ўйин тушгача давом этди. Поччаев чиқиб кетгач, секретарь қиз Зайнобиддин кабинетига устига оқ сочиқ ёпилган патнис олиб кирди. Яна қайтиб чиқиб, чой ҳам олиб кирди. Зайнобиддин овқатга қаради; у қуруқ беда еётган отдай қурт-қурт гўшти қирқарди, чакаклари тарам-тарам бўлиб жуда чиройли ерди. Овқатдан сўнг кекирди — бу қабулхонадаги кишиларга ҳам эшитилди. Бугун у яна секретарга ким келса «ўзининг йўқлиги»ни айтиб, кабинети ичидан қулфлаб, диванда ухлади. Шу ётганча соат олтиларда кўзини очди.

Эртасига эрта билан у идора ходимларини ўз кабинетига тўплаб, мажлис ўтказди, роса папирос чекишди. Хона деразаларидаги оқ бахмал дарпардалар сарғайиб кетган эди. Мажлиснинг ярида секретарни чиқариб юборишди аския бошлашди. Поччаев аскияда хўроз бўлиб, Зайнобиддин ичагини узди; Мағзавахўжа ҳам ўрни келганда «тузук» деб, Поччаевни бир тишлади... (унинг лақаби Бойтеват эди). Аския тугагач, Зайнобиддин ўрнидан қўзғалди:

— Яхшилар, қўшни ташкилот мени мажлисга чақирган, боришим керак, — деди қийиқ кўзларидан кулги ёшини артиб, — қани энди ишланглар. Хужжатларга эртага қўл қўяман.

— Хўп бўлади, хўжайин, — улар баб-баравар ўринларидан туриб, қўл қовуштиришди.

Зайнобиддин мулойим илжайди: «Сиздек азаматларим бор, не ғамим бор...» Қўл қовуштириб турганлар: «Ўзлари омон бўлсинлар, бошимизга соябон бўлсинлар» дегандек бир чайқалиб қўйишди.

Зайнобиддин қўшни ташкилотдаги мажлисга ҳам бориб, узоқ ўтириб келди. Шу мажлисда ўзидан бир поғона баланд амалдор билан ўпка ташлаб, омонлашди.

Қўр тўкиб ўз жойига мамнун ўтиргач, яна унга «ғарибу ғураболарга карам қилинг» дегандек мулойим қараб қўйди.

Шу куни у бир оз кечикиб уйга қайтди: йўлда андак тўхтаб автоматдан газсув ичмоқчи бўлди. Ёнини кавлаб уч тийинлик топди. Автоматга ташлаш олдидан бир лаҳза тўхтаб, чўзган қўлини дарҳол тортиб олди. Ахир бу ўз пули-ку! Зайнобиддин тангани чўнтагига солди-да, йўлида давом этди. Эртасига у баъзи ҳужжатларга имзо чекди. Шундан сўнг Эшонча билан Поччаевни чақиртириб, масала фақат курортдан қайтгунча уйини ремонт қилиб қўйиш эмас, ахир у бу йил ўғлини ҳам уйлантирмоқчи — фарзанд давлатники, бу тўйнинг жуда бўлмаганда олтмиш процент харажатини ҳукумат кўтариши кераклигини айтди.

Шанба куни — эртага курортга учиши керак бўлган куни Зайнобиддиннинг қовоғи салқиб, хомуш келди. Поччаев, Эшончалар югурганча унинг ёнига киришди. Даҳага кирган қуртдек бош кўтариб турган Зайнобиддин бир лаҳзалик сукутдан кейин юрагини очди.

— Яхшилар, бугун бир ғалатиноқ туш кўрибман. Келинингизга айтсам, оғзидан қўлансароқ гап чиқариб юборди. Ҳай, ҳай, бас! — дедим. Туш мана шунақа... Сизлар нима дейсизлар?

— Тушингиз ёмон эмас, — деди афлотун қараш қилиб Поччаев, — бундақа тушларни биз кўп кўрганмиз... (бу гап бошлиқни менсимагандай бўлдими, у дарҳол ўзини ўзи тузатди.) Йўқ, йўқ, мен янглишибман, бундай туш кўрганим йўқ, кўришим ҳам мумкин эмас. Бундай туш кўришни бизга ким қўйибди!

Зайнобиддин «балли, камтарсиз...» дегандек Поччаевга жилмайди.

— Бу тушнинг таъбирини биз айтайлик, — деди хўжа, — илгари худди шундай, йўқ, бундан пастроқ бир туш кўрган эдим — ўшанда хотин пошшо суратли йигирма беш сўмлик пул топиб олган эдим. Эркакларнинг туши ўнг келади, хўжайин, бир нима топасиз. Йигирма беш сўм деган гап, икки юз элик сўм, йўқ, йўқ, бу кам, икки минг беш юз сўм топасиз. Мени айтди дерсиз, албатта топасиз!

— Айтганларинг келсин, — деди Зайнобиддин, — дўстлар, менинг шунча йиллик хизматларим бор... Ўз қарамоғимиздаги биронта клуб ёки кутубхонага номим-

ни қўйиш ҳақида ўйламаётирсизлар. Сиз халқсиз, халқ бўлгандан кейин талаб қилсаларинг бўлмайдами! Қўзим тириклигида кўриб қолай... Хат ёзиб илтимос қилинглари! Менга пул керак эмас...

— Хўжайин, ўша хотин пошшо сурати солинган пулни инқилобдан олдин топиб олганман. Ҳозир эмас, кечиринг, тушунмабман...

— Менимча, — деди яна Зайнобиддин, — туш таъбирига келганда, ўртоқ Поччаев сўзининг иккинчи ярми анча объектив бўлди...

Шундай қилиб, якшанба кuni Зайнобиддин Сочига учди — аэропортда унинг «қатордаги норлари» фармонбардорликни ўрнига қўйиб, уни кузатишди. Кузатувчиларнинг ҳар бири бошлиққа «ўз садоқати»ни билдириш учун ҳар хил қилиқлар ҳам қилишарди.

Ҳадемай бир ой ҳам ўтди. Зайнобиддин гулдур-шалдур кириб келди. Уч кун уйда келди-кетди кутиб, тўртинчи кuni ишга чиқди. Бешинчи кuni йўлбарс панжа креслосида қўр тўкиб ўтирган Зайнобиддиннинг ёнига хипчадан келган икки киши киришди. Аввал пинагини бузмай, назар-писанд қилмай ўтирган Зайнобиддин, булар халқ контроли ходимлари эканини билгандан сўнг, мулоимлик билан илжайди. Кнопка босиб, секретарь қизга тезда чой дамлаб киришини айтди. Қўлидаги бир юмалоқ чойни меҳмонларга кўрсатиб, «мозор босиб келгани» — аъло чой эканини билдирарди.

— Давлат чойи бўлса керак? — деди ўтирганларнинг бири, — «сахий» одамларнинг садағаси кетсанг арзийди...

— Ҳа, балли, — деди ичидан қиринди ўтиб Зайнобиддин, — хизмат, азиз ўртоқлар? Бизга қандай юмуш бор?

— Илдизини кемираётган бузоқбошини оташкурак билан олиб ташлаш керак, бу ишда бизга ёрдам беринг, — деди халқ контроли ходимларидан бири.

— Бузоқбоши ёмон нарса, дарахтни қуритади, — деди аввал мулоим жилмайиб турган Зайнобиддин ранги бирдан қув ўчиб. Кейин у шолғом бурун Поччаев билан Эшончани чақиртириб, папкаларни, ҳужжатларни, актларни... бу одамларга кўрсатишни буюрди. Ўзи бўлса қандайдир бир оташкурак белидан маҳкам сиқиб тургандай, чой ҳам ичолмай бақрайиб ўтирарди...

1965 йил

ҚУРУМСОҚ

Хуш дор-ки дар назди вужуди инсон
Чун нохуну муст узви беҳис бисёр!...

Бедил

Қариллик ҳар хил бўларкан: биров хушфёъл, одамларга меҳрибон, дилкаш қайтади — ўзгаларнинг шодлигидан завқланади. Биров сассиқ қарийди — сўзидан ҳам, ўзидан ҳам чак-чак заҳар томиб туради. Бадриддин қори деган япасқи одам ҳам қариди: у, терган термулмас деб, зўр бериб пул йиғарди. Наинки пул, нимаики кўзга илинадиган бўлса, йиғаверади. Кўчадан ўта кета туриб бурчакда ётган консерва банкасини ҳам олиб, пачақланган ерларини текислаб, хужрасига териб қўярди. Мана, икки йилча бўлди. Бадриддин қори катта ўғлини уйлантирмоқчи бўлиб ташвишга тушиб қолди. Унинг кириш эшиклари лангиллаб очилиб, чиқим эшиклари тақатақ бекилиб, орқасидан тамбаланди. Ўз болаларига ҳам совуқ хўмрайиб: «Очофатлар, ҳамма нарсани еб қўйяпсанлар» деб ўшқиради. Бундан бир ҳафтача илгари ўз ҳовлисида ўтин ёрган қўшниси — бева хотинни ҳам иморатимни лат едирасан, деб роса қарғаб сўкканди. (Қорининг жаҳли чиқса дам хотинлардек қарғаб, дам эркаклардек сўкиб соларди...)

Бадриддин қори ўртанча ўғлини уйлантирмоқчи. Унинг бу режасидан хотини Рисолатхон ҳам хабардор;

¹ Эсингни бошингга йиғ, чунки бир назмдек инсон вужудида маст машшоқнинг темир нохунидек (тирноқ) ҳиссиз аъзолари ҳам кўп.

шу сабабли оилада ҳамма нарсани тежаш керак! Тўйнинг ўзи бўладими? Хотини ҳам эрининг гапини маҳкам тутиб, хуфтонга бориб, оби ёвгон бирон нима пиширарди. Ҳар куни эрта билан олтита майда бола икки буханка нонни бурдалаб, қуруқ чой билан ичиб олишар, кечгача гезариб юришарди. Сут, ширинлик, сариёғ деган нарсалар бу хонадонда анқонинг уруғи бўлиб қолди. Тўрт яшар Жамалаксоч деган қизалоқ кўчада ширинлик еб юрган болаларни кўриб қолса кетидан ялиниб «битта ялий» деб эргашиб юради. Кун бўйи остонада ўтириб, кутади. Оилада тўй учун тежашнинг гармсели ҳаммадан аввал мана шу қизалоқнинг палагини сарғайтирди. Кейинги кунларда унинг силласи қуриб остонада ҳам ўтирмай, дадасини кутолмай кўп вақт чўзилиб ётарди. Отаси Бадриддин қори қуруқдан-қуруқ шўппайиб кирганини кўргач, хўрсиниб қўя қоларди.

Қори бир куни тахмондаги тўшак орасидан тахлоғлиқ червонларни олиб санаётганида Жамалаксоч булар қандай чиройли қогозлар экан, деб маҳлиё бўлиб турди. Агар дадаси шулардан бирини берса, у ҳеч йўқотмай қўғирчоги уйга ясатиб қўярди ҳам...

Бадриддин қори катта ўғли, келини топиб келган пулларни ҳам туфлаб тахлайверди. Ишдан қайтиб келгач, бир дам ҳовлида бўлиб, кейин қоровулчиликка борарди. Ўзи нос сотиб олмас, умр бўйи тилаб чекиб келарди. Қариндош-уруғ, таниш-билишлари билан учрашганда: «Тўйнинг ўзи бўладими, чиқимим кўп» деб, ҳасратидан чанг чиқарди. Рисолатхон эрта билан болаларига чой ичиргач, салқин йўлакка шолча ташлаб, бош кўтармай дўппи тикар, ҳар ҳафта кўтарачиларга йнгирма дўпписини сотарди. У ҳам дўппидан топганини Бадриддин қорига тутқазарди. Хотини топган пулга танача сотиб олишди. Бадриддин қори бозордан ярим қоп писта олиб чиқиб, иккинчи синфда ўқийдиган ўғлига кўчада стакаллаб соттираётган эди. Сельмашда ишлайдиган қўшнисини чақиртириб, роса сўкди: «Уят эмасми болаларни олди-соттига ўргатиш! Э, тўй қилмай қуриб кетинг!» — деди. Бу гапни эшитган Бадриддин қори ингичка бўлиб уйга кириб кетди, йўл-йўлакай писиллаб қўшнисини қарғади.

Май ойининг охирларига бориб Бадриддин қори ҳовлисидаги икки туп гилос қип-қизариб пишди. Қорн

бу гилоснинг бир донасини ҳам болаларига едирмай, териб олиб, икки катта пақирни тўлдириб бозорга олиб кетди. Жамалаксоч қизалоқ гилос тагига келиб, ҳар куни тикиларди, стул қўйиб бир-иккита олиш у ёқда турсин, тагига қуришиб тушганларини ҳам олиб оғзига солгани отасидан қўрқарди. «Акасини уйлантиришади, шунинг учун шул тўплаш керак»лигини тўрт яшар қизалоқ ҳам биларди.

Июнь бошланиши билан эрта пишар оқ олма етилди. Бадриддин қори бу олмани ҳам битта қўймай териб олиб, сотиб чиқди. Жамалаксоч бўлса олмага қарайвериб, арапг пиширган эди. «Бу йил олмамиз яхши гуллади» деган гап ҳам қулоғида қолган, ҳатто баҳорда асаларилар олма гулига ёпишганда рашки келган эди — улар оқ олмани еб қўяётгандай бўлишган эди. Акасининг тўйи жуда керак нарса — шунинг учун ҳам дадаси битта қўймай териб олиб, сотиб чиқади. Тагига тушган бир қурушқоқ олмани қизалоқ анча вақтгача қўлида ўйнаб, эркалаб юриб, кушинг ўрталарига борганда билмай еб қўйди...

Саратон қириши билан Жамалаксочнинг силласи қуриб, чўзилиб қолди. Докторга кўрсатишган эди, ўпкасида касал бор деб, касалхонага йўллашди. Докторлар қизалоқнинг қони камайиб кетганини — витамин етишмаслиги бу дардга дучор қилганини айтишди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Бадриддин қорининг олти яшар ўғли ҳам шу касал билан оғриб қолгани маълум бўлди. Касалхонадан келган врач Бадриддин қори уйини кўрди, бу дарднинг қаердан чиқаётганига тушунолмади, таажжубланди. Кейинчалик билди ҳам. Рисолатхон кимгадир кўз ёш қилди. «Касалхонада ётган икки боласи бағрини ўртаётган» эмиш. Лекин шунга қарамай, Бадриддин қори шанба куни тўй деб маҳаллага хабар қилди. Кунини чойхонада ўтказадиган баъзи сўлақмон йиғитлар Бадриддин қориникига кириб сабзи тўғрашди. Қимизак олмаларни ҳам силкитиб, қоқиб ейишди — ароққа закуска қилишди. Қори бўлса, қўл қовуштириб, олинглар, олинглар, қоқиб енглар деб турарди. Танача ҳам сўйилиб ошга босилди, бир бўлаги қуданикига юборилди. Уч йил емай-ичмай тўплаган ҳамма нарса бир кунда талон бўлиб кетди...

Тўй ўтгач, Бадриддин қори касалхонага бориб, саргайиб ётган икки боласини кўрди; отаси қўлида бир

пачка печенье билан шишадаги сутга кўзи тушган Жамалаксоч қизалоғи хурсанд бўлиб кетганидан кулиб юборди, кўзларига ёш келди. Отасининг бўйнига осилиб, соқол-юзларидан ўпди...

Лекин қурумсоқ отаси — Бадриддин қорининг пасткаш шахс эканини мутлақо билмасди.

1965 йил, июнь

ЖИБИЛАЖИБОН

Бир вақтлар, замонанинг зайли билан Оқтепа қишлоғига келиб қолган Аҳрор Фузаилхонов шу ердаги тўлиқсиз ўрта мактабга хизматга кириб, кейинчалик секин-аста биринчи синф ўқитувчиси бўлиб олди. Улуғ Ватан уруши йиллари директорнинг фронтга кетгани сабабли, у мактаб директори бўлиб қолди. Ўзининг айтишича, у секин тирикчилигини ўтказиб юрганида, мактабга тил-адабиёт ўқитувчиси Саодатхоннинг келиши ошдан чиққан тошдек бўлибди. Дастлаб, икковларининг айтишиб олганларига сабабчи бўлган нарса, бундан бир ярим ой муқаддам бир варақ ариза тепасига қия қилиб ёзган хати бўлди. Аризани қўлга олган Саодатхон тўрт-беш сўз ичидаги «пахта» сўзи «фахта» ёзилганини кўриб, Фузаилхоновга бу сўз «ф» билан эмас, балки «п» билан ёзилишини айтди. Кўзининг ола-куласи чиқиб кетган Фузаилхонов бақариб, сўкиб юбормоқчи эди, бир лаҳзада ўзини қўлга олиб ранглари оқариб кетганига қарамай, мулойимлик билан:

— Янглишяпсиз! — деди.

— Ҳеч маҳалда «пахта» — «фахта» деб ёзилади-ми, ахир.

— Нега ёзилмасин?

— Ёзилмайди!

— Муаллимлик қилиб сочимиз оқарди. Бу мактабни мактаб қилгунча не-не машаққатлар чекмадик. Сиз бир имлони билсангиз, биз уч имлони биламиз. Чунончи: арабча, лотинча, ўрисча... Шунча йилдан бери қанча сўзларни ёзиб... Тавба, ахир, фахта ёзиб кулги бўл-

нинг тошиб, бу гапни мактаб завхози тарқатди. Лекин шунча ўзини «кафтида кирди» деса ҳам, одамларнинг унга — тухматчига ҳақдорашлари уни бир ҳафта уйда «касал» бўлишга мажбур қилди. Биринчи «В» синф болалари Фузанлхонов, дам Саодатхон кириверишидан гапни дўмбира қилишга бошлади. Кўп болалар унга келмай қўйди.

Андан сўнгра бир кун Фузанлхонов Мирсаалим деган болани бурнига келтириб, қилиб-қорғани мактаб директори Сайфиддиновнинг у билан кабинетда жингликни чиқиб гап-гапига сабабни бўлди.

Ахир, бу қандай гап! — деди Сайфиддинов газаб билан Фузанлхоновга қараб. — Бирининг бурнига черт-черт билан бирининг қўлига анқейма билан урсангиз, бири-бирининг кулагидан тортсангиз... Мана, ота-оналаридан гап тушди (у иккита-учта аризани ўқиб берди). Ўртоқ Фузанлхонов, ахир сиз совет педагогисиз ёки қадим-қадим омламисиз?!

Ҳой! Оғзингизга қараб гапиринг! — деди Аҳрор Фузанлхонов бўйинини қўзиб.

— Нима дейиш керак, ўртоқ Фузанлхонов? Болани андан беш сўмдан пул йиғиб олишни нима деб аташ керак?

— Пул? Қанақа пул? Қачон?!

— Олтинчи декабрда — бир, йигирманчи январда — саккизинчи февралда — бир...

— Ҳали сен менинг изимга тушиб, шунчаки ишларни қилиб юрибсанми, аблаҳ! Вой-до-од, — деди-да, ўзини қўлига кўтариб урди. Девор қулагандек гурсиллаб кетди. Фузанлхонов чалқанча, сёқларини кериб ётди-да, эридан зумдан сўнг хириллаб, оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади. Қапалаги учиб кетган Сайфиддинов югурганча коридорга чиқиб, ёрдамга чақира бошлади. Дам билмай, кабинетга Саодатхон кирди. Саодатхон ердан чалқанча ётган Фузанлхоновга сув ичирмоқчи бўлган эди, у гудуллаб бошлади: «Саф-динов кўкрагимга урди... Оҳ, ўламан...»

Саодатхоннинг ҳам ранги ўчиб, Сайфиддиновга қаради:

— Нима қилдингиз? Бу нимаси?

— Мен фақат икки оғиз гап сўрадим. Тавба... Менингни гапимга ишонмайсизми?

дикми... фахта юмшоқ нарса
«и-пахта» ёзадими?! Бу қап
катташи каттадек, кичикни ки
Ҳаммангиз аллома бўлиб кети

— Кечирасиз,— деди Саода
«пахта» «ф» билан эмас «п» би.
яшар бола ҳам билади.

Шу гапни айтди-ю, дик этиб
қарига чиқиб кетди...

Булар ҳолва экан. Орадан кў.
фи томонидан мактабга Сайфидд
ректор қилиб тайинланди. Фуза
озод этилиб, биринчи «Б» синфига
ди. У бир ойча пишқириб, район
устидан ҳамма ёққа арз қилмоқч.
ҳам... Лекин натижа чиқмади. Икк
алдаб, мактабга келмади. У келмас
тин бўлиб кетадигандай кўршиди. Ун
лажибон афсонасини эслатарди:

Жибблажибон ерга қўнғач, оёқла
сиб-босиб кўрармиш. Ер маҳкам, қўн
ганлигини билғач, бамайлихотир чиви
кечқурун ухлаганида, икки оёғини с
ётармиш. Мабодо осмон қулаб тушгуда
лари билан тутиб қолармиш. Попишак
жибблажибон бир ўзини ўйлаб эмас, ж
ни ўйлаб, касал ҳолига қарамай ҳам
осмонга кўтариб, осмоннинг босиб қол
сақлаб турармиш. Попишак жибблажибон
ни Прометейга таққослабди. Лекин минг-
лардан буён тушиб кетмаган осмон яна т
тураверибди...

Мактаб илгаригидан ҳам яхши ишл.
кўрган Фузаилхонов «мактабнинг устун»
пайқаб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Уйда
нигичка бўлиб яна мактабга келди. Од
қош-қовоғи, руҳиясини диққат билан куза
биринчи «Б» да иш бошлади. Тўғрироғи, иш эм
га кириб-чиқиб юрди-ю, кўпроқ янги дирек
фиддиновни майна қилиб, сасиб-бижғиб юрди.
бўлмади. Қаёқдандир кавлаштириб, бир вақтла
фиддинов фалопчи қизнинг номусига тажовуз
деган гапни топди. Бу тўғри чиқмади. Фуза

Сайфиддинов югурганича яна ташқарига чиқиб кетди. Бир дамдан сўнг кабинет ичи одамларга тўлди. Ҳар ким ҳар хил гапира бошлади. Шу пайт коридорда кекса, хизмат кўрсатган ўқитувчи Шокир Каримов пайдо бўлиб қолди. У тўполон устига келиб «Нима гап ўзи?!» дегандай, Саодатхонга қаради. Саодатхон Каримовнинг қулоғига нималарнидир шивирлади. Рангги оқариб кетган Сайфиддинов қўлини кўксига қўйиб таажжубланди.

— Қани, ҳаммангиз кабинетдан чиқиб кетинглар,— деди Каримов масалага тушунгач.— Қуш тилини қуш биллади, дейдилар.

Одамлар чиқиб кетгач, Каримов Фузаилхоновга қаради:

— Ҳой, халфа, туринг ўрнингиздан! Уят бўлади! Уят-э!

Фузаилхонов ўзни кўрмаганликка солиб, оғзидан яна кўпик чиқариб, ишгайверди.

— Мени танияпсизми? Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши! Туринг дейман! Ҳамма чиқиб кетди.

Фузаилхонов кўзини секин очиб:

— «Кўкрагимга урди...» — деб йнгламсиради.

— Э, қўйинг-э! Бу гапни келиб-келиб менга айта-сизми! Ёшларнинг эсини чиқариб юборибсиз!

— Урди... худо ҳақи урди...

— Ёлгон! Мен сизни билмайманми? Тавба! Ҳар икки йилда бир шунақа гиш-ғиш чиқариб турасиз. Сайфиддинов янги-да, сизнинг бунақа қилиғингизни билмайди.

— Одамни эзиб ташлади! Ифво қилди.

— Сайфиддинов яхши йигит. Агар унга туҳмат қилсангиз, мен ҳам сиздан кечвораман, халфа! Қани туринг, этагингизни қоқинг. Тезроқ мактабдан чиқиб кетмасак, болалар ичида ҳам гап-сўз бўламиз. Бунинг устига, тез ёрдам машинаси чақаришибди. Га-ат, деб келиб қолса, сизни касалхонага олиб кетади. Тура қолинг тезроқ.

Фузаилхонов ўрнидан турди. Каримов халфани олдига солиб, ташқарига чиқиб кетишаётганида, эшитилар-эшитилмас: «Ҳа, букрини тобут тўғрилар экан-да...» деди. Бу гапни сезгир Саодатхон дарҳол пайқаб, илиб олди-да, бўзрайиб турган Сайфиддиновга қараб, кўз қисиб қўйди.

Бу ҳангома ўтиб кетгач, бир куни Каримов Сайфиддиновни ўз ёнига чақирди:

— Ука,— деди Каримов,— сиз айтган тарбияга оид гаплар дарҳақиқат жиддий масала. Кабинетда эмас, педсоветга қўйинг, кўпчилик ичида гаплашайлик. Бу тўғри бўлади. Энди яна бир гапни сизга айтсам, маккорлик, қувлик — таги бўш кишиларнинг иши. Халфанинг қилигидан ранжимай, ўз ишингизни билиб қилаверинг. У ўқитувчи эмас, «куф-суф» қиладиган домла! Кетгани яхши бўлди.

1957 йил

Узоқ қишлоқларимиздан бирида Уста Хушвақт деган чуваккина одам яшайди. Бу одам колхоз мироби. Шу билан бирга у анча таъби нозик киши, дутории яхши чалади. Навоидан ҳам унча-мунча ўқийди. Ойбекнинг бир романини ўқиди-ю, шундоғ ажойиб китоб ёзадиган адабиётчиларга камолу эҳтироми яна ортиб кетди.

Кейинги пайтларда у газета-журналлардан, радиодан бир қурум шоирларни, айниқса Жарангий деган шоирнинг номини тез-тез эшитиб юрарди. Баъзида унинг газета саҳифасида босилган шеърини ҳам кўриб дарҳол ўқиб чиқарди. Шеърнинг баъзи мисраларига тушунар, баъзи мисраларига тушунмай таажжубланарди. Барибир нафис адабиётга бўлган чексиз эҳтироми баъзи пасту баландликлардан юқори турарди, «гуручнинг ёнида курмак ҳам сув ичади», деб қўя қоларди. Лекин шу Жарангий деган шоирни «Шариллаб оқмоқда жўякларда сув...» деганини ўқиб туриб, ўйлаб қолди. Агар шариллаб оқса, пахтанинг илдизини очиб кетмайдими? Яна ундан кейин «фалакка бўй чўзиб ўсмақда пахта», деганини ҳам ўқиди. Демак говлаб кетибди, деди. Ундан кейин «Қўлларда ўйнасин пўлат кетмонлар...» дебди.

— Оббо, худо урди!— деди Уста Хушвақт,— кетмон пўлатдан бўлмайдими-ку? Машина қўл келиб, кетмон чеккага чиқаётган бир пайтда бу шоирнинг чулдираб, бундоғ деётгани унинг бошини қотирди. Яна бунинг орасида «Тонг чоғи далага чиқаман, ҳамда азамат дўст-

ларга дейман — ҳорманглар» деб ёзибди. Уста Хушвақт бу гапга ишонмади. Лекин, ҳар қолда газета-журналларда бу Жарангийнинг ёзган шеърлари тез-тез чиқиб турганидан уни анча номдор деб ўйлади. Агар бир сабаби бўлмаса, катта газеталар унинг шеърларини тез-тез босиб турармиди?

Уста Хушвақтнинг адабиётга нисбатан чексиз камолу эҳтироми бу Жарангийнинг пойма-пой гапларини ҳам кўзига яхши кўрсатиб юборди. У баъзан ҳазиллашиб, «мана шоирлар шоирининг шеъри босилиб чиқибди, ўқияпман» деб қўярди. Унинг юрагида мана шу шоирнинг ўз даласига олиб келиб, бу ерларни обдан яхшилаб кўрсатиш нияти ҳам йўқ эмас эди.

Пахтакорлар кенгаши муносабати билан Уста Хушвақт Тошкентга келди. У кўркем театр биносида, кенгашда ўтирганида хаёли «бу шаҳарда яшаб турган шоирлар шоири Жарангий»да бўлди. Ошналари билан шаҳарни томоша қилиб юрганида ҳам хаёли ўша Жарангийда бўлди. Бир осмон остида шоир билан бирга нафас олиб турганига ҳам қувонди. Яхши шеър, ғазал ўқиса, ўша ёзувчиларга ҳурмати ошарди. У қулай бир муддатни топиб, Жарангий хизмат қилаётган жойни излаб бориб, унинг қабулхонасига кирди. Телефон ёнида ўтирган хушбичим қиз, шоир Жарангий банд эканликларини, ёнларидаги одамлар чиққач, нариги уйдаги мажлисга киришларини айтиб қўйди. «Майли кутаман, қизим,— деди Уста Хушвақт,— мен шоиримиз Жарангийни бир кўриш учун олисдан келганман.»

Уста Хушвақт Жарангийнинг қўли бўшашини уч соатча кутди. Тўртинчи соатга ўтганида Жарангий ўз қабулхонасидан чиқиб, эшикда кутиб ўтирган, оёғига ағдарма этик, бошига дўппи кийган мўйловдор Уста Хушвақтга андек илжайиб, икки қарғани бир ўқ билан урди; телефон ёнидаги қиз билан Уста Хушвақтга эшиттириб: «чақириб қолшди, нариги идорага чиқиб кетяпман»,— деди-да, шув этиб ўтиб кетди. Шу лаҳзадаёқ кўчадан автомашина мотори гуруллагани эшитилди...

Уста Хушвақт яна атай эртасига шу маҳалда келиб, икки соат кутиб «шоирлар шоир»ини кўролмади. Ноумид бўлиб чиқиб кетаётганида басавлат Жарангий рўпарадан келиб қолди.

— Ассалому алайкум!— деди Уста Хушвақт.

— Салом, хўш? — деди Жарангий «нима гапингиз бор?» ишорасини қилиб.

— Мен Уста Хушвақт отангизман. Миробман. Ёзган шеърларингизни ўқиб тураман. Шоирларимизга тасанно! Сизга ҳам раҳмат!.. Мен сизни ўз колхозимизга таклиф қилгани келдим. Юринг, олиб кетаман.

— Адабий кеча қилмоқчимисизлар?

— Мумкин... Лекин мен сизни шуңдоқ таклиф қил-
япман.

— Вақт йўқ, кечирасиз...— деди Жарангий истаристама қўл узатиб. Кейин қўлиши рўмолчаси билан артиб ташлади-да, физиллаб жўнаб қолди. Ҳангу манг бўлиб қолган Уста Хушвақт пафаси бўғилиб, ташқарига чиқди.

Кўчада хомуш кета туриб, Жарангий «шоирлар шоири эмас, идоралар шоири экан...» деди-ю, икхлоси қайтди.

Вақт ўтди... Газетада Жарангийнинг шеър-перига кўзи тушганида, негадир улар жонсиё ясама гулга ўхшарди. Яна бунинг устига улардан саримсоқнинг ҳиди келгандай бўларди ҳам. Негаки, ўша кун Жарангий коридордан ўтиб кетаётганда ундан саримсоқ билан моғор ҳиди анқигандай бўлган эди. Кейинчалик Уста Хушвақт димогига моғор ҳиди урилса, у беихтиёр Жарангийни, яъни «шоирлар шоирини эмас, идоралар шоири»ни эсига туширарди. Жарангийдан моғор ва саримсоқ ҳиди эсдалик бўлиб қолди.

1960 йил

Хусниддин шаҳримиздаги бошқармалардан бирида хизмат қилади. Бошқарманинг у хизмат қилаётган бўлимида асосан газ қувурлари ўрнатиш проекти тайёрланади. У гайрат билан берилиб ишларди — бошқарманинг бошлиги ҳам ўз дўсти Пўлат бўлгани ва унинг устига дўстининг «бирга ўқидик, бирга ишлайлик», деб қучоқ очгани беҳад қувонтирди. У иштиёқ билан югуриб-елиб ишларди. Баъзан ўйлаб, ўзининг бу хизматга жалб этилишида дўстининг аралашуви ҳам борлигини пайқагандек бўларди. У энди «Пўлат» эмас — Пўлат Азимович. Баъзида дўстининг фазилатлари ҳақида одамларга гапирарди ҳам. Бу дўстлик унинг назаарида гоят азалийдек, уни тўп билан уриб ҳам бузиб бўлмасдек кўринарди...

У одатдагидек бугун ҳам троллейбусдан тушгач, асфальт йўлкада кўп одамлар қатори шахдам қадам ташлаб, қўллари устига даҳанини қўйиб доимо ухлаб ётадиган икки тош арслон ўртасидаги зинапоялардан кўтарилиб, бошқарма эшигига яқинлашганида, орқасида тўхтаган енгил машинанинг эшиги қарсса ёпилди. Машинадан чақнаб Қандолатхон чиқиб келди. Ҳусниддин тўхтаб туриб, марварид сиргаларини серкиллатиб келаётган Қандолатхон билан омонлашди.

— Яхши дам олдингизми, Ҳусниддин Қамолович? — Қандолатхон тезда олдинга ўтиб, назокат билан қайрилиб қаради, — кеча тиним куни биз оилавий суратда кўлга овга чиқдик. Поччангиз анча каклик отдилар...

— Кўлда каклик бўлар эканми? Тағин бировнинг товуғини отиб келган бўлманглар?

— Вей, топдингиз... Яхшиям жайрон отдик демаганим. Қаёқдан блласиз-а? — У шох ташлаб кулди.

Мудир ва машинистка коридордан бориб, ўз хоналарига кириб кетишди. Қандолатхон машинкаси ёнида ўтириб пардоз бошлаб юборди: лабига қизил суртди, ойна рўпарасида товланиб сочларини ҳўппайтирди... Ўз назарида у бошқармада хизмат қилаётган аёлларнинг энг гўзали, балки бошқарманинг гулдор, нақшин пештоқи ҳам ўзи эди. Одамлар ҳаммадан аввал унга қарардилар.

Қандолатхон ихчамгина, қора қош жувон. У хотин-қизлардан кўра ҳам эркаклар тўдасида гапга аралашини, йнгитларча буйруқ беришни яхши кўради. Биров папирос чекса ёнида туриб, тутун ҳидлашни бундан ҳам кўпроқ яхши кўради. Эрига хизмат қилиши керак бўлган енгил машина ҳар кунни эрта билан биринчи навбатда Қандолатхонни «хизмат»ига олиб келиб, кейин эрини олиб борарди.

Куннинг ўрталарига бориб Ҳусниддин кабинетига Пўлат кириб келди. Ҳусниддин дарҳол ўрнидан туриб, бошлиқ билан қўл олишиб саломлашди. Икки дўст узоқ вақт бир-бирини кўришмагандек жуда қуюқ омонлашишди. Қандолатхон уларга маҳлиё, кузатиб турарди. Пўлатнинг камтарлиги, баъзида ходимлар ёнига бориши, бетоб ходимларнинг уйларига бориб кўнгил сўраши ҳаммада яхши таассурот қолдирарди. Унинг узоқ вақт масъул вазифада туриши, одамлар унинг ёшлигига ҳам қарамай ҳурмат қилишининг сири ҳам шунда эканини Ҳусниддин пайқади. Баъзи ишларда ундан ўрнак ола бошлади. Икки дўст иш ҳақида гаплашиб олишгач, яна хайрлашишди.

Кунлар, ҳафталар мана шундай тотувликда ўтиб турди. Иттифоқо, бошқармада иш авж олиб кетган кунларда Қандолатхон ҳафталаб ишга келмади. Баъзиларнинг айтишича, даладаги бир уруғиникида тўйда бўлибди. Илгари ҳам оянинг ўн беш кун ишга чиқса, ўн беш кун чиқмас экан. Уни суриштирадиган одам ҳам йўқ, бошқармага келган одамлар кутиб-кутиб кетаверишаркан. Хизматга келмасликнинг тез-тез такрорланиши Ҳусниддинни ўйлатиб қўйди.

Бўлим мудирларининг тез-тез ўзгариб туриши сабабли у бунда «малика» бўлиб, ҳеч кимга ҳисоб бермасди. Эри устидан «хукмронлиги»ни Ҳусниддинга ҳам

кўрсатмоқчи бўлди. Лекин Ҳусниддинга бу қилиқ си-
гишмай, аввал бир неча кун таъби тирриқ юрди.

— Синглим, нечук ишга келмадингиз?

— Лаббай?— Қандолатхон Ҳусниддиннинг авзойи
бузуқлигини сезиб, ишва-нозлари сўниб, рангининг қони
қочди.— Қасал эдим...

— Ёлғон гапни қўйинг... Сиз бу ерда ишлайсизми
ёки зерикмаслик учун ҳушингизга келганда келасизми?
Мен бунга йўл қўёлмайман. Яна такрорланса, ишдан
бўшатаман...

— Сиз ғалати одам экансиз-ку!— у оқариб кетди.
Ҳалигача ҳеч ким унинг юзига тик қараб, бундай дема-
ганлиги сезилди.— Овора бўласиз!

— Иш талаб қиламан. Ишламасангиз бунда савлат
тўкиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!

— Ишламайман! — Бу чоғ у бунда йўқ бир одамга
ишора қилиб «хонзодахон»дек қошларини чимириб,
«Фалончи буни ур!» дегандек бўларди. Лекин афсуски
у одам йўқ. Қандолатхон муштумини қисди.

— Сиз кеча келиб, менга хўжайинлик қилишга ҳақ-
қингиз йўқ! — У дик ўрнидан туриб, ҳўнгиллаб йиғла-
ганча ташқарига чиқиб кетди. Кабинет эшиги қарсиллаб
ёпилди. Ташқарида йиғлаб-жовуллаб кимгадир га-
пирарди. Ҳусниддинни ора-чора қарғаб қўярди. Ҳуснид-
дин шу куни бу қисқа даҳанаки жангдан таъби тирриқ
уйга қайтди. Иштаҳаси бўғилиб, овқат ҳам емади. Қан-
долатхонга иптизомни тушунтира олмаганини пайқади.

Бу воқеадан икки кун ўтгач, эрта билан Ҳусниддин
ички телефонда юқори қаватга чақирилди. Ҳусниддин
югурганича уч зинанн бир ҳатлаб юқорига — Пўлат
қабулхонасига кириб, кабинет эшигини очмоқчи бўлган
эди, секретарь уни тўхтатди.

— Бир оз кутиб турасиз...

Ҳусниддин диванга ўтирди. Ун минутдан сўнг у қа-
булхона секретарига мурожаат этди:

— Мен киришим керак, у киши чақирганлар.

— Биламан, ўтира туринг, бандлар!

Ҳусниддин стол устидаги эски газетани ўқишга ту-
туяди. У бу газетани ўтган куни деярли ҳаммасини ўқи-
ган эди. На чора.

Қирқ минутчадан кейин у ичкарига кирди. Пўлат у
билан жуда совуқ саломлашди — энсаси қотиб қўли-
нинг учини берди. Ҳусниддин ҳайрон, нима дейишини

билмай бўғилди. «Очиқроқ гапир, нима гап ўзи» демоқчи ҳам бўлди-ю, аммо бу сўзни тилга чиқармади. Бир дамдан сўнг Пўлат томдан тараша тушгандек: «Энди тахт талашамнзми?» деди.

— Гапингга тушунмаётирман?

— Тушуниб турибсан!

Ҳангу манг бўлиб қолган Ҳусниддин бундан бошқа гап бўлмагач, бир лаҳзалик сукутдан кейин ранги оқарганича кабинетдан чиқди. Унинг кўз олдига марварид сирғасини серкиллатиб Қандолатхон келди. «Бу — феълан кучсизлик самараси» деди ўзига-ўзи. «Бирон ғийбатчи макр ўйлар экан, оға-инидан аъло икки дўст ўртасига ҳам совуқлик тушириши мумкин», деган гап халёлидан ўтди. Ҳусниддин йўлидаги қандайдир бир чўғиртак — қоziқни кўрмай, унга қоқилиб тушгандай бўлди. Лекин кейинчалик иш билан дўстлар бир-бирини топди. Макр эса, тутундек бир кўзни ачиштирди-ю, орадан кўтарилиб ғойиб бўлди.

1962 йил

«Сепли қизим бўлгунча, эпли қизим бўл!»
Қампирнинг бу гапи Тожихонга ёқиб тушди. У далага бора-боргунча ўйлаб кетди. Киши меҳнат қилмаса, ғийбат қилади. Мақсадсиз киши — жиловсиз сувори, от қаёққа олиб кетса, шу ёққа кетаверади... Лекин анави йигит жуда ёмон қарар экан-а кишига, деди у Машрабжонга ишора қилиб.

Тожихон бирдан шох ташлаб қаҳ-қаҳ урди:

— Бувижон, кўз эркакларга гўзалликни кўриш учун, хотин-қизларга гўзалликни таманно қилиш учун берилган.

Тожихон катта карта четидан узоқ-узоқларга назар ташлади: бугун ҳам у ҳаммадан аввал келибди. Кўп ўтмай, бошқа жувонлар ҳам етиб келиб, теримга тушиб кетди. Пахтазорда қўшиқ янгради. Қўшиқни Тожихон айтарди...

Бу йил оби ҳаво унча қулай бўлмаганига қарамай гўзага яхши ишлов бериб, мўл ҳосил етиштиришди. Ҳа, югурган эмас, тайёрланган узоққа боради!

Чошгоҳдан кейин пахтазорга велосипедини зингиллатиб Машрабжон келиб қолди. У каттакон тарвузни ариқ бўйига қўйиб, картани чўрт кесиб, тўппа-тўғри Тожихон томон юрди.

— Келинг, Машрабжон ака, одамни уялтириб, тўппа-тўғри келасиз-а! Дугоналаримга салом ҳам демай-сиз...

— Уларни қўяверинг, жонидан!

— Нима, нима?

— Сомону хашакнинг бозори бор, лола-ю, гулнинг харидори бор...

— Бачкана бўлманг!

— Тарвуз олиб келиб қўйдим, юрагингиз куяётгандир.

— Раҳмат.

— Кечқурун шаҳарга тушиб чиқайлик. Театрга... Уйда тайёрланиб турсангиз машинада келиб, олиб кетаман.

Тожихон қўлларини чапоқдан олиб, қаддини ростлади. У Машрабжонга қараб таббассум қилди. Хўп дегандек бош қимирлатди.

Шу куни кечқурун у энг яхши атлас кўйлагини кийиб ясаниб Машрабжон билан бирга шаҳарга тушиб кетди. Дарахт япроғи билан, одам меҳнату ақли билан чиройли. У ишни дўндираётгани учун ҳам жуда чиройли бўлиб кетган эди, машинада ҳам бир жаҳон бўлиб ўтирар, бу ўзига жуда ярашарди. Улар шу куни шаҳардан хурсанд қайтишди.

— Гапларимга илгари ишонмас эдингиз, ҳозир ишопасиз,— деди Машрабжон. Тожихон машинада секин елкаси билан Машрабжонга суюнди:

— Қаттиқ ишониш учун ишни ишонмасликдан бошлаш керак...

Тожихонни, ҳар қанча шаддотлигига қарамай, Машрабжон ёнида қизларга хос иффат чулғаб оларди. Лекин анча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, унинг кўз очиб кўргани — Қўчқорбой юрагининг бир томонида доимо тирик яшарди...

Ҳа, Тожихон ҳам бошқаларга ўхшаб, бўйи етгач, катта тантана билан шу қишлоқлик Қўчқорбой деган йигитга теккан эди. Уруш бошланиб, ўша йили у тез орада жўнаб кетди. Бир йил деганда қора хат келиб Тожихоннинг қалби тилка-пора бўлди. У аввал хона эшигини бекитиб олиб, ёлғиз ўзи ўкириб-ўкириб йиғлаган бўлса ҳам, кейин аламини ичига ютиб, ўзини иш билан овутди. Шу йиллар у колхозда бир ўзи уч кишининг ишини қилди деса ҳам бўлади.

Йиллар кетидан йиллар ўтаверди. Тожихон колхозда ҳам йигит, ҳам қиз бўлиб ишлади. Шу йиллари бир неча ердан унга оғиз солишган эди, у асло унамади. «Мен шундоқ ўтаман...» Лекин кейинчалик у Машрабжон билан яқинлашди. Бу хушфёъл, чаққон йигитнинг юзи

Қўчқорбойга ўхшаб кетаркан. Шуми ёки бошқа бирор сабабми, ишқилиб, кейинги пайтларда улар жуда яқинлашиб қолишди.

Эртасига Машрабжон яна тушга яқин карта четнда пайдо бўлди, нималарнидир чулдираб — оғзидан шакар тўкилди, ҳамма билан бир-бир сўрашди. Тожихонга алоҳида салом бўлди. Гапининг ичида «яшанглар, иш мана бундоқ бўлса, раис қувонади. Раиссимизнинг кўнглини кўтарайлик...» деди.

— Тўхтаган,— деди Тожихон қаддини ростлаб,— биз раисни қувонтириш учун эмас, юрт учун ишляяпмиз?

— Ҳа, албатта, ҳа...— деганича қолди Машрабжон.

Жувонлар аввал маслаҳатлашиб қўйгандек бошларини ғоз тутиб, кейин теримга тушиб кетишди.

Шу ҳафта ичи эрта билан звено ерида бурама мўйловли раис, шаҳардан келган вакил, Машрабжон ва бошқалар пайдо бўлишди. Нутқ сўзлаганида ҳар бир сўзининг охирига «нинг» қўшиб, айниқса бу «нинг»ни қаттиқ гапирадиган раис сербар камарига бармоқларини тиқиб: «Баракалло!» деди.

— Бу Тожихоннинг звеноси,— деди раис вакилга,— буларнинг бошидаги қизил дуррага қаранг. Улар юз килограммдан пастга тушмайдилар. Юздан пастга тушадиган қизил дурра ўрамайди.

Раис чўнтагидан «Беломор»ни олиб, бир дона папиросни лабига қўндирди. У ён-верини қавлаб гугуртини тополмагач, ялт этиб Машрабжонга қаради: «Гугуртни олиб келинг!» Машрабжон одатдагидек «хўп бўлади, акалари» деб зинғиллаганича идора томон жўнади. Бир нафасдан сўнг у тилини осилтириб гугурт олиб келди: «Шунча кишида битта гугурт бўлмаганини қаранг-а», деди вакил папиросини истиҳола билан тутата туриб, Орадан яна бир неча гап ўтгач, раис шимининг чўнтагига қўл тиқди.

— Йя,— деди у ҳайратланиб, кейин Машрабжонга қайрилиб қаради,— рўмолча машинада қолибди, олиб келинг!

— Хўп бўлади, акалари,— деди-ю, яна зинғиллади.

Рўмолча ҳам келди, раис бақбақасини артди, суҳбат тугаб улар жўнашди.

Эртасига таъби тирриқ Тожихон Машрабжонни чақиртирди. Кечаги «картина — ўйин» унинг назарида бир кичик дарча бўлди. Бу дарчадан Тожихон «чаққон йи-

гит»нинг кўп йиллардан буён қилиб юрган ишларини кўрди. Бу силлиқ йигитнинг қалби шўралаганини пайқаб жуда ачинди. Сиртидаги жилва ўзини чалғитиб юрганига ҳам куйинди.

Тожихон билан Машрабжон одамлардан четда, шийпон ёнида бир-бирига тўғри келди. Машрабжон эндигина кимгадир телефон қилиб, ичкаридан чиқиб келар ёди.

— Қачонгача бу югурдаклик давом этади?

— Лаббай?!

— Нега ишламайсиз? Қачонгача югурдаклик давом этади деяпман?!

— Тожихон, акаси, шаштпнгдан туш! Сен мени хафа қилмоқчисан, пайқадим... Лекин мен хафа бўлмайман. Бу замонда уста бўлиш керак. Амали бўлгандан кейин эчкини тоғам деркансан-да.

— Бу енгидан кириб, бу енгидан чиқаман денг?

— Ҳа, балли. Уста бўлиш қорак. Ке, қўй бу гапларни, ўзим ойнониб кетай сендан...

— Бекор айтибсан! — у бирдан оқариб сансиради.

— Ла-бай?

— Бекор айтибсан! Югурдаклик — пасткашлик билан шаҳар олмоқчимисан? Кетмайди! Югурдакликнингга иш куни оляпсан, биламиз. Найранг билан ишни қотириб кетаман десанг, овора бўласан! Жўна! Телефонни ҳам чакагингга тута бериб ҳаром қилма, у керак асбоб! Йўқол!

— Хўп, хўп, кетайми, шу ердан йўқолайми...

— Даламдан йўқол!

Тожихоннинг аъзойи бадани титраб кетганди. Унинг даҳшатли важоҳатини кўрган Машрабжон бу ердан ингичка бўлиб жўнаб қолди.

Бу воқеа бир кундаёқ бутун колхозга тарқалди. Кимгадир Тожихон: «Инсоний гурурини йўқотган бу югурдакни яхши билмас эканман... У Қўчқорбойнинг тирноғига ҳам арзимаиди...» дебди. Бу гапни эшитган раис ҳам аввал ўйланқариб, мўйловини чайнади, кейин хирллаб кулди, хоҳламаса ҳам суйкалиб бирга курортга боргани эсига тушиб кетди.

1962 йил

Кўпларни дилгир қилиб юрган Тўхлиев анчадан бери касал ётарди. У ётган ерида ўлимга чап бериш учун не-не ишларни ҳам қилмади дейсиз. Лекин фойда бермади — шанба куни иттифоқо унинг жони узилди. Эвоооҳ!!! Тўхлиев бу ноғиҳоний ўлимидан ғоятда диққат ва ҳайрон... Энди, бу ёғи қандоқ бўлди?! Унинг руҳи тилла пашшага айланиб, гинғиллаб, жасади оғзидан учиб чиқди-да, хона ичида уч айланди. Кейин мурданинг бурнига қўнди. Бир дамдан сўнг яна учиб таҳмонга кирди — бунда, сандиқ остига хумча кўмилган. Наҳотки шунча давлат қолиб кетса!

Мурда тун бўйи ётди. Эрта билан чиқарилишдан аввал гассол икки юмалоқ кир совун билан роса ишқалаб ювди, лаҳадга қўйишда Тўхлиевнинг жони — тилла пашша ҳам гинг-г-г... этиб ичкарига кириб кетди.

Шу куни ўтиб, эртасига ер остида елкасига уч ботмонлик чўян гурзи, қўлида бужғун сўйил ушлаган барзанги Мункарнакир пайдо бўлди. Тўхлиев дағ-дағ титраб ётган жойидан турди.

— Қани, савол-жавобни бошлайлик! — деди Мункарнакир ғилай кўзларини олайтириб.

— Лаббай? — деди мулойимлик билан Тўхлиев. У эски одатича қўлини чўнтагига тиқиб, Мункарнакирни бир четга тортди.— Арзимаган нарса... Секин олсалар. Ўзларига астойдил, умид билан атаган эдим...

— Биз пора олмаймиз!

— Бу пора эмас,— деди Тўхлиев жилпанглаб,— тухфа, келинпошшага мендан совға. Қўлим қайтмасин, азизим...

У ўлмасдан илгари мабодо атрофида икки киши гаплашаётганини кўрса, ўзи тўғрисида уларнинг: «ана, энг яхши одам — Тўхлиев келяпти», деб шивирлашларини сезишга уриниб, ерга қараб ўтиб кетарди. Бу билан у «ғарибни эсланглар...» дегандек, бошини яна ҳам ерга эгиб, йўлка четидан думини қисиб ўтарди. Етти бўғинлик думида захри олуда йўқлигини билдирмоқчи бўларди. Зўр-зўрни кўрганда думини қисар — у эски одатича Мункарнакир ёнида ҳам ғарибона турарди.

— Тўх-ли-еп, қани, савол-жавобга ўтайлик! Тулкилик қилманг!

— Хўп, хўп,— деди қўл қовуштириб Тўхлиев,— сиздек яхши фаришталарнинг садағаси кетсанг арзийди. Номингизни кўп эшитганман. Ўлмасимдан илгари ҳам сизга эътиқодим жуда баланд эди. Бошқалар Мункарнакир ундоғ, Мункарнакир бундоғ деб сизнинг муҳтарам номингизни чалпишганда ҳам, мен ҳеч қаерга ёзмаганман, ҳамма вақт сизни мақтаганман.

— Гуноҳингни айт дейман? Бўлмаса гурзи билан бошингга тушираман, тарик бўлиб сочилиб кетасан!

— Гуноҳим йўқ, бекордан-бекорга ўлганимга ҳайронман!

— Ҳа-ҳа! Маҳаллангга сен туҳмат қилмаган одам қолмади. Ҳатто уйнинг орқасида ўтин ёрган бева хотинга «уйимни лат едирасан», деб ўшқириб, кейин устидан бир қулоч ариза ёздинг... Газмолни чўзиб, метридан ураётганинг-чи! Акт тузилганида пора бериб яна қўлга тушганинг-чи? Каттароғларини кейин гапирман...

— Бу бир бўлган, энди қилмайман. Тавба қилдим.

— Йиғитлигингда мошга тош, шиша сиинги қўшиб сотардинг! Кейин боғча болаларига бериладиган ширинликларни ўпириб единг! Умрингда биронта одамни яхши демагансан. Ҳамма яхши нарсаларга ҳасад билан қарардинг. Ўзинг ноқобил, қўлингдан бир иш келмагач, бошқаларни кўролмай иғво қилардинг.

— У бошқа Тўхлиевдир, мен бошқа Тўхлиевман. Худонинг хасдан ҳам пас бир мўмин бандасиман. Худо ҳаққи, шундоқ!

— Худо номини сотиб фаҳш ишлар қилиб юрганингни ҳам биламиз! Сен художўйлар ичида художўй бўлиб пул топардинг, худосизлар ичида худони танимаслигингни пеш қилиб пул топардинг. Шундай йўл-

лар билан йиққан бир хумча пулу олтинингни ҳам биламиз. Сен аввалги хотининг устига хотин олиб азоб бериб, жиннихонада ўлиб кетишига сабабчи бўлгансан! Тўғри одамларга тўхмат қилиб, беобрў қилгансан. Сенинг жонингни вақтида олмай, келишувчилик қилган ўша Азроилдан ҳам хафаман! Шунча жиддий ишларни қилган Азроил сенга қолганда, билмадим, нега ғофил қолди! Бу гапни мажлисимизда Азроилнинг юзига тикка айтмоқчиман. Азроил деган ҳам шунақа бўладими-ю!!!

Мункарнакир гурзисини кўтариб Тўхлиевнинг калласини мўлжаллаётган эди, у жонҳолатда қўлини бошига соябон қилиб «Сабр, сабр қилинг!» деб қичқирди.

— Хўш?!

— Энди гапнинг очигини айтмасам бўлмайди; майли, мени гурзи билан уриб, тариқ қилиб юборинг. Лекин хотинингиз... Хотинингиз қилиб юрган ишни биламан...

— Нима-нима?!

— Ҳа, биламан...

— Нимани биласан?

— Хотинингизни ўйнаши бор... Исботлайман...

— Ўйнаши? — Мункарнакир ўйлаб қолди. У бўшашиб, баланд кўтарган гурзисини секин ерга қўйди,— Жаброилми?

Тўхлиев лабини тишлаб, ерга қаради. Мункарнакир ғилай кўзларини юмиб, хаёл сураётганида у суғурилиб ўзини нариги гўрга олди. Қоронғилик ичида қафанларини судраб қаёққадир шаталоқ отиб қочди. Йўлда учраган майда-чуйда фаришталардан қай йўл билан жаннатга етиб олишини сўради. У ўзига-ўзи «ўлганним рост бўлса жаннатда қолганим маъқул» дерди. Шу қочиб у Азроилга учраб қолди; бирдан ўтакаси ёрилиб вгамдай қотди. Бир лаҳзадан кейин у ўлган одам эканлигини эслаб, кўксига туфлади. Юрак ютиб, унга яқинроқ борди:

— Сизда бир оғиз гапим бор,— деди Тўхлиев қўлларида ўткир тиғ тутган даҳшатли Азроилга.

— Ишим зарур, тезроқ гапир! — деди у тажанг.

— Хафа кўринасиз, азизим?

— Ҳа, сенинг жонингни ўттиз минг йил (у дунё вақтича) аввал олишим керак эди, кечиктирибман. Гап

эшитдим! Сен хумпарни аввалроқ бу томонга ўтказганимда бунчалик хижолатбозлик бўлмасди.

Тўхлиев: «Атаганим бор эди...» дейишга лаб жуфтлаётган эди, Азроил шаҳтидан қайтиб тушундим деди, у отникидек қулоғини динг қилиб Тўхлиев оғзига тўғрилади. Тўхлиев шивирлади. Азроил ҳам паст овоз билан: «Келишдик, бу ёгдаги ишларингни тўғрилайбер, кейин жонингни архивдан топиб бераман...» деди-да, ғойиб бўлди. Тўхлиев у ёққа туртиниб, бу ёққа туртиниб кенгликка чиқди. Маймунга ўхшаш жундор бир фаришта Тўхлиевга йўл кўрсатди: «Тўғри юрасан, чапга бурилсанг — дўзах, тўғри юрсанг — аросат, ўнгга бурилсанг — жаннат. Қафанингни тўғрилаб йиғиштириб ол», деди.

— Чойхонами, чайнаями... йўқми бу атрофда,—сўради Тўхлиев.

— Бизлар фаришталармиз, овқат емаймиз.

Тўхлиев бармоғипи оғзига тикиб, ўйлади: «бир ҳисобда овқат емаган ҳам маъқул — пул тежалади, чиқим бўлмайди». Тўхлиев ҳар куни битта жаз билан ярим бухонка нон ерди. Унинг ёнида дутордан узиб олган икки қарич ип юрарди. Бу ип билан жазни боғлаб, нонга қўшиб чайнаб ютарди. Жазни тортиб олиб яна нонга қўшиб чайнардди, яна ютарди... Шу тариқа битта жаз билан ярим буханка нонни ерди...

Фаришта кетгач, Тўхлиев ўнгга қараб юра бошлади. У орқа йўллар билан айланиб, жаннат панжарасига яқинлашди; эҳ-ҳе-е-е... ичкарида ҳури филмонлар, парилар таманно қилиб юришибди. Булбуллар сайраб, товуслар хиром қияпти. Ялағоч бир нозанин қоринни тегирмон қилиб арабча «қорин ўйини» қияпти. Худонинг эрка бандаси — тор шим кийиб, сочини ҳурпайтирган бир йигитча сухой вино оқаётган ариқ бўйида сигарета чекиб ўтирибди. «Хўп омадинг келган йигит экансан...» деди Тўхлиев унга тикилиб, кейин «йўлини қилган-да, йўлини қилмаса шунчалик баобрў бўлармиди...» деди. Шу пайт жундор фаришталардан бири Тўхлиевнинг кифтига туртди: «Бу атрофда юриш мумкин эмас, аросатга бор!» деди Тўхлиев дарҳол ёш фариштага қўл узатиб, ҳол-аҳвол сўрашди. «Окўси, бир илож қилиб Жабраил алайхуссалом билан учраштириб қўй. Хизмат ҳақингни бераман». Жундор фаришта кулди: «У дунёда қиладиган ишингни бу дунёда ҳам қиялсан-а,

Тўхлиев!..» Тўхлиев ҳам ҳингиллаб кулди: «Шикоят ёзишга, порага ўрганганмиз, оламиз ҳам, берамиз ҳам». Фариштанинг жунлари жайра бўлиб тиккайди: «Мункарнакирга ташвиш солиб қўйдинг. Жабраил билан оралари бузилиб, ишга чиқмай ётибди...»

Тўхлиев хомуш тортиб, аросат томон жўнади. Аросат саҳросида бир неча кун юрди; бу ерда санғиб юрган бир қари девни лақиллатиб, унга мингашиб. Ўн минг йиллик йўлни бир соатда босиб ўтди. Бир-бирига қамти жаннат — дўзах дарбозалари ёнида у Жабраил билан учрашиб қолди. Бир лаҳзалик обидийдадан сўнг, у Жабраил этагига пешонасини суйкаб, зор-базор йиғлади; қандай бўлмасин ёруғ дунёга қайтаришини сўради. (Чунки тахмон тагида хумча қолган.) Азроил унинг жонини нотўғри олганини (Жабраил билан Азроил оралари бузқроқ эканини биларди) йиғлаб гапирди. «Азроил ҳазратлари кимнинг жонини олишни билмайдилар. У зот сизни ҳам унча ҳурмат қилмаётганликларини пайқадим», деди бидиллаб Тўхлиев. Жабраил бу гапга ишонмаса ҳам негадир ичдан зил кетди. У Тўхлиевни аросатга қўйиб, ўзи физиллаганча арши аълога учди. Тўғри худованднинг ёнига кириб, Азроилнинг порахўрлигидан шикоят бошлади. Гапнинг орасида «Тўхлиев масаласи»ни ҳам қистирди.

— Уша Тўхлиевни тирилтириб юбора қолайлик, шунча яхшилар ичида битта ёмонга жой топилиб қолар. Бу суллоҳ ифвогар жуда бошимни қотиряпти. Мункарнакирни ҳам менга қарши қилиб қўйибди...

— Хабарим бор,— деди худо бароқ қошлари остидан Жабраилга тикилиб,— бу ҳаромини мен яратганманми, бошқа яратганми билмайман. Унинг жонини олишга олиб қўйдигу, лекин ўзимиз ҳам ҳайрон бўлиб қолдик. Дўзахга киритиб бўлмайди, чунки унда Тўхлиевдан ҳам разил девлар бор; улар билан келишиб олиб, бутун дўзахни ўзимизга қарши қўяди. Жаннатга ҳам киритиб бўлмайди, чунки ҳури филмонларимизни бузиб юборади. Тирилтириб юборишга ҳам қўрқяпман— ёруғ дунёга бориб яна ифвогарлигини қилиб, одамларни қийнайди...

Худо бошини икки кафтига қўйиб, чуқур хаёлга чўмди.

— Аросатда ўтираверсан, умрини аросатда ўтказиб юбора қолайлик,— деди Жабраил.

— Йў-ў-ўқ,— деди бош чайқаб, уҳ тортиб худо,— аросатда турармикин; ҳар икки кунда қабулимизга келавериб бошимизни қотиради.

Шу лаҳза дарбозада шарпа сезилгандек бўлди. Худо билан Жабраил ялт этиб қарашди; кафанига чулғанган Тўхлиев қандайдир йўллар билан арши аълога кирибди. У тиржайиб, икки букланиб худога салом берди.

— Ана, айтмадимми...— деди худо лол қотиб.

1961 йил

БИР МУНОФИҚ ҲАҚИДА

Поччажонов ўз чорбоғида ётарди. Тўғрироғи, артелда ревизия кетаётгани сабабли анчадан бери ўзини касалликка солиб ётарди... Баъзан хаёл суриб ревизия ҳам бир ёқда қоларди-ю, эс-ҳушини Қўзибоев тортиб оларди. Бу одам кейинги вақтларда юз-хотир қилмай танқид қиладиган — дангал гапирадиган бўлиб қолди. Поччажонов ҳамма ерда «танқид керак» деб юрса ҳам, лекин ўзи танқидни жуда ёмон кўради. Бир куни кимдандир «Қўзибоев ўрнингизга раис бўлмоқчи» деган ифво гапни эшитиб «Сенга бир отангнинг молини кўрсатиб қўяй», деди-да, бир-икки кучанган эди, Қўзибоев ҳам бўш келмай, оз бўлмаса кўпчилик ўртасида Поччажоновнинг белини синдириб қўяй деди. Шу-шу бўлди-ю, «хап, саними» деб, пайт пойлади.

Кейинчалик маълум бўлишича Қўзибоев оғриб, касалхонага кетибди.

Шанба кўпи ногихоний бир хабар Поччажоновни ётган еридан дик турғизди. Югуриб, ўпкасини қўлтиқлаб келган тили чучук котиб «З-з-зибоев ўлибди, эрта билан чиқарилармиш...» деган гапни айтиши биланоқ, Поччажонов буйруқ берди:

— Югуриб бориб месткомга айт, уни янгича қилиб кўмамиз. Искаладдан ўн беш метр қизил материал берсин! Текинга берсин!

Қабристон. Янги қазилган гўр атрофидаги тупроққа қўйилган тобут ичида мурда ётибди. Поччажонов ўлимдан қўрқарди. Ўлимдан эмас, ўликдан ҳам ниҳоятда қўрқарди. Одамлар тўпланган. Жимжитлик. Кимдир пиқиллаб йиғлайди.

Одамлар орасида хомуш яшириниб турган Поччажо- нов бир қадам олдинга чиқиб, тарвузга икки чўп тиқиб қўйилгандай ингичка оёқларини кериб мурдага қарамай, ёнламаси туриб, уйда ёзиб олган мотам нутқини қироат билан ўқий бошлади:

— Ўрр-тоғ-лар! Шаҳар, қишлоқларимиз обод бўлиб, қанча ютуқларни қўлга киритиб, мисли кўрилмаган ғалабаларга эришдик. Яъни телевизор, холодильник де- ган нарсалар ҳам чиқди. Бизнинг артелимининг тузил- ганига ҳам ўттиз йил бўлиб, уч марта сепасоюз мақтов грамматасининг олиб, график планининг бажариб, илғор- лар қаторига ўтдик. Мана шундоқ пайтда азиз биродар Қўзибоев йўқ. Ўртоқ Қўзибоевнинг юраги уришдан тўх- тади... (Одамлар бир-бирига қараб, елкаларини қисиб, ҳайрон бўлиб қолишди. У яна сўзида давом этди). Қўзи- боев, ўртоқ Қўзибоев, артелимининг энг яхши саррож- ларидан эди. Қўзибоев, сен ўлмагансан! (Бир жувон кулиб юборишдан қўрқиб, кафти билан оғзини маҳкам бекитди.) Дўстим, азизим Қўзибоев! Сен билан биз кўп йиллик ошна эдик. Мен раис бўлсам, сен местком аъзоси сифатида анча ишлар қилдинг. Қабрингда тинч ёт, Қўзи- боев!

— Қўзибоев деманг, Рўзибоев...— деди ёнида турган бир киши энгидан тортиб.

— А?..— деди Поччажонов бор бўйи билан қийшайиб.

— Эсингизни едингизми, раис? Нега ҳадеб Қўзибоев дейсиз? Улган Рўзибоев-ку!

— А? Нима дейсиз? Қулоғимга қаттиқроқ гапирсан- гиз-чи!

— Ахир ўлган Рўзибоев, Қўзибоев эмас!

— Қўзибоев ўлгани йўқми?!

— Йўқ.

— Қўзибоев-а?!

— Ҳа, ўлгани йўқ.

— Ростдан айтяпсизми?!

— Ҳа, ростдан, Қўзибоев касалхонада ётибди. Улган Раимбой Рўзибоев.

— Шундоқ деб ёзиб юбормайсизларми... Нима, мен...

Одамлар ичида ғала-говур кўтарилди.

— Ваъзхонлик тўхтатилсин! Улик бечора қийналиб кетди!

Поччажонов ўз «хато»сини тўғриламоқчи бўлиб, яна бошқатдан: «Ўр-то-оғ-лаа-ар!..» деган эди, бир чол «Э,

овозинг ўчсин сани! Нияти бузуқ!» деди-да, тобутни лаҳадга тушира бошлади.

Кейинчалик маълум бўлишича, бу гап Қўзибоевнинг қулоғига етган экан, у «ҳа, мунофиқ» дебди Поччажонов бўлса шарпа эшитган сичқондек аллақайси тешикка уриб кетиб, мана бир неча ойдан бери яна дом-дараксиз.

1957 йил

ҲУЖЖАТ

Чанг ва аччиқ ғубор бўлмаса,
инсон минг йил яшарди...

Ибн Сино

Кашқирбек яна тажанг, кимни тишлашини билмайди. Унинг феълени яхши биладиганлар югурдак келиб бирон гап етказганга ўхшайди, деб ўйлашди. Етказганда ҳам оёғини осмондан қилиб етказган бўлса керак. Аслида гап бундоқ бўлган эди — йнғилишда Ҳанифахон: «Қашқирбек ака кўпчиликдан ажралиб қолган. Қизғин терим кунларида четда бўлиш яхшими! У киши атрофга одам тўплаб, олишиш замони ўтиб кетганини тушунмаяптилар. Колхозда иш ошиб-тошиб ётибди...» деган эди. Орқароқда даҳанини муштига қўйиб ўтирган эчки соқол Сўфака шу кунийёқ бу гапни оқизмай-томизмай эгасига етказди. Қўр тўкиб юрадиган Қашқирбек туклари тиккайиб тишини ғижирлатди. Ҳанифа айтганидек, у дарҳақиқат, ўтмишдаги ишларини пеш қиларди-ю, колхозга қарашмасди. У катта ҳовуз четига кўрпача ташлаб ўтириб, сувга келганларга «бу ёқдан ол, у ёқдан ол», деб буйруқ берарди. У шу кунда Ҳанифанинг изига тушиб, устидан ҳужжат тўплашга киришди. Қийратиб ўрганган Қашқирбек яна эски ҳунарини қила бошлади.

Ҳанифа — колхоз раиси. Уттиз ёшларда, кўзга яқин жувон. Эри ўлиб, икки бола билан қолган. Баъзилар одам қўйди, лекин негадир розилик бермади. Оёғига қизил этик кийиб, эртадан кечгача ишлайди, чарчашни билмайди...

Қашқирбек кейинги кунларда идора атрофида ўралашиб қолди. У Ҳанифанинг қаёққа кетганини, ким билан учрашгани, телефонда нима деганини диққат билан

кузатарди. Якшанба куни у дафтарига қўйдагиларни ёзиб қўйди. «Ҳанифа П. кишиларга мурожаат қилганида «жоним» деган сўзни кўп ишлатади. Бу унинг бузуқ аёл эканлигидан далолат бериб турибди...» Ҳанифа йўқлигидан фойдаланиб, оёқ учи билан юриб, унинг кабинетига кирди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Стол устига кўз ташлади, галадонни тортган эди, қулф экан. Ташқарига қайтиб чиқиб, яна дафтарига қўйдагиларни қайд этди. «Ҳ. П. кабинетидан атир ҳиди анқийди. Эри йўқ — тул хотиннинг бунчалик безаниши, атир-упа суриши нимани кўрсатади?! Шундоқ мешчанка раисликка муносибми?! У хотин-қизларимизни беибо, юзсиз қилиб, бузиб юбориши мумкин. Ҳанифадан дод!!!»

Қашқирбек яна ҳовуз бўйига келиб, кўрпачага ёнбошлади. Беихтиёр унинг кўзи йигирма қадамча нарида гўнг титаётган куланкур хўрозга тушди, у бир лаҳза тикилиб қолди. Унинг тикилишидан: «Э, куланкур султон, ўз ишингизни билиб қилсангиз-чи, титишни ўзимизга қўйиб беринг» деган маънони пайқаш мумкин эди. Кечга яқин уйига қайтиб келиб, дафтарига яна алланималарни ёзди. Ярим кечагача у ёққа аганаб-бу ёққа аганаб ухлолмай, Ҳанифанинг бузуқлигини ўйлади. Эрта билан у омборнинг бу ёғида туриб, деворнинг нариги томонида юз юваётган қўшнисини Ҳанифани кузатди, унинг аксини сувдан бемалол кўриб турарди. Ариқдан ифор ҳиди анқиди. Шу лаҳза Қашқирбек чўнқайган ўрнидан туриб бориб, қаламни қўлга олди. «Ҳанифа П. сентябрнинг йигирма бири, эрта билан «Қармен» совунида юз ювди. Совуннинг нархи 22 тийин. Колхозчилар ҳақини ўмармаса, ҳамма вақт шундай совунларга ювинармиди! Бу юлғич пул ўғирлаш билан колхоз кўксига ҳанжар урмоқда — иқтисодий диверсия қилмоқда...»

Шанба куни кечқурун даладан қайтишда Ҳанифа бригадир Норқўзи билан учрашиб қолди. Улар йўл четига жийда тагида бир муддат гаплашиб қолишди. Шу лаҳза паранжилик бир кимса уларга тикилиб ўтиб кетди. Ҳанифа ҳам, Норқўзи ҳам ҳангу манг бўлиб қолишди; паранжи деган маразнинг қишлоқда йўқ бўлиб кетганига ўттиз йилдан ошиб кетган эди-ку, бу осмондан тушдими? Улар бир-бирига қараб, елка қисиди. Тавба, бу ким бўлиши мумкин? Паранжилик кимса нарироқ бор-

гач итлар ҳам, таажжубдан бўлса керак, бирдан вовуллашиб юборишди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Сўфака қиқирлаб кулиб, Ҳанифага паранжида ўтган Қашқирбекнинг ўзлари эканини шивирлаб айтди. У яна бу гапни зинҳор-базинҳор Қашқирбек билмасинлар, деб илтижо билан тайинлади. Ҳанифа бош чайқаб, ёқасини ушлади. Жирканч бир махлуққа кўзи тушиб қолгандек афтани буриштирди.

— Қашқирбекнинг йиғиб юрган ҳужжатлари бир катта папка бўлиб қолгандир-а?

Сўфака хотинчалиш овоз чиқариб ҳингиллади.

— Орий, Ҳанифа қизим... «Ҳужжат тўплашни кўйинг, Қашқирбек иним, қўлингиздан бир иш келмайди, дедим. Ҳанифа Пўлат қизини раисликдан олиб ташлолмайсиз дедим... Хафа бўлма, қизим, мен унга ҳужжат тўплама, раҳминг келсин бир мўмин-мусулмоннинг фарзандига, деб айтиб қўяман...»

Ҳанифа тутоқиб, бир дамда ўзини яна қўлга олди. «Э, эсиз, хайф» деди-ю, ичида «ҳа! мараз» деб қўйди.

Шу куни кечга яқин правление мажлисига кетаётган Ҳанифа қоғозга ўроғлик бир нимани изидан айгоқчилик қилиб юрган Сўфакага берди:

Буни Қашқирбекка беринг, ҳужжатлари ёнига қўшиб қўйсин. Ҳамма нарса шунда — бу энг яхши ҳужжат.

— Хўп бўлади,— деди Сўфака ва қоғозга ўроғлик нарсани дарҳол олиб қўлтиғига қисди. Сўнгра зингиллаганича Қашқирбекнинг ҳовлиси томон жўнади.

Уроғлик нарса — кир пайтава эди...

1964 йил

МУСИЧА ОДАМ

Маҳаллаларимиздан бирида Абдимўмин қори деган одам яшайди. У анча кексайган, чўққи соқол, чуваккина киши. Бировга тик қарамас, кўчадан ўтганда ҳам, йўлкаларнинг энг четидан деворга суйкангудек бўлиб ўтади. Баъзилар уни «мусича одам» деб аташарди. Дарҳақиқат, у бир қараганда мусичадек беозор, соясидан ҳам чўчийдиган, бировга тил-огзи тегмайдиган бўлиб кўринарди. Уруш йилларида у бирдан ўзгарилиб, баъзи содда одамлар ичида «гирмон Оқмачитга келибди...» деган иғво гап таркатди. Шу маҳаллалик ишчи Тошпўлат ака аввал ҳайрон бўлиб, кейин Қорининг гирибонидан ушлаб, милицияга судраган. Бу гапга ҳозир қанча йиллар бўлди, раҳматлик Тошпўлат ака ҳам дунёдан ўтган — гўё қор ёғиб, излар босилган. Лекин шу кунларда яна мингаймас Абдимўмин қори қилиқ чиқариб баъзи одамлар қулоғига: «Қир совун олиб қолинглар, бундан буёқ қир совун бўлмас эмиш...» деб пичирлаб ўтадиган бўлиб қолди. Шу куниёқ дўконда қир совун қолмади. У яна кунлардан бир куни: «Ёр олиб қолинглар, ёр бўлмас эмиш...» деб пичирлади. Бу гап ҳам узун қулоқ бўлиб, баъзиларни шошириб қўйди; катта битон кўтариб магазинга югурганлар ҳам топилиб қолди. Мусича одамга зимдан назар ташлаб юрган — Тошпўлат акага ўхшаш бир ишчи яна Қорининг ҳиқилдоғидан бўғди. Лекин ўртага одамлар тушиб, Қори тавба-тазарру билан оломондан қутулиб қолди. У ўзини панага олиб пусишга пусди-ю, лекин ўша ҳиқилдоғидан ушлаган ишчининг пайига тушди. Аввал дуойи

Бад қилди. Бу бўлмагач, ишчини тамоман ўргадан кўтариб юбормоқчи бўлди.

Якшанба куни у қўшнисининг қизини айтиб чиқиб, ниҳоятда хуфия арзнома ёздирди. Арзномани қора қоғоз қўйиб, икки нусха ёздирди. Бу тахминан мана шундоқ эди:

«Арзнома... Етиб маълум бўлгайким, сосиял шаҳарча, иккинчи қават, 3-уйда турғувчи ишчи Болтабой Гешабоев фирқа аъзоси бўла туриб, шу ойнинг ўн саккизи — жумақшанба куни қазо қилган Расул ҳожи деган кимсанинг жанозасида иштирок этди. Фирқа аъзоси бўла туриб, шундоқ ишларга аралашмоғи янги ишларга зид эмасму? Шул шахс ўзининг олти яшар ўғлини ҳам суннат тўйи қилиб, имининиё деб овоза қилгани бизга маълум. Билъакс, бундоғ ярамас одамлар ҳукуматимиз номи шарафига носазо гапларни ҳам айтиб юрмоғи мумкиндир. Бундоғ ёмон одамлар биздек маҳалла кексаларини нотинч қилмоқда. Кексапарвар ҳукуматимиз шундоқ кимсаларнинг жазосини беради деб маҳалла кексалари номидан...» Бир неча номаълум имзолар қўйилди.

Қори икки нусха қилиб ёзилган бу «арзнома»ни кенбертга солди-да, раҳбарий идоралардан бирига кириб, секретарь хотинга ташлаб кетди. Шундан сўнг ҳар куни ишчи ҳовлиси томон қулоқ осиб, унга бирон шикаст етишини кутиб ётди. Хотинига ҳам гапни очиқ айтмай, «Қўшнинг томонга қулоқ солиб тур», деб қўйди.

Орадан бир ой ўтди. Лекин Болтабой «чоҳ»га тушиб кетмай илгаригидай ишлаб юра берди. Қори бир куни ундан «ҳа, нима гап? Хафа кўринасан?» деб сўради. У, ишлар жуда жойида эканини айтиб, пинагини бузмади.

Охири сабри чидамай шикоятнома копияси остига ўз имзосини очиқ ёзиб, газета редакциясига борди. Арз ва шикоятлар билан шуғулланадиган йигит Қорини ўз кабинетида қабул қилди. У қўшниси устидан ёзган шикоятни стол устига қўйиб, шу аризада номи зикр этилган шахснинг ёмонлиги, маҳалла кексаларига кун бераётганини айтиб, жиндек кўз ёши қилиб ёлди. Мазкур шикоятни газетада тезда босиб чиқаришга даъват қилди.

Газета ходими «мақола»ни бошдан охиригача синчиклаб ўқиб чиқди-да, «Хўш, нима қилайлик?» дегандек Қорига тикилди.

— Бундоқ ярамасларни газетага ёзиб, жазосини бе
риш керак!

— Наҳотки шу гаплар тўғри бўлса?

— Тўғри? Жуда тўғри! Ичида битта ҳам ёлғон
йўқ!

— Лаббай!

— Ҳа, нимаики ёзилган бўлса, бари рост! Буни тез
роқ босиб чиқариш керак! Мазкур нимарсани босиб чи
қарганингиздан кейин, мен маҳаллада бўлиб турадига
айрим ишларни ёзиб ҳузурингизга келиб тураман...

— Мана бу ҳам сизники бўлса керак?— газета хс
дими ғаладондан худди шунинг копиясини олди. Бу у
варақ остига «фалончи» деб хуфия имзо қўйилган эди
«Фалончи»— сиз бўлсангиз керак.

— И-я, э-э-э!

— Бу сизникими?

— Ий-я, қандай қилиб бу ерга келиб қолди? Ме
уни.. Ҳа, тушунарлик. Кечирасиз, ўртоқ, энди қачон бс
силиб чиқади?

— Ҳеч қачон!

— Устингиздан шикоят қиламан!

Қори кўзини ола-кула қилиб, стол устидаги «ма
қола»сини кўтариб ташқарига чиқди. Найранги ўтма
ган «мусича» одамнинг кўзлари ёниб, атрофга аланг
ларди. Унинг ҳозирги туриши мусича эмас, эски нама
остида кўкариб ётган етти бўғинли чаёнга ўхшарди.
Шу Қори ҳозир газета ходимининг ҳам пайига тушиб
қогозбозлик қилиб юрибди.

1963 йил

ЖАҲОЛАТ ПАНЖАСИ

1

Үтлаб юрган кийик дамодам бошини кўтариб, атрофга кўз ташларди. Икки қадамча нарида унинг кичкинагина боласи — қўнгир кийикча ўт-ўланлар орасида оёқларини йиғиб, ёнбошлаб ётарди. Шу орада нима ҳам бўлди-ю, она кийик бир депсиниб, чопиб кетди. Кийикча ҳам ётган еридан сапчиб туриб онаси кетидан югурди. Уттиз-қирқ қадам нарида писиб, ер бағирлаб келаётган оч бўри жоп-жаҳди билан она-бола кийикларни қува кетди. Чопиб бораётган кийик гоҳ қайри-тиб, орқасида зинғиллаб келаётган кийикчани кўриб қўярди ва яна олға иштиларди. Гиёҳлар устидан оша оғуриб келаётган бўри бир муддатдан кейин кийик боласига етиб олиб, қоқ бўйнидан тишлади. Питиллаб, онаси томон талпинаётган кийикчанинг суякларини дарҳол синдирди. Шундан сўнг ғажий бошлади. Она кийик нарироқда бўри ғажийётган боласига тикилар, учгўрт қадам олдинга келиб яна орқасига тисланар эди. Бўри кетгач, ғажилган кийикча ёнига келиб уни ҳидлади. Анча вақтгача тепасидан кета олмай атрофга олазарак бўлиб турди...

Шу ёруғ кунларимизда ҳам баъзан бўри — жаҳолатга дуч келиб қолганлар бор. Кийик қисматига ўхшаш бир воқеани айтиб бермоқчиман.

...Бу хонадонга келин бўлиб тушган Қарима «қизим-қирмизим» деб алдаган қайшанасидан эмас, ўзининг ўта соддалигидан хафа бўлди. Чунки шу замонда бировни биров зўрлаб эрга берармиди! «Қалланг қаёқда эди, Қарима?» деди у ўзига ўзи. У озиб кетди. Эрта-

лабдан кечгача чақалоғи билан овора бұлар: йўргаклар, эмизар... Агар чақалоқ бұлмаганда бу уйдан аллақачон кетиб қолган бұларди. Қайнатаси (уни ҳамма «Амаки» деб атарди) оилада «тартиб» ўрнатган: ҳар куни шомга яқин қозон қайнарди. Кўп вақт сопол лаганга мошкичири сузиб келинғач, курси атрофида ўтиришиб, Амакининг «бисмилло»сини кутишарди. Амаки ёғоч қошиқ билан мошкичири устидаги ёғни у ёқ-бу ёққа таратиб, ўзи томонга ҳалқоб қилиб, оғзига овқасолғач, бошқалар ҳам қўл узатишарди. Карима бўлса ниҳоятда уялиб, уч-тўрт қошиқдан сўнг, қўлини артарди. Баъзида боласи йиғлаб қолганини баҳона қилиб ўрнидан туриб, ичкари уйга кириб кетарди.

Амаки ўлғудай хасис эди, у умрида оёғини совунлаб ювмас — қиёматда пулсиротдан ўтиб кетаётганида тойиб кетармиш... Бошқаларга ҳам оёққа совун ишлатмасликни таъкидларди. У кунлардан бир куни Карима боласини йўргаклаб ҳовлида кўтариб юрганини кўриб хотишига: «Бола деган нарсани ҳадеб қучоқлаб кўтариб юра бермасдан бешикка белаб қўйсин! Бекор ўтирмасдан дўппи тиксин, келнингга айт!» — деди. Унда сўнг, томга чиқиб тунука тагида ётган эски бир бешикни олиб тушиб берди. «Бу бешикда отаси ётган», деди Амаки.

Қайнана маслаҳати билан аввал докага думба ўра чақалоққа сўрдиришди. Бу — онасининг сути камлигидан эмиш. Баъзи кунлари чақалоқ чирқирай берганида озгинагина ҳолвайтарга кўкнори талқонини аралаштириб ялатишди. Тамшаниб сўриб олган гўда кечгача бешикда миқ этмай ухларди. Уй ичи совуқ бўлганлигидан Карима болани чўмилтирмай, оёқларини артнб қўя қоларди. Бўйни, бутни қийилиб, чақа бўлга экан, қайнана қуруқ пахса девор кесагини майдалаб элакдан ўтказиб қийилган ерларга сепди. Чақалоқнинг баданига майда-майда қизилча тошганида, хола «тупроқлик» бўлибди, деб яна тупроқ сепди. Ундан сўниikki кун ўтгач, уй эшикларини бекитиб, танча ёнид чўмилтиришди. Сувга озгина сомонлик лой ҳам аралаштиришди. Қайнананинг айтишича «одамзот тупроқдан яратилган, тан чақасига тупроқ сепиб турил лозим» эмиш. Бу ишларни кўриб ҳайрон бўлган Каримани бийлатмай, буюриб, ўзи билганича иш тут берди. Карима олиб келган марганцовка, упага боқиб

бунақа нарсаларга пул сарф қилмаслик» кераклигини йтди. «Агар эскича дори-дармонлар ёмон бўлганда,— деди Амаки кўзларини захчаникидек чақчайтириб — бизга ўхшаган қари-қартанглар саксон-тўқсонга кирариди?!»

Сасиб ётган танча ёнида чўмилтирилган бола эрта-ига ўпкаси ёжиллаб, фингиб чиқди. Шу куни эрта билан Карима бола оғзига кўкрак тутаётганида, бешикда ётган чақалоқнинг қорнини қумурсқа талаётганини кўриб, жон-пони чиқиб дарҳол бешикдан ечиб олди. Бечора бола қорнида қумурсқалар ўрмалаб юрган экан, у битталаб териб олди. Ундан сўнг, деразани тақиллатиб, қайнасанни чақирди.

— Ҳа, бир асрабди, келин пошша,— деди эснаб қайнана,— ёшлигимда бир одамнинг бешикдаги боласини шумоли талаб, нобуд қилиб қўйганини эшитганман.

Шу куни қайнана эски бир уч бурчакли туморни чақалоқ бешиги устига чатиб қўйди. У бир лаҳза болани олиб, «лолув-лолув...» қилиб турганида Карима бешик асбобларини, қовузгоҳдан то сумаккача, ёстиқлари, боғичларигача бир-бир кўздан кечириб қоқди. Қайнона чиқиб кетгач, болани бешикка белаб, чандиб қўйгиси келмай, анча вақтгача қучоқлаб юзларига тикилиб, эмизди.

2

Кейинги кунларда қизалоғининг шамоллаб қолгани — Карима дарду фикрини қоп-қоронги қилди.

Қизалоқнинг ўпкаси ёжиллаб ҳаллослаши, гоҳинчириб йиғлаши айвонда ўтирган Амакини бетоқат қиларди. «Ҳей, келин, болангга қара!» деб қўярди у. Қизалоқнинг чийиллаши уни тинчитмади. У яна бақирди: «Болангга қара дейман!»

Карима чийиллаётган боласини бағрига босар, ундан сўнг ўраб ичкари уйга олиб кирар, лекин барибир / узлуксиз чийиллаб йиғларди. Карима ўзини қаерга қўйишини билмай гоҳ айвонга чиқар, гоҳ ҳовлига тушар, кўксига босиб аллалар, оббўлар, эркалар... Барибир бола тиним билмай йиғларди. Бир дамдан кейин эна Амакининг ўшқирган овози эшитилди: «Ҳў-ў-й, болангнинг овозини ўчирасанми, йўқми! Ўлдирдиланг-ку!» «Дадажон, нима қилай, неварангиз тапти-ус-

тихон бўлиб, қоврилиб ётибди. Гапга тушунмаса, қан доқ қилай...» деди у йиғламсираб.

— Ҳой, бувиси, сен қаёқдасан?— деди ғазабнон Амаки,— кинна-пинна солиб юборсанг-чи!

Хола югурганича бориб, синиқ товоққа ўчоқдан кул дан тўлдириб, устига пиёз босиб, эски рўмолчага ўра ди-да, ҳаллослаб ётган чақалоқ тепасида гулдираб «... ундан кирган бўлсанг чиқ, бундан кирган бўлсан чиқ,чиқ-чи. чиқ!!!» деб жаврай бошлади. Чақалоқ бўл са баттар чийилларди. Қайпана товоқ бетини очиб ҳайратланди: «Қаримахон, мана, кулга қаранг, болам бояқишга кинна кирган экан. Отапгиз ҳам бир назар карда одам-да, билади. Буни қаранг, киннанг ўзингг: ургур, бировнинг киннаси кирибди. Кимга кўрсата қо лувдингиз, айланай? Болани кўчага олиб чиқманг, де сизга минг мартаба айтувдим-ку».

— Ҳеч қаёққа олиб чиққанам йўқ.

— Сизлар ёшсизлар, ҳеч нарсани билмайсизлар Мана, бола бояқишни кўзиктириб қўйибсиз. Бечора бе кордан-бекорга чирқирармиди! Ахир жони оғрияптики чийиллаяпти! Беринг менинг ўзимга!— у йўрғакланган чақалоқни қўлига олиб, бошидан «Ҳа-о-о-п, ҳа ў-ўп...» деб оғзини катта очиб, дардини қошиб олиб ташлаёт гандай бўларди. Бигғ, бигғ... чинқираётган бола бат тар кўкариб кетди. У чақалоқни яна онасига қайтари берди. Қарима боласини қучоқлаб уйга олиб кириб кетди. У тун бўйи мижжа қоқмай эрталаб қовоқлари салқиб, боши гангиб эшикка чиқди. Чарчаб ухлаб қолган чақалоқ кўзини очиши билан хола кеча эзиб, тайёрлаб қўйган кўкнори сувидан икки қошиқ ичириб юборди.

— Докторга олиб чиқсам, ойи?

— Дўхтир нимаси! Қасалхонага олиб кетади. Эрт: ўтиб индинга дарди қайтиб қолади. Ҳар қандақа дард нинг кириши уч кун, қайтиши ҳам уч кун бўлади. Бу дард деган байталмон ботмонлаб кириб, мисқоллаб чиқади.

Икки қошиқ кўкнори сув ичган чақалоқ яна қотиб ухлаб қолди. Кечга бориб, ўпкасининг ғижиллаши бил ёқда, ичи ҳам сувдек ўтиб кетди. Қаловланиб қолган Қарима бошини ушлаганича қайпанасини бошлаб ка боб бўлиб ётган бола тепасига келди.

— Йиғламанг!— жеркиб ташлади,— қўйинг! Умри билан берган бўлса, минг марта касал бўлса ҳам ҳе:

нарса қилмайди. Умри билан бермаган бўлса, минг ёқа йиртганингиз билан фойдаси йўқ! Сиз ўтира туринг, мен отангизни айтиб келай.

Хола «Обло-худо-е...» деб ташқарига чиқиб кетди. Бир муддатдан кейин Амакини бошлаб келди. Амаки салласини ўраб, жизғанак бўлиб ётган чақалоқ тепасига чўкка тушиб, «ўқий» бошлади, ҳар замон ҳар замонда чақалоққа «ссуфф!» деб дам урарди. Бир лаҳзадан кейин хола тирсаги билан Қаримани секин туртди: «Келин, ирими учун отангизга уч-тўрт сўм пул беришингиз керак...»

Амаки дам солиб, ўрнидан тургач, Қарима чўнтагидан уч сўмликни қайнатасига узатди. Амаки «шифо берсин» деди-да, пулни олиб, бир-икки йўталиб уйдан чиқди.

3

Эртасига эрта билан касал тепасига келган қайната бир нарсадан армон қилаётганини айтди. Қарима туғруқхонадан келган кунни боласи уч кило-ю юз грамм бўлиб туғулганини айтган эди. Уруғлардан бири ўшанда «Айланиб кетай Қаримахон, бўлалик туғибсиз» дейиши биланоқ хола «ҳай-ҳай, туф денг опоғойи, туф-туф», деганини эслатди.

— Ушанинг кўзи тегди. Ўзи биттагина фарзанднинг тирноғига зор бўлиб ўтирибди,— деди.

— Нима қиламан энди?

— Сабр қилинг!

— Вой, энди қандоқ қиламан...

— Огир бўлинг, келин! Сабр-қаноат қилиш керак.

Қайнана ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди-да, хокандозда исериқ саситиб кирди. У хона ичида икки-уч айлантриб уй ичинин ачимсиқ тутунга тўлдириб яна олиб чиқиб кетди. Ҳаллослаб ётган чақалоқ икки марта ўқчиди.

Кечқурун Қарима боласи ёнида ёлғиз қолди. Ишдан келган қўшниси — Нафиса хола бир дамгина кириб чақалоқ аҳволини сўради.

— Доктор келдими?

— Йўқ.

— Нега чақирмадинглар?

— Отамлар...

— Э, қапақа инсонсиз?! Нодон десам, нодон эмас-сиз, ёруғ кунларда қоронғулик ичида қолибсиз, Қари-махон!

У дарҳол уйдан ташқарига чиқди-да, чарчаб келганига қарамай кўчага чиқиб кетди. Ярим соатларча вақт ўтгач, поликлиникадан навбатчи врачни чақириб келди. Врач тезда касалхонага юборажагини айтди, врач ҳовлига чиқиб, Амаки, Қарима олдида Нафисани гўдакнинг онаси хабар қилиб сўқди!

— Наҳотки сиз, эс-ҳушлик одам, бола шу аҳволга тушгунча қараб турдингиз. Бу қандай ваҳшийлик! Сизда виждон борми? Қаерда ишлайсиз?

— Фабрикада, — деди Нафиса оқариб.

— Ишчимисиз?

— Ҳа.

— Сиздек қоронғида қолган ишчини биринчи кўришим. Шундоқ гўзал шаҳримизда моғорлаб ётган одамлар ҳам бор экан-а! Боланинг ҳаётига зомин бўласиз!

Қариманинг аъзойи бадани зириллаб кетди, рангида қон қолмади. У индамаганича тура берди. Без бўлиб турган Амаки ҳам бу гапларни эшитиб туриб, бир эс-нади-да, индамай чиқиб кетган врач орқасидан тўнғиллади.

Орадан кўп ўтмай эшикка «тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Оқ халат кийган икки аёл юрганича ҳовлига киришди. Уларнинг бири врач бўлса керак, кириб беҳол ётган боланинг тепасига борди. У болани эҳтиёткорлик билан кўтариб онаси билан касалхонага олиб кетди...

Орадан бир ойча ўтгач, у боласини қучоқлаб касалхонадан қайтиб келди. Бу сафар жаҳолат кийик боласидек — гўдакни панжалари билан тагига босиб, ғажий олмади, Қариманинг бахтига врачлар ўлимни ҳайдашди. Қарима узоқ ўйлади, у жаҳолатнинг совуқ ва даҳшатли башарасини яхшилаб кўриб олди.

1963 йил

ЮЗИДА НИҚОБИ БОР

Деҳқонбой ота каттакон тўрлама қовун тумшуғидаги ириган ерини ўткир пичоғи билан ўйиб ташлаб, карж қилиб сўйди. Оҳ-оҳ, қовунмисан қовун... Қирқиб ташланган пўчоқдаги қумирсқаларга ҳам қараб қўйди.

Куз бу йил ғоятда яхши келди — ноябрнинг охиригача ҳаво муътадил туриб бериб, деҳқонни хурсанд қилди. Пахтакорлар хонадонида тўй, вазифалар ўталиб, азаматлар кўкрак керди. Аммо «Зарбдор» колхози ишни эпломмай, хижолатдан юзи қизарди. Баъзи кишиларнинг фикрича: экишда ҳам, парваришда ҳам, теримда ҳам колхозга комиссия устига комиссия келавергани ишнинг белига тепган эмиш. Ҳа, битта ифвогар бутун бир районни нотинч қилиши ҳам мумкин. Колхоздаги тарафкашликни бартараф қилиш ниятида Деҳқонбой отани раис кўтаришган. У ишнинг боришига разм солиб, астойдил енг шимарди. Қани энди бу иш тўрлама қовун тумшуғидаги ириган жойини кесиб ташлашдек жўн бўлса.

Деҳқонбой ота ҳафталарча дала айланди, одамлар билан гаплашди, яйловга ҳам бориб келди. Шундан сўнг бир куни идорага кириб илгариги раисдан ёдгорлик — пружинаси тешиб чиққан юмшоқ креслога ўтирди. Шу атрофда юрган жуссаси кичик, ранги заҳил бир киши ичкарига кириб, раисга тавозе қилди.

— Ас-са-лому алайкў-ў-ўм! — у икки қўлини қайчи қилиб кўксига қўйди.

— Салом!

— Безовта бўлманг, хўжайин, фақат салом бериб

чиқиш учун кирдим,— деди у,— исмимиз Сухсурбек қани бир танишиб олайлик.

Эртасига яна бир одам ота ёнига кирди. У ҳам қую мулоқотдан сўнг, ўзини Миттижон деб танитди. Кечг: яқин, Урхўжа билан Сурхўжа дегани ҳам ота йўлини тўсиб, танишиб олишди. Бу «зот»ларни ота на бригадада на яйловда кўрган эди. Уларнинг сўзлари ҳам дарро қовуша қолади. Шундоқ танишув кунларнинг бири да Миттижон дегани отани зиёфатга таклиф қилиб, қўяр да-қўймай олиб кетди. Зиёфатда, жиндак кайф устид: ота бу ошналардан бири елкасига қўлини қўйди:

— Азизларим, ким бўласизлар?

— Бизлар: Миттижон, Мимиттижон, Сухсурбек, Ур сурбек, Ниҳонхўжа, Илонхўжалар бўламиз...

— Қасби корингиз нима?

— Ҳамма касбдан оз-оз... Илгариги раис биз билан келишолмагани учун думи тугилди. Биз урган одам ас ло ўнгалмайди!

— Шу-на-қа-ми?— деди Деҳқонбой ота тикилиб,— яъни сизлар билан ҳисоблашмаса бўлмас эканда?

— Балли.

— Бир гуруҳ бўлиб олишдан мақсад нима?

— Яшаш керак!

— Сен экиб ҳосил ундир, мен уни ейман, демоқчи- сизда?

— Йўғ-е-е,— улар ялт этиб бир-бирларига қараб олишди,— унчалик эмас-дур-ов...

Шу кун зиёфатдаги гуфтигўдан кейин «келишиб ол- дик» дегандек «номи шарифлари» юқорида зикр этил- ганлар Деҳқонбой отанинг шохидан ушлаб, тумшуғида: тизимча ўтказиб олгандек бўлишди— ишнинг қуло- ғида ҳозир у нозир туриб, гўё жиловни ўз қўлларига олдилар. Улардан бири, агар Деҳқонбой силкиниб, биз- ларни ўз елкасидан тўкиб солса, қайтадан югуриб ке- либ ёпишамиз, чақамиз. Агар у бизни ҳайдаб, йўлат- маса, узоқдан кесак отамиз, гуваламиз ҳам заҳарга йўғрилган, дебди...

Деҳқонбой ота дўппини столга қўйиб, обдан тана- сига ўйлади; иш қилаётган заҳматкашлар бир ёқда-ю, бу — аслида текинхўрлар, юзида ниқоби бор силлиқ ки- шилар бир ёқда. Елкаси офтобда куйиб, кафти қабар- ганлар саккиз томонга ариза ёзишни, қувлик-шумликни билмайди. Аммо бу ниқобликлар пашшадан фил яса-

шади. Жиноят Қонуни Кодексини эзибички қилиб олишган. «Ўроғда йўқ, машоқда йўқ айёрлар. — ноқобил одамлар! Бошқалар ишласа-ю, сенлар кўринишда «кафтида кири йўқ, аслида сичқопбой бўлиб кемирсаларнинг!..» Деҳқонбой ота тутокди: у ниқобли шахсларга ёмон гапирмади-ю, ишини билиб қила берди — ҳалол одамларга суянди. Улар чолнинг қувлигини пайқаб, бирдан ҳужум бошлашди, бошқарма газетасида «Ёрга қаранг, бурнингиз қонаяпти...» деган бедалил фелъетон чиқди; гўё Деҳқонбой ота бир кампирга тегишган эмиш. Ундан сўнг чол устидан жойларга юмалоқ хатлар уца бошлади; кутилмаганда колхозга бир-икки ревизор ҳам келиб, қоғоз титкилай бошлади. «Э, товуқ бўлиб кетинглар-с!» деди Деҳқонбой ота кулиб. Бу иш бир йил давом этди; колхозлагги баъзи соддадил кишиларни чалғитиб рансга қарши гижгижлатмоқчи ҳам бўлдилар. Йўқ, иш чиқмади!

Қиш ҳам яхши келди — декабрнинг охирига бориб, гупиллатиб қор ёғиб берди. Уч кунлик сурунка ёққан қордан сўнг бирам совуқ турдики, ҳашаротлар, кўзга кўринмас махлуқлар қирилиб кетди. Қиш яхши — унинг аччиқ совуқлари жарроҳдек далага ҳаёт бағишлайди. Дала оппоқ ва мусаффо. Яна бир ҳафта қор ёғди — тизза бўйи оппоқ қор, бу — ҳосил, бу — ошу пон. Буни қаранг, қаттиқ қишдан сўнг яна баҳор яхши келди. Баҳорнинг яхши келганини яна бир томони шунда бўлдики, юзида ниқоби бор одамлар даладан ғойиб бўлди. Кейинчалик Деҳқонбой ота колхоздан нарида улардан бирига дуч келиб қолди. У дарҳол ўзини четга олди — Деҳқонбой ота ҳам ўзини кўрмасликка солди, нарироқ бориб оғзидаги носини пуркаб ташлади... Шу кун биз ота билан учрашган эдик; у хурсанд бўлиб кетганидан шу ерда унган шакар қовунни сўйиб турган пайти эди. Деҳқонбой ота яна ўша қовун учидан ўйиб ташлагани — приган пўчоқларга кўз ташлаб қўйди.

1964 йил

Маданий буюмлар ишлаб чиқарадиган артеллардан бири планини бажариб, кейинги пайтларда анча-мунча яхши моллар чиқараётгани учун Худпромкоопсоюз шу артель усталаридан уч кишига соат мукофоти беришни ваъда қилибди. Уч кишини аниқлаб келишни шу артель раиси Сайдвақос Алҳазаровга топширилибди ҳам. Алҳазаров ҳаллослаганича келиб, кабинетига профсоюз раиси Тўражон Парвардигоров билан секретари Тухфатуллинни чақирди. Улар уч киши бўлиб кабинет эшигини маҳкам бекитишиб, дарвозада стволи ялтираб, ичи занглаган берданка милтиққа даҳанини тираб умр ўтказаётган қоровул отага, кабинетга ҳеч киши кирмаслигини буюришди. «Мабодо эшик тирқичидан бирон киши мўралаб, қулоқ солса, дарҳол ҳайданг!» деб қўшиб ҳам қўйишди. Шундан сўнг, Алҳазаров ўзининг кўркам столи ёнига чўкиб, қаршисида бақрайиб ўтирган Тухфатуллин билан Парвардигоровга «ғоят махфий» масалани аён қилди.

— Уртоқлар! Бошқа артеллар қолиб, бизнинг артелга уч мукофот ваъда этилиши ҳазилакам гап эмас. Бу мукофотни энг яхши усталаримизга берайлик.

— Сизнинг раҳбарлигингизда,— деди Тухфатуллин, — бу ишлар бўляпти. Менимча наққошга мукофот бериш керак.

— Наққошга?— деди Парвардигоров,— э қўйинг-е! Уша сўтакка ҳам мукофот берадими! Гапини эвлаб гапиролмайди-ю, мукофот олармиш. Тузукроқ одамга берайлик!

— Ҳақиқатан, наққош бўлмайди,— деди Алҳазаров,— сўтаклигидан ташқари, одамга қўшилмайди. Ушани қўйинглар.

— Бўлмаса, анови зардўзчи опани киритамизми?— деди Парвардигоров. Кейин у Тухфатуллинни туртди,— сен нима дейсан?

— Алҳазаров акамларнинг фикрлари қандай экан?— деди Тухфатуллин.

— Э, анавими?— деди Алҳазаров башарасини буриштириб,— у хотинни қўя туринглар, у хотин ҳақида гап бор.

— Пўрсилдоқ тўғноғич ясайдиган-чи?— деди Парвардигоров.

— А-а-а... Шу тузук,— деди Тухфатуллин.

— У ҳам бўлмайди!— деди Алҳазаров,— қарорга номи кирадиган бўлгандан кейин, жиддийроқ одамни топиш керак-да! Бу нима ахир!

— Менга қаранглар, дўстлар!— деди Парвардигоров,— албатта жиддий одамга бериш керак. Менинг таклифим Сайдваққос Алҳазаров акамнинг ўзлари! Бир вақтлар тувакка яхшигина гуллар солардингиз. Ҳозир артель раислиги зиммангизда. Қарорга Алҳазаров акамлар ёзилсин!

— Тўғри! Тўғри!— Тухфатуллин барқ уриб гапирди.

— Э, қўйинглар, дўстларим,— деди Алҳазаров жиддий,— менга тўғри келмайди. Биз камтар одамлар мукофот олмасак ҳам ишлай берамиз. Артелимиз кўтарилиб, шу паллага етди. Унга мукофот ҳам берадиган бўлишди. Азизларим, мени қўйинглар.

— Йўқ, йўқ! Сиз олмасангиз ким олади! Ахир масалага одилонга қараш керак! Менинг фикрим қатъий!— деди Парвардигоров.

— Ҳақиқатан, ўртоқ Парвардигоров тўғри айтадилар. Мен ҳам у кишининг қимматли фикрларини қувватлайман. Сайдваққос Алҳазаров ака энг яхши номзод!— деди яна жилва қилиб Тухфатуллин.

— Ўртоқлар...

— Йўқ, бўлди!— деди шошиб Парвардигоров,— қани қўл кўтарайлик! Тухфатуллин қўлингни бир кўтарбор!

— Мана, яхши бўлди. — Тухфатуллин гулдек очилиб бир қўлини баланд, иккинчи қўлини ярим кўтарди.

Афтидан у икки қўлини кўтармоқчи эди, масхарабозлик бўлмасин деб, иккинчи қўлини ярим йўлда ушлаб қолди.

— Бир масала ўтди,— деди енгил тортиб Парвардигоров,— қани иккинчисини бошлайлик.

— Иккинчисига, палак тикадиган қизлардан бирини ола қолайлик,— деди Тухфатуллин.

— Ҳозир палаклар яхши тикилаётгани йўқ,— деди қовоғини солиб Парвардигоров.

— Тўғри, палакнинг сифати паст,— деди Алҳазаров.— Улар бўлмайди! Менинг фикримча, Тўраҳон Парвардигоровнинг ўзини киритсак. Чунки артелни шу паллага етишида унинг роли ҳам катта. Ҳа, жуда катта!

— Тўғри таклиф. Мен ҳам ўйлаб турувдим. Мен Сайдваққос Алҳазаров акам фикрларини қувватлаб, ўртоқ Тўраҳон Парвардигоровни қарорга киритишни тўғри деб ҳисоблайман,— деди Тухфатуллин.

— Қўйинглар, қандоқ бўларкин?

— Қандоқ бўларди?— деди Алҳазаров,— раз кўпчилик бир қарорга келгандан кейин, масала ҳал-да! Қани қўлларингни кўтарворларинг! (Уч қўл баб-баравар осмонга кўтарилади.) Ана, бу ҳам бўлди. Энди яна битта ўрин қолди.

— Бунисига ўймакорлардан бир кишини олайлик,— деди кўзини пир-пир учуриб Тухфатуллин.

— Ўймакоринг нимаси!— деди Алҳазаров,— улардан доход кам. Кўп доход берадиган кишиларни киритайлик.

— Дарҳақиқат, ўймакорларнинг мазаси йўқ,— деди Парвардигоров,— харидорлар ҳам баъзи буюмларни дўконга отиб кетаётган эмиш. Сайдваққос ака, менга қаранг, майда-чуйда одамларни ўйлаб ўтирмай учинчисини мана шу Тухфатуллиннинг ўзига бера қолайлик. Бечора тиниб-тинчимайди. Ўзи ҳам законни яхши билади... Анвойи хил суратларни қаерлардандир топиб, кўчириб, усталаримизга трофорет нусха бериб турибди...

— Мен ҳам, шу фикрдаман,— деди Алҳазаров,— унга мукофот берса арзийди. Ўзининг ишини ҳам боплайди, сизнинг ишингизни ҳам тўғрилаб кетади. Ҳи-ҳи-ҳи... Қани, Тухфатуллин, деганлар қўл кўтарсин! (Яна уч қўл кўтарилади).

— Раҳмат, катта раҳмат.— Тухфатуллин илжайди. Мажлис тугаб, улар учоғи кабинетдан чиқибди.

Жумласини келиштириб, чиройли қилиб ёзилган қарор машинкада уч нусха кўчирилиб, эртасига эрта билан Худпромкоопсоюзга етказилди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, масала ҳал бўлиб, шу уч киши мукофотни олибди ҳам...

1958 йил

Маншат кимга ёқмайди — шинаванда ошналар атрофингда қўл қовуштириб хизмат қилиб турса, дастурхон устида ноз-неъматлар, анвойи таомлар, чунончи, япроқланган қазп-ю, коньяк, бир томонда пиёзи ансурий, бир томонда анор суви, бир томонда мурғ ила сомса. Жизиллаб келган кабобни тишлаб, иссиқ сихдан суғириб-суғириб олсангиз. Қувноқ ошналар чақчақ уриб сенинг руҳингга мос гапларни айтиб, кайфингга кайф қўшиб турса, бундан лазизу латиф нима бор? Киши яшаради, ахир биз дунёга икки бор келмаймизку, беш кунлик дунёда кайф суриб қолиш керак деб тўғри айтган машойихлар...

Дулдулбек ер тепиниб андак сиёсат қилиб, бошқарма ходимларига зарур иш билан командировкага кетаётганини, йўқлигини билдирмай фаол ишлаб туришликни тайинлаб ҳайё-ҳув деб водийга жўнади. Бошқарма ходимлари бўлим бошлиғининг ҳар сафар шу томонга диконглаганидан таажжубланмас эдилар. Ҳа, у Қарши чўлида нима қилади! Салқин ва гўзал қишлоқдаги базми жимшид турганда иссиқ ва чанг Тошкентда ҳам нима қилади!

Фарғона атрофидаги Сусанбилнамо қишлоқлардан бири — «Бўстон» колхозидаги катта ҳовуз бўйида яна эрталабдан буён тайёргарлик: қўй сўйилган, катта дастурхон ясатилиб, қозонларга ўт ёқилган. Бурама мўйловини силаб, раиснинг ўзи ғўдайиб турибди: унинг бир неча «маҳрамлари» зир югуриб йўқ ердаги нарсаларни топиб келиб, стол безашмоқда. Ҳовуз четидаги улкан

садада тўрқовоқларии силкитган беданаларнинг ва-вақ, ва-вақ, битбилиқ-битбилиғи авжда... Тошкентдан Дулдулбек ака Забихуллоев келаётган эмишлар. Аллақаерда концерт беришга кетаётган область театри артистларини ҳам зўрлаб олиб келишиб сўрига ўтқазилди. Забихуллоев бузоқ гўштини яхши кўрарлар деб, молхонадаги икки ойлик бир бузоқнинг ҳам шўри қуриб бўғзига пичоқ тортилди. Иккита тирик катта балиқнинг бўғзидан каноп ўтказиб, ҳовузга ташлаб қўйилди.

Вокзалга чиқарилган машиналар кечга яқин Дулдулбек ва унинг икки оғайнисини олиб, гулдур-шалдир кириб келишиб, ҳаммани шод этиб, базмга файз киритиб юборишди. Хонандалар «Фарғона тонг отгунча»ни чунонам завқ билан айтишдики, бунақа файзли базм ҳеч маҳал бўлмаган. Бу завқ Дулдулбекнинг гўштдор, шолғом бурнини ҳам чимчилаб қўйгандек шинам ва гўзал қилиб кўрсатарди. Унинг орқа бўйнидаги лаққа гўшт бағбақасини-ю тарвузга иккита чўп суқиб қўйгандек чиллак оёқлари-ю юмалоқ қорнини ҳам ярашимли қилиб кўрсатарди. Булар коньякнинг мўъжизаси — ширакайф сўйилиб, раиснинг кафтига қўл урар; уни тўғрилаб бераман, бунга тўғрилаб бераман... деб ваъда қилар, раис ва унга яқинроқ кишилар бош эгиб, қўл қовуштириб унинг оғзига маҳлиё бўлиб ўтиришарди.

— Қуй, тўлдириб-тўлдириб қуй!— деди раис шинаванда йигитлардан бирига.— Менинг ўзимга ҳам қуй, ўртоқ Забихуллоевич билан уриштириб ичаман, менинг бундоқ олийжаноб дўстларим бор экан, юким ерда қолмайди.

— Балли,— деди кекириб Дулдулбек лаб-лунжини қўли орқаси билан артиб,— сиз, Ҳамроқул акалардек машхур раиссиз. Қолхозни бундан ҳам яхши қиламиз, қани кўтаринглар, оқ ичайлик!

Дулдулбекнинг бу «сермазмун сўзи» ҳурмати учун ҳамма коньякларни лиққа-лиққа ютиб юборишди. Кимдир чеккароқда «То оғзидан гапи чиқмагунча нодон ҳам ақлли бўлиб кўринади» деб пўнғиллади.

— Арофат кунга анодин таваллуд қилган эканмиз,— деди маст бўлиб Дулдулбек яна,— шу сабабли падари бузрукворимиз «Она қорнида ҳожи бўлгансиз, ўғлим, иншооло ҳеч хор бўлмайсиз» деган эдилар. Мана еганга нимиз олдинда, емаганимиз кейинда. Амал ҳам бор...

«Вой бетамиз-е», деди секин бояги одам ёнидаги ш...

ригига. Шериги бўлса лабини тишлади: «Тилингизни тишланг, бундоқ гапларни айта кўрманг, хап туринг, раис ота эшитиб қолсалар...»

Базм тонг отгунча чўзилди, азонга яқин шийпондаги атлас кўрпалар бағрига кириб ухлашди. Эртасига Дулдулбек шу колхоз бригадирининг уйида меҳмон бўлди. Яна тонготар базм. Унинг эртасига ферма мудири уйига чақирди — жўжа кабоблар, мусалласлар...

Дулдулбек боғ кўчада саккиз тепкилик атлас устида ялт-ялт ёниб кетаётган ёшгина бир жувонга тегишган эди, жувон билмай елкасидаги кетмопини ерга қўйиб: «Қорнингни тарвуздек ёриб ташлайман, махсимча!» дебди. Бу одобсиз гапни эшитган Дулдулбек тирақайлаганча қочиб, ҳовлига кирди. Эртасига раисга «колхозчилар орасида тарбиявий ишларни яхшилаш» кераклигини тайинлади.

Уч кунни мўлжаллаган Дулдулбек, қишлоқда бир ҳафта қолиб кетди; уни кетишга асло қўйишмасди. Ун кун деганда мош еган хўроздек қип-қизариб Тошкентга қайтди. «Районда кўп ишларни битириб келгани» ҳақида одамларга гапирди.

Сентябрда қовунлар фарқ пишади, узумлар сарғайиб новот бўлади. Дулдулбек яна ўша томонга командировкага отланди. У яна ўн-ўн беш кун зиёфатбозликни ўтказиб, қайтиб келди. Қиш ичида ҳам бориб осма қовул, девзира гуручдан қилинган ошларни еб келди. Баҳор кириши билан жиндек кўк емоқ ҳам керак; у яна ўша томонга жўнаб, ялпиз, исмалоқли сомса еб, сумалак ялаб келди (Бу шунчаки номига, аслида коньяклар базми бўлган эди). Қишлоқнинг катта-кичиги Дулдулбекни яхши танишар, зукко раисни иззату икром қилгач, бу одамда бир гап бор деб қарашарди. Шундай қилиб ойлар кетидан ойлар ўта бошлади... Ора-чора шу қишлоқликлардан биронтаси Тошкентга келиб, Дулдулбекнинг қўлидан бир пиёла чой ичиш у ёқда турсин «ўртоқ Забихуллоев қабули»га ҳам йўл тополмай қайтиб кетишарди. Раиснинг ўзи ҳам икки-уч келиб, унинг билан учрашиш йўлини тополмай қайтган. Бу гап секин-аста бўстонликлар ичида тарқалиб, Дулдулбекдан ихлослари қайта бошлади. Биров «Ҳа, беш қўл баробар эмас» дебди. Биров «Яхшилигингизни билмаса билмас, ўзига қийин» дебди. Биров «Номард экан, номарднинг катта-кичиги бўлмайди...» деб қўя қолибди.

Бўстонликларнинг тамоман ихлоси қайтганини пайқаман Дулдулбек қовун пишиғини мўлжаллаб яна қишлоққа келди. Аввал ўша сой тепасидаги чойхонага тушиб, енгил келиб оғир кетадиган чамадонини ерга қўйди-да, пастликка— «Бўстон» колхозини қишлоғига қаради: дала шийпони, ҳовуз, соя-салқин ишкомлар йўқ. Қишлоқнинг бир томони текис дала, чап томонда одамлар уй солишяпти. «Бўстон» колхозига кираверишдаги қатор тераклар ҳам йўқ... Бошқа чойхонага келиб қолдим хаёл қилиб, ўрнидан тураётган эди, ўзини четга олиб турган чойхоначи ўзини кўрсатди:

— Э, бормисиз Фуломназир ака!— деди Дулдулбек, — нима, мен бошқа ёққа келиб қолдимми?

— Йўқ, ўша келиб юрган жойингиз.

— Ҳовуз қани, шийпон қани, раис, ўртоқлар қани?

— Ҳаммаси саломат. Аммо ҳовузни, шийпонни, уйларимизни сел олиб кетди...

— Ия, сел оладиган ерга қурган экансизларда,— деди Дулдулбек пастга, сел ювиб кетиб, яримта-юримта бўлиб қолган иморатларга тикилиб,— энди нима қиласизлар?

— Қуряпмиз, давлат қуриб берапти...

— Хабаримиз бўлмабди-я,— деди Дулдулбек.

— Хабарингиз бўлганда, бўлмаганда ҳам сиздан хафа бўладиган жойимиз йўқ, биз бошқа одамдан хафа бўлдик. Сел ювиб кетганини эшитса ҳам келиб, ҳолимиздан хабар олмади. Сиздан хафа бўладиган жойимиз йўқ.

— Ҳа, балли.

— Сиз танадаги сўгалдек нарса экансиз, сизнинг ифлос одам эканлигингизни кейинроқ пайқаб қолиб, қўлимизни ювиб қўлтиққа урганмиз...

— Ия, бу қандоқ гап?!

— Чамадонни олинг, ўрнингиздан турунг, тагингизни супуриб оламан! Бу ерни Фарғонанинг чойхонаси дейдилар. Ҳаром-ҳариш одамга бунда жой йўқ!!!

Дулдулбек Фуломназир аканинг белбоғида осилиб турган ярим газлик пичоққа, сўнгра кўзидаги газабга дош беролмай чамадонини кўтариб ўрнидан турди: «маданиятсизлар, қўполлар» деди сўкиниб.

— Ҳа, номард!— деди Фуломназир ака орқада қолиб, кейин ўзига-ўзи деди:— оёқдаги бит бошга чиқар деганлари шу экан-да.

УТИРСА УПОҚ, ТУРСА СУПОҚ

Йўлчиевга ҳуши бўлмайд қолган Номозов бу сафар ҳам уни кўриши биланоқ чимирилиб, ўтирган жойида тиззасига салом бериб қолди. Уккидек ҳурпайди, ёнимга келиб бир нима десанг чанг соламан дегандай бўларди. Чакка пайлари тарам-тарам бўлиб кетди. Йўлчиев ҳайрон. нега у бундай ҳурпайиб юрибди? Ахир, Абдулҳамидов билан ярашишиб олишган-ку!

У Номозов столи рўпарасидаги креслога ўтириб, гап қотди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ мудир уни жеркиб ташлади: «Мен — Номозовман! Билдингизми?! Жамолиддин ака эмасман!» («Ака» сўзига ургу берди.) Йўлчиев «тушундим» дегандек бош ирғаб, жим ўтира берди.

— Менга қаранг!— деди қовоғидан қор ёғиб ўтирган Номозов андак бошини кўтариб,— сиз нима учун овқатни кўсурлатиб ейсиз?

— Лаббай?

— Отга ўхшаб ейсиз?

— Ҳеч отга ўхшаб емайман, кечирасиз, Жамолиддин ака...

— Такрор айтаман. Мен — Номозовман!

— Номозов ака.

— Бу ер қаер? Қаерда ўтирибсан? Яъни, қаерда ишляяпсан?

— Лаббай?— Номозовнинг бидиллаб гапирганидан унча пайқамай қолган Йўлчиев калака бўлиб қолди. Уни ишга олиб келган ҳам шу Номозов бўлганлиги сабаблими, мулоҳазага бориб, бақрайиб қолди.

— Гапир!

— Почтада.

— Алоқа министрлигининг 72-Дархон бўлимида!

— Почта деб қўя қолса нима қилади?

— Бундоқ дея қолсанг тилинг кира тилайдими?!

Эрталабдан кечгача «Ке-ро-син» деб юрган вақтларингни эсла? Алоқа министрлигининг бир тузук ходими бўлгин деб мен сени бунда олиб келган эдим; тилгинангининг ёмонлигими, ўзгинангининг ёмонлигини, анқовлигини, ҳасадгўйлигини, ишқилиб, бир ниманг бор — Абдулхамидовга ҳам ёқмай қолдинг, хумпар!

— Йўқ, ўртоқ...

— Хап тур!—Номозов Йўлчиев гапини бўлиб ташлади,—нега сен дўппи кийиб юрасан?! Нега қулоғингга тушириб, бир томонга қийшайтириб киясан? Менга алоқа ходимларимиздан кимдир айтди. Баъзан дўппинг орқасини қайириб ҳам юрармишсан? Чапанимисан?!

— Ҳеч қайирганим йўқ.

— Йигирма йилдан бери бир системада ишлайдиган одам ёлғон гапирадими! Хўш, чойхонага кириб, банги ва бошқа одамлар билан чойхўрлик қилишингни нима деса бўлади?! Битта пиёладан чой ичасанлар, сен билан қўл бериб кўришгани ҳам киши ҳазар қилади!

Иш чаппасига айланиб кетаётганга ўхшади: Йўлчиев андак паст келди:

— Ўртоқ Номозов, анча-мунча камчиликларимиз бор, кечиринг, тузатиб оламан...

— Бор, чиқиб кет! Елкангни у ёқ-бу ёққа ташламай тўғри юр! Одамларнинг олдида овқат еганинда кусурлатмай е! Кусурлатиб егани бошқалардан ташқари мен ўзим жуда ҳам ёмон кўраман. Сенинг кусурлатиб ейишингни икки маротаба ўз қулоғим билан эшитдим. Шайхулисломов ҳам эшитиб, менга келиб айтди. Ё тавба дедик, янги беда еяётган отга ўхшаб кусурлатиб овқат ейдиган одамни биринчи кўришимиз дедик. Хўш, сенинг тишинг ҳам бизнинг тишимизга ўхшайди, биз еган нарзани сен ҳам ейсан, нечук сен еганинда кусурларкин? Ана шунга тушунмай доғдамиз. Бор, ишингга кетавер: камтар бўлиб ишлайвер!

— Тўртта болам бор, ўртоқ Номозов, тагин ишдан...

— Ҳозир бўшатмаймиз, ишлайвер! Лекин сен овқатни кусурлатиб еб, феълимизни айнитиш билан умум

ишимизга халақит берсанг, шуни яхши билгинки, бу ўртоқ Абдулҳамидовга ёқмайди, айб ўзингда, яъни думинг тугилади!

«Дум» сўзини эшитган Йўлчиевнинг дилидан «ўзингиз думсиз, дум бўлганда ҳам, анча орқада қолган дум экансиз» деган гап ўтди. Қани бу гапни тилига чиқара кўрса, дарҳақиқат думи тугилади. Унинг айби фақат битта эди — «ер қимирлашда жавон устидаги хрустал идиш ерга тушиб кетиб, дарз кетибди, шунга ҳам акт тузиб, госстрахдан хунини тўлатиб олган одамлар бор» деган эди. Бу гап шаҳар почтасининг бошлиғи Абдулҳамидовга тегиб кетиб, Номозов ёнида «ходимларингиз мана шунақа» дегандек қилиб бурнини жийириб қўйган эди. Бу кайфиятни сезган Номозов Йўлчиевни сиқиштириб юрарди. Аммо Абдулҳамидов унинг софдил, почта ишига берилган киши эканлигини билиб олиб кейинчалик Йўлчиевни яхши кўра бошлади. У ўз велосипедида эрталабдан кечгача ҳаллослаб хонадонларга газета, журнал, хат таширди. Кунлардан бир кун Абдулҳамидов ҳамманинг олдида Йўлчиевнинг бир йилдан бери қилаётган ишини мақтаб, пешонасини силлагандек бўлди. Шу ерда ўтирган Номозовдан тер чиқиб кетди; ахир у бир йилдан бери уни сиқиб сувини ичаётган эди. Шу куниёқ йиғиндан кейин Номозов Йўлчиевга қараб илжайди:

— Ҳа, хумпар, жуда ширин бўлиб кетибсан-а, танқиднинг меваси бу! Овқатни кусурлатиб ейишларинг ҳам сезилмай қолди, ҳозир кусурлатмаяпсан.

— Унча кусурлатаётганим йўқ...— деди Йўлчиев яна ишни бузиб қўймай дегандек қилиб; лекин дилида: «Орқада қолган дум кишини қийнаб қўяркан» деди ўзига ўзи.

Йўлчиев ҳамон дўппи яримта, велосипедда югуриб елгани-елган, кусурлайдиган овқатни кусурлатиб еб юрибди. Почтами ёки Алоқа министрлигининг 72-Дархон бўлимими, ундоқ деса ҳам, бундоқ деса ҳам барибир бу жой умрбод ўзиники эканини яхши биларди.

1967 йил

—Э-э, ғам еманг, раис бува, бизлар бормиз,—
 еди биринчи бўлиб сўз олган Йўлбарсхон белини си-
 либ турган энлик камарига кафтини тиқиб. У минбарга
 иқмай президиум столи ёнида туриб, келишган забар-
 даст гавдасини ҳаммага намоён қилиб, салмоқ билан
 апираб, раис ҳам, райкомдан келган вакил ҳам, мух-
 бир ҳам, залда тўлиб ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам
 бу барно йигитга маҳлиё бўлиб ўтиришарди. У сўзини
 давом эттирди:— Бизга меҳмон бўлиб келган дўстлар
 ва ўртоқлар! Мана, колхозимизда терим ҳам бошла-
 ниб кетди. Ҳар бир колхозчи Ватан олдидаги ўз бур-
 ини шараф билан адо этиб, эл дастурхонига мўл-кўл
 «оқ олтин» тўксин! Эл ҳиммати билан қалби теп-
 ган, меҳриғиё дала азаматлари ваъдалари устидан
 чиқиб йигирма минг тонна пахта берадилар. (Залда
 ўтирганлардан кимдир «радио-ку...» деб пўнғиллади.)
 Шу билан сўзимни якунлаб айтаманки, ҳамма те-
 римга!!! Йўлбарсхон ғарч-ғурч босиб, жойига келиб
 ўтирди.

Шундан сўнг биринчи қаторда икки стулни тўлди-
 риб ўтирган Абдас полвон сўз олди.

— Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди
 дейдилар, мўлжалдан аввал планни бажариб, чорвани
 ҳам яхшилаб, мана плапни ҳам бажариб юбордик...
 (Кимдир шивирлади: «Хотинини ишга солиб, ўзлари
 ямоқчилик қиладилар! Ҳа, зиқна!» Раис бува бармо-

ғини лабига босиб имо қилди: «Хоҳласангиз сизг ҳам сўз берамиз, луқма ташламанг!»)

Абдас полвоннинг сермақол нутқига президиумд ўтирганлар чапак чалди, залда ҳам битта-яримта чапак чалди. У меҳмонларга шилпиқ кўзларини қисиб табассум қилгандек бўлди. Унинг табассуми сохт эканлигини ҳамма биларди.

Минбарга Ҳидоят қори деган хотинчалнш одам чиқди. У айёр ва фитна кимса эди.

— Мендан аввал сўзга чиққан дўстларимнинг нутқларини хулоса қилиб шуни айтаманки, терим суръатин бўшаштирмаслик керак! Илғорликни қўлдан бермаслик керак! Қизил байроқни яна ўз колхозимизда қол дирмоқлик керак. Илғорларга раҳмат айтмоқлик керак!

— Ҳаммаси керак, биламиз,— деди раис бува бетс қатланиб.

— Хулоса қилиб айтганда, биз унча гапга уст эмасмиз, ўрганишимиз керак...

— Ким гапиради яна?— Ҳидоят қори минбарда кетмасданоқ раис бува залда ўтирган хотин-қизларг имо қилди,— бир нима денглар, болаларим!

У томондан садо чиқмади. Олдинги қаторда ўтирган Қоплонбек ўрнидан ирғиб турди. Раис бува, уҳ, дед яна ўрнига чўкиб, кўзини пирпиратиб район вакилига мухбирга қараб қўйди.

— Ҳурматли меҳмонлар ва колхозчилар!— деди Қоплонбек,— бу ерда жуда яхши гаплар айтилди, мен ҳаммасини диққат билан тинглаб ўтириб, жуда завқланиб кетдим. Бир вақтлар бунақа мажлисларда лампа чироқ ёқиб ўтириб, гаплашардик. Энди, электр, телеви зор... Мана шу раис бувам батрак бўлиб, бирипчи кол хоз тузган киши. Бизлар у вақтда бола эдик... Раис бувам саводсиз — бармоқ босадиган одам эдилар, ке йинчалик қалам ушладилар, ундан кейин ручка десак, мана, кўриб турибман, ҳозир қўллариди авто ручка. Бу нима дейилади, қани ўзларингиз айтинг лар-чи?

— Терим ҳақида гаплашиб олайлик,— деди раис бува луқма ташлаб.

— Сабр қилинг, ҳозир теримга ҳам келамиз,— деди Қоплонбек бағбақасини қабартириб, секин кекириб ҳам олди,— бунинг отини прогресс дейилади. Мен ўй

лайманки, агар ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ўзини геримга урса план ҳам... ваъда ҳам бажарилиб, юзимиз ёруғ бўлади...

Раис бува ўрнидан тураётган эди, яна биринчи қатордан кимдир қўл кўтариб, минбар томон юра бошлади. Раис бува индамай ўз жойига ўтирди.

— Аниқ ва конкрет гапириш керак,— деди минбарга тогдек кўксини қўйиб Дўнаншер, ўнг қоши ва мўйловини учириб,— колхозни бир яхши боғ десак, пахта теримини дамланган палов деса бўлади. Чунончи, ошнинг ҳам ҳамма масаллиғи жойида бўлса ширии бўлади, ундан кейин оби оташ деймиз, саксовул ёқилган ош бошқа, қарагай ёқилган ош бошқа! Терим ҳам бамисоли шундай, машина ҳам ишласин, теримчилар ҳам, торозибону шофёр, йигитлар ҳам тинмай ишласин.

— Ҳозир ака билан Рўзбой акалар паншаха билан хирмонда тинмай пахтани титиб туришсин — пунктни ҳам ўйлаш керак-да, дўстлар! Раис бува қаловини билиб ёқсалар, план гатов-да! Ҳаммамиз бугундан бошлаб сафарбар, ишни дўндириб юборамиз, омад қушини гаҳ деб қўндириб юборамиз...

Залда гурра кулги кўтарилди. Энциси қотиб ўтирган раис бува ҳам бошини сарак-сарак қилиб кулди. Ёнида ўтирган вакилга бир нима деб шивирлади. Одамларнинг назарида «бемаъилик бўлса шунчалик бўларда» деган бўлса керак. Вакил ҳам қотиб-қотиб кулди. Раис бува ўрнидан туриб қўрқа-писа «яна гапирадиган борми?» деган эди, орқада ўтирган ориққина бир жувон «яхши гаплар айтилди, масала тушунарли. сўзга чиқиш тўхтатилсин, эмизикли болам йиглаб қолди» деди.

Шундан сўнг раис бува масала жиддий эканлигини яна бир карра тушунтириб мажлисни ёпди.

Колхоз далаларида қизгин терим бошланиб кетди: машиналар гуриллайди, ҳамма далада — ёшу қари бўйнига этак осган, меҳнати оғир жавоҳирни тиради. Юк машиналари тинмай югуради — хирмонлар гавжум. Дарҳақиқат, Ҳозир ака билан Рўзбой аканинг қўлида паншаха, эрталабдан кечгача офтобда пахта қури тишади. Раис буванинг овқат ейишга ҳам вақти йўқ, юргани юрган...

Эрта билан оёғига офтоб тушиб хириллаб ухлаб ётган Йўлбарсхон уйготиб қўйган хотинига йўлбарсопа совуқ важоҳат билан қаради:

— Ҳа?!

— Турмайсизми, офтоб ёйилиб кетди-ку!

— Бор кетавер!

— Болани нима қилай?

— Бувимга бер!

— Бувимлар ҳам далада...

— Шийпонда ясли очилган, обор!!! У-увв!— у пиш-қириб юборди.

Хотин бечора боласни қучоқлаб далага жўнади.

Худди шу пайтда кўчанинг нариги бетидаги эшик олдида Абдасхон тўра хотинига ялиниб турарди.

— Ойнониб кетай, асалим, шакарим, ахир ўзинг биласанки, мен эгиллолмайман, белим қотиб қолган...

— Ешлигингизда энгашардингиз-ку, мени билмайди дейсизми?

— У вақтлар ўтиб кетган, хотинчам. Бор, тезроқ бора қол! Мен раис буванинг топшириғи билан шаҳарга тушиб чиқаман.

Ҳидоят қори сўққа бош бўлгани сабабли онасини ишга чиқарарди — ўзи саройбонлик қиларди, яъни идора, меҳмонхона атрофида ўралашар, келган-кетганларни кутиб олар, сергап, сертакаллуф бўлганлигидан раиснинг ҳам қулоқ-миясини деб, жонига теккан эди. Баъзилар бу ҳолни сезиб барзангини раиснинг маҳани дейишарди.

Дўнаншерни далага чиққанидан чиқмагани маъқулроқ. У папа салқин бир ерни топиб ярим этак пахта бошда болиш, тоза хурракни отарди. Ёнида икки палла тарвуз пўчоқ билан пайтавасини пашша талаб ётарди. Эснашдек унинг ялқовлиги бошқаларга ўтмасин деб бригадир ҳам «даламиз мана шу шердан холироқ турсин» дерди...

Шундай қилиб, бу олти «полвон» долзарб кунларни ўтказди.

Улуғ айём — байрамга яқин колхоз пахта планини ўринлатиб, ҳамманинг дили шод бўлди. Мажлис қилиш,

жиндек гаплашиб, шакаргуфторлик қилиш ҳам раис буваинг кўнглига сигиб қолди. Дунёда нима кўп, мажлис кўп, ҳай, нима ҳам бўлди-ю, яна мажлис бўлиб қолди. Бу мажлисда ҳам ўша мухбир йигит пайдо бўлиб қолди. У негадир раис бувага ёқиб қолган эди, атайин областдан чақиртириб келди.

Яна ўша чарогон клуб, зал тўла одамлар. Президиум, минбар... Бу гал ҳам биринчи қаторни пурвиқор Йўлбарсхон Қоплонбек, Абдасхон, Дўнаншерлар эгаллаб, галифе шим, айил камар, чақмоқ мўйловлари буралган, савлат тўкиб ўтиришарди. Саҳнага чиқиб қараган одамга фақат ўшалар кўринарди. Уларнинг чеҳрасида табассум, кўзларида нур ярқирар, тепадек кифтлари орқасида бошқа одамлар, хотин-халаж кўринар-кўринмас ўтирарди.

Раис бува меҳнатда намуна кўрсатганларнинг номини айтиб ҳаммани муваффақият билан табриклаб кимгадир сўз бермоқчи бўлиб залга қаради. Шу лаҳза бириинчи қаторда ўтирган Йўлбарсхон сўз сўраб ўрнидан турди-да минбарга яқинлашаётган эди, раис бува уни тўхтатди:

— Сабр қилинг, бўтам, андак сабр қилинг!— у қўлини паҳса қилди, бутун зал бир лаҳзада сув қуйгандек жим бўлиб қолди.— Сизга ҳозир ҳар қанча сўз бераверсам бўлади. Ишимиз жойида. Лекин бу инсофдан эмас! Муттаҳам десам эҳтимол мени судга бера-сиз. Келинг, бундай демайман, аслида шунақасиз. Культурний қилиб айтсам, сизлар пўкакдек сувнинг юзида юрасиз. Сизлардан наф йўқ. Сизларни «пўкак полвонлар» деса тўгри бўлади. Бу зални тўлдириб миҳлар ўтирибди, улар кўзга кўринмайди — синчларни синчларга қўшиб ёгочлар қалбида ётибди. Аммо иморатимни маҳкам ушлаб турибди. Ҳа, ўшаларга суянаман. Улар камгапроқ, сизга нисбатан кўримсизроқ...

— Ия, бу қандоқ бўлди, раис бува?!— деди Йўлбарсхон ғўдайганича ҳамманинг олдида.

— Хафа бўлмайсиз, бўтам, жонимдан ўтиб кетгани учун гапиряпман. Бу фақат менинг гапим эмас, бутун жамоанинг гапи. Ишонмасангиз мана, сўранг. Уртоқлар, нима дейсизлар?

Бутун зал бараварига: «Тўгри! Дангаса фирибгарларга уят, боппадингиз, раис бува!» дейишди.

Йўлбарсхон шалвираб, бўшашиб жойига ўтирди.

Бошқа икки полвоннинг капалаги учиб кетди. Секин жуфтакни ростлаб қолишди.

— Қани, ўзинг гапир,— деди раис бува орқароқда ўтирган жиккаккина бир аёлга мурожаат этиб. Аввал уялинқираб турган аёл ўрнидан туриб, минбар томон юра бошлади.

Чапак гурра кўтарилиб, зал яна чароғон бўлиб кетди. «Бопладимми», дегандек раис бува якка кифт бўлиб, хурсанд ёйилиб, завқланиб ўтирарди.



ҶИССАЛАР

Қишнинг бир куни қолса ҳам кўрқ...

Февралнинг охирига келиб яна бошқатдан ёғингарчилик бошланиб кетди. Тошкент осмонида қорамтир булутлар шитоб билан сузиб, бир дамда ҳаво бурқиб, чақмоқ ялтирар, узоқ-узоқлардан момақалди роқ гумбирлаб келиб, осмон гумбазини ёриб юборгундай дағ-даға солар, бирдан томларга шатир-шутир ёмғир тушарди, бир зумдан кейин гувиллаб росмана қуйиб юборарди. Ёмғир аралаш кучли шамол дераза ойналарини шақирлатар, дарахт шохларини силкитар, машина йўлларига кўлоб-кўлоб сув тўпларди.

Жамила эрта билан ўрнидан турди, эринчоқлик билан кўзларини ишқалаб, дераза ёнига келди-да, ҳовлига қаради. Ҳамма ёқни оппоқ қор босибди. дарахт шохлари қор тагида эгилиб қолибди, деворлар устига қордан каллақандлар қўнибди. Яна қиш...

У пальтосини сандиқдан олди. Яхши ҳамки нафталин сепиб қўймабди. Нонуштадан кейин, одатдагидек, кийиниб комбинат сари жўнади.

Қишнинг қаҳри синган эди. Эртасигаёқ, осмонни қоплаб ётган қуюқ булутлар бир-биридан узилиб, Чимён тоғлари томон жўнай бошлади. Офтоб ердаги қорларни қанддек эритиб оқизди.

Жамила дастгоҳига комбинат гудок чалиб турган пайтда етиб келди. Тезда жомакорини кийди-да, фабрика гала-ғовури ичига кириб, сменасини қабул қишди. Тўхтовсиз ҳаракат қилиб турган қатор тўқув станоклари орасидаги коридорда бошдан-оёқ юриб, сачраб

отилаётган мокиларни, таралиб турган оқ ипларни кўздан кечирди. Станок устига қўнган чангни чўтка билан артди. Иккинчи бир станокни бир дам тўхтатиб, моҳир қўллари билан ипни улади-да, яна юргизиб юборди. Станоклар бир текис ишлай бошлагач, хотиржам бўлиб, қўшниси Малоҳатхонга қаради. Нариги қатордаги станокларда ишлаётган паст бўйли, қотмагина қиз уни кузатиб турарди. У ўттизлардан ошган бўлишига қарамай, ўзини жуда ёш қилиб кўрсатишга интиларди. Жамила унга қараб аввал табассум, кейин «олиб келдим» дегандай ишора қилди. Паст бўйли жувон хурсанд бўлганлигини билдириб, кулимсиради. Жамила сабри чидамай ёнидаги буклоғлиқ қоғозни ёзиб, тургап жойида унга кўрсатди. Бу қоғоз қайси бир журнал варағи бўлиб, кўйлак модаси тасвирланган эди.

Смена бошланганига ҳали бир соат ҳам бўлмади, унинг ёнида яна ўша механик йигит Асқарали пайдо бўлди. У чақирилмаган бўлса ҳам станоклар ҳаракатини зерикмай кузатди, аллақандай гайкани бураб, Жамилага яқинлашди ва қулоғига оғзини олиб бориб: «Яхшимисиз?» деб бақирди. Жамила юзини ўгириб: «Станок яхши ишляпти» деди товушининг борича. «Мен станокни эмас, ўзингни сўраяпман. Станок яхши ишлаётганини кўриб турибман» деди. Жамила кулишини ҳам, кулмасини ҳам билмай унга кулимсираб бир қаради-да, «тузук» деб нариги четдаги станок ёнига югуриб кетди. Бир нафасдан кейин, энди Асқарали ака кетгандир деб ер тагидан секин қараган эди, лекин у ҳамон кузатиб турган экан. Жамила бир нарсадан қўрққандай, дарҳол бошқа томонга қаради.

Асқаралининг ҳар куни бўлар-бўлмасга бу ерга келавериши, Жамилага тикилавериши Малоҳатнинг гашини келтириб, энсасини қотирарди...

Негадир унга ҳеч бир йигит гап ташламайди. Нега бундай? Мана у ўттиз ёшдан ҳам ошиб қолди. Юзига айтишмаса ҳам, орқаворатдан баъзан «қари қиз» деб кўйишади.

Асқарали асбоблар солинган тулука қутисини кўтариб, бу ердан кетгандан сўнг, Малоҳатхон Жамиланинг ёнига келди-да, Асқарали кетган томонга қараб:

— «Жуда сур йигит», — деди Жамиланинг қулоғига, —

менинг ҳам орқамдан юрган эди, бир куни «менга ҳадеб бунақанги тикилаверманг!» дедим. Шундан бери нарироқдан юради. Сен ҳам шундай қил! Унинг таъини йўқ.

Малоҳатхонга Асқаралининг ҳеч қачон суқи келмагани, айтган гапларининг барчаси ёлгон эканлигини сезса ҳам, Жамила бу гапларни қабул қилди. Гапларига ишонганини имо билан билдирди.

— Айтганингиздай, ёмон йигитга ўхшайди, Малоҳатхон опа.

— Қулоғингга нима деди? Кино-пинога борамиз демадимми?

— Йўқ-а, менга ҳеч қачон бунақа гапларни гапира олмайди! Станок яхши ишляптими, деди холос.

Эртасига, у сменасидан чиққанида яна ёмғирга дуч келди. Йигирув-тўқув фабрикаси эшигидан ўтиб комбинатнинг катта дарвозасигача асфальт йўлкадан пилдираб чопиб борди. Малоҳатхон билан Нина аллақачон жўнаб қолишибди. У дарвозадан ўтиб, минерал сувлар сотадиган кўк дўконча ёнига етганида ёмғир жалага айланиб, шундай қуйиб юбордики, асфальт кўчада сув анҳордай оқиб кетди. Жамила югуриб бориб ўзини дўконча ёнидаги панага олди, икки қўлини костюми чўнтагига тикиб, ёмғирга тикилиб турди. Тарновлардан шаллодек айқириб сув туша кетди. Ерда пайдо бўлаётган пуфакчалар диққатини ўзига тортиб, бир нафас унинг хаёли яна йигирув-тўқув фабрикаси станоклари ёнида айлана бошлади: «Нега у менга ҳадеб тикилаверади? Негани уни «ёмон» дейишади? У уйланганмикин ёки уйланмаганмикин? Агар хотини бўлса-ю, бунақа... қизларга тикилаверса... ёмон йигит экан...»

Зонтик тутиб, шитоб билан юриб келётган кишини кўк дўконча ёнида тўхтаб: «Жамилахон!» деган эди, у чўчиб тушди. Ёнида турган Асқаралини кўриб, бошидаги хаёллари бир зумдаёқ тарқалиб кетди.

— Мана шу зонтикни Сиз тутиб кетинг.

— Раҳмат, ҳожати йўқ!— Бу сўзни Жамила негадир қўрқув аралаш зарда билан гапирди.

— Ивиб қоласиз, жалани кўряпсизми, ахир?

— Ивиётганим йўқ!

— Олинг, уяладиган пайт эмас, Жамилахон, олинг,— Асқарали зонтикни Жамиланинг қўлига зўрлаб тутқазди. У кўчанинг нариги бетида ўзларини

панага олиб турган кишиларни кўриб жуда уялиб кетди.

— Қўйинг!— У зонтикни олмасдан, шариллаб қўйиб турган ёмғирда чопиб кетди. Асқарали изза бўлиб, Жамиланинг орқасидан қараб қолди.

Жамила ҳовлисига ивиб, шалаббо бўлиб кириб кетди.

— Вой-бўў... ивиб кетибсан-ку, болам,— деди айвонда ўтирган Қутбиниса хола,— зонтикни ола кетгин дёсам, олмадинг. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ эди. Уйга кириб ечин-да, дарров бошқа кийимингни кийиб ол. Қудратингдан ўргилай, ёмғир ёғаверса ҳам жонга тегар экан... Кўз очиргани қўймайди-я! Эскичасига «қирқ кун қургоқ ёки қирқ кун сирғоқ» дердилар. Мана—«сирғоғи» бошланганга ўхшайди...

Жамила уйга кириб, гардероб ойнаси ёнига келди. Ивиб кетган косинкаси тагидаги соч толалари пешонасига, чаккасига ёпишиб қолибди. Рўмолчага ўраб олган, комбинатга кириш учун берилган гувўҳномасини, уч сўмлик пулини гижимлаб эзиб ташлабди. Ёмғир костюмидан ўтиб, юпка крепдешин кўйлагини баданига чиппа ёпиштирибди. У ойнага қараб туриб негандир кулумсиради. Туташ, қайрилма қошлари, узун киприкларни устида томчилар шудрингга ўхшаб йилтираб турарди. Жадал юриб келганидан икки юзи қизариб кетибди...

Жамила костюмини ечиб ташлагач, ойна олдида буралиб, баъзан ёнлама, баъзан қўлларини белига қўйиб, ўз-ўзини томоша қилди. Кўксига икки каштар қамалиб қолгандек, кўйлаги нчида типирчилагапдек бўларди...

У ечиниб каравотга ётди-да, ўралиб олди. Уй ичи жимжит. Фақат токчадаги будильникнинг чиқиллаши эшитиларди. Бу Жамиланинг холаси: бурчакка кўндаланг қилиб қўйилган янги гардероб ва каттагина бир тошойна уйни кўркам қилиб турарди. Бу икки нарсаси Жамиланинг «пешона тери». Бундан ташқари уй ичида гулдор бухор сандиқ ҳам бор. Полдаги бир ёнини куяган еган гилам раҳматли онасидан қолган. Уй деворлари сомонлик лой ҳолича қолиб кетган, шифтидаги фанер ҳам ҳали бўялмаган. Коридорнинг нариги томонидаги хонада чол-кампир— Қутбиниса хола билан Тошпўлат ота яшайди. Уйлар озода, янгича «пол ва потолокли», деворларида токча ва тахмонларни ҳам бор. Қозиққа

отанипг дўпписи, чакмони илиб қўйилган. Токчаларда чинни идишлар турар, идишлар орқасида қум билан ювилиб ярқиратиб қўйилган мис баркаш, самовар ва сирли патнуслар эҳтиёт билан терилган. Лениннинг бронемашина устида нутқ сўзлаётган сурати кўп йиллардан буён бу уй деворида рамка ичида турарди. Қутбиниса хола бир куни гапдан гап чиқиб, бу суратни Тошпўлат ака олиб келганда, ҳали Жамила туғилмаган эди, деб қўйди. Суратнинг тагида «Фахрий ёрлиқ» ҳам илиб қўйилган. Бу мукофот ишчи Тошпўлат Болтаевнинг олтмиш ёшга тўлган кунида берилган экан.

— Ҳай, Жамплахон,— эшикни очиб кирди Қутбиниса хола бир дамдан сўнг,— эгнингин кийиб бўлган бўлсанг чиқиб, овқатингни егин, болам.

— Ҳеч нарса егим келмаяпти,— деди Жамила бир оз бошини ёстиқдан кўтариб.

— Вой, нега ётибсан? Ёки бирор жойинг оғрияптими?

— Йўқ.

— Тагин шамоллаб қолган бўлмагин?— У келиб Жамиланинг пешонасига ориқ, томирлари бўртиб чиққан кафтини босди,— озгина иссиғинг борга ўхшайди.— У тахмондан атлас кўрпани олиб, Жамиланинг устига эҳтиёткорлик билан ёпди, пешонасига тушган сочларини кўтариб қўйди. Гидамда ётган ҳўл кийимларини йиғиштириб олгандан сўнг, деди:— Яхшилаб аччиқ шўрва қилган эдим, ярим косагина ичгин, жон болам. Устига мурч сепиб қўйдим. Шетта ича қол, майли кўзгалма.

Қутбиниса хола ташқарига чиқиб чинни косада шўрва олиб кирди. Стулга газета ёзди-да, устига косани қўйди. Жамила каравотда гужанак бўлиб ётганича ухлаб қолди. Шўрва ҳам совиб қолди. Қутбиниса хола овқатдан кейин уйга кирса, Жамила ухлаб ётибди. Оёғининг учи билап юриб, секин чиқиб кетди. Ярим соатлардан кейин деразадан мўралаб ҳам қўйди. Қизи ҳамоп ухлаб ётарди. Хола, юрагига гўлгула тушиб, безовта бўла бошладн. Назарида Жамила бир нарсадан хафага ўхшайди. Бундан бир йил илгари, эски шаҳардаги қайси бир қариндошидан «асранди» эканини, ота-онаси ёшлигида ўлиб кетиб, амакиси қиз қилиб олганини эшитиб қаттиқ хафа бўлган эди. У бир неча кун хомуш бўлиб юрган. Қутбиниса хола белини боғ-

лаб ўша қариндошиникига борган. бундай деб, «ўзи туққан» қизини (у ҳар доим «Сени ўзим не азоблар билан туғиб олганман» дерди) бўлмагур гаплар билан ранжитгани учун ит кунини бошига солган, маҳаллани бошига кўтариб; «алининг» ўйинини кўрсатиб келган эди. Бу воқеадан юрагини олдириб қўйган Қутбиниса хола дам-бадам деразадан уйга мўралар, Жамиланинг уйқудан кўз очишини сабрсизлик билан кутарди

II

Йўл юриб бораётган кишида, беихтиёр, бир орқага қараб қўйиш одати бўлади. Бунда у босиб ўтган йўлга назар ташлайди. Бу саҳифаларни ўқиётган қадрли дўст, Сизнинг рухсатингиз билан, мен ўтган йиллар ҳақида қисқа ҳикоя қиламан.

Қутбиниса билан Тошпўлат ака фарзанд кўрмадилар. Улар Сақичмон маҳалласида турганларида, овсинлари Лутфиниса билан Попукойнинг болаларига муҳаббат қўйишди, уларни эркалашди. Тор кўчанинг бир томонида Попукой, ундан нарироқда Лутфиниса турарди. Тақдир экан, улар кейинчалик иш важидан комбинат ёнидаги ишчилар шаҳарчасига кўчиб кетишди. Лекин Лутфинисанинг Қутбинисага ўша вақтда қилган зуғумлари ҳали ҳам унинг ёдидан чиққан эмас. Туғмаган хотинлар асабий бўлади. Асабий кишилар ноҳуш гапларни узоқ йилларгача хотиридан чиқаролмай, қийналиб юради. Мана, бир куни Лутфиниса эшиги олдига чиқиб, Қутбинисага «меҳрибонлик» кўрсатиб қолди:

— Тут егани ҳам чиқай демайсиз, овсин. Бир, мундоқ бизларникига ҳам чиқиб, ахир шу ерда овсиним боров, деб ёрлақаб қўймайсиз... Гина қилсам арзийди. Тут ўлгур бошини еб, таги билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Так этиб теша урдингиз бас, ёмғирдек тўкилади. Ман Маннопжонга, «Ҳай, опоқингни чақириб чиқ, тут есиллар», дейман. Ахир нега чиқмайсиз?! Чиқинг!.. деб Лутфиниса қўярда-қўймагандан кейин, бир куни Қутбиниса овсининикига чиқди. Лутфиниса чой қўйиб келди-ю, «Вой-й-й, эсиз, эсиз... Бунн қаранг-а, Маннопжон қурмагур аммасиникига кетмаганда қоқиб берарди. Шамол ўлгур ҳам келмайди, тўкиларди. Аттанг-аттанг, насиб қилмаган экан...» деб бнжиллади. Бу —

қимматчилик йили эди. Қутбиниса азим туп тутга термилиб, кейин бир-икки бурнини жийирди-да чиқиб кетди.

Бундан сўнг яна нимадан бўлиб бир аччиқлашиб қолишганида: «Сиз топиб гапирмайсиз, қопиб гапирасиз» деган эди. Бу сўз унинг нарёв-берёғидан ўтиб кетиб, Қутбиниса ичида ҳақ» деб қўйган эди. Бу сил-симён Лутфиниса Қутбинисанинг бошига не-не кунларни солмади. У ҳаммасини «босиб-янчиб» кетган бўлса ҳам, Қутбинисанинг опаси қазо қилганда Лутфинисанинг бир челақ увра оши қилиб чиқаргани ҳали ҳам ҳеч эсидан чиқмайди. Бу нимаси? Қап-катта хотин, эслиҳушли одам ҳам ўлган ерга увра оши қиладими? Бу билан у: азангга аза уврадек чўзилиб-уланиб кетсин демоқчими?! Шумлигинг ўзингнинг бошингга етсин, дегандек қилиб, Қутбиниса увра ошини ҳужрага олиб кириб, қош қорайгач, челаги билан ариққа ағдариб юборди. Узун-узун увралар икки, уч кунгача ариқ бўйидаги толларнинг илдизига илашиб, сувда илонга ўхшаб лапанглаб ётди. Буни қўни-қўшниллар ҳам кўришган.

Лутфиниса эллик ёшлардан ошган, касалвон, қиш бўлса эски йўтали қўзғаб, танчанинг четида мукка тушиб ётади. Аксига сигири шундай сутга кирган эдики, янги кўчиб келган мижозларининг ҳаммаси уникига қатнашарди.

Бир кун у сигири билан айтишиб, койиниб тургани устига Қутбиниса кириб қолди. У: «Ҳа, ҳаромгина ўлгур, сўқим! Оёғингни олсанг-чи, шал бўлгур! Яхши бўлсанг, худо сени сигир қилиб яратармиди! Бўйининг узилгур, оёғингни челақдан ол, дейман!..» деб қаргарди. Сигир бўлса қасддан қилгандек, ярим челақ сут ичига оёғини тиқиб турарди. Шунда Қутбиниса бехосдан мешдек осилиб тушган елинига қараб: «вой ўлай, елинимми?» деб юборибди. Шу-шу сигирга «кўз тегиб», суги камайиб кетган эмиш.

«Ҳаҳ, кўзгинанг ўзингга ургур!» деди ичида Лутфиниса. Лекин у бундай қарғишни ҳеч тилига чиқармади. Қайната бўлса: «э... бўлмаган гап, келин! Қисир бўлгиси келгандан кейин, мол қисир бўлади-да. Қутбинисада «кўз» нима қилсин. Лекин тегирмон тошчи чилпора қилиб юборган «кўзлик» одамларни ҳам эшитганмиз...» дебди.

Шу кезларда Қутбиниса Лутфинисадан қатиқ сўратирди. Лутфинисанинг қизи бир товоқ қатиқ олиб чиқиб айвонга қўйиб кетди. Қатиқ яхши ивимаганми ёки сигирининг сути суюқми, ишқилиб, Қутбиниса «ардоб»дай қатиқни мошхўрдага қўшгиси келмади. У «хурмача тагини» берган гумон қилди-да, ошхона олдида пингиллади. Эртасига, бу товоқдаги қатиққа помидор қўшиб самовари билан мнс баркашини, дашшасини оқартирди.

Лутфиниса сигирининг камсут бўлиб қолгани — «кўзикканининг олдини олиш» мақсадида, яширинча Қутбинисанинг изидан бир чимдим тупроқ олиб, исириққа қўшиб сигирининг елини остига олиб келиб тутатган эмиш. Буни эшитган Қутбиниса: «Пихингиз қайрилган устомон хотин экансиз» дебди. Бу гап ҳам Лутфинисанинг нарёғ-берёғидаи ўтиб кетибди. Ундан кейин: «Мунча чули-чули қилиб юрасиз...» дегани жапжалга сабабчи бўлди.

— Ҳай, овсин, оғзингизга қараб гапиринг! На-а ман «чули-чули» қилиб юрарканман?! (Лутфиниса ўзини «куркасан» деб ҳақорат қилди деб англади.) Узингиз курка!

— Мен сиздан шуни кутганмидим, овсин! Нега мен курка бўларканман! Уруғим-аймоғимда йўқ курка энди чпқибди-де! Ориқ бўлсам, худо қибди. Бўйним узун бўлса ҳам худо қибди. Майли, курка бўлсам, куркадирман. Аммо, ҳар бандаи мўминни сиздек чакагини очиб, қақшатиб қўймасин!

— Нага мен қақшар эканман! Куракда турмайди-ган гапларни гапирманг! Пашшанинг маҳмаданаси ахлатга қўнади.

Бу гаплардан сўнг Қутбиниса оёқ қўйиб тургани тандир устига ўтириб қолди. У қопқонга тушган сичқондек бир-икки қимирлаб кўрди-ю, кейин кучи етмагач қимир этмай қотди. Фигони чиқиб, ичида: «Бу ўлгуриинг мучали ҳам «ҳамдуна». Ҳамдуна мучалли одамнинг хосияти бўлмайди деб айтишгани эсига тушди.

Шундай қилиб, Қутбиниса билан Лутфинисанинг қадимдан ҳеч юлдузлари тўғри келмаган эди. Ишчилар шаҳарчасига кўчиб кетиш — жанжалга хотима қўйди. Яқиндаги тишлашар, узоқдаги кишнашар, дегандек ҳозир, баъзан улар ғойибона бир-бирларининг сояларига

кўрпача ёзадиган пайт ҳам бўлади. Лекин ёмони шу бўлганки, ўша йили овсини Попукой адо бўлди. Икки яшар Жамила етим қолди. Уша қайғули, оғир кунларни асти сўраманг. Қутбиниса асабий бўлгани билан анча кўнгли бўш хотин. У Лутфинисага ўхшаб кўзига тупугини суртиб йиғламади, у етим деганда йиқилган Попукойнинг хазои бўлган юзига қараб: «Одамзод шундай бўлар эканда» деб йиғлади. Лутфиниса бўлса: «Ҳа, одамнинг боши — облонинг тоши, эгасининг ўзи билади» деб қўя қолди. Ҳамма нарсадан ҳам, бу қий-чув аза ичида тетапоя қилиб юрган Жамиланинг одамларга жавдираб, йиғлашини ҳам билмай, кулишини ҳам билмай юриши, ундан кейин чарчаб айвон четида ухлаб қолгани азага келганларнинг юрак-бағрини эзиб, йиғламаганини ҳам йиғлатди. Унинг кимгадир «мамма ух, мамма ух...» деяётганини эшитиб турган Қутбиниса ўпкасини тута олмай, пиқиллаб йиғлаб юборган.

Яқинда, бир коса қаймоққа оқ булка нон тўғраб, обдап бўктириб, эру хотин «олинг-олинг» қилиб, бамайлихотир еб ўтиришганда, нима ҳам бўлди-ю Қутбиниса холанинг хаёлига лоп этиб қора қонига беланган Попукой тушиб қолди. Оғзидаги юмшоққина қаймоқли нонни лиқ этиб ютди-да, Тошпўлат акага қаради.

— Алоғ-чалоғ туш кўрибман. Раҳматлик Попук Жамилани чақириб, ҳаммадан сўраб юрган эмиш. Раҳматлик катта хотин бўлиб кўзимга кўринди. Тавба, ўлганлар ҳам қариркан-да. Одам умрнинг ўтиб кетганини ўғил-қиз ўсгандан кейин билиб қолар экан...

— Ҳа,— деб қўйди Тошпўлат ака мўйлабига тегиб кетган қаймоқни қўли билан артиб. Шундан кейин у узоқ хаёлга чўмди. «Хаёл суриб овқат емоқ саломатликка зарар» эканини билса ҳам, унинг кўз олдидан ўша қайғули, наинки қайғули бўлсин, даҳшатли куи ҳеч кетмади.

...Мирҳайит кулолнинг кенжа ўғли Мирсалим аломатроқ чиқди. Тажанг деса, унча тажангга ҳам ўхшамайди. Писмиқ деса, унча писмиқ эмас. Баъзилар унга «битта гап — кам, иккита гап — ортиқча» дейдилар. Бир куни унинг катта оғаси Тошпўлат ака ҳам, ёнини олибми ёки сўкибми, «сиркаси сув кўтармас йигит чиқди» деган эди. Дарҳақиқат, унга тушуниб бўлмайди. Ту-

шунган, ақтли йигит бўла туриб, баъзан нолоннинг ишини қилади.

Мирсалим ишқибоз бўлиб, тўғрироғи. Яхши кўриб қолиб Попукойга уйланди. Оғзига кучи етмаган баъзи ошналарининг: сен «артист»га уйландинг, деганлари ҳам бир пақир бўлиб қолди. Попукойнинг ёш артистка эканини, унинг тоғаси ҳам кимсан фалончи, деган халқ артисти эканини ҳам билиб, Лутфиниса хола айтганидай, мабодо «кир-пири бўлса дарёда чайиб» олган эди. Ишқ-муҳаббатнинг кучи қанчалик зўр эканини Мирсалимнинг ўзи ҳам кейинчалик пайқаб қолди. Попукой бўлса «бўй-басти келишган» Мирсалимжонга умид билан қўл бериб, эрим деб, унинг қучоғига нокдек ўзини ташлади. Негадир «артист» деса захраси учадиган Мирҳайдар ота ёзилиб тўйда ҳолва еди, сарпа кийди-да, «ҳа, артист бўлса ҳам худонинг бандаси, ишқилиб охири баҳай бўлсин» деб қўя қолди. Попукойнинг бу хонадонга келин бўлиб тушганини Қутбиниса хола билан Тошпўлат ака қоронғи уйга олиб кирилган шамчироққа таққослашиб, анча-мунча қувонишди. Келинга ҳам, куёвга ҳам бош-оёқ сарпа қилишди. Кенжатоининг тўйи ҳаммасиникидан ҳам каттароқ бўлиб ўтди-ю лекин Мирҳайит ота раҳматлик кенжатоининг тўйини кўролмайдигани Тошпўлат ака билан Мирҳайдар ота кўнглида армон бўлди.

Мирсалим Попукой билан бир йилча тургандан кейин, қиёматли қўшниси Лутфинисанинг фикрича, уларга «кўз тегибди». Бир неча бор устма-уст жанжал-сурон кезларда Жамила тугилибди. Жанжални Қутбиниса хола бир томондан, Мирҳайдар ота бир томондан босди-босди қилиб, оғизлари билан сув сепиб уйдан ташқарига чиқармасликка жон-жаҳдлари билан киришдилар. Баъзи бир эшитган қулоққа: «Ҳа, эру хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши. Нима бўларди, икки ёш бир-бирини қизганишгандир. Яхши кўрса, қизганади. Ҳамма ҳам қизгана берармиди. Беш-ўн йилдан кейин, бизга ўхшаб қаришса, жанжал ҳам босилиб қолади. Ишқилиб, ҳар бандаи мўмин қариб-чириб ўлсин. Мана, бизлардек бўлгандан кейин чалпакка ўраб ташласа ҳам биров қарамайди. Энди Попукойни айтсам, нокдек жувон-да... Фарқўз йигитлар ўлгур ҳам кўп. Битта-яримтаси гап ташлаган бўлса, эрининг ач-

чиғи чиққандир. Нима бۇларди, дейсиз, осмон узилиб ерга тушибдимми...» деб қўя қоларди.

Илгари унча-мунча ашула айтиб, меҳмонхонада беш-тўртта ошнасини хурсанд қилиб юрган шу маҳал-лалик Исмат Ғўла, маҳаллада шундай деб атамаса уни тушунмасди, бир амаллаб театрга кириб олди. Бир спектаклда қирол саройи эшигида қоровул бўлиб турди. Яна бир спектаклда дарахтлар орқасида туриб, ўткинчиларни чўчитиб дамо-дам вовуллади... Қилич-бозлик қиладиган роль бўла бермаганидан кейин қоши бароқ режиссёрнинг маслаҳати билан театрга кассир бўлди. Яқинда бу кассирликдан ҳам омон-эсон қутулиб олиб, чойхонани обод қилмоқда. Новосибирскка қатнайидиган поезд проводникларининг «иши яхши эмиш» деган гапни эшитиб, анчадан буён ўзининг эски ошнаси, ҳаммаҳалласи Мирсалимнинг кетидан юрибди. Мирсалим бўлса у билан яна апоқ-чапоқ бўлиб қолди. Уйланмасдан аввал, кимдир Попукни мана шу йигит билан «гаплашиб юрарди» деган гапи, ундан кейин, Исматнинг ўзи ҳам шақиллаб, бу ҳақда оғзини бепаровуз қилгани, унга нисбатан юрагида бир совуқлик пайдо қилган бўлса ҳам, вақт ўтгач бу совуқлик эриб, қадимги ошнаси билан ош қатиқ бўла бошлади. Театрдан ҳам таниш-билиш ортдириб олиб, ҳозирги кунларда ҳам у ерга бориб турармиш. Мирсалим уч-тўрт кун поездда бўлиб, қайтиб келгандан сўнг, уч кун дам оларди. Бу кунлар чойхонага чиқар. Исмат билан чақ-чақлашиб ўтирарди.

Кейинги ҳафтада Попукой спектаклда қатнашмаса ҳам икки-уч марта жуда кеч келди. Мажлисда бўлган эмиш. Мирсалим йўлдалигида ҳам сурункасига уйга кеч келибди. Лутфиниса холанинг шивиллаб айтишича, сешанба куни уни бир йигит тор кўчага етаклаб келиб, эшигидан киритиб юборган эмиш. Йигитнинг «жоним, хайр» деганини Лутфиниса хола эшик орқасида туриб, ўз қулоғи билан аниқ эшитибди. Лутфиниса хола нимадан бўлиб, «артист» овсини Попук билан аччиғлашиб қолганида, чўнтагида йиғиб юрган бу гапларини оқизмай-томизмай Мирсалимнинг қулоғига айтди. Шу куни бўлди тўпалон, бўлди тўпалон...

Орадан ойлар ўтиб, эру хотин эндигина тотувлашиб, қизи Жамилани эркалаб, ўйнатиб турган кунларининг бирида иш яна бузилди. Чойхонада ош қилиб,

жиндак «обаки»дан тортиб олган Исмат Ғўла тушуниб бўлмайдиган бир қилиқ қилиб, яқинда бир жувоннинг сонида қора майиздек холи борлигини кўрибди. Эрини севмасмиш...

Мирсалим бу гапни сиртига юқтирмай, «қисталоғ-э» деб кулиб қўйган бўлса ҳам, сўнги луқма ош томоғига тиқилди. Ярим соатча чидам билан ўтиргандан сўнг, «чақалоқ бетоб эди» баҳонаси билан этагини қоқиб туриб жўнади. Тошкўмир иси урган кишидек икки чаккаси таре ёрилиб кетаёзди. «Майиздек қора хол... Бу нима деган гап? Наҳотки Попук шундай шарманда, наҳотки эрицинг кўзига чўп ташлаб юрибди. Тавба!»...

Мирсалим муштумини қисди, кўзларидан ўт чақнаб кетди. Уйга кириб, қизи Жамилага, қайнанасига ҳам қарамай кўрпачада чўзилиб ётди. Этиги қўнжидаги пичоқни суғириб олиб, яна қайта жойига тиқиб қўйди: Жамилани кўтариб кирган кампирга калтагина қилиб: «Чой ичмайман, ҳеч нарса керак эмас! Бошим оғрияпти», деб қўя қолди.

Шу куни Попукой аксига ишдан жуда кеч қайтди. У уйга кириб, эрининг нохуш ётганини кўриб: «Тобингиз йўқми?» деб сўради.

— Ҳа,— деди Мирсалим ўрнидан туриб. У гандираклаб Попукой ёнига келди.

— Урин солиб берайми?— сўради Попук.

— Урин солиб берасанми?

— Ётсангиз босилиб қолармиди.

— Томоғинг нега қизил?

— А!—У бориб ойнага қарайди.

— Бўйнинг нега қизил?!— такорлайди Мирсалим.

— Грим-ку,— у бўёқни артиб ташлайди.

— Холингни кимга кўрсатган эдинг?!

— Ие, бу нима деганингиз, Мирсалим ака?

— Бузуқ!

Попукой икки қадамча олдинда даҳшат билан ўқрайиб турган Мирсалимдан қўрқиб, орқасига тислана бошлайди. Эрининг авзойи бузуқ эканини сезиб, шу зумдаёқ ранги девор бўлиб оқариб, лаблари гапга қовушмай титрай бошлайди.

— Қочма!— дейди-ю, у этиги қўнжидан пичоқни суғира олиб Попукойнинг биқинига санчади. Попукой кўзларини олайтириб, жонҳолатда қичқириб юбориб, уй эшигига ёпишди. Лекин у, қочиб чиқиб кетолмади!

устма-уст яна икки-уч бор пичоқ санчилади. Эшик зул-фига қаттиқ осилганича туриб қолади. Бир оздан сўнг ерга гурсиллаб йиқилади. Орадан ўн минутча вақт ўтар-ўтмас қайнананинг фарёди, кичкина Жамиланинг чийиллаб йиглаган овози бутун маҳаллани уйғотади. Қўши-қўшнилар киришганда Попукой эшик тагида чўзлиб ўлиб қолган эди.

Мана шушдай қилиб, Попукойнинг ёш умри хазон бўлган. Қилни қирққа ёрган судда маълум бўлишича, Попукойнинг холини театрдаги бир ўрта яшар эзма хотин ҳаммомда кўрган экан. Бу хотиннинг дарҳақиқат «Гўла» билан яқинлиги бор экан.

Бу даҳшатли кунлар Қутбиниса хола билан Тошпўлат ака хаёлидан бир дамда лип этиб ўтиб, ўша «шамчиноқ» нинг ўчганига жуда ачинишди. Ёмон кунлар «ўтиб кетсину қайтмасин»,— деди ичида Қутбиниса хола.

Ўша кунлар маҳалланинг энг кексаси Мирҳайдар ота қариндош-уруғларини чақириб: «Қизни етим қилмай, битталаринг асраб, бола қилиб олинглар. Онасига ичкибми, қиз бечора бетоб бўлиб ҳам қолибди...» деди.

Бу икки оғиз гапни бир неча марта такрорлаб, чўзиб гапиргандан сўнг: Лутфинисага қараб: «Лутфи, ўзинг олиб қўя қол, болаларинг ичида битта етимча ҳам катта бўлиб кетар. Савоб бўлади. Бир ердасизлар. Бегонага бермай қўя қолайлик. Катта бўлганда ўксимасин...» деди.

Лутфиниса қизариб-бўзариб, тайин бир гап айтмай, «адалари келсин, гаплашиб кўрай» деди. Лутфинисанинг ҳеч олгисин келмади, ҳатто Мирҳайдар отанинг «томдан тараша тушгандай» қилиб бу гапни ўртага ташлагани унга «тегиб» кетибди ҳам. У ичида «онасига буюрмаган; шум оёқ бола менга буюрармиди» деди. Қўшнисникида «итдан бўлган қурбонликка ярамайди...» деган экан, у бу гапларни оқизмай-томизмай Қутбинисага етказибди.

— Ҳамма бало, эсингда бўлса керак, бу «симён» нинг раҳматли Попук билан тескарилигида. Шунинг учун бу носазо гаплар оғзидан чиқиб кетган,— деди қўшни хотин кўзини ола-куласини чиқариб.

— Ким билан тескари эмас...— деди Қутбиниса қўшиб.

— Сигиринг бор, эринг ишлаб турибди, ахир битта етим уйингни бурчагида катта бўлиб кетар, десам, бурнини жийириб «итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни» дейди. Ёқамни ушладим, тавба! Сира олгиси йўқ. Ўзингни жигаринг, султон суягини хорламас деган гап бор, дедим, пешонасида бор экан, шундоқ бўбди. Ҳар ким пешонасида ёзиғлигини кўради, дедим. Йўқ, олмайман,— деди,— э, олмасанг сотқийсар!— дедим ичимда.

Тошпўлат ака кечқурун ишдан келиб, бу гапни эшитди. Юз-қўлини ювди-ю, негадир этигини ечмай, хонтахта ёнидаги пўстакка чордона қуриб ўтирди. Қутбиниса бир лаган мошкичири кўтариб, ошхонадан чиқиши билан:

— Чакки қилибсан,— деди тўсатдан.

— Нимани?

— Ўзинг ола қолсанг яхши бўларди. Катта бўлиб кетарди. Ахир жигаримиз.

— Кўнглимга келди-ю, аттанг, сизнинг олдингиздан ўтай девдим.

— Э, кўнгилга келган нарсани дарров қилиш керак. Фарзандимиз бўлади. Бу қуриб кетгур мушукларинг ҳам йўқоларди.

— Оламан, майли. Оппоқ пахтадай бола бўлса-ю; олмасам! Ахир худонинг қаҳри келмайдими!

— Эски шаҳарга ўзим бориб кела қолай. Тинчитиб келаман. Мирҳайдар амакимни ҳам кўриб келаман. Азадан бери ҳали кўрганим йўқ.

Овқатдан сўнг Тошпўлат ака қариндошлариникига кетди. Эртасигаёқ, Жамила эски шаҳардан ишчилар шаҳарчасига келди. У анча рангини олдирган, бетобга ўхшарди. Серхархаша, инжиқ бўлиб қолибди. Бўларбўлмасга «айя» деб йиғлай беради. Бир йиғлагандан сўнг, овутиш жуда-жуда қийин. Қизнинг йиғисига қараб Қутбинисанинг дам кўнгли увишиб раҳми келади, дам асаблари бузилиб жонига тегиб тажанг бўлади. Аранг алдаб, овутиб ухлатгандан кейин тепасида мукка тушиб, юзларига тикилиб ўтиради. Баъзан ичида «ҳар бандаи-мўминнинг ўз ота-онасидан ажратмасин» деб қўяди. Жамиланинг силқовланиб, бетоб бўлаётгани Қутбиниса билан Тошпўлат акани безовта қила бошлади. Бир неча марта болалар врач келиб уни кўрди.

Шундай қилиб Жамила аста-секин бу уйга ўрғана бошлади. Тошпўлат акани «дада», Қутбинисани «ойи» деди. У янги тил чиқараётганида шундай ширин бўлдики; Тошпўлат ака соатлаб у билан ўйнашиб ўтирарди. Ҳар кун ишдан чиққандан сўнг гастрономга кириб, зарга ўралган конфетлар, шоколадлар, печеньелар олиб келарди. Қутбиниса холачи; у ёлғиз қизи Жамиланинг жиндак иссиғи чиқдими, албатта докторга олиб борар; бунга ҳам кўнгли таскин қилмай, «қўндоқда теккан касали» — Тошпўлат акадан яшириб, Ўзгатдаги Холиққул табибга кўрсатар, ҳамма дардга бераверадиган «оқ дори»сидан ичирарди. Чунки ўзи ҳам умр бўйи шу доридан ичиб, жиндек тоби қочса, Ўзгатга одам юбортириб ўрганган эди. Жамила кўкйўтал бўлиб қолди, Қутбиниса хола Зоғариқдаги узоқ бир қариндошига тайинлаб даладан кўк қарга оттириб келиб, унинг бир жуфт патини қизи дўпписига чатди. Икки жағи тагига без келиб, «тепки» бўлганида, Тинчобдаги кўп болалик бир хотинга олиб бориб, тепдириб келди.

Кунлардан бир кун, Қутбиниса уч яшар қизини дам опичиб, дам етаклаб Сақичмондаги қариндошиникига «чиллагуразон»га олиб борди. Хотин-халаж ичида ўтириб, гап билан бўлиб кетиб, Жамиланинг ўз ёнидан ғойиб бўлганини пайқамай қолибди. Бирдан энка-тенкаси чиқиб ўрнидан турган эди, икки оёғи увушиб қолган экан, чалишиб йиқилиб тушди. Жимиллашиб, игна санчаётган увушиқ ҳадеганда тарқала бермай, юрагини ўйната бошлади. Кўча бошидаги катта ҳовуз унинг кўз олдида чексиз денгизга ўхшаб тўлқинланар, ҳовуз четидаги толлар соясида коптокдек юмалаб юрган Жамиласи сувга думалаб кетаётгандек бўларди. Қутбиниса оёқлари увушганига ҳам қарамай отилиб кўчага чиқди. Кўчада болалар ўйнаб юрибди. Лекин Жамила йўқ. Унинг юраги орқага тортиб кетди. «Ё тавба!..» У сарпойчанг югурганича ҳовуз бўйига борди. Жамила бунда ҳам йўқ. «Ё қудратингдан!..» Кўчага сув сепаётган қоровулдан кўзининг ола-куласини чиқариб: «Ҳой, амаки, уч яшар қизни кўрдингизми?» деб сўради. Чол бамайлихотир «йўқ» ишорасини қилди. Қутбинисанинг юраги баттароқ шопуриб кетди. У яна орқасига — жинкўча томон югура кетди. Қўшни хотинлардан бири Қутбинисанинг йўлнини тўсди:

— Ҳай, опоғойи, кимни қидиряпсиз?

— Вой. ман ўлай, Жамила йўқ... Энди нима қиламан!

— Чочи жамалак қизми?

— Ҳа, айлана қолай, лабининг тагида холи ҳам бор

— Сизни қизингизмиди?

— Вой-дод! Ҳовузга тушиб кетдимиз?! Тезроқ айта қолсангиз-чи?

— Ҳай, опоғойи; ундоқ деманг, худо сақласин! Ҳозир...

— Нима дедингиз?

— Ҳозир, мана ҳозир ҳув анави кўчага кириб кетаётган эди.

Қутбиниса ҳаллослаб боши берк жинкўчага қарас югурди. Дарҳақиқат, Жамила бу ўзига таниш тор кўчадан юриб бориб, бурчакдаги, остоналари баланд бир эскигина эшикни ҳадеб итарарди. Эшик ҳалқаларига солиб қўйилган тақага ўхшаш қулф шақирлар, у кичкина кафтлари билан эшикни тақирлатар, остонага ўтириб, эшик тирқичидан ҳовлига мўраларди. Ҳовли бўлса жимжит. Баъзан у тирқичга пешонасини тираб, кимнидир «ай-я — ай-я» деб чақирарди. Бир зумдан кейин у эшикни итариб, йиғлай бошлади...

Қутбиниса югуриб Жамиланинг ёнига келди.

— Оппоқ қизим, бу ердამидинг, мана ман бу ёқданман. Жамила Қутбиниса холага ялт этиб қаради-да, эшикни кўрсатиб, «ай-я — ай-я...» деб чулдирай бошлади.

Қутбиниса уни алдаб, қўлига кўтариб олди. У уч яшар бола ўз туғилиб ўсган уйини таниганига таажжубланиб, нима дейишини билмай турган эди, кўзи томда олмақоқи ёяётган хотинга тушди. Хотин кузатиб турган экан, хўрлиги келиб негадир дока рўмолининг учи билан кўзидаги ёшни артди.

— Эсон-омонмисиз, Қутбиниса,— деди томдан туриб.

— Омон-эсонмисиз, Тошбиби,— деди Қутбиниса.

— Томда ўтирувдим. Кўчадан пилдираб келди. Ҳеч қайси эшикка қарамай, тўппа-тўғри ўзиникига келиб бир мунча итариб, очаман, дейди. Кичкина қўллари билан тақиллатиб ҳам қўяди. Шунини кўриб, юрагим увишиб кетди. Раҳматли Попукойни эслаб кетдим. Қумсади... Қушлар ҳам ўз уясини қумсармиш. Раҳматли уни кўпинча мана шу эшик олдига олиб чиқиб, кўтариб турарди. Ушани қумсади... Ҳа, қизгинанинг бахтига омон бўлинг. Амакин-

гиз ҳам эрта-ю, кеч сизни дуо қиладилар. Қалай, иним яхшимилар?

— Шукур.

— Бизникига ҳам келинг.

— Ҳа, келармиз. Омон бўлинг.

Қутбиниса Жамиласини қучоқлаб, «чиллагуразон»-га— хотин-халаж ичига олиб кетди. Жамила тор кўча бошига еткунча, ўхтин-ўхтин, Қутбиниса елкасидан ўша қулфлоглиқ эшикка қараб-қараб кўярди...

Жамила ўн икки ёшга кирганида Қутбиниса холанинг бундай «ишлари» таққа тўхтади. Жамила бунга ҳеч йўл қўймади. Тўхтаганда ҳам шундай тўхтадики, баъзан Қутбиниса хола ўзига кинначи чақириб келмоқчи бўлса, Жамиланинг жаҳли чиқарди. Тошпўлат акадан яширадиган бундай «ишлар»ни энди Жамиладан ҳам яширадиган бўлди. У баъзан икки бурда нонни рўмолчасига ўраб ўзига-ўзи кинна соларди. Жамила кўриб қолгудай бўлса, энгининг ичига бекитиш осон. Бир кунни Жамиланинг олдида қўрққанидан жиндек магорлаган нонни еб юборибди.

III

Кўклам ҳавоси тез ўзгарувчан. Кечаги шитоб билан сузиб юрган қўнғир булутлар кўтарилган, жала ва осмон дағдағаси тўхтаган. Жануб томондаги бир-икки оқ булут парчалари катта туя булутлар кетидан бўталоқдек бўзлаб жўнаб бормоқда эди. Ишчилар шаҳарчасидаги дарахтлар куртак чиқариб, кундан-кунга яшил тусга киря бошлади.

Жамила одатича йигирма минути кам саккизда уйдан чиқди. Катта кўчага чиққандан кейин, остановкада турган трамвайга энтикиб югуриб келди-да, силжиб юра бошлаган вагонга осилди.

— Мила, Мила,—кимнингдир чақирган овози эшитилди. У ялт этиб қараган эди, кўзи Лидага тушди, имо билан чақираётганини сезиб, ёнига борди. (Фабрикада қизлар уни «Мила» деб аташарди.)

— Салом.

— Салом,— улар қўл сиқишиб кўришишди,— слушай, кеча тоза жала қўйдими. Кеча қизиқ бўлди...—шундай

деб Лида Жамиланинг елкасига қўлини қўйди-да, қулогига алланималарини пичирлай бошлади. Бир нафасдан кейин у қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Жамила ҳам қўшилиниб кулди. Ёнидаги кишиларнинг диққатини ўзига тортганини сезиб қолган Жамила қизариб кетиб, жим бўлиб қолди. Улар трамвайдан тушиб, комбинат дарвозасига етиб келганларида Нина, Наташалар ҳам орқадан етиб келиб, нималарнидир гаплашиб, ичкарига кириб кетишди. Трамвайдан тушган Малоҳатхон уларни орқадан кузатиб келарди. У анча йилдан буён комбинатда ишлашига қарамай, қизларга кам қўшилар, негача тезда апоқ-чапоқ бўлиб кета олмас эди. Мария Ивановна бўлса бошқа қизларга нисбатан Жамиланинг ёнига кўпроқ келиб, қилаётган ишини кузатарди. Жамила бунга, ҳамма мастерлар ҳам ўз шогирдлари ёнига шундай тез-тез келиб турсалар керак деб тушунди. Мастернинг станоклари ёнига кўпроқ келишига ўзининг «думбул»лиги сабаб эканини ҳеч хаёлига келтира олмас эди. Дастлабки кунлари у фабрика шов-шувига, жиддий меҳнатга ўргана олмай, Мария Ивановнани анча хуноб қилди. Йиғлаган кунлари ҳам, игнадёк қасални туядек қилиб, бюллетень олиб, ишга келмаган вақтлари ҳам бўлган. Мария Ивановнанинг назарида, ҳозир бундай нарсалар сезилмайди-ю, лекин станокларни яхши тутмаслиги ғашини келтириб турарди. Станоклар усти ўлгундай чанг бўлиб кетади. Бундан ташқари узилиб кетган ипини анча сусткашлик билан улайди... Ҳақиқатан ҳам мана шундай эди. Станоклар усти чанг бўлиб кетиши Мария Ивановнанинг ғашини келтирибгина қолмай, баъзан тутақишига ҳам сабабчи бўларди.

Жамила жомакорини кияётганида, ўтиб кетаётган Малоҳатхон унинг елкасига секин уриб: «Омонмисиз» деб қўйди.

— Яхшимисиз, Малоҳатхон опа,— ялт этиб қаради Жамила.

— Кеча Асқарали билан подрушка қилиб кетаётган экансиз... чақирсам қарамадингиз!

— Вой, бу нима деганингиз, Малоҳатхон опа?

— Кузатиб қўйди-ку? Ахир зонтигини сўрасак бермадилар-ку?

— Зонтиги бошида қолсин! Сиз нима деяпсиз?

— Аччиғингиз чиқмасин, нима, ўпса нетар, ювса кетар...

— Қўйинг-э! Шу ҳам гапми!

— Ҳазил, Жамилахон,— Малоҳатхон бу гапларни айтди-ю, негадир бир оз ўйланиб қолди.— Кечирасиз...

Бир соатлардан кейин Жамиланинг станокларига яқин ерда Асқарали пайдо бўлди. У шундай Жамилага салом бериб ўтиб кетмоқчи бўлган эди, Жамилла ўзини кўрмасликка солиб — липиллаб бориб келаётган мокиллардан кўз узмай тура берди.

Шу куни ишдан қайтгач, ювинди-да, янги кийимларини кийиб, дугонаси тугилган кун — зиёфатга жўнади. Йўл-йўлакай Асқаралига қилган муомаласи ўзига таъсир қилиб, мийигида кулиб ҳам қўйди.

IV

Тан-жонинг соғ бўлса, тинч бўлсанг орзу-ҳавас бошланади. Қутбиниса кейинги йилларда киши билмас қанча ишлар қилиб юборди. Қизининг палагидан то духоба эшик пардасигача, қўша-қўша кўйлагин-ю, костюми, пальтолариғача тахт қилиб қўйди. Қанча бисот... Куя ейдиганларини нафталин сепиб, жаранглаб очиладиган бухор сандиққа солиб қўйди. Куя емайдиганларини гардеробга илиб қўйди. Даққионусдан қолган тиллақош, сочпопук, катичаларни ҳам бошқатдан артиб-суртиб сепинг ёнига тиқиб қўяётганида, уруш йиллари қийналиб, сотиб юборгани тилла билагузук билан ёмбиси эсига тушиб ачинди. Эссиз-эссиз, агар у сотилиб кетмаганда жуда яхши тўхфа бўларди.

Яқинда Қутбиниса хола аччиободлик уруғларидан бири ўзининг бўйи етган қизини олдига солиб, тўйга боргани, бу бир ярашганини эшитиб, юраги жиз этиб кетган эди. Ахир унинг ҳам олдига солиб юрса юргундеккина дўндиқ қизи бор-ку. Нега у бормаиди? Нега у тўдасидан ажралиб, яккамохов бўлиб қоляпти?..

Қутбинисанинг хаёлидан шундай фикрлар ўта бошлади. Негадир уни туғилиб ўсган ўша айланма тор кўчалар ўзига тарта бошлади. Бунда қуриб олгани — дағиллама уйлар билан бирга ўша «ўз уй — ўлан тўшак» ҳам ёдидан ҳеч кўтарилмади. Жамила бўлса, бунинг тескариси; у ишчилар шаҳарчасида эсини таниб, катта бўлганлиги сабабли бўлса керак, эски шаҳарга тушса юраги сиқилиб, тезда қайтиб чиқади. Кейинги беш-олти йил ичида Жамила қариндошлариникига боргани ҳам йўқ.

Жума кунига хўжапархонлик бир қариндоши келин туширадиган бўлиб, «ҳам тўй, ҳам никоҳ» бўлиб қолганлиги ҳақида кеча тўсатдан хабар келиб қолди. Бормасга илож йўқ! Қутбиниса саҳарлаб тахта-ўқлоқ ёзиб, қатлама ясай кетди. Озиб-ёзиб қилинаётган бир иш бўлганлиги сабабли Жамилани ҳам ишга солди. У ҳамма ишларни муҳайё қилиб қўйди. Тошпўлат акага ҳам овқат тайёрлаб қўйишди. Кейин Жамилани обдан ясантириб, олдига солиб, кун ёйилмасдан Хўжапархон қайдасан, деб йўлга тушди. Тўпга яқин она-бола тўй ғала-ғовурига кириб келишди.

— Вой, эгачимдан айланай, вой мани йўқлаб келган Жамила қизимдан ўргулай,— деди уларнинг қўлларидаги тугунни олиб қучоқлашиб кўришган семиз, лўмбиллаган бир кампир.— Қани, қани, айвонга ўтинглар!

— Айвонда уч-тўрт хотин билан Лутфиниса ҳам ўтирарди. Унинг кўзи ногоҳ меҳмонларга тушди. У бир дам Жамила билан Қутбинисага тикилиб қараб турди-да, кейин дик этиб ўрнидан туриб, югурганича пастга тушди. У шошганидан кавушини пойма-пой кийиб, қоқилиб-йиқилиб, яна ўрнидан туриб Қутбинисанинг ёнига келди.

— Бормисиз, овсин,—у Қутбинисани таажжубга солиб, «маккадан ҳожи келгандай» унга печакдай чирмашиб кўриша бошлади,— эсон-омонмисиз, эсонмисиз... қайнағам омонмилар, ке болам, Жамилахон, омонмисан, эсонмисан... бўйларингга қоқиндиқ...

Қутбиниса учун Лутфинисанинг бунчалик илтифоту иззат-икромни аввал қизиқроқ туюлган бўлса ҳам, умуман унга бу ҳовлида кўрсатилаётган эҳтиром кўнглини очиб, жуда мамнун бўлди. У кулимсираб, таманно билан тўти юриш қилиб, айвон ёнига келди. Уч поғонали зинапоя олдига келганда жиндак тўхтаб, ўзидан катта бўлганлиги сабабли Лутфинисага «марҳамат» имосини қилди.

— Йўқ-йўқ, овсин, сиз чиқинг,— деди жўрттага бир қадам орқага тисланиб Лутфиниса.

— Йўқ, ўзингиз бошланг, овсин,— деди Қутбиниса йўл бериб.

— Вой, ундоқ деманг, овсинжон, сиз олдин чиқинг. Қани, қани бўлмаса хафа бўламан! Умид билан овсиним деганман-а... Бир йил-у бир ойдан бери кўрмаганман, соғинганман... Раббиял-аввалмиди? Барат ойими-ди? Ўша кўрганим-да, айланай овсин... Қани, қани!

Қутбиниса зинапояга ғарчиллама кавушини ечиб,

махсиси билан намати босди. Ундан кейин Лутфиниса билан Жамила ҳам айвонга чиқишди. Улар Қутбинисанинг ёнгинасига келиб чўкишди.

— Ол қизим, дастурхонга қара,— деди Лутфиниса ~~Жамиладан~~ кўзини узмай,— олинглар, еб-ичиб ўтиринглар,— деди кейин Қутбиниса ва бошқаларга мурожаат қилиб. Бир дамдан кейин негадир тикилаверганидан бегоҳат бўлаётган Жамилага яна гап қотди:

— Мен ҳам холанг бўламан, ўргилай Жамилахон болам,— деди Лутфиниса кўзларини чақчайтириб.

Жамила эндигина гапга оғзини чоғлаган эди, Қутбиниса гапириб юборди:

— Билади, овсин, нега билмасин...

— Бир кўрганимда анча ёш эдинг, ўшанда ўн, ўн бир яшар бўлса керак-а, овсин?

— Ҳа, анча бўп кетди.

— Кўриб танимай қобман, юлдузи иссиқ, попукдай қиз бўбди, бўйларингга холанг қоқиндиқ. Тишларининг ораси ҳам очиқ экан, насибаликкина — бахти маржон бўлади. Ҳай, Қутби, сочига бир жуфтгина кўзмунчоқ тақиб қўй, ҳа.

— Бунақаларни хоҳламайди,— деди устига шакар сепилган варақини кутирлатиб чайнаётган Қутбиниса.

— Ҳозирги қизларнинг ҳаммасиям хоҳламайди-ю, аммо билинмайдиган, киши кўзи тушмайдиган қилиб, ичкарироққа тақиб қўй. Йўқ, деганига қўйма!

Жамила қиқиллаб кулди.

— Йўқ, тақиб қўй, ҳой Қутби,— деди авж олиб Лутфиниса. (У буюриб, сан-санлаб гапиришидан ўзини жуда ҳам яқин ва ғамхўр қилиб кўрсатарди.) — Тақиб қўймасанг хафа бўламан. Битта болани катта қилиш осонми. Айланай Жамила қизим, йўқ демагин, хўбми?! Сизлар бизларнинг кўз қорачиғимиз билан теңсизлар. Эрта-ю кеч нимани ўйлаймиз? Сиз болаларимизни ўйлаймиз. Мани Фасохат қизим ўн тўртдан ўн бешга қадам қўйди. Сенга ўхшаб бир дилкаш. Унинг акаси Маннопжон болам йигирма иккидан йигирма учга қадам қўйди. Бир ақлли, хушмуомала бўлган. У ҳам янгича. Қутбиниса, бу дейман бизни замонамизда ҳам шу янгичалар бўлмаган экан-да.

— Биз шўрлик, золим пошшони даврида остона ҳатлаб кўчага чиқмай, уйда қамалиб ўтирдик,— деди локайдлик билан Қутбиниса.— Э... у замон ўзи бир ёмон

замон экан-да. Ўзингизни хабарингиз бор, опогойи, келинлигимда қўлимга хасмол чиқди. Бир аламларни берганки, бу ўлгур, асти қўяверинг. Ушанда Ҳикмат тайибни олиб келиб кўрсатдик. Тайиб бўлса тирик сичқонни қорини ёриб, бошмалдоғимга боғлаб қўйишни буюрдилар. Сичқон ўлгур, ўзингизни хабарингиз бор, яна чунонам аламга киритдики, у ёгини сўраманг. Ундан кейин, Холиққул домлага бордим. У киши хамир боғлагин дедилар. Бу ҳам бўлмади. Эт эмас эшонга олиб боришиб, дам солдиришди. Бу ҳам фойда бермади. Тўқлижаллоблик тайибништар урдилар, бу ҳам не-не аламлар бериб, охирида, мана қаранг, бошмалдоғим қийшиқ бўлиб, тирноқ чиқмай қолди. У замонларни асти сўраманг. Бошмалдоқ нима деган нарса! Уша замонда битта бошмалдоқни ҳам тузатиша олмабди-ю...

— Мани бодимни айтмайсизми, овсинжон,— деди Лутфиниса.— Ахир йил ўн икки ой айиқ ёғи суриб, хумдонга тушиш билан умрим ўтарди. Кўринг-ки бодим шу замонга келиб таққа тузалиб кетса бўладими. Қайнағанингиз айтадиларки, бу шўронинг дорисини кучи, дейдилар. Бу дори байталмонга чўчқа ёғи қўшармиш, шу ростми?

— Қўшади деб ман ҳам эшитганман,— деди пиёласини лабидан узоқлаштириб Қутбиниса,— ҳа, «ба нияти шифо» деб ичаверса, ҳечқиси йўқ дейдилар.

— Илми-ҳикмат ошиб, ўлган ўликни ҳам тирилтираётганмишлар. Не-не ишлар бўлмаяпти дейсиз,— деди-да, у Қутбиниса қулоғига оғзини яқин олиб бориб шивирлади.— Отин ойимлар «шариатсиз киши учса ҳавога, кангул берма анингдек худ навога» дейдилар, айланай овсин!

Бу гапдан кейин Жамила унга ялт этиб қараб қўйди.

— Отин ойим сасиб бижғимай ўлсинлар! Жимгина ўтирсалар нима қиларкин! Тавба,— Қутбинисанинг энсаси қотди.— Букурни фақат тобут тўғрилайди деганлари ҳам роста-а... Бола-чақамиз ўсиб, яйраб-яшнаганимизга шукур қилмаган ношукур бандаси!

Лутфиниса бақрайиб, ўсал бўлиб қолди. Бирзумдан кейин бўзарган юзини тиржайтириб, Қутбинисага сигир қараш қилди:

— Овсин, ергина ютгур ўша отин ойининг шу гапини эшитиб, менинг ҳам жоним хиқилдоғимга келган эди. Ҳа, шўрони оқ нонини ейсан, ўғлинг учун берадиган пенсасини пок-покасига туширасану, тагин бундай куракда тур-

майдиган гаплар гапирасан, дедим! Бандаси пошукур-да! Ҳа, майли буни қўяверинг. Манга қаранг, қайнағам соғ-саломатмилар? Уйларингиз бир тайини-тафориш бўлган деб эшитаман. Участкаларингиз битиб кетгандир-а. Бир бориб, фотиҳа ўқиб келай дейману, бу уй ўлгурдан бўшаб чиқолмайман. Ҳой, овсин, одам-одамга ганимат, ҳм...

— Секироқ айтасизми, Лутфиниса опогойи,— деди Қутбиниса Лутфинисанинг юзига жовдираб,— манам сизларни, туғилиб ўсган жойларимни кўргим келади.

— Топиб, топиб гапирган тилларингиздан айланай, овсин. Баъзан ўтириб хўллим келади, дунёда одам одамга ганимат. Маниям сиздан бошқа кимим бор? Суянганим, ишонганим ўзингиз эдингиз. Нон-пасиб экан, кўчиб кетдингизлар. Сиздап умидим жуда катта, айла-ниб кетай овсин...

Кечга яқин, кўргонча ичига гулхан ёқилиб, ёш-яланг-нинг ўйини бошланиб, тўй ҳам қизиди. Иккита чирмандакаш йигит гижбангни тоза гумбирлатди. Айниқса, Лаъли гумбоз деган бир жувоннинг гулхан атрофида кўкракларини диркиллашиб ўйинга тушгани хўп кулги бўлди. Тўйнинг авжи ҳам мана шу деса бўлади. Қам куладиган Қутбиниса ҳам қотиб-қотиб кулди. Лутфиниса бўлса: «вой тусингни ел есин, орқасиниям диркиллашотти, кўр-яписизми овсин, вой шарманда, орқасини диркиллашганига бало борми...» деб ўтирган жойида секин қўли билан икки юзини тимдалаб, юзини беркитди.

Эрталаб барвақт тортилган мохорани ичиб олиб, «тўқ-қиз-тўққиз»ни ҳам йиғиштириб тугиб олишгандан кейин хотинлар хайрлашиб жўнаша бошладилар. Қутбиниса, Жамила ва Лутфиниса ҳам айланма боғ кўчаларидан ўтиб, гаплашиб келишди-да, Сақичмонда Лутфинисани қолдириб, она-бола троллейбусда уйга жўнашди. Уйга етиб келишгач, Қутбиниса кўрганларининг барини Тошпўлат акага гапириб берди. Ёдидан кўтарилган гапларни анча вақтгача ҳам энтикиб-энтикиб гапириб юрди. Лутфинисанинг «бир ақлли бўлиб қаригани», унинг меҳрибончиликларини ҳақида узундан-узоқ мақтовлар Тошпўлат акани бир оз таажжубга солди. Лаъли гумбознинг дикирлаб ўйнагани уни ҳам кулдирди. Тошпўлат ака учун ҳаммадан ҳам яхши нарса, хотини билан қизининг тўйдан мамнун бўлиб қайтганлиги бўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Лутфиниса қаттакон тугун кўтариб, Қутбинисаникига «муборак бўлсин»га

келди. Лутфинисанинг келганига хурсанд бўлиб кетган Қутбиниса босар-турарини билмай қолди. Чунки бу ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлиси узоқ бўлганлигидан уруғ-аймоқларидан кам келишар эди. Заҳро биби деган холаси кўра олмай ўлиб кетди. Бунинг устига Лутфинисадай киши «саховат камарини» белига боғлаб, хотамтой бўлиб, бир тоғора ош, устида бутун қазиси ва бир кийимлик атласи билан кириб келиши унинг учун «кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган» нарса эди. Қутбиниса ўз ичида «бола-чақаси катта бўлиб, сил-симён хасис овсинимга сон тегиб қолибди» деди. Бировга бир бурда нон бермайдиган, сигирнинг сутига сув қўшиб сотадиган Лутфиниса бугун унинг кўзларига аллақандай кўриниб кетди.

Икки қават қалин қилиб беқасам кўрпача солиб, овсинини ўтқазди. Самоварга олов ташлаб, каттакон хонтахтани ўртага қўйди-да, дастурхон ёзиб, устини мевалар билан тўлдирди.

— Қани, қадам етди. бало етмасин оми-ин облоҳу акбар... Жамилахон қизим йўқмилар?— Иффат билан сўради Лутфиниса.

— Ишда, опоқиси, тезда исменасидан чиқиб келади,— деди-да, Қутбиниса ўрнидан туриб, кўча томондаги дераза ёнида турган телефонга қараб борди.— Бу ерда бир қўшним бор, яхшигина жувон, ўзи сайрамлик, ўшани чақирай..

У дераза ёнига бориб, бир қўли билан трубкани кўтарди-да бир қўли билан дераза ойналарини тақ-тақ уриб, кўчада чуғуллашаётган болаларга қараб ўшқира бошлади:

— Эй, ҳва искандал! Искандал ненада! Маники махлаш қилади!— деган эди, болалар кулишиб, чопишиб кетишди. Кейин у трубкага лунжини чўзиб, гапирга бошлади.— контатирда, Дватис пет— Савринисахон дай...— у дам-бадам Лутфинисага қараб қўярди,— Савринисахонмисиз? Бу ман, опоқингиз, бизникига чиқинг, овсиним келдилар. Тез чиқа қолинг, айланай.

— Ҳай овсин, ўричча гапниям ўрганиб олибсиз-а. Гаплашаётганингизни кўриб оғзим очили-иб қолди. Зеҳнингиз баланд, юрагингизда меҳригиё бор хотинсиз-да. Бўлмаса шундоқ гаплашиш осонми. Ман бир куни йигирма тийин деган гапни ўриччалаб этолмадим.

Йигирма тийин деб кўраман, биттанга деб кўраман, ҳеч тушунмайди. Алоҳа бир зумраша бола айтиб берди. Ахир, йигирма тийин деган нима деган га! Шуни ҳам билмадим-ку... Сиз тузиксиз, овсин.

— Ман ҳам илгари тутилиб гаплашардим, ҳозир тутилмай гаплашадиган бўлганман.

— У ёқ-бу ёғини бурарди шекил...— деди Лутфиниса ҳам ўзини билармон кўрсатиб,— Маннопжон ўғлим чир-чирр айлантириб гаплашишга бир устаки. Сизники чирилламайди-я, овсин?

— Чириллайдиганидан чирилламайдигани яхши. Қайнағангиз ўзлари биладилар-да, мана шунақасидан қурдирганлар.

— Нархи қанча экан?

— Текин.

— Вой, шундоқ тилграфон ҳам текинми? Қаранг-га...

— Харажати бир хурмача қатиқнинг пулича келмайди.

— Вой муни қаранг-га... Овсин! Ҳаммаси сизнинг толеингиз. Қайнағамлар сиз тушганингиздан буён омадлари келиб, йилдан-йилга иззат-ҳурматлари ошиб, пири-бадавлат бўляптилар, буни ўзим ҳам кўп синаганман. Мана тилграфонларгача қуриб олибсизлар. Ҳай, овсин, мана бу устунга бир боққина исириқ боғлаб қўйсангиз бўлмайдими? Шундоқ қилинг, ҳа, тағин эсингиздан чиқиб қолмасин, ҳа!

— Жамила ёқтирмайди. Тунов куни хокандозга тўрттагина исириқ ташлаб, қани этагингни кўтар, десам, қизгинаси тушгур, мани майна қилиб тоза кулди. Қочиб кетаётган эди, этагидан кўтариб аранг шундоқ бир айлантириб олдим, холос.

— Маннопжон ҳам шундоқ. Исириққа ҳеч тоқати йўқ. Маннопжон ўғлингиз шу кунда ақли тўлиб, чунон яхши йигит бўлган-ки, асти қўяверинг. Худога шукур қиламан, боламдан буюрган. Сиз ҳам шукур қилинг, қизингиз бебаҳо қиз десам арзийди.

— Шукур, овсин, шукур, кўрсатганига минг қатла шукур...

Бир оздан кейин Савриниса чиқди. Орадан кўп ўтмай Жамила ҳам ишдан қайтиб келди. Кечгача дастурхон устида чақчақлашиб ўтиришди. Кечқурун кўчаларга оқшом салқини чўкканда, Лутфиниса барча

қонун-қоидаларни ўрнига қўйиб, илтифот билан хайрлашиб ва шу билан бирга овсинини қайта-қайта ўз уйига таклиф қилиб, жўнаб кетди. Шунчалик яхшиликлар, камоли-эҳтиром билан айтилган гаплардан ипакдай ечилиб кетган Қутбиниса кунлардан бир куни Жамилани қўярда-қўймай олдига солиб, Лутфинисаникига олиб борди. У ичида «Лутфиниса симён эмас, жонон экан, мен уни билмай чалғиб юрар эканман» деди. Одамзод яхши қариса шундоқ бўлади-да, деди у яна ичида. Илгари бўлиб ўтган «тут можароси» ҳам аллақачон ёдидан кўтарилиб кетган эди. Инсоннинг ёмонлигини аста-секин укутиш қабил яхши одати бор...

Мана шундай борди-келдилар авж олган кунларнинг бирида, кечга яқин Мирҳайдар ота ҳассасини дўқиллатиб маҳалладаги бир киши билан бирга Қутбинисаникига кириб келди. Қартайиб қолган амакининг келиши Тошпўлат аканнинг қанчалик бошини кўкка етказиб, қувонтирди. Қозонда биқиллаб пишаётган мошкичирини олиб қўйиб, дарҳол савзи тўғраб ош дамлаттирди...

— Ўзингдан ўтар гап йўқ, Тошпўлат,— деди Мирҳайдар ота ошдан кейин қўлининг ёгини маҳсусига сурқаб,— элчи бўлиб келдим... Ахир инсон дунёда тоқ ўтмайди. Энди Маннопжонни сўрасанг, топишли-тутишли, муомалага кўнадиغان йигит. Биров билан ёқалашганини ҳеч ким кўргани йўқ. Қимор ўйнамайди, маст-аласт бўлмайди. Бир ойига бир минг сўлкавойдан ошириб пул топар эмиш. Бир минг сўлкавой-а, ҳазилакам пул эмас, айтишга осон...

Аввал қулимсираб, бу гапларнинг жиддий эканини негадир пайқамай турган Тошпўлат ака, бир оздан кейин бесўнақай, қадоқ бармоқлари билан дўпписини жиндак итариб, қулоғи тепасини қашлади.

— Қизингиз ҳали ёш-ку, амаки.

— Э, ёш эмас! Қиз болани жойи чиққанда дарров бериш керак.

— Амакиларнинг сўзларини сен ҳам эшитдингми?— деди Тошпўлат ака самовар ёнида чўққайиб ўтирган Қутбинисага қараб.

— Қайдам,— деди Қутбиниса.

— Ҳа, шундоқ, Қутбиниса болам. Сен ҳам умид билан қиз катта қилдинг. Энди орзу-ҳавасини ҳам кўр. Умр деган нарса кўз очиб юмгунча ўтиб кетар экан. Кўзимиз тириклигида шуларнинг бошини қовуштириб,

орзу-ҳавасини кўрайлик. Менга қиз ҳам, йигит ҳам жигар. Раҳматли Мирҳайит акам мана шу невараларнинг тўйини кўрармиканман дей кетди. Локин барака топсин, Маннопжон яхши йигит чиққан. Ўтли-шудли бола чиқди. Оиласини тебратиб турибди.

— Небарангизнинг ишга кирганлигига бир йилгина бўлди, бинойидек ишляпти. Миннама бўлиб... ҳай адаси, нима эди? Ҳа-ҳа устахонов бўлибми-е, яна алланималар... бўлиб ишляпти. Шундоғ бўлиб, мундоғ бўб турганда, қандоғ бўларкин? Ундан кейин, битта-ю битта фарзандимиз. Қариган чоғимизда ҳувиллаб қолмайлик.

— Э, Қутби, ишласа ишлайверади-да, биров ишламасин демоқчи эмас! Майли ишласин. Локин ўша бир қиз боланинг топиб келгани нима бўларди. Худойи таоло мардумни меҳнатга яратган, локин ишлайман деса ишлайверади-да. Нима, осмон узилиб ерга тушармиди! Инчунун ёшларнинг бошини бир-бирига қовуштириб қўймоқ — савоб. Бу дунёда сан билан мандан шу қолади-да, Қутби!

— Ҳа-я,— деди бақрайиб ўтирган Қутбиниса.

Мирҳайдар ота на Тошпўлат акадан, на Қутбиниса холадан аниқ жавоб ололди. Лекин у қариндошининг муомалага кўнишини пайқагандек бўлиб, мамнуният билан жўнади.

Орадан уч кун ўтгач, ҳеч кутилмаганда эшикдан Лутфинисанинг ўртанча қизи Фасоҳат кириб келди. Унинг қўлида каттакон кастрюлька. Қутбиниса хола уни кўриши биланоқ, ўрнидан туриб, елкасига қоқиб кўришди.

— Кел, айлана қолай Фасоҳатой, бизникига ҳам келаркансан. Ойинглар эсон-омонми? Ҳаммайла эсон-омонмисизлар... Қани бу ёққа чиқ, отин қизим. Эрталабдан буён ўнг кўзимнинг тепаси пир-пир учаётган эди. Муни қара, сани кўрар эканман. Бўйларингдан холанг ўргулсин.

— Сигиримиз туққан эди,— деди Фасоҳат қўлидаги кастрюлькани Қутбиниса холага узатиб туриб,— «оғиз» солган эдик... Ойимлар сизга бериб юбордилар.

— Раҳмат, раҳмат... Овсиним бояқиш манга илинибди-да. Бояқишнинг мансиз томоғидан «оғиз» ўтмабди. Раҳмат... Қалай, ойингни ўзи саломатми? Алоғ-чалоғ тушлар кўриб юрибман, ўзим ҳам бир бориб ойингни кў-

риб келмоқчи бўлиб юрувдим. Вой, қаймоқ ҳам бериб юборибдилар.

— Ойимлар сизни соғиндим, дейдилар.

— Айланай қизим, биз қари-қартангларни беш кунимиз борми, ўн кунимиз борми... ахир соғинамиз, одам одамга ғанимат. Ўтир, қизим, юқорига — кўрпачага ўтир.

— Жамила опамлар йўқмилар?

— Шу ерда. Яқинда ишдан келган эди. Ухлаб ётибди. Ҳозир чақираман.

— Безовта қилмай қўя қолинг, хола.

— Йўғ-э, озиб-ёзиб бир келибсан, уйготаман, Жамила! Жамилахон қизим, тур айланай! Фасоҳатой ўртоғинг келди. Тура қол, жон болам.

Жамила кўзларини уқалаб, ичкари уйдан чиқди. Фасоҳат ўрнидан туриб келиб Жамила билан кўришаётганида, Қутбиниса хола табассум қилиб, уларни кузатиб турарди. Аллакимдан хафа бўлиб «уруғ-аймоқ» топишар, хамири санга ёпишар...» деган гапи ҳам хаёлидан лип этиб ўтди. Жамила жиндак уялинқираб, кўрпачага ўтиргач, шуни кутиб турган Фасоҳат ҳам секин чўкди-да, кўксига тушиб қолган, майда қилиб ўрилган сочининг уч-тўрттасини орқасига олиб қўйди.

— Ишларингиз яхшими, Жамила опа?— деди Фасоҳат кўзларини Жамиладан узмай.

— Тузук, яхши. Ўзингизни ўқишларингиз қалай?

— Шукур.

— Имтиҳонлар ҳам яқинлашаётгандир-а?

— Бошланган. Она тилининг огзакисидан қутилдим. Эртагамас, индинга физика. Ундан ҳам қутилиб олсам...

— Ҳа, ўтиб қоларсиз.

— Жамила опа, сизга атаб ўзим бир дўппи тиккан эдим,— у қўйнидан букланган «чамандагул» дўппини чиқариб Жамиланинг бошига кийгизди — буни қаранг, лоппа-лойиғ-а. Ойимлар таҳминлаб, менинг бошимга мўлжаллаб тепчиган эдилар.

— Нима қилардингиз,— деди Жамила бир оз қизариб.

— Синглингиздан эсдалик, Жамилахон опа.

— Раҳмат.

— Ярашди қизим. Моро бўсин,— деди хурсанд бўлиб кетганидан босар-турарини билмай қолган Қутбиниса хола.

— Ўзингиз тикдингизми, уста экансиз-ку.

— Мунча чиройлик,— деди Қутбиниса хола дўппини қўлига олиб, гулларига тикиларкан,— барака топ. Жамилахон, уйга кириб, ойнада бир кўриб чиқмайсанми, болам? Бир кўра қол.

— Ҳозир,— Жамила югуриб уйга кириб кетди. Бир нафасдан кейин, дўппини бошига жиндак қияроқ қўндириб, хурсанд бўлиб чиқди,— ойна, эртага фабрикага кийиб борайми?

— Кийиб бор, қизим, албатта кийиб бор! Ҳамманга ҳаваси келади. Ахир мунақа дўппини жамийки Тошкани қидирсанг ҳам тополмайсан. Ўзи хўп бошқача қилиб тикилибти-да. Буни устига ярашганини қара, бунчалик ярашган дўппини умрим бино бўлиб, энди кўришим. Тиф, тиф... Кўз тегмасин, болам.

Жамила қиқиллаб кулиб юборди. Ундан кейин, бир оз зўрма-зўраки бўлса ҳам, Фасоҳатой ҳам қаҳқаҳлаб кулди. Кейин Жамила қўлидан дўппини олиб, гуллар орасига кичкина қилиб: «Жамилахон опамга Фасоҳатдан» деб ипак билан чашиб ёзилган хатни кўрсатди.

— Вой, жуда қизиқ қилибсиз, раҳмат...— деди Жамила ҳайрат билан хатга тикилиб,— шунақа уста бўлиб кетганман денг... Жуда ажойиб-а.

— Қани, қани, бир кўрай,— деди Қутбиниса хола дўппини қўлига олиб,— оббо Фасоҳатой қизим-э... Уқиган, илмли қизлар дўппи тикса мунақанги чиройлик қилиб тикар экан. Хўп тикибсиз-да, болам. Қўлингиз илоҳим дард кўрмасин. Жамилахон опангизни жуда ҳам яхши кўрар экансиз, билдим болам. Қани, қўлингизни очинглар, иккаловларингизни бир дуо қилиб қўяй. Қани, Жамила, унақа тихиллик қилма, қўлингизни оч. Омина, иккаловларингизни умринг узоқ бўлиб, бахтли бўлиб, ували-жували бўлиб... сблоҳу акбар. Фасоҳатой қизим, ол, еб-ичиб ўтир.

Жамила «чамандагул» дўппини кийиб ўтириб иштаҳа билан «оғиз» еди. Бу тансиқ нарса оғзига ёқди шекилли, тўйгунича еди. Чойдан кейин Фасоҳатга пластинка қўйиб берди. Шундан сўнг, хайр-маъзур қилиб Фасоҳат жўнади.

Якшанба куни, Тошпўлат аканинг уйда бўлишини мўлжаллаб Мирҳайдар ота яна ҳаллослаб кириб келди. Яна у ўша илгариги гапларини такрорлаб, Маннопжонни обдан мақтади. Охирида ялиниб, бир жавоб айтишини сўраб туриб олди. Тошпўлат аканинг ҳам, Қутбиниса хо-

ланинг ҳам боши қотди. Ҳеч хаёлга келмаган нарса йўлда кўндаланг бўлиб туриб қолди.

— Муҳлат беринг, Мирҳайдар ота, ўзи билан ҳам бир гаплашиб кўрайлик,— деди Тошпўлат ака,— ўзининг хоҳиши қандай бўлади... Сиз-биз кексалар... Яшайдиган энди улар.

— Ҳа, балли,— деди Мирҳайдар ота,— ҳамма гапларинг тўғри. Жамила қизим, яхши ота-онани иззату ҳурмат қилиб, гапига қулоқ соладиган қиз. Бўлмаса, бошқа қизларни ҳам кўрганмиз. Шунинг учун ҳам Лутфи бўлмасин, ман ўзим бўлмай, берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан, деб осилиб ётибмиз. Жамила бебаҳо қиз. Маннопжоннинг ҳам баҳоси йўқ, асл йигит. Бу икки пури дийдамиз бахтли бўлсин деб, шундан-шунга ҳарсиллаб келдим. Кўнкаларда адашиб кетибман, уйлариңизни топаман, деб вокзалларга кетиб қолибман. Ҳой, Тошпўлат ука, гапларимга қулоқ сол. Ман ҳам бир назаркарда одамман. Иқим суйгани учун бу хайрли ишнинг ўртасига тушиб юрибман...

Бу ишнинг ҳар томониши ўйлай бериб, боши қотган Тошпўлат ака Қутбиниса билан маслаҳатлашиб, Жамила билан очигроқ бир гаплашишга қарор қилишди.

Қутбиниса ҳамма гапларни бир карра Жамилага айтди. Жамиланинг ўзи ҳам буларни анчадан буён сезиб юрарди. У «ўзинглар биласизлар» деган гапдан бошқа гап айтмади. Шундан кейин она билан ота кейинги бир ҳафта ичида ҳар мақомга тушиб ўйлашди. Баъзан бири-бири билан бақиршиб, баъзан жуда аҳил бўлишиб фикрлашишди. Ҳамма томони тўғри келиб, фақат «ичкуёв» бўлмаётган томони, Қутбиниса хола юрагининг бир чеккасини хира қилиб турарди. Кейинчалик куёвни бу томонга олиб келиш ҳам мумкинлигини ўйлагач, Қутбинисанинг чиройи очилиб, муаммо ечила бошлади.

Кунларнинг бирида Лутфинисалар Қутбинисалар томонидан розилик хушхабарини эшитиб, бениҳоя шоду хуррам бўлишди.

V

Мана шундай қилиб, орадан кўп ўтмай Жамиланинг тўйи ҳам бўлди. Тўй муносабати билан ишдан бир ойлик отпускаи ҳам олди. Ота-онасига ҳар доим итоат сақлашга ўрганган Жамила, бу ишга эътироз билдирмай

рози бўлди, фақат рози бўлибгина қолмай, бошқа қизлар тўйни қанчалик яхши кўрса, у ҳам келин бўлиш шавқи билан анча-мунча шодланди ва ҳаяжонланди ҳам.

Жамила келин... У Лутфиниса уйида келинлик удумларини беками-кўст бажо келтираётган кунларнинг бирида, Нина вақт топиб, уни кўргани келди. У негадир тўй кунини узоқ ўтира олмай, сиқилиб, тезда кетиб қолган эди. Ёзун ҳам негадир хаёли паришон бўлиб, девордаги папак, дорпеч, гулкўрпаларга қараб ағрайиб ўтирди, бирикки пиёла чойни ҳам зўр-базўр ичди, ундан кейин неча кунлардан кейин ишга чиқажагини сўради. Дарвоқе, унинг яна бир айтган гапи шу бўлдики, механик йиғит бундан уч-тўрт кун илгари кўчада Нинага йўлиқибди. Маст экан. Уни бу аҳволда кўриб Нина жуда таажжубланибди. Чунки уни ҳеч маҳал бундай ҳолда кўрмаган экан. Нина бу ёқда турсин, бошқа кишилар ҳам бунга таажжубланибди. «Мўмин-қобил» Асқаралининг бу иши мошкичиридан суяк чиққандай бўлибди. Буиниси ҳам майти-я, яна таажжуброғи шу бўлганки, у «юзидан пардани олиб қўйиб» Нинага нималарнидир айтиб, йиғлаган... Эчки кўнгил, юрагида сир сақламайдиган Нина Асқарали гапларининг ҳаммасини Жамилага оқизмай-томизмай айтиб берди. Бу гапларнинг барчаси Жамилага алоқадор эди. Жамила бошини қуйи солиб ўтириб гапни обдан тинглади, лекин индамади. Нима ҳам дер эди...

Жамила чучвара пишириб олиб келди. Лутфинисанинг нимагадир эисаси қотиб, тўсатдан: «Чучваранинг самирини мунча пахталик чопондек қилмасангиз!» деди. Жамила нима дейишини билмай қизариб ўтираверди. Нина чучварадан бир-икки олди. Чой ичди. Ундан кейин рухсат сўраб жўнаб кетди. Қайнананинг гапини ичига сиғдиролмай бир кунни Қутбинисага айтган эди, у «оғир бўл, оғир тошни сув олмайди» деди.

* * *

Энди икки оғиз сўзни Маннопжондан эшитинг.

Маннопжон қоратўридан келган, новчагина йиғит. Чан кўзи гилайроқ. Кулимсираганда иккита тилла тиши ҳалин лаблари орасидан йилтираб кўринади. Бурни япасди. Ёшлигида дўстлари уни «пучуқ» деб ҳам аташарди. Бундан ташқари кўзга ташланадиган яна бир ери

бор; у ҳам бўлса, чаккасидаги сочини анча пастроққ олиб тушиб, қия қирқтиради. Бу уни жуда совуқ кўрсатишига қарамай, у доим сартарошга мана шундай қилишни буюради. Яна шуни ҳам айтиш керакки, у би йил ахлоқ тузатиш лагериди ҳам бўлиб келган. Нега Нега суд уни бир йилга кесди? Бундай савол ўз-ўзида туғилади, албатта. Бу — сир. Бу сирни Маннопжон в унинг онаси жуда қаттиқ яширадилар. Ўзи ҳам ақл сизмайдиған, айтиб ишонтириш жуда мушкул бўлган жиноят қилган. Бу жиноят, нима эканлигини икки оғи сўз билан айтиб бера қолай:

Бундан бир неча йил бурун Маннопжон Жалақуду райониға ишга боради. У ерда сельпо дўконларининг бирида ишлаб юрганида Рисолат деган колхозчи қизга улананади. Шу вақтда у йигирма беш ёшга кирган эди. Ҳозир Маннопжон ўттиз ёшдан ошган. Лутфинисанин «йигирма учдан, йигирма тўртга ўтди» дегани ёлғон, албатта. Рисолат ўғил туғади. Ўғлининг отини Эркин қўйдилар. Уч йил ўтгач, Рисолат «хотин-қиз» касали билан оғриб операция вақтида ўлади. Рисолатнинг ҳеч ким бўлмай, тоғасникида турарди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Маннопжон Тошкентга қайтиб кетишга шошилади. Бунга сельпо дўконида қандайдир чатоқлар чиққани, репликация бўлгани сабаб бўлса керак. У бир неча бор Рисолатнинг тоғасига Эркинжонни олиб қолишини гапирди. Тоға «ўз фарзандингиз ўзингизга буюрсин, бирга оли кетинг. Бола ўз отаси билан бахтли» дейди. Шунда кейин Маннопжон Эркинжонни олиб Жалақудудан Андижонга тушади. Бозор кунига тўғри келганлиги сабабли, у Андижон бозорига ўғлини етаклаб олиб бориб, тала-товур одамлар ичига киради. Эркинжоннинг тил чиқиб, анча пишиқ бола бўлган эди. У хўрозқанд, турк ўйинчоқларни кичкина қўли билан кўрсатиб, «дадда обер!» деб қистарди. Оёғига кийиб олган кичкина этикча, кўк иштон, бошидаги жажжи чувт дўппи ўзига жуд ярашиб турарди.

Маннопжон ўғлини бозор ичидаги ариқ бўйига ўтқазиб: «Сен шу ерда тур, мен ҳозир келаман», дейди-да бозордан чиқиб, тўғри вокзалга келади. Поездга туши Тошкентга жўнайди... Вассалом.

Суддаги гувоҳларнинг сўзлари ёзилган ҳужжатларда бирида, бола қош қорайгунча тўрт томонга жовдираб йиғлаб, дадасини кутиб ўтирган. Қорни очиб, кўзлар

тина бошлаганда кимдир овқат бериб, иссиқ чой ичирган. Шундан кейин уни милиция ходимларига топширишган. Орадан роса бир ой ўтганда Жалақудуқ районида Маннопжоннинг суди бўлади. У суд залида Рисолатнинг қартайиб қолган тоғасини ва ўғли Эркинжонни кўради. Бола ўз отасини таниб, унга талпинади, ёнига бормоқчи бўлади. Лекин тоға Эркинжоннинг қўлидан тортиб: «Қўй, борма, ўғлим, у — номард!» дейди. Марҳума Рисолатнинг ёлғизгина ўғли Эркинжон тоғаси қўлида қолиб кетди. У ҳозир етти ёшларга кирган бўлса керак.

Маннопжон жиноятининг тарихи мана шундай. Бу сўзларда заррача уйдирма йўқ. Гапнинг очигини айтиш керак, ҳозир ҳам у бир ишнинг учини тутганича йўқ. Наслдор сигир уларни боқмоқда. У кўпдан ҳавойи бўлиб, ишламай юрибди. Тунов куни Ҳамза театрида саҳнадаги артисткага қараб залдан бақиргани, кераксиз сўзларни айтгани ҳамманинг ғашини келтирди. Опера театрида ложа деворига паккиси билан «Монап» деб ўйиб, ўз номини ёзиб кетибди. Бу ўйилган девор тезда ганч билан тузатилган бўлса-да, Уста Шириннинг ўймакор нақшлари ёнида «Монап» доғи ҳам билиниб турарди. У куни билан маҳалла чойхонасида ўтириб, ўтганнинг ўроғини, кетганининг кетмонини олади. Тегмаганга тош отади. Лутфиниса бўлса: «Ҳа, йигит бўлгандан кейин баъзида ичади-де...» деб ўзига таскин беришдан ҳеч ёққа ўтмайди. Тўй ҳам ўтиб кетганига анча вақт бўлди, лекин Маннопжон ҳануз узун кириб, узун чиқиб юрибди..

VI

— Келинпошша, кун ёйилмасдан ҳовлиларни яхшилаб супуриб олинг,— деди Лутфиниса чўян обдастани ҳовузчага ботира туриб,— ҳовлини қанчаки тозалаб супураверса, ёш жувонларнинг ҳусни ҳам шунча ортиб кетаверармиш. Пайғамбаримизнинг ўзлари шундоқ деганлар. Бизлар келинлигимизда уч маҳал ҳовли супураддик. Ундан кейин сигирнинг тагини ҳам тозалаб олинг, савоб бўлади...

Жамила бошини дурра билан маҳкам танғиб олиб, ҳамма ёқни чиннидек қилиб супуриб олди. Айвонда, жойнамоз устида чўққайиб ўтирган Лутфиниса дока рўмолининг учини у елкаси билан бу елкасига ташлаб, яна Жамилага:

— Келинпошша, тўпифингизни очиб юрманг, айб бўлади. Уруғимизда йўқ, аймоғимизда йўқ, сиз нега тўпифингизни очиб юрар экансиз! Атлас пайжамангизни киёиб олинг!— деди.

Жамила юз-қўлини ювиб, уйга кириб тезда кийини чиқди. Ундан кейин ошпичоқ сўраб кирган қўшни хотинга икки букилиб салом берди.

Кечқурун томдан таппи ва чалма олиб тушиб ўчоёғнига қўяр, қорнига бир тўда «ўтмас танга» изи тушган доққиюнусдан қолган самоварга ўт ташлар, мошхўрдаги шишгач, уни товоқ-косаларга қуйиб айвонга ташиб келая ва қайинсингиллари ёнида ўтириб қайнананинг «бисмилло»сини кутарди. Ваъзи кунлари Маннопжон ўларда маст бўлиб, кўйлагини ғириш-ғириш қилиб йиртиб келар овози бориша, ўқчиб уй ичига, гиламлар устига қусиб ташларди. Бундай чоғда Жамила бояқиш безиллаб, Лутфинисага ёлвориб, Маннопжон ёғнига киришини илтимо қиларди.

Мана шу аҳволда йил ҳам ўтиб кетди. Аввал ҳомиладорлиги, ундан кейин «соғлиғи яхши эмаслиги» каби баҳоналар билан ишдан «ўз аризасига» биноан бўшаётган олди. Бир-икки ёғниб, ачиниб ва қолаверса қаттиқ норози бўлиб келган Малоҳатхон билан Нина энди келмай қўйишди. Очиғини айтганда бир томони, уларга Лутфиниса қола ҳам ортиқча рўйхуш бермай, уйга келишини ёқтирмади. Ота-онасини қаттиқ ҳурматлаб, уларнинг сўзида чиқмай иш кўришга ўрганган Жамила бу уйда ҳам худди шундай одатини давом эттирди. Лекин ўқтин-ўқтин юраги сиқилиб, ўзидан-ўзи тажанг бўларди. У илгари янги чиққан кинофильмларнинг биронтасини ҳам ўтказиб юбормасди. Энди кинога бориш қаёқда. Эри хотин билан кино-театрга боришни ёмон кўрар эмиш. У ҳатто ишчилар шаҳарчасига, онасини кўриб келишига ҳам руҳсиз бермайди. Хуноб бўлиб, Лутфинисага йиғлайди. Лутфиниса бўлса жеркади: «Кўйинг, йиғи нимаси! Ушатта бош-нон, беттаям бор!..»

Кунлардан бир кун Қутбиниса илиниб, бир коса чучвара кўтариб кириб келди. Лутфинисанинг энсаси қотди. У қудасини кутиб олди-ю, «ҳа, бетда оч қолаётгани йўқ эди...» деб узиб олди. Кўзининг ола-куласи чиққан Қутбиниса ўзини босиб: «Илиндим, қуда, илиндим» деб қўқолди. Чинни косадаги чучвара талон бўлиб кетди. Жамила аранг иккита еб қолди. Қосанинг тагида қолганини

тикилган Лутфиниса: «Жамилахон, эринғизга ҳам икки-тагина олиб кўйинг, чучварани яхши кўрар эди» деди. Жамила косани дарҳол ўртадан кўтариб, токчага олиб кўйди. Шу кунни Лутфиниса келини билан қудасини бир дақиқа холи гаплашишларига йўл қўймади. Мушук сиққон пойлагандек, кўзини лўқ қилиб ўтираверди. Қутбиниса хайрлашиб кетаётиб, «боргин болам, эринг билан бор. Мен ҳам ёлғиз ўзим ҳувуллаб ўтираман. Кўчиб кетган ҳовлидек уйимиз жимжит. Ҳамма ўйин-кулги, гурунг сен борингда экан...» деди. «Ҳа, боради, қуда, ўзим обораман» деди қақиллаб Лутфиниса. «Бепарво бўлган эканман, ҳовлимиздан супурги ўсиб чиқибди. Тешани олиб бориб, жаҳлим билан чопиб ташладим. Кўчиб кетган ҳовлилардан супурги ўсиб чиқарди...» деди яна Қутбиниса юраги бўшашиб.

Улар хайрлашаётганда Жамила кўзига негадир ёш олди. Бунни Лутфиниса сезмаган бўлса ҳам, Қутбиниса дарҳол сизди. У уйга ета-етгунча ўйлаб борди: «...Нега бундай қилди? «Симён» юрагини сиқаётганмикан? Эри билан уришдими? Оч қолаётганмикан? Уй-жойини соғинганмикан?..» Хаёл билан бўлиб, оз бўлмаса Қутбиниса хола ўзини машинага уриб олаёзди. Унинг назарида Жамила секин-секин сўлаётган райҳонга ўхшарди. Ўтган ҳафта кўрганига қараганда бу ҳафта анча озибди. Бурни устига қўнган капалак — ҳомиладорлик доғи яна ҳам қуюқлашиб, касалга ўхшатиб қўйибди. Қовоқлари ҳам кериккан, лаблари қалинлашиб, пўстлоқ-пўстлоқ бўлиб кўчибди. Баъзан томоғига бир нима тиқилгандек, кучаниб ўқчир, жиндаккина сафрога ўхшаш нарса қусарди. Овқатга унча иштаҳаси йўқ, токчада ётган ғўр олмани чайнар, баъзан дармони қуриб, чўзилиб ухларди.

Қийшиқ, лиқиллаб турган нарвондан болохонага чиқиб сомон, кунжара олиб тушиш, сигирга терт қоришга ярамай қолгач, Лутфиниса ўйлаб кўриб, уни дўппи тикишга солди. Авваллари, нинадан қўли чиқиб кетгани бирмунча қийнаган бўлса ҳам, кейинчалик ҳар икки кунда бир дўппи тепаси билан кизагини тайёрлай олди. Тайёр бўлган дўппиларни Лутфинисанинг ўзи тепчиб, бозорга олиб бориб сотиб келарди. Кейинчалик Жамилани ҳам қўярда-қўймай бозорга юборди.

Чоршанба кунни у тўйда кийгани, ҳозир эса тирсақлари анча титилиб кетган қарғашойи кўйлагини, оёғига

ямоқ калиш-махсисни кийиб, беш-олтита дўппини қуро халтага солиб бозорга борди. Ҳовлидан чиқиб кетаётганида айвонда ўтирган Лутфиниса холанинг: «Мелиса пелиса қувласа дўппини ташлаб қочманг тагин, эҳтиё бўлинг. Қўлингизда сал кам икки юз сўмлик мол бор-а Учқундан қўрққан ёмон темирчи!» деган гаплари ярим ёрти қулоғига аранг эшитилди. Тор кўча четига ётқизилган хаккам-дуккам харсанг тошлар устидан қоқилиб тойиб катта кўчага чиқиб олгач, учраган одамлар унинг назарида: «Чайқов бозоргами? Келин бўлиб ҳолинг ш бўлдимми?» дегандек қараб кетишаётганга ўхшарди. Ўерга қараганича чойхона олдидан, ундан кейин қадимг Тўхтабойвачча масжиди ёнидан ўтиб, Қаллахомага етганида бир оз бошини кўтарди. Пастликдаги бозор назар ташлади.

Пастликда қатор колхоз сабзавот дўконлари, кабоб пазликлар, беҳисоб машина-ю аравалар, минерал су дўконлари атрофида одамлар чумолидек ўрмалашади. Чеккароқда чайқов бозори... Бу ерда жамийки нарс бор... Атторман тортиб то ҳолвапурушгача, дўппида тортиб то носвойчигача, примус нинасидан тортиб то хўрозқандгача... ҳамма-ҳамма нарс бор.

Жамила тепаликдан бир зум қараб туриб, балад э напоядан бозор ичига туша бошлади. У битта-яримта та ниш учраб қолишидан қўрқиб, одамларга жовдираб қарар, қуроқ халтачани маҳкам қўлтиғига қисиб, дўпп бозорни ахтарарди. Қайнанаси унга: «Қассоблик дўкнига етганингиздан кейин чап томонга бурилинг. Унда кейин туника челак ясайдиган артил келади, дўппи бозо ана шу туникачиларнинг рўпарасида» деган эди. Шу «ад рес» билан келиб қассобликни топди. Чапга бурилганда сўнг йўлкада дам олиб ўтирган бир хотиндан дўпп бозори қаёқдалигини сўради.

— Дўппи бозорми?— деди юзидаги чачвонини сал кўтариб кексагина хотин,— дўппи керакмиди, қизим?

— Ҳа,— деди Жамила ноилож, нима дейишини билмай.

— Мана манда дўппи бор, танлаб олинг.

— Йўқ,— деди Жамила қизариб кетиб,— менга дўпп бозорининг ўзи керак эди, холажон.

Жамила бу гапни айтиб бўлгандан кейин, хижолатлиқнинг устига-устак дўппи бозори ҳам жуда касот эканини пайқади.

— Ана, рўпарада.

Жамила зингиллаганича бориб, одамлар ичига ўзини урди. Қуроқ халта ичидан тахтакачдан чиққан икки дўппини очиб, кўтариб турди. Унинг дўпписи ҳам бошқаларникидан қолишмайдиган даражада чиройли эди. Айниқса қайинсинглиси Фасоҳатхон тиккан «баҳор» деган тегдўзи дўппи алоҳида ажралиб турарди. Ен-вериди турган жувонлар потаниш Жамилага хўмрайиб қараб қўйншарди. Бошига ўнчача дўппи қўйиб олган кўса бир йнгит Жамилага тикилиб қараб турди-да ёнига яқин келиб, дўппиларини қўлига олиб кўриб, яна индамай нарироққа бориб турди. Жамила таажжубланди. Ёнидаги жувонларнинг дўпписини харидор келиб, нархини сўрай бошлади. Улар уч баробар қиммат айтиб, харидорнинг кетидан «сўранг, сўранг қанча берасиз?» деб чувуллашарди. Жамила «баҳор» дўпписини ўттиз сўм деб тўғрисиини айтди қўйди. Ёнидагиларнинг захраси учиб кетди. Харидор олмай кетгандан сўнг ёнидаги қиз: «ўл-а, олмади-ку» дегандек тиржайиб қаради. Бир нафасдан кейин ориққина сепкилли бир жувон Жамилага яқин келиб:

— Дўппини топиб олганмисиз дейман, нега ўттиз сўм дейсиз?— деган эди, Жамила индамади. Сепкилли жувон кўзини олайтириб:— харидорни қочиряпсиз, биздан нарироқда туринг!— деди жеркиб. Шу орада бояги йўлкада ўтирган хотин ҳам пайдо бўлди.

Жамиланинг ранги оқариб кетди. У индамасдан уч-тўрт қадам силжиб, сепкилли жувон кўзидан нарироққа кетди. Жамила юриши билан тикилиб турган уч-тўрт жувон алланималар деб бир-бири билан пичирлашишди. Яна харидор келди. У сепкилли жувон дўппиларини кўриб бўлиб, унча ёқтирмай, нархидан ҳам чўчиб, Жамиланинг дўпписини қўлига олиб, томоша қилди.

— Ўттиз сўмдан камига бўлмайдами?— Сўради харидор.

— Йигирма беш сўм бўлса майли.

— Ундан камигачи?

— Йўқ,— деди Жамила дўппини қайтариб олиш учун қўл узатиб. (Чунки Лутфинисо йигирма беш-ўттиз сўмдан камига сотманг деган эди.) Лекин харидор дўппини бермади.

— Шунақасидан яна борми?

— Яна битта бор.

Харидор Жамиланинг икки «баҳор» дўпписини сотиб олди.

Кўса йигит харидор санаб бераётган пулга тикилиб турди-да, бир дамдан сўнг сохта кулимсираб, Жамиланинг кўзларига тикилди:

— Оппоқ қиз, дўппингиз ўзингизга ўхшаган жуда кўхлик экан-а...

Жамила қизариб, индамай турган эди, нарироқдаги жувонлар бирдан қақ-қақ уриб кулиб юборишди. Кўса йигит яна Жамиланинг атрофида айланиб, бошдан оёғига тикилиб, мулойимгина гап отди.

— Оппоқ қиз, қаерликсиз?

Жамила индамади. Шу орада пайдо бўлиб қолган паттачи Жамилага патта узатди. У дарҳол бир неча сўм пул тўладп. Кўса паттачига «янги» дегандек ишора билан кўз қисиб қўйдп. Жамила буни пайқаса ҳам ўзини билмасликка солиб тура берди. Қуроқ халтасидан яна иккита дўппи олиб, уларни ҳам қўлига ушлаб, намойиш қилди. Одамзод дим ҳаммомга кириб, бир оздан кейин кўниккандек, Жамила ҳам оёғи тортмай, хижолат бўла-бўла зўрга тушган бозорнинг бир неча соатдан кейингўё ҳавосини олгандек, ғала-ғовур ичида гўдайиб тура берди. Нима ҳақдадир хаёл суриб турганида, ёнидаги тиржайишиб кулаётган жувонлар, ундан кейин бошига ўнтача дўппи қўндириб олган бадбуруш кўса йигит бир зумда қаёққадир ғойиб бўлди. Унинг кўз олдида олди-сотди қилаётганлар жим бўлишиб, қаёққадир чумчуқдек гурра учиб кетишди. Жамила таажжубланиб турганида бир милиционер келиб Жамиланинг қўлидан ушлади.

— Уялмайсизми, ёш қиз экансиз! Бирон ерда ишласангиз бўлмайдими! Иш қуриб қолибдими! Сизга неча марта гапирдим!

Жамила данг қотиб қолди. Бир зумдан сўнг, дўппиларини халтага солиб:

— Сиз менга ҳеч нарса деганингиз йўқ,— деди рангсқариб Жамила.

— Айтганман, тонманг, бозорни уй қилиб олибсиз!

— Йўқ, дўппимни беринг, кетаман!

— Энди милиция участкасида гаплашамиз,— у Жамиланинг барча дўппиларини олиб, ёнма-ён милиционераси томон жўнади. Йўл-йўлакай Жамила бир неча бор қўйиб юборинг деб ялиниб-ёлборди. Милиционери унамади. Бирзумдаёқ, атрофда одамлар пайдо бўлди

Улар нима ҳодиса рўй берганига тушунмай, милиционер билан Жамила орқасидан эргашиб боришарди. Жамила бўлса дўппиларини ташлаб кета олмади, бунинг устига милиция идорасига бормаслигига қўймади. У ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Изза бўлганича нима қилишини билмай, одамларга жовдираб милиция идорасига борди.

Идорада, боя милиционер айтганидек кескин гапларни унга яна бир карра айтишди-да, исми ва фамилиясини ёзиб олиб, дўппиларини қўлига қайтариб беришди. Жамила чарчаб, қорни очиб, хуноб бўлиб уйга қайтиб келди. Икки дўппини сотиб, қолганини сота олмай, яна бунинг устига патта олиб келганини кўрган Лутфиниса хола бурнини жийириб: «Ҳамма бало келиб-келиб бизга ёпишмай ўлсин! Қамбагални туяни устида ит қопмай ўлсин!..» деб, тўнғиллади. Жамила дўппиларини айвонга қўйди-да, ичкари уйга кириб чўзилиб ётди. Нон-чой ичишга ҳам иштаҳаси бўлмади.

— Ўлгундай ношудсиз...— деди-да, эртасига паранжисини қийшиқ ёпиниб Лутфинисанинг ўзи бозорга борди. Айтганидек у дўппиларнинг ҳаммасини ўтказиб чиқди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Жамилани яна қистай-қистай бозорга юборди. Шунча товланиб, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаганига ҳам қарамади.

— Келинпошша, бир чўқиб икки қаранг. Ана шунда қўлга тушмайсиз,— деди Лутфиниса Жамиланинг қўлига қуроқ халтани яна тутқазиб.

Лекин Маннопжон бўлса, баъзида Жамила дўппи сотиб чиққан пулини сўраб олиб, куни билан йўқ бўлиб кетар, кечқурун маст қайтар ва ўша куни албатта жанжал бошларди. Шундай пайтларнинг бирида у Жамилага ўшқариб, «Мендан пул аядинг» деб иккиқат хотинини тепкилади. Қўшнилари ўртага тушмаганда у Жамилани ўлдириб қўярди. Жамила бир неча кун касал бўлиб ётди.

Яна бир куни у бозорда иккита дўппини кўтариб, одамлар ичида турган эди, кўчанинг нариги юзидан келаётган Малоҳатхонга кўзи тушди. У ўз-ўзига ишонмай яхшилаб қаради; худди ўзи! Малоҳатхон анча тўлишиб, чиройли бўлибди. Бир қўлида хитой зонтиги, бир қўлида оғир корзинка, корзинкасини олма, узум, помидор билан тўлдириб олибди. Йўлакдан пастга тушгач, офтобда зонтигини очиб, бошига пана қилди. Ундан кейин кўкрак

чўнтагидаги қора кўзойнагини тақиб олган эди, артистларга ўхшаб, пўрим бўлиб кетди.

Малоҳатхон дўппи сотаётганлар ёнига яқинлашгач, Жамила секин юзини тескари буриб, бозордан чиқиб кета бошлади. У Малоҳатхон опам кўриб қолмасин, деб жуда эҳтиёткорлик билан қоча бошлади. Кўча йўлкасига етмасданоқ, орқадан: «Жамила! Жамила!» деган товуш эштилди. Жамила тўхтади. Қўлидаги дўппини дарҳол буклаб қўйнига тиқди. Бир нимадан қўрққан кишидек ранги оқариб кетган бўлса ҳам, сохта қулимсираш билан қайтиб келиб, Малоҳатхон билан кўришди.

— Омонмисан, Жамила?— деди Малоҳатхон қўлидаги корзинкани ерга қўйиб, ундан сўнг Жамилани кучди.

— Ўзингиз яхшимисиз, Малоҳатхон опа? Опоқимлар эсон-омонмилар?— деди қизаринқариб.

— Соғ-саломатмисан? Соғинтириб қўйдинг...

...Жамила гапирмай ерга қаради.

— Бир гап эшитдим...— деди Малоҳат секингина, — юр, нарироққа борайлик. Анов ер соя экан.

Улар икков биргалашиб соя томон юришди.

— Мен сени «декретда»сан десам, ишдан кетиб қолибсан. Шу ростми? Ростдан кетиб қолдингми?

— Ҳа.

— Нега?

— Тўғри келмади шекилли...

— Тўғри келмади?

— Ҳа.

— Илгари тўғри келарди-ку?

— Қайдам... Уйдагилар рўйхуш бермади...

— Ўзинг-чи?

— Ўзим? Ўзим ҳам... Уйимизда уриш-жанжал бўлавермасин дедим.

— Вой, Жамилахон-эй!

— Малоҳат опажон, келинг, бошқа гаплардан гаплашайлик. Утган ишга салавот... Қалай, ўзингизнинг иш-лариингиз яхшими? Комбинатда қандай янги гаплар бор?

— Ишим ёмон эмас. Комбинатда ҳам янги гаплар йўқ эмас.

— Ишқилиб, яхши бўлсин,— деди Жамила хўрсиниб, кейин бир оз хомуш тортиб, у яна ерга қаради. Ерга қараш негадир унга одат бўлиб қолибди. Эри бўлар-бўлмасга сўкаверганда ҳам мана шундай ерга қараб, без бўлиб тураверади.

— Жамила!—деди Малоҳат,—хафа бўласанми-бўлмайсанми бир гапни сенга айтман. Уйингга келмоқчи эдим, вақтим бўлмади. Қутбиниса ҳоламга айтган эдим, хойнаҳой айтмаган бўлсалар керак. Айтмаслиқларини билсам ҳам айтган эдим. Сен нодон бўлибсан! Бир нарсага ҳеч тушунмайман: сен қандай қилиб шундай фабрикани мана бу бозор билан алиштирдинг?! Мана шу нарса менга жуда-жуда таъсир қиляпти.

— Кечирасиз, мен савдогарчилик қилаётганим йўқ!

— Жамила, биламан, сен мени унча ёқтирмайсан. Ҳозир ҳам шундай. Мен буни илгари ҳам билардим. Мен тўғри сўзроқман. Тўғри сўзнинг таёғи бор дейдилар. Мен сени ўз синглимдан аъло кўрардим. Ҳозир ҳам шундай. Асқарали туфайли сени бир-икки марта ранжитган бўлсам, кечир! Мен — рабочийман. Рабочий ёлгон сўзламайди. Мен бозорда «олиб сотар» бўлиб қолганингга ачинаман. Сен рабочий деган номга иснод келтирдинг!

— Қўйинг бу гапларни! Сизни қаранг...—деди-ю, Жамила йиғлаб юборди. У пиқ-пиқ йиғларкан, энги билан кўзини беркитди-да, юриб кета бошлади.

— Ҳой Жамила! Ҳой Жамила! Тўхта! Кечир мени, жон опўсий, билмай гапириб юбордим.

Жамила индамай юриб кетаверди.

— Жамилаҳон! Мен ўлгурнинг тилим аччиқ, кечир! Опўсий, биламай гапириб қўйдим.

У нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай, бир зум донг қотди. Айниқса иккиқат одамга бундай аччиқ гапни айтганига пушаймон бўлиб ичини бир нима тирнай бошлади.

Дарҳақиқат, Жамила ўзининг бир «бозорчи қиз» бўлиб қолганини фаҳмламай юрарди. Шундоқ фабрикани бозорга алиштирдим, деб ҳам ўйламаган эди. Мана бу унинг кўксига ништардек ботди. Жамила эшиқдан кириши билан, жойнамоз устида ўтирган Лутфиниса ялт этиб қўлига қаради:

— Байталмон ўтмадимми?

— Йўқ,— деди Жамила айвон четига енгилгина ўтириб.

— Кўзингиз қизарибди?

— Чанг кирди, ишқаладим...

— Патта олибмидингиз?

— Ҳа.

— Патта олибсизу, совда очмай, югуриб уйга келиб сиз-да! Ҳамон, патта олиб, пул кетказгандан кейин, соғтиб келиш керак-де! Узингиз ҳам ношудсиз. Чой ичиб олинг-де яна тушинг. Ахир уч сўм пулни бизга ким беради?!

Жамила чой ичмади. У уйга кириб, яна ўқчий-ўқчий дераза тагига кўрпача солиб, ётиб олди. Шу ётганича кўзи илиниб қолган экан, кеч кириб салқин тушгаида уйфонди. У ҳовлига чиққан эди, айвонда қошларини чимириб, раиғининг қонини қочириб ўтирган Лутфиниса оёғига тикилди.

— Келинпошша, нега калошнинг четини босиб киясиз? Йиртилмайдими?

Жамила дарҳол калишининг қийшайиб қолган жойини тўғрилади.

— Худоё товба қилдим. Битта калишга етишиш осонми, — деб секин пичирлади. Ундан кейин яна Жамилага гап қотди. — Ошхонадан тешани опчиқиб, анов бурчакдаги гуваладан уч-тўрттасини майдалаб киргизиб қўйинг! Супириб ҳам қўйинг!

Жамила орқасига қайтиб ошхонадан тешани олиб чиқиб кетди. У қайнанаси айтганини бажо келтириб, ариқда юз-қўлини ювди-да, айвонга келиб ўтирди. Дўппига пилта ураётган Лутфиниса токчадаги икки-учта аччиқ олмага имо қилди. Жамила кўриб «егим келмаётибди» деди-ю кўзи пилта учун узун-узун қирқиб қўйилган қоғозларга тушди, кўзлари катта очилиб кетди.

— Вой, китобни қирқибсиз!

— Китоб? Китоб дейсизми? Китоб эканми?

— Ўқиётган эдим. Эссиз шундоқ китоб...

— Ўқиб олим бўлармидингиз! Нима иш қилсам хато тошиб турадиган бўлибсиз. Шўрим қурсин мани!

— Бу китоб...

— Ҳамма илми шу китобга тиқиб қўйган экан-да! Бошқасини ўқиб қўя қоларсиз.

— Кутубхонаники эди.

— Кутубхонаники? Йўқолган пичоқнинг сопи олтин... Ҳа, майли, уйимдаги нарса ҳам бировники бўлаверсин! Жамила индамади.

Эртасига, тонг отгач «тезроқ бора қолинг» дегандек қилиб Лутфиниса дўппиларни дока рўмолга ўраб Жамиланинг қўлига тутди.

— Бормайман, — деди Жамила секин.

Бундай терс жавобдан ҳанг-манг бўлиб қолган Лутфиниса тишини-тишига қўйиб:

— Нега? — деди.

— Бозорда қадалиб турсам биқиним огрийди.

— Юриб туришг. Иккиқат хотин юрса осон тугади.

— Юрсам ҳам бозорда юрмайман.

— Тирикчилигимиз нима бўлади?

— Билмайман.

— Битта сигир ўлгур шунча одамни боқа оладими?

— Билмайман.

— Сизга гап ўргатаётганлар бор,— деди-да, икки қўлини тиззасига уриб, бақира бошлади:— дод, келинимни бузаётганлар қора ерга кирсин! Жувонмарг бўлсе-е-е-н! Мен ўлай, сизлар қутилинг-ле-ер!!!

Лутфиниса бу гаплардан кейин қақшаб, безгак тутган одамдек дағ-дағ титраб, ўзини кўрпачага ташлади. Бирзумдан кейин «тутқалоғи» тутиб тахтакачдек қотди. Оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади. Жамила кўрққанидан нима қилишини билмай, совуқ чой тутди. Ёлғондан «ўзини билмай ётган» Лутфиниса оғзидаги чойни фарғара қилиб, чиқариб ташлади. Жамила югурганича қўшиникига чиқиб, қўшни хотинни қўярда-қўймай олиб чиқди. «Сирдош» қўшниси Лутфинисанинг бундай одатларини яхши биларди, лекин янги келин ялиниб, илтимос қилгани учун келиб Лутфинисанинг тепасида ўтирди.

— Ҳай, келин,— деди у рўмолчаси билан ўзини, ундан кейин Лутфинисани елпиб,— кўп қўрқаверманг, иккиқатсиз, болам. Онангизнинг тутқалоғи бор, ҳозир тузалиб қоладилар,— деб Жамилага кўз қисди.

Лутфиниса кечғача мана шундай ётди. Кечқурун Маннопжон яна маст бўлиб келиб, ётиб ухлаб қолди. Жамила қайнисингилларига ҳам қарамай, ўзи билганича сигирни соғди, икки-уч марта томга чиқиб, кунжара майдалаб терт тайёрлади, эрталаб туриб, одатича, тараша ёриб самовар қўйди. Чой ичаётган пайтда ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, Маннопжон Жамилани сўка бошлади. Бундан аввалроқ она-бола айвонда пичирлаб гап-лашаётганини кўриб қолган эди.

— Пиёз тўғралган пичоқ билан поини мен кесганим йўқ,— деди эътироз билдириб Жамила,— Фасоҳатхон кесдилар. Нонга пиёзнинг ҳиди уриб қолишини билмагандирлар.

— Гап қайтарма! Тилинг чиқиб қолибди, падар лаънат!

— Отамни сўкманг,— деган сўз униг огзидан чиқар-чиқмас, бирдан юзига икки тарсаки тушди. У «вой» деганича юзини чангаллаб ҳўнгиллаб йиглаб, ичкари уйга кириб кетди. Чой ҳам заҳар бўлди...

Жамила шу ётганича икки кун ётди. Учинчи кунига ўтганда қорнининг бир томонида санчиқ бошланди. Кечга яқин оғриқ қочиб кетиб, эртасига яна бошланди. Бу «дард» эканини Лутфиниса ҳам, қўшни хотин ҳам фаҳмлаб қолишди.

— «Скорая помаш» чақириб, Тахтапулга юбориш керак! — деди қўшни хотин.

— Олия холани чақиртирдим...— деди Лутфиниса,— уйда туққани яхши. Ҳамма боламни уйда туққанман. Уйдан илон чиқибдими? Ўзингиз ҳам дўхтирхонада туққанмисиз?

— У вақт бошқа замонлар эди.

— Қайтанга, илгариги замонда тинч туғардик. Дўхтирхонада болани алиштириб юборади дейдилар.

— Йўғ-э?

— Ҳа.

— Бўлмаган гап.

— Кўзи билан кўрганлардан эшитганман.

— Тавба.

— Сизга дўхтирлар боланинг танглайини кўтариб, қулоғига азон айтармиди. Қўйинг ўша дўхтирхонани. Ҳамма нарсани тайёрлаб қўйибман, Олия хола ҳам ҳозир келадилар. Уйда туғаверсин.

Жамиланинг биринчи туғиши бўлгани учунми ёки бола ўнглана олмаётгани учунми, у жуда қийналарди. Бир неча марта кўнгли озиб қолди. Ярим кечага бориб, оғир аҳволга тушиб қолганда, ночор «Тез медицина ёрдами» машинасини чақирди. Жин кўчага машина кириб келолмаганлиги сабабли, уни носилкада кўтариб олиб чиқиб кетишди. Носилкада ётган Жамиланинг қолдан кетиб, кучсизгина инграшини кўтариб кетаётганлардан бошқа ҳеч ким эшитмасди.

VII

Кейинги пайтда Асқаралига ҳеч тушуниб бўлмай қолди. Баъзан шаддод бўлиб кетади, баъзан ўлгундек

ланж бўлади. Жамила комбинатда экашида, анча вақт-гача кетидан юрди. Жамилани яхши кўриб қолиб, оҳ уриб юргани ўзига маълум. Нина билан Малоҳатхон ҳам бир оз хабардор. Яхши кўрган киши, ахир, бир оз юрагини очмайдими? Жамила эрга тегиб кетгандан сўнг, Асқарали совуш ўрнига, ҳасрати кучайди, баттарроқ оҳ-фигон қиладиган бўлиб қолди. Бир куни у Малоҳатхонга юрагидаги гапларни очиб гапирганда, у: «қиличи си-ниб, қалқони тешилган баҳодирдай, муңча нолаңгиздан чаңг чиқади» деди. Асқарали бўлса: «Умримда биринчи шунақа яхши кўриб қолишим, Малоҳатхон. Муҳаббат ёмон нарса экан, ўшанинг хаёли билан бўлиб қолдим. Уйқумда ҳам ҳаловатим йўқ...»— деди.

Малоҳатхон яқинда Жамила билан бозорда учрашиб қолганини, қалтис гап айтиб юборганини, у бўлса уйига йиғлаб кетганини ва яна бирмунча бошқа гапларни айтиб берганида Асқарали «уҳ», деб пешонасига бир уриб қўйди. Унинг бу қилиғи Малоҳатхон учун кулгили бўлиб кўришган бўлса ҳам, бу «уҳ»да сохталик йўқлиги, «ишқ найзаси унинг юрак-бағридан тешиб ўтганини» фикр қилиб, пайқаб олди.

— Энди чораси йўқ,— деди Малоҳатхон,— тақдир қўшилмаган экан, ҳаммадан унинг комбинатдан кетиб қолгани ёмон бўлди. Бу масалада сиз билан мен тушунган кишининг ишини қилмай, томошабин бўлиб қолдик.

Асқарали овозини чиқармай, бош қимирлатди. Бу, Малоҳатхон айтган гапларнинг барчаси тўғри эканини тасдиқлаш демак эди.

Ойнинг иккинчи ярмида тўқимачилик комбинати комсомол ташкилотининг навбатдаги мажлиси анча га-ла-говур билан ўтди. Бюро ва унинг биринчи секретарининг хатоси, кейинги кварталда план бажарилишини таъминлай олмагани, ҳаддан ташқари кўп мажлис ўтказиб, бўлар-бўлмасга ёшларнинг вақти олингани, тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, бунинг ўрнига кўпроқ «масала кўриш» билан банд бўлинганини сўзга чиққан комсомоллар қаттиқ танқид остига олишди. Бунинг натижасида бирмунча маҳаллий ёшлар — хотин-қизлар ишдан кетиб қолгани ҳам қайд этилди.

Залда ўтирган Асқарали кўз олдида Жамила пайдо бўлди. У гўё Асқаралига: «Мен хато қилиб қўйдим» дегандек бўлиб кўринарди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Асқарали нимадир хаёл-

лар билан дўппи бозорга тушди. Одамлар ичига кириб, олмаса ҳам, баъзи дўппиларга харидор бўлди. Юраги дук-дук уриб, жувонлар юзига қаради. Назарида, бу ердаги ҳамма жувонлар Жамилага ўхшарди. У анча туриб Жамилани учрата олмагач, яна ноумид бўлиб, бозордан чиқиб кетди.

VIII

Шу туни, туғруқхонада, тонг отишга яқин Жамиланинг кўзи ёриди: қиз туғди. Қиз бўлганда ҳам нақ тўрт кило эмиш... Бошқа оналар каби у ҳам бу кичик инсонни бағрига босди. Юзларига узоқ тикилиб қаради, гўдакнинг эмчак қидириб искаши, бош қимирлатишидан ғоятда завқланди.

Қутбиниса хола шу куни эрталаб энтикиб сут, олма, печенье кўтаргани ҳолда туғруқхона дарвозасида пайдо бўлди. У суриштириб, Жамиланинг қиз туғиб олганини билиб олгач, бир оз ўзига келди. Олиб келган нарсаларини ичкарига киритиб юборгач, бамайлихотир, ўзига ўхшаган бир кекса хотин билан шакаргуфторлик қилиб қолди.

— Эсим қурсин,—деди Қутбиниса,—қизим дебмидингиз, келиним дебмидингиз?

— Келиним, айланай, келиним,—деди нотаниш хотин,—қўчқордай ўғил туғди. Тошпўлатова сизнинг қизингиз бўлса керак?

— Шундоқ, айланай, Тошпўлатова деса ҳам бўлади. Жамила деса ҳам бўлади. Иккалови битта одам, айланай, менинг қизим.

— Биринчи туғишларими?

— Нима дедингиз?—деди Қутбиниса дам дарчадаги овқат қабул қилаётган оқ халатли энагага, дам бу нотаниш хотинга қараб.

— Биринчи туғишларими, дейман?

— Ҳа, айланай, биринчи туғиши. Лекин қизим бояқши эридан ёлчимади-да...

— Ёлчимади?

— Ҳа, айланай,—деди дарчага олазарак бўлиб,—ҳалигача бир ишнинг бошини тутмаган йигит-да. Куйганман. Бу ёққа келмасдан уч кун бурун қизимни урибди... Ҳай, айланай, ўзингиз қаерликсиз.

— Бизлар пуштиҳаммомлик.

— Эски Жўванинг нари ёғидаги, Ҳикмат тайиб турадиган Пуштиҳаммомми?

— Ҳа, балли.

— Ундоқ бўлса, бизнинг Сақичмонга яқин экансизлар-ку. Ҳамро бувини танисангиз керак?

— Таниш ҳам гапми, айланай, у кишининг қайнағалари бизга амаки бўлади.

— Вой, буни қаранг. Ҳамро бувининг ўртанча ўғилларига аммам раҳматликнинг қизлари тушган.

— Буни қаранг-а, айланай, қариндош эканмиз, келинг бошқатдан кўришайлик. Эсонмисиз-омонмисиз...

— Омон-эсонмисиз, эсон-омонмисиз,—деди Қутбиниса очилиб,—Ҳамро буви ували-жували бўлиб бахти-маржонга ботганлар. Йўлларини берсин, таварук...

— Ҳамро буви раҳматли бултур қазо қилганларида...

— Қазо қилганларми-а?—Бирдан унинг юзига жиддийлик аломати югуради. Бир зумдан кейин юзига фотиҳа тортади.

— Ҳм, айланай, бу дунё бебақо дунё, мол-мулк бевафо... Бултур қазо қилганларида...

У гапини тугатмасданоқ, дарчада пайдо бўлган энага Қутбинисани имлаб, қизининг аҳволи яхши эканини, температураси 37, чақалоқнинг саломатлиги ҳам жойида эканлигини айтди. Қутбиниса корзинкасини олиб, суҳбатдошининг ёнига келди:

— Айланай, бизникига келинг. Мен энди тезроқ бориб, уйдагиларга хабар бермасам бўлмайди. Хайр, айлана қолай,—у дикиллаб чиқиб кетди.

Шу куни ўтди. Қутбиниса хола хурсандчилигини ичига сиғдирилмай эртасига ҳам тўртта анор, тўртта ширмон нонни тугиб, туғруқхона томон жўнади. Троллейбусдан тушгандан кейин ҳам икки тошча йўл босиш керак эди. «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада...» деб, ҳаллослаб Тахтапулдаги анҳор кўпригига етганида бир оз тўхтаб, харсангтошга ўтириб нафасини ростлади. Қорёғдидаги бир қариндоши туғиб, чилласида тўсатдан шайтонлаб ўлиб қолгани қаёқдандир хира пашшадек бошида айлана бошлади. Уни ваҳима босиб: «шукур, ўзингга шукур...» деди-да, дик этиб ўрнидан туриб юриб кетди.

Туғруқхона дарвозаси ёнидаги ихчамгина хонага кириб, туғунини энагага топшириб бўлгач, одамлар орасида бир дам тикка турди. Жингалак сочли бир ёш қиз

Ўтирган скамейкадан туриб, ўз ўрнини Қутбиниса холага берди. У, бу кўҳлик қизни дуо қилиб ўтирди-да, ёнидаги муқиллаган, қари рус хотинга гап қотди.

— Қизимка саникими ўртоқ?

— Да.

— Қизимка яхши, кизимка ақлли.

— Раҳмат апа, пионерка,— деди кампир кулимсираб.

— Пионерка яхши, камсамолка многа яхши,— деди Қутбиниса хола рус тилини бекаму кўст биладигандай бидиллаб. Ундан кейин, қўлини кампирнинг елкасига чўзиб, саломлаша бошлади;— Ке, ўртоқ кўришиб қўяйлик, ўзимизга ўхшаган яхши хотин экансан. Эсон-омонмисан, омон-эсонмисан...

— Яхши, яхши апа,— деди рус кампир ҳам Қутбинисага ўхшаб қўлларини хола елкасига қўйиб.

— Маники қизимка Жамилаой изнаеш? Камсамолка.

— О, джуда яхши. Саники (у қўли билан туғруқхонага ишора қилиб) қизимка или баранчуг?

— Қизимка.

— Маники баранчуг,— деди кампир жимжилоғининг учини кўрсатиб. Кейин тўрт бармоғини кўрсатди-да, охирига «килограмм» сўзини қўшиб қўйди.

— Меники қизимка тоже тўрт кило,— деди Қутбиниса ҳам тўрт бармоғини кампирга кўрсатиб.

Икки кампирнинг тиллашаётганини томоша қилиб турган бир сариққина, шляпали йигит секингина кулиб қўйди.

— Яхши, апа.

— Маники памила Қутбинисахон. Чигатой-дарбоза изнаеш? Мирхаит кулол изнаеш? Маники маржа. Саники чва?

— Анна Петровна.

— Хорошо, хорошо Фетровна. Маржа ес?

— Есть.

— Балшой баранчук ес?

— Есть.

— Саники яхши. Оҳ-хо... ували-жували.

— Саники муж есть, апа?

— Ес, Пабрика изнаеш? Работай-работай, Охунбоев болшой чалавик, маники муж тоже нимнушка болшой чалавик, изнаеш.

— Яхши.

— Маники устари чалавик, тулка «худобло» голо-

рит, тулка духтир лубит. Духтир о-очен хорошо, «худобло» нимнушка хорошо. Абдукарим домла изнаеш? Сакичман изнаеш? Духтирхона изнаеш? Хасмол изнаеш, (у қийшайиб қолган бир бармоғини кампирга кўрсатади) Абдукарим домла, Ҳикмат тайиб, куф-суф плохой, изнаеш! Бонка, сульфиддин изнаеш, хорошо! Саники бод ес? (У белини ушлаб кўрсатади.)

— Нет.

— Маники бод хуу... алмисоқ...— Узоқ ўтмишга ишора қилади.— Духтир хорошо. Урис чалавик, ўзбай чалавик хорошо. Қозоқ чалавик, тожик чалавик хорошо. Маники Мирқосимжон изнаеш, маржа Наташа, Маржа о-очень хорошо. Ҳамма чалавик хорошо! Тулка искипилон чалавик плохой. Тулка рабочи чалавик хорошо.

— Якши апа, очень якший!

Қутбиниса хола гап билан бўлиб, Жамила чиқариб юборган шиша бонка билан рўмолчани дарчадан олмамай, тўсатдан кампир билан хайрлашиб, жўнаб қолди. Унинг бирдан дик туриб жўнашига сабаб, бу ёққа чиқиб келаётганида электр чойнакка сув солиб, равонга олиб борган эди. Электр чойнакнинг «арқонини» тиқиб қўйганмиди, ёки тиқиб қўймаганмиди, билолмай қолди. Агар тиқиб қўйган бўлса, роса шақиллаб қайнаб ётган бўлса керак... Қайнаш ҳам гапми, қайнай бериб қуриб қолгандир. Қуриб қолган бўлса ҳам майли, ўт кетиб қолмаган бўлса яхшийди. Борди-ю, ўт кетиб, унинг уйи лоппа-лоппа ёнаётган бўлса-я... Холанинг юраги арзиқиб, кўксига туплади: «Ё, субхон обло! Ўз паноҳингда асра, тф-тф...»

Қутбиниса хола чарчаганига қарамай, югурганича уйга етиб келди. Хайрият, тиқиб кетмаган экан. Унинг пешонасидан муздек тер чиқиб, кўрпачага чўкди.

Шундан кейин ҳар куни эрта билан Жамиланинг қайнисинглиси бир шиша сут билан кулча нон киритиб турадиган бўлди. Жамила ҳар куни бир хил овқат олар, бу эса уйидан келганлигини билдирарди. Ора-чора Қутбиниса хола ҳам келиб турарди.

Лекин шанба куни кампир энага бир сетка нозинемат олиб келиб, Жамила тумбочкаси устига қўйди. Жамила таажжуб билан сеткага кўз ташлади. Бугундан унинг иштаҳаси очилиб, туғруқхона овқати унча қаноатлантирмаётган эди. У эмизаётган боласини бериб юборди-да, сеткани оча туриб, сўрди:

— Ким олиб келди?

— Яхши қарамабман. Температурангизни ҳам сўради. Нормалний, дедим.

Жамила нима дейишини билмай, ҳайрон бўлиб, сеткадаги анор, олма, уч-тўрт плитка шоколад, чарос, бир шишада пиширилган сут ва бошқа овқатларни олиб тубочкага жойлаштираётганда, уч бурчак қилиб букланган бир қоғоз полга тушди. У дарҳол олиб, очиб ўқиди.

«Хурматли Жамила! Сизни янги фарзанд билан табриқлашга рухсат этинг. Омон-эсон қутилиб олганингизни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Сизга ҳар доим сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман. 22/VIII».

Жамила бирзум хатга маҳлиё бўлди. У яна қайта ўқиб чиққандан сўнг, ажабланиб, ўйлай бошлади.

«Ким бўлдийкин? Малоҳат опамикан? Нега отини ёзмабди? Унутганмикан? Унутиши мумкин эмас! Лида келдимикан? Йўқ, у русча ёзарди. Қизиқ...»

Жамила ўйлай-ўйлай, охири Малоҳат опа ёзган бўлса керак деган қарорга келди. Ундан бошқа ким ёзиши мумкин?! Лекин шундай зийрак Малоҳатхон ўз номини ёзишни унутишига ҳеч ишонмади. Таажжубланди. Майли. Бўлганча бўлди. Бугун унинг руҳи баланд, ёнида ётган хотинлар билан ҳам анча вақтгача чақ-чақлашиб, гаплашиб ётди.

Етти кун деганда Жамила янги меҳмонни бағрига босиб уйга қайтиб келди.

IX

Табиат ўзгарувчан, бола ўсувчан. Уч ойда учирма бўлар, олти ойда отсанг тик турар, етти ойда ётакласанг юрар... дейдилар.

Чақалоқча Комила деб ном қўйишди. Уч ойлик бўлганда сухсурдек, дўмбоқ бола бўлди. Оиладаги каттадан-кичик унга ёпишар, кўтариб қучоқлашар, ўпишар, Қутбиниса хола ширин неварани ҳеч қўлидан қўймай эркалар, «қўғирчоқ» деб атарди. Лутфиниса хола бўлса чақалоқнинг икки елкасига иккитадан тўртта кўзминчоқ чатиб, жажжи дўпписи устига хушбўй қалампир мунчоқдан бир шодасини осиб қўйди.

Бола Жамила учун катта овунчоқ бўлди. У қўкрагидан қўймас, эркалар, унутиб юборган ашулаларини

баъзан қизига ғинғиллаб айтиб берар, баъзан қаҳ-қаҳ-лаб кулар, қўлларидан, юзларидан, ҳилпираб турган сочидан ўпар, кўрпачага ётқизиб қўйиб, Комиланинг даҳанига бармоқларини теккизиб, кулдирарди. Фарзанднинг чиройли кулишини томоша қилиш қандай бахт! Бу уйда бўладиган баъзи кўнгилсиз гапларни ҳам фарзанд шодлиги енгди. У энди илгаригидек қайна-на зуғмидан кейин ўйининг бир бурчагига бориб, тумшайиб ўтирмайди. Эрининг қўпол гапларини эшитса ҳам дарҳол қизчаси билан овунади.

Комилани бешикка солишди. Дастлабки кунлари у Лутфинисанинг эътирозига ҳам қарамай, ярим соатдан кейин ечиб оларди.

— Ҳай, келинпошша, нега болани ечиб олиб қийнайсиз,— деди кунлардан бир куни Лутфиниса тишини ғижирлатиб,— ахир болани ўз ҳолига қўйинг, ухласин, бешикка ўргансин-де!..

— Бешик болани тахтакачлаб, эзиб қўяётганга ўхшайди.

— Худоё тавба қилдим, биз шунча бола ўстириб бунақа демаган, энди шунақа гаплар ҳам чиқяптими. Белаб қўйинг дейман сизга.

Жамила бешик гаврасини очиб, қовузғоқни қўллари билан текислаб, Комилани ётқизар, оёқ-қўлларини маҳкам ўраб боғлаб, бешикни тебратиб, аллалар эди.

— Оббў-ў, Комилахон, оббаё, аллў-ў ширингинам аллаё, уҳ қисин асал укам Қомилажон, аллаё!..

Айвонда дўппи тепчиётган Лутфиниса, бир оздан кейин Жамилага имо қиларди.

— Ухлаган бўлса, сигирнинг тагига қараб келийг. Ундан кейин томдан сомон олиб тушинг. Тезроқ бўла қолинг! Суст бўлманг. Суст иш қилган одамни кўрсам бўғилиб кетаман.

Жамила бешикни секин тўхтатарди-да, ўрнидан туриб молхонага кириб кетар, ишни битиргандан сўйг, ўтириб дўппи тикишга тутинар, бу орада Қомила йиғлар, у югуриб, яна «аллаё»лаб бешикни тебратар..

Кунлардан бир кун Лутфиниса ҳолвайтарга кўкнори қўшиб пиширди-да, Қомилага жиндек ялатиб, яна бешикка белаб қўйди. Шундан кейин чақалоқ кечгача миқ этмай ухлади. Эртасига, индинига ҳам мана шундай кўкнори бериб ухлатишга бошлади.

— Келинпошша,— деди Лутфиниса дока рўмолга

уч-тўрт дўппини ўраб,— буларни сотиб келмасангиз, сутнинг пули сизнинг ўзидан ортмаётибди. Қани, махси-кавишингизни кийиб ола қолинг! Мундоқ тортишиб сотинг! Юрган дарё, ўтирган бўйра! Бозорингизни берсин, облоҳу акбар! Бўла қолинг тезроқ!

— Ҳали юзимни ҳам ювганим йўқ. Эрта-ку?

— Э... паришталарнинг ўзи юиб кетган. Дамодам юз юва беришнинг ҳам хосияти йўқ, келин.

Жамила қийинчилик билан, ҳеч оёғи тортмай бозорга тушиб кета туриб, бешик гаврасини очиб, пишиллаб, дўмбоқ бўлиб ухлаётган Комиланинг юзига қаради.

— Шошмасдан савдо қилаверинг,— деди кузатиб турган Лутфиниса,— болангиз ҳали-вери уйғонмайди.

— Кўп ухлайверса ҳам одам қўрқар экан, ойи,— деди Жамила,— энди кўкнори бермай қўя қолайлик. Қўрқаяпман.

— Оббо-о, сизнинг жонингиз ачиса, меники ачимайдими! Менинг ҳам неварам. Ҳамма боламга кўкнор-наша бериб ухлатиб қўярдим. Ҳаммаси — рустами дostonдек. Қайси бири мажмағил?

— Тўғри-ю, мен Комилажонга ҳеч кўкнори қўшилган овқат бергим келмаётибди, ойи. Майли, бозорга борай-ку, лекин кўкнори бермайлик.

— Қани тезроқ бора қолинг, Ривожини берсин!..

Жамила эшикни ёрч этиб очиб, кўчага чиқиб кетди. У йўл-йўлакай Комилани ўйлар эди. То бозорга этиб боргунча «йиғлаб қолмадимикан, уйғониб қолмадимикан?» деган жаёллар бошини чулгади. Бозор ғала-ғовури ичига киргач, у ўзи билан ўзи овра бўлиб қолди.

Кунлар ўтиши билан, биққа семиз Комила аста-секин сўлий бошлади. Аввал унинг ичи кетганини баҳона қилишиб, озиб кетганига сабаб мана шу — ичкетар бўлиб қолгани дейишди. Шундан кейин Лутфиниса кўкнори беришни тўхтатиб, бир чойнакка жийда дамлаб, унинг сувини ичирди. Бу ҳам фойда бермади. Бола чўпдек озиб, жуда бедармон бўлиб қолди. Қиқирлаб куладиган, дўмбоқ Комила гиншиб йиғлайдиган, инжиқ бўлиб қолди. Жамила кечаси билан ухламай боласини елпиб чиқарди. Уйқусизлик ҳамда ташвиш унинг кўзларини киртайтириб қўйди.

Лутфиниса қаердандир сассиқ-алаф топиб келиб, туйиб қўрга кўмди. Кейин бунга ҳалокатдан кетаётган

Қомиланинг орқасига боғлаб қўйди. Бу ҳам фойда бермади. Чақалоқ чўзилиб ётиб қолди. Аксига ҳавонинг исиб кетиши бола нафас олишини борган сари оғирлаштиради. Унинг иккинчи бувиси Қутбиниса ҳам келиб тепасида ўтириб олди. Жамила бўғилиб кетганидан ҳовлига чиқиб яширинча ҳўнграб йиглаётган эди, Лутфиниса молхонада туриб бақирди:

— Ҳой келин, йигламанг! Одамнинг боши — облонинг тоши. Умри билан берган бўлса яшайди. Ҳа, ношукур бўлаверманг. Эгасининг ўзи билади. Шукур қилинг.

Куннинг ўртасида ҳаллослаб Тошпўлат ака кириб келди. У невараси тепасида бир оз ўтирди-да, Жамилага тасалли бериб, ҳовлига чиқди. Қутбиниса хола ҳам унинг кетидан чиқди. Улар эри-хотин ҳовли четида чўққайишиб, ниманидир гўнғиллаб гапириша бошлади. Тўғрироғи, Тошпўлат аканинг кўзи ола-кула бўлиб, Қутбиниса холани қойиётган эди. Унинг қойиши яримта-юримта бўлиб, Жамиланинг қулоғига эшитила бошлади:

— Наҳотки, миянгни еб, мана шундоқ қўл қовуштириб ўтирсанг. Сенга бир бало бўлдимми?!

— Қандоқ қилай, бу сил-симён овсинимга ҳеч гап тушунтира олмадим. Дўхтир чақир деб неча марта айтдим.

— Букурни тобутдан бошқа нарса тўғрилай олмайди деганлари рост-да!— деди ғазаб билан Тошпўлат ака.— Бор ўша овсинингни чақириб кел!

Қутбиниса хола молхонадан Лутфинисани чақириб чиқди. Лутфиниса рўмолини тўғрилаб, қошларини чиририб, сузилиб Тошпўлат ака ёнига келди.

— Янга, болага жавр бўлибди. Дўхтир чақирайлик,

— Бола бечоранинг дардга чалиниб қолгани ёмон бўлди. Адаси районга кетган эди. Майли, дўхтир чақираман десангиз, чақирайлик.

Тошпўлат ака дик этиб ўрнидан турди-да, этигини дўқиллатиб кўчага чиқиб кетди. У чиқиб кета туриб Лутфинисага ҳам, Қутбинисага ҳам бир сўз айтмади. Тошпўлат аканинг камдан-кам жаҳли чиқарди. Мана бу сафар унинг чинакамига «чапақай» жаҳли чиққанини Қутбиниса хола жуда яхши сездди.

Орадан кўп ўтмай врач етиб келди. Болани кўрди-да, Тошпўлат ака каби тутақиб, кейин Жамила билан

бирга касалхонага олиб кетди. Шу орада Лутфиниса Тошпўлат акадан: «Ҳой қуда, дўхтир нима дейди?» деб сўради.

— Дардни ўтказиб юборибсизлар, дейди. Нега вақтида дўхтир чақирмадинглар, дейди. Тушундингизми?!

Тошпўлат аканинг қаттиқ гапирганидан хафа бўлган Лутфиниса тузланган қовоққа ўхшаб, буришиб уйга кириб кетди. Тошпўлат ака ҳам жўнаб кетди. Лутфинисанинг олдида Қутбиниса қолди. Кечқурун Лутфиниса ўзини касалликка солиб, ёлгондан тутқалоғи тутди. У эрталабгача Қутбинисанинг роса таъзирини берди.

Уч кун деганда Жамила касалхонадан ёлғиз ўзи тирик мурда бўлиб қайтиб келди.

Х.

Якшанба куни ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб, овқат ҳам қилишмай, қўшниникидан чиққан бир челақ мошхўрдани ичишди. Жамила бўлса, куни билан оч ёриб, очлиғича ухлаб қолибди. Буни Қутбиниса хола пайқаб, азонлаб бир коса ширчойга нон тўғраб Жамилани уйғотди.

— Жамила, болам тур. Мана буни ичиб ол, жон болам. Юзингни ювмаган бўлсанг ҳам майли. Ол, қизим.

— Егим келмаяпти, ойи.

— Мундоқ қилсанг хафа бўламан. Ол, ўзимнинг олдимда егин. Ол, жуда бўлмаса ярмисини ича қол!

Жамила чўққайиб ўтириб, кичик болалардай эринчоқлик билан бўккан нондан бир-икки марта олиб оғзига солди.

Кечга яқин Мирҳайдар ота ва яна бир қанча кексалар киришди. Маросимларни яхши кўрадиган Лутфиниса қўли-қўлига, оёғи-оёғига тегмай, липиллаб хизмат қилиб юрарди. У уй томонга қараб, ўшқирди:

— Келинпошша, етар, туринг, ётаверманг. Кексалар келишди. Уч ойлик болага бир йил аза тутмайдилар! Ҳамманинг боласи ҳам бола. Сизники бурнингизнинг катагидан тушган эмас!

— Ҳай, овсин, силталаманг!— деди тажанг бўлиб турган Қутбиниса.

— Вой, бу нима деганингиз, ахир кап-катта хотин ётаверадиларми!

— Сизга «кап-катта» бўлса, менга ҳали бола...

Мана шундай қилиб, аза кунларининг бирида Қутбиниса билан Лутфиниса жиндак «айтишиб» олишди. Бу ўртага тушган совуқчиликнинг бошланиши бўлди.

Жамила Комиласидан жудо бўлгач, бу уйда унинг учун яхши нарса қолмагандай, ҳар доим хомуш бўлиб юрар, яхши гап ҳам ёмон гап ҳам қулоғига кирмас эди.

— Ўзингиз омон бўлсангиз ҳали кўп бола туғасиз, ҳафа бўлманг,— деди кунлардан бир кун Лутфиниса хола Жамилага меҳрибонлик кўрғазгандек бўлиб,— уч-тўртта дўппи тайёрлаган эдим, сотиб чиқинг.

— Сотмайман, бормайман!— деди Жамила Лутфинисанинг юзига тик қараб,— бўлди энди!

— Бу нима аҳмоқлик!

— Аҳмоқ бўлмасам тўпимдан ажралиб, бу ерда довдираб юрармидим. Тўғри, ман аҳмоқман. Унданам ёмониман.

— Ҳой, келинпошша, мани билмасангиз кўзингиз кўр бўлади!

— Ҳақиқатан кўр эканман, кўзим энди очилапти.

— Булар ҳаммаси болангизнинг алами, овунганингиздан кейин, бу носазо гапларингиздан пушаймон бўласиз. Яна биттани туғиб оларсиз, мунча ахир.

— Ўзимни қанча ҳақорат қилсангиз қилинг-ку, локин, ўлган боламни ҳақорат қилманг!— деди хўнгилаб йиғлаб Жамила. Унинг кўз ёшлари дув этиб юзларига оқиб тушди. — Қанақа кунга қолдим. Шу ҳам била-ю, турмуш бўлдими! Жоҳил...

— Э... обло, келинпошша бас, уйга кириг!

Жамила индамади. У, Лутфиниса хола тили билан айтганда, «ҳуйлик бўлиб қолиб» баъзида ҳушига келган ишни қилар, раъйи келмаса қимирламай ўтираверарди. У энди бозорга ҳам тушмади, томга ҳам чиқиб кунжара майдаламади. Фақат эрталаб ҳовлиларни яхшилаб супурарди-да, бир пиёла чой ичиб, уйга кириб ётарди. Кейинги ойларда у чўпдек озиб, бир ҳолатда бўлиб қолди. Одам озгандан сўнг ҳусни ҳам кетар экан. Унга ҳам совуққина ёқимсиз хотинларнинг нусхи уриб, баъзида қилиб қўйган ҳаракатлари, оғзидан чиқиб кетган гаплари ўзига ёқмас, ичдан яна қаттиқроқ ранжирди. Бунинг натижасида у тез-тез қайнанаси билан уришиб турар, қўшниларникига чиқишни ҳам аллақачон тўхта-тиб қўйган эди.

Жамиланинг бундай аҳволга тушиб қолганидан хавотирланиб, Қутбиниса хола тез-тез келиб турарди. Яқинда у Жамиланинг эри билан ғижиллашиб тургани устига келиб қолди, ичкари уйга киришга юраги довлмай, айвоннинг бир бурчагига бориб шумшайиб ўтирди. Ичкарида бўлаётган бақариқларни эшитиб, юраги қинидан чиқаёзди.

— Ҳайвон, ҳаддингдан ошиб кетибсан! Тилинг чиқиб қолибди! Онамни ҳам беҳурмат қиладиган бўлибсан! Қаллангни оламан-ташлайман! Қараб тур!

— Бекорга ҳақорат қилманг!

— Йўқол бу уйдан!— Манноп этиги билан гурсиллатиб тепди.

Жамила йиғи аралаш гапира бошлади:

— Кетаман! Уйинг бошингда қолсин!

— Йўқол, кет!

Жамила ўрнидан туриб, токча ичидаги деворга ёпиштириб қўйилган чақалоқ суратини кўчириб олди. Да, биқинини чангаллаб ушлаганча ташқарига чиқди. Унинг озиб, қовжираган юзлари билан битта ёш, сочлари тўзиб кетган эди. Лутфиниса билан Қутбиниса югуришиб Маннопжоннинг ёнига киришди.

— Ҳай болам, бу нимаси!— деди бидиллаб Лутфиниса.

— Бу итвачча кўзимга кўринмасин, бунақа хотин менга керак эмас!

— Айб Жамилада эмас, болам!— деди Лутфиниса, Эшик ёнида миқ этмай турган Қутбиниса дағ-дағ титраб, уйдан орқасига қайтиб чиқди-да, айвон четига ечиб қўйган белбоғини бошқатдан белига ўрай бошлади. Лутфиниса уйдан чиққанда, Қутбиниса йиғлаб турган Жамилага:

— Юр болам, йўқолсак йўқола қолайлик!— деди.

Шу дамнинг ўзидаёқ она-бола бу даргоҳдан чиқиб кетишди, чиқиб кетишди-ю, қайтиб оёқ босишмади. Жамийла Комиласининг жажжи суратини эзиб қўймайлик учун жуда эҳтиёткорлик билан ушлаб борарди.

XI

Жамила қайтиб келгандан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас Зоғариқдаги бир қариндоши келиб, «қовунларимиз пишди, мундоқ колхозда ёзилиб келинг» деб ҳеч қўймай далага олиб кетди. Бу орада уйга, Жамила йўқлигида

икки марта Малоҳатхон келиб кетди. Паранжисини қий-шиқ ёпиниб, Лутфиниса ҳам келди.

Жамилага дала ёқди. У анча тўлишиб, дала қуёши-да бир оз қорайиб қайтди. Эртасига Тошпўлат ака ёни-га чақирди.

— Жамила қизим, бу ёққа кел, сенга бир маслаҳа-тим бор,— деди бурама мўйлабини секин силаб.— Сен далада эканингда комбинат партия ташкилотининг сек-ретари билан гаплашиб, ҳамма гапни айтдим. Ундан яшириш мумкин эмас, бир томони ошнам ҳам. Ўзи рабо-чийдан чиққан. Мана, мен ўзимни сўрасанг, бир кам ўттиз йилдан бери рабочийман. Комбинатга келганимга ҳам йигирма йилдан ошди. Мен шу ерда ишлаб қад-димни ростладим, одам бўлдим. Бошқа гапларни гапи-риб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қизим, сенинг ҳам бах-тинг шу комбинатда. Сен қаттиқ қоқилиб тушдинг. Ерга йиқилиб бурнинг қонади. Худди шундай бўлди. Бизнинг хатойимиз шуки: сен қоқилган чўкиртакни кўра олма-дик, сенга «кўзингга қара, ана у чўкиртак», дея олма-дик...

— Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча семира-ди,— деб қўшиб қўйди Қутбиниса хола.

Тошпўлат акага бу гап ёқинқирамай, хўмрайиброқ қараб қўйган эди, Қутбиниса жим бўлди.

— Гапнинг мазмуни шуки, сен ўз ишингга қайтиб борасан. Ишни яна бошидан бошлайсан. Сенга масла-ҳат шу, болам.

— Хўп, бораман. Олармикан дада?— деди Жами-ла.— Меё турли баҳоналар билан ишни ташлаб кетган эдим...

— Ҳа, чакки иш қилгансан, майли, бир нима дейиш-са оғир бўл, чунки айб ўзимизда.

Худди шундай бўлди. Кадрлар бўлимидаги ҳаммага таниш кекса хотин Жамиланинг аризаси ва анкетаси билан танишиб чиққандан кейин кўзойнаги устидан ун-га яхшилаб қараб олиб:

— Фабрика каптархона эмас,— деди заҳарханда би-лан,— хоҳлаган вақтда кетиб, хоҳлаганда келаверади-ган.

Жамила ерга қаради.

— Декрет отпускамдан кейин, аҳволим ёмонлашиб қолиб, кетишга тўғри келди, Евдокия Петровна. Қойи-шингиз тўғри, лекин мен энди ҳеч кетмайман!

— Нима туғдинг, Тошпўлатова? Ўғилми, қизми?

Жамила ўзини тутолмай пиқиллаб йиғлаб юборди. Рўмолчаси билан кўзини артиб, йиғи аралаш: «ўлиб қолди...» деди.

— Қўй, хафа бўлма Тошпўлатова,— деди бир зум у тикилиб туриб.— Сени яна ўзинг ишлаган йигирув-тўқув фабрикасига юборамиз. Мария Ивановна қўлида ишлайсан. Нариги уйда Сергеевадан пропуска, направление ол. Эрталабки сменадан ишга тушасан. Ҳозир Мария Ивановнага учрашиб кетсанг яхши бўларди.

— Раҳмат, хайр Евдокия Петровна,— деди ўрнидан қўзғалиб Жамила.

— Хайр. Хафа бўлма, Тошпўлатова! Менга кейин батафсил гапириб берарсан.

Жамила эртасига эрта билан смена бошланишидан бир соатча илгари фабрикага кириб келди. Эшикдан бошини суқиши билан станокларнинг кучли шовқини бирдан уни ўради. У ҳаяжонланиб кетди. Бир йилдан ошиқроқ муддатли узилиш сезилмагандай, кечагина мана шу станоклар ёнида ишлаётгандек туюлди. У бошини мағрур кўтариб, Мария Ивановна тайинлаган коридорда, сменаси келишини кутиб турди. Фабрикада анча-мунча янги ишчилар пайдо бўлибди. Эски танишлардан Наташа деган қиз ишлаётган экан, ёнига бориб саломлашди. Нинани, Малоҳатхонни ва яна бошқаларни сўради.

— Лида отпускада,— деди у,— Нина, Малоҳатхоннинг йигирма минутдан кейин сменаси бошланади.

Юз-қўллари қора мой бўлган Асқарали станоклар ёнидан ўтиб кета туриб, кўзи Жамилага тушди. У қўлидаги асбоблар солинган ўша эски қутисини ерга қўйиб, Жамиланинг ёнига келди.

— Салом,— у мойли қўлини икки ёнига артиб, жуда яқин кишилардек қўл узатди.

— Яхшимисиз,— Жамила ҳам жиндек табассум билан қўл бериб сўрашди.

— Келдингизми?— деди Асқарали. Фабрикада кишилар, станокларнинг гувиллаши сабабли қисқа, лўнда гаплашишга ўрганиб қолган эдилар.

— Келдим,— деди Жамила кулимсираб.

— Қўп яхши қилибсиз.

— Малоҳатхон опам қанилар?

— Ун беш минутдан кейин келадилар,— деди би-

лагидаги соатига кўз ташлаб.— Қайғули хабар эшитиб, ачиндим...

Жамила бош қимирлатди.

— Ана, Малоҳатхон ҳам келиб қолдилар,— деди бирдан Асқарали, кейин у ўнг томонга қараб кимнидир имлаб чақирди.

Малоҳатхон, ундан кейин Нина келиб Жамила билан қучоқлашиб кўришишди. Асқарали бўлса кулимсираб томоша қилиб турарди. У гоҳо «буларни қаранг» дегандек қилиб, станоклар олдида турган Наташага кўз қисиб қўярди.

— Вой айлана қолай, Жамилахон,— деди белидан қучиб Малоҳатхон,— келганингиз ростми?

— Ҳа, рост.

— Ақлли иш қилибсиз.

— Ҳаммасини эшитдим,— деди Нина,— сендан хафа ҳам бўлди, кейин ачиндик ҳам. Бўлар иш бўлди. Фабрикага қайтибсан, яхши бўпти. Энди кўзингга қара!

— Мария Ивановна айтгандир, сен ҳозирча Нина билан ишлашасан. Кейин мустақил...

— Тушунарлик,— деди хурсандчиликдан дугоналарига жовдираб Жамила.

Бир неча минутдан сўнг улар сменани қабул қилиб олиб, ишга тушиб кетишди. «Хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси» бўлиб турган Асқарали ҳам бориб, қутисини кўтариб қаёққадир кетди.

Смена тугагач, Жамила ўзида йўқ шод Малоҳатхонни, Нинани, Наташани ҳеч қўймай «бир соатгина гаплашиб ўтираминиз» деб ўз уйига олиб кетди...

XII

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаверди. Механик Асқарали яна илгариги одатини қўймай Жамиланинг атрофида айлана бошлади. Гап топа олмаган чоғида унга тикилиб қараб қўярди-да, яна ўтиб кетарди. Баъзан у станоклар орасида кўриниб қолганда Малоҳатхон қизларга қараб, «ана дугонаминиз пайдо бўлдилар» деб ҳазил қилиб қўярди.

Ҳар кимнинг ҳар хил одати бор. Биров гапга печанроқ бўлади, биров мана Асқаралига ўхшаб гап билмай, станок тузатишга уста бўлса ҳам, муҳаббатини изҳор қилишда ўлгундай сўтак бўлади. Унинг тикилаверишидан

Жамила ҳам зерикди, бу сирли қарашни пойлай-пойлай Малоҳатхон ҳам зерикди, қолаверса ўзи ҳам зериккан бўлса керак. Бир куни нима ҳам бўлди-ю, Асқарали ирагини ютиб Жамилага қотди:

— Сизни театрга таклиф қилсам борасизми? — деб қип-қизариб кетди-да, яна орқасидан қўшиб қўйди, — агар қўрқсангиз Малоҳатхон опамни ҳам бирга олиб бордик.

Жамила хахолаб кулиб юборди.

— Сиз ҳам гап билар экансиз-ку. Тушаман. Қўрқмайман... — Бир зумдан кейин яна қўшиб қўйди, — майли, Малоҳат опам рози бўлсалар, бу сафар уч киши бо-райлик.

— Келинг, иккаламиз бора қолайлик, — деди Асқарали.

— Йўқ, энди сўзингиздан қайтманг.

Улар учов кечқурун театрга боришди. Мана шундай учрашувларнинг бирида Жамила, туғруқхонага олма, анор олиб бориб, хат киритган Асқарали эканини ҳам билиб олди. Асқаралининг заҳматкаш, юраги соф йигит эканлиги кундан-кун равшанроқ кўрина бошлади. Кунлар ўтиши билан уларнинг ўртасида яқинлик пайдо бўла бошлади.

Байрам арафасида улар тўқимачилар маданият саройидаги кечадан ярим тунда қайтишди. Асфальт йўл бўйлаб кетишаркан, Асқарали ҳеч қутилмаганда жуда гапдон бўлиб кетди. Унинг юрагида дарди кўп эканини Жамила пайқаб, ҳар замон-ҳар замонда кулиб қўяр эди. Лампочкалар шуъласидан узоқлашгач, Асқарали Жамиланинг қўлларидан ушлади-да:

— Ҳалиги гапга жавоб бермадингиз? — деди ундан кўзини узмай.— Мен бу гапни сизга икки йил аввал айтмоқчи бўлганимда...

Жамила юзларини секин Асқаралининг кўкрагига қўйди. Шу пайт Асқарали Жамиланинг лабларидан қаттиқ ўпди.

— Сен менинг Жамиламмисан?— деди бир оз юргандан сўнг Асқарали.

Жамила кулиб қўйди-ю, индамади. Асқарали жавоб ололмагач, нимагадир, ишонқирамагандек, юрагига ғул-ғула тушиб саволини яна такрорлади. Жамила Асқаралининг юзига тикилди. «Сизнинг, фақат сизнинг...» деди аста.

«Тиниқ кўлдан лойқа сув оқмайди,— деди ўзига-ўзи бир куни айвондаги офтобга эски пўстакни солиб, устида хаёл суриб ўтирган Қутбиниса хола,— бир ҳисобда ўша ғаламиснинг уйидан келгани жуда яхши бўлди. Ғам юзни сарғайтирар, юракни тишлар, дейдилар. Қўзим бояқиш келганидан бери анча ўзини тутиб олди».

Кейинги икки-уч ой ичида Қутбиниса холанинг иши ёлғиз Жамилани ўйлаш бўлиб қолди. Эрталаб қизи билан эрини ишга жўнатиб уйларини супириб-сидириб олгандан сўнг пўстак устига чиқиб мушук боладек чўзилиб ухлар, ана шу ёзилиб ётган пайтларида унинг бошида Жамиласининг қиссаси чархпалакдек айланарди.

Яқинда Тошпўлат ака бир ошнасининг уйидаги зиёфатда Қутбиниса холанинг қариндоши билан учрашиб қолибди. Уша кичикликдаги: «Тўлаган-Тўлаган, ёғ билан силаган, ип билан ийлаган...» Ҳозир кимсан, Тўлаган Фармонович Фармонов бўлиб, тузуккина амални эгаллаган эмиш. У Тошпўлат аканинг ҳурматини жуда ўрнига қўйибди. Жамила билан ёнма-ён ўтириб дилкашлик қилганида, ундан Қутбиниса холани қайта-қайта сўрабди: «Холажонимни жуда кўргим келади, лекин масъул ишлар билан банд бўлиб ҳеч боролмайман...» дебди. Бу гапни Жамиланинг ширин тилидан эшитган Қутбиниса хола хурсанд бўлиб кетганидан Тўлаганни дуо қилди. У уруғлари ичидан шундай бир катта одам чиққанига фахрланиб қўйди. Унинг қартайиб қолган онаси Обида буви (Қутбинисанинг аммаси) Қутбиниса билан Жамила меҳмон бўлиб келишсин деб қайта-қайта айтган эмиш. Бу гапларни Жамила ойисига айтди.

«Қудуқ қуриса, киши сувнинг қадрига етади,— деди ичида Қутбиниса хола.— Аммам бояқишнинг кўзи тириклиги учун шунчалик қариндошларимиз бизни эслаб юрибди. У бўлмаса эслармиди. Ушанда қадримизга етади. Мана Ҳамро буви раҳматли ўлди. Пуштиҳаммомга боршимиз ҳам тўхтади. Ҳамро буви борлигида шу маҳалгача неча марта Пуштиҳаммомга бориб келардим...»

Кунлардан бир кун яна «қўндоқда теккан дарди» қўзғаб (Тошпўлат ака шундай деб атарди) Қутбиниса сандиқдаги пешматини олиб кийиб, Жамилани ҳам жони ҳолияга қўймай Кадватга — Обида бувиникига жўна-

ди. Улар етиб келиб, эшикдан киришди-ю, оғизлари очилиб, ҳангу манг бўлиб қолишди. Бир данғиллама уйла ганжиналар солиб олибди. Ҳовлисининг ўртасида фонта суви осмонга отилиб ётибди.

Уларни нотаниш хотин кутиб олди. Обида буви берда эмас, катта қизиникида турар экан. Фармонов биздан кейин келар экан. Улар шунча йўлни босиб келганлари учун қайтиб кетмай, ноилож ўтиришди. Улар бу ерда ўтириб туришсин, энди икки оғиз сўзини Тўла ганжондан эшитинг:

Уша куни зиёфатда Тўлаганжон Жамилани кўрибди-ю, «муҳаббат найзаси юрагидан тешиб ўтиб», ёқудек лабларига, фусункор қошу кўзларига маҳлиё бўлиб қолибди. Жамиланинг рухсати билан кичкина биллурюмкага вино қуйиб бераётганида қўллари қалтира кетганидан дастурхонга бир оз тўкиб юборибди ҳам Кексалар тамаки чеккани айвонга чиққанларида у Жамила билан андаккина суҳбатлашиб, қаерда ишлаётганини сўрайди. «Агар хоҳласангиз трестда маоши кўнгилдагидек иш бор, жойлаштириб қўярдим» деганида Жамила негадир мулоийимгина кулиб, ғамхўрлик учу ташаккур билдиргандай бўлиб, ўз ишидан жуда мамну эканлигини айтибди.

Шу куни Тўлаганжон ишдан қайтиб, уйда Қутбинис хола билан Жамилани кўриб, хурсанд бўлиб кетганида босар-тусарини билмай қолди. Одам юбориб онаси Обида бувини ҳам машинада олиб келтирди. Қўшнилари чиқишди. Қош қорайгунча илиқ меҳмондорчилик даволат этди. Кечқурун ўз оёқлари билан юриб келишган Қутбиниса хола билан Жамила машинада уйга қайтиб келишди. Уйга келгандан сўнг Қутбиниса кўрган-кечирганларини бирма-бир Тошпўлат акага гапириб берди. «Қўлмас, ризқи камимас, — деди Қутбиниса, — ўлмагани киши ҳамма нарсани кўра берар экан. Ота-бобоми электрни кўрибдими, мана электрни ҳам кўрдик, радиёни ҳам кўрдик. Мана насиб қилган экан Тўлаганжоннинг уйда диливизорни ҳам кўрдик. Обида буви бахти маржонга боти-иб ўтирибдилар...»

Мана шундай кунларнинг бирида ишдан қайтиб келган Жамилага Қутбиниса хола имо-ишора билан икки-уч ердан «жой чиқаётганини», уларга «ҳа, тақдир бўлса, тўй қочиб кетмас...» деганини ётиғи билан гапирди. Уларнинг бири ичкуёв бўлишга ҳам рози эмиш. Ай

ниқса, кейинги кунларда Тўлаганжон Фармоновлар қўйган одам кўз очирмаётганини ҳам айтди. Учқуёв бўладиган йигит Турсунхўжаев эмиш. Бир профессорнинг укаси эмиш. Қутбиниса холанинг назарида чиқаётган жойларнинг ҳаммаси ҳам «таглик-туглик» эмиш. «Ёш жувоннинг кўча-кўйда кундузими, кечқурунми мундоқ кино деб, театр деб юриши яхши эмас, болам, — деди Қутбиниса хола, — худога шукур, сандан кўнглим тўқ-а, локин яхши-яхши жойлардан чиқаётганда индамай ўтириб, ҳаммаларини қайтариб юборсак қандоқ бўларкин?

Тагин кўнглинга бир гап олмагин. Сани бир марта эрга бериб оғзимиз куйган. Шундоғ бўлса ҳам айтаманда. Ёшсан, аини ўйнаб-куладиган чоғинг... Фақат мана шуни ўйлаб гапиряпман. Бизларнинг ёшлигимиз золим пошшонинг замонасида ёшликка ҳам ўхшамай ўтиб кетди. Бошмалдоғимга чиққан хасмол ўлгур сал кам икки йил азоб берди. Уни устига белимдаги бод... Ўша вақда даданг Тулкивош деган жойдан айиқ ёғи топиб келмаганда бу бод ўлгур мени адо қилармиди. Айиқ ёғини сура-сура бу бод байталмонни аранг тузатдик... Шу ҳам ёшлик бўлибдими? Бизларнинг замонамизда бир марта катта ҳайитда қўлимизга хина қўярдик. Кичик ҳайитда бўлса кўйнак кийсак киярдик, киймасак киймай ҳайит ҳам шундоқ ўтиб кета берарди. Сизларнинг замонангизда ҳар икки ойда бир катта майрам. Мана шундоқ яхши вақтда санам бахтли бўлсанг, ман ҳам бахтингни кўриб қувонсам дейман. Орзули дунё, жуфтингни топиб, мани ҳам уйимни обод қилсанг кўнглим кўтариларди дейман болам...»

Жамила онасининг сўзларини диққат билан эшитиб турди-да, бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Қутбиниса таажжубланди, ундан кейин рўйирост очиқчасига гапира бошлади: «Насиб қилган бўлса... қа-қа, гапимдан ҳам янглишиб қоляпман, эсим қурсин, тақдир қилган бўлса Тўлаганжон Фармонов...»

— Йўқ, ойижон, — деди Жамила унинг гапини шарт бўлиб, — қўйинг ўшаларни.

— Нега, болам? Ахир навсамбирига айтганда ёмон йигит эмас-ку?

— Сабр қилайлик.

— Майли, сабр қилсак, сабр қилайлик, сабр кети раҳмон дейдилар. Эсра манам куёв кўри-и-б, наварамни тиззамга ўтқази-и-б ўтирсам. Сан ҳам бир жаҳон бўлиб,

кўз олдимда тўкилиб-сочилиб юрсанг, қандоқ яхши бўларди.

Шундан кейин Қутбиниса Тўлаганжонлар томонидан келган кишига қизи бу ишни негадир кейинга силтаётганини, куёв қизнинг кўнглини олмагунча бир гап чиқиши қийин эканлигини соддалик қилиб гапириб қўйибди. Эртага дам олиш кунини деганда комбинат йўлида тасодифан Жамила билан Тўлаган Фармонович Фармонов учрашиб қолди. Сиртдан қараганда бу учрашув тасодиф бўлиб кўринса ҳам, аслида Тўлаганжон Жамиланинг ишдан чиқишини икки соатдан мўлроқ кутиб турди. Кейинчалик маълум бўлишича, Тўлаганжон бундан бошқа кунлари ҳам келиб, икки-уч соатлаб кутиб, учратолмай кетган экан.

— Яхшимисан, Жамила, — деди Тўлаган Фармонович Фармонов анчадан бери кўрмаган жуда яқин киши билан учрашиб қолгандек. Бундан ташқари, сансираганига сабаб, у узоқ қариндош эканлигини ҳамда юрагининг «чуқур жойида» Жамилага нисбатан гоёйбона муҳаббат ўт олиб ётганини билдирмоқчи бўлди.

— Яхшимисиз, — деди Жамила у билан қўл беришиб кўришаётганида.

— Ойинглар яхшими? Аданглар яхшими? Кечирансан, «ада» дейсанми, «дада» дейсанми?

— Дада, дейман, ҳаммалари яхшилар, сўраганингиз учун раҳмат.

— Уйга кетяпсанми?

— Ҳа.

— Машинага туш, йўлдан ташлаб кетаман.

— Йўқ, раҳмат. Уйимиз жуда яқин, икки остановка ҳам келмайди.

— Майли, майли... Сен билан нарироққача гаплашиб бора қолай.

— Марҳамат.

— Жамила, бир гапни қандай айтиш йўлларини биллолмай, кўпдан бери қийналиб юрибман. Сан ўзимизнинг қаримдошимизсан. Кейинги пайтларда жуда-жуда қийналиб, ёниб юрибман. Уйлайманки, агар очигроқ ўзингга айтсам, мени тушинарсан, бахт деган нарса ўзи бирдан келмайди-да. Мана, анчадан бери қоврулиб юрибман. Билишимча сен ҳам бахтингни тополмадинг, турмушда қоқилиб тушдинг, ман ҳам худди шундай.

Лекин... Жуда яхши уй-жойлар қуриб олдим... ҳамма нараса... яъни жамийки...

Жамила «нима демоқчисиз» дегандек қилиб, Тўлагандан бир қадамча ўзини четга тортиб, унга ялт этиб қаради. Шундан кейин қадам ташлашни тезлатган эди, Тўлаганжон ҳам тезлатди.

— Яъни демоқчиманки, бахтли бўлсак. Бизларникидан сизларникига одамлар қатнаб юрибди. Ўзинг ҳам эшитган бўлсанг керак... Жамила, мен сени севаман...

— И-йе, бу қандай гап!— у жадал юра бошлади.

— Жамила, серёзний гапиряпман. Қаримдошингман. Мен сенга очиқроқ гапиряпман. Уялма, бу жиддий масала...

— Бу гапларни қўйинг! Очиқроқ айтсам, эрим бор...

— Эрим? Қандай эр? Ўша эр бўбдими!— Тўлаганнинг хаёли Маннопжонга кетди. Жамиланинг хаёлига Асқарали келди. Бу сўз ҳақорат тусини олгач, Жамила жавоб бермай, югурганича ўнг томондаги кўчага бурилиб кетди. Тўлаганжон узумга сакраб ололмаган тулкидек, кўча ўртасида бир дам серрайиб турди-да, кейин ўз ўзига: «Жуда думбул-ку, ёш-яланг ичида кўзи очилиб кетганга ўхшайди» деб орқада судралиб келаётган машинаси томон йўл олди. Шофер йигит олдида хижолат бўлмаслик учун: «онаси касал бўлиб қолибди» деди.

Жамила уйга етиб келгач, бўлган воқеанинг ҳаммасини Қутбинисага гапириб берди. Кампир тинглаб бўлиб, бу гапларнинг обдан мағизини чақиб, негадир кулиб қўйди.

— Лекин болам,— деди у,— майли-ю, олдивораттан ўша Асқаралини «эрим» деб юборганинг чакки бўлибди-да. Никоҳ ўқитмай туриб бировни «эрим» деб бўлмайди! Гуноҳ бўлади. Ҳа, майли, парвардигорнинг ўзи кечирсин. Ичимда «тавба қилдим» деб қўя қол. Оти тузуккинага ўхшайди, ўзи ҳам яхши йигитдур-а? Меҳнаткаш бўлса яхши бўлади. Худо қаргаган искипилонга қуда бўлсин! Искипилоннинг уйига ўт тушсин! Ҳай, болам, бу Асқарали деганингни секин учини чиқариб, даданга айтиб қўйсам бўлармикин? Айта қолай-а? Ҳа, айтишим керак. Айтмаса бўлмайди!

Жамила аввал кулимсираб, кетидан хижолат бўлди-ми, бирдан қизариб кетди.

Шу кундан бошлаб Қутбиниса хола ҳовлисида тўй ҳаракати бошланиб кетди. Бу ишни қандай қилиб бошлаб юборишни Асқарали ҳам эрта-ю кеч ўйлар эди,

— Асқарали ака, эртага дам олиш куні бир эски ша-
ҳарга бориб келайлик,— деди Жамила кунлардан бир
кун ўз эрига,— Комилани соғиндим...

Жамила бу гапни айтди-ю, беихтиёр кўзига ёш олди.

Асқаралининг ҳам бадани жимирлашиб кетиб, хомуш
бўлди. Кейин Жамилани овутишга тутунди.

Улар, эру хотин эрталабки салқинда ҳовлидаги гул-
лардан бир қучоқ букет ясаб, йўлга тушишди.

Қадимги Сақичмон маҳалласига етиб боргач, Асқар-
алига туғилиб-ўсган кўчаларини, пастқам ҳовлиларини
кўрсатиб, қанча-қанча қизиқ гапларни айтиб берди.
Улар тор кўча ичига киришаркан, Жамиланинг юраги
ошиқар, бу кўчаларда ўз Комиласини кўтариб юрган
эди. Томларга, деворларга, кўчада ўйнаб юрган қора-
қура болаларга суқ билан тикилар, уларни ажаблан-
тириб, бошларини силаб ўтарди.

У ўтиб кета туриб, беихтиёр, бир эшик тирқичидан
ҳовлига мўралади. Бу уйда унинг севикли қизи — Коми-
лажон касал бўлиб ётган эди. Унинг назарида, ҳув анови
тахмоннинг тагида Комилажон ҳамон иситмалаб ётган-
дек туюларди. Қани энди ростдан шу уйда Комиласи
юрган бўлса-ю, югуриб кириб, бағрига босса. Унга ҳар
турли ўйинчоқлар олиб берса... Комилажон пешонасига
сиғмади. Бошқа болалар ўйнаб юрибди-ку!.. Нега унинг
ширин Комиласи ўлди!

Жамила битта-битта қадам ташлаб, хаёл ичида, бу
тор кўчалардан ўтиб кетди.

Улар Чигатой қабристонига кириб боришди. Майса-
лар орасидаги сўқмоқ билан юриб, бир қанча эски са-
ғаналар ёнидан ўтиб, янги кичик қабр ёнида тўхташди.
Бу — Комилажоннинг қабри. Бундан анча илгари Қут-
биниса хола билан Жамила келиб қабр ёнига райҳон,
гулбеор, гулхайри экиб кетишган эди. Саратон иссиғида
улар қовжираб, фақат икки туп гулхайри баланд бўлиб,
қип-қизариб гуллабди.

Жамила каттакон гулчамбарни қабр устига қўйди.
Асқарали бош кийимини қўлига олиб, тик турарди. Жа-
мила чўққайиб ўтириб гўё ерда ётган Комилани силаб,
ўрнидан турғазмоқчи бўлгандек, қабр устини силай бош-
лади. Унинг назарида қизи анча катта бўлиб қолгандек
кўринарди. Унинг қулоқларига Комиланинг хархаша

қилиб йиғлаган овозлари ҳам эшитилгандек бўларди. «Комилажон, опоқ қизим, сен ўлмай, ёнимда яйраб юра қолсанг нима бўларди. Энди сенга ҳеч кўкнори, наша едирмас эдим! Кўкнориси қуриб кетсин! Сен қандай яхши, ширин қиз эдинг...» деб, пиқиллаб йиғлади. Бир оздан кейин, Жамила ўрнидан туриб, Асқарали билан бирга қабристондан чиқа бошладилар. Жамила орқасига қайрилиб: «Хайр, опоқ қизим, тинч ухла, мен соғинганимда яна келаман», деб кўз ёшини артди.

Шундан кейин улар катта йўлга чиқишиб, ишчилар шаҳарчаси томон жўнашди. Қутбиниса хола уларни сабрсизлик билан кутиб ўтирарди. Кечқурун эр-хотин биргаллашиб комбинатга кетишди. Чунки улар бу ҳафта кечки сменада ишлашлари керак.

Орадан йиллар ўтиб кетди. Жамила тўлишди, оз бўлса ҳам ўша уқубатли кунларни унутди. Лекин бир нарсани ҳеч қачон унутмади. У ҳам бўлса ғунчалигича сўлган Комиласи эди. Бу ғунча унинг юрагида ўла-ўлгунча яшайди! Ўлган қадрдонларни эслаш — инсоннинг энг яхши фазилатидир.

1956 йил, Тошкент.

1

Салоҳиддин эчки боғлаб қўйилтадиган тўнкага ўтирди-да, хаёл суриб ер чиза бошлади. У атрофдаги балад хурмо дарахтларини чайқаб учаётган шабадани, қўтослар маърашини, осмонда доира ясаб, кечки салқин тушишини қутлаётган қирғийлар қийқириғини, дарёдан қайтиб келаётган балиқчилар гурунгини... ҳеч нарсани эшитмасди. Пастаккина уй дарвозасидан мўралаб турган қўшни қизи Монани ҳам кўрмас эди. У бир нафасдан сўнг ўйлаб-ўйлаб дунёнинг тагига етгандек, сапчиб ўрнидан турди-да, ошнаси, чатишиб кетган қариндоши Абдулрахмон ар Рашад уйига жўнади. У сафарга рози бўлганини билдириб, Абдулрахмон фикрлари дарҳақиқат тўғри эканини, бу ерда узун кириб, узун чиқиб юрмай мавсумда пул ишлаб олиш маъқул эканини айтмоқчи бўлди. Бунга унинг қартайган онаси ҳам рози бўлибди. Бу ерда ҳаммолчилик қилиб яхши ишлаган одам бир кунда йигирма беш пиастр топади. Ундачи: бир кунда бир фунт, баъзан бир ярим фунт топиш мумкин эмиш. Шундоқ бўлгандан сўнг кампирни ёлғиз ташласа ҳам боргани маъқул. Агар у жуда қийналиб қолса, қўшнилари қарашиб турар. Кампир бўлса кўзлари хиралашиб қолганига қарамай, ҳали анча тетик. У ҳам ўғли Салоҳиддиннинг борганини маъқул кўрибди-ю, лекин совур ойига қолмай барвақтроқ қайтишини, бу йил шамол кўп бўлишини қайта-қайта таъкидлабди.

Шундай қилиб, Салоҳиддин Абдулрахмон ар Рашад билап бирга Гурнадан чиқиб узоқ Искандария шаҳри томон йўл олди. Енгилгина тугунни елкаларига ташлаб,

Нил бўйигача пиёда, дарёдан ўтиб Луксор шаҳри вокзалида бир кун тунаб, поезд билан Қоҳирага, ундан сўнг эрта билан Искандарияга жўнашди. Бир ярим кун деганда Искандарияга етиб келиб, улкан шаҳар кўчаларида бир муддат томоша қилишгач, ар Рашад қанчалаб тер тўккан жойи — кўрфазга йўл олишди. Африка китъасининг шимолидаги чексиз, қўнғир саҳро билан беҳад ложувард денгиз бир-бирига қўшилган жойдаги арабларнинг гўзал ва қадимий шаҳри Искандария не-не одамларга шифо берган. Лекин бу икки йигит шифо олмоқ учун эмас, ризқ излаб келди.

Унг ва сўлда ари ини каби катак-катак кўп қаватли бинолар, ҳашаматли қасрлар, тропик боғлар, турли-туман ҳайкаллар. Кўрфазнинг ғарб томонида олти-етти қават биноларга тенг келарли улкан пароходлар хомуш турибди. Баъзан уларнинг дўриллаган йўгон овозлари кўрфаз бўйлаб ёйилади. Шарқий кўрфаз атрофи узундан-узоқ чўмиладиган қумликлар, соябон хоналар, ҳар турли катта-кичик чиройли қайиқлар, елканлар билан тўлган... Ундан нарироқда, денгиз бўйида Фуаднинг ёзлик, қишлик қасру саройлари, турли-туман гуллар, баланд хурмо дарахтлари билан ўралибди. Бепоен сариқ саҳролар оша келган одам бирданига кўк денгиз қирғоғига келиб, беихтиёр денгиз тўлқинлари остидаги жаҳаннамий чуқурликни унутиб, бепоен қумликларга улкан зилол шиша ташлаб қўйибди деб хаёл қилади. Бу ерларда тоғ йўқ — саҳро-ю, денгиз баббаравар, кафтдек текис турибди. Урта Ер денгизи нақадар улкан, қанча тикилманг бирор қирғоқни кўриб бўлмайди. Денгиз устида булутларнинг сояси сузиб юрибди. Олисолисларда улкан пароходлар писта пўчоқдек қалқимоқда. Денгиз пишқириб, серқум қирғоқлар оша югуриб келади-да, яна орқасига томон қайтиб кетади. Бир оздан сўнг яна югуради, яна қайтади... Улкан, беҳаловат денгиз кимгадир талпиниб ётибди. Бу ерда, қирғоқ қумлари устида яланғоч ётган гўзал Нагуага... Қудратли, беқарор денгиз бор кучи билан талпинади, лекин у чиройли Нагуага етиб келолмайди. У яна тисланади, жуда бўлмаганда Нагуанинг оппоқ оёқларига бир марта бош уриш учун ўзининг бор денгизий қудратини тўплаб, қумлар оша югуради-ю, яна ета олмайди. Ҳансираб, орқага қайтади. Нагуа бўлса қуёш нурлари аро ухлаб ётган маликадек яланғоч, эркаланиб ётибди.

Нагуа ёнбошлаб, кўзидаги қора кўзойнакни олди-да, бошига ёстиқ қилиб қўйгани — қалингина китобни ва-рақлаган бўлиб атрофига аланглади. Беш қадамча нарида новддан тўқилган креслода унинг эри—Тавфиқ ал Ҳамадоний бутилкага найча солиб «Сосо соло»¹ ичиб ўтирибди. Нагуанинг кўз ташлаганини сезган Тавфиқ ал Ҳамадоний, унга қараб навозиш ила табассум қилди.

Нагуа атрофида ётган бошқа одамларга ҳам билинар-билинмас кўз қирини ташлаб қўйди. Хув ана, ўнг томонда беш-олти европалик рафиқалари билан яланғоч ётишибди. Хонимнинг қўлида бамбуқ новдали қармоқ; унинг иштиёқу шижоатидан одамдек балиқ тутмоқчи бўлаётгани сезилиб туради. Нагуанинг нигоҳи тушишини кутиб турган Тавфиқ ал Ҳамадоний оғзини кўвача қилиб, инглиз тилида «Сосо соло» ичасизми, хоним?—деб сўради. Бир вақтлар Миср ёшлари орасида инглизча гаплашиш жуда мода бўлиб, Нагуа йўталган кишига ҳам бир қулоч инглизча сўз билан жавоб қилгуси келарди. Кейинги пайтларда она тилида гаплашиш қадрлироқ, чиройлироқ кўрина бошлади. Илгари инглизча гапирган одам ақллироқ кўриниб, арабча гаплашганлар маданиятсизроқ кўринарди. Ҳозир жуда унчалик эмас. Нагуа эри Тавфиқ ал Ҳамадонийга на инглизча ва на арабча жавоб қайтарди.

Нагуа чап томонга ағдарилиб, офтобда қизариб кетган семиз сонларига боқди-да, кейин нозик бармоқлари билан уни оҳиста силаб қўйди. Бирдан кўзи ўзидан нарироқда бир-бирини қувиб, қийқиришиб юрган йигит билан қизга тушди. Ёнгинасидан ўтиб кетаётган норғул йигитни кўриб, кейин унга қараб қолди. Бу Салоҳиддин эди. У тўппиғигача қумга ботиб, бепарво, тўппа-тўғри бориб, қирғоқда қалқиб, лопиллаб турган қайиқча ёнида тўхтади. Дарҳол эшкакларни олиб қум устига қўйди-да, пачақ бир челақ билан қайиқча ичига тушган сувни олиб ташлай бошлади. Нагуа бўлса яланғоч, кўкракдор Салоҳиддиннинг келишган қоматига маҳлиё бўлиб, узоқ тикилди. Бир муддатдан кейин бошқа ёнига ағдарилиб эрига мурожаат қилди.

¹ «Сосо соло» — (Коко коло) лимонадга ўхшаш ичимлик.

— Хўжам, анови қайиқчини чақиринг. Мени қайиқда бир айлаштириб келсин. Ёнингизда майда пулингиз борми?

— Пул бор,— деди Тавфиқ ал Ҳамадоний,— тўлқин бўлиб турибди, қўрқмайсизми, хоним?

— Қўрқмайман. Қумда ҳадеб эчкиэмарга ўхшаб ёта бераманми? Чақиринг!

— Ҳо, Ялло! Ялло!— Тавфиқ ал Ҳамадоний қўл кўтариб, Салоҳиддинни чақирди.

Салоҳиддин қумдаги мўйсафидга ялт этиб қараб, пачақ челагини қўйиб, югуриб келди.

— Бўшмисан?

— Ҳа, бўшман.

— Хонимни қайиғингда сайр қилдириб кел. Эҳтиёт бўл, қўрқитма.

— Хўп бўлади, жаноб.

— Мана буни ол,— у бир томонига эҳром сурати солинган қоғоз пул узатди.

— Ташаккур... Миннатдорман...— Салоҳиддин қўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилди.

У югуриб бориб, қайиқ эшкакларини ўз жойига ўрнатди, хонимнинг келишини кутди. Нагуа ўрнидан туриб яланғоч ҳолича қайиққа тушди-да, Салоҳиддиннинг рўпарасига ўтирди. Бир оз уялиб, ерга қараб қўйди.

Салоҳиддин қайиқни силжита ётиб, Нагуанинг оқ каптар кўксидек бўртиб чиққан кўкраги, оппоқ ва келишган баданларига бир кўз ташлади-да, сўнгра хонимни хижолат қилмаслик учун унга қарай бермади. У жон-жаҳди билан эшкакларни сувга ботириб, қайиқни қалқитмай бир меъёрда олиб кетди. Нагуа бўлса йигит нигоҳлари узоқ уфқларда эканини кўргач, секин ер тагидан унинг тарам-тарам бўлиб турган кўкрак пайларига, сапчадек бўртиб, ажралиб турган билак мускулларига обдан тикилиб қаради. Бир дамдан сўнг у Салоҳиддиннинг қош-кўзлари, ингичка мўйловига ҳам тикилди. Барини сезиб турган Салоҳиддин, секин мийиғида кулиб қўйди. Нагуа бу кулгини сизди-да, безовталаниб сўради.

— Нега куласиз, йигит?

— Кулганим йўқ.

— Қулдингиз.

— Кулганим йўқ, хоним.

— Бирон ерим...— Нагуя бадани, қўллари қарай бошлади.— Бир нима тегибдими?— У ўз қоматини буралиб, ҳар оҳангга солиб, Салоҳиддин олдида намойиш қила бошлади.

— Йўқ, хоним, ҳеч нима теккан эмас. Ҳамма ёгингиз топ-тоза.

— Хайрият,— деди ёқимли кулиб Нагуя.— Менинг исмим Нагуя,— деди бир дамдан кейин яна у.

— Жуда чиройли исмингиз бор экан, хоним.

— Сизга бу исм ёқадими?

— Ҳа, чиройли исм.

— Сизнинг исмингиз нима?

— Салоҳиддин.

— Салоҳиддин?

— Ҳа.

— Сизнинг исмингиз ҳам чиройли экан.

Шу пайт ўлар денгиз ўртасида бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Бу кулгйни уларнинг икковларидан бўлак ҳеч кимса эшйтмади.

Қайиқча сузиб борар; кўрфаз сувлари жимирлар; бир томон — чексиз уфқларгача кетган кўм-кўк денгиз, бир томон — қатор ҳашаматли оқ бинолар, турли хил миноралар билан тўлган Искандария шаҳри қирғоқлари. Қум устида ўтирган Тавфиқ ал Ҳамадоний ҳам жуда узоқларда пашшадек бўлиб кўриниб турарди. Қайиқча яна бир оз сузгач, бу «пашша» ҳам кўзга илинмай қолди. Олис Қибрис оролларида келган қатор тўлқинлар қайиқчани лопиллатар, йигит эшкакларни кериб мувоzanатни сақлашга қанчалик уринмасин, барибир қайиқчани кўтариб-кўтариб ура бошлади.

— Қайта қолайлик,— деди Нагуя юрагига қўрқув тушиб.

— Утиб кетади, қўрқманг, хоним.

Қайиқча қия бўлиб, шиддат билан чайқалиб кетди. Нагуя ўзини қайиқча ўртасига ташлаб, Салоҳиддиннинг оёқларига маҳкам ёпишиб олди. Бир оздан сўнг, чиройли бошини Салоҳиддиннинг тиззаларига қўйиб, қўрқув аралаш юзига тикилди. Салоҳиддин қайиқчани буриб кўрфаз томонга шитоб билан суза кетди. Тўлқинлар ўтиб кетиб, қайиқ анча тинчиганига ҳам қарамай, Нагуя ҳамон Салоҳиддиннинг тиззаларини маҳкам кучоқлаганича ўтирарди. Бу ўтириши фиръавн Тутмос ҳайкалига жуда ўхшаб кетарди.

— Хоним, туриб ўтиринг,— деди Салоҳиддин муло-
йимлик билан,— тўлқинлар ўтиб кетди. Қирғоққа яқин-
лашаётирмиз...

Нагуа ўрнидан туриб, ўз жойига ўтирди. Атрофи-
га алаңлаб, олисларда сузиб юрган қайиқчаларни
кўрди.

— Сиз мени Нагуа денг, хўпми?

— Сиз нима буюрсангиз, биз итоат қиламиз, Нагуа
хоним.

— Эртага, кундуз соат ўн иккида бизникига келсан-
гиз, сизда гапим бор. Исмоил пошшо мусофирхонаси,
олтинчи қават, ўнинчи уй...

— Ҳозир айта қолинг. Бу вақтда мен қайиқчада бў-
лишим, тирикчилик қилишим керак. Бирон иш бўлса,
буюринг, мен бажо келтирай. Бирон нарса олиб келиш
бўлса, айтинг, эрта билан етказаман.

— Сиз менга ёқиб қолдингиз, Салоҳиддин... Пул
топилади, одам топилмайди. Эртага келинг...

— Нагуа хоним, мен бир фаллоҳ йигитман, тирик-
чилик зажидан бу ерларда юрибман.

— Тушунаман. Эртага келинг. Гап тамом!

3

Чиройли қайиқча тўлғана-тўлғана қирғоққа етиб
келди. Нагуа қум устида, соябон остида ўтирган эри
Тэвфиқ ал Ҳамадонийга жўрттага эшиттириб, Салоҳид-
динга «яхши сайр қилгани» учун ташаккур билдирди-
да, оҳудек бир сакраб қайиқчадан қум устига тушди.
Салоҳиддин ҳам «ҳамма вақт хизматингизга тайёрман»
дегандек қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик бил-
дирди. Ахир у атиги ярим соатгина айлантириб эҳром
тасвири солинган уч фунт олди-ю, миннатдорчилик
билдирмайдими? У ўзида йўқ шод; дам ўтмай эшак-
ларни қўйиб, белига тугиб олгани уч фунтлик қозони
қўлига олиб, бир кўриб, яна эҳтиёткорлик билан бук-
лаб, жойига тугиб қўяди. Қайиқчасида ўтирган икки
ёшнинг сўзларига ҳам, шўхликларига ҳам эътибор бер-
майди. Хаёлида эртанги кун, Исмоил пошшо мусофир-
хонаси... «Борсамми ёки бормасамми?» Бу фикр кун
билан аридек гувиллаб миясини говлатди. Уйлаб-уйлаб
ўйиннинг поёнига етолмасди. Кечаси билан ҳам ўйлати.
Кечки овқат вақтида иниси Абдулрахмон ар Рашад

«кўп хаёл сураётгани»ни айтиб, таажжубланди. Лекин Салоҳиддин бу гапни унга айтмай, яширди.

Эртасига эрта билан яна қайиқчасининг ёнига келиб, эшкакларни ўрнатди, сайр қилувчиларни кутди. Негадир ҳеч ким келмади. Соат ўн иккига яқин бир киши денгиз сайрини ихтиёр қилиб, унинг ёнига келди. Салоҳиддин хаёл суриб, иккиланиб, охири бетоб эканлигини айтди-да, эшкакларни йиғиштириб, Исмоил пошшо мусофирхонасига жўнади.

У ҳашаматли бинонинг гиламлар ташлаб қўйилган зинапойаларидан юқорига кўтариларкан, мусофирхона хизматкорлари — қора суданликлар унга таажжубланиб боқишарди. Йирик бойлар, ажнабий амалдорлар тушадиган бу мусофирхонада бошига хатта-иқол¹ солиб, устига ғалабия кийиб олган оддий бир арабнинг гиламларни бепарво босиб юриши улар диққатини ўзига тортган эди.

Бир нафасдан сўнг у олтинчи қаватга кўтарилиб, ўнинчи хона эшигини чертди. Шу дамнинг ўзидаёқ эшик очилиб, обдан пардоз қилиб ясанган Нагуа Салоҳиддинни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, ичкарига таклиф этди. Салоҳиддин ичкарига кириши билан бир нечта чиройли хоналарга кўзи тушди. У ўз ичида «Бундоқ ажойиб уйларида фақат подшоҳлар туриши мумкин» деб қўйди. «Ёки бу Нагуа хоним подшоҳ Форукнинг қизимикан?...» деб ҳам ўйлади. Бир хонадан ўтгач, Нагуанинг таклифи билан йккинчи кенг хонадаги қизил духоба креслога ўтирди. Нариги хона шоҳи пардалар билан тўсилган, парда қиясидан ичкарида икки каравот ёнма-ён турганини ҳам кўрди. Нагуа аввалдан тайёрлаб қўйилган дастурхон устини очиб, кичик, новвот ранг рюмкага коньяк қуйиб, Салоҳиддинга узатди.

— Раҳмат, мен ичмайман, Нагуа хоним. Гапим бор, юмушим бор деган эдингиз, мана келдим.

— Жуда яхши. Лекин сиз меҳмонсиз, дастурхонга қаранг, марҳамат.

— Ёлғиз ўтиришимиз қандоқ бўлади? Ахир сизнинг...

— Мен уни бир ерга юбордим, кечгача банд бўлади. Эрим олтмиш ёшда. Мен уни севмайман. Агар сиз билишни истасангиз, мен Муҳаммад ал Ҳаммуднинг

¹ Хатта-иқол — арабларнинг миллий бош кийими.

қизимга. Икки пахта тозалаш заводимиз бор. бир фабрика... Бир сабаб билан Тавфиқ ал Ҳамадонийга тегиб қолиб, бахтсиз бўлдим. Францияда ўқиб келганман... Мана, ҳаммасини айтдим, тушундингизми?

Салоҳиддин «тушундим» дегандек секин бош қимирлатиб қўйди. Таажжуб билан гўзал Нагуага қаради. «Подшоҳ қизича бор» дегани тасдиқланди.

— Салоҳиддин, қани рюмкани олинг, ичинг! Мен аёл киши бўла туриб уялмаётирману, сиз йигит нарса нимадап уяласиз. Олинг!

Салоҳиддин бу гапдан сўнг коньякни ичиб юбориб, овқатлардан ҳам ейишга тугинди. Нагуа яна гап бошлади.

— Салоҳиддин, дўст бўлайлик. Сиз менинг тенгдошимсиз. Билмадим, ўзимга ўзим ишонмаётирман... Мен сизни севиб қолганга ўхшайман. Туни билан ухламай тўлганиб чиқдим. Ҳеч уйқу келмади... Хайрият келдингиз. кўриб қувондим...

— Нагуа хоним, қўйинг...

— Салоҳиддин, зора мен бахтимни топсам. Тавфиқ ал Ҳамадоний қари, саноқли йиллари қолган... Сиз уйланганмисиз?

— Йўқ, Нагуа хоним,— деди Салоҳиддин боши айланиб.

Нагуа ўз креслосини Салоҳиддиннинг ёнига яқин суриб, қўлларидан ушлаб кўксига бош қўйди. Қайфи ошиб қолган Салоҳиддин Нагуанинг сочларини силаб, ширин лабларидан ўпиб, беихтиёр кучоқлади...

Кечга яқин Салоҳиддин Исмоил пошшо мусофирхонасидаги зинапоялардан яна битта-битта босиб пахта тушаётганида оёқ пайлари оғриб, қалтирарди. Мусофирхонадап ташқарига чиқиб, чўнтагига қўл солган эди, букланган қоғоз борлигини сизди. Олиб қараса, беш фунтлик пул.

Эртасига эрта билан кўрфазга бориб, қайиқчаси ёнида турган икки кишини олди-да, сузиб кетди. Кун бўйи қўли иш килди-ю, мияси ўй ўйлади. Индинга ваъдага мувофиқ яна соат ўн иккида мусофирхонага борди. Ундан сўнг, орадан бир кун ўтгач, яна борди... Мусофирхона хизматкорлари ҳам уни таниб қолишди. Нагуа бўлса кимгадир уни «ўз оғам», деб айтибди. Уларнинг юз тузилишларида қандайдир бир ўхшашлик бор эди.

Тавфиқ ал Ҳамадонийни бу ишдан тамоман гофил деб бўлмайди. Илгари уни жеркиб, камситиб гапирадиган Нагуа кейинги кунларда она сутига тўйган кўзи-чоқдек сакраб ўйнар, ўзига оро берар, қари эрига ялинар, эркаланар, гоят эҳтиром қиларди. Қари эр ёш хотиннинг муғомбирлик қилаётганини сезса ҳам, индамайди, лекин жуда ҳаддидан ошиб кетмаслигини, ал Ҳамадоний ва ал Ҳаммудлар шаънига доғ тушириб қўймаслигини таъкидларди. Баъзан Нагуанинг Францияда «қилган қилмишларини» имо-ишора билан эсига солиб, «гап-сўз» бўлмасликка чақирарди. Нагуа бўлса «хўп бўлади» дегандек қуруқ ёғоч бўлиб қолган эри Тавфиқ ал Ҳамадонийнинг бўйнига осилар, шунда чол гандираклаб кетарди...

Салоҳиддин Нагуага жуда ўрганиб қолди. Тўғрироғи, у Нагуани севиб қолди. «Қуруқ ёғоч» эрини ҳисобга олмаганда, улар эру хотиндек бўлиб қолишди. Қоҳира устунларидан бири бўлган ал Ҳаммуднинг гўзал қизига эга бўлгани—осмондаги ой гўё унинг қўйнига яширингандек бўлди. Салоҳиддин бу воқеани тақдир деб билиб: «менинг софдил, заҳматкаш бир мусулмон эканим худога ёқиб, бахт муяссар этди» деб ўйлади. Гурнадаги Мона ҳам унинг ёдидан кўтарилди. У, мана икки ой бўлди, янги уйланган йигитлардек сурункасига айшу ишрат сурмоқда. Ёнида анча-мунча пули ҳам бор. Қайиқ ҳайдаш ҳам малол келиб қолди. Нагуа бўлса негадир қайиқ ҳайдашни ташламаслигини, лекин қайиққа ёш хотинларни солмаслигини, қизганажани ҳам айтиб қўярди.

Ҳадемай орадан икки ярим ой ўтди. Искандария кўрфазига салқин тушиб қолди. Кунларнинг бирида, Нагуа Салоҳиддинга қисқагина қилиб, эртага эрта билан Қоҳирага жўнашини, кузатиб қўйишининг ҳожати йўқлигини ҳам айтди. Сабаб эри Тавфиқ ал Ҳамадоний Нагуадан жуда шубҳалана бошлаган эмиш. Салоҳиддин индамади. Нагуа жўнаб кетгандан сўнг, бу ер унинг назарида ҳувиллаб қолгандек бўлди, қўли ишга ҳам бормай қолди. Абдулрахмон ар Рашад бундан бир ҳафта илгари бир пароходга ёлланиб, ҳаммолчилик қилиш учун Искандария портидаги Порт-Сандга кетибди. Икки ҳафтадан сўнг Искандарияга қайтиб келмай, шунақаси Гурнага жўнармиш. Бу йил у бир ойча илгари қишлоққа қайтармиш. Кексаларнинг айтишича, **ибли**

қуши барвақт бола очибди, кузда шамол кучли бўлармиш...

Искандария кўрфазн Салоҳиддиннинг назарида кимсасиз сахрога ўхшаб қолди. У зерикди, бир ҳафтадан кейин пудратга олган қайиқчани эгасига топшириб, поезд билан Қоҳирага жўнаб кетди.

Қоҳира...

Салоҳиддин поезд деразасидан узоқ-узоқ далаларга тикилар, хаёл сурар... Бу улкан далаларнинг нариги томонида, «Нилу муборак» бўйида Қоҳира шаҳри бор. Қоҳира шаҳрининг ўртасида бир чиройли уй бор. Бу уйда унинг севиклиси Нагуа яшайди. Нагуа Салоҳиддиннинг йўлига интизор бўлиб кутмоқда. Унинг «Салоҳиддин, мен сени севиб қолдим. Сен билан бирга бўлиш қандай яхши-а, биз энди қиёматда ҳам бир-биримиздан ажралмаймиз...» деган сўзлари, ёқимли товуши яна қулоғига эшитилгандай бўлди. Назарида поезд секин юраётганга ўхшайди, у бўлса поезднинг қушдек учиб кетишини, тезроқ Қоҳирага етишини истайди. Қалбни гурс-гурс уради, ошиқади, севикли ёр томон интилади...

Салоҳиддин Қоҳирага етиб ҳам келди. Кўчаларда югурган машиналар, баланд бинолар, миноралар «Хуш келибсан, Салоҳиддин!» деб, унга табассум қилгандек туюлди. У бошидаги хатта-иқолини тўғрилаб, бир қўли билан ғалабия этаklarини кўтариб, бир қўли билан Искандарияда сотиб олгани — тахта чамадонини кўтариб, улкан бинолар остидаги одамга тўла йўлкалар бўйлаб юриб кетди. Нил устидаги узун кўприкдан ўтгач, тош арслонлардан сал нарироқдаги «Семирамис» мусофирхонасига кириб, хона берилишини илтимос қилди. Мусофирхона хизматчиси уни бошдан-оёғигача бир кўздан кечириб, «бу ерда хоналар жуда қиммат, яхшиси ал Азҳардаги мусофирхонага борсанг, яхши бўлади» деб, қуруққина жавоб қилди. Лекин Салоҳиддин унинг гапига қулоқ солмай, суткасига икки фунт тўланадиган номерни олди. У обдан ювиниб-тараниб, кечга яқин ал Бўстон кўчасига бориб, қатор икки қаватли кўркам уйлар ёнидан ўтиб, мрамор зинапоялар, панжаралар, ҳовлиларда чаман бўлиб очилиб ётган гулларни томоша қилди. Бу кўчада севикли Нагуанинг ёшлиги ўтган. Унинг айтишича, бу чиройли биноларнинг учинчиси — қаҳва ранг деворлар узра қирқоғайни гули чирмашиб

ўсгани, фонтан ичида танига илон чирмашган—Лао-коон¹ ҳайкали қўйилган ҳовли—Муҳаммад ал Ҳаммуд хонадонидир.

Салоҳиддин Нагуанинг ота ҳовлиси атрофида бир соатдан мўлроқ вақт айланиб, томоша қилиб юрди.

Салоҳиддин бир дам ҳайрат билан ҳовлига қараб тургач, қоровулнинг ўз кийимларига тикила бергани гашига тегди-да, у билан қуюқ хайр-маъзур қилиб, мусофирхонага жўнади. Шу кунгидам олиб, эртасига ал Сарват кўчасига борди. Бу ердаги икки қаватли, ал Ҳаммуд ҳовлисидан қолишмайдиган, кўркам бино-ю, гулзор атрофида айланди. Бу бино Тавфиқ ал Ҳамадонийники. Бу ерда Нагуа яшайди. Аллақандай суратлардаги афсонавий қасрларга ўхшаш бу бино қариб қолган ал Ҳамадонийдан кейин Салоҳиддинга қоладигандай кўринди...

Салоҳиддин кўчадаги йўлкада туриб, темир панжалар орасидан ҳовлига узоқ тикилди. Лекин гулзорни ўтоқ қилиб юрган хизматкор билан гаплашишга журъат қилолмади. Бино деразаларига тикилди. Назарида бу деразаларнинг бирдан Нагуа унга қараб тургандек туюлди. Бу ерда ҳам бир соатдан мўлроқ айланиб юрди-да, кейин Иброҳим пошшо майдони томон жўнади. У ерда қатор кийим-кечак магазинлари бор. Ал Ҳамадоний ҳовлисининг қоровули унинг хатта-иқоли билан галабиясига қарай бергани камситишдек туюлди унга. Искандария кўрфазида эканида, бир куни Нагуа: «Агар сиз костюм кийсангиз, бу қадди-қоматингизга жуда ярашарди», дегани ҳам хаёлидан ўтди. У катта магазинга кириб, олти фунтга жигар ранг костюм сотиб олди. Шундай қилиб, у бир неча кун сурункасига ал Сарват кўчасига қатнади, лекин севикли ёр жамолини кўришга муяссар бўлолмади. Ўйлаб-ўйлаб, ал Ҳамадоний ҳовлисининг қоровули билан гаплашишга қарор қилди. У эрталабки чойдан сўнг яна ўша дарвоза ёнига келиб, қоровулни чақирди.

— Ассалом алайкум, ота!

— Ваалайкум ассалом!

— Мен бир мусофир кишиман... Нагуа хонимда гапим бор эди, чақириб берсангиз.

— Лаббай?— чолнинг кўзи ола-кула бўлиб хонаси-

¹ Лаокоон — қадимги юнон афсонаси бўйича ишланган ҳайкал

дан чиқаёзди.— Бундоқ гапни демоғлик айб бўлишини билмадингми?

— Маъзур тутсинлар,— деди Салоҳиддин бир оё ўйланиб,— мен Нагуа хонимнинг қариндошларидан бўламан. Исмин — Салоҳиддин.

— Бундоқ дегин,— деди чол Салоҳиддинни ҳовлидаги скамейкада ўтиришга таклиф қилиб, кейин Нагуа хонимга унинг келганини хабар қилиш учун ичкарига кириб ғойиб бўлди.

Бир замондан сўнг, у ичкаридан бўшашиб қайтиб чиқди-да, «Хоним йўқлар, бир ерга кетганлар» деди.

— Қай маҳалда бўлишларини айта олмайсизми?

— Айтолмайман.

— Кечқурун келайми?

— Билмадим.

— Эртага-чи?

— Келиб кўр...

Салоҳиддин қоровул чол билан қуюқ хайрлашиб, яна «Семирамис» мусофирхонасига қайтди. Юмшоқ каравотда чалқанча ётиб, Нагуанинг: «Салоҳиддин, азизим, сен Қоҳирага кел, бизникида меҳмон бўласан» деган гапларини, эркаланиб кулишларини эслади.

Эртасига у жигар ранг костюмини кийиб яна ал Ҳамадоний ҳовлиси томон жўнади. Мусофирхонадан чиқаверишда хизматкор унга яна тўрт кун учун саккиз фунт тўлаб, қвтанциясини олишни эслатди. Салоҳиддин дарҳол ҳамёнини очиб, саккиз фунт пул тўлади. Шундан сўнг ал Сарват кўчасига жўнади.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— Бир оғиз гапим бор эди...

— Тушунаман... Лекин мен сенга бир гапни айтиб қўяй: сен хонимни кўра олмайсан! Менинг маслаҳатим, мусофир бўлсанг, ўз юртингга жўна! Бунда юришдан фойда йўқ!

— Бир кўрсам, отахон...

— Хоним бугун театрга борадилар. Бу гапни ҳам айтмаслигим лозим эди, лекин сен яхши йигит кўринасан, сенинг учун айтдим.

Шундан сўнг, Салоҳиддин қоровул билан хайрлашиб, қайтиб келди. Мусофирхонада ёта бермай, ал Азҳар бозорига бориб, уни-буни кўрди, онаси учун бир фунтга тўрт метр бўз сотиб олди. Бозордан қайтишда опера

театри кассасига бориб, уч фунтга ўргача баҳодаги билетдан бир дона сотиб олиб, мусофирхонага келди. Кечқурун яна ювиниб-тараниб, янги костюмини кийиб театрга борди. Италия операси бошланишидан аввал, ҳамма ёқни айланиб, Нагуани қидирди. У йўқ. Спектакль бошланди: сақнада аллақандай пари хотинлар рақс эта бошладилар. Салоҳиддиннинг кўзи олмакесак териб, олдинги қаторларни, ложаларни қидира бошлади. Нагуа йўқ. Бир вақт бундай қараса ўнг томонида— духоба пардалар тутилган ложада унинг учун энг қадрли бўлган киши—гўзал Нагуа ўтирганини кўриб қолди. Хайрият, қоровул чол алдамаган экан. Нагуанинг ёнида ўша кўзойнакли ориқ, қари эри—Тавфиқ ал Ҳамадоний ўтирибди. Салоҳиддиннинг шодликдан юраги гурс-гурс ура бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўршидан сапчиб туриб, югурганича бориб Нагуа билан саломлашмоқчи бўлди. Соғинганини, бир неча ҳафтадан буён ёниб, қовжираб юрганини гапирмоқчи бўлди. Лекин ҳозир пайти эмаслигини, танаффусгача сабр қилиш лозимлигини ўйлади.

Танаффус ҳам бўлди. Залдагилар секин-аста коридорларга, кенг хоналарга чиқиша бошлади. Салоҳиддин Нагуа йўлини тўсиб кутиб турди. Бир нафасдан сўнг эри билан ёнма-ён келаётган Нагуа ялт этиб Салоҳиддинга қаради. У яқинлашгач «салом» ишорасини қилиб, бошини билинар-билинмас қимирлатиб Салоҳиддин ёнидан ўтиб кетаётган эди, Салоҳиддин бир-икки қадам юриб келиб, Нагуа ва унинг эрига қўл қовуштириб, қуюқ салом берди.

— А... Тавфиқ, сен бу кишини танийсанми?— деди Нагуа эрига мурожаат қилиб.— Искандария кўрфазида дам олганимизда, бу киши қайиқ ҳайдарди қайиқчи...

— Эслайман.

— Театрга тушдингизми?— Нагуа Салоҳиддинга гап қотди.

— Ҳа, Нагуа хоним... Саломатмисиз?

— Яхши. Тавфиқ, менга экстра шоколад олиб кел,— деди у эрига таманно билан. Ал Ҳамадоний буфетга кетди. Нагуа ёлғиз қолгач, «хўш?» дегандек Салоҳиддинга қаради.

— Нагуа, икки ҳафтадан бери сени бир кўраманми деб ёниб, кабоб бўлиб юрибман. Ҳижрон азоби қийнаб юборди мени. Илгари унча эмас эди, ҳозир сени шундай

қаттиқ севиб қолдимки, агар бугун кўрмаганимда жинни бўлиб қолишим аниқ эди. Хайрият кўрдим, худога шукур... Мен ҳар куни ҳовлингга бордим, лекин сен уйда эмас экансан, учратолмадим. Ҳар куни сени тушимда кўраман... Сенга шундай ўрганиб қолибманки, энди биз қиёматда ҳам ажралмаймиз. Қани менга айт-чи, ўзингнинг тан-жонинг соғми? Мени ҳам эслагандирсан... Мен бўлсам ҳамма вақт сени эсладим. Чиройли номингни ҳамма вақт тилимдан қўймадим. Сени саломат бўлгин деб, ҳар кун дуо қилдим...

— Салоҳиддин, сиз бу гапларни бир айтдингиз, иккинчи айтманг,— деди Нагуа секин, атрофдаги одамлар пайқамаслиги учун. У сохта кулиб ҳам қўйди,— мен қиз бола эмасман, эрим бор. Эрим—Тавфиқ ал Ҳамадоний, тушундингизми! Бу кераксиз гапларни қўйинг... Хайр!

У битта-битта қадам ташлаб, нозу таманно билан буфет томон юриб кетди. Салоҳиддин бўлса турган жойида ҳайкалдек қотиб қолди...

Салоҳиддин шу кеча босинқираб чиқди. Эрталаб юз юваётганида, Қоҳирада унинг учун ҳеч нима йўқдай, улкан шаҳарнинг ўзи ҳам аллақандай қогозлардан ясалгандай, ҳамма нарса қалбаки—кўз боғловчилар ишига ўхшаб кўринди. Ҳамма ёқ фирибгарлар билан тўлгандек, ҳатто Қоҳира ўртасида турган фиръавн Рамзес II нинг минг пудлик мармар ҳайкали ҳам қогоздан ясалгандай бўлиб кўринди. У шу кувиёқ мусофирхона билан ҳисоб-китоб қилиб, чўнтагида қолган биргина беш фунтлик қогоз пулни чангаллаб, Қоҳира—Луксор поездига миниб қишлоғи Гурнага жўнади. Абдулрахмон ар Рашад бу уч ой ичида кам деганда олтмиш фунт ишлаб олган бўлиши керак. Унинг чўнтагида фақат беш фунт бор. Беш фунт...

У Луксорга келиб, поезддан тушиши биланоқ шум хабар эшитди: кеча Англия, Франция ва Исроил қўшинлари Мисрга ҳужум бошлаб, Порт-Саид, Ғазани бомбардимон қилибди... Сувайш каналида ҳаракат тўхтабди. Салоҳиддин симёғочларда бақираётган радио карнайларидан ҳам бу сўзни эшитди. У ғазабланди, муштумини қисди. Яна бунинг устига бир ҳафтача бурун Нилнинг нариги томонида қаттиқ шамол туриб, қанчалаб далаларни, қишлоқларни қум босибди. Шамол уч кун бетўхтов қум сочибди. Луксор минораларидан юз баробар катта гирватлар осмонга устундек кўтари-

либ, сахро қумларини қишлоқлар устига тўкибди. Баъзи ерларда осмондан калтакесагу илонлар ҳам тушибди...

Шу кунидеқ Салоҳиддин Нилдан ўтиб, Гурнага югурди. «Фиръавнлар водийси» деган тепаликларни ошиб ўтиб сайхонликка чиққанида, узоқ-узоқларга тикилиб, ям-яшил бўлиб турадиган Гурнасини қидирди. Гурна йўқ. У тахта чамадонини елкасига олиб, арава йўлидан жадал кун ботиш томон юрди. Бир муддатдан сўнг арава йўли ҳам қумлик орасига кириб йўқолди. У тахминлаб, қум саҳроси оша кетаверди. Тушида арслон қувган кишидек чопа олмас, оёқлари қумга ботиб кетарди. Бир соатлардан сўнг қум остида қолган вайрона уйларни кўрди. Хурмо дарахтлари ҳам синиб кетибди. Вайронада ундан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. У тикилиб, тахминлаб ўз уйини ҳам топди. Қўшниси Мона уйини ҳам. Эчки боғлайдиган тўнкани ҳам... Бутун қишлоқ қўнгир қум остида қолибди. Одамлар қани? Унинг онаси қани?..

Салоҳиддин тахта чамадонни ерга қўйди-да, шапалоғи билан пешонасига қарсиллатиб бир урди. Сўнгра қумга ўтириб, ёш болалардай ўкириб йиғлай кетди... Унинг ноласини қум тепаликларидан бўлак ҳеч кимса эшитмасди.

Бир муддатдан сўнг у яна ўрnidан туриб, Луксор томон кетди. Унинг юрагида—тезда иниси Абдулрахмон ар Рашадни топиб, унга ҳамма гапни айтиб бериб, сўнгра қурол олиб, Порт-Саидга югуриш нияти алангаланар эди.

1958 йил, Қоҳира — Тошкент.

ҒУРБАТДАГИ ОДАМ

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Навоий

1

Хамал кирди — амал кирди... Ердан ишш уриб чиққан майсалар ясси, қўнғир қирларни яшил бахмал билан қоплади. Наврўз ойининг ўрталарига бориб бу яшиллик яна ҳам қуюқлашди. У тиззага етганида қуёш олов пуркаб, далани қовжиратмоқ бўларди. Худди шундай пайтда деҳқонлар яна осмонга қарайдилар. Узоқда, денгиз устида пайдо бўлган бир парча оқ булут кўзларга тўтиё.

Уша бир парча булут гўё сарбон — орқасидан нор туялардек булутлар карвонини тортиб кела берди. Кечга томон осмон юзини булут қоплаб, шамол учиб, ёмғир чунонам қуйиб бердики, табиатнинг бу саховатидан юракларда севинч жўшди. Ёмғирда шалаббо бўлган деҳқон болалари сакраб, ўйинга тушишарди, ош билан нон-ку бу! Деҳқонга бундан ҳам аъло мурувват борми!

Баъзилар саховатли Чсудҳури ёда қилди, деди. Баъзилар бу йил Хоб дарёсининг тошмагани об-ҳавонинг муътадил бўлишидан дарак беради, деди. Яна бировлар Жомногар шаҳридан келадиган жулдир девонанинг Зин қишлоғида ўйин тушгани, дарахтларни қучоқлаб, кучаниб, ердан суғуриб оламан дегани яхшилик бўлди, дердилар...

Ёмғирдан ўзини четга олиб турган бўлса ҳам, юраги шаррос ичида чарх уриб юрган новча, юпун йигит — Лутфулла оёғидаги ҳакка кавуши пошналарини ерга ботириб, шарросга тикиларди. Орқасида увада бўз кўй-

лаги этакларини ямлаётган туморли эчкига ҳам парво қилмай ёмғирга боқар: унинг хаёли ҳув анови ясси қирлар бағридаги — чегараси беш харсангтош билан ажратилган саккиз таноб ерда! Хона ичидан қўшни билан можаролашиб чиққан тажанг кампирнинг: «Ҳа, ўз тилим бор! Қарга бўлганимда ҳам ўз тилим — ўз қағиллашим ўзимга ёқади!» деб қақшаётганига ҳам қулоқ солмасди. «Яна Чоудҳурилар билан чиқишмай қолибдилар-да... — ўйлади Лутфулла, — онам бу гапни ҳиндига, ҳиндлар эса инглизга айтади!» Лекин савалаб ёғаётган ёмғир қалбдаги бу губорни тарқатиб юборгандай бўлди.

Лутфулла тўнкага ўтирди. Агар унинг кучи етганида қир этакларидаги жилғалардан айқириб оқаётган сувларни ҳам ҳовучлаб-ҳовучлаб буғдойларига сепарди.

— Зин — эгар демак. Қишлоқ Мекрон тоғлари этагидаги эгарсимон тепаликка жойлашганлиги учун ҳам уни «Зин» деб атаган бўлсалар керак. Қишлоқдан бир тошча нарида, пастликдан ўтадиган Хоб суви атрофига қиё боқмай, чуқур жарликлар ичра илондек буралиб, улкан денгиз томон югуради. Зин қишлоғи бор-йўғи эллик хонадондан иборат бўлиб, чолдевор-гўшаларда батай¹ — деҳқонлар яшайди. Уларнинг деярли ҳаммаси хари ва дхобилар². Экин ерларининг ҳаммаси заминдор Аббосхонга қарайди. Заминдор Карачи яқинидаги ўз боғида туради. Қишлоқ кулбалари четида қўққайган мачит ҳам бор. Тепаликдаги улкан қабр — «қадамжо» шайхлару, келди-кетдилар билан доимо гавжум; у гўё бу атрофдагиларнинг паноҳидек.

Лутфулла ҳамон ёмғирга, кўлмакларда пайдо бўлаётган пуфакчаларга завқ билан тикиларди. Дунёга келиб, эҳтимол, биринчи марта шунчалик завқланаётгандир. Унинг хаёлини сарсон-саргардон кунлари олиб қочди.

2

Бундан ўттиз беш йил муқаддам тошкентлик Убайдулла бойвачча олтинига ишониб, хотини ва олти яшар ўглини етаклаб Афғонистонга қочиб кетди. Бир муддат Кобилда, ундан сўнг Пешовар орқали Деҳлига ўтиб

¹ Ерни ижарага олиб ишловчи қашшоқ деҳқонлар.

² Қашшоқ табақалар.

дўкон очди. Лекин кўп ўтмай синиб, Бомбайга жўнади. «Келгинди авом маҳалласи» — нурсиз, пастқам бир кўчадан бошпана топиб, баққоллик қилди. Шу йиллари у узоқ бетоб ётиб дунёдан ўтди. Ота вафотидан кейин сармояни оилага ишлатиб юбориб, Лутфулла ҳам синди. «Куюшни ойга алиштириб, хурсанд бўлма» — ғурбатда оҳ-воҳ уриб юрган онаси ҳам озиб-тўзиб касалга чалинди. У ночорликдан «Вест оп отел¹» мусофирхонасига ишга кирди. Бир ой ўтар-ўтмас маст инглиз амалдорини сўккани учун ҳайдаб юборишди. Ундан сўнг яна бир бой ҳовлисини сўпуриб юрди. Инглиз хонимнинг олтин билагузуги йўқолиб, Лутфулладан кўришди. Ғазабнок хоним унга қарата инглиз тилида «бу ҳайвоннинг қўлидан ҳар иш келади» деганини ҳам пайқади. Индамай юрган бўлса ҳам, бари бир ҳайдашди. Кейинчалик билагузукни хонимнинг ўз синглиси ўғирлагани бошқа хизматкор орқали Лутфуллага маълум бўлди. Дастлабки йиллари — Бомбайнинг денгиз қирғиқидаги «Марин Драйв» кўчаси, Чаупати майдонида сайр этиб, «Малабар боғи» (Боғи муаллақ)ни томоша қилган чоғлари қайда қолди! Кейинги пайтларда улкан шаҳарнинг гадоё топмас кўчасидан асло чиқа олмади. «Таги кўрган, бойвачча» эканлигини гапиргудай бўлса, кулгили кўринарди. У дхобилардан ҳам тубап эди. «Шелл» — бензин колонкасига ишга кириб, ғариблик кунларини ўтказаетганида яна тақводор, тўнг онаси азиз-авлиёларга сиғиниш, шояд бахт топишни маслаҳат бериб, Фотеҳпур Секри шаҳрига кўчиб келишди. Сағаналарга бошини уриб, азиз-авлиёлар қабри тупрогини кўзига суртиб, тангрига илтижо қилди. Лекин бундан ҳам нажот тополмади. Бу ерда бир ҳинди билан дўстлашиб, Фотеҳпур қалъасини томошалагани келган туристларга қалъанинг баланд деворларидан «Ван рупий»² деб бармоғини кўрсатарди. Шундан сўнг, баланд қалъа кунгурасидан гурсса ерга сакрарди. Бир муддат ўрнидан туролмай ўтирар: белини аранг кўтариб, сайёҳларга сохта жилмаярди. Қимдир унга бир рупий узатиб, ачиниш ва бош чайқаш билан жўнарди.

Отдим ошиқ — гард келди, рўзғоримга дард келди... бўлди, Лутфулла қалъа деворидан сакраб, оёғи чиқди.

¹ Ғарбий мусофирхона.

² Бир рупий беринг.

Узоқ вақт ётиб, кейинчалик таёқ билан юрарди. Фотехпурда ҳам иш юришмагач, яна дарбадарлик бошланди. Офтоб ҳамма ерга бир хилда нур сочгани билан бир ерда гул, бир ерда сассиқ алаф ўсиб ётарди... Уларнинг ғариб, аянчли ҳолларига ачинишга ачиниб, ёрдам бера олмайдиган қашшоқлар тўлиб-тошиб ётарди. Улимдан бўлак ҳамма яхшиликнинг барвақт келгани маъқул, деб она-бола изғий берди. Бомбайда ўрнашиб олган инглизлар, «Инсон юрса мақсад билан юради, ҳайвон бемақсад юради. Лекин бу ердагилар на унга ва на бунга киради...» деб ҳақоратлайдилар. Ҳар ким ўзига тааллуқли гапни қайси тилда айтилмасин сезар экан. Бу ҳақорат ҳиндилардан кўра ҳам кўпроқ келгинди-беватанларга тегарди.

3

Она-бола яна бор-йўғини сотиб, ҳайё-ҳувв, деб отасининг бир ошнасини паноҳ қилиб, Амритсор шаҳрига жўнашди. Бу кезларда буюк халқ ўзи хоҳламаган ҳолда, бировларнинг амру хоҳиши билан иккига бўлинарди. Оғаниннинг бир бутун оиласини иккига бўлиш даврида Лутфулла тирикчилигим яхши бўлиб кетади деган хаёл билан Покистонга ўтиб, Пешовар шаҳрига келди. «Энди омадимиз келиб, ишимиз юришиб кетади...», деган кампир яна тилини тишлаб қолди. Таёқни ташлаб, оёғини қинғир босишини яшириб, Лутфулла амерпкаликларнинг «Стандарт вакуум ойл компани» деган нефть тозалаш заводига ишга кирди. Заводга униги «ишчи кучи» лигидан кўра ҳам «асли туркистонлик» экани қўл келиб қолганини кейинчалик пайқади. У бу ердан ҳам ҳайдалмаслик учун қора мойга беланиб, яхши ишлашга тиришарди. Унинг чўлоқроқ экани, яхши ишломлаётганини пайқасалар ҳам нечундир ишдамасдилар. Ажабо! Бу ерда у бошқалардан кўра ҳам кўпроқ пул тушира бошлади.

Кунлардан бир кун директор чақиртирди. Катта ва ёруғ хонада уни директор эмас, бошқа бир паст бўйлик, ранги совуқ одам кутиб ўтирарди. Нотаниш одам Лутфуллага бошдан-оёқ қараб, тўсатдан ўзбек тилида гапирарди. Лутфулла ҳангу манг бўлиб қолди. Бу тилда у фақат ўз онаси билан гаплашарди. Тумов одамнинг гўнғиллашидек — инглизларнинг сергаплиги жуда меъ-

дасига урган. Нотаниш одамнинг таклифи билан диванга чўкиб, оғзига тикилди. Нотанишнинг номи Бақоҳўжа, асли Қўқон шаҳридан эканини, кўп вақт Мюнхен, ундан сўнг Нью-Йоркда турганини, ҳозир Пешоварда истиқомат қилишини билдирди. Қутилмаганда бу кишини кўриши, она тилда гаплашиши, унинг ҳеч кимга шу вақтгача керак бўлмаган саломатлиги билан қизиқиши Лутфулланинг кўнглини кўтарди. Бақоҳўжа ўзини «жаноб» эмас «мулла ака» деб аташни, бўш вақтларда унинг ҳовлисига боришини айтди. У гўё «бунда бир ўзбекнинг ишлаётганини» эшитиб, ҳолини сўрагани келганини маълум қилди. Завод инженерларида бири — новча, сариф америкалик ҳам Лутфулла билан негадир илиқ сўрашиб юрарди. Ўз иши юришиб кетаётганини сезаётган Лутфулла кўчада қаторлашиб юрган гадоларга, заводдаги бошқа ночор, ўта камбағалларга ҳам парво қилмай қўйди. Онаси ҳам Бақоҳўжани, новча америкаликни дуо қилди. «Бақоҳўжани бизга хизр юборди...» деб хурсанд бўларди. Ватандошни кўриш, бунинг устига она-боланинг қорини тўйгани Лутфулла ёдига Бомбайда сотиб олгани — ҳозир эски чамадонда муқоваси йиртилиб ётган бир китобни солди. У дик ўрнидан туриб, Қришан Чандр китобини олди. Бу китобни у анчадан бери кўтариб юрарди. Бу китоб Совет Иттифоқининг тараққиёти, Урта Осиё республикаларининг, айниқса Ўзбекистоннинг юкқалишсини, озод меҳнат, бахтли кишилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қиларди. Лутфулла баъзида китобдаги фотосуратларини узоқ томоша қиларди.

4

Бир ҳафта ўтгач, кечга яқин иттифоқо Лутфулла эшиги тақиллаб, рўпарасида Бақоҳўжа пайдо бўлди. У қўярда-қўймай уйга олиб кириб, дастурхон ёзди, хурсанд бўлиб кетганидан босар-тусарини билмай қолди. Қришан Чандр китобини ва аллақайси журналдан йиртиб олган Тошкент манзарасини ҳам кўрсатди. Лекин негадир Бақоҳўжанинг таъби тирриқ — билинар-билинимас бурнини жийирди. У китобу суратларга қайрилиб қарамай, кампир билан ҳасратлашди: «Э... қандоқ замонлар эди... раҳматли Убайдулла қори»ни эслаб, юзига фотиҳа тортди. Бақоҳўжа кетаётганида Лут-

фуллага қараб: «Лутфуллобек ука, буларни ташланг, булар ташвиқот... бўш вақтларда мана бу китобни ўқинг», деди у ёнидан бир китоб чиқариб. У яна қайтадан ўз ҳовлисига таклиф этиб жўнади. Лутфулла Бақоҳўжани кузата туриб, «Мулла ака, бу гурбат жонимга тегди. Ўз юртимга бориб, бир кунгина яшаб ўлсам майли эди...»,— деди. Бақоҳўжа Лутфулланинг юзига тикилиб, кулиб қўйди.

Иккинчи ҳафтадаги учрашувда, Бақоҳўжа Лутфулланинг Мюнхен шаҳрига бориб, ундаги махсус мактабда таълим олишини айтди. Бу гапни эшитган Лутфулла ҳайрон бўлиб, қўлидаги қаҳва тўла нозик чинпни курсига қўйди. Бақоҳўжа берган китобга ҳам хаёли кетди; бу китобни ўқиб, жуда таъби тирриқ бўлиб, боши қотган эди. У кимга ишопишини билмади, бош чайқади:

— Мен ҳеч қаёққа бормайман, мулла ака. Мен тиркичилигимни яхшилаيمان... Узоқда қолган Ватаним олдида айбдор эмасман. Вақти келиб, юртимга қайтаман...

— Бу хомхаёл! — деди Бақоҳўжа кескин. У Лутфулланинг ҳаяжонидан энсаси қотиб,— ҳа, борасиз... лекин бошқача йўл билан!

— А? — деди Лутфулла ўйламсираб, кейин масалага тушунди.— Мени қўйинглар, мулла ака, мен сиз айтган нарсаларни қила олмайман. Мени қўйинг! — у Бақоҳўжа билан совуққина хайрлашиб чиқиб кетди. Уйга келиб, бўлган гапларни кампирга айтиб берди. «Кўзимга ғалати кўринган эди-я,— деди кампир муштумини чакагига тираб,— Бақоҳўжа эмас, бақоҳўжа экану...»

Бу «учрашув»дан кейин, икки кун ўтар-ўтмас, «Стандарт вакуум ойл кампани» хўжайини Лутфулланинг «кавушини тўғрилаб қўйди». Лутфулла уйга келиб, кўксини захга бериб ётганида америкалик билан Бақоҳўжа тили бир эканини пайқади. У жаҳл билан тўппа-тўғри Бақоҳўжаникига бориб, «Бу нима қилганингиз, мулла ака?» деган эди, эшикка сарпойчанг чиққан Бақоҳўжа: «Еш бола бўлманг, ҳали ҳам гапимизга унанг, бу ёгини тўғрилаймиз. Бўлмаса хор бўласиз...» деди.

— Хор?! Хор, дейсизми? Ҳа, мен хор одамман. Хорлик суяк-суягимга сингиб кетди,— деди аъзойи бадани

титраб Лутфулла,— мен ўз юртимга пичоқ кўтариб бормайман! Юртимга ўқталган пичоғим ўз кўксимга қадалсин! Агар сиз айтганни қилиб, хор бўлмайдиган бўлсам, майли, умр бўйи хор бўла қолай!

У юзини ўгириб жўнади. Нарироқ бориб яна орқасига қайрилиб қаради. Қорин чиқариб, тиржайиб турган Бақохўжани кўргач, томоғини қириб, тупурди.

Лутфулла Пешоварда ортиқ туролмади. Заводдан ҳайдалгандан кейин, уйдан ҳам ҳайдаб чиқаришди. Бунинг устига полиция таъқибига учраб, кетидан айғоқчи қўйилганини — изидан юрган турли башараларни кўра бошлади. Бу башаралар бозорда ҳам, кўчаларда ҳам орқасидан юарди. Жуда жонига текканидан сўнг, кимнингдир маслаҳати билан жанубга — заминдорлар ўлкасига бош олди. У, ерни ижарага олнб, экин қилиб, тирикчилик ўтказишни мўлжаллади. Мана, у Мекрон тизма тоғлари этаги, Хоб дарёсининг чап томонидаги тепаликларга жойлашган Зин қишлоғида... Бор-йўғини Аббосхон заминдорга бериб, саккиз таноб ерни ижарага олди.

5

Лутфулла шариллаб қуяётган ёмғирга ҳамон завқ билан тикилиб турарди...

Эртасига ёмғир тиниб, ҳаво очилди. Зағчақўз Бақохўжанинг бадкирдорлигидан юрагини олдириб қўйган кампир Зин қишлоғида ҳам ҳаммадан ҳадиксирарди. Углини жосус қилмоқчи бўлган қўқонлик Бақохўжа Зинга ҳам келиб қолмасмикан деб чўчирди. Зиндаги «қадамжо» шайхлари ва қишлоқ руҳоний-тақводорлари тез-тез хонадонларга «ташриф буюриб» турардилар.

Ҳаво чарақлаши билан қишлоқ имоми, ундан кейин домла ва бошқа казо-казолар янги кўчиб келган Лутфулла уйига келишди. Лутфулла бор-йўғини тўкиб солди. Бу зотлардан сўнг тепаликдан шайхлар ҳам тушишарди, ундан кейин мачит мутаваллиси билан сўфи, ундан кейин ғассол, ундан кейин яна бир неча художўй кишилар келишарди. Бир ой ичида бу атрофдаги руҳонийлар қора мўри-малахдек ёпирилиб, бор-йўғини шилиб кетишди. Лутфулланинг кулбаси қуриб, қўлга илинадиган ҳеч нарса қолмади. У ёқдан-бу ёққа кў-

тариб юришгани — эски шолчани ҳам сотиб ейишди. Кейинчалик сут бериб турган эчки ҳам сўйилиб кетди. Она-боланинг кўзи қирдаги буғдойда. Бунинг ҳам яр-миси заминдорники...

Иссиқ кунларнинг бирида, иттифоқо, қишлоқни қоронғилик босгандай бўлди. Осмон юзини қоплаган қуюқ сарғиш чанг ерга чўкди. Куннинг ўрталарига бориб одамларнинг ҳайқирӣқ-бақирӣғи эшитилди. Қумликдан учиб келган чигирткалар далаларга ёпирилди. Бир муддатдаёқ қишлоқ дарахтлари яланғоч ёғоч бўлиб қолди. Қишлоқлар нима қилишини билмай, яна худода ёлборишди. Эртасига эрта билан кўм-кўк қирлар ҳам сарғайиб қолди. Шу куни Карачидан берилган хабарга қараганда, Жанубий Эрон қумликларидан учиб келган чигирткалар галасининг узунлиги ўн олти, эни етти километр бўлиб, пойтахтдаги ҳамма дарахт, экинларни, денгиз бўйи қишлоқларни ҳам қуришиб, Лахпат орқали Кач текислиги томон кетибди. Чигирткалар тўққиз соат ичида Карачи атрофидаги ҳамма экинни тамоман еб битирибди. Кейинчалик газеталарнинг ёзишича, чигиртканинг келтирган зарари ўн миллион рупийдан ҳам ошар эмиш...

Лутфулла югурганича қирга борди. Тизза бўйи барра буғдой ўриб олингандек — баъзи ерлар кал — ҳаккам-дуккам бўлиб ётарди. Унинг кўзи қоронғилашиб, йиқилиб тушди. Анча вақтгача қирда беҳуш ётди. Кимдир елкасидан кўтараётганида кўз очди: тепасида раҳмдил қўшилари Чоудҳури билан онаси турарди. Ранги оқариб, қалтираётган кампир ўғли бошини кўтариб, телбаларча «субҳон обло»... дерди. У тўрт томонга жавдирар; тўрт томонни ҳам чигирткалар еб, қуришиб кетган эди.

Бу даҳшатли воқеани «қадамжо» шайхлари: «гумроҳ бўлибмиз, бу — облонинг ғазоби» деб атади. «Осойишта турган Зин — туркистонлик гумроҳ касофати билан бундай бебахтликка учради...» деган гап ҳам тарқалди. Лутфуллага мурувват кўрсатиб юрган баъзи деҳқонлар ҳам юзини тескари қилди. Чигиртка ёпирилган кундан кейин бир ҳафтача ўтгач, кампир дунёдан ўтди. Чоудҳури ёрдамида онасини кўмиб, Лутфулла қишлоқдан яланг оёқ чиқиб кетди. Баъзиларнинг айтишича, у Кхевра туз конларида ишлагани жўнаган эмиш...

Биз, бир гуруҳ совет кишилари кўҳна ва тарихан бой хорижий Осие шаҳарларидан бирини томоша қилиб юрардик. Бошимда янги чуст дўппи, фотоаппаратимни елкамга осиб, бобирийлар қурган ажойиб ёдгорликни диққат билан кўрардим... Тўпимиз четида ориқ, жулдур бир одам айланишиб юрарди. Биз тарих обидаларини, у одам эса бизни томоша қиларди. Жулдур кийимликка бу мамлакатдаги гадоларнинг бири деб қарардик. Эртасига бу одамнинг меҳмонхона рўпарасида — йўлакда чўққайиб ўтирганини ҳам кўрдик. Куннинг ўрталарида бозор орқали музейга бордик. Жулдур кийимлик киши, орқамиздан эргашиб музейга ҳам борди. Лекин ичкарига кирмай, дарбозадан чиқишимизни кутиб ўтирди. Бу — тиланчиликми, нима экаиини билмадик. Шаҳардан жўнаётганимизда у одам яна пайдо бўлиб, ҳаммамизга маҳлиё бўларди-ю, лекин гунг кишидек садо чиқармасди. Баъзи хатти-ҳаракатларидан, девона бўлиб қолганга ҳам ўхшарди. У менинг бошимдаги дўппига тикилиб, узоқ кузатди.

— Бир нима демоқчимисиз, биродар, марҳамат... — дедим мен таажжубланиб.

— Мени биродар дедингизми? — деди у бирдан чақнаб ўзбек тилида, кейин анча яқин келиб, — мени шундай деб атадингизми, ҳурматли жаноб? Сиз, Туркистонданмисиз?

— Ҳа, ўзбекистопликман...

У костюмим барипи кўзларига суртиб ҳўнграб йиғлаб юборди. Қўлларимизни юз-кўзларига, пешонасига суртарди. Атрофдаги одамлар тўпланишиб келиб, жулдур кийимликка қарашди. Биз уни ердан кўтардик. У ҳаммамизга жавдираб қаради. Диққат билан разм солиб, бу одам узоқ йиллар йўқотиб юрган азиз кишини топгандек, ҳаяжонланарди, жавдирарди. Агар ўртада расмият бўлмаганда, яхшироқ кийинганида бизларни қучмоқчи ҳам бўлаётганини пайқаб турардик.

— Мен сизлардан садақа сўраш учун келганим йўқ, — деди у, — тўғри, мен гадоман, лекин мен сизларни кўриб, узоқда қолган ўз еримни — туғилиб ўсган юртимни кўргандек бўлдим. Туғилиб ўсган юртимга борармиканман, агар уни бир кўриб ўлсам майли эди. Агар борсам, тупроққа бош қўйиб ўпардим...

Биз унинг аянчли ҳолига ачиниб, таассуфландик. Бу одам — Лутфулла, юқоридаги ҳамма гапларни айтиб берган гурбатдаги одам эди. Лутфулла бизни автобусга чиқариб, юкларимизгача ташиб берди. Қўйнидан икки-уч откритка чиқариб кўрсатди ҳам. Уларда Москва, Тошкент манзаралари бор эди. У олисда бўлса ҳам ҳамма вақт юртини ўйлашини гапирди. У кўз ёшларини артиб, ўз қайғуси билан руҳимизни туширмаслик мақсадида бўлса керак, чеҳрасини очиб кулимсиради.

Автобус юраётганда у мамнуният билан, ўнг қўли кўксида таъзим қилди. Автобуснинг қораси йўқолгунча у кўча ўртасида туриб қўлларини жуфтлаб, қалбидаги самимиятни изҳор қиларди.

1968 йил

Серкатнов, кўркам Ражпур кўчасидан Садар бозорига борувчилар ўртадаги вокзал кўпригидан ўтмай иложлари йўқ. Бу баланд темир кўприкка қирқдан ортиқ зинапоя билан чиқилади. Сўнгги беш зинапоя қолганда ҳар қандай одамнинг ҳам ҳаллослаб қолиши турган гап. Кўприк остида қанчалаб темир излар, вагонлар бор; паҳлавон Рамага ўхшаб, бир қора паровоз вокзалда у ёқ-бу ёққа ўтиб, пишқириб юрибди. Паровоз кўприк остига яқинлашганда ҳамма ёқни тутун қоплаб, қоронғилик ичида қуёш ҳам кўринмай қолади. Паровоз тутуни йўқолиб, бир муддат ҳаво мусаффо бўлганида бу баланд кўприк устида турган киши Ямуда дарёси бўйидаги қадимий Қизил қалъа кунгураларини, Жома масжиди минораларини, Лакшминарайн ибодатхонаси қуббаларини бемалол кўради. Шу баланд темир кўприк зиналарида уч-тўрт ярим яланғоч болалар ҳам йўловчилар оёғи остида ўралашиб юришарди. Уларнинг тетикроғи, сочлари баррадек йилтираб турадиган саккиз яшар Мўтиллал, қоялардан-қояларга сакраб юрадиган кийиклардек, ҳамма учун машаққат бўлган айланма зинапояларда пилдираб юрарди. У баъзан йўловчиларни бир лаҳза тўхтатиб ашула айтиб берар, баъзида эса тўғридан-тўғри кичик ва ориқ панжаларини чўзиб садақа сўрарди. Мабодо бирон велосипед минган киши кўприкка яқинлашар экан, Мўтиллал югуриб бориб, велосипедни ушлар; уни кўприкдан ўтказиб берай деб жон-жаҳди билан илтимос қиларди.

Мўтиллал кўчада ётиб, кўчада туради. Унинг ётоғи ҳам йўлкадаги бир чинор таги. Тошлар устидан от-ара-

валар босиб ўта берганидек, у чўзилиб ухлаб ётганида, унинг устидан ҳам одамлар ҳатлаб ўтиб кетаверишади. Унинг онаси бир неча йил бурун шу вокзал атрофидаги йўлчалардан бирида қазо қилди. Шундан бошлаб, Мўтирал кимсасиз. Яқин-яқиндагина унинг отаси дҳоби¹ эканини кўча қоровулидан билди.

Мўтирал велосипед минган киши орқасидан эргашиб, ялиниб-ёлвориб зил велосипедини унинг қўлидан олди-да, елкасида, кучанганича зинапоялардан олиб чиқиб кетди. Велосипед эгаси икки қадамча пастда, Мўтирал кетидан битта-битта қадам ташлаб юқорига кўтарилла бошлади. Бу йўгон одамнинг устида жужун кўйлак, бошида икки айри салласи бўлиб, гўштдор юзларини қора соқол босганди. У бошини, мағрур тутиб, ён-атрофига қарамай борарди. Мўтирал тепага чиқиб олгач, бу жанобнинг велосипедини эҳтиёткорлик билан гилдира-тиб борди-да, пастга тушишда уни яна елкасига кўтариб олди. Унинг суяклари қирсиллаб кетарди. Не машаққат билан пастга тушиб олгач, Мўтирал, юраги гурсса-гурсса уриб, қаллослашига қарамай табассум билан жанобга велосипедни топширди. Жаноб жужун кўйлагини чўнтагига қўл тиқиб беш пайсалик тангачани Мўтиралнинг кафтига ташлади-да, яна велосипедига миниб Садар бозори томон жўнади. Мўтирал, тангачани сиқимлаганича, зинғиллаб, зинапояларга қоқилиб юқорига чиқди. Кўприкдан ошиб ўтиб ўртоқлари ёнига келди-да, тангачани кўрсатди. Ундан сўнг яна шу ерда — ўртоқлари ёнида туриб, велосипедчилар келишини кутиб ўтирди.

Орадан кўп ўтмай, юпунгина бир йигит бўёқлари ўчиб кетган эскигина велосипедини зинғиллатиб келиб, кўприк ёнида тўхтатиши биланоқ зинапояда ўтирган Мўтирал дик ўрнидан турди-да, велосипедни ушлади.

— Соҳиб, рухсат этинг, мен олиб чиқиб бераман.

Йигитча Мўтиралга кулиб қаради:

— Мен соҳиб эмасман.

.. — Бабу, рухсат этинг...

— Мен «бабу» ҳам эмасман!

— Сер², рухсат этинг.

— Мен «сер» ҳам эмасман.

¹ Дҳоби — хўрланган кишилар, улардан йирганадилар.

² Сер — инглизча жаноби-олий демак...

— Мистёр...— Мўтиллал яна илтижо қилди,— рухсат этинг.

— Мен ҳеч нарса эмасман!— йигит жилмайди.

Мўтиллалнинг ёниб турган кўзларига тикилган бу йигит липпасидаги кир рўмолчани очиб, беш-олти чақалардан бирини Мўтиллалга узатди-да, велосипедини ўзи азот елкасига кўтариб, инқиллаб, зиналар оша юқорига чиқа кетди. Беш пайсалик чақани сиқимлаган Мўтиллал ва унинг ўртоқлари йигит орқасидан таажжуб билан қараб қолишди. Болалардан бири:— «Ўз фойдасини билмаган, нодон!»— деб гап отди.

— Нима-а!— деди Мўтиллал, бу гапни айтган бола-нинг юзига бир шапати уриб,— шундай яхши одамни сўкасанми?

Улар яна зинапояларга сочилишиб, ҳомуш ўтиришди. Мўтиллал калтак еган болага секин ер остидан қараб қўйди. Зинапоялардан қаторлашиб чиқиб кетаётган йўловчилар уларга қарашмас, бундай дарбадар болаларни ҳамма ерда учрата берганларидан бўлса керак, улар баланд ва ҳашаматли бу кўприк зинапояларига сочилиб қолган тошларга ўхшашарди — йўловчилар фақат қоқилиб тушмаслик учун баъзан ҳатлаб, баъзан ёнларидан ўтиб кетишарди. Кун ўрталарига бориб, олдида ойнаси, орқасида юк ортадиган савати бор, чиройли велосипед минган қора соқолли, бошига икки айри қилиб малла ранг салла ўраган бир сингх жаноблари келиб қолди. У зина ёнида тўхтаб, Мўтиллал илтимосини кутиб ўтирмай, велосипедини берди-да, ўзи битта-битта қадам ташлаб юқорига чиқаверди. Мўтиллал велосипедни дон тортаётган чумолидек жон-жаҳди билан юқорига судради. Кўприк тепасига чиқиб олган баланд бўйли сингх пастда инқиллаб, кучаниб келаётган Мўтиллалга бир дам тикилиб турди. Велосипед тепага анча яқинлашгач, сингх яна бамайлихотир йўлида давом этди. Мўтиллал юқорига чиқиб олиб, андак нафасини ростлаётган эди, ўн қадамча олдинда турган жаноб «юра қол!» дегандек ишора қилди. Мўтиллал дарҳол велосипедни ғилдиратиб юра кетди. У эшитилар-эшитилмас ўзича сўкинарди. Ойнали, саватли велосипед шу қадар оғир бўладики, бу лаънати асфальт шиббалайдиган трактордан ҳам оғир бўлиб кетади. Мўтиллал велосипедни эсон-омон ерга олиб тушиб бергач, соҳиб унинг қўлига беш пайсалик тангача ташлади-да, велосипедига

миниб жўнади. Мўтирал пулни чангаллаб, ўртоқлари ёнига қайтиб келди. Унинг оёқлари қалтираб, елкаси ачишиб оғрирди.

Қош қорайгунча у яна тўрт велосипедни кўприкдан ўтказиб, кейин Садар бозорига борди, чангалидаги танга-чақаларга накура¹ олиб еди. Шундан сўнг, Ражпу кўчасидаги йўлкада — ҳар куни ётиб ухлайдиган ўжойида, тонг отгунича хуррак тортди. Кўчада юрган дайди сигирлар унинг ёнидан ўта туриб, ҳидлаб, юзларини ялаб кетганини ҳам мутлақо пайқгани йўқ.

Шундай қилиб, кунлар ўта бошлади. Кичкина Мўтирал кўприкдан велосипед ўтказиб қўйишни ўзига ҳунар қилиб олди. У ҳатто шу йўсинда пул тўплаб, қути икки чўтка, сариқ ва қора мой сотиб олиб, ботинка мойлашни ҳам орзу қилган вақтлари бўлган. Бунинг учун ҳам деганда саккиз рупия пул топиши керак. Агар унинг чўткалари бўлганда, у, албатта «Империл» мусофирхонаси эшигига бориб ўтирарди...

Якшанба куни Мўтирал эрта билан юз-қўлини ювиб «ўз ишига» кетаётиб, Лакшминараин ибодатхонаси ёнида бир дам тўхтади. Бу ибодатхона томоша қилиб юрган аллақандай оқ танлилар ёнига бориб, садақа сўраб қўл чўзди. Ажнабийлар унга қайрилиб боқишмади ҳам. Мўтирал ва унга ўхшаш қора болалар чуғуллашиб сайёҳлар атрофида ўралашаверди. Шу пайт, баланд бўйли, бақа кўз бир одам ёнидаги шеригига Мўтирални кўрсатиб: «The Hindies re nearer tothe monkeis than tothe Englishmen...» — деди. Мўтирал диққат билан қулоқ солиб туриб, бу гапнинг маъноси «Ҳиндилар инглизлардан кўра маймунларга яқинроқ» деяётганини пайқади. У бир лаҳза новча инглизга еб қўйгудек бўлиб тикилиб турди-да, кейин сўкиниб вокзал томон жўнади.

Кунларнинг бирида кичкина Мўтирал ўзидан катта велосипедни ортмачоғлаб зинапоялардан юқорига чиқаётганида ҳаддан зиёд толиб, кўзи тиниб йиқилиб тушди. Қўлидаги ойнали, орқасида савати бор янги велосипед зиналар устида сакраб-сакраб, қарсиллаб ерга урилди. Велосипед эгаси зинапоянинг темир қирраларида ўрнидан туролмай, тўлғаниб ётган Мўтиралга бир хўмрайиб қараб, устидан ҳатлаб ўтди-да, югурганича пастга тушиб, велосипедни ердан кўтарди. Ой

¹ Накура — нўхат ва ловиядан қилинган таом.

наси синиб, гилдираклари қийшайган вехосипедини бир болага кўтартириб жўнади. Юқорида инграб, чўзилиб ётган Мўтирал анча вақтгача ўзини у ёққа-бу ёққа гашлаб, инқиллаб ётди. Атрофини ўраган ўзига ўхшаш болалар унга ҳеч ёрдам бериша олмади. Бир муддатдан кейин ўткинчи бир киши Мўтирални кўтариб, пастга олиб тушди-да, йўлкага, девор тагига ётқизиб қўйди. Унинг ўртоқлари зинага сочилган уч-тўрт тангасини йигиб, Мўтирал ёнига қўйишди. Бир бола югурганича бориб, Ражпур кўча йўлкасидаги увада одеялини олиб келиб, Мўтирал устига ёлиб қўйди. Ўзи ҳам бу кеча шу ерда — Мўтирал ёнида тунади.

Тун жуда огир ўтди: деярли тонг отгунча Мўтирал инграб, бақириб чиқди. Унинг ўнг оёғи буралиб кетиб, гўпиғи шишиб чиқибди. Ўнг биқини зина қиррасига тушиб шилиниб кетибди. Ўртоғининг эски-туски латталар билан боғлашига қарамай, барибир сирқиб қон оқарди. Биқинидан кўра ҳам тўпиғи азоб бериб оғриди. Тонг ёришишига яқин кўча супураётган киши Мўтирал тепасига келиб, у ёқ-бу ёғини очиб кўрди. Оёғига қўл тегизган эди, у чинқириб юборди.

— Эҳ, бечора, сенга жабр бўлибди. Қийикдек дикиллаб юрувдинг,— деди у киши ачиниб.

Бирор соатдан сўнг рўпарадаги боққол дўконини очгач, у бир парча латтага мой суриб Мўтиралнинг ярасини боғлаб қўйди-да, сопол товоқда овқат келтирди. Шундан сўнг у: «Қандоқ қилай, қўлимдан келгани шу, етим бола», дегандек термилиб турди. Мўтиралнинг овқат еяётганини кўриб, гўё ўз ватандошлик бурчини бажаргандай, кўнгли таскин топиб, бу ердан кетди.

Мўтирал шу ётганича роса бир ой ётди. Бир ойдан сўнг у таёққа суяниб ўрнидан турди. Узун таёқ тепасига чиллак қоқиб, обдан уни латталар билан ўраб, қўлтиқ таёқ қилиб олди-да, ўнг оёғини ерга теккизолмай ҳаккачаклаб юра бошлади. Биқинидаги яра ҳеч қотмай маддалай бергач, одамлар бу яра Гангда чўмилмагунча тузалмаслигини айтишди. У албатта Банорас шаҳрига бориб, Ганг дарёсида чўмилиши, сўнгра ибодатхонага кириб, Шивага сифиниши лозим эмиш. Бу гапларни эшитган Мўтирал шу кундаёқ муқаддас Банорас шаҳрига жўнади. Поезда тиланчилик қилиб, икки кун деганда Банорасга етди. Ганг дарёсига тушаверишдаги

Винапояларда ўтирган мажруҳ одамлар билан бирга дарё сувидан олиб, баданини ювди. Ундан сўнг кўплаб қатори ибодатхонага кириб, Шивага сиғинди. «Соҳибни шафқатсиз, ёмон одам деган бўлсам, тавба қилдим, Соҳиб яхши одам»—деб Будда қаршисида чўкка тушганча икки қўлини жуфтлаб, йиғлаб, илтижо қилди.

Мўтиллал бир ойча Банорасда қолиб, ҳар куни Гани дарёсида ювиниб турди, ибодатхонага бориб сиғинди. Лекин унинг яраси тузалмай, оёқларини боса олмай юраверди. Бир куни шу ерлик ғариб кишилардан бири: «Бу ишдан ҳеч фойда йўқ. Мен ўн йил сиғиндим, лекин чўлоқ оёғимни тузата олмадим. Яхшиси, сен Бомбайга бор. У ерда бошқа мамлакатлардан келган катта докторлар бор эмиш. Ялинб, тузалсам ўлгунча хизматингизни қиламан десанг, сени дори билан тез кунда тузатиб қўядлар»,—деди. Бу гапни эшитган Мўтиллал ҳайё-ҳувв деб, юк ортилган вагоннинг бир каталагида Бомбайга жўнади.

Икки кундан сўнг, эрта билан уйқудан уйғонган эди. Кўз олдида сершовкин вокзал пайдо бўлди. У қўлтиқ таёғини тўқиллатиб вокзалдан чиқди-да, буюк шаҳарнинг серҳашамат биолари остидаги асфальт йўлкалардан боши оққан томонга юра бошлади. Кўчаларда машиналар шу қадар кўп эдики, чорраҳаларда у томондан бу томонга ўтиш учун анча вақт кутиб туриш керак. У денгиз қирғоғи бўйлаб олисларга чўзилган кўркама кўчада, қалин мрамар тошлардан ишланган йўлкада туриб узоқ вақт тўлқин отиб, кўпириб ётган денгизга тикилди. Ундан кейин Малабар деб аталган тепаликдаги «Боғи муаллақ»қа борди. Кечгача бу ерни айланиб, қорин очганини ҳам билмай қолди. Оёқлари зўриқиб, биқини оғрий бошлагач, бу азим шаҳарда «ингнадан тортиб филгача сотиб олиш мумкин» бўлган катта бозор томон жўнади. Бу шаҳарда қоровулдан то дўкондоргача, ҳамма инглизча гаплашади. «Тавба, ҳинди ҳинди билан ҳам инглизча гаплашади-я!»—деди ичида Мўтиллал туюқиб.

Эртасига эрта билан Мўтиллал сўрай-сўрай катта бир доктор эшигига борди. Гулзор ҳовлига кириб, икки четига тувакларда самбит гул қўйилган мрамар зинапоядан чиқиб, айвончадаги сават стулга ўтирди. Ҳовлида юрган хизматкор Мўтиллал орқасидан келди-да, дўқ урди: «Хўш, қани ўрнингдан тур!»

— Доктор жанобларида ишим бор. Оёғим чўлоқ бўлиб қолди...

— Пулинг борми?

— Мен доктор жанобларига хизмат қилиб, қарзимни узаман...

— Жўна! Жўна дейман сенга!— ҳовли хизматкори ўшқирди.

Капалаги учиб кетган Мўтирал дик ўрнидан туриб, кўчага чиқиб кетди. У хомуш бўлиб, анча жойга боргач, яна орқасига қайрилиб, доктор ҳовлисига тикилди. У ноумид бўлмай, суриштириб, яна бир доктор уйини гопиб келди. Бу доктор катта бинонинг бешинчи қаватида тураркан. У айланма зинапоялардан аранг юқорига чиқди-да, эшик кўнғироғини босди. Бир зумдан кейин қия очилган эшикдан узунгина бир бурун чиқди — кўзойнакли сариқ бир одам эшикни очди-да, бир оёқлаб, қаллослаб турган чувринди Мўтиралга қараб: «Хўш?» — деди.

— Доктор, оёғимни кўринг, биқиним яра...— У кўйлагини кўтариб, биқинини оча бошлади.

— Доктор пулга кўради. Пулинг борми?

— Хизматингизни қиламан, ундап кейин дуо қиламан...

Кўзойнакли одамнинг энсаси қотиб, эшикни ёпаётган эди, Мўтирал «ёпманг» дегандек қилиб, орқадан гортди. Кўзойнакли сариқ одам заҳарханда билан «The animal!»¹— деди-да, куч билан эшикни қарсиллашиб ёпди. Мўтирал яна секин-аста зинапоялардан дастга туша бошлади. Зинапоялардан тушиш чиқишдан ҳам оғир — машаққат бўлиб кетди. Шу кунни у яна бозорга қайтиб келиб, тиланчилик билан тамадди қилди. Нарчаган экан, қош қорайиши билан бозор четидаги йўлкада ухлаб қолди. Эрта билан водопроводда юз-қўтини юшиб, шундай катта шаҳарда бирон шафқатли доктор бўлмаслигига ачиниб, яна кўча изғиб кетди. Яна уч доктор эшигини қоқди. Уч докторнинг бири кўзиб, рецепт ёзиб бериши учун ўн олти рупия тўлашини айтиб, секингина эшикни ёпди. Бошқалари унга бошдан-оёқ бир тикилиб, тўғридан-тўғри ҳайдаб чиқаришди.

Мўтирал Бомбайда ўн беш кун саргардоп бўлиб ориб, кейин яна юк вагонларига тирмашиб, Деҳлига

¹ Инглизча, ҳайвон дегани.

қайтиб келди. Чунки бу шаҳарда ўсиб катта бўлган эди. Онасининг арвоғи ҳам шу ерда изғиб, Мўтиллал қидириб юргандай эди. Бундан ташқари, Ражпур кўчасида чинор ётоғи, вокзал кўпригида чопқиллаб юрган ўртоқларини ҳам соғинди. Кўча супурадиган қоровул билан боққолни ҳам соғинди. Унинг Мўтиллал экани шулардан башқа ҳеч кимса билмас эди...

Хотима

Яқинда биз, бир гуруҳ сайёҳлар, бу ажойибот фаройиботларга тўла азим мамлакатни саёҳат қилиб юрганганимизда, «Овоми адора» деб аталувчи тўқимачилик клуби бизни таклиф этиб, ишчилар маҳалласидаги оидийгина залда аллавақтгача суҳбатлашдик. Одамлар ичида ўгирган қўлтиқ таёқли бир қора бола ўрнида туриб: «Сизларда докторлар касални текинга кўришиш. Шу гап ростми?»— деди.

— Ҳа, рост,— дедим мен.

У яна жойига чўкди-да, ёнидаги кишига бир нимча деб пичирлади. Бир лаҳза ўтар-ўтмас шериги: «Жанобу ошнам сизнинг гапингизга ишонмаяпти. Ҳамма ерда докторлар пулга кўради-ку?..»— деди.

— Бизда тиббий ёрдам текин. Бу — ҳақиқат!— дедим.

Жон қулоғини тутиб, сўзларимизни эшитиб ўтирганлар таажжубланишди. Улар қалбидаги ҳавас юзларидаги илиқ табассумдан сезиларди. Суҳбат охирида савол берган қўлтиқ таёқли қора бола менинг ёнимга келиб, исмиمنى сўради. Мен унга исмиمنى айтиб, значок тўхфа қилдим. Бола, бу учрашувни ҳеч қачон унутмастлигини қайта-қайта айтиб, ўзининг исми Мўтиллал эканини, гарчи оёғи чўлоқ бўлса ҳам, ўзи қимматбаҳо эканини, яъни ҳиндийчада Мўти — марварид, лал — ёқ эканини айтди. Шундан сўнг у юқорида ёзганларимизнинг ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

1960 йил. Деҳли — Тошкент.

ТУНГИ ЧАҚМОҚЛАР

Тарихий повесть

Демангким, ақлу идрокнинг шомурдинг,
Ажаб Русия таърифин ошурдинг.
Эмас ёлгон агар таъриф қилсам,
Шукуҳу савлатин тавсиф қилсам...

Ф у р қ а т

I

Ғулдираган совуқ товуш Мирҳайдарни уйғотиб оборди. У кўзларини катта очиб, тепага — қўнғир ғартишга қаради: ҳали ёришмабди... Шу лаҳза яна овоз икди:

— Куло-о-ол, уйғоқмисе-ез? Уйғоқ бўлсангиз тузинг, юқорида Бойтеват кўринди... Ана, эшитяпсизми, хеляпти. Тонг отганга ўхшайди...

Мирҳайдар ётган жойида жим қулоқ осди; нағалдор этик тўқиллаши эшитилмайди. Деворга ҳам қулоғини босди; ҳеч қандай сас йўқ. Бир лаҳзадан сўнг чол яна гулдиради:

— Ана, арқон тушяпти, эҳтиёт қилиб олинг, тўкилиб кетмасин! Опке, аввал мен ҳўплай...

Мирҳайдар ўзига ўзи ишоймай беихтиёр бошини ердан кўтариб тепага қаради, ҳали тепа ёришмабди. Шундай экан, тепада «Бойтеват» нима қилсин! (Зиндонбоннинг асли исми Боймирза бўлса-да, кимдир унинг ишига монанд, феълига мос қилиб «Бойтеват» деб лақаб қўйган, ўз номи унутилиб кетган эди). Мирҳайдар бир лаҳза сукут сақлади, чолнинг бугун ҳам босинқираб, безовта бўлаётганига раҳми келди. Уртадаги сопол кўзани қулатиб юбормасин деб четга суриб қўйди. Чол зўр бериб тамшанар, тишларини такиллатар, атрофидаги увада латталарни тимирскилаб ёнига тортар, тамшаниб-гамшаниб ниманидир ютгандай бўлар эди.

Мирҳайдар нягини кафтига қўйиб, қоронғи бурчакка тикилганича хаёлга чўмди. Қуш бўлса-ю, парр этиб учиб чиқиб кетса!.. Қуш у ёқда турсин, каламушчаллик

Қам эмас, қаламуш бұлғанида ерни қовлай-қовлай юзаг чиқарди. Чоҳга ташланган Юсуфни «Шоҳ морон» дум билан юқорига чиқарганини ўйлади: «Бизнинг беклардан аждар ҳам яхши...» Мирҳайдар сурилиб чол тепа сизга келди, увада кўрпасини тўғрилаб елкасига торти қўйди. Орадан кўп ўтмай чол яна гулдиради.

— Ҳа, Абдунаби саррож ҳам бандаликни бажо келтирди... Ҳеч ким қолмайди, ҳеч ким! Лўли домла ҳа ўлади, ғассол ҳам ўлади. Ҳеч ким қолмайди. Узингг шукур, минг қатла шукур...

Чол энди тинчийди, деб турган эди, у яна гулдира тамшанди:

— Энди сиз ичинг, кулол, энди сизнинг навбати нгиз. Тўқлик ишрат қидирар, очлик ўлан едирар. Узинг шукур, мана бу кун ҳам ўтди...

Мирҳайдар муштумини қисди, елкаси билан зиндо деворига тиралди: қани энди унда Рустам қуввати бўлса-ю, тупроқларни ўпириб-ўпириб, тўқсон ботмонли гурзи билан золимнинг бошига тушириб, миҳ қили қоқиб юборса! Кишанларни узиб ташласа! У тепага қаради, гардиш сезилмайди — демак ҳали ярим кеча. Бунда кеча билан кундузни зиндонбоннинг оёқ товуши хўрак тушириши, юқоридаги кишанларнинг шарақлашидангина билиш мумкин. Зимзиё қоронғилик қўйнид: уйқуси ўчиб кетган Мирҳайдар қаққайиб турарди.

Дастлабки кунлари очликка чидаса ҳам, лекин чо ичидаги қўланса ҳидга асло тоқат қилолмай, бўғили оҳ урди. Бир неча бор қўнгли озиб йиқилди. Одамзо жони қаттиқ экан, ўлмай, аста-секин кўника бошлади. Бунда пайдо бўлган бургаларни ҳам кун бўйи пойлаб бедана овлагандек қўлни матраб қилиб тутиб ўлдири шарди.

У зимзиё ер қаърида. Бутун олам ухлаб, биргин: Мирҳайдар андуҳ тортгандай... Наҳотки уни ҳамм: унутди! Ҳа, унутмаган бўлсалар, унутадилар — бу о арвоҳдек сўяги қолган чол ўн саккиз йилдан буё: ётибди. Уни ким эслаши мумкин? У унутилган — ўлган одам. Лекин у ҳам тепадаги гардишга кўз тикар, «ин шоолло, вақти соати ётиб» арқон билан тортиб олиш чарига умидвор. Яна саррожлигини давом эттиришни — Қонқусдаги қосиб ошнасида сармоя олиб иш бошла: юборишни ўйларди. Агар ёруғ дунёга чиқса ҳар кун: мошкичири ейшини қайта-қайта айтарди. Мирҳайда

баъзан таомдан баҳс бошлар, чол узоқ баҳснинг охири — дунёда жамийки таомларнинг подшоси мошкичири эканлигини айтиб, енгарди. Чол азиз-авлиёларни дуо қилар, ўлганларни зиндонбон Бойтеватдан эшитиб, астойдил ачиниб, жойи жаннатда бўлишини худодан ёлбориб тилар эди. Ҳар куни бир минг бир юз марта «Лойилоҳа илло анта субҳонака»ни ўқирди. «Ўн саккиз йил — бу кўргилик пешонамда ёзуғлик экан», дерди. Айтишича, аввал Йўлбарсхону Қаноатшоҳни, Худоёрни, кейинчалик Мусулмонқули билан Алимқулибекни тинмай дуо қилибди... Мусулмонқул қатл этилгач, Алимқулибек — сермартабани дуо қилармиш. У кейинги кунларда кўп безовталанар, сўнәётган чироқдек лоп-лоп ёниб турар эди — ўзини тирикман десада, аслида у ярим ўлик, ярим тирик эди. Зиендонбонга кўпроқ таом туширсин, деб ёлворар, узундан узоқ дуо қилар, лекин шоп мўйловли, совуқ Бойтеват уни жеркар, сансанлар эди. Мирҳайдар бундан газабланар, агар у юқорида бўлганида Бойтеватнинг гирибонидан ушларди — афсуски у ҳибсда. Ўликка тепки кор қилмас. Не чора, у турткилашларга, ҳақоратларга, очликка кўникди. Унинг ҳеч нарсага ҳақи йўқ, — у маҳбус, у — хор ўлиб, йўқолиб кетишга маҳкум!

Мирҳайдар зимзиё чоҳда тик турарди. Унинг тамоман уйқуси қочди. Юқорида яна кимдир занжирларни тинмай шилдиратарди. Сукунат ва занжир...

Баъзида кекса онаси ҳам келиб, зиндонбондан хўрак киритарди. Саҳарларда қон йиғлаган она, беш тош йўлни пиёда босиб: зиндон эшигида сарғайиб ўтирувчи она, умр бўйи ночорликда куйиб ўтган она бағрини тимдаларди. Мирҳайдар ўйлаб туриб, қаттиқ хижолат бўларди, эзиларди: қариган чоғида бир обкаш сув келтириб бериб, онани хурсанд қилолмади... Унинг кўзларига рафиқаси Шаҳриниса билан икки ўғли ҳам кўриниб кетди. Катта йигит бўлиб, отаси ёнида баробар чарх тепишадиган Мирсаид рўпарада бошини қуйи солиб тургандек бўларди: Унинг ота ўрнида ота бўлиб, тинмай ишлаб, оилани тебратишига кўзи етарди. Қичиғи — Мирёқуб ҳам бошини солиб тургандек. У ўйинчароқроқ бўлгани билан акасига қарашарди. У ўғилларини кўз олдидан ўтказиб, кўнгли андек таскин топар, аввал ўсган қулоқдан, кейин чиққан мўғиз ўзиб кетар, дейдилар. Шундай бўлгани яхши. Мирсаид дуркун,

елкалари кенг, вазмин йигит. У камгап, ҳамма вақт ўзини ишнинг оғирига уради. Ийлаб тайёрлаган лойдан майда тош чиқмайди, лухни ҳам меъёрида қўшади. Хумдонга олов ёқиш — туни билан ухламай чиқиш унинг зиммасида. Ёргучоқ тортиш ҳам, қўрғошин куйдириш ҳам унинг иши. Мирёқубнинг жуссаси бир оз кичикроқ, ишда акасидан қолишмайди. Лекин баъзида андек ишга чап берадиган одати ҳам бор. Мирёқуб отга ишқибоз. Ачаободда узоқ уруғларидан бири Авлиёкул амаки яшарди. У эски чавандоз, неча улоқларда қатнашиб оёғи маймоқ бўлиб қолган. Баъзида Мирёқуб уйдагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, Ачаободга жўнаб қоларди. Кулолчиликка, айниқса, лойкашликка асло тоқати йўқ. Авлиёкул амаки хаста бўлиб, кейинчалик бек ўрдасида отбоқарлик қила бошлади. Мирёқуб ора-чора бу томонларга ҳам келиб, Авлиёкул амаки атрофида айланишар, «Ё хазрати Қамбар!» деб отга минишини, Дулдул ҳақидаги ҳикояни берилиб тинглар эди. Бекнинг «Қарчигай»ини томоша қиларди. Отларнинг курс-курс беда ейишига тикилиб, оғзидан суви келар, кейин нон чайнар эди. Пичан ҳидини ундан ҳам яхши кўрарди...

Ойда бир марта молни аравага ортиб Эшонбозорга бориш ҳам унга жуда ёқарди. Савдо қилишга, ҳисобга анча эпчил эди.

Мирҳайдарнинг келаси йили катта ўғлини уйлантириш орзуси ҳам бор эди. Ҳибсга олинишидан уч кун илгари эчкисининг қорни шишди — елни пичоқ тикиб чиқараман деб ўлдириб қўйди. Бош кетгач, сочга аза тугилмайди-ку... Лекин бу кўнглига армон бўлган эди...

Мирҳайдар аллавақтгача тик туриб хаёл сурди. Чолнинг тинч ухлаётганини сезиб, ўз ўрнига чўкди. Бордон устидаги яғир ёстиғига бош қўйди.

Эрта билан чол уни яна уйғотди. У ётган ерида кўз очиб, тепага қаради — гардиш ёришибди. Ундан кейин чолга қаради, кемшик ориқ саррож жулдирга ўраниб чўққайиб ўтирарди. У тиржайиб куларди ҳам:

— Кулол, тулинг, тонг отди. Ана, юқорида одамлар юрляпти, занжирларнинг шарақлашини эшитяпсизми. Бойтеват ҳам келиб қолади.

— Кечаси анча безовталандингиз, ота.

— Шундоқ бўлдимми? Яхши туш кўрибман: тушимда қуш бўлиб учиб юрганмишман. Учиб-учиб осмони фалакка ~~кичибман~~, етти қават осмондан ўтиб, мундоқ

қарасам тепамда арши аъло турганмиш. Фаришталарнинг тасбеҳ ўгириб ўтирганига ҳам кўзим тушди. Осий банданнинг гуноҳидан ўт, деб худога йиғладим. Чунонам йиғладимки, ўтирган фаришталарнинг ҳаммаси ҳам менга қўшилишиб йиғлашди. Бир яхшилик бор, кулол, тушим бежиз эмас...

Қулаган минорадек бир чеккада ётган Мирҳайдар вах зиндон этини сўриб, қуруқ суяк мушукдек бўлиб қолган саррожга тикилар, унинг ақли ўтмаслашиб, ўйлайвериб савдойи бўлиб қолганини аллақачон пайқаган эди. Мирҳайдар зиндонга ташланганидан кейин бир ойча ўтгач, ўзини ўзи ўлдирмоқчи ҳам бўлди. Чолнинг аралашуви, панду насиҳати унга чидам берди. Мана йил ҳам бўляпти — эҳтимол у ҳам ўн саккиз йил бу зимзиё чоҳ ичида ўтирар, балки шу ерда чириб кетар. Нажот йўқ. Чолнинг айтишича, бундан ўн саккиз йил бурун унинг ҳам қариндош-уруғлари қатнаб, кийим-кечаги, оби-овқатидан хабар олиб туришган экан. Зиндонбонларга ёлвориб, у-бу беришган экан. Қутқариб олиш учун урнини кўришган ҳам экан, лекин ҳеч нажот бўлмабди. Бора-бора уларнинг ҳаммалари ҳам жим бўлиб кетишибди. Ҳозир чол ҳолидан хабар оладиган кимса йўқ. У тамоман унутилган бир одам. Мирҳайдар ҳам ўз тақдирининг худди шундай бўлишини ўйлади. Лекин унинг гуноҳи чолникидан тамоман бошқача — ўша кунни уни зиндонга судрамай, бошини чопиб ташлаб қолганларида бу дунё ўқубатларидан бир йўла қутулиб кетган бўла қоларди. Чолнинг: «Ҳазрат салтапатига душман бўлганларни ўбдан тафтиш қилиб, зиндонга ташлайдилар, кейинчалик авомга сиёсат кўрсатмоқ учун олиб чиқиб осадилар. Бу ердаги Тангриқул билан Сангин ўратепаликларни олиб чиқиб осдилар», деган сўзлари Мирҳайдарнинг этини жимирлаштирди. Хонлар қадим гуноҳкор тополмаганда заргарлардан осаркан — улар олтинга жез қўшади. У энди заргар қидирмайди: зиндонда «осий қуллар» тўлиб ётибди. Зиндонда ўлимни кутиб ётгандан, ташқарида бошни чопганлари минг карра афзал... Мирҳайдар туриб ўтирди. Бордон устидаги увадани йиғиштириб, юқорига қаради. Анча ёришди-ю, лекин Бойтеватдан ҳамон дарак йўқ. Чол ҳам тепага қаради. Унинг гапиришга мажоли келмасди. Улар анча вақт бир-бирларига тикилиб ўтиришди. Ундан сўнг сопол қумғондаги сувдан кафтларига қўйишиб, юз

ювгандек бўлишди. Чол қуш қараши билан юқорига кўз тикавериб зерикди-да, намоз ўқишга тутинди. У чоҳ деворидаги кавакка бош эга бошлади. Бу кавак—қибла эканини унга ўн саккиз йил аввал айтишган эди. Чолнинг айтишича, бу кавакни Лутфуллахожи деган кимса ўйиб, у бунда кўп йил ўтириб фоний дунёдан боқийга кетибди. Чол тўнқайиб, пешонасини бордонга қўйганида, тепада Бойтеватнинг шарпаси сезилди. Чол дарҳол намозни бузиб, тепага қаради. У ҳатто хомуш тикилиб турган Мирҳайдардан ҳам истиҳола қилмади. Арқон билан туширилган пақирдаги сувни ўзи сопол кўзага бўшатди, қаттиқ нон, бўтқани идишларга солди. У жуда эпчиллик билан бу ишни бажариб, Мирҳайдарга мамнун қаради.

— Совумасдан олинг, кулол!— деб бўтқага ишора қилди. Зиндонбон арқонини тортиб олиб, пастга яна бир тугунни туширди:

— Кулол, ўғилларингиз мана бу нон ва таомни олиб келишди, волидаингиз дуо қилаётган эмишлар...

Мирҳайдар ортиқ ўтира олмади, у ўрнидан дик этиб туриб, зиндонбонга муружаат қилди:

— Салом айтинг, отангиз саломат, деб айтинг, ўқинишмасин, хонадонимни уларга топширдим, уларни худога... Шундоқ деб айтинг.

Тик турган зиндонбон чоҳ лабига чўкиб, тепадаги бошқа маҳбуслар эшитиб қолишмасин дегандек секин гапирди.

— Отангизга уч-тўрт танга лозим экан, дейман, розимисиз?

Мирҳайдар бир оз ўй суриб қолди.

— Озроқ олинг, улар жуда ночор...

Бойтеват миқ этмай ғойиб бўлди.

Кун ҳам ўтди.

Юқоридаги гардиш қорайиб, кўзга илтимлади.—демак тун. Саррож чол увялаларига ўралиб, яна ухлаб қолди. Мирҳайдар бўлса оиласи, фарзандлари, ёр-дўстларини ўйлаб ўтирарди. Бир муддатдан сўнг гумбирлаш — кучли момақалди роқ чолни уйғотиб юборди.

— Момақалди роқ, жала бўлаётганга ўхшайди, кулол, эшитяпсизми?— деб ғўнғиллади чол.

Улар икков юқорига қулоқ осиди. Дарҳақиқат, узоқдан ёмғирнинг шариллагани эшитиларди. Ора-чора чоҳ тепаси кундузгидек ёришиб, яна тез ўча бошлади.

— Бу — чақмоқ. Юқорида роса ёмғир ёғяпти...—деди яна чол.

— Чақмоқни қаранг, қоронги зиндонлардан ўтиб, бу чоғга ҳам етиб келяпти-я. Тепага қаранг, ота, тепага! Еришиб ўтяпти!— деди Мирҳайдар юқоридан кўз узмай.— Қани энди шу чақмоқ зиндон устига тушиб, тилка-пора қилса. Деворларни қулатса, дарвозаларни бузиб ташласа. Биз юқорига, очиқ ҳавога чиқиб ёмғирда оёқ яланг уйимизга югурсак. Эҳ, қани энди... Қўйиб юборишса, Ҳиротга ҳам чопиб борардим, ёмғирда ҳам борардим, тош ёғса ҳам борардим. Озодликда юришдан афзал ҳеч нарса йўқ дунёда.

— Сиз шундоқ дейсизу, бари бир мен чиққанам билан юриб кетолмайман. Юқорига чиқсам, ўламан, иним. Мен ёруғ дунёдан маҳрумман. Баданим захда ҳилвираб кетган — мени Луқмони ҳаким ҳам тузатолмайди. Менга қийин...— деди чол юқоридан келаётган гулдирос садоларга қулоқ осиб.

Тунда бўлаётган чақмоқлар ёлқини бир лаҳза бўлса-да зиндонни ёритишга уринар, лекин яна тезда сўнар эди. Момақалди роқ ҳамма ёқни ларзага солар, лекин у яна тўхтаб, жала қуяр эди. Юқорига кўз тикиб ўтирган Мирҳайдар яна ҳам кучли роқ момақалди роқ бўлиб, жала қуйишини истарди. У қоронғиликда ўтириб, юқорида бўлаётган чақмоқлар шарпасига тўймай тикилар, ўй суар эди.

II

Эрта билан тепада бақирӣқ эшитилди. Бу қандайдир ёш йигитча товушига ўхшарди. Мирҳайдарнинг юраги орқасига тортиб кетди: унинг кўз олдига икки фарзанди келди. Уларга бир шикаст етмадимикан ёки уларни ҳам қамашдими?.. У гиппа бўғилди. Чолга қаради, чол бу фарёд юқорида кундага солиб қўйилганларники, унинг ўғиллари эмаслигини яхшилаб тушунтиргач, юраги андек таскин топди. Ўғиллари келган куни уларни бундан то Жарариққа етгунча орқасидан кузатиб боргандай бўларди. Мирҳайдар ёшлигида отаси билан Хумсон қишлоғига кета туриб, Ўрда атрофидан ўтганда, отаси раҳматли: «Хув анави гўнгтепа орқасида зиндон бор, у ерда худо қарғаган бандалар эрта-ю, кеч уқубат чекиб ётади...» деган эди. Ўша зиндон ичида мана энди ўзи ётибди. Шуй-

дай катта кўргилик тақдири азалда бор экан-да! Етмиш дарра ҳам ҳолва эди...

Чигатой ва Кўкча дарвозалари ўрталиғидаги қулаган эски кўрғонни қайтадан кўтаришда шу атрофдаги етти ёшдан етмиш ёшгача фуқаро бек фармони билан ишга солинди. Мирҳайдар катта акаси Тўхтасин билан кўрғон кўтаришда лойда ишлашди. Саратонда бошланган иш чўзилиб кузга кира бошлади. Кўп одамлар секин-аста ўзларини четга тортиб, қочиб кетишди. Қўрғон икки пахса кўтарилгач, лой оқа бошлади. Қўйилган оғир лўмбозлар тагини эзиб тушарди. Кун бўйи одамлар офтобда ҳавоза ёғочлардан юқорига чиқишиб лўмбоз босишар, икки-уч газ кўтарилгач, бирдан шувиллаб оқиб тушарди.

Дарғазаб элликбоши қамчин ўйнатиб, гумонсираб, лойда ишлаётганлар тепасига келди. Кейинчалик бу атрофда бир неча сипоҳлар ҳам пайдо бўлиб қолди. «Ишга чиқмаган Тўхтасин кулолнинг қўлини орқасига боғлаб олиб келишяпти» деган сўзни эшитган Мирҳайдарнинг юраги шув этиб, лойхонада бўзарганича қолди. То у белкуракни қўйиб, чуқур лойхонадан чиққанича кимнингдир: «Облоҳу акбар, босиб юборинглар!» деган сўзи қулоғига урилди. Бирдан фарёд чеккан овоз эшитилди—қилич осган сипоҳлар кулолни кўрғон деворига ётқизиб, устидан лўмбоз босиб юборишди. Бир лаҳзадаёқ ўттиз-қирқ катта лўмбоз босилиб, кулолдан ному нишон қолмади. Тўхтасинни босиб юборишгач, лойнинг оқиб тушиши ҳам тўхтабди. Лойхонадан чиққан Мирҳайдарнинг кўзлари ола-кула бўлиб: «Ноинсофлар, қотиллар!» деб бақириб, элликбоши ёқасидан тутди. Башарасига тушган қамчин зарбидан ерга йиқилди. Эртасига Мирҳайдарни мингбоши ҳовлисига олиб бориб, дарра уришди.

Шу-шу бўлди-ю, у касалга чалиниб ётиб қолди. Аксининг жасади кўрғоннинг қаерида қолганини ҳам билиб бўлмади.

Одамларнинг айтишича, бу бир сиёсат эмиш — ишдан қоचाётганларни кўрқитиб, жилловини қўлга олиш учун даркор экан. Иккиламчи, бу вақтда Оқмачитда бўлаётган урушнинг ваҳимали хабарлари мартабадор шахсларнинг фуқарога тез-тез сиёсат қилиб, авом жилловини маҳкам ушлаб туришга ундарди. Элликбошининг «облоҳу акбар»ига неча йил ўтган бўлса ҳам, шу зимзиё зиндон ичида — Мирҳайдарнинг қулоғига жаранг-

лаб эшитилиб тургандек. Ушанда дарра еб, майиб бўлиб қолган Мирҳайдарнинг бахтига катта ўгли Мирсанд йигитча бўлиб, отаси ёнига кирди. Тирак бўлди — лой ийлаб чарх тепди, ёргучоқ тортди.

Мирҳайдар ўшандан кейин Чигатой даҳа оқсоқоли билан элликбошига рўпара бўлиб: «Тақсир, сиз одам ўлдирдингиз, қотилсиз!» деди. Бўрининг бўрилиги учун эмас, жаллодлиги учун ўлдирадилар, деб элликбошига пичоқ урмоқчи бўлган эди, ҳушёр турган ясовуллар дарҳол Мирҳайдарнинг қўлини ушлашди. Элдан қўрққан қози кейинчалик уни бўшатиб юборди.

Рамазон ойдан арзимаган нарса устида себзорликлар билан сақичмонликлар ўртасида жанжал чиқиб, Бегларбеги мадрасаси ёнида тўполон кўтарилди. Муштлашиш, ур-йиқитни миршаблар ҳам босолмади. Икки маҳалла ўртасидаги муштлашиш, қирғин-барот авжига чиқиб турганда, қандайдир бир ўткир овоз дарҳол одамлар диққатини ўзига тортди. Бу қичқирӣқ шундай қаттиқ чиқдики, ёқа бўғишганлар, бурни қонаб енгини узилганлар бир лаҳза баланд харсангтош устида кўксини чангаллаб турган оқ ятакли тақа мўйлов кишига қарашди. Кимнидир ажратаётган миршаб ҳам унга ялт этиб қаради. У одамларга қичқирди: «Жигарлар, мени уринглар! Келинлар, мени уриб ўлдириб қўяқолинглар! Тўйдим жонимдан! Оғамни қўрғонга тириклай босиб юбордилар, дарра суякларимни кукун қилди...» У яктагини ечиб ташлаб, яланғоч оломон ичига кирди. Унинг ҳамма ёғи шишиб, мўматалоқ бўлиб кетган эди. Ёқа бўғишиб турганлар, бир-бирларини қўйиб юбориб, яланғоч одамга қарашди. «Нимани талашасизлар? Наҳотки ака-ука бир-бирини уриб ўлдиурса! Агар муштлашиш муддао бўлса, келинлар, муштлашайлик!..» деди у.

Оломон иккига ажралди. Дарра мўматалоқ қилган Мирҳайдар танасига боққан одамлар қалбида қандайдир ачиниш пайдо бўлди. Улар бир-бирига қарашди. Мирҳайдар себзорлик бир йигитнинг қўлидан ушлади: «Айб бўлади, акаси!» Йигит ерга тикилди: «Мирҳайдар ака, хўп... — У ошналарига қаради: — Юринглар, кетдик, гап тамом!» Улар тарқала бошлади.

Бирдан Мирҳайдарнинг хаёли тарқаб, кўзини очди, юқорида, кишандагилардан кимдир оҳ уриб, бақираётгани кайфини бузиб хаёлларини учирди. У сесканиб ўзига келди-да, товоқни ялаётган чолга қаради.

— Уғлим! Сизни ўғлим десам хафа бўлманг, кулол, сиздан икки мучал каттаман. Қўп хаёл сураверманг, зарари бор. Ҳа, зарари бор, ўзингизни ўзингиз еб қўясиз,— деди қорни тўйган чол юмшоқлик билан. Юқорида занжирнинг шарақлаши авжига миниб, яна қичқириқ зўрайди.

— Уришяпти, янги бўлса керак,— деди лоқайдлик билан чол.

Мирҳайдарнинг кўзига яна Мирсаид билан Мирёқуб кўриниб кетди. Улар эсон-омон уйга етиб олганмиканлар? Бахтсиз оналари бағрини тиглаб кутиб ўтирган-дир... Йўлда улар бирон кимса билан уришиб қолишмасмикан. Мирёқубнинг қони қизиқроқ... Эл ичида эътибори кучайиб, «Мирҳайдар полвон» деб ном олиб юрган кезларида «салтанат душмани» деган бўҳтон билан ҳибсга олинди. Уша кеча икки ўғил қилич яланғочлаган миршабларга ташланди, отасини қутқариб олиш қасдида ҳамма ишга ҳам тайёр эдилар. Лекин Мирҳайдар уларни тўхтатди: «Йўқ, ўғилларим, булар билан олишманг, фармон юқоридан келган. Ҳақ жойига қарор топади...» Икки ўғил зиндонгача отасига эргашиб келди. «Йиғламанглар, ҳеч йиғламанглар! Менинг фарзандим бўлсангиз, йиғламанглар! Ҳақ жойига қарор топади...» деб таскин берарди уларга Мирҳайдар.

Шундай қилиб, чол билан Мирҳайдар бир-бирига тикилиб кун ўтказга бошлашди. Чолнинг айтишича, дастлабки йиллари хом тери туширишаркан, унда саррож юган, айил тилиб тураркан. Кейинчалик бу ҳам бўлмай қолди. Бойтеват аллақадан бир ғўла арча топиб келиб чоҳга ташлади. Чол билан Мирҳайдар бу ёғочдан қиттагини ҳам исроф қилмай, тишқовлагич ясаб Бойтеватга беришарди. Қўпол, бераҳм Бойтеват бу хизмат эвазига вақтида сув тушириб, тўпланиб қолган ахлатни юқорига тортиб олиб, пақирни тўкиб берарди. Шундан сўнг улар белбоғнинг икки томонидап ушлаб тинмай зиндон ичини елпишар, пастдаги димиққан оғир, қўланса ҳаво тарқаб, жиндек нафасни ростлашар эди...

III

Уликлар гўрда ётиб, тириклар ҳолва еяпти, дермиш... Мирҳайдар учун тирикларнинг «ҳолва еётгани» жуда равшан эди. Тўрт таноб ер сотиб олиб, Эски Тош-

кент атрофига кўчиб кетган бир уруғи зоғора нон тугиб келиб, зиндонбондан киритибди. Бу одамнинг болалари кўп — аёлманд яшарди.

Кулолларга дуо теккан — улар ерни куйдиргани учун ҳеч боймас эмиш. Мана бу гап — ўша одамни далага судради, бор-йўғини сотиб далага жўнади. Чоракорлик қилиб, йиқилиб қолибди, деган гапни эшитишган эди. Қайтиб уруғлари орасига киришга юзи бўлмади, далада қолиб кетди. У Бойтеватга тугунни бера туриб: «Жиянимга айтинг, бола-чақасидан хабардор бўлиб турибмиз. Далада ҳам аҳвол ночор, у ёқ билан бу ёқнинг ҳам ҳеч фарқи қолмади», деб йиғлабди.

Мирҳайдар исмалоқ пишириб еб, шишиб кетган деҳқонларни кўз олдига келтирди. Кейинги пайтда Мирҳайдар уйидагилар кўнчиликка бориб, янги теридан эт сидириб қириб олиб питра қовуриб тамадди қилишарди. Қаҳатчиликда кишилар сопол идишга ҳам қарамай кўяр экан — кулолларнинг бозори касод эди.

Шу ҳафта сақичмонликлар билан себзорликлар жума намоздан кейин пул тўплаб, бекликнинг мартабадор кишилари билан гаплашиб, Мирҳайдарни зиндондан қутқариб олиш учун ўрдага боришди. Бу тўдани себзорлик уддабурун Қамбарали билан Султонмурод бошлаб борди. Тўда ичида Мирҳайдарнинг уруғлари ҳам бор эди. Кечқурун уларнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келишди. Мирҳайдарни пора билан қутқариш асло мумкин эмаслиги — унинг ҳибс этилишида бекдан бошқа Қўқондан келган ноибнинг иштироки ҳам борлиги маълум бўлди. Хонликка қарши сўз айтганлар зиндон ичидаги чоҳда сақланиб, кейинчалик олиб чиқиб осиб юборилиши маълум бўлди.

Мирҳайдар ўлимини кутарди.

Келаси ҳафта эрта билан зиндон атрофида фавқулодда ғала-ғовур бошланди. Зиндонбонлар дарҳол дарвоза томон югуришди. Зиндонни қўриқлаб турган сипоҳлар ҳам дарвоза томон чопишди. Зиндон атрофида бўлаётган гуфтигўдан ичкаридаги кишанланганлар, қамаб қўйилганлар ҳам огоҳ бўлди. Чоҳдаги икки маҳбус ҳам қулоғини юқорига осиб турарди. Бир лаҳзадан кейин жанжал-бақирлар ҳам эшитилди. Мирҳайдар билан чолтик туриб, нима гап бўлаётганини биллолмай диққат бўлишарди.

— Кулол, назаримда бухороликлар Тошканни олди. Эҳтимол, Оқмачитдаги уруш Тошкан устига келди...— деди чол тепага ағрайиб турган Мирҳайдарга.— Ҳа, ука, хонга қараганда амир зўр. Амирнинг тўпхоналари бор. лашкари беадад...

Аксига Бойтеватнинг чоҳ тепасига келавермагани ҳам уларни диққат қиларди.

Куннинг ўрталарига бориб ташқаридаги жанжал пасайиб яна жимлик чўкди. Зиндонбонлар ҳам яна пайдо бўлиб қолди. Чоҳ тепасига келган бир неча қуролланган кишилар пастга қарашди. (Кейин маълум бўлишича, юз чоғлик кишидан иборат оломон зиндонни ўраб, чоҳдаги Мирҳайдарни қутқариб олишмоқчи бўлибди. Улар Жарарик, Қўрғонтеги, Себзор, Сақичмон маҳаллаларидан келган эмиш. Зудлик билан Урдадан етиб келган навкарлар оломонни савалаб зиндонга киришга йўл қўймабди. Бир неча одам қилич билан жароҳатланибди!)

Зиндондагилар орасида: «Шодмонқул қушбеги билан келишолмай зиндонга ташланибди. Тошкент халқи қушбегини озод қилиб оламиз деб, оломон Урдани, зиндонни қамал қилибди. Лекин бек сарбозлари оломонни қайтарибди...» деган гап тарқалди. Кўп ўтмай, бунда Қушбеги йўқлиги, «тошкентлик бир эътиборли зот» борлигини айтишди. Одамларнинг гумонича у Кўкалдош мадрасасининг мударриси эмиш. Оломон ичида ёш йигитчалар кўп экан. Орадан яна бир кун ўтгач, «мударрис» ҳам бекор бўлиб, зиндоннинг «баттарин» чоҳида ётган «бир кулол одам» эканлиги, оломон ичида асосан косиблар, мисгарлар, кулоллар ва қисман сақичмонлик тақачилар ҳам бор, деган гап маълум бўлди. Бу воқеа бир кун ичидаёқ одамлар қулоғига етди. Улик зиндон ташқарида бўлаётган ҳодисаларни шаҳардагилардап олдинроқ биларди. Зиндонни ўраган оломон шаҳар ичида ҳам оғиздан оғизга кўчгани, Қамбаралининг жароҳатлангани ҳам зиндонга етиб келди. Ичкаридаги маҳбуслар бир-бир чоҳ тепасига келиб, пастга қарашди. Уларнинг назарида Мирҳайдар — «кулол» эмас, қандайдир бир саркарданинг хон билан чиқишмай ҳибсга олинганидек кўришарди. Одамларнинг юқоридан мўралаши Мирҳайдарни яна изтиробга сола бошлади, уни зиндондан озод қилиш учун шунча одамнинг тўпланиб келиши — унинг ўз ёр-биродарларига нисбатан меҳру муҳаб-

батини яна ҳам оширди. Себзорлик Қамбаралини кўз олдига келтирди. Бу жасур йигит ҳақида чолга анча-мунча гап айтди. Унинг учун жароҳат егап кишилар жароҳатига ўзини малҳам қилиб юборгуси келарди. Агар Луқмони ҳаким: «Сизнинг жасадингиздан малҳам қил-сак, у жароҳатларни тузатарди», деса, бир лаҳза ҳам хаёлга бормаи рози бўларди.

Зиндон атрофини ўраган оломон қўлидан ҳеч иш кел-май тарқаб кетган бўлса ҳам, бу ҳодиса Мирҳайдарга фавқулодда куч берди. Дўст-ёронлари уни озод қилмоқ учун тадбир излаётганини пайқади. Унинг икки фарзанди ҳам бу одамлар орасида эканини сезиб турарди. Бу одам-ларга — ҳаммаҳаллаларига қай йўл билан ташаккур, та-саппо айтишни билмасди. У негадир энди ўзини дорга өсиб юборишларидан ҳам қўрқмасди. Кишилар юраги-даки унга шунчалик ҳурмат бор экан, уни на дор, на қилич қўрқитади!

Аввал таажжубланиб ўтирган чол, кейинчалик Хиэр-га йўлликқандек Мирҳайдарга маҳлиё бўлди. Негадир рашки ҳам келди. «Ўзиники» қилиб олган бу зиндонда ўн саккиз йил ўтирганини ҳар вақт такрорларди. Зиндон ҳам тўё шу чол билан зиндондек, агар чол бўлмаса зин-донга ўхшамай қолгандек кўринарди. У энди ёруғ дунё-дан умид узган — мабодо бирон амалдор эсига тушиб, уни озод этса, юқорида бир ҳафта ичида жони узилажа-гини айтарди. Луқмоннинг зиндондан озод этилишида қирқ зинапоянинг ҳар бирида бир кундан туриб, қирқ кун деганда юзага чиққанини айтарди. «Менинг юқори-га — ёруғ дунёга чиқишим — ўлишим» дерди чол так-рор-такрор. Унинг дунёси — шу катта чоҳ деворидаги қавак — «қибла» ва юқоридан арқонда тушадиган сув ва хўрак...

Чол Мирҳайдарни ҳовурдан тушриш учун бир-икки тап ташлади:

— Кулол, мен ҳам зиндонга тушган йилларимда шу-нақа оломонлар ҳамма ёқни қуршаб, мени, олиб кетамиз, дейишган. Бари бир фойда бермаган. Бек навкарлари-нинг тиғи-дарронлари неча-неча бечоранинг бошини узди. Шундан кейин одамлар бунда келишни тарк этди-лар.

Мирҳайдарга чолнинг гапи ёқмади, у жавоб ҳам қай-тармади. Чолнинг талмовсираётганини очиқдан-очиқ се-виб турарди. У—қапоти синиб, учолмай тўдасидан ажра-

либ қолган турнага ҳам ўхшаб кетарди. Фалаёндан кейин сурункасига уч кун Бойтеват кўринмай қолди. Чол билан Мирҳайдар сопол қумғондаги сувни ичиб, ўраб қўйилган қаттиқ нонни ҳам еб бўлишди. Зиндон ичи жуда димиқиб, ҳидланиб кетди, шунча елпишгани билан ҳам фойда бермасди. Учинчи куни кечга бориб чол сулайиб қолди. У осмонга қараб чалқанча ётиб, ҳадеб инграрди. Мирҳайдар ҳам иягини кафтига тираб ўтира берди. Ҳар замон-ҳар замонда чоҳ гардишига — тепага кўз ташлаб қўярди. Зиндон ичидаги зиндондек, чолнинг гапи ҳам зулм ичидаги зулмга ўхшарди.

Шу ҳафта ичи зиндонга олти одам тушди. Уларнинг учтаси Тошкентдан, учтаси шаҳар атрофидан эди. Тошкентликнинг бири белига арқон боғланиб чоҳга туширилди. Шу лаҳза маҳбуснинг шолча, кўрпа-ёстиғи, халтадаги қаттиқ нони ҳам ўрага ташланди. У одам қоронғи ўрага тушиб, оёғи ерга етгач, ҳеч нарсани кўрмай ўртада серрайиб турди. Юқорида арқон учини ушлаб турган икки зиндонбон дўқ уришди: «Арқонни белингдан ечиб юбор!» У одам белини сиқиб турган арқонни ечди. Арқон юқорига тортиб олинаётганида у тепага қаради, доира гардиш атрофида турган зиндонбонлар ғойиб бўлишгач, бу ўрада ёлғиз қолгандек тепадан кўз узмасди. У ҳеч нарсани, оёғи остида турган тугунини ҳам кўрмасди. Бир-икки атрофига қаради-ю, яна ҳеч нима кўрмади. Орадан бир муддат ўтгач, чол йўталди. У одам чўчиб тушди. «Қўрқманг, бизлар бормиз. Қани ўтиринг. Бу бахти қаролин пешонангизда бор экан... Бу ерларга ҳам насибангиз сочилган экан», деди чол ўтирган жойида. У одам бир бурчакка бориб, бордонга ўтирди. Бир нимани унутгандек яна дик ўрнидан туриб, тепага, кейин Мирҳайдар билан чолга тикилди. У қоронғиликка андек ўрганиб, бу ердаги икки одамни кўра бошлади — уларнинг бири чўзилиб ётарди, иккинчиси чўққайиб ўтирарди. У аввал чолга қўл узатиб, саломлашди. Ундан сўнг Мирҳайдарга ҳам қўл узатди. Мирҳайдар унга жой кўрсатди. У одам жойлашиб олгач, «у ёқдаги аҳвол»ни сўрашди. Янги одам об-ҳаводан гап бошлаётганида, яна юқорида зиндонбонлар пайдо бўлди. Улар яна бир одамни белидан арқон билан боғлаб пастга туширишди. Чол ҳиқиллаб кулди: «Кулол, ана улфати чор бўлдик. Улфати чор, анда маза бор...» Бу одам ҳам бўҳчасини очиб, чоҳнинг бир томонига жойлашиб олди. Лекин эртасига эрта билан у одамни ўрадан

тортиб олишди. У юқорига чиққанча жим бўлиб кетди. Чол бўлса: «Бир кеча ётишга тушган экан-да», деди. Кейинчалик Бойтеватнинг хабар беришича, у одамни ўша куниеқ «чуқур ҳужрага» олиб кириб сўйиб юборишибди. Бечоранинг эскигина кўрпа-ёстиғи ўра ичида қолиб кетди. Унинг ранги рўйини ҳам яхшироқ кўриша олмади. Қатл хабари чолдан кўра ҳам Мирҳайдар билан янги тушган одамни сескантирди. Янги одамнинг Тошкетда бўлиб турган жанжал-суронлар, Қўқондан ноиб келиб, Ўрдада бек ёнида ҳамма ишларга бош-қош бўлиб турганини гапирди. Худоёрхон қўшини Туркистон ва Авлиёота томонга кетганини айтди у одам. Бу гаплардан сўнг, Мирҳайдар ўз қаршисида кўзи очиқ одам турганини пайқади.

— Мулла ака, қаердан бўласиз?

— Мен дегрезликман,— деди узун пешмат, мош ранг духоба дўппи кийган бу чўққи соқол киши.—Лекин у ердан чиқиб кетганимга ҳам анча бўлган. Отамизнинг отини Абдураҳмон дейилади, у киши бундан етти йил аввал дунёдан ўтдилар. Менинг исмим Абдуваҳоб, Самарқандда—мадрасаи Улуғбекда таҳсил кўрганман. Кейинчалик савдо иши билан машғул бўлдим, кўп шаҳарларга сафар қилдим, алалхусус, Ўрдада мирзолик... Худойи таолонинг хоҳиши билан мана, ҳибс этилиб, зиндонга тушдим... Узингиз ким бўласиз?

— Мен кулолман, отим — Мирҳайдар, ўн бир ойдан ошди бунда ётганимга. Бу киши — саррож, ўн саккиз йилдан буён зиндондалар...

— Бу кўргуликка нима сабаб бўлди? Бу жуда оғир мусибат-ку...

— Сабаб, аввало худонинг хоҳиши,— деди чол кўзини чақчайтириб,— иккиламчи, мен бухороликман, хусумат аралашди — бунинг қиссаси узоқ, вақти-соати билан ҳаммасини айтиб бераман.

— Бизни аввал дарра билан урдилар, — деди Мирҳайдар, кейинчалик «хонлик салтанатининг душмани», деб ҳибсга олишди.

— Бизнинг гуноҳимиз ҳам сизникига ўхшаш экан. Кўп сафарларда бўлиб, Шимол мамлакатадаги тараққиётни кўрдим. Уни элга тарғиб этиб, фуқаро кўзини очмоқ бўлдим. Ҳазал ёзиб, баъзи ёмон шахсларни ҳавж қилганим ҳам сабаб бўлиб, мени ҳам «салтанат душмани» деб ушладилар...

Саррож чол билан Мирхайдар Абдуваҳоб сўзларига қулоқ солиб, хомуш ўтиришарди.

— Шундоқ,— деди у яна,— икки томон ўртасида беомъи жанг бормоқда, у — ёмонлик ила яхшиликдир. Бири айтадурки, ҳамма ҳам инсон, меҳнат қилсин. Яна бири айтадурки, йўқ, сен меҳнат қил, риёзат чек, бугдой ундириб, ундан нон қил, мен уни ейман! Мана бу икки куч ораларида доимо жанг борадир.

Эрта билан ҳаммадан аввал Абдуваҳоб уйғонди. Ундан кейин Мирхайдар кўз очиб, «янги одам»га кўз ташлади. Бордон шитирлаши билан саррож чол ҳам кўз очди. Кеча, янги маҳбуслар келганида Бойтеват бир пақир сув туширган эди. Бир томчисини ҳам исроф қилмай сопол қумғонларга тўлдириб олишган. Улар бир ҳовуч сув билан оғиз чайқаб, юзларини ювдилар. Шундан сўнг нонушта қилишди. Арча ёғоч бўлагидан тишковлагич ясай бошлади.

— Бунда кулолчилик қилиб бўлмас экан, мулла ака, бу янги ҳунар...— деди жилмайиб Мирхайдар.

— Бошга тушганини кўз кўради, — деди хаёлотга чўмиб ўтирган Абдуваҳоб. У кўп вақт қотиб, хаёл суриб ўтирарди. Ора-чора хўрсиниб, «шукур» деб қўяр, соқол-мўйловини оҳиста силар эди. Енги, барига теккан тупроқни чертиб қоқиб, атрофидаги латта-путталарни тартибга солгандек бўларди. Унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган Мирхайдар, унинг ўзига яраша ринд табиатли киши эканини пайқади. Баъзида саррож чолнинг ўринсиз дағалликлари — зиндоний гапларидан ийманиб, — тезда юпатиб юборишга, кўнглини овлашга уринарди. Ҳали бунга унча ўргана олмаган шикаста кўнглига унча озор бермасликка ҳаракат қиларди. Абдуваҳоб аканинг ўқимишли, зиёли одам эканини дарҳол сезган эди ҳам.

Кунлардан бир куни Абдуваҳоб андак очилиб нонуштадан кейин қисқагина бир ғазал ўқиб берди. Мирхайдар билан саррож унга жон қулоғини тутишди.

...Дариг айланмади чархи фалак бир кун маромимга,
Тазарғи бахт илинмай, ром бўлмай ўтди домимга.
Яқосига қўлум етмай, чолиб домонидан тутмай,
Фалак не қилғонимга айланибдур интиқомимга.
Қоронғу рўзғорам балки хорам, жони афғорам,
Ажаб йўқтур агар тadbир топса субҳ шомимга.

Бу кунларким жаҳонни бузғудекдур шиддатли оҳим,
Қуёш қўрқув киролмас мунча тўхонлиғ мақомимға...

— Саломат бўлинг, мулла ака! — деди Мирҳайдар. — Бу ғазални ёд оламан. Яна бир карра айтсангиз хотирада қолади. Ҳа, қиёматгача ёдимда қолади.

— Мавлононинг бу ҳажвларини эшитинг,— Абдуваҳоб яна ўқиди:

Атолур ҳожи кофир Макка бориб ҳаж қилиб келса,
Ки ҳаргиз бўлмас ҳақ йўлин юрган билан эшак.
Кўруб зоҳирда они шайху сўфи эътиқод этма,
Кириб масжидга чиқмоқ бирда қўймас... емакни сак...

Мирҳайдар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Саррож чол ҳам қўшилишиб кулди:

— Емакни сак, денг? Хо-хо-хо-о-о... — Яна гуруллади Мирҳайдар.

— Бизни зиндонга судраганлардан бири мана шулар,— деди Абдуваҳоб Мирҳайдарга.— Булар аввалги шоирларнинг китобидан. Мен ўзим ҳам ғазал машқ қиламан, бедилхонман...

— Мулла ака, сизнинг ҳам тахаллусингиз борми?

— Менинг тахаллусим «Шоший»— Тошкентликман, лекин кўп умрим гурбатда ўтган, ўзга юртларда кезганман. Лекин мана, гурбатдан қайтиб келиб, ўз юртимда зиндон қилиндим.

— Сизнинг номингизни эшитганмиз, мулла ака, — деди ҳаяжон ичида тикилиб Мирҳайдар. — Бир ғазалингизни ҳофизлардан эшитиб юрардик...

Саррож чол ғазал ўқиган Абдуваҳоб Шошийга маҳлиё бўлиб қараб турарди. У ашула эшитарди-ю, лекин умрида бирон китоб ўқимаган эди. У ҳам гапга аралашиб, жанг китобларини — «Аҳмад Замчи» билан «Абомуслим»ни эшитганини, ундаги «андоғ урдиларки, гардгард қилдилар. Шамшир ҳавола қилдилар, алами бирла қалам қилдилар...»ни айтиб берди.

IV

Абдуваҳоб Шоший зиндонга келиб тушганидан буён бир ҳафта ичи ўзаро танишув, кейинчалик ғазал баҳсига ўтилди. У Мирҳайдарга кўрган-кечирганларини бир бошдан айта бошлади:

— Сиз билан биз, — деди у, — ер остида, қоронғи зиндонда ётсак ҳам, юрагимиз ёруғ жаҳонда — ёр-биродарлар орасида. Юрагимиз мусаффо. Ердан кўтарилган шунча губорни осмон юта бергани билан ҳеч қорайиб кетмайди. Чунки у беҳудуд... Лекин, биродар, дунёда гап кўп. Айниқса, ҳозир катта можаролар бўлмоқда.

— Айтаверинг.

... Абдуваҳоб Шоший эллик беш ёшларда, қотма, чўққи соқол, қарашлари ўткир бир одам. Хаёл сурганида мўйлови учини чайнайди. Камгап. Чап қоши доимо учиб туради; устида қўнғир бўғма ёқа пешмат, оёғида кавушмаҳси, бошида эскигина мош ранг духоба дўппи. У Урдада хизмат қилганини, кейинчалик кўп сафарларда бўлгани, бир йил мобайнида Петербургда, Варшавада турганини ҳикоя қилди. Русиянинг таъриф-тавсифини тўлқинланиб айтиб берди. У ерларда бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўла бермаслигини таъкидлаган Мирҳайдар, Абдуваҳоб Шошийдан яна кўпроқ эшитишга интиларди.

Петербургга бориши савдо иши билан боғлиқ бўлганини — Солиҳбой деганнинг гумаштаси сифатида Русиядан кармазин мовут, тош бўёқ харид қилиб олиб келганини, Тошкентда туриб, қорақўл тери, пахта сотиб олувчи Сорокин деган бой билан таниш эканлигини гапирди.

Петербургга иккинчи дафъа Тўраҳон Зайбухон ўғлига йўлдош бўлиб борибди. Бу боришда уларга Абдурахмонбек юзбоши, Хўжа Юнус, Неъматжон оқсоқол ва бошқалар пул тўплаб бериб, Русия билан савдони яхшилаш, Тошкентни Русия тобелигига қабул қилиш ҳақидаги хуфия илтимоснома — ҳужжатни беришган эди. Лекин улар Нижний шаҳридан Москвага кетаётганларида, йўлда ҳужжатни йўқотиб қўйиб, кўп андуҳ тортишибди. Подшо ҳукумати уларга ишонмайди, бу иш билан шуғулланишни Туркистонда бўлган, маҳаллий аҳолини яхши биладиган рус олими Николай Алексеевич Северцевга топширибди. Улар олим Северцевга аҳолининг рухий кайфияти, шаҳардаги аҳвол, Бухоро амирининг баҳорги юришга тайёргарлик кўраётгани, тошкентликларнинг Алимқулибекка унинг тезроқ қайтиб келишини талаб этиб ва агар келмайдиган бўлса, шаҳар Русияга бўйсунажанини огоҳлантириб ёзган мактублари тўғрисида, (Алимқулибек полковник Михаил Григорьевич Черняев-

нинг биринчи юришидан кейин Қўқонга кетиб қолган эди) 1864 йил қишда Черняев ҳузурига келган Абдураҳмонбек ҳамда бошқалар тўғрисида тўғри маълумот берганини ҳукуматга хабар қилган.

Лекин улар сармоя йўқлигидан Петербургда узоқ туrolмай Тошкентга қайтишган.

Абдуваҳоб Шоший шундан кейин бир муддат бек ўрдасида мирзолик қилган, шу лавозимда турганида иттифоқо «жосус» деб ҳибсга олинган. Бу бўҳтон Насриддинбек томонидан тўқилиб, Алимқул ҳазратларига етказилганини Абдуваҳоб зиндонга ташланишдан уч кун аввал бир мирзодан эшитган экан... У Россиядан қайтиб келиб, китоб ёзмоқ билан машғул бўлган. Русияда кўрган тараққиёт — «мактабхоналарнинг мислсиз ва бисёрлиги, илму фаннинг ривож, дилгирофлар, Петербург фуқаросининг четдан келганларга кўрсатган меҳрибонлиги ва ширинсуханлигини» у кўп ҳаяжонланиб гапирди. Бу тараққиёт ҳақида эл ичида у сўз айтган, одамлар жон қулоқларини тутиб тинглаганлар. Насриддинбек, Асадуллахон, Ҳакимхўжа қози ва бир неча мартабадор зотларга ҳам кўрган-кечирганларини айтиб берган, бирон яхши мактабхона очиш нияти ҳам йўқ эмас экан. Кейинчалик, мирзолик қилиб турган жойида ногаҳоний ҳибс бўйнига сиртмоқ бўлиб тушибди.

— Гап шундоқ,— деди Абдуваҳоб Шоший диққат билан тинглаб турган Мирҳайдарга, — оламда гап кўп. Биз узун чопон ўзбеклар анча орқада қолганмиз, қоронғиликдамиз. Бизнинг хону бекларимиз эртаю кеч ишрат билан банд, ишратдан қўли бўшаса, уч хон бир-бири билан қирғин бошлайди. Фуқаро азоб чекади, зулму жаҳолатда ётади. Инглизлар Ҳиндистон тупроғида катта қўшин тўплаб, тез орада Афғонистонни ҳам, Туркистонни ҳам босиб олади. Бу ночору ғариблик етмагандай, инглиз зобитларининг қамчини ҳам елкамизга тушади. Инглиз қўшинлари секин-аста аждардек бу томон силжияпти, лекин бизнинг беклар комига тортаётган аждар рўпарасида фаромуш ётибдилар... Во ажабо, бу қандоқ расволик! Дарҳақиқат оламда гап кўп, катта можаролар бўлмоқда!

Абдуваҳоб Шоший Русияда юрганидаёқ бу ҳолдан огоҳ бўлган эди. У ўша Шимол мамлакатида қолиб, унинг фуқаролигига ўтмоқчи ҳам бўлди. Лекин ватан оҳанрабодек тортиб, қайтиб келишга мажбур бўлган,

Абдуваҳоб дунёда бўлаётган аҳволни бошқалардан кўра аввалроқ, бир босдан яхши сезиб олган.

Аслида аҳвол бундоқ эди:

...Ҳиндистондаги инглиз генерал-губернатори Окленд июнь ойида Лоҳурда Ранжик Сингх ва қочоқ шоҳ Шужо билан Кобил амирига қарши уч томонлама шартнома имзоладилар. Ост-Инд компанияси Сингх қўшинлари ёрдамида Шужонни Афғонистон тахтига қайтадан чиқариб қўйишлари керак эди. Айни вақтда шуни ҳам кўрсатиб ўтмоқ керакки, Афғонистонга қарши уруш тайёрланаётган пайтда инглизлар Ўрта Осиёга қарши ҳужум қилиш учун майдон сифатида фойдаланиш режасини тuzиб қўйган эдилар. Бу режаларини амалга ошириш учун улар тез суръатлар билан бу давлат ерларини ўз кўрғонига айлантириб ва шу ердан Ўрта Осиё халқларига қарши ҳужум қилишни кўзда тутганлар. Шу мақсадларига эришиш учун улар тезда Келат ҳокими Меҳробхонни ўз томонларига оғдириб олишлари керак эди. Чунки Сийистон, Хуросон ва Ўрта Осиё томонларни ҳам босиб олиш учун қўшинларга қулай йўл мавжуд эди. «Қандахор, Сийистон, Хуросон ва бошқа жойларда жанг олиб бориш учун Белужистон энг яқин таянч нуқта бўлиб қолади», деб ёзган эди, ўша вақтда инглиз газетаси «Таймс оф Индия».

Инглизлар кузда Афғонистонга қарши уруш очиб, қисқа вақт ичида Қандахор, Ғазна ва Кобил шаҳарларини босиб оладилар. Дўстмуҳаммадхон қочади.

Келаси йил март ойининг охирларида Пешоварда инглизлар афғонлар билан «дўстлик» деган сулҳ тузадилар. Инглизлар «Афғонистон тупроғини бутунликда сақлаш» учун имзо чекадилар. Дўстмуҳаммадхон эса инглизлар билан келишиб: «Дўстларнинг дўсти, душманларнинг душмани бўлиб қоламан», деган ваъда беради. Бу «сулҳ»нинг найзаси Русияга қаратилган эди. Афғонларнинг қўли бoғланиб, бундан фойдаланган инглизлар Ҳиндистондаги халқ ғалаёнларини бостириш учун қулай фурсат топдилар. Кейинчалик бу сулҳ махсус конвенция билан тасдиқланди. Инглизлар Афғонистоннинг айрим жойларига кириб боришга муваффақ бўлди.

Шу билан бирга инглизлар Дўстмуҳаммадхоннинг Ҳиндиқушга қарши қилаётган босқинчилик ҳаракатларини маъқул кўришарди. Чунки, унда ўзбек хонликлари

ри ҳали ҳам мавжуд бўлган. Бу нарса англизларни ғоятда қизиқтирарди. Бу ёвуз ниятларини амалга ошириш мақсадида англизлар Кобил амирини қурол-ярроғлар ва пул билан таъминлади. Амударё ёқасидаги ўзбек ва тожик ерларини афгонлар ёрдамида босиб олиш учун мўлжаллади. Бу билан улар Бухоро амирига қарашли ерларга чиқиб олиб, шитоб билан Ўрта Осиёни тамоман эгаллашни мақсад қилиб қўйдилар. Улар йўллаган Муҳаммадхоннинг кўп соғли қўшини Ҳиндиқуш тоғларидан ошиб, ўзбек хони қўшинини Сайхон деган жойда тор-мор келтириб, Балхни қўлга киритди. Балхда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиб, яна қаттиқ жанглар билан Оқсувни босиб олди. Шу оғир вақтларда ҳам ўзбек хонлари бир-бирлари билан қирпичоқ бўлиб юз бераётган тортишувларга барҳам бермасдан аксинча уларни кучайтирганлар. Бундай шароит, албатта душманга жуда қулай эди.

Инглизлар 1863 йилда Бадахшонни босиб олиб, кейинчалик Майманани таслим этдилар.

Шу йиллари Россия жанубдаги қозоқ ва Ўрта Осиё ерлари билан қўшилиш ҳақида шўшилишч тадбир-чоралар кўрарди...¹

Абдуваҳоб Шоший жанубдан келаётган англиз қўшинларини, уларнинг босқинчилик сиёсатини яхши билиб олган эди. У энди ўзининг бу зиндондан, айниқса, чоҳдан чиқиб, ёруғ дунёни кўришга кўзи етмаса-да, ҳали қиличини қинга тиқмаган эди. У кўнглидаги гапларни, кўрганларини, англизлар яъжуж-маъжуждек бу томон силжиб келаётганини элга маълум қилмай ўзи билан гўрга олиб кетишни лозим топмади. Агар унинг овози етса, бу ҳақда дунёга жар соларди. Унинг фикрича, шимолдаги Русия давлати билан яхши қўшничилик қилиш, ундан ибрат олиш, тараққиёт авж олган мамлакатга кўпроқ бориш, албатта керак эди. Бу гапни у мартабадор шахсларга ҳам айтди.

— Агар сиз бўлмаганингизда, бу гапларни деворга ҳам айтардим,— деди Абдуваҳоб Шоший андек кулимсираб,— деворнинг ҳам қулоғи бор, дейдилар. Хайрият бунда сиз дўстлар бор экансиз, сизларга айта бераман. Назаримда, мен кўп яхши нимарсаларни кўрдим. Мен шундай бир ҳақиқатни кўрдимки, уни элдан яширол-

¹ Тарихчи Л. Пикулин маълумотидан.

маймап. Агар бугун мен яширсам, эртага барибир у ошкор бўлади. Юртимиздаги қирғинларни тугатмоқ, тараққиётга юз тутмоқ учун Русия билан иноқ бўлмоқ ва ёки қўшилмоқ айни муддао!

Мирҳайдар Абдуваҳоб Шоший сўзларини берилиб тингларди. У дунёда кўп гаплар бўлаётганини, катта муҳорабаларга тайёрлик кетаётганини пайқади.

Абдуваҳоб Шоший мурдадек чўзилиб, ухлаб ётган чол ёнидаги ўз бўхчасини титкилаб, ундан бир китоб олди.

— Бир амаллаб шуларни кўрпа орасида олиб кирдим. Китоб-дафтарим бор, лекин сиёҳ-лас йўқ. Сиёҳ топсам, тарих ёзмоқчиман...— деди у қўлидаги унча қалин бўлмаган китобни оча туриб.— Бу ҳўқандлик Мирзо олим Мушриф мавлононинг «Ансобул салотин» китоблари. У ҳазрат ўз ичимиздаги ноиноқлик ва можароларни тарих қилиб ёзибдирлар. Бизнинг ҳокиму ҳукамолар ўзаро жанжал қилиб, мол-дунё талашадилар ва лекин инглиз қўшинлари бир ҳамлада уларни ютиб юборишини пайқамайдилар. Мавлононинг китобларидан бир неча ўқиб берсам...

— Соз бўлар эди,— деди Мирҳайдар иштиёқ билан.

...Ҳазрат фармони ила Оқмасжид устига қўшуни беадад бирлан Шодмонхўжа додхоҳ ва Муҳаммадкарим шайх ва Саримсоқ додхоҳни буюрдилар. Эrsa булар бориб урушга рўбарў бўлмай, тўқайларда жонларини асраб, Русиядан қочиб келдилар. Эrsa хон ҳазрат булардин малол хотир бўлиб, ғазаб бирлан либоси заифона кийдуриб, ўрданинг шифангида олдиға чарх қўюб йигиртурдилар. Вақтиким, Маллабек тахти ҳукуматда ўлтуриб ҳукмронлик қилди, эrsa Ботурхон Бухороға тақлид қилиб устойи нажжорларға тахта буюрди, азбаройи гуноҳкор одамларни урмоқ учун. Чунон тез ва сиёсатлик бўлди ва андак баҳона бирла яланғоч айлаб, егмиш беш тахта урар эрди. Мардумий қўрқутуб олди, сипоҳ ва фуқаро дойим ваҳм ва ҳаросда эрдилар. Шул аснода фирқайи Русия Пушкак ва Хушнак тарафидан хуруж қилди. Эrsa Олимбек додхоҳ ҳокими Андижон эрди ва Қаноатшоҳ Тошкандға ҳоким эрди ва яна Хўқанд гала ботурларини бир неча ряста бирлан Андижон лашкариға ҳамроҳ қилиб, Тошканд ва Қурама қўшуни бирлан Қаноатшоҳға фармоийиш қилиб, ёрлиғ, асби шива, жабдуқи тилла, сарупойи

олий Олимбек додхоқдин Қаноатшоҳга меҳрибонлик қилиб йибордилар. Эраса шикаст-рех асбоби тўб ва тўпхона ва машқи камони сарбоз ва гала ботурларга иштиғол айлаб, тараддудга тушуб, ҳар кун бир масжид тарафига бориб, тўб машқ қилдурар эрди. Қазоро бир кун машқга чиқиб, тўбчи ва сарбозга қаҳр ва ғазаб бирла машқ буюрди, нишона қўюб оттурди. Эраса тўбчилар ҳарчанд жидду жаҳд бирла тўб оттилар, нишонага тегмади, эраса Қовус додхоқ тўбчибошини чарлаб, қаҳр ва ғазабланиб шамшири бирлан чофти, боши танидан жудо бўлди. Барча халойиқларнинг ҳуши бошидан учиб, тирикликдан умид уздилар. Ҳамма маъюс ва хомуш бўлиб, таваҳхуға қолдилар...

...Шу кундан бошлаб бир ҳафтагача китобхонлик бўлди. Абдуваҳоб тўрт-беш варақ ўқигандан сўнг, китобни қизиқ жойида ёпиб, қолганини эртага бошлашини айтарди. Шу орада Ўрда ичидаги ғийбат, сирли жанжаллар ҳақида гапириб берарди.

Кейинги ҳафтalarda негадир саррож чолнинг овқатга унча қарагиси келмай, мазаси қочиб қолди. У кун бўйи ётган еридан қўзғалмасди. Аҳён-аҳёнда сув ичарди. Мирҳайдар билан Абдуваҳоб чолга нафас олиш енгил бўлсин деб, белбоғнинг икки томонидан ушлаб, уни елпишарди. Чол беҳол бўлган чоғларида китоб баҳсини ҳам тўхтаиб қўйишарди.

V

Жарариқлик, сақичмонлик ва себзорликлар кўтарган ғалаёнга Кўкча, Чиғатой, Оқтепа томондан келган бир гуруҳ одамларнинг қўшилганига ҳам қарамай, натижа чиқмади. Аввал қози калон Ҳакимхўжага, кейинчалик Тошкент беги Алимқулига берилган арзнома ҳам беоқибат қолди, чунки кулолнинг гуноҳидан фақат ҳазрат Худоёрхон кечиши мумкин экан. Ўрдани ёқалаб, зиндон дарвозаси ёнида тўпланган оломонни ўткир қилич таққан сипоҳлар сиёсат қилиб, ҳайдаб юборди. Лекин ўз маҳаллаларига бўлиниб, тарқалиб кетаётган кишилар юрагида интиқом ўти борган сари алаиғаланарди.

Шу кун кечқурун Мирсаид ҳам тўда ичидан чиқиб ўқинганича кириб борди. Еш ўғлининг ғалаён ичида юриши Шаҳриниса холани безовта қила бошлаган эди, лекин кейинчалик бу ғалаён бегуноҳ устани зиндондан

қутқариб олиш мақсадида бўлаётганини пайқайди. Кичик ўғли Мирёқубнинг шу паллада Ўрдада юриши эса аждар оғзида тургандек кўринди. Мирёқуб тинчгина кулолчилигини қилаверса нима бўлар экан! Отга ишқибозлик ҳам шунчалик бўладими!..

Галаёнга қозикўчаллик хўжалар, тўқлижаллоблик заргарлар қўшилмаган бўлса ҳам, бу кўчалардаги гулзор ариқлари шариллаб оқаётган ҳовлиларда илгари ҳеч кимса диққатини тортмаган қўрғонтагилик «Мирҳайдар кулол» номи тилдан-тилга ўтди. Саидкаримбойнинг жияни эканлиги билан гердайиб юрадиган Жиннихўжа (асли исми Ақобирхонхўжа) «Мирҳайдар кулол қароқчиларга қўшилиб кетгани учун зиндон қилинди», деб гап тарқатди. Лекин Жиннихўжанинг гапи маҳаллада ҳеч таъсир кўрсатмади. Себзорлик Қамбарали: «Мирҳайдар акамнинг эл ичида эътиборлари ошиб кетгани, бунинг устига бекка қарши сўз айтганлари учун зиндонга ташлашди. Бу — адолатсизлик!» деб айтди. Ҳар қалай шаҳарда «зиндон қилинган Мирҳайдар кулол» номи оғиздан-оғизга кўчди.

Жума куни Мирёқуб бирровгина ҳовлига кириб, яна Ўрдага жўнади. У онасини тинчитиб, қўрқишнинг ҳожати йўқлиги, кулолчиликдан кўра ҳам бунда кўпроқ пул тушираётгани, Авлиёқул амаки дадасининг эски ошнаси эканини айтди. Шаҳриниса хола туриб-туриб ўғлининг раъйини қайтаролмади, у ҳовлидан чиқиб кетаётганида ҳам индамай, фақат эҳтиёт бўлишни таъкидлаб, дуо қилди.

Мирёқуб одатдагидек Бегларбеги мадрасаси ёни билан Ҳадрага келди. Ундан сўнг Қорёғдидан ўтиб, кўприкка, кейин Ўрда дарвозасидан ўтиб, ўнгга — узун йўл билан отхонага юрди — шаҳардан чиқиб келган киши икки томонга майда дўконлар тизилган анҳор кўприги ёнида андак тўхтаб, Ўрда дарвозасига кўз ташлади. Дарвозанинг икки томонида қилич осган икки сипоҳ доимо шай турарди. Дарвозадан киргандан сўнг катта ҳовли саҳни бошланиб, тўғрида япалоқ ғиштдан баланд кўтарилган бир қаватли бино. Бинонинг ўнг томонида саккиз қатор зина билан чиқиладиган катта айвон устунлари баланд шифт тоқиларига туташган. Айвон олдигаги кавуш ечадиган йўлакдан ичкари хоналарга кирилади. Айвон атрофи гулзор — атиргуллар очилиб ётибди. Айвоннинг чап томонидаги икки катта хонага қишлоқ

гиламлар тўшалган, ўртада катта хонтахта. Хона шифти, тоқилар, устунлар нақшлашган. Бу — Алимқулибек хонаси. Кенг ҳовли атрофида яна бир неча бинолар бўлиб, уларда яна бошқа амалдорлар, мирзолар иш юритади. Ўрданинг кун чиқиш томонидаги ихчам ғиштин хона — хазина, унинг сўл томонидаги хоналарда тўпларнинг ўқ-дориси, баъзи қурол-яроғлар сақланади. Бу томондаги кенг майдонда ҳарбий машқ — отда чопиб новда қирқиш, тирандозлик, пилта милтиқ отиш каби машқлар ўтади. Бу майдоннинг юқоридаги узун кетган отхонада сарбозлар, қўшин бошлиқларининг отлари туради. Ўрданинг сиртида — анҳорнинг нариги бетиде зиндон жойлашган. Ўрда дарвозасидан киргандан сўнг қатор терраклар орасидаги ғишт ётқизилган йўл тўғри катта айвонга олиб боради. Бундан бек хонасига кирилади. Ўрда атрофи баланд девор билан ўралиб, шаҳарнинг Қашқар дарвозасига яқин туради.

Шу жума кун сарбоз Султопмуҳаммадбек отини эгарлаётган Мирёқубни ўз ёнига чақирди. Мирёқубнинг юраги шигиллаб кетди — шаҳарда «Мирҳайдар кулол исёни» ҳақидаги шов-шувлардан ўзини четга олиш — каклик сифат яширинишнинг ўзгинаси эди. Лекин Мирёқуб Ўрдада отаси ҳақида гап айтмасди.

— Ўғлим, отанг зиндон қилинибди... — кекса сарбоз бу гапни савол тарзидами ёки ачиниш белгисидами Мирёқубга тикилиб гапирди.

Унинг тўсатдан ранги ўчиб, сарбоз қаршисида бош эгди. Бир лаҳза тикилиб турган сарбоз яна ўртадаги сукутни бузди.

— Ачиндим, гуноҳини худо кечирсин. Бор, отга қарай бер!

д

Мирёқуб яна ер тепиб турган зулукдек қорабайир ёнига борди. У уйга жуда паришон қайтди. Чарх тепаётган акаси ёнига келиб, тараш қилинган идишларга кўз ташлаб турди. Укаси руҳининг настилиги Мирсаидга ҳам ўтди, у ҳам хомуш тортди. Отанинг сал кам бир йилдан буён зиндонда ётиши бу хонадонда бор бўлган қувончнинг ҳаммасини ютиб юборган. Мирсаид ўз қариндошларининг қизига унаштирилган эди. Тўй ҳаракатлари ҳам бир ёқда қолди. Мирёқубнинг юрагида бирваракайига икки ташвиш ётарди: бири — отасининг зиндонда ётиши, иккинчиси — гуноҳкорнинг ўғли эканини бек билиб қолгудай бўлса, дарҳол уни ҳайдаб

юбориши мумкинлиги. «Қарчиғай»ни ҳам унинг қўлига ишониб бермаслиги аниқ эди. Мирёқубда Ўрдада астойдил хизмат қилиб, кейинчалик, сарбозликни ўрганиб, бек инояти билан бирон мартабага ўтиш — ясовул ва ёки ўйбоши бўлиш нияти ҳам йўқ эмас эди. Лой ийлаб, кулолчилик қилишни ёқтирмас, у кўпроқ дабдабани хуш кўрар эди. Амакиваччаси — кичик Ёдгор акасига қарашиб турарди.

Чарх тепиб турган Мирсаид укасига ўгит берди:

— Мирёқуб, шунча гаплар бўлиб турибди... Адамни қамаганлар ҳам Ўрдадаги бегу амалдорлар, ўша ерга бормасанг яхши бўларди.

Мирёқуб индамади. Ариқ бўйида чўққайиб ўтирган Шаҳриниса хола бу гап қулоғига чалиниши билан ўрнidan дик этиб турди:

— Мен ҳам айтмоқчи эдим, болам. Кўпроқ эмас камроқ ермиз. Ҳозир кулоллик ҳам ёмон эмас, хурмача яхши ўтяпти. Отбоқарликни қўя қол, негаким сипоҳлар билан ошна бўлиш хайрли бўлмайди.

— Йўқ,— деди Мирёқуб.— Сарбоз Султонмуҳаммад амаки кўп яхши одам. Мен кейинчалик у кишидан адамнинг гуноҳини бек ҳазратларидан сўратмоқчиман. Ҳазрат «Қарчиғай» отларига яхши қараганимдан мамнунлар, бундан аввал икки бор елкамга қоқиб таҳсин айтганлар.

Мирёқубнинг гапига қулоқ солиб турган Шаҳриниса хола ҳам, Мирсаид ҳам ўйлаб қолишди. Бир ҳисобда унинг ўйлаган тадбири ҳам тўғридир...

— Бекнинг раҳмдиллик қилишига ишонмайман,— деди Мирсаид,— бек қаҳри қаттиқ одам. Уч маҳалла қўшилиб, арз билан бордик, арғимиз ўтмади. Сенинг ўйлаганинг — хом хаёл.

— Ҳе, бўлмаса сенинг ўйлаганинг тўғри! Сенда ақл бўлса, тўдаланиб бориб қутқариб бўладими! Бекнинг уч минг сипоҳи борлигини биласанми? Ҳамма маҳаллани бошлаб чиқсанг ҳам бир лаҳзада чопиб ташлайди!

Мирсаид укасининг жаҳлини қўзғамай, гапни тугатиб қўя қолганидан Шаҳриниса хола қувонди. Икки ўғилнинг жанжалига ҳеч тоқати йўқ эди. Мирёқуб акасига нисбатан бир қадар жиззакироқ. От ишқибозлиги бу йигитни ота касбидан узоқлаштирди.

Мирёқуб тонг отиши билан яна тўриқни чоптирганча Ўрдага келди. Баъзи куплари у бунда ётиб қоларди,

Сарбоз Султонмуҳаммад қўлида ўн беш чоғли отбоқар йигитлар бўлиб, каттаси Авлиёқул ота. Улар асосан лашкар бошлиқларининг отларига қарардилар. Бу ерда ҳаммага таниқли бўлган «Қарчиғай»га Мирёқуб қарарди. Сарбознинг тан олишича, Мирёқуб ўзига «Қарчиғай»га қараганчалик ҳам қарамасди. Унинг бор-йўғи шу от, уни боқиш, ювиш, тараш унга чексиз завқ берарди.

VI

Кунлардан бир куни Мирёқуб «Қарчиғай»ни тайёрлаб, катта ҳовлига олиб кирди-да, бекнинг ичкари ҳовлидан чиқишини кутиб турди. Қорабайир ер тепинар, ўрда ичидаги бошқа хизматкорлар, қилич осган сипоҳлар атроф-атрофдан отга тикилишар эди. От пишқирар, олдинги оёқлари билан ерни титкилар, офтобда усти кумушдек йилт-йилт қилар. Ҳамма унинг келишган қома тига маҳлиё. Агар улар отга Мирёқуб кўзи билан қарашганда — дунёда мана шу «Қарчиғай»дан кўра чиройли нарса йўқдек. Мирёқуб отнинг бўйнига шаппатилаб эркалар, ён-верига қараб қўяр, бирон ерида жиндек губор йўқмикан дегандек, қайта-қайта кўз ташлар эди. У дамо-дам ичкари ҳовли эшигига кўз ташлар — ҳазратдан дарак йўқ, ундан сўнг ташқарига — катта дарвоза томон боқар, бек йигитлари ўз отлари ёнида шай туришар эди.

Бир муддатдан сўнг ичкари ҳовлига кираверишда икки одам кўринди, уларнинг бири — бек, иккинчиси — сарбоз Султонмуҳаммад эди. Мирёқуб отнинг жиловини сўл қўли билан ушлаганича қотиб туриб, яқинлашиб қелаётган бекка ўнг қўли кўксига бош эгиб, салом берди. Султонмуҳаммад билан ниманидир гаплашиб келаётган бек, Мирёқубга яқинлашгач, жуда меҳрибонлик билан елкасига қоқди. Мирёқуб кўпдан бери бундай илтифотга эришмаганидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Ҳамма вақт хўмрайиб келиб, отга минадиган серзарда бек негадир ҳаммага жилмайди, отбоқарини навозиш қилди. У одатда отбоқарга эмас, отга қарарди. Бу сафар у «Қарчиғай»га эмас, Мирёқубга қаради. Шу лаҳзада Мирёқуб назарида дунёда бекдан меҳрибон одам йўқ эди. Шундай меҳрибон одам отаси гуноҳидан ўтмаслиги мумкин эмас. У бир оғиз айтса — иш битади. Мирёқуб қулай фурсатни пойлаб юарди.

... Алимқулибек эллик ёшларда бўлиб, баланд бўйли, қора мўйлов, бир оз қисқ қўз одам. У тўни ичидан малла ранг пешмат кийиб белини қалин камар билан сиқиб боғлайди. Оёғига баланд пошна этик, қишда қоракўл телпак, ёзда дўппи кияди. Овози йўгон, камгап, серзарда. Унинг очилиб кулган, табассум қилган чоғлари кам бўлади. Умрининг кўпчилиги жанг-талашларда, чопқинларда ўтган. Мадраса, китоб, шоиру шуаро, фозилу фузалоларга асло тоқати йўқ. Шайхулислом билан қози калондан ташқари «латта чайнар майда имом, эшонларга» ҳам тоқати йўқ. Кейинги пайтларда Тошкентнинг Қўқонга тобелиғини ҳам тап олмас, аёнлар орасида «Тошканд беглиги»ни улўғлаган кимсага алоҳида эътибор билан боқар эди. Бек кайфиятини яхши биладиган Насриддинбек, Султонмуҳаммад сарбоз ва бойлардан Солиҳбой, Саидкаримбойлар ҳамма вақт ҳурмат, иззат кўрардилар. Бек шикорни ёқтирар, айниқса қарчиғай билан овни хуш кўрарди. Одамлар бекни уч ном билан: ўрдадагилар — «буюк ҳазрат», сипоҳлар — «сардор», шаҳар халқи — «амир лашкар» деб атади. У гўштор, вазминлигига қарамай отга енгил минар, Султонмуҳаммад сарбоз навкарларга машқ бераётганида келиб қолгудай бўлса, отда чопиб қилич солишни, новдаларни узиб туширишни кўрсатар эди. Сарбоз ва навкарлар унга таҳсин айтардилар. Дарҳақиқат, у қилич солишда қаммадан ҳам эпчил эди. Кумуш қуббалар қадалган сербар камарида қизил филофлик исфихон, чап ёнида Худоёрхон туҳфа қилган фаранг тўппонча осилиб турарди.

Бек билан Султонмуҳаммад сарбоз Мирёқубга боқиб, жилмайишди. Бу Ўрда хивматчилари, сипоҳлар учун, айниқса Мирёқуб учун ҳеч кутилмаган бир ҳол эди. Басавлат бек овозини андак пасайтириб гап сўради:

— Қалай, отга яхши қараяпсанми, йигит?

— Албатта, тақсир,— деди Мирёқуб шошиб, дудуқланиб.

— Қарчиғай яхши-я? Сен ҳам яхши кўрасанми?

— Бўлмасам-чи, яхши кўриш ҳам гапми...

— Бу йигит отга ишқибоз,— деди бек Султонмуҳаммадга боқиб, (у бундай жилмайган вақтларида кўпинча Худоёрнинг «доно тadbирлари»дан куларди).— Шунинг учун ҳам уни яхши кўраман. Бу йигитга сарбозлик-

ни яхшилаб ўргатинг, кўп машқ қилсин! Бояги гапларимга тушунгандирсиз, қўшинни кўпайтириш жуда керак.

— Тушундим, саркарда амри биз учун қонун,— деди сарбоз одоб билан.

— Сенинг ташвишинг борлигидан бу киши мени хабардор қилдилар,— деди яна бек Мирёқубга қараб.— Яхшики бахтинга мен борман. Сидқидиллик билан хизмат қил, худони ёддан чиқарма. Вақти келиб, сени хурсанд қиламиз...

Мирёқуб нима дейишини билмай яна гулдираб қолди.

— Доимо омон бўлинг, мартабангиз яна зиёда бўлсин де, қисталоқ!— деди Султонмуҳаммад Мирёқубга ўргатиб.— Қулингизман, мишга жоним бўлса, ҳаммаси сизга фидо бўлсин демайсанми!

Мирёқуб сарбоз айтган гапларни бир бошдан такрорлади.

Бек отга мишаётган эди. Мирёқуб эҳтиёткорлик билан оёғидан кўтариб юборди. Нанки кўтариб юбориш, у бу этикка пешонасини суркашга тайёр эди.

Бек ҳовлидан чиқиши билан ўн чоғлиқ қуролли суворилар ҳам саф-басаф унинг кетидан чиқиб кетишди.

Бек Тошкент сарбозлари ичида Султонмуҳаммадни айниқса хуш кўрарди. У билан чақчақлашар, баъзида ҳазиллашар, «хўроз» деб атарди, нмо-ишора билан аския ҳам айтишар эди. Бу одамни бир кун кўрмаса, ҳовлисидан ҳам чақиртириб келар, ҳатто бошқа сарбозлар ҳам бек Султонмуҳаммадни яхши кўришини билар, унинг ёнида бошини қуйи солиб юрадиган бу зағчақўз одамни мақташар эди. Сардор Насриддинбек, юқори мартабадор Асадуллоҳон, илгариги бек Азизбачча жанобларининг биродари Абдушукур қори, Мулла Қўшоқ қози калон ва бошқалар ҳам бекка яхши кўриниш, унинг тажангликдан тушишини мўлжаллаб бу «Або Муслим» дан гап очишар, жиндак қаҳ-қаҳлашиб олишар эди. Бек Худоёрхоннинг нодонлигидан кулмоқчи бўлса фақат Насриддинбек билан Султонмуҳаммад олдида айтарди. Асадуллоҳоннинг «Хўқанд кишиси» эканлиги, ҳатто ҳазратнинг махфий одами гумон қилиб, бу юқори мартабалик «фитнагар» ёнида Қўқонга тегадиган гап айтмасди. Асадуллоҳон бу ердан йўқотиш ҳақида кўп урилиб иложини тополмагач, кунлардан бир кун у сарбозга «қўл орқасида қўл бор» деб, тегмай қўя қолди.

Оқмачит қўлдан кетиб, жанг Туркистон, Авлиёотага кўчганида Ўрдага шошилич ишлар билан икки бор Султонсодиқ Кенесари келиб кетди. У ўзини бек даражасида юқори тутар, Насриддинбек билан Асадуллохонни унча назар-писанд қилмас эди. Шу сабабли бўлса керак, муғамбир Насриддинбек Султонсодиқнинг Алимқулибек билан учрашувларида ҳамма вақт ҳозир бўлар, ишнинг боришини диққат билан кузатар эди.

Бек шу куни ўз фидойи навкарлари билан Ниёзбеги қалъасини кўздан кечириб, кун ўрталарида Ўрдага қайтиб келди. «Қарчиғай»ни Мирёқубга топширгач, панжарадор айвонга чиқди. Султонмуҳаммад билан Насриддинбекни чақиртирди. Чақирилмаган бўлса ҳам суқилиб келган Асадулло бек билан қуоқ омонлашиб, бугун Ўрдага Саидкаримбой келгани, бек билан бир зарур масалани гаплашмоқчи эканини маълум қилди. Бек бои келганидан хабардор эканини, эртага учрашажагини айтди. Асадуллохон яна тура беришни ноқулай сезиб, панжарали айвон зинапояларидан пастга тушиб ҳовлидан чиқиб кетди. Сардор Насриддинбек тил тагига нос ташлаганини кўрган Алимқули дарҳол чилим чақирди. Хизматкор кўтариб келган жез қопланган чиройли чилимни қулдиратиб икки марта узун-узун тортди-да, оғзидан бурқитиб тутун чиқарди. Бир лаҳзалик суқутдан сўнг сарбозга гап қотди:

— Нафасингиз чиқмайди? Бақа ҳам одамга қараб туриб, хўп беўхшов махлуқ экан-да, дермиш...

— Уша бақа билан икковимиз жуда иноқмиз, шуни айтмоқчимисиз, ҳазрат?— деди сарбоз Насриддинбекка имо қилиб.

— Ҳа, Кулонкурсултон, бугун жуда қу-қулаб қолдингиз, бу ғолиблик нишоними ёки Қарчиғайдан тўкилганлардан дон топдингизми?

— Хо-хо-хо-о!..— Овозининг борича кулди бек одатдагидек кўзлари қисилиб кетиб.

Сарбоз Султонмуҳаммад қайириб жавоб қилди:

— Қу-қу эмас, қичқаришга қичқирамизу, лекин тожимиз йўқ, у ўзларининг бошларида,— деди хириллаб, — лекин бузрукворимизнинг ўркакларига чиқиб туриб қичқирсак бутун Тошканд аҳли эшитарди.

— Оббо, Кулонкурсултон!— деди бек.— Пихингиз қайрилиб кетибди, ўртага солиб, бир томошангизни кўрмоқчиман...

— Ха-ха-ха-х-о-о... Айни муддао! Ҳзимиз ҳам бу ердаги макиёнлар билан дон олиша бериб зеркиб кетдик. Бундоқ бир ўртага тушмоқчимиз, ҳа, калла эмас, новда кесавериб ўтинчи бўлиб кетдик. Бизни ўртага ташласангиз, ўзлари бир тош ердан бўйин чўзсалар ҳам кўра берадилар. Лекин бақа ҳазратлари яқинроқ келиб кўрмасалар, оёқ остида эзилиб қоладилар. Ёки бир пиёла сув бўлса, ичига солиб қўярдик...

— Ихти-ихти-ихти...— тиззасига урди Алимқули,— сиз ҳам бир нима десангиз-чи! Лаб-даҳан борми?!— Насриддинбекка қаради у.

У гап билмас эди, қизариб, кулиб ўтира беради.

— Азизлар,— деди Алимқули,— даштга юборилган қўшин пароканда бўлиб, орқага қайтиб келди. Шодмонхўжа додхоҳ, Саримсоқ додхоҳларнинг куни келиб Хўржандга қайтишга юзи йўқ, бунда юрибди. Рақибимиз катта қўшин билан яқинлашиб келмоқда. Йигитларни суръат билан тайёрламоқ лозим. Бир неча бойларни бунда таклиф этдим: мақсад — маблаг тўплаб, қўшинни кўпайтирмақ. Кулонкурсултон, бундан буён макиёнлар билан дон олиша берманг! Макиёнлар, туллаклар, лочину қарчиғайларнинг қўлларига қилич бермоқ керак! Тушундингизми? Асадулло аблаҳнинг ҳеч нарсадан ҳабари йўқ, беклик талашиш, ишрат билан овора. Бошимиздан таҳлика кўтарилгунича одамларга яхши гаплар айтмоқ керак. Бойлар хайр-эҳсон бериб турсин. Қози калонга айтдим, раҳмдилроқ бўлинг, дедим. Ҳибс этилганлардан бақувват йигитларни танлаб қўшинга оламиз. Лекин ҳазратнинг ишларига ҳайронманки, у жаноб Мусулмонқулидан қутулиб, базми жамшиддан бўшамай қолдилар...

Қаҳ-қаҳлашиб турган сардор билан сарбоз дарҳол жиддий тус олди. Улар бек айтаётган — даштдан келаятган ёвни билардилару, аҳвол жиддийлашиб қолганидан унча хабарлари йўқ эди.

— Келаси ҳафта мен қўшин билан Туркистон бормоқчиман. Иншоолло...

Алимқулининг сўзини сукут ва итоаткорлик билан тинглаб ўтирган Насриддинбек гап қотди:

— Фуқаро ичида ғалаёнлар бўлиб турибди, хабарингиз бор. Сиз, элга навозиш кўрсатинг дейсиз қандоқ бўларкин? Камбағални сийласанг чориғи билан тўрға чиқади. Биз уларни сийласак чориқ билан тахти равонга

чиқиб олмасмиканлар? Асадуллохонни навкарлар билан ғалаён устига юбориб, сиёсат қилдим. Емонлар кўпроқ Кадвот, Қўрғонтеги, жарариқлик қосиблар...

— Сардор, кўп гўл бўлманг, бу ишлардан хабарими бор, фуқаро — бир пода, бизлар йўлга бошламоғими лозим. Серка подани қаёққа бошласа, шу ёққа кета бе ради, билдингизми?

— Фуқаро сизни «саркарда Алимқули амир лашкар» деб атайди, — деди Султонмуҳаммад гапга араллашиб, — эътиборингиз жуда улуғ. Қипчоқ ҳазратдан сизнинг эътиборингиз юз чандон баланд. Сизнинг амру фармонингиз — қонун!

— Баракалла, сарбоз!

— Мен бир маслаҳат тарзида айтдим. Сарбоз айтган гаплар менинг ҳам дилимда бор...

— Сиз, андак шошқалоқсиз. Агар сизнинг маслаҳатингизга кирганимизда қўйнимизга кирган илон — Абдуваҳоб Шошийни қўлдан чиқариб, қочириб юборга бўлардик ва ёки у эл ичига кириб не фисқу фасодларни қилмоғи мумкин эди. Биз, илонни тутиб ўрата ташлаш қўйдик. Бир оз тинчигач, унинг бошини янчиб ташлаймиз. Муҳораба бораётганини биласиз, биз не таҳлика дамизу, Асадуллохоннинг пайт пойлаётгани, ҳоки бўлмоқ васвасасига тушиб қолгани бизга андуҳ солмоқда. Унга эҳтиёт бўлинглар. Ясовул бошлиғи Эшонч халфага менинг номимдан ўзингиз айтинг, Асадулкетидан одам қўйсин, кун ора бу ҳақда менга хабар қилиб турсин. Ҳўқандга юбориладиган номала пухта кўрилсин; мен сизга айтган гап амалга оширилсин.

— Тушундим, — деди Насриддинбек сарбоз ёнида бундай махфий гапларни очиқ айтишдан бирмунча ийманиб.

— Қўрқманг, сарбоздан яширадиган сиримиз йўқ, — деди бек, — бу ишни сиз ўринлата олмасангиз, сарбоз ўринлатади.

Насриддинбек бу гапдан сўнг бўшашиб, хафа бўлгандек кўринди.

— Шалвираманг, сардор. Сиз ва сарбоз, ва яна бир неча яқинларимиз борки, бағримиз бутун. Сизлар бўлмасангиз ҳокимликнинг маъноси йўқ.

— Афлотунсиз, йўқ, султон Темир мирзосиз. У зо тахту тожни сиёсат билан ушлаганлар.

— Гапларингизга тушуниб етдим,— деди Насриддинбек.

— Гап бундоқ,— деди бек яна чилим тортиб,— элга рақат яхши гапиринглар.

— Хўп,— деди чилим чекиб Султонмуҳаммад.

— Муҳораба ҳам қимордек бир нарса, гоҳ келади, оқ кетади. Мен Чимкент, Туркистонга қўшин тортиб борарканман, бир сирни сиз муҳтарам зотларга маътум қилмоғим шарт. Бу гап фақат ўзаро қолсин: агар тушман зўр келиб, биз Чимкентга ва ёхуд Тошкентга екинадиган бўлсак, Эшонча халфага менинг номимдан буюргайсиз, у зудлик билан Шайхантаҳурга — Бозори шабга борсин, ҳинди дўконларга номани берсин — у инглиз фуқароси. Яна бир амалдорни тезлик билан сафарга жўнатмоқ лозим. У тоғ йўли орқали Пешоварга боради. Муҳрланган қогозни унга Эшонча халфа беради. Бу сирдан зинҳор Ҳўқанд хабардор бўлмасин. Биз енгиладиган бўлсак, Ҳиндистон орқали инглиз ҳоқими бу юртра тездан қўшин тортиб келмоғи ҳақида аҳдлашганмиз...

Насриддинбек билан Султонмуҳаммад Алимқулибекка анқайиб қараганча оғизлари очилиб қолган эди.

— Қўрқманглар,— деди бек истеҳзо билан,— агар биз бу тадбирни амалга оширганимизда ҳам бари бир яна беклигимизда, сизлар яна ўз мартабаларингизда гураверасизлар. Эҳтимол, биз бундан кўра ҳам мартабадор бўламиз.

— Бу жуда улуғ тадбир,— деди Султонмуҳаммад,— эфарин! Мен сизни қилич чопмоқликда пиримиз дердим, сиз донишмандликда ягона экансиз.

— Бу сирлардан ўзга асло воқиф бўлмасин!

— Хотиржам бўлинг, қасамни бузсак бошимиз қиличингиз остида.

Улар учовлари ўринларидан туриб айвондан тушишди. Ҳовлидаги гулзор ёқасида тўхтаб, жўрттага шу атрофда юрган хизматкорларга эшиттириб, от ҳақида, кечаги машқ ҳақида гаплашишди.

VII

Улимдан бошқа ҳамма нарсанинг эрта келгани яхши, деб юрадиган отаси зиндонга ташлангач, Мирсаиднинг гўйи ҳам қолиб кетди. У жияни билап бир бўлиб, тирикчилик қасдида эрталабдан кечгача чарх тепарди.

Баъзи кунлари ғам юзини сарғайтган Шаҳриниса хола чарх ёнига келиб: «Бас, болам, жуда толиқиб кетдинг, дамнингни ол!» дерди. Укасининг кейинги кунларда «Адамни ўзим чиқариб оламан, пул тўплашнинг фойдаси йўқ... Бек ҳазратлари яхши одам, у киши адамни чиқарадилар, албатта чиқарадилар дегани онани ҳам акани ҳам ўйлатиб қўйди. У Урдада бўлаётган гапларнинг миридан-сиригача айтиб бериб, яхши кунларга умид бағишларди. Содда йигит Мирсаид укасининг баъзан фирромликларини билса-да, бу масалада у фирромлик қилмайди, деб ўйларди.

Бу ҳовлига келин бўлиб тушаётгани сабабли андан оёғини тортган Назира кейинги пайтда яна илгаригидек кириб-чиқиб юрадиган бўлди. У — амакисининг қизи Назира баъзида Шаҳриниса холага қарашарди. Кунлардан бир куни у бувиси билан дастурхонга зогора нон тугиб қариндошлариникига келди. Назира Мирсаид ва Мирёқублар билан бирга ўсганлиги учун улардан қочмасди. Мағрур Назира бу гал Шаҳриниса хола ва бошқалар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, ташқарига — қўрғончага чиқиб, Мирсаид билан саломлашди. Чарх устидаги Мирсаид қип-қизариб кетди. Назира ҳам қизарди. У ҳовлига ёйилган товоқларни чархга ташиётган Едгоржонга қўшилиб, иккита-иккита кўтариб тарашга элтиб бера бошлади. Мирсаиднинг «сиз овора бўлманг» деганига ҳам қарамай, ташишда давом этди. Бир муддатдан сўнг у чарх ёнида тўхтаб, Мирсаидга тикилди. Мирсаид ҳеч қачон Назиранинг бунчалик чиройли бўлиб кетганини кўрмаган эди. Кўкракбурма қарғашоҳи кўйлагини кўкси туртиб турарди. Мирсаид қизариб чарх каллагидagi товоқни пичоқ билан текислай бошлади.

— Мирёқуб акам йўқмилар?— деди Назира ерга қараб. Яктак ичидаги тепадек ёлдор кўкси терлаб, чарх тепаётган Мирсаид чархни дарҳол тўхтатиб, Назирага тикилди.

— Йўқ... Шунча айтганимизга ҳам қулоқ солмай ўша ёқда юрибди.

Мирсаид Едгорга, дамнингни ол, деб уни ичкарига киритиб юборди.

— Амакиларни кўриб келдингизми? Аҳволларини билдингизми?

— Кўриш мушкул. Ҳол-аҳволни зиндонбондан сўраб турибмиз.

— Отамлар билан бувимлар ҳар куни дуо қиляптилар. Ҳақ жойига қарор топади, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейдилар.

— Амакимлар бақувватмилар? Салом айтиб қўйинг.

— Хўп бўлади,— деди Назира,— ўзингизни жуда олдириб қўйибсиз, Саид ака?

— Йўқ, унчалик эмас. Лекин бардош беришдан бошқа илож йўқ. Пешонамизда шунча кўргиликлар бор экан...

Ичкаридан чиққан Шаҳриниса хола ҳам Назирага жилмайиб қўйди.

— Мирсаид болам, бувинглар келибдилар, ичкарига кириб, чой ич! Юринглар!

Унинг ичига чироқ ёқса ҳам ёримас эди-ю, лекин бўлғуси келини қаршисида жилмаяр, унга меҳрибонлик кўргазарди.

— Бувимларни кўрдим,— деди Мирсаид йўғон овози билан,— Ёдгоржон бир чойнак чой олиб чиқса анави супада ичардик.

— Хўп, болам,— деди Шаҳриниса хола беиктиёр ялт этиб Назирага қараб.

Мирсаид чарх устидан тушиб, қоқинди. Ариққа бориб юз-кўзларини ювди-да, белбоғи билан аргиниб сўридаги супага келди. Унинг таклифи билан Назира ҳам супага келиб ўтирди. Шаҳриниса хола парча-парча латтадан тикилган қуроқ дастурхонни ёзиб, ўртага иккита зоғора нон билан чойнак-пиёла қўйди. Ёдгор ичкаридан бир лаган тут олиб чиқди.

— Тут яна бир ҳафталардан кейин ейишлик бўлади,— деди Мирсаид чўп-барғни териб ташлаб. У тутга ёпишиб ётган тилла қўнғизни кафтига олди.

— Амакимларни чиқариб олиш учун ҳаракат қил-яписизларми?

— Ҳа.

— Иш чиқадиғанми?

— Ҳеч фойдаси бўлмаяпти. Арзнома ёздик, маҳаллалар бир бўлиб, Ўрдага кафилга сўраб бордик. Укам ҳам ҳаракат қиляпти — билмадик, нима бўлади...

Мирсаид кафтидаги тилла қўнғизга тикилиб, уни силаб учириб юбормоқчи бўлиб турарди. Ток барглари ора тушган офтоб қўнғизни йилтиратар, у қадеганда

учиб кетмай ўлгандек ётар эди. Мирсаид Назирага қараб қўйди:

— Тўполон, гап-сўз билан иш битмайдиганга ўхшайди. Мапа бунақа тилла кучли.— Улар тилла қўнғизга қарашди.— Саидкаримбойнинг ўғли ошнасини пичоқлаб қўйди. Тилланинг зўри билан ўғлини қутқариб олди.

У гапини айтиши биланоқ, тилла қўнғиз қанот чиқариб «ғизз» этиб учиб кетди.

— Мана қаранг, тилла бўлгани учун учди.

Назира жилмайдди. У пиёлага чой қуйиб Мирсаидга узатди. Ўзи олиб келган зогора нонни ушатди. Мирсаид бўлса сопол лагандоғи тутдан йўғон, бесўнақай бармоқлари билан капалаб оғзига ташларди. У Назирани ҳам тутга таклиф этди:

— Ҳозир еса ҳам бўлади, ол, унчалик бемаза эмас..

Назира нозик қўлларини узатиб тутдан олди. Мирсаид зогора нонни ҳам катта-катта тишларди. Назира ийманиб, чой ҳўплаб ўтирарди.

Икковларидан бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Назира боятдан бери қўлида ушлаб тургани — рўмолчага ўроғлик нарсани Мирсаиднинг олдига қўйди.

— Шунини мен сизга олиб келдим. Амакимни қутқариб олиш учун ишлатасиз...

Мирсаид рўмолчани ечиб, ўралган бир жуфт тилла билакузукни қўлига олиб, у ёқ-бу ёғига қаради. Кейин қуроқ дастурхон устига қўйди.

— Бу нима қилганингиз? Йўқ, асло!

— Раъйимни қайтарсангиз хафа бўламан, Саид ака

— Жуда ғалати бўлди-ку,— деди Мирсаид фавқуллодда ҳаяжонга тушиб. Ҳозиргина унинг кафтларида турган тилла қўнғиз ўрнида икки тилла билакузук турарди. У беихтиёр ҳаяжон ичида кулди.— Қизиқ...

— Қизиқ эмас, амалдорлар билан гаплашинг, берини бу тилла асбобни. Бир кун ҳам унда ётмасинлар амаким.

Мирсаид бунини олиб қолмасликнинг иложини тополмади. Агар қайтариб бергудай бўлса, Назирагина эмас унинг уйдагилар ҳам хафа бўлишини пайқайди. У тилла билакузукни олиб қолди.

Назира, кампир бувиси билан бирга хайрлашиб чиқиб кетгандан сўнг, Мирсаид билакузукларни опасига берди. Шаҳрининса хола тилла билакузукларга маҳлиё бўлиб қолди, у ўйлаб туриб кўзига ёш олди:

— Раҳматли Мастурахонники... Она мерос. Раҳматлининг бор-йўғи шу эди. Улар чоғи «шу билакузук мандаш Назирага мерос» деган. Қандай кўзи қийиб берди-я?

Она-бола таажжубланишди.

Шаҳриниса хола эртасига билакузукни Назирага қайтариб олиб борган эди, у ранжиди. «Мол топилади, оғи, буни Санд акамга берниг, амалдорлар билан гаплашишлар. Мен атай олиб бордим», деди. Бу гапни эшитган Шаҳриниса кўзига ёш олди: уйига қайтиб келиб, билакузукларни Мирсаид қўлига берди. «Укам билан маслаҳатлашиб, яна бир ҳаракат қилиб кўринглар, зора худонинг раҳми келиб ғариб отангга нажот берса» деб ҳўнграб йиғлади.

Шу куни кечқурун ака-ука она олдида бу ҳақда яна гаплашишди. Кичик Ёдгор ҳам бир чеккада қулоқ солиб ўтирарди.

— Бу яхши бўлди, Насриддинбек оға билан гаплашишга жуда қулай...— деди Мирёқуб билакузукларга кўз ташлаб.

— Қамбарали, Султонмурад акамлар билан ҳам маслаҳатлашсаммикан, улар нима деркин?— сўради Мирсанд.

— Ҳожати йўқ,— деди Мирёқуб.— шунча тўполон кўтаришиб бир натижа чиқаришолмади. Ҳамма нарсанинг отаси ҳам, онаси ҳам пул, қўлингда тилла бўлгандан кейин, ҳеч кимнинг ҳожати йўқ!

— Адамнинг шунчалик ҳурмати борки, одамлар уни қутқариб олиш учун югуришди,— деди аччиқланиб Мирсаид.— Агар сен шундоқ бўлсанг, ҳеч ким қайрилиб қарамайди.

— Ҳай-ҳай, болам,— деди Шаҳриниса ўрнидан туриб кетаётган Мирсаиднинг этагидан ушлаб,— ўтир, хафа бўлма. Охиригача гаплашиб олайлик. Қани нима қилмоқчисизлар?

— Агар менга берсанглар, олиб бориб Насриддинбекка бераман, у адамни зиндондан чиқариб юборади. Бек ҳазратлари Чимкентга кетганлар.

— Ол,— деди Мирсаид укасига ўқрайиб.— йўқотиб қўйма. Миянгни ишлатиб иш қил! Бу жуда қимматбахона нарса. Лекин буни олиб, бек фирромлик қилса, мандаш кўрадиганингни кўрасан!

— Ҳай-қай, ундоқ дема!— деб унинг гапини бўлди Шаҳриниса хола.— Тавба денгла! Бу кунимиз ҳам етмасми!

VIII

Саррож чол кейинги пайтда кўп ғингший бошлади. Унингча шоирнинг пойқадами ёқмабди.

— Сиз келганингиздан буён ўрнимдан туролмай қолдим,— деди у ётган ерида кўзларини чақчайтириб.— Илгари туриб ўтирардим...

Аввал Мирҳайдар билан Абдуваҳоб кулишди, кейин дарҳол ўзларини тутиб олишди:

— Қандоқ қилай, ота, менга қолса, бу ерда бир лаҳза ҳам турмасдим. Сўйиб юборганларида ҳам бу машаққатлардан бир йўла қутулардим,— деди Абдуваҳоб.

— Мулла ака, қўйинг, хафа бўлманг,— Мирҳайдар Абдуваҳобнинг этагидан тортди. Кейин у имо билан чолнинг ўқтин-ўқтин шундай айниб туришини билдирди.— Асло кўнглингизга олманг.— деди у секингина.

— Сиз ғайридинлар ҳақида гапирасиз. Ҳазрат Худоёрхонни ёмон сўзлар билан атайсиз. Гапларингизга қулоқ солсам Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳу-вассаллам шаъниларига ҳам тегадиган гаплар айтасиз, сиз жуҳуд домламисиз?!— деди яна ғудуллаб саррож.

— Ё тавба!

— Жим ётинг, ота, хафагарчилик бўлмасин.

— Кулол, бу одам кўзимга ёмон кўриняпти. Бойтеватни чақриб айтинг, бошқа ёққа чиқариб юборсин! Ўзимиз хўп яхши ўтирган эдик. Ҳадеб қовоқ аридек ғўнғилмайверасизларми! Бу ер зиндон — уйингиз эмас!

Чолнинг дилини оғритмаслик учун кейинги кунларда баъзан кун бўйи миқ этмай тишқовлагич яшашар, чол ухлаганида шивирлашиб сўзлашишар эди. Шу ҳафта ичи Мирҳайдар, уйдан кимда-ким келса, ҳовлидаги тутдан бир товоқ ола келсин, деб Бойтеватга тайинлаган эди. Чунки, саррож чол тутни яхши кўрарди. У шу ҳафта ичи ҳар кун «Тут ҳам пишиб қолгандир-а?» деб, бу мева фазилатини кўп гапирарди. Тутни пайғамбаримиз ҳам, саҳобалар ҳам яхши кўришар экан... Орадан уч кун ўтгач, Бойтеват бир лаган тут туширди — унинг негадир ҳиммати ошиб кетиб, тутнинг ҳаммасини туширибди. Чол ўзида йўқ қувониб, Мирҳайдарнинг бола-чақалари-

ни йиғлаб дуо қилди. «Худога минг бор шукур» деди. Мамнун бўлганидан, аввал Абдуваҳобни бекорга ранжитганини ҳам айтиб, уэр сўради.

Иккинчи ҳафтага ўтгач, чол яна ўрнидан туролмай, ётиб қолди. У уч кун осмонга қараб хириллаб, огзидан оқ кўпик чиқиб ётди-да, тўртинчи кун кечга яқин жони узилди. Мирҳайдар билан Абдуваҳоб чоҳ ичида ғассоллик қилиб, ўзлари чолни сопол қумғондаги сув билан ювишди, рўмолча билан энгагини танғишди. Чопонига ўраб, жаноза ўқишди. Эрта билан уч зиндонбон арқон билан мурдани тортиб олди.

Кейинчалик бир неча вақтгача икковлари фотиқа ўқиб, ёд этдилар: «Бу дунёда шунча азият чекди, у дунёда жойи жаннатда бўлсин», дейишди.

Унинг кейинги пайтларда жуда дилозор бўлганидан ҳам ранжишмади, негаким, зиндонда ҳам Худоёрни дуо қилиб ўтирган одамни нима дейиш мумкин эди!

Чол вафотидан уч кун ўтгач, у ётган жойдаги тупроқ ичидан уч бурчакли тумор топилди. Бунни шунча вақтдан бери Мирҳайдар кўрмаган эди. Латта ичидаги қоз ивиб кетган бўлса ҳам лас билан ёзилган «Минал золимин» сураси эканини билишди. Абдуваҳоб Шоший туморни яна буклаб зиндон қавагига тиқиб қўйди.

— Мулла ака,— деди кунлардан бир кун хомуш Мирҳайдар,— ёруғ дунёга чиқармиканмиз, ёки бу ерда чириб кетамизми?

— Ҳамма вақт умидвор бўлинг.— деди Абдуваҳоб Шоший,— фақат ишончу умидворлик эмас, тадбир излаш ҳам керак. Айни вақтда сиз билан биз бир уруғ донасига ҳам ўхшаймизки, тупроқни ёриб чиқишимиз, ўсиб барг ёзишимиз керак. Бизни чиритиб юборишолмайди, худо хоҳласа ёругликка чиқамиз! Лекин сизга бунчалик жабр қилишаётганига ақлим бовар қилмай қолди, сизга ўхшаган тўғри сўз, адолатпарварлар кўп-ку! Унда жамийки фуқарони зиндонга ташлаш керак. Менинг йўлим бошқа — мен Шимол мамлакатадаги тараққиётни мақтадим, жоҳил бўлмай маърифатга қараш лозимлигини айтдим. Мени ёмон ном билан атаб зиндонга ташладилар. Мен ўз элим фарзандиман. Танимни қирқ бўлакка бўлганларида ҳам юртимни соғмайман, уста! Улар менга тухмат-бўхтон ёғдирмоқдалар.

— Урусия жуда кучли мамлакат дейишади?

— Ҳа, улуг мамлакат, қўшини беадад Фетербўр,

Маскоп, Пскоп деган шаҳри азимлари бор. Бу шаҳар ларни тушунгизда ҳам кўрмагансиз.

Мирҳайдар Шоший сўзларига жон қулоғини бери тингларди. У аллавақтгача Шимол мамлакатининг рос таърифини келтириб, ҳикоя қилди.

Эрта билан нонушта чоғида юқорида кутилмаган гала-говур бошланди. Кишандагилар занжирларини шилдиратишар, зиндонбонларнинг бақирғи, у ёқдан бу ёққа юришлари уларни ўйлатиб қўйди. Улар икко бир-бирларига қараб, бир лаҳза индамай қолишди.

— Мулла ака, бу нима бўлиши мумкин?

— Сезяпсизми, бу нотинчлик бир ҳафтадан бери бўляпти,— деди Абдуваҳоб Шоший юқорига қараб.— Мени ҳибсга олишганида бек Оқмачит ёнидаги жангди мағлубият топиб, орқага қочди. Бу воқеадан кейин холи Алимқулига душманни Туркистондан ўтказмаслик ҳақида фармон юборган. Қозоқ беги Султонсодиққа ҳам фармон юборилганидан хабарим бор. Муҳораба яна ку чайган, ҳозир Туркистонда жанг кетаётган бўлса ажа эмас...

Орадан яна икки кун ўтди. Эрталаб тепада пайдо бўлган Бойтеват чўкка тушиб, пастга қаради.

— Нима гаплар бўляпти, иним?— деди Абдуваҳоб Шоший ўтирган жойида.

— Гап кўп...— деди одатдагидек ўзининг қўпол товуши билан,— одамларни ҳибсдан бўшатяпмиз.

— Бу хушxabар учун сенга бошдан оёқ сарупо кийгизса арзийди.

— Ҳа,— деди у заҳарханда билан.— Шоир, сизга ижозат йўқ, кулолга бор. Кулол, тайёрланиб турини ҳали замон арқон олиб келиб тортиб оламиз, маза қилиб уйингизга кетасиз.

Бу гапни эшитган Мирҳайдар ҳангу манг бўлиб қолди.

Шу лаҳзанинг ўзидаёқ озодлик севинчи юрагини қучди. Исми-жисмига монанд Бойтеват ҳам кўзига яхши кўриниб кетди. У ялт этиб Абдуваҳоб Шошийга қаради. Хомуш ўтирган шоир дарҳол бошини кўтариб Мирҳайдарга қучоқ очди:

— Кутган эдим, бу хушxabар, озод бўлганингиз муборақ бўлсин, иним!

— Раҳмат, мулла ака. Сиз ҳам чиқасиз, иншоолло чиқасиз. Олдинма-кейин бу чоҳдан чиқиб кетамиз. Яхшиликни сезиб турибман. Ҳақ жойига қарор топади

— Айтганингиз келсин.

— Золимлар юрагига худойи таоло раҳм-шафқат солиб, бизни бундоқ қийноқлардан озод этмоқдалар.

— Ҳа, биз чаёнга ҳам ёмонлик раво кўрмаймизу, лекин бу сафар бек ҳазратларининг тўнлари тор келганидан «карам» қилмоқдалар. Нима бўлса ҳамки озодлик — озодлик, унга нима етсин! Қутулиб чиққанингиздан кейин, фурсат топиб бизнинг ҳовлига ҳам боринг. Мендан салом айтинг, омон-эсон денг... Уғлингиз Мирёқубни Ўрдадан қайириб олинг. Ер-биродарлардан асло ажралманг, огир кунларимизда бола-чақадан хабардор бўлган биродарларга яхшилик қилинг, қутқариб олмоқ учун ғалаён кўтарганларнинг фидоси бўлинг, улардан ҳам яқин кишиларимиз борми бу дунёда! Биродарликдан ҳам қиммат нарса борми! Мен сиздан бир мучал каттаман, бу сўзларни айтишга ҳаддим сиғади, иним! Агар эвини топсангиз, Чорсуда, Кўкалдош мадрасаси тагида Абдурасул саҳоб бор. У кишига мендан салом айтинг, мавлоно Шоший соғ-саломатлар, денг. У киши ҳам унча-мунча ғазал ёзадилар. Лақаблари «Андалиб», кўп яхши одамлар. Китоб сотадилар. У кишидан «Хазойинул маоний»ни, яъни Мир Алишер Навоий китобларини сўранг, менга етказсангиз ўла-ўлгунча миннатдор бўламан.

— Албатта етказаман.

— «Мунтахаби девони Ҳофиз» ва ёки «Куллиёти Бедил» бор десалар, уни ҳам олинг.

— Хўп бўлади.

Шу пайт чоҳ тепасида аввал соя пайдо бўлиб, кейин Бойтеват яна икки зиндонбон кўринди. Пастга йўғон арқон туша бошлади.

Абдуваҳоб Шоший ёнидан дафтарини чиқариб, Мирҳайдарга тутди. У жуда ҳаяжонланар, шошар эди. Икки кўзи юқоридан тушаётган арқонда.

— Бунда бир неча ғазалларим бор, мавлоно Андалибга беринг. У кишининг ўзлари биладилар. Агар сизнинг чиқишингизни бир кун аввал билганимда анча тайёргарлик кўрган бўларканман.

— Ғариб кунига ғариб ярайди, мулла ака, мен келиб, ҳолингиздан хабар олиб тураман.

— Ташаккур! Лекин сиз агар менга яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, одамларга менинг ғазалларимдан бе-

ринг, ўша саҳобда бир баёз бор, унга менинг газалларим ҳам кирган. Одамлардан ажралманг, кулол. Жисмимизни зиндонда чиритиб юбормоқчилар, чиритолмайдилар!

Бойтеватнинг дағдағасидан кейин, икки биродар бир-бирлари билан қучоқлашиб хайрлашишди. Мирҳайдар арқон учини белига боғлай туриб, ёнидаги нос қовоғини чиқариб шоирга тутди:

— Олинг.

Абдуваҳоб Шоший нос қовоқни олди. Мирҳайдар увада кўрпа-кўрпачасини ҳам кўрсатди:

— Тагингизга солиб олинг, заҳ ўтмайди.

Унинг бор-йўғи шу эди. Мирҳайдар арқонни белига боғлаб олгач, Абдуваҳоб Шоший унга яна уқтирди:

— Ҳовлига борганингиздан кейин таомга эҳтиёт бўлинг. Бир ой мобайнида кам-кам овқат енг, тез ҳазм бўладиган овқатлардан. Офтобдан ҳам бир муддат ўзингизни эҳтиёт қилинг. Бундан чиққач, бетоб бўлсангиз, Шаршин тагида Юнусхон табиб бор, у кишига кўрсатинг. У зот «Ал қонун» ўқийдилар...

Бемадор Мирҳайдарни зиндонбонлар юқорига тортиб ола бошлади. У машаққат билан тепага чиқди. Чоҳ тепасида бир лаҳза ўтириб, нафасини ростлади. Кейин пастга қаради:

— Хайр, Абдуваҳоб оға, ёруғликда юз кўришгунча хайр! Худо хоҳласа юз кўришамиз, хайр!— деди.

Уни бир ҳужрага олиб кириб, «Қош қорайгунча шу ерда ётасан, кеч киргач, уйингга жўнайсан!» дейишди. Бу ҳужрада бордон устида кишандан бўшатишган яна бир неча киши ётарди. Куннинг ўрталарига бориб қилич осган сипоҳ-ясовулбоши хонага кириб, ётган маҳбусларга уларнинг ҳазрат фармони билан озод этилганини, мусулмонлар устига кофирлар ҳужум қилиб келаётганини, ҳар бир мўмин-мусулмон ўз юрти ҳимоясига тайёр турмоғи кераклигини таъкидлаб, чиқиб кетди. Буни эшитган Мирҳайдар дарҳол Шошийнинг гапини эслади. Дарҳақиқат, дўппи тор келиб қолганга ўхшайди.

Қош қорайганда ўн бештача кишини зиндон дарвозасидан чиқариб юборишди. Мирҳайдар аввал битта-битта қадам ташлаб, Қорёғдига, ундан сўнг Ҳадрадан ўтиб Масжиди жоме томон бурилди — айланма тор кўчалар билан Жарариқ томон жўнади. У ҳамма ёққа суқланиб, тўймай кўз ташлар, озодлик нашъаси қалби-

ни қучган эди. У ҳовлисига етиб келиб, ҳеч кимни чўчитмаслик учун эшикни секин қоқди. Унга эшик очган Мирсаид билан қучоқлашиб омонлашди, бошқалар билан ҳам. Кўз ёш қилаётган Шаҳринисони овутди. «Кўргулик экан, пешонада бор экан» деди уни юпатиб. Мирёқубнинг уйда йўқлигига ачинди. У шу бугун эрта билан Ўрдага кетганини айтишди.

Жума куни эрта билан бирин-сирин маҳалладагилар, узоқ-яқиндаги ёр-биродарлари эшитиб келиб, Мирхайдар билан омонлашишди, хурсанд бўлишди.

IX

Мирёқуб сешанба, чоршанбани ҳовлида ўтказиб, пайшанба куни эрталаб Авлиёқул ота хизматига етиб келди. Кекса отбоқар Мирёқуб олиб келган сопол лагандаги сомсани кўриб, чеҳраси очилди. У ҳол-аҳвол сўради. Шундан сўнг босиб уйилган сомсадан бирини олиб тишлади. Мирёқуб қараб ўтирмай, қайнаб турган қора қумғондан чой дамлади. Тилла билакузукни ёнига яширди. Шу орада ташқарига чиқиб, Ўрданинг катта дарвозаси ёнига келди: ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит. Дарвоза қоровули Мирёқубга бир қаради-ю яна мудрай бошлади. У катта ҳовлига кирди, ундан сўнг айвон ёнига — негадир мирзолар ҳам кўринмасди. У қайтиб, отхонадан ўтиб, Авлиёқул амаки ҳужрасига кирди, у ҳамон сомсани чой билан туширарди. Ора-чора жуда ширин бўлганлигини айтиб, дуо қилиб қўярди.

Исқирт кўрпача устига чиқиб чордона қурган Мирёқуб «Қарчиғай»ни эслади.

— Жонивор, урушда кўп иш кўрсатаётган бўлса керак. Бек қилич суғурса бас, учади!..

Авлиёқул амаки бош қимирлатиб, Мирёқуб сўзларини тасдиқлади. Ҳовлилар жимжит. Султонмуҳаммад сарбоз ҳам кўринмайдилар? Улуғлар ҳам кўринмайди?.. деди Мирёқуб ўзича. Авлиёқул оғзидагини ютиб бир лаҳза тўхтади.

— Сарбоз машқда. Ҳамма кетган, мирзолар ҳам кетган... Насриддинбек ҳазратлари яқинда келдилар, ичкари ҳовлидалар. Тўриқни ўзим олиб кириб боғладим... Чимкентда иш чатоқроқ кўринади. Асадуллахон юз чоғли навқар билан жўнаб кетди.

— Насриддинбек қазратларига... арзга кирмоқчидан, амаки.

— Ҳазратнинг арз эшитадиган кайфи йўқ, қаттиқ ташвишда.

— Чилим олиб кираман.

— Ҳа, бу бошқа гап.

Мирёқуб югурганича бориб, мирзолар хонасидан чилимни олиб, сархонасидаги тамакини янгилади. Катта айвондан кесиб ўтиб, Алимқули хонасига кирди. Юқорида ёлғиз, ёстиққа кўксини бериб ётган Насриддинбек ялт этиб қаради.

— Э, бор экансан-ку!— деди у қаддини кўтариб.

Мирёқуб саломдан сўнг таъзим қилди. Насриддинбекка яқин ерда чўкка тушди. Дарҳол сархонага гугурт тутатди. Бу ердаги хизматкорлардек, чилимни аввал ўзи андак тортиб, кейин елкасидаги рўмолча билан най учини артиб, Насриддинбекка тутди. У обдон қуруллатиб уч-тўрт тортди, оғзидан бурқитиб тутун чиқарди. Кейин бир лаҳза кўкариб, қилт этмай қотди. Бир нафасдан сўнг элитганини айтди. Мирёқуб югуриб бориб тоқчадан товус патидан ясалган елпигични олиб, аста-секин елпиди. Яна бир муддатдан кейин ўзига келиб ёстиққа ёнбошлади. Икки кўлини боши орқасига қўйиб, чалқанча ётгани ҳолда, Мирёқубга гап қотди:

— Яхши йигитсан, буни анчадан бери пайқаб юрибман. «Қарчиғай»га сен қарайсанми?

— Шундай, тақсир.

— Бек ҳам сени яхши йигит, деганлар... Мана, «Қарчиғай» жангда. Бек ҳазратларининг ҳам, менинг ҳам кўксимдан шу чилим тутинидек дуд кўкка учмоқда... Иншоолло, саркарда қўшинлари ғолиб қайтади.

Шу орада Султонмуҳаммад сарбоз ва яна бир неча амалдорларнинг айвонда пайдо бўлиши Мирёқуб режасини бузди, у чўнтагида ушлаб турган билакузукни чиқаролмади ва бир нима дейишга ботинолмади.

Вақт ўтказиб яна Насриддинбек ҳузурига кирди. У отбоқар йигит бир нима демоқчи бўлиб юрганини пайқади. У кўпроқ ўз рақиби Асадуллахоннинг яширинчи ишларидан дарак беради хаёл қилиб, Мирёқубни кўрпачага таклиф этди.

— Менга бир гап айтмоқчимисан, йигит?— деди Насриддинбек унга ер остидан қараб.

— Ҳа, мени маъзур тутасиз...

— Кулоғим сенда, айт.

— Отамнинг гуноҳидан ўтсангиз... У киши зиндонда...— Мирёқуб оқариб, титраб бу гапни айтди-да, гилам устига олтин билакузукни қўйди. Насриддинбек аввал Мирёқубга, кейин гилам устида йилтираб турган билакузукка қаради. Мийиғида кулди.

— Отанг неча ёшда?

— Уч кам элликдалар.

— Нима касб қиларди?

— Кулолчилик.

— Отангни зиндондан чиқарамиз. Дуо қилинглар, гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтдик.

— Қуллуқ, тақсир, қуллуқ!

— Бу чиндан ҳам олтинми?

— Ҳа, ҳақиқий олтин.

— Олтинга ўхшамайди-ку?

— Худо ҳаққи! Ҳақиқий олтин.

— Ишонаман, сен алдамайсан. Бу ерда бирон одамга бунни менга беришингни айтганинг йўқми?

— Йўқ, ҳеч кимга айтганим йўқ. Ҳеч кимса кўргани ҳам йўқ.

— Ибодуллахонни танийсан-а?

— Танийман, тақсир.

— У Асадуллахоннинг иниси. Ибодуллахон, Қажумхон, Рустам бойвачча ва бошқаларнинг гапларига қулоқ солиб юр. Улар биз ҳақимизда, хусусан, бек ҳазратлари билан мен ҳақимда не гаплар юритадилар, тушундингми? Вақти-вақти билан бу ҳақда менинг ўзимга хабар бериб тур. Бу гапни Авлиёқул отангга ҳам асло билдирма!

— Хўп.

— Агар бу гапни ўзгалар билиб қолса, ёмон бўлади...

— Тушунаман.

— Бор энди. Бугун-эрта отанг ҳам зиндондан озод бўлиб уйга боради.

— Қуллик, тақсир,— Мирёқуб эшиккача орқаси билан тисарилиб бориб, ташқарига чиқиб кетди.

Тушдан кейин Насриддинбек бир неча одамлар билан ҳовли юзида турарди. У Мирёқубни чақиртирди. Оғхонадан югуриб чиқаётган Мирёқубга ҳовлидаги катта-катта амалдорлар тикилиб қарашди. Бек ўрнида вақтинча беклик қилаётган Насриддинбекнинг йўқлаши

Мирёқуб юрагига ҳаяжон солди. У югурганича келиб таъзим қилди.

— Кечқурунга отимши тайёрла, тўйга бораман,— деди у Мирёқубга қараб. Ундан сўнг ёнидаги кишиларга Мирёқуб ҳақида гапира бошлади:—бу йнгит от ишқибози, ҳа, биз ҳаммамиз ҳам ёшлигимизда ишқибоз бўлганмиз. Бу йнгит, айниқса...

— Қуллуқ,— қўли кўксига, бош эгди Мирёқуб.

— Сарбоз камроқ ишқибоз бўлсалар керак...—деди амалдорлардан бири кулиб Султонмуҳаммадга ишора қилиб, «Жим туринглар» дегандек Насриддинбек кўз қисиб қўйди.

— Менинг тўриғимга ҳам бир ном қўйиш керак.

— Номи бор — «Лочин».

— Баракалла! «Қарчиғай»дан қолишмайди-я?

— Асло.

— Унга ҳам «Қарчиғай»чалик меҳр билан қара, йнгит! Кечқурун биз билан сен ҳам тўйга борасан. Янги тўнингни кийиб ол. Уйда «Лочин»га ўзинг қарайсан.

У ёнидаги амалдорлардан икки-уч қадам четга чиқиб, Мирёқуб қулоғига бир нима айтди. Амалдорлар от ҳақида гап кетяпти хаёл қилди. Аслида у бугунги Саидкаримбой тўйида Асадуллахон кишилари бўлишини, Ибодулла ва Рустам бойваччанинг ёнидан жилмаслигини таъкидлади. Мирёқуб қўлини кўксига қўйиб, яна отхона томон жўнади.

Кечқурун Мирёқуб ювиниб, яхшилаб эгарланган «Лочин»ни Урда дарвозасига олиб чиқди. Насриддинбекни оёғидан олиб отга миндиргач, бир неча амалдорлар кетидан ўзи ҳам отда тўйга борди. Катта кўчадан Саидкаримбой дарвозаси томон бурилишда кўчанинг икки томонига қатор тизилиб турган кишилар қўл қовуштириб, ҳокимга таъзим қилишди. Дарвозада Саидкаримбой ҳокимни кутиб олиб, ҳовлига олиб кирди. Катта ҳовлида ўтирган меҳмонлар — шаҳар бойлари, мартабадор шахслар қози калон, муфти ва бошқа қадо-қаюлар — ўтирганларнинг жами ўринларидан туриб Алимқулибекнинг энг яқин кишисини эҳтиром билан кутиб олдилар. Яна созандалар куйи, ҳофизлар хониши айвонга мўрди. Турли хил таомлар, нози-неъматлар кетма-кет тортила бошлади.

Кекса бой дам ўтмай улуғ зотлар Насриддинбек, шайхулислом, қози калон га бошқалар ўтирган нақшин

айвон ёнига келиб, овқатга таклиф этар, навозиш билан ора-чора гап қотиб қўяр эди. Қўқонлик Ибодуллахон, Рустам бойваччаларнинг бошқа айвонда ўтиргани Насриддинбек кўнглидагидек бўлди. Саидкаримбойнинг Асадуллахондан кўра ҳам Алимқулига ўзини яқин тутиши — Насриддинбекка ҳам яқинлиги эди. Асадуллахоннинг ғозий бўлиш ниятида бек ҳазратлари орқасидан Чимкентга кетганидан бой кулиб:

— Қалай, ғозийдан хабар борми?—деб сўради.

Бу киноя Насриддинбекка жуда ёқиб тушди:

— Дарак йўқ. Лекин душманни Оқмачитнинг нариги томонига суриб, қайтишига умидвормиз. Амирлашкар ҳазратларига фармони махфий етгандир...

— Эҳтимол...— деди ширакайф Саидкаримбой. У винадан чиқиб кўрпачага ўтирди. Нақшин айвондаги зотларнинг ҳаммалари тошкентлик эканини дилидан ўтказиб, ўзидан анча кичик бўлганига ҳам қарамай, Насриддинбекка эгилиб, ярим овоз билан деди:—амирлашкар ҳазратлари борки Хўқанд тинч, бўлмаса Худоёр ҳазратлари амир Музаффар олдида бир мушук бола каби ўйинчоқ бўлиб қолардилар...

Насриддинбек лабини тишлади. Қози калон ҳам у ёқ-бу ёнига қаради.

— Ғозий айғоқчиларига эҳтиёт бўлгайсиз, муҳтарам бой,— деди қози.— Хўқандга хабар кетмасин...

— Ҳа,— деди мийғида кулиб Насриддинбек,—бу гап ҳокими аввал шаънига мос келмас...

Саидкаримбойнинг ранги ўчди. Бу гапни эшитганлар дарҳол «ҳокими аввал» сўзига диққат беришди. Неча йиллардан бери уч хон ўртасида тортишув кетарди. Бухоро амири Ҳайдарнинг номи «худонинг шери» дегани, шу сабабли уч хоннинг аввали бўлиши керак экан. Лекин Қўқон хони Муҳаммадали — ҳам Муҳаммад, ҳам Али бўлганлиги сабабли Бухоро амиридан юқорироқ турмоғи лозим экан. Бу гапни эшитган Хева хони Муҳаммадраҳимхон — ҳам Муҳаммад, ҳам худойи таолонинг исми Раҳим бўлганлиги сабабли Бухоро, Қўқон хонларидан ҳам юқори тураркан... Бу жанжал кейинчалик амир Музаффар, Худоёрхон, Муҳаммадраҳимхон Соний ўрталарида ҳам давом этади.

Саидкаримбой жайрон гўштидан қилинган кабобга, мусалласга ишора қилиб, ўрнидан турди. Орадан бир неча соат ўтгач, бой, ичкари ҳовлидан ўғиллари олиб

чиққан кимхоб чопонни Насриддинбекка кийгазди. Нақшин айвонда ўтирган зотларнинг ҳаммасига ҳам мартабасига яраша елкасига тўн ёпди. «Муборак бўлсин»дан сўнг улар мамнун ва масрур бўлиб ўз ўринларига чўкишди. Бир-бировларига қараб, хушнуд таом еяётганларида айвон этагида пайдо бўлган ялангоёқ кекса бир одам Насриддинбекка қўйнидан бир парча қоғоз чиқариб, арз қила бошлади. Тўйда хизмат қилиб юрган бойваччалардан иккиси югурганича келиб, ялангоёқнинг билагидан ушлашди. У ёлвориб, йиғлаб ҳокимга илтижо қилди. Насриддинбек бу одам нима деяётганини ҳам тушунмасди. Унинг энсаси қотиб, юзини ўгирганини кўрган бойваччалар ғариб одамнинг икки кифтига чанг солиб, судраб олиб чиқиб кетишди. Созандалар навоси унинг оҳ-воҳини босиб кетди. Кўп ўтмай ҳовли четида пайдо бўлган Саидкаримбой бойваччаларни ёнига чақириб, ялангоёқни ҳовлига киритиб юборганликларни учун газабланиб сўқди.

— Кўзларинг қаёқда эди, ҳаромилар!

Бой етти кун тўй берди. Шу тўй кунларининг бирида Насриддинбек, Султонмуҳаммад сарбоз, қози калон, Саидкаримбой болохонасида «улфати чор» бўлиб сатранж баҳона, мусаллас ичиб ўтиришганида Чимкентдан келган чопар аввал Урдага, ундан сўнг тўппа-тўғри бой эшигига келиб тўхтади. Қилич осган навкар зинапойлардан ғизиллаб чиқиб ичкари хонага кирди. У Насриддинбекка Алимқули номасини берди. Насриддинбек номани очиб ўқиб, хомуш Султонмуҳаммадга, ундан сўнг бойга қаради:

— Ишлар унчалик яхши эмас...

Бир лаҳзадан сўнг Насриддинбек гиламга сочилган сатранж доналарини босиб, пастга тушди. Бой билан наридан-бери хайрлашиб, Урдага жўнади.

Кечга яқин Урдада, катта хонада шаҳарнинг мартабадор кишилари тўпланишди. Саидкаримбой ҳам етиб келди. Бу мажлисда эрта билан Асадуллахон Тошкентга келгунча шаҳар мудофааси ва баъзи бир ишларни маслаҳатлашиб олинishi керак эди.

Насриддинбекнинг кўзи ёнар, бир нарса уни ғоятда ҳаяжонлантирар эди. Бу эса — Алимқулибек мабодо Кўқонга чақириб олинса, ўрнига бек бўлиш. Лекин Худодёр уругларидан бўлган Асадуллахон ва мансабдорлар унинг томонида эмаслиги Насриддинбекни анча-мунча

чўчитарди ҳам. Сарбоз Султонмуҳаммад унга далда берди:

— Мабодо бек ҳалок бўлса, у ҳазратнинг фидойилари сиз томонингизда. Икки минг ўткир шамшир, юз фарағ ва етти тўн сизнинг фармонингизга тайёр!

— Офарин!— деди Насриддинбек сарбозга қараб.— Сиз менинг ўнг қўлим. Эндиги жанг қўрғонларимиз остида бўладиганга ўхшайди...

Х

Рустами дoston, деб ном чиқарган Мирҳайдар зиндондан чиқиб уйда бедармон ётарди. У сўриб ташланган шафтолидек эти суюгига ёпишган, кўзлари ич-ичига тушиб кетган.

Унинг зиндондан қутулиб чиққанини таниш-билишларнинг ҳаммаси эшитди. Жарариқ, бу томони Чигатой, Оқтепа, бу томони Себзор, Қадват маҳаллалари, бу томони то Бешёғочгача эшитишди. Кулол ҳовлиси бир ҳафта мобайнида одамдан аримади. Султонмурод, Ғойибназар, Қамбарали кулоллар деярли ҳар куни келиб, унинг катта ўғли Мирсаидга қарашиб туришди. Султонмурод хумдонга идиш қалашда уста эди. У қалаган идишлар бешикаст, тиниқ бўларди. Қамбарали чапдастлиги билан ном чиқарган. Лой ийлаб берувчи етказолса, у бир кунда минг товоқ, яна бунинг устига ўттиз-қирқ хурмача ҳам ясаши мумкин. Ғойибназар нақшга моҳир. Бу сифатлардан ташқари, уларнинг бошқа фазилатлари ҳам бор: улар гоятда аҳил эди. Сақичмонлик Султонмурод, жарариқлик Мирҳайдар кулоллар ёш жиҳатидан каттароқ бўлиб, ўз касбдошлари ичида, йиғинларда «Йиғитоға»лик қилишарди. Улар бир-бирига чатишган қариндош ҳам эдилар. Бешёғочлик Абдумўмин кулол қариндош бўлмаса ҳам, қариндошдан аъло бўлиб кетган. Жарариқликларда гилвата билан қўрғошин узулиш бўлганида Абдумўмин қарашиб юборарди. Лух билан ложувард тақчиллигида Мирҳайдар сақичмонлик, себзорликларга ёрдамлашган. Тошкент кулоллари билан Хумсон, Ғазалкент кулоллари ҳам борди-келди қилишарди. Риштонлик кулоллар билан ҳам азалий алоқа мавжуд эди.

Мирҳайдар уйга келиб Мирёқубни кўролмаганига ачинди. Эртасига кечга яқин одам юборишган эди, Ав-

лиёқул ота унинг бойникига тўйга кетганини айтибди, Мирҳайдар ўғлини ғоят соғинган, уни бетоқатлик билан кутарди. У битта-битта юриб, чарх тепаётган Мирсаид ёнига келар — иккала чархнинг каллак, ўқларини кўздан кечиран, ўққа озгина ёғ қуйиб қўйишни, ёрғучоқда қўрғошин кукуни қотиб қолганини кўрсатар эди... Лой ийлаётган Қамбарали ёнига — катта бордон устида ўтириб, азамат уч йигитнинг бир-бирини шошириб идиш ясаётганини томоша қилди. У ичдан завқланди, қуввати етса уларга қўшилиб лой ийлар, тараш қиларди. Лекин зиндон унинг мадорини сўриб олган. Ичкаридан чиққан бир чойнак чойни ёнига қўйиб, эндигина қайтараётганида эшикдан яна бир тўда одамлар кириб келди. Мирҳайдар пиёлани қўйиб, ўрнидан турди.

— Кулол, омонмисиз! Эшитиб жуда хурсанд бўлдик...

— Келинлар, келинлар...— Мирҳайдар қучоқ очиб келаётган йўғон бир киши билан қучоқлашиб кўришди. Чуваккина, эчкисоқол бир кекса билан ҳам қучоқлашиб омонлашди. У одам кўзига ёш олди.

— Оканг айлансин, кел! Худога шукур, юз кўришар эканмиз.

— Бардаммисиз Қўзибой ака, бола-чақалар омонми?

— Шукур, шукур...— у белбоғининг учи билан кўз ёшини артди.

Мирҳайдар меҳмонлар билан қўл сиқишиб сўрашгач, уларни бошлаб дастурхон ёзиб қўйилган айвонга олиб чиқди. Мирсаид чархдан тушиб, меҳмонларга қаради, нон ушатиб, чой узатди. Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, эндигина бир пиёладан чой ичишган эдики, эшик слдида яна одамлар пайдо бўлди. Мирҳайдар улар билан ҳам қучоқлашиб омонлашди — улар назарбеклик ёр-биродарлари эди. Келган меҳмонлардан бири қўлидаги тугунни секин Мирсаидга берди:

— Ука, буни ол, жиндак қарашиб юборайлик дедик...

— Нима қилардингиз овора бўлиб?..— деди Мирсаид, кейин ташаккур айтди.

Бир муддатдан кейин чорсулик икки дўкондор ошнаси ҳам кириб келди. Уларни ҳам айвонга жойлаштиришди. Мирҳайдар бугун ҳам кеча айтганидек зиндоп азобларини айтиб берди. Лекин у узоқ эзмаланмай гапни бошқа томонга бурди. Чорсулик икки дўкондор дўсти ёдига Абдуваҳоб Шошийни, ундан сўнг саҳобни солди.

— Чорсуда Абдурасул деган саҳоб борми?

— Ҳа,— деди чой ҳўплаб турган дўкондорлардан бири.— Шундоқ дўконимнинг тўғрисида у кишининг дўкони.

— У кишининг ўзлари ҳам ғазал битарканлар-а? У кишини мавлоно Андалиб деган лақаблари ҳам бор экан...

— Шундоқ деб эшитамиз. У зот ғоятда камтару камсуқум. Баъзиларнинг айтишича, кўп мулла — Самарқанддаги мадрасаи Шердорда таҳсил кўрган эмишлар. Китобни яхши муқовалар билан тайёрлаб берадилар.

Шундан сўнг Мирҳайдар Абдуваҳоб Шоший ҳақида гапириб берди. Ўтирганлар ичида себзорликлар у кишини яхши билишар экан, ҳурмат билан эслашди.

— Абдуваҳоб Шоший,— деди гапини давом эттириб Мирҳайдар,— кўп мамлакатларни кўрган, кўп ўқиб — китоблар мағзини чаққан донишманд одам. У зот араб, форс тилларини яхши биладилар. Фетербур, Маскоп, Варшав, Деҳли, Мисрда бўлганлар. Ҳозирги амалдорларнинг кўп ишлари билан келиша олмаганликлари учун у зотни зиндонга ташлашибди. У кишининг кўзлари очик, фикрлари ўткир...

Кимдир луқма ташлади:

— Шундоқ мулла одамни ҳам зиндонга ташлайдиларми?

— Ҳа, донолар кулфат тортади. Зулм ҳаддан ошиб кетди,— деди Мирҳайдар.— Мавлоно Абдуваҳоб Шоший сўзларича, бекларнинг ўзаро жанжаллари, Қўқон билан Бухоро ўртасидаги низо шаҳарларни вайрон этиб, мамлакатни юз тубан хароб қилаётганмиш. Бизлар қоронғуликда қолиб — шу қоронғуликка кўникиб, уни ёруғ, деб ўйлармишмиз. Русия мамлакатада илму ҳикмат ривож топибди. Ривож топмай, ёмон ҳолда — жанжалдан боши чиқмай қолган юртларни катта давлатга қўшиб, осойиш топиш мақсадида Русия ҳукумати лашкар юборибди. Алалхусус, бу лашкар сардори билан бизнинг бек келишмаса, инглиз подшоси лашкар киритиб, ҳамма ёқни олишга тайёр турган эмиш. У зотнинг фикрларича, қирғиз бекларга ўхшаб биз ҳам қўшнимиз Русия билан бир бўлганимиз кўп жиҳатдан мақбул эмиш. Қон тўкилишидан сақланмоқ — айни муддао эмиш...

Айвонда ўтирганлар Чимкент яқинида бўлаётган жанг бундан бир ой илгари даштга кетган тошкентлик,

қўқошлик навкарлар, негадир Алимқулидан дарак йўқлиги ҳақида гаплашишди.

Меҳмонлар тарқалишига яқин эшикдан Мирёқуб кириб келди. У югурганича келиб отаси билан қучоқлашди. Меҳмонлар уни отасининг озод бўлгани билан қутлашди. Лекин бир лаҳзалик сукутдан сўнг, ранги оқарган, ичдан энтикиб турган Мирёқуб ортиқ ўзини туюлмади, душман жуда яқин келиб қолганини, Чирчиқ дарёси бўйида қаттиқ тўқнашув бўлганини, Урдада ҳамма саросимада эканини айтди. Алимқули ҳазратларининг лашкари кўп талафот кўрган, шаҳар дарвозалари ёпилиб, барча фуқаро ғазотга тайёр турмоғи ҳақида Насриддинбек фармон берган.

...Меҳмонлар хайрлашиб, тарқалишди.

Кечга яқин Қамбарали билан Султонмурад ҳам ишни йиғиштириб, уйларига жўнашди. Айвонда Мирҳайдар икки ўғли, хотини Шаҳриниса билан ёлғиз қолди.

— Авлиёқул ота бардаммилар?— деди Мирҳайдар кичик ўғлига қараб.— Сени у ёққа олиб борибдилар-да. Бек даштдами?

— Ҳа,— деди Мирёқуб,— отхонада яхши отлар қолмади. Ҳаммаси бек билан кетган. Иш чатоққа ўхшайди, амалдорлар нотинч, айниқса кейинги ҳафтада югур-югур, саросимага тушиб қолишган. Насриддинбек билан Асадуллахон ўрталаридаги низо ҳам авж олиб кетган. Билмадик, охири нима бўлади...

— Нима бўларди, Урдадаги икки зотнинг олишуви эл бошига тушган кулфатдан бошқа нарса эмас!

— Нарх-наво жуда кўтарилиб кетди, ада,— деди Мирсаид,— бунинг устига каппонга кирсангиз арпа ундан бошқа ҳеч нарса тополмайсиз. Даштда бўлаётган уруш ҳаммани чўчитиб қўйди. Идишларнинг ўтиши ҳам қийин бўляпти.

— Саидкаримбой етти кундан буён тўй берапти.

— Ҳа, у кимсан Саидкаримбой. Етти кун эмас, бир ой тўй берса ҳам давлати камаймайди. Лекин фуқаро ночор.

— Саидкаримбой Насриддинбек ҳазратларига ким-хоб тўн кийгазди...

— Уғлим,— деди бир лаҳзалик сукутдан сўнг Мирҳайдар,— кейинчалик ўзим сенга яхши от олиб берай, бу ишқибозликни қўй. Сенинг Урдада айланишиб юришинг менга ёқмаяпти. Жон болам, у ерга борма, акаинг-

га қараш, Авлиёкул отага ётиғи билан тушунтириб, қайтиб кел.

Мирёқубнинг қовоғи солинди, у анча вақтгача гапирмай, қулт-қулт чой ичди. Мирҳайдар ўғлининг кайфи бузилиб турганини сезса ҳам — бу жабр чекиб келган ота олдида одобсизлик бўлса ҳам миқ этмади. Фарзанд тиши она кўксига ботса ҳам, бу сезилмайди деганларидек, ота ҳар лаҳза кечиришга тайёр эди. Мирсаид унга тикилиб туриб, «Тумшуғингни кўтар!» дейишга оғиз чоғлаган эди, ота секин бош чайқади.

— Султонмурод ака дарҳақиқат тарашга уста экан,— деди Мирсаид.— Бир оз сузлиги бору, лекин ишн жуда текис. Қамбарали аканинг хумдон қалашини сизникига ўхшатишади. Қолипларни шундай эҳтиёт билан қўядиларки, биронта четнаган, ёпишган идишни тополмайсиз.

— Раҳматли Тўхтаназар акам хўп чапдаст эдилар. Буванг билан жуда қалин эди. Сен тепаётган чархда буванг, наригисида Тўхтаназар ота ўтиришарди. Ўша кезларда бир ўзим икки устага лой етказиб берардим. Кечаси билан ёлғиз ўзим хумдонга ўт ёқиб чиқардим. У вақтда сизлар гўдак эдинглар...

XI

1865 йилнинг эрта баҳори...

Шаҳарда қаҳатчилик борган сари кучаярди. Бунинг устига сув танқислиги элни саросимага солиб қўйди. Қиргоқларга тўлиб, лимиллаб оқадиган Қайковус ҳам қуриган, тагида сув жилдираб оқиб турарди. Уч-тўрт кундан кейин у ҳам қуриди. Анҳорнинг у ер-бу ерида ҳалқоб бўлиб қолган жойларидан пақирлаб сув ташишарди. Ҳаво исиб бу сувлар ҳам кўлмакка айланди. Бирон баландликка чиққан киши дарахтларнинг оч яшил тусга кирганини кўрарди. Лекин сувсизлик ерларни қақратиб, чангини чиқариб юборди. Кўкарган ҳовузлар атрофида пақир кўтарган кишилар кўпайди. Пақир, мис кўза кўтарганлар узоқдаги булоқларга ҳам қатнашарди. Обкашлар елкани эзиб огритар, лекин ёш-яланг физиллаб сув таширди...

Ниёзбек қалъасининг қўлдан кетиши — шаҳар калитининг қўлдан кетиши. — Бек фармони билан дарвозалар маҳкамланиб, қўрғон тепаларига пилта милтиқ, ка-

мон отувчилар чиқиб, кечаю кундуз қўриқчилик қилдилар.

Алимқулибек ўттиз минг киши билан, бундан икки мингта — отлиқ-сарбозлар, икки мингта қора чопонлар — шаҳар ясавуллари, фозилар ва бошқалар Қўқондан ёрдамга келган сарбозлар билан шаҳардан ташқарига — Саритепага (Шўртепа) га чиқди. Унг қаноти қўқонлик навкарлар, бир қисми Тошкент сарбозлари, қорачопон ясовуллар ва уч тўп тизилган, уларнинг олдида савлат тўкиб Асадуллахон турар эди. Унинг ўнг ва сўлида Ибодуллахон, мулла Қўшоқ, Рустам бойвачча қўлларини пешонага соябон қилиб, узоқларга тикилишар эди. Чап қанотда Ниезбек қалъасидан сурилиб чиққан навкарлар ва саккиз тўп, отлиқлар ва яна бир қисм отлиқ сарбозлар пистирмага қўйилди. Улар тепасида Насриддинбек билан Султонсодиқ сардор турарди. Ўрта кўкракда қатор саккиз тўп, отлиқ сарбозлар, пилта милтиқлилар, ёй-андозлар, найзабоз ва қорачопон—ясовуллар саккиз қатор бўлиб, олисдан кўз узишмасди. Асосий қўшин олдида—дўнгликда «Қарчиғай» ер тепинар, унинг устида шоп мўйловли Алимқулибек турарди. Аммо лашкар атрофида Султонмуҳаммад сардор, Иноят Мирзо, Султонсаидхон амалдор виқор билан узоқда элас-элас кўзга чалинувчи қатор капаларга, чизғич тахтадек бир қаторга тизилган аскарларга тикилишарди. Бир муддатдан кейин бу одамлар олдинга силжиётгани аниқ сезилди. Кўкракларига қайчи қилиб оқ тасма тақишган, қўлларида найзадор милтиқ.

Қўшин рўйрост кўриниб, бир чақримча ерда тўхтади. Шу лаҳза икки суворий қўшиндан ажралиб чиқиб бек турган тепалик томон от чоптириб кела бошлади. Улар шай кийинган, лекии қуроллари йўқ эди. Суворийлар Алимқули рўпарасида ўн қадамча нарида от жилдиғини тортиб тўхтадилар. Тошкентликлар элчи юборилганини пайқайди. Алимқули икки суворийга тикилганича қараб турди. Унг томондаги отлиқ офицер ўткир овоз билан бир нима деди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ ёнидаги суворий татар тилида дона-дона таржима қила кетди:

— Жаноб офицер айтадики, мени полковник Черняев жағоблари жибарди. Таслим бўлувиғизни таклиф ита-биэ дий. Бўлмася бик кўп қон туғиля... Вот шумай.

Бек газабнок кўзларини суворийларга қадаб турди.

да, кейин ўнг ёнига қаради. Ўнг ёнида турган Султонмуҳаммад амирлашқардан кўз олмай турарди. Алимқули заҳарханда қилди.

— Тушундингизми, сардор?— деди Алимқули унга қараб.

— Эшитдим.

— Уларга жавоб қилинг!

— Лаббай?

— Жавоб қилинг!— У кўз қири билан Султонмуҳаммаднинг қиличига ишора қилди.

Сарбоз шу лаҳзанинг ўзидаёқ отнинг човига оёқларини ниқтаб олдинга ташланди. Икки рус суворийси бекнинг жавобини кутмоқда эди. От олдинга ташланаётганида сарбоз тезлик билан қилич суғуриб, офицерни чопиб ташлади. Ҳуркиб кетган от устидан рус офицери қулаб тушди. Бу «жавоб»ни кўрган тилмоқ оти бошини қайириб, орқага қочди. Кенг, жимжит майдонда эгасиз қолган от шатаалоқ отиб, довдираб айланар, рус офицери қонга беланиб ерда ётарди.

Кимдир орқароқда: «Элчига ўлим йўқ, дердилар, нега бундоқ бўлди?» деди. Лекин шеригидан садо чиқмади, унга бек назари тушиб, боши кесилишидан кўрқди. Тилмоқ ўз қароргоҳига етиб бормасданоқ Алимқул ўнг ва сўлига қараб, қўлини фотиҳага очди. Икки ёндаги қатор тизилган сарбозлар ҳам қўлини фотиҳага жуфтлади:

— О-омин!..— фотиҳадан сўнг тошкентликлар бир-варакайига олға ташланишди. Ўнг қанотдаги қирқ карнайчи бирваракайига ға-ат, ға-ғуу, ға-а-ат... қила бошлади. Карнайлар овози ҳамма ёқни қоплади. Улар кучаниб, жонининг борича бақиртиришарди; қирқ карнай саҳрода даҳшатли шовқин касб этди. Отлар ҳуркиб, яна илгарироқ югуришар, чавандозлар бақиршар — ҳамма ёқда совуқ шовқин, чанг, тўс-тўполон... Отлиқдан кейин пиёдалар ҳам чумолидек ёйилиб югуришди. Орадан бир муддат ўтгач, қарши томонда милтиқлардан қарсиллатиб бир йўла ўқ узилди. Олдинда учиб бораётган сарбозлардан бир нечаси қулаб тушди. Қетма-кет яна ўқ узилди, югуриб бораётган отлиқ ва пиёдалар тўкила бошлади.

...Тўққизинчи селпишда тошкентликлар ярим йўлда тўхтаб, саросимага тушди. Яна ўқ садолари... Ўнг қанотдан бир гуруҳ сарбоз ва қорачопонлилар орқага қоча бошлади. Ўн биринчи отишда чекинаётганларни

олға бошламоқчи бўлган Алимқулибек от устидан ағдарилиб тушди. «Қарчиғай» ҳам мункиб кетиб ўрnidан турулмайд қолди. Икки сарбоз тезликда отдан тушиб Алимқулибекни қўлтиғидан кўтаришди. Уни отга ортмоғлаб, орқага қайтишди. Орадан кўп ўтмай Асадуллахон сарбозлари ҳам орқага қочди. Рус қўшини текис сафда олға силжий бошлади. Ярим соат ўтар-ўтмас Насриддинбек, Султонсодиқлар ҳам бир қисм сарбозлар билан чекиниб, жон сақлашди... Лекин аравалар гупчагига боғлаб қўйилган карнайчилар саросима ичида ҳамон карнайларни бақиртириб чалиб ётишарди...

Бу сешанба куни эди.

Чоршанба куни шаҳар қамал ҳолатига тушди. Фақат Бешёғоч, Уқчи ва Камолон дарвозалари орқали чопар Зангиотага, ундан Қўқон томон жўнади. Шаҳарнинг Сағбон, Қорасарой, Тешикқопқа, Қашқар дарвозалари маҳкам ёпилди. Қаттиқ жароҳатланган Алимқулибек пайшанба куни қазо қилди. Жума куни эрта билан шаҳид сифатида уни Шайхантоҳур қабристонига дафн этдилар.

XII

Саритепадаги тўқнашувда Мирёқубнинг отига ўқ тегиб, ерга қулаб тушди. Қарсиллаб отилаётган ўқлардан унинг эси оғиб, бир муддат тўкилиб қолган одамлар орасида ётди. Сўнгра ердан бош кўтариб, қочаётган эди, маҳкам ушлаб олишди. Бир неча қўли боғлиқ навкарларни ва карнайчиларни қирқ беш ёшлардаги қора мўйлов, қирра бурун бир киши олдига олиб боришди. Бу полковник Михаил Черняев эди. Навкарларни далада унинг ўви сўроқ қилди. Бу сўроқ жуда қисқа ўтди. Яна ўша татар тилмоч полковник саволларини таржима қилиб берди.

— Тошкентликмисизлар, деб сурий жаноб полковник. **Айтигиз!**

— Ҳа.

— Мен, қўқонликман,— деди новчагина сарбоз.

— Жаноб полковник сизлардан сурий, қурғон тубсинда уқчилар кўпми? Тошкентнинг нича қопқаси бор? **Айтигиз!**

— Биз билмаймиз,— деди қўқонлик, лекин ўйлаб тургач айтди:— шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бор деб эшитганмиз...

— Ёрий. Айтигиз-чи, қўрғон бик қолинми?

— Ҳа, жуда қалин.

Полковник Черняев яна асирларга бир нима деди-да, ўрnidан туриб жўнади.

— Жаноб полковник айта, сизлар, бутан суғишқа кирмийбиз, диб қасам ичсагиз сизни бўшатиб жибарамиз, дий.

— Қасам ичамиз...

— Ну вот, боригиз!

Улар шаҳар томон кетиша бошлади. Қўлларига ўралган арқонларни ечиб ташлашди. Тигитлардан бири қиличини тилмоч ёнига қўяётган эди, бир офицер тилмочга имо қилди.

— Қиличигизни-да олиб кетигиз.

Навкар қиличини ердан олиб филофига тикди-да, жўнаб қолди. Карнайчилар ҳам ўз карнайларини бўлак-сўлак қилиб орқалаб, қўрқа-писа шаҳар томон жўнашди. Мирёқуб ҳам жони омон қолганига шукур қилиб, қадамни катта-катта ташлар, дамо-дам орқасига қайрилиб қараб қўярди. Бу томондаги дарвозалар берк бўлгани сабабли, улар Камолон томон жўнашди.

Мирёқуб шаҳарга киргач, ўпкасини қўлтиқлаганича энтикиб ҳовлисига югурди. Ўғлидан хавотирда жон ҳовучлаб ўтирган Шаҳриниса хола уни кўриши биланоқ кўксига туфлаб, худога шукур қилди. Баҳоваддин балогардонга ўн бир кулча атади. Мирёқуб бир коса сув ичди. Уйда отаси йўқлигини билгач, қиличини осганча яна кўчага чиқди. Кўчалар жимжит, эшиклар маҳкам ёпиқ — ичидан занжирланган. У тўппа-тўғри ўрдага борди. Ўрда нотинч, биров-бировга боқмас эди. У отхонага кирди. Авлиёқул ота жароҳатланган бир от биқинига намат куйдириб босарди. Отхона орқасидаги майдонда икки киши оғир жароҳатланган отни сўйиш билан овора. Авлиёқул ота Мирёқубни кўриши билан хурсанд бўлиб кетди.

— Э, омонмисан, ўғлим.

— Ҳа, бир ўлимдан қолдик.

— Яқингинада отанг келиб сўраб кетган эди.

— Ҳа, ҳовлига кириб кўриниш бердим. Бек ҳазратларидан ажрадик...

— Худонинг хоҳиши.

— Энди бу ёғи нима бўлади?

— Нима бўларди, Насриддинбек ҳоким бўлади. Улмаган қул, кўра беради, болам...

Шу пайт отхона эшигида пайдо бўлган навкар йигит Насриддинбек от сўраётганлигини айтди. Мирёқуб «Лочин»нинг жilовидан ушлаб, зудлик билан дарвозага олиб чиқди.

— Ассалому алайкум!

— Саломатмисан, йигит!—деди Ўрда дарвозасида от кутиб турган Насриддинбек.

— Шукур.

— Ўрдадан ҳеч қаёққа кетма, шу ерда ҳозир тур!

— Хўп бўлади.

Насриддинбек ва бир тўда отлиқлар шитоб билан Камолон дарвоза томон от чопиб кетишди.

Шу куни беклар ва бошқа мартабадор шахслар Ўрданинг катта хонасида яна тўпланишди. Бу мажлис шаҳар мудофаасига раҳбарлик қилишни Насриддинбек, Султонсодиқ ва Рустамбойваччага юклади. Отдан йиқилиб жароҳатланган Асадуллахон мажлисда иштирок этолмади—у уйига жўнатилган эди. Кейинчалик маълум бўлишича, Қўқондан келган хабарда ҳам бу уч мансабдорни маъқул кўрилган. Лекин амир Музаффар Тошкентга ёрдам бермоққа ваъда этгани, бунинг учун Искандарбек шаҳар ҳокими қилиб тайинланажagini айтибди. Бу фикр тошкентликларга мутлақо ёқмади.

XIII

Пайшанба, жума кунлари шаҳарда жимлик ҳукм сурди. Шаҳар гўё кўчиб кетган ҳовлидек жимжит. Хотинхалаж, болалар уйлардан чиқишмасди. Ҳар замон-ҳар замонда обкашлик кишиларнинг пастқам кўчаларда физиллаб кетаётганини учратиш мумкин эди. Чорсудан Камолон, Кўкча, Чигатой дарвозаларига борадиган кўчаларда қилич осган сипоҳлар қатнар, қўрғон тепаларида пилта милтиқ, найза ушлаган навкарлар кечаю кундуз қўриқчилик қилишар эди. Каппонда ҳам, расталарда ҳам одам йўқ, дўконлар чий билан тўсиб қўйилган.

Сув бўлмагани сабабли Мирҳайдар чарх тепмай, ишни тўхтатди. Ўғлининг омонлигини эшитди-ю, лекин яна Ўрдага кетгани уни дарғазаб қилди. Иш бўлмаса ҳам, бу ҳовлига гоятда ўрганиб қолганликлари сабабли,

ҳар куни Султонмурод, Қамбарали, Ғойибназарлар келиб туришарди. Бундан икки ҳафта аввал Мирҳайдар Чорсудаги саҳобга йўлиқиб, Абдуваҳоб Шоший айтган китобларни зиндонга элтиб берди. Амалдорларнинг ярамас қилиқлари, жоҳилликларидан ранжиб юрадиган Андалиб ҳам бир неча мулоқатдан кейин Мирҳайдар кулол билан ҳамфикр бўлиб қолди. У бедармонлигига ҳам қарамай, кейинги ҳафта ичида икки марта мавлоно Андалиб дўконига бориб келди. Замоннинг ғоят худбинлашиб кетгани, бек-амалдорларнинг бошбошдоқлиги, турмушнинг ночору, китобатга эътибор йўқлиги ҳақида мавлоно Андалиб ҳажв ёзибди. Мавлоно Шоший беназир шоир, ҳушхат ва мулла одамлигини айтиб, шундай одамнинг зиндонга солинганлигидан ранжиб, «Ҳақиқат ернинг остида!» дерди.

Шанба куни тушга яқин яна ҳамкасабалар тўпланишди. Қамбарали белбоғига ўраб келган тўртта зоғора нонни ўртага қўйди. Бир кулчани ичкарига—Шаҳриниса холага киритишди. Мирсаид чой олиб чиқди.

Шу лаҳза эшикдан чақарлик Абдумўмин кулолнинг жияни Қоратой кириб келди. Унинг қовоқлари шишган, ранги оппоқ оқарган эди. Мирҳайдар ялт этиб қаради. «Нима гап?» дегандек йигитнинг оғзига тикилди.

— Эрта билан тоғамни осдилар...— у ҳўнгиллаб йиғлаб юборди.

— Тоғамни? Абдумўмин акамни-я?— сўради жон ҳолатда Мирҳайдар.

— Ҳа.

— Нега? Нега осадилар?

Ўғилларини қўшиндан айириб, уйда яширганлари учун. Насриддинбек буйруғи билан шу замон Чорсуга олиб чиқиб осиб юбордилар. Ўғилларини ҳам, яна уч киши бор... Дод деганига қарамай бўйнига сиртмоқ солдилар. Ўз кўзим билан кўрдим. Ҳозир ҳам дорда осилиб турибди.

— Ё, қудратингдан!— деди бошини кўтариб Мирҳайдар.— Энди ортиқ чидаб бўлмайди! Адолатсизлик ҳаддан ошиб кетди,— у икки кафти билан бошини сиқди. Қўзларини юмиб, чарх ёнига келди.— Қани юринглар! Мирсаид сен ҳам, Қамбарали сен ҳам юринглар! Мен бир худодан кўрқаман, бандасидан кўрқмайман! Юринглар!— Мирҳайдар эшикни ланг очганича кўчага чиқиб кетди. У белбоғи билан пешонасини танғиб олди. Қўзла-

ри қиндан чиқиб кетай деб, ёниб бораётган Мирҳайдар ҳеч ким билан гаплашмас эди. Унинг аланга олаётгани, ҳеч орқасига қайтмаслиги, унга сўз кор қилмаслигини пайқаган ҳамкасабалари миқ этмай эргашиб кета беришди. Ҳар замон-ҳар замонда Мирҳайдар қўлларини кўтариб бўғиқ, лекин кучли овоз билан хитоб қиларди:

— Ҳақиқатни айтаман! Ҳақиқатни осиб ўлдириб бўлмайди!

Пичоқчилик маҳалласидан ўтишда Ҳожиқул базознинг икки ўғли, сағричи Қодир, Ҳикмат, носфуруш Собир сўтак ҳам унга қўшилди. Сақичмонлик мўинадўзлар, каллахоналик косиблардан тўрт киши ҳам аввал нима гаплигини билмай, кейинчалик Қамбаралининг имо-ишораси билан уларга эргашди. Булоқдан сув олиб келаётган йигитчалар ҳам обкашни ташлаб, Мирҳайдарнинг орқасидан югуришди. Гала-говур тўполонли эшитиб югурганича эшикка чиққан кексалар унга ҳайрат билан боқишарди. Нима гап бўлаётганига дафъатан тушуниб етишолмай бир-бирларидан сўрашарди. Лекин шу кеча-кундузлари ҳамманинг қулоғи кўчада — қамал шаҳар ғоятда чўчиган эди. Эшик олдига чиққан кексаларнинг кўнглидан «кулол жинни бўлиб қолибди» деган хаёл ўтди. Лекин бу — Мирҳайдар, элликбошини ҳам бир пулга олмайдиган исёнчи эканлигини ҳам билишарди.

Бир муддатдан кейин Мирҳайдарнинг овози яна янгради:

— Ҳақиқатни айтаман! Ҳақиқатни ўлдириб бўлмайди!

Оломон Бегларбеги мадрасаси ёнига борганида ҳужралардан муллаваччалар чиқишди. Баъзилар уни дарҳол танишди: «У — Мирҳайдар кулол. Кулол яна исён бошлабди!» дейишарди. Лекин одамлар қўлида ҳеч қандай қурол йўқлигини кўриб, олдинда бораётган Мирҳайдарнинг овозини эшитиб, ҳайратланишарди. Баъзи эшиклардан югуриб чиқиб, Мирҳайдарнинг олдига тушиб олган болалар ҳам икки кўзлари кулолда, жадал юриб кета беришарди. Баъзилар ўз болаларини қўлидан тортиб олиб қолишди. Муллаваччалардан ҳам бир қисми оломон кетидан эргашди. Оломон Жашиғоҳ томон бурилганда Мирҳайдар яна нидо қилди:

— Ҳақиқатни айтаман! Ҳақиқатни ўлдириб бўлмайди!

Оломон Жанггоҳни кесиб ўтиб, Масжиди Жоме таги билан Чорсуга йўл олди. Бегларбеги ёнидаёқ Қамбарали билан Ғойибназар одамлардан ажралиб чиқиб, Себзор, Қадват маҳаллаларига, яна бир киши Зарқайнар томонга югуриб кетишган эди. Бу томондан ёр-биродарлари ҳам, йўл-йўлакай учрашганлар ҳам Чорсу томон югуришди.

Мирҳайдар Чорсуга яқинлашганида атрофини юзларча киши ўраб келарди. Кўкалдош, Масжиди Жоме атрофида юрганлар ҳам югурганича келишди. Камолон дарвоза томондан келаётган икки отлиқ сарбоз оломон йўлини тўсди. Улар Мирҳайдарга яқинлашмасданоқ бир йигит от жиловидан ушлаб, суворийларни четга тортди. «Ўйнашманглар, жанжал бошланади» деди муштумини кўрсатиб. Суворийлар гаранг, ҳеч нарсага тушунмай четга чиқишди. Чорсу кўпригининг ёнида узун ёғочда қатор олти киши осилиб ётарди — оломон улар ёнидан ўтиб, Кўкалдош остонасида тўхтади. Маҳаллалардан келаётган одамлар Мирҳайдарнинг атрофини ўрашди. Отлиқлар, аравакашлар ҳам бир муддат тўхтаб, оломонга тикилишди. Кўчаларни кесиб хандақ қазиётганлар ҳам, бир неча сипоҳлар ҳам таажжуб билан оломон атрофига тўпланди. Ҳаяжондан титраб, лабларигача оқариб кетган Мирҳайдар Кўкалдош деворлари остидаги тепаликка чиқди-да, овозининг бори-ча гапира бошлади.

— Халойиқ! Кўчаларни бўғиб, хандақ қазиманглар! Мен ҳақиқатни айтаман... Ҳақиқатни ҳеч кимса ўлдира олмайди! Мен кеча зиндондан чиқиб келдим—бир марта ўлиб кўрдим, дор мени кўрқитолмайди, кўзингизни очинг!— У қўлларини Камолон томонга тўғрилади.— Дарвозаларни очинг, майли, биз қўшнимиз Русия билан бирлашамиз. Қон тўкилмасин, ким учун қон тўкасишлар? Қарши туриб жанг қилмоқлик — нодонлик! Даштдаги тўқнашувни эшитгандирсизлар.

Мирҳайдар бир лаҳза тўхтаб одамларга қаради. Бу дам унга маҳлиё бўлиб тикилиб турганлар бир-бирлари билан алланиманидир сўзлашарди.

— Сиз билан биз дунёдан ўтиб кетамиз,— деди у пешонасидаги рўмолни ечиб олиб, лабини, кўксини артиб,— бизларнинг фарзандларимиз ҳам бир-бири билан

ёв бўлмасин, маҳалла билан маҳалла, шаҳар билан шаҳар қирғин қилмасин десак, хандақ қазиманглар. Ҳа, туғилмоқ дардсиз, оҳ-воҳсиз бўлмас — катта мамлакат, осойиш туғилмоқда. Агар биз Русия билан қўшилмасак нотинчлик, қаҳатчилик бўла беради. Мен — тошкентлик кулолман, шаҳримни жонимдек севаман. Ошналар, бекка қулоқ солманглар. У ярамас, фаҳш одам, унинг учун хандақ қазиманглар, дарвозани очинглар!

Оломон четида турган бир ясовул одамларни ёриб Мирҳайдар томон отилди. Одамлар унинг йўлини тўсиб, тепаликка яқин боришга қўймаган эди, ясовулбоши қиличини ғилофидан суғуриб ҳамла қилмоқчи бўлди. «Қиличини тортиб ол, ур уни!» деди нарироқда турган бир одам. Оломоннинг бир қисми ясовулбошини дўппослай кетди.

Мирҳайдар баландликдан туриб, Камолон томон қараб юрди. Уни ўраб олган ҳисобсиз оломон ҳам унга эргашди.

Шаҳарга оқшом қоронғилиги чўкиб, ғарбда терак бўйи кўтарилган ой қип-қизил турарди. Оқшом қоронғилиги билан оломон айланма кўчани тўлдириб, дарвоза томон хандақ қазиганлар, пойлоқчиликда турган сарбозлар томон юрди. Камолон йўлида хандақларга етмасданоқ бир неча отлиқ сипоҳ йўлни тўсди. Лекин одамлар отлиқлар қилган сиёсатга парво қилмай ўтиб кета беришди.

Ҳамма ёқда қўрқинчли сукунат. Рўпарадаги қабристоннинг ғиштин дарвозаси, гумбаз ва пасту баланд, сағаналар хирагина кўринарди. Гўё парда орқасида тургандек.

Атроф-теваракдаги итлар тартибсиз келаётган одамларга вовулларди. Қоронғилик ва сукунат ҳамма ёқда ҳоким. Ҳатто бунчалик совуқ сукунатни Мирҳайдар зиндон ичидаги чоҳда ҳам кўрмаган эди. Унинг кўз олдида икки нарса турарди: бири чоҳ ичида ўтирган Абдуваҳоб Шоший, иккинчиси — қулфланган дарвоза...

Кутилмаганда тўсатдан нимадир гумбурлаб кетди. Мирҳайдар дарҳол осмонга қаради: осмонда бир нима ялт этиб сўнди. Ҳа, бу чақмоқ, бу — тунги чақмоқ! Мирҳайдар яна осмонга қаради — осмон тўла юлдузлар. Лекин орадан кўп ўтмай яна осмон тўла ёлқинланиб, кучли гумбурлаш ҳамма ёқни ларзага солди. Зилзиладан томлар шитирлаб, бўғотлардан тупроқ тўкилди. Итлар вовуллади. Момақалдиरोқдек узоқ-узоқларгача бу гум-

Бирлаш давом этиб кетди. Кўкламги бетўхтов момақалди роқ ва жалани у ер остида — зиндонда ётиб ҳам кўрган эди. Бу чақмоқ Мирҳайдарнинг юрагига севинч солди. У «яна кучли ярқира, гумбурла!» дегандек осмонга қаради, дарҳақиқат, шу лаҳза яна кучли гумбирлаш ерларни титратди, осмонда яна чақмоқ ярқиради.

Оломон кўчанинг икки томонига ўтиб, йўл очди. Узоқда қулаган дарвоза, тешилган қўрғонга кўзи тушган оломон тўхтаб, кўча четларига чиқди. Шитоб билан келаётган бир тўда сарбозлар от чоптириб, қочиб кетишди... Бир дамдан кейин яна гумбирлаш ва миллиқларнинг қарсиллаб отилгани эшитилди. Айланма кўчадан яна бир гуруҳ сарбозу сипоҳлар от чоптириб ўтиб, қаёққадир ғойиб бўлишди...

Шаҳарнинг ғарби-жануб осмонида янги ойнанинг ўроғи йилтиради. Ой бу сафар сувдаги кемадай беозор ястанмай, ерга санчилган ўроқдай тик эди. Одамлар бир қарашдаёқ «ой ўзига нотинч» эканини пайқашди — демак, «эл тинч». Ур-ур, сур-сурлардан юрак олдириб қўйган халқ ҳатто кўкдаги «ойнинг ўзига нотинч»лигидан ҳам таскин топарди. Шу кеча шаҳарликлар деярли ухламай тонг оттиришди — ер қимирлашдан кейинги ваҳимадек, хонадонларда кексалар бир-бирларига тикилиб чиқишди. Эрта билан кўчаларда дориломон шабадаси учгандек бўлди. Дарҳақиқат, себзорликлар буни ҳаммадан аввал сезишди. Шаҳарда отишма, гумбирлашлар бўлиб турди. Тонг қоронғисида тўда-тўда суворийлар—сарбозлар шаҳарнинг Бешёғоч дарвозасидан чиқиб, шитоб билан Қўқон томон жўнашган эди. Шулар ичида тарвузи қўлтиғидан тушган Насриддинбек ҳам мағлубият отида дала оша борарди. Йигитлар орасида Мирёқуб ҳам бор, у ғоят ғамгин кетмоқда эди. Енгилган бек руҳан тушиб, атрофига ғазабнок аланлар, ора-чора худонинг хоҳиши эканини айтиб, йигитларга маккорона кўз ташлар эди. Қочоқлар шаҳардан чиққач, офтоб ёйилгунча Зангиотага етиб келишди. Насриддинбек истиқболига чиққан юзбошига нималарнидир тайинлаб, яна йўлда давом этди. Баланд тепадан ўтишда бек отининг бир оёғи чуқурликка ботиб, мункиб йиқилди. Сапчиб от устидан тушган Насриддинбек таажжубланди. Тавба, шунча тўполонда бирон ери лат емаган «Лочин»нинг шу ерда мункиши — қўлига ҳолвайтар тўкилиб ўлган кишидек бўлди. У

атрофидаги сарбозларга жилмайиб, заҳарханда қилди: «Бу — от эмас, Буроққа айланди. Нарироқ бориб Дулдул бўлади!» Йигитлар оддан тушиб, кулишларини ҳам, кулмасликларини ҳам билмай турардилар, бек кулгач, улар ҳам кулишди. Қамчи зўри билан ўрнидан турган от юролмай, хаккачоқлай бошлади. Насриддинбек негадир Мирёқуб минган йўрға тўриқдан кўз олмасди. Йигитлар миқ этмас, ҳеч кимнинг бека от бергиси келмас эди. Бек юрагидаги васваса уни бу ердан тезроқ жўнашга ундарди. У ер остидан Мирёқубга кўз ташлади, унинг тўриғи ҳамманикидан чаққонроқ ва кучлироқ эди.

— Ҳей!— деди Насриддинбек ўттиз қадамча нарида оти жиловини ушлаб хомуш турган Мирёқубни чақириб.— Мунда кел! Сен отбоқарсан, «Лочин»нинг оёғини кўр, бир нима билан боғла!

— Хўп бўлади,— деди Мирёқуб ўз отини бек ёнида қамчини билан этигини секин-секин уриб турган сарбозга тутқазиб. У чопони ичидаги белбогини ечиб, қоққан эди ерга бир нима тушиб гилдираб кетди. У гилдираб бориб бекдан икки қадамча бериди тўхтади. Сарбоз ҳам, бек ҳам унга ялт этиб қарашди — ерда бир тақа тилла билан узук ётарди... Мирёқуб қизариб, лавлагиси чиқди. Бир лаҳзадан кейин у бекнинг феъли айнаганини кўриб, ранги оқариб кетди.

— Ушанда... бирини яшириб қолган экансан-да?...— деди Насриддинбек Мирёқубга қараб. Бу гапни унинг йиқовидан бўлак ҳеч кимса тушунмади.

— Ушанда... хотиримдан чиққан экан. Топширишгў фурсат қидирардим.

— Бўлмаса, ердан олиб, ўз қўлинг билан бер!

— Марҳамат, тақсир.

Насриддинбек Мирёқуб қўлидан тилла билан узук олиб чўнтагига солди. Мирёқуб белбоғи билан «Лочин»нинг оёғини боғламоқчи бўлаётганида Насриддинбек ёнидаги сарбозга имо қилди. Сарбоз бориб Мирёқубнинг ёқасидан ушлади.

— Ҳей, ҳозир табибчиликнинг вақти эмас, бу ёққа кел.

— Қўйиб юборинг, нима қилмоқчисиз...

Сарбоз этиги қўнжидаги пичоғини суғуриб олиб, Мирёқубнинг биқинига уч бор суқиб, буради. У оқ деганича ерга йиқилиб, типирлаганча четларида қиёқ, янтоқ ўсиб

ётган чуқур ариққа думалаб тушди. Атрофдаги одамлар ҳангу манг бўлиб қолишди. Лекин ҳеч ким лом-мим демади.

— Бош кетгандан кейин, сочга аза тутмайдилар,— деди Насриддинбек кулимсираб,— юринглар, йигитлар, кетайлик. Гардкамда шаҳарни ютқаздик, энди ўйинни Хўқанда қиламиз...

Бир сарбоз чўлоқ «Лочин»нинг эгар-жабдуқларини тезликда тўриққа уриб, Насриддинбекни оёғидан олиб, отга миндирди.

Бу фожияни кўриб, ҳайратланиб турган бошқа бир кекса сарбоз ёнидагига билинтирмай шивирлади: «Юмрон далада болаларини остига босиб туради, у бир нимадан қўрқиб, чўчиса ўз болаларини ўзи битталаб ютаверади!»— деди. Шериги бош қимирлатиб тасдиқлади.

Қочоқлар далада яна чанг кўтариб жўнашди...

XIV

Насриддинбекнинг шу куни эрта биланоқ шаҳарни ташлаб қочганидан хабари йўқ Султонмуҳаммад Кўкча дарвозаси атрофида рус қўшинининг бир бўлинмаси билан тўқнашиб, қаттиқ отишма, қиличбозлик қилиб турарди. Икки томондан ҳам қурбонлар бўлди. Сипоҳлар ортиқ қаршилик кўрсатишга чоғи келмай чекиниб, ғойиб бўлишди.

Ҳижрий 1281 йил, сафар ойининг тўртинчи куни (1865 йил, 17 июнда) Тошкентнинг қози калон Ҳақимхўжа бошлиқ бир қисм асилзода, аъёнлари, тўрт даҳа оқсоқоллари билан бирга шаҳар таслим бўлганини билдириб, рус қўшинининг сардори, шу ҳафта генерал унвони берилган Михаил Григорьевич Черняев ҳузурига боришди.

Ўрданинг кенг ва кўркем ҳовлисида бир тўп офицерлар олдида турган тик қомат, хушбичим генерал-майор Черняевга қози калон шаҳар таслим бўлганини эътироф этиб, ёнидаги Солиҳ Охунд ва Саидкаримбойларга имо қилди. У қўлида—духоба ёзиғлик патнус устида турган шаҳарнинг ўн икки олтин калитини генералга топширди. Черняев калитларни қабул қилиб олиб, қози калон билан бирликда қизил гилам ёзилган катта айвонга чиқди. У шаҳарда тинч-осойишталик бўлишини, мактабхона, мадрасаларда ўқишни давом эттириш, бозорлар, дўконларни дарҳол очиш зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг, икки ўртада шартнома тузилди, ҳужжатдаги бошқа шартлар-

дан қатъи назар, руслар томонидан бунда илгаригидай қул савдо қилиш қатъиян ман этилиши тошкентликлар диққатини жалб этди. Икки томондан имзо чекилиб, муҳр босилди. Бу маросимни шаҳар аъёнлари қўрқа-писа бошлаган бўлсалар ҳам, кейинчалик тантанавор тус олди. Генералнинг руҳи баланд, ғоятда кайфн чоғ эди. Шартномалар имзолангандан сўнг у қози калон Ҳакимхўжа кўксига олтин медаль тақиб, духоба тўн кийгизди. Муфти даҳа оқсоқоллари ва Саидкаримбойга ҳам туҳфалар инъом этди.

Эртасига генерал бир неча офицерлари билан қози калон ҳовлисида улар шарафига берилган катта зиёфатда ҳозир бўлди. Зиёфатга боришдан аввал у бу ерлик мартабадор шахслар билан бирга Шайхантоҳурга келиб, бунда дафн этилган Алимқулибек қабрини зиёрат қилди. Унда Бегларбеги мадрасасига бориб талабаларнинг ўқиётганини кўрди. Бозорга кирди... Улар яна отга миниб, қози калон ҳовлисига жўнашди.

Эртасига Ўрдада генерал қози калонга Тошкентнинг ўз ихтиёри билан таслим бўлганлиги ҳақида расмий ҳужжат кераклигини айтди. Бир қисм аъёнлар, айниқса, даҳа оқсоқоллари бундай ҳужжат беришдан бош тортдилар. Генерал қози калонга у шаҳар ҳунармандлари билан гаплашиш истаги борлигини билдирди. Унга маълум бўлишича, шаҳар ҳунармандлари, косиблар ва бир қисм савдогарлар, Россияга қўшилиш маъқул, деган кайфиятда, улар бу ишда ҳаракат қилганлар. Чиғатой даҳалик Мирҳайдар кулолнинг номини тилга олди. Қози калон таажжубланиб, бундай кулолнинг номини умрида эшитмаганини айтди. Генерал таассуф билдириб, агар оқсоқоллар расмий ҳужжатга имзо чекишдан бош тортсалар, унда Ўрдага шаҳар ҳунармандларидан кўпгина вакил чақириш жабини маълум қилди.

Чоршанба куни у тўрт даҳа ҳунармандларидан етмиш чоғлиқ кишини Ўрдага таклиф қилди. Улар ичиде кулоллардан Мирҳайдар, Қамбарали, Султонмурод Қоратойлар бор эди. Бир неча косиблар, дўкандорлар ҳам чақирилган. Ҳунармандларнинг Ўрдага таклиф этилиши тўрт даҳа оқсоқолларини, шайхулислом билан қози калонни Ўрдага келишга мажбур қилди. Катта хонадан чиқиб келган генерал оқ қўлқопини ечиб қўл ушлашиб саломлашди. Баъзилар билан бош қимирлатиб, ишора билан омонлашди. Генералнинг бозорда

Шайхантоҳур қабристони — Алимқулибек қабрини зиёрат қилгани, мактабхоналарда бўлгани эл ичига тарқалиб кетган эди. Хушбичим генералнинг бугунги муомаласи ҳам меҳмонлар диққатини ўзига тортди. У одамларни ҳовли четидаги катта айвонга — турли ноз-неъматлар билан безатилган столларга таклиф қилди. Ўзи қози калон билан ёнма-ён ўтирди. Бир лаҳзадан кейин у тилмоч татарга бир нима деди. У дарҳол ўрнидан туриб, нарида ўтирганларга мурожаат қилди:

— Сизларнинг орангизда Мирҳайдар диган киши борми?

— Ҳа, бор,— деди яқинроқда ўтирган Қамбарали қўли билан Мирҳайдарни кўрсатиб,— мана бу киши бўладилар.

— Ўрнингиздан туриб, генерал жанобларига яқин келигиз,— деди таржимон.

Мирҳайдар ўрнидан туриб, яқинроқ келди. Генерал унинг устидаги оқ яктакка, ёлдор кўксига, тепадак кифтига, икки қават белбоғига, ағдарма этигига осиб олгани — жез пойнакли пичоғига ҳам мароқ билан қаради.

— Сиз бу ерда бошбошдоқликнинг жабрини тортган кишисиз. Юрагингиздаги яхши ниятингизни эшитдик. Россияга қўшилиш нияти бунда илгаридан борлиги ва бунинг учун ҳаракат қилганларни биз қадрлаймиз. Император ҳазрати олийлари номидан кумуш медаль билан тақдирлайман.— У ёнидаги офицер ушлаб турган медални Мирҳайдар яктагига тақиб қўйди.

Ўтирганлар ичидан: «Муборак бўлсин!» деган товушлар эшитилди. Бу сўзларни таржимон тезликда генералга тушунтирди.

— Жаноб ҳоким,— деди бир лаҳзадан кейин Мирҳайдар табассум қилиб турган генералга мурожаат этиб,— бундоқ инъом учун қуллуқ. Менчалик жабр кўрганлар кўп, беҳисоб. Биз ҳунармандлар бу ердаги Русия савдогарларидан мато, тошбўёқ, атирсовун, самовар сотиб олардик. Русия фуқароларининг бизларга ёмонлик қилишига асло ишонмаймиз. Ҳамма ҳам ўз юртини севади. Бунда Русияни кўриб келган мўътабар зотлар бор. Лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, қон тўкилганини биз маъқул кўрмаймиз! Икки томондан ҳам одам ўлди, энди бундай қиргин бўлмаслиги, бола-чақаларимиз тинч, иноқ бўлиши учун биз бу тадбирга розимиз.

Гапларим ноўрин бўлса, бу ерда ўтирган кишилар айтсин. Қани, нима дейсизлар?

— Тўғри!— дейишди орқада ўтирганлар баробар.

Генералнинг табассуми ўчиб, ўйламсираб қолди. Лекин у бу гапдан кулол олдида ноқулай ҳолда қолмаслик учун яна унга қараб мулоимлик билан сўради:

— Биздан нима тилагингиз бор?

Мирҳайдар жуда мамнун эканлигини айтди. Бир лаҳзалик сукутдан кейин у илтимоси ҳам борлигини маълум қилди. Қози калон билан шайхулислом бир-бирлари билан шивирлашишди: «Бу ярамас яна бир нима сўрайди, пул сўрайди!» деди қози, «Йўқ, менинг назаримда, бу ялангоёқ сигир сўрайди», деди шайхулислом. «Тезаксиз майдон бўлмас, тақсир. Пасткашлик қилиб, бир нима сўрамаса яхши бўларди. Шу ярамасларни чақириб нима қилардингиз!» Орқада ўтирган ҳунармандлар Мирҳайдарга, генералга ҳаяжону завқ билан тикилиб турардилар.

— Мен сиздан сўрардимки,— деди Мирҳайдар деди,— зиндонда бир яхши одам ётибди. У кимсани озод этсангиз. У зот жуда яхши, пок одам. У зот биз, тошкентликларнинг ҳаммамиздан ҳам пок одам. У зотнинг исми шарифлари мавлоно Абдуваҳоб Шоший...

Бу сўзни эшитган генерал ёнида терлаб, ерга қараб ўтирган қози калонга қаради. Бир лаҳзадан сўнг генерал Мирҳайдарга қаради.

— Сиз айтган ўша одам шу кундан бошлаб зиндондан озод этилди.

— Ташаккур! Унта тилагим бўлса ҳаммаси ҳам шу!— деди Мирҳайдар жойига ўтира туриб.

...Расмий ҳужжатга ҳунармандлар номидан Мирҳайдар имзо чекди.

Зиёфат тарқалгач, ҳовлида у мўйловдор бир рус солдати билан учрашиб қолди. Тўғрироғи, солдатнинг ўзи Мирҳайдарнинг йўлини тўсди. У таржимон татарни ҳам бир лаҳзага таклиф этди.

— Сиз кулол экансиз, мен дурадгорман. Бу — зарурат, дейдилар. Буни тушуниш керак. Биз, мана бирлашдик. Туғилмоқ — яхши, лекин у қонсиз, дардсиз, оқ-воҳсиз бўлмайди. Тўғрими, ошна?

— Тўғри!

— Агар бизлар аввалроқ бирлашиб олмасак, бу ерларни инглизлар босиб олмоқчи экан.

— Ҳа-ҳа.

— Сизнинг ҳам, бизнинг ҳам бола-чақаларимиз бир куни келиб хурсанд бўлади. Мен бунга жуда ишонаман. Келинг, биродар бўлайлик!

Мирҳайдар билан кекса рус солдати бир-бирлари билан қучоқлашиб омонлашишди. Буни ҳовлидагиларнинг ҳаммаси кўрди.

Бу воқеа эртасига шаҳар аҳолиси қулоғига ҳам етди. Қозидан бошқа ҳамма одамлар Мирҳайдар билан рус кишининг қучоқлашганини гаплашишди. Қози калонга қолса бу воқеани элга билдирмасди. Ҳа, юз қоп оғзини боғлаш мумкин, лекин эл оғзини боғлаб бўлмайди.

Эртасига эрта билан Мирҳайдар бир тўп ёр-биродарлари билан Эскижўвага — Бегларбеги мадрасаси ёнига келди. Бу ерда уни кутиб турган кадватлик, сақичмонлик, себзорлик, кўкчалик ҳунармандлар тўпланишиб, кўчани тўлдириб Ҳадрага, ундан Қорёғди орқали зиндонга йўл олишди. Тўда олдида Мирҳайдар кулол борарди. Ўтган-кетган ҳам, кўча четида турганлар ҳам, аравакаш, дўкондорлар ҳам унга тикилишарди, у бўлса мағрур ва дадил қадам ташлаб ҳаммадан олдинда борарди.

Улар зиндон дарвозасига етиб борганида, кечаёқ чоҳдан чиқарилган мавлоно Абдуваҳоб Шоший зиндон ҳовлисида, эски бордон устида ўтирарди. Мирҳайдар югурганича бориб Абдуваҳоб Шоший билан қучоқлашди. Мавлоно бемажолликдан ўрнидан туролмасди. Ўтирган жойида бошқалар билан ҳам омонлашди.

Зиндон бир қадар ҳувиллаб қолган эди. Зиндонбонлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишибди. Фақат биргина Бойтеват ивирсиб юради. Қамбарали Бойтеватга ўқрайиб, белбоғидаги пичоғини ушлаётган эди, кузатиб турган Абдуваҳоб Шоший уни раъйдан қайтарди.

— Йўқ, ундоқ бўлмасин! Унинг ўзи ҳам зиндон маҳбусидек нарса. Бу ердан хўрак топиб, ўрганиб қолгани учун бошқалардек қочиб кетолмай, ўралишиб юрибди. Унга тегманглар...

Иигитлар кўчадан от-арава олиб келиб, Абдуваҳоб Шошийни авайлаб кўтариб аравага чиқаришди. Тўда яна орқага қайтди. Тўда олдида Мирҳайдар борарди. Арава устида эса бошига маллача ўраб олган серсоқол мавлоно Абдуваҳоб Шоший бир даста китобларини қўлтиқлаб ҳамма ёққа тўймай боқарди.

Майингина баҳор шамоли мавлоно кўкрагига урилар, елкасига, бошига тушиб турган офтоб танидан зиндон сўриб олган ҳарорат ўрнига ҳарорат бераётгандай туюларди. У аравада туриб, олдинда бораётган Мирҳайдарга қарар, у ҳаммадан ҳам катта, чинакам Рустам — тоғларни қулатувчи паҳлавон бўлиб кўринар эди. Одамларга қарар — улар ҳеч нарсадан қўрқмайдиган забардаст ва аҳил эди. Атроф ёққа боқарди. Ҳамма ёқда наврўз яшиллиги! Қўлтиқлаб олган китобларига боқарди. Ҳа, бу китоблар — ҳақиқат, ҳақиқат ҳеч қачон зиндонда чириб кетмайди. Ҳақ жойига қарор толганидан ғоятда шод эди...

1963—64 йиллар

МУНДАРИЖА

ҲИКОЯЛАР

| | |
|----------------------------|-----|
| Қуламас қоя | 7 |
| Бир хумча тилла | 15 |
| Нуқра | 22 |
| Дорбозлар | 31 |
| Топилган ҳусн | 39 |
| Созанда | 43 |
| Сурат | 48 |
| Шўралаган ҳусн | 52 |
| Қумри ва Таманно | 57 |
| Занглаган қилич | 64 |
| Яширинган куч | 70 |
| Ҳаётга қайтиш | 76 |
| Жаноб Питте | 84 |
| Супургига сажда | 88 |
| Ал Маҳдий | 93 |
| Йўқолган жавоҳир | 102 |
| Илон ўйнатувчи | 110 |
| Фирибгар | 117 |
| Сидқий тақдири | 122 |
| Нил устида ой | 129 |
| Онаизор | 139 |
| Маширқий ҳаёти | 144 |
| Ибис қушлари | 151 |
| Мона | 155 |
| Бир ғазал тарихи | 161 |
| Жабрдийда | 163 |
| Кўринмас ҳалқа | 169 |
| Фаришта | 174 |

| | |
|------------------------------------|-----|
| Чоҳ | 179 |
| Тирик тоvon | 183 |
| Қурумсоқ | 188 |
| Жиблажибон | 192 |
| Ясама гул | 197 |
| Феълан кучсизлик | 200 |
| Югурдак | 204 |
| Иввогар у дунёда | 208 |
| Бир мунофиқ ҳақида | 214 |
| Ҳужжат | 217 |
| Мусича одам | 220 |
| Жаҳолат панжаси | 223 |
| Юзида ниқоби бор | 229 |
| Қўйнидан тўкилса қўнжига | 232 |
| Сўгал | 236 |
| Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ | 240 |
| Миҳлар ва пўкаклар | 243 |

Қиссалар

| | |
|------------------------------|-----|
| Жамила | 251 |
| Искандария кўрфази | 318 |
| Ғурбатдаги одам | 333 |
| Мўтирал | 343 |
| Тунги чақмоқлар | 351 |

На узбекском языке

МИРМУХСИН

Рассказы и повести

Редактор *Ж. Насриддинова*
Рассомлар *М. Громико ва Э. Валиев*
Расмлар редактори *Г. Фролов*
Техн. редактор *Э. Саидов*
Корректор *Ш. Собирова*

Босмахонага берилди 15/1—1972 й. Босишга рухсат этилди 25/1V—1972 й.
Формати 84×108¹/₃₂ Босма л. 13,25, Шартли босма л 22,26, Нашр л. 20,43.
Тиражи 60000 Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,
Навий кўчаси, 30. Шартнома 111 — 71

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Тошкент поли-
графкомбинатида № 1 қозонга босилди. Тошкент, Навий кўчаси, 30. 1972 йил,
казак № 1707 Баҳсен 5-муқовада 78 т., 7-муқовада 89 т.

Мирмуҳсин.
Ҳикоялар. Қиссалар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
424 бет.

Мирмуҳсин. Рассказы и повести.

Уз

Индекс 7—3—3.